



Амӣр Темурнинг
бу суврати Н.Мордониини
Ҳиндистон тарихи китобидан олинди

ИБН АРАБШОХ



АЖОИБ АЛ-МАҚДУР ФИ ТАРИХИ ТАЙМУР

(ТЕМУР ТАРИХИДА ТАҚДИР
АЖОЙИБОТЛАРИ)

I КИТОБ

ТОШКЕНТ — «МЕҲНАТ» — 1992

Соҳибқирон Амир Темур ва у ҳукмронлик қилган давр ҳақида кўплаб тарихий асарлар яратилган. Улар муаллифларнинг нуқтан назари ва Темур шахсига муносабатига кўра бир-биридан фарқ қилади. Ибн Арабшоҳнинг ушбу асари эса муаллиф гувоҳ бўлган, ўзи бевосита иштирок этган воқеаларни тасвирлагани билан ҳам фоят муҳим тарихий аҳамиятга эгадир.

Биринчи жилда соҳибқироннинг болалиги, Самарқанд тахтини эгаллашидан вафотига қадар бўлиб ўтган воқеалар тасвири ўрни олган. Иккинчи жилда Амир Темурнинг вафотидан кейинги давр воқеалари, тож-тахт учун талашлар баён этилган. Изоҳлар, жуғрофий жойлар ва исмлар кўрсаткичи асарнинг иккинчи жилдида берилган.

Кенг китобхонлар оmmasига мўлжалланган.

Сўз боши, араб тилидан таржима ва изоҳларни филология фанлари номзоди УБАЙДУЛЛА УВАТОВ тайёрлаган.

Тақризчилар — Н. ИБРОҲИМОВ, филология фанлари доктори, профессор,
А. ҲАСАНОВ, тарих фанлари номзоди, доцент.


Масъул муҳаррир — А. УРИНБОЕВ, тарих фанлари доктори.

Муҳаррир — Мансур ТЕНГЛАШЕВ, филология фанлари номзоди.

Китоб Ўзбекистон Республикаси Матбуот Давлат қўмитаси қoшилаги «Ижод» давлат кичик корхонасининг молниявий иштироки ва буюртмаси асосида chop этилди. Шартнома баҳосида харид қилинган қоғозга босилди.

ISBN 5—8244—0896—3 (ч. I)
ISBN 5—8244—0897—1

© ДДК «Ижод», 1992 (арабчадан таржима).

 **М**амлакатимизда амалга оширилаётган қайга қуриш шарофати туйғайли ўтмиш авлодлардан мерос қолган ёзма манбаълар, маданият ёдгорликларини ҳар томонлама чуқур ва танқидий ўрганишга алоҳида эътибор берилмоқда.

Маълумки, жаҳон маданияти хазинасининг таркибий қисмларидан бири ҳисобланган араб тилидаги адабиёт фақатгина араблар эмас, балки кўпгина халқлар намояналари томонидан яратилган ўлмас ёдгорлик бўлиб, у ўз тараққиётида узоқ ва мураккаб йўлни босиб ўтди. Аббосий халифалари (750—1258) даврида, айниқса дастлабки уч асрда фан ва адабиёт, шунингдек, тарихнавислик ҳам равнақ топди. Халифаликнинг пойтахти Бағдод шаҳри адабиёт ва илмий тафаккурнинг марказларидан бирига айланиб, араб тили эса илм ва фан аҳллари учун асосий восита ролини ўйнади. Чунинчи, Г. Ш. Шарбатов таъкидлаганидек, «араблар ҳамда маданият ва илму фанда араб тилини халқаро тил тариқасида қўллаган Урта Осиё, Эрон, Кавказ ва Шарқнинг бошқа халқлари томонидан яратилган кўпдан-кўп бадий, тарихий, жуғрофий, илмий ва диний асарлар ҳам мана шу даврнинг маҳсулидир».

Илмий қиймати жиҳатидан қай даражада бўлмасин, араб тилида ёзилган манбалардаги характерли хусусият шундаки, уларда араблар тарихигина ҳикоя қилиниб қолмай, балки ўтмиши қисман бўлса-да, улар билан алоқадор бошқа халқлар тарихига доир ҳам қатор маълумотлар келтирилади. Жумладан, турли замонларда яратилган араб тилидаги манба-

ларда ҳозирги Ўрта Осиё таркибига кирган ўлкалар ва халқлар ҳақида кўпгина қимматли фактларни учратамиз. Мана шу хилдаги жуғрофий маълумотлар Ибн Хурдодбех, Истаҳрӣ, Ибн Хавқал, Мақдисӣ, Ибн Батута ва бошқа арабийнавис географлар асарларида мавжуддир. Ватанимиз халқлари тарихини ўрганишда Ибн Ҳажар ал-Асқалонӣ, Ибн Дўқмоқ, ад-Мақризӣ, Бадруддин ал-Айний, Ибн Арабшоҳ, Ибн Тагриберди, Ибн аш-Шихна, Ибн Ййос каби ўрта аср араб тарихнависларининг асарлари муҳим маълумотлар беради. Шунинг таъқидлаш керак-ки, мазкур асарларда келтирилган маълумотларнинг ҳаммаси ҳам бир хил аҳамиятга эга деб бўлмайди. Чунончи, бу ҳол кўпгина сабабларга, хусусан, асар муаллифи ихтиёрида бўлган фактик маълумотларнинг миқдори, унинг мақсади ва воқеаларга спифий ёндошиш тарзига ҳам боғлиқдир. Мана шу жиҳатлардан қараганимизда, XV аср араб тарихнависи Ибн Арабшоҳнинг «Ажонб ал-мақдур фи тарихи Таймур» («Темур тарихида тақдир ажойиботлари») ¹ номли асари бошқа асарлардан фарқли ўлароқ мамлакатимиз халқлари тарихини ёритишда алоҳида аҳамият касб этади. 1436—1437 йилларда ёзилган бу асар, асосан XIV асрнинг охири ва XV асрнинг биринчи ярмидаги Ўрта Осиё ва Ўрта Шарқ мамлакатлари тарихига доир муҳим тарихий манбалардан бири ҳисобланади. Асарнинг аксар ҳолларда муаллиф Самарқандда яшаганда олган таассуротлари ҳамда Мовароуннаҳрдан жўнаб кетгач, илгарироқ Темур томонидан забт этилган бир қанча шаҳар ва мамлакатларда саёҳатда бўлиб, у жойларда кўрган ва эшитганлари, шунингдек, муаллиф замондошларининг ҳикоялари тарзидаги фактик маълумотларга асосланиб ёзилиши унинг ишончли тарихий манба эканлигидан далолат беради.

Шу билан ҳам «Ажонб ал-мақдур» XVII асрдан бошлаб қатор (француз, лотин, турк, инглиз) тилларга таржима қилиниб, унда келтирилган маълумотлар кўпгина тадқиқотларда ўз изини қолдиргани ҳам фикримизни тасдиқлайди.

«Ажонб ал-мақдур» ни танқидий ўрганиб, ундаги маълумотлардан илмий тадқиқотларда фойдаланишда совет олимларининг хизмати ҳам каттадир. Мазкур асарда келтирилган маълумотлар турли йўналиш ва да-

¹ Бундан кейин «Ажонб ал-мақдур» деб келтирамыз (тарж).

ражада жалб қилиниб ёзилган йирик тадқиқотлар, ри-
 солалар ва илмий-оммабоп мақолалар олимларимизнинг
 Ибн Арабшоҳ асаридан самарали фойдаланганидан да-
 лелат беради. Лекин шу билан бирга раиғ-баранғ фак-
 тик маълумотларга бэй бўлган оу асарни ҳар томонла-
 ма мукаммал ўрганилган деб ҳисоблаш¹ ҳозирча унча
 тўғри эмас. Совет тарихий адабиётларида ҳозиргача
 мазкур асарга бағишланган бирорта махсус мақоланинг
 йўқлиги фикримизнинг асосли эканлигига далилдир.
 «Ажонб ал-мақдур» да ҳали тадқиқотчилар диққатидан
 четда қолган илмий, тарихий, жугрофий, маданий аҳа-
 миятга молик талайгина маълумотларнинг мавжудлиги
 ушбу асарнинг турли соҳа мутахассислари, жумладан,
 тарихчилар, географлар, санъатшунослар, тилшунослар
 томонидан янада чуқурроқ ўрганилишини тақозо этади.
 Бунинг амалга ошишига эса, бизнингча қуйидаги са-
 баблар салбий таъсир кўрсатмоқда: бир томонидан, ҳа-
 нузгача «Ажонб ал-мақдур»нинг Ватанимиз халқлари
 тилларидан бирортасига ҳам тўлиғича таржима қилин-
 маганлиги бўлса, иккинчи томондан асарнинг гоятда
 мураккаб тил ва нафис услубда ёзилганлиги ҳар хил
 соҳа мутахассисларининг унда бемалол фойдаланиши-
 га маълум даражада ноқулайлик туғдиради. Дарвоқе,
 Ибн Арабшоҳ асарининг шу пайтгача илмий асосда ба-
 жарилган мукаммал таржимаси йўқлигига ҳам, акаде-
 мик И. Ю. Крачковский таъбири билан айтганда, унинг
 «бадний нафислиги айбдордир»².

Юқоридан айтилганлардан кўрииб турибдики, Ибн
 Арабшоҳ асари тарихий манба сифатида катта аҳамият-
 га эга бўлиб, махсус тадқиқотни тақозо қилади. Мана
 шу мулоҳазаларни эътиборга олиб, биз ушбу асарни ўз
 тадқиқотимиз мавзун сифатида ташлаб, уни тўлиғича
 ўзбек тилига таржима қилишни лозим топдик. Шу би-
 лан бирга, асар муаллифининг ҳаёти ва илмий фаолияти
 ҳақида ҳам муфассалроқ баён қилишга интилдик.
 «Ажонб ал-мақдур»ни махсус ўрганишдан олдимизга
 қўйган асосий вазифалардан бири — асарда келтирил-
 ган фактик маълумотларни ўша давр расмий тарихчи-
 лари ва бошқа муаллифлари асарларидаги маълумот-

¹ «Ажонб ал-мақдур»нинг Сандерс томонидан бажарилган
 инглизча таржимасига И. Ю. Крачковский ёзган тақриз бундан
 мустасно.

² И. Ю. Крачковский, Избр. соч. т. IV, 513-бет.

лар билан муқояса қилиб, юз берган воқеаларни ҳақиқатга яқинроқ тарзда аниқлашга ҳаракат қилишдир. Чунончи, Урта Осиё халқлари тарихининг XIV аср охири ва XV аср биринчи ярмига онд даври хилма-хил йўналишда ёзилган тарихий манбаларнинг кўплиги билан характерланиб, уларнинг аксарияти бизгача етиб келган.

Шу боис, академик В. В. Бартольд бу давр тадқиқотчиси «материалларнинг танқислигидан эмас, балки кўплаб кутубхоналарга тарқалиб кетган, танқидий ёндошиш, энг аввало танқидий нашр этишни тақозо этадиган материалларнинг кўплигидан қийинчиликка дуч келади»¹, деб таъкидлаган эди.

Яна шуни қайд қилиш керакки, ушбу давр ҳақида асар ёзган ўрта аср муаллифлари яратган асарларининг характери ва моҳиятига қараб асосан икки гуруҳга бўлинмадилар. Биринчи гуруҳга ўз даври расмий тарихнавислик аъёнчаларига риоя қилиб ёзилган солномалар муаллифлари Ғиёсуддин Али, Низомуддин Шомий, Шарофуддин Али Яздий, Ҳофиз — Абру, Абдураззоқ Самарқандий, Мирхонд, Хондамир, Муниддин Натанзий каби маҳаллий тарихнавислар мансуб бўлса, иккинчи гуруҳ муаллифлари эса турли мамлакатлар вакиллари билан иборатдир. Дипломатик хизмат юзасидан XV асрнинг бошларида Темур ва унинг авлодлари ҳукми остида бўлган кўп шаҳарларда, жумладан, Самарқандда ҳам бўлган испаниялик (Кастилия) элчи Клавихо, шунингдек, ўз мамлакатига Темур юришлари зиён-заҳматларининг аламини чеккан арман тарихчиси Фома Мецопский, рус солномачилари ҳамда юқорида зикр қилганимиз ўз тарихий асарларида мазкур даврдаги воқеаларга кенг тўхтаб ўтган XV аср араб тарихчилари шулар жумласидандир. Шунинг таъкидлаш лозимки, иккала гуруҳ асарларида келтирилган маълумотларни бир хил аҳамиятга эга деб бўлмайди. Юз берган воқеаларнинг гувоҳи ёки бўлмаса эгаллаган мавқелари туфайли содир бўлган ишлардан яхши хабардор биринчи гуруҳ тарихнависларидан кўпчилиги келтирган тарихий маълумотлар тўлалиги, аниқлиги ва изчиллиги билан ажралиб турса, ушбу имкониятларга тўлиқ эга бўлмаган иккинчи гуруҳ муаллифлари асарларида эса, бу қадар

¹ В. В. Бартольд, Соч. т. II (2), 199-бет.

тўлаллик ва изчиллик сақланмай, воқеалар жараёни бир-бирига узвий боғланмаган, чалкаш тарзда ёритилган ҳоллар ҳам учрайди. Шу бонсдан ҳам биз «Ажонб ал-мақдур» нинг ушбу ўзбекча тўла таржимасида Ибн Арабшохнинг маълумотларини маҳаллий муаллифлар маълумотлари билан муқояса қилиб, илмий аҳамиятга эга бўлган фарқларни изоҳларда изчил кўрсатиб беришга интилдик.

Ибн Арабшохнинг илмий жамоатчиликка азалдан маълум бўлган бу тарихий-бадий асари Темурнинг ҳаёти ва фаолияти ҳамда XIV асрнинг охири, XV асрнинг биринчи чорагида содир бўлган воқеаларни ўз ичига олади. Мазкур асар Темур ва унинг сиёсатига танқидий муносабатда ёзилганлиги билан шу хилдаги бошқа манбалардан ҳам алоҳида ажралиб туради. Дарвоқе, муаллифнинг шахсий ҳаётига назар ташланса, бу аҳвол бонси муайян даражада равшанлашади. Дастлаб 1401 йилда ўн икки ёшли Ибн Арабшох ўз она юрти Дамашқнинг Темур қўшинлари томонидан аёвсиз вайрон қилиниб, харобага айланганлигининг шоҳиди бўлган, сўнгра онаси ва биродарлари билан Самарқандга тутқун сифатида зўрма-зўраки олиб кетилиши ҳам унинг дилида аламли доғ қолдирган эди. Самарқанддан кетгач, Хоразм, Мўғулистон, Дашти Қипчоқ, Сарой, Астрахань, Туркия каби Темур қўшинлари томонидан бирма-бир забт этилиб, босиб олинган мамлакатлар ва шаҳарлардаги харобаликларни ўз кўзи билан кўриб, маҳаллий аҳолидан бу хусусда хилма-хил ҳикоят ва ривоятларни эшитган тарихчининг бу тарзда ҳикоя қилишини, табиий ҳол деб ҳисобламоқ лозим. Ўз даврининг ўқимишли ва етук мулоҳозали кишиси сифатида муаллифнинг ўз кўрганлари ва эшитганлари асосида танқидий руҳда ёзилган ҳамда ўша давр ҳаётининг турли томонларига оид илмий аҳамиятга моллик кўпгина фактик маълумотларни жамлаган бу асари, бир томондан Темур шахси ва фаолиятини мадҳияли тарзда ёритган бошқа асарлардан маълум даражада ажралиб турса, иккинчи томондан, унда муаллифнинг шахсий адовати ёки бадий безакка берилиб кетиши туфайли баъзан чалкаш фактлар, тахминий талқин қилинган ҳолларнинг учраши мазкур асарга ғоятда танқидий ёндошиш зарурлигини тақозо этади.

ИБН АРАБШОҲНИНГ ҲАЁТИ

Ибн Арабшоҳнинг тўлиқ исми Шаҳобуддин Аҳмад ибн Муҳаммад ибн Абдуллоҳ ибн Иброҳим бўлиб¹, у 791 хижрий йили зу-л-қаъда ойининг ўртасида (1389 йилнинг 5 ноябрида)² Дамашқ (Сурия) шаҳрида туғилган. Ибн Арабшоҳ асли дамашқлик бўлгани учун унга ад-Дамашқий, деб нисбат берилса-да, бирмунча вақтлар усмонли турклар ҳузурда (Кичик Осиёда) яшаганлиги учун ар-Румий ҳамда ёшлигидан ватанидан кетиб, кўп муддат хорижий юртларда истиқомат қилганлиги учун унга ал-Ажамий деб ҳам нисбат берилган³. Гарчи Эронга ҳеч бир муносибати бўлмаса-да, Ибн Арабшоҳни асли эронлик деган фикр ҳам учраб⁴, умрининг кўп қисмини саёҳатларда ўтказганлиги учун Ибн Арабшоҳ лақабини олганлиги қайд қилинади⁵. Унинг ота-онаси тўғрисида ва ёшлик йиллари ҳақида деярли ҳеч қандай маълумотга эга эмасмиз 1401 йили Темур Шом (Сурия) ни забт этгач, Дамашқдан жуда кўп олимлар, фозиллар, меъморлар, рассомлар, касиб ва ҳунармандларни Мовароуннаҳрга олиб кетди⁶. Шулар жумласидан ўн икки яшар Ибн Арабшоҳ ўз онаси, биродарлари ва баъзи қариндошлари билан Самарқандга олиб кетилди. Мана шу нуқтан назардан қараганимизда, Ибн Арабшоҳ оиласи мазкур тоифалардан биринга мансуб бўлиши эҳтимол⁷.

Самарқандда яшаган йилларида (1401—1408) Ибн Арабшоҳ ўз билимини истаганча оширишга муяссар бўлганлиги ва кейинчалик жуда кўп ўлкаларга саёҳат қил-

¹ Муаллиф ўз асарига ўзи ҳақида деярли ҳеч қандай маълумот келтирмаган. Бинобарин, унинг ҳаёти ва фаолиятини ёритишда биз асосан қуйидаги манбаларга таяндик: а) Ас-Саҳавий, Ад-давъ ал-ломъ, 2-жилд, 126—131-бетлар. б) «Шўро» журнали, 1909, 683-бет. в) Аз-Зирикки, Ал-Аълум, 218-бет. г) Ал-Муаррихун, 22—23-бетлар.

² Баъзи адабиётларда Ибн Арабшоҳнинг 1388 ёки 1392 йилда туғилганлиги қайд қилинса-да, лекин аксар фикрчилар ва ишончли манбаларда 1389 йил зикр қилинган.

³ Муъжам ал-муаллифийн, 2-қисм, 122-бет.

⁴ Деҳхудо, Луғатнома, 1-жилд, 329-бет.

⁵ Аз-Зирикки, ал-Аълум, 1-қисм, 218-бет.

⁶ Бу ҳақда Ибн Арабшоҳнинг ўзи ҳам ёзади: Ажонб ал-мақдур, 114—115-бетлар. Бундан кейинги «Ажонб ал-мақдур»га қилинадиган иловалар мазкур асарнинг 1305 (1888—1889) йил Қоҳира нашрига асосланади.

⁷ Ас-Саҳавий, Ад-давъ ал-ломъ, 2-жилд, 127-бет.

ганлиги у Самарқандда бирор тазйиқ остида яшамаганлигидан далолат беради. Шарқшунос Ш. Ръёнинг (1820—1902) кўрсатишича, «ат-Таълиф ат-Тоҳир» (варақ 21 б) номли бир асарида Ибн Арабшоҳ ўзи ҳақида ёзиб, ўз даврининг улуг подшоҳлари саройида бўлиб, улардан кўпларининг, хусусан, Ҳинд, Эрон, Деҳли, Дашти Қипчоқ ва Рум билан бир қаторда Чигатой ҳукмдорлари хизматини ўтаганлиги тўғрисида ҳикоя қилади. Гарчи муаллиф қандай хизматда бўлганлигини ёзмасада, унинг сарой аҳллари билан муносабатда бўлганлигига қисман асос бор. Чунончи, Ибн Арабшоҳ Самарқандда бўлган даврида шу жойдаги баъзи эътиборли кишилар билан ўтказган суҳбатини ўз асари «Ажойб ал-мақдур»да бир неча бор такрорлайди. Жумладан, унинг ўша давр етук астраномларидан бири Мавлоно Аҳмад, шатранж ўйинининг моҳир устаси Алоуддин ва Темурнинг машҳур амирларидан бири Оллоҳдод билан бўлган суҳбати ҳақидаги фактлар ҳам фикримизга далилдир.¹

Ўша вақтда Самарқандда истило этилган мамлакатлардан келтирилган таниқли олим, табиб, фақиҳ, санъаткор ва хунармандларнинг кўп бўлганлиги Ибн Арабшоҳ каби илм толибларининг етарли билим олишига ижобий таъсир кўрсатди. Бир томондан у форс, турк ва мўгул тилларини ўрганди², иккинчи томондан эса Идику Темур мадрасасида Саййид Шариф Муҳаммад Журжоний (1339—1413) ва Шамсуддин Муҳаммад ал-Жазарий (1350—1449) каби машҳур олимлардан таълим олди³.

1408 йилдан бошлаб Ибн Арабшоҳнинг ҳаёти тўхтовсиз саёҳатлар билан боғлиқдир. Хитой, Мўғулистонга қилган саёҳатлари давомида ҳам Ибн Арабшоҳ илм аҳллари суҳбатида бўлиб, улардан истифода этди. Шундан кейин Хоразм орқали ўтиб, Урол ва Итил (Волга) бўйларида бир оз муддат бўлгач, Дашти Қипчоқнинг пойтахти Сарой шаҳрига борди¹. Бу шаҳарда машҳур фикҳ олими ва тарихчи Ҳофизуддин Муҳаммад ибн Носируддин Муҳаммад ал-Баззозий (вафоти 827 (1431—1432) ҳузурида кўп муддат таҳсил этди. Сўнгра Аштархон шаҳрига бориб, анча муддат у ерда яшади.

¹ «Шўро» журнали, 673-бет.

² Ажойб ал—мақдур, 159-бет.

³ Ас—Сахавий, Ад—давъ ал—ломий, 2-жилд, 127-бет.

Унинг Абдулваҳоб исмли ўгли 813 (1410) йилда Аштархонда дунёга келди. Кейин Ибн Арабшоҳ Қримга ўтиб, унда бир қанча уламоларнинг суҳбатига бўлди. Бу жойда уни гоётда қувонтирган нарса туркча «Мунис ал-ушшоқ» («Ошиқлар дўсти») номли асар соҳиби шоир ва адиб Абдулмажид билан бўлган учрашуви эди.

1411 йилда Ибн Арабшоҳ Қора денгиз орқали ўтиб, Андрианополга, турк султони Муҳаммад I нинг (1413—1421) саройига келди. Дастлаб у, султоннинг ўгли Мурод II ўқиши учун форс ва араб тилларидаги туркчага китоблар таржима қилиш билан машғул бўлиб, бир нечта асарларни таржима қилди.

Шу пайтда султон саройида хизматда бўлган Шамсуддин ибн Ҳамза ал-Фанорий ва Бурхонуддин Ҳайдар ал-Ҳавофий каби тасаввуф ва мантиқ илмидаги машҳур олимлар билан дўстона муносабат ўрнатди. Адабиёт илмидаги қудратнинг ифодада кўрсатиши, иншосининг зариф ва нафислиги ҳамда бирмунча хорижий тилларни мукамал билганлиги билан султоннинг ҳурмат-эҳсон ва илтифотига муяссар бўлган Ибн Арабшоҳ, инҳоят султон ҳукуматида котиб ус-сир («шахсий котиб») даражасига кўтарилди. Муҳаммад I нинг котиб сифатида унинг номидан узоқ ва яқин мамлакатлар билан бўладиган ёзишмалар араб, форс, турк ва мўғул тилларида Ибн Арабшоҳнинг иншоси билан битилар эди. Турклар пойтахтида ўн йилча бўлгач, Ибн Арабшоҳ 1421 йили Муҳаммад I нинг вафотидан кейин ўз она юртига қайтишга қарор қилади. У 1421 йили Ҳалабга, 1422 йилнинг ёзида эса Дамашққа етиб келди¹. Сўнг Ибн Арабшоҳ узоқ муддат ўз она юртида яшади, у яратган асарларнинг айримлари шу давр маҳсулидир.

1429 йили Ибн Арабшоҳ Маккага ҳажга боради, 1436 йилда эса Қоҳирага келиб, унда бир қанча муддат яшади. Унинг Қоҳирага келишини Ибн Ҳажар ал-Асқалоний², Ас-Саҳавий ва Абу-л-Маҳосин Ибн Тағриберди³

¹ Ас—Саҳавий, Ад—давъ ал—ломнъ, 2-жилд, 127-бет.

² Ибн Ҳажар ал—Асқалоний (1372—1449) — XV аср Миср тарихчиси. У бир қанча асарлар муаллифи бўлиб, «Инба ал—ғумр» номли тарихий асарида ушбу тадқиқотимиз мавзусига оид кўпгина маълумотлар мавжуддир.

³ Ибн Тағриберди (1411—1465 ёки 1469) — машҳур Миср тарихчиси. «Ан—Нужум аз—Зоҳира», «Ал—Манҳал ас—софий» каби қатор асарларнинг муаллифидир.

каби тарихчилар маъқул топиб, у билан дўстона муносабатда бўлдилар.

Қоҳирада бўлган вақтида Ибн Арабшоҳ султон Зоҳир Чақмоқнинг (1438—1453) даъватига биноан бир қанча муддат унинг саройида яшади. Мана шу аснода у султон Зоҳир Чақмоққа бағишлаб, уни мадҳ этиб бир асар таълиф этди¹ ва маҳаллий адиб ва шоирларнинг мунозара ва мушоираларида иштирок этди. Унинг дўстларидан тарихчи Ибн Тағрибердининг айтишича, Ибн Арабшоҳ Қоҳирага бир неча марта келган ва ҳар дафъа келганда насрий ва назмий асарларидан унга парчалар ўқиб берган². Лекин сўнги келувидеда султон томонидан илгаригидек самимий муомала кўрмади. Аксинча, Ибн Арабшоҳнинг ганимлари томонидан етказилган асоссиз иғволарга ишонган султон, уни ҳибсга олишларини буюрган. Ибн Арабшоҳ ҳибсда фақат беш кун бўлган, ҳибсдан чиққач, ўн икки кундан кейин, яъни 1450 йилнинг 25 августи куни вафот қилди ва ўша ер (Қоҳира) да дафн этилди.

ИБН АРАБШОҲ ТАРИХНАВИС ВА АДИБ

Ҳаётининг аксар қисмини ўзга юртларда ғарибликда ва саёҳатларда ўтказган Ибн Арабшоҳ муттасил ўз билиминини оширишга ҳаракат қилди, машҳур илм аҳллари билан учрашди ва улардан имкони борича истифода этди. Кўпгина илмлардан мукамал билимга эга бўлганлиги сабабли Ибн Арабшоҳ ўз даврининг етук тарихнависи, адиби, шоири ва фикҳ олими сифатида машҳур бўлди. У фазилатли гўзал хулқли, хуш суҳбатли киши бўлиб, фасоҳат³ билан наср ва назм иншо қилиб, кўпдан-кўп мақбул шеърлар яратганки⁴, муаллифнинг «Ажойиб ал-мақдур» асарини варақлар эканмиз, бунинг шохиди бўламиз.

Ундан ортиқ тарихий-адабий асарлар Ибн Арабшоҳ қаламига мансубдир. Шулар жумласидан, муаллифнинг «Гуррат ас-сайар фи дувал ат-турк ва т-тотор» («Турк ва тотор сулоларидаги») машҳур кишилар (сйратларидан намуналар) асари ўз номидан ҳам кўриниб турга-

¹ Ал-Муаррихун, 22-бет.

² Ал—Манҳал ас—софий, 2-жилд, 711-бет.

³ Фасоҳат—сўзга усталик, чечанлик.

⁴ «Шуро» журнали, 673-бет.

нидек, қимматли манба бўлиши керак эди. Чунки муаллиф Олтин Урда ва Туркияда шахсан бўлганлиги устига, бир неча йил давомида турк султони Муҳаммад I нинг шахсий котиби сифатида, унинг номидан Олтин Урда хони ва Дашти Қипчоқ ҳокимлари билан битилган эди. Афсуски бу асар бизгача етиб келмаган!

«Миръот ул-алаб фи-л-баён ва-л-маоний» («Маъно ва баёнда адабиёт ойнаси»)² Ибн Арабшоҳнинг ҳар боби мустақил қасида сифатида гўзал услубда ёзилган 2000 байтдан иборат назмий асаридир. Унинг «Жилват ал-амдаҳ ал-жамолия фи хуллатай ал-аруз ва-л-арабия» («Араб тили ва аруз либоси билан безанган гўзал мадҳлар жилваси») номли таълифи баъзи давлат арбобларининг мадҳига бағишланган 183 байтдан иборатдир.

Ибн Арабшоҳ ўз умрининг сўнгги йилларида Қоҳирада бўлган пайтида шоир Бурҳонуддин Боуний ва қози Ҳомидуддин кабилар билан мунозараларга киришганда ўз билими ва адабиёт масалаларидаги устунлиги билан уларни ҳайратда қолдириб, оқибатда уларнинг ҳасадига учради. Уларни ғийбатга олиб келган мана шу ҳасадчилик Ибн Арабшоҳнинг ўлимига сабаб бўлганди³. Мазкур шахслар билан мушоаралар жараёнида муаллифнинг «Хитоб ал-иҳоб ан ноқиб ва жавоб аш-шиҳоб ас-соқиб» («Бадан тешувчи ҳитобга учар юлдуздек (тез) жавоб») номли асари вужудга келган эди. Муаллифнинг таржимаи ҳолига оид «Унқуд ан-насиҳа»⁴ (Бир шингил насиҳат) рисоласидан парчалар Миср тарихчиси Абу-л-Маҳосин ибн Тағрибердиннинг «ал-Манҳал — ас-софий («Мусаффо чашма») номли асари саҳифаларидан ўрин олгандир. Шунингдек, назмий усул билан ёзилган тавҳид илмига⁵ доир «Ал-ақд ал-фарид фи илми-т-тавҳид» (Тавҳид илмида ягона шода) номли рисола ҳам Ибн Арабшоҳнинг қаламига мансубдир. Юқорида зикр қилинганидек, 1436 йилда Ибн Арабшоҳ Қоҳирага келиб бир қанча муддат султон Зоҳир Чақмоқнинг даъватига биноан унинг саройида истиқомат қилади ва султонни мадҳ этиб бир асар яратади. Бу

¹ В. Тизенгаузен, СМИЗО, Т. I, 455-бет, Хожи Ҳалифа, Кашф аз-зунун, 4-жилд, 311-бет.

² Хожи Ҳалифа, Кашф аз-зунун, 2-жилд, 412-бет.

³ Ас-саҳавий, Ад-давъ ал-ломий, 2-жилд, 129-бет.

⁴ Баъзи адабиётларда «Уқуд ан-насиҳа» деб келтирилган.

⁵ Тавҳид илми—идеализм оқимидаги фалсафий қарашларда «ваҳдати вужуд»га оид таълимот.

асар «Ат-Таълиф ат-тоҳир фи шиям ал-малик аз-Зоҳир ал-қоим би-нусрат ал-ҳақ Абу Саййид Чақмоқ») «Ҳақиқат ғалабаси йўлида фидойи Малик Зоҳир Абу Саййид Чақмоқнинг гўзал сифатлари хусусида беғубор таълиф» номи билан аталиб, муаллиф бунда султон Зоҳир Чақмоқнинг фазилатларини мадҳ этиб, уни ҳатто авлиёлар ва муқаддас шахслар мартабасигача кўтарган. Асар султон мадҳидан бошқа бир қанча қимматли тарихий воқеаларни, юз берган ҳодисаларни, кўпгина ҳукмдорлар, олим ва арбоблар ҳақидаги батафсил маълумотларни ҳам ўз ичига олади.

Муаллиф ўз асарига ёзган сўз бошисида Темур ишлари хусусида «Ажоиб ал-мақдур фи тарихи Таймур» деб атаган илгариги китобидаги ёмонликлар баёнида булганган қаламини тозалаш учун ушбу китобни ёзганлиги ҳақида гапирди¹.

Умрининг охириги йилларида, яъни 1448 йилда Ибн Арабшоҳ «Фоқиҳат ал хулафо ва муфоқиҳат аз-зурафо» («Халифалар овунчоғи ва зарифлар эрмағи») номли сажъ билан битилиб масаллар, «Калила ва Димна» шаклида ёзилган бадний-насиҳатомуз асарини яратди².

Бу асар форс тилидаги «Марзбон-нома»нинг қайта ишланган шакли бўлиб, ўн бобдан иборатдир. Мазкур асарнинг 1307 (1889—1890) йилги Қоҳира нашрида³ муаллиф ушбу асарни 858 йил раби ул-аввал (1454 йил, март) оинда тугатгани ҳақида ёзилади. Албатта бу ҳатодир. Асар олдинроқ зикр қилганимиздек, 1448 йилда таълиф этилгандир. Асарнинг арабча матни ва лотинча таржимаси.

1832 йилда Боннда барон Фрейтаг томонидан икки жилдада нашр қилинган.

Ибн Арабшоҳнинг яна бир асари «Таржимон ал-мударжам бимунтаҳ ал-араб фи-л-луғат ат-турк ва л-ажам ва-л-араб» («Турк, аҷам ва араб тиллари таржимони учун гоятда керакли сўзларни тушунтирувчи китоб») XV аср турк тили грамматикасига оид энг нодир асарлардан бири бўлиб, тил соҳасида қимматли ёдгорликдир. Мазкур асарнинг биринчи жилди Париж миллий

¹ Ал-Муаррихун, 22-бет.

² Ленинградда ушбу асарнинг бир нусха қўлёзмаси (инв. № С 651 (682) маъжуддир. Илмий тавсифи ҳақида қаранг: Каталог арабских рукописей, I, стр. 90—91.

³ Бу асарнинг бир нусхаси УзФА Шарқшунослик институтида (инв. № 13046) ҳам сақланади.

кутубхонасида, иккинчи жилдининг ягона нусхаси Тўп-қопу саройи (Туркия) кутубхонасида сақланмоқда. Феъллар қисмини ташкил этган ушбу нусха алифбо сартибига кўра арабча масдарлар ва ҳар масдар боболарининг сўзлари бир-биридан ажратилиб, уларнинг туркча ва форсча муқобиллари кўрсатилгандир. Муаллифнинг 200 байтдан иборат гўзал тартибда ёзилган «Муқадди-ма фи-и-наҳв» таълифи ҳам маълумдир»¹.

Тарих ва адабиётга оид мустақил асарлар ёзиш билан бирга, турк ва форс тилларини мукаммал билганлиги сабабли Ибн Арабшоҳ фаолиятида таржимонлик истеъдоди ҳам катта ўрин тутди. Унинг бу соҳадаги ижоди айниқча Адрианополда, Муҳаммад I саройида бўлган пайтда кенг кўлам касб этди. Мана шу даврда XIII аср форс адиби Жамолуддин Муҳаммад Авфийнинг «Жавомий ал-ҳиқойот ва лавомий ар-ривойот» (Танланган ҳикоятлар ва ёрқин ривоятлар)² номли антологиясини бир неча жилдда форс тилидан туркчага таржима қилди³. X наср иккинчи ярмида машҳур фақиҳлардан саналган Абу-л-Лайс Самарқандийнинг⁴ машҳур «Тафсири»ни ҳам форс тилидан назм билан туркчага ағдарди⁵.

Абу Саъд Диноварий томонидан аббосийлар халифаси Қодир Биллоҳга (991—1031) атаб таълиф этилган «Таъбир ал-Қадирий» номли асарининг назм билан турк тилига қилинган таржимаси ҳам Ибн Арабшоҳ каламига мансубдир. Юқорида зикр қилинган асарлар ва таржималар Ибн Арабшоҳнинг сермахсул тарихнавис ва адиб бўлганлигини кўрсатади. Шу билан бирга, муаллифнинг Темур ва темурийлар даври ҳаётига бағишланиб ёзилган «Ажойб ал-мақдур фитарихи Таймур» номли тарихий асари унинг муҳим таълифи ҳисобланади. «Ажойб ал-мақдир»нинг Қ. Маркс назарига тушиши⁶ ҳам мазкур асарнинг қимматли манба эканлигини кўрсатади. Инглиз шарқшуноси Х. А. Р. Гиббнинг (1895

¹ Муъжам ал—муаллифийн, 2-жилд, 122-бет.

² Мазкур асарнинг бир қўлёмаси Ўз ФА Шарқшунослик институтида (инв. № 2836) сақланмоқда. Унинг илмий тавсифи ҳақида қаранг Собрание восточных рукописей т. II. 402-бет.

³ И. Ю. Крачковский. Изб. соч. т. IV. 329-бет.

⁴ У ҳақда кенгрок маълумот олиш учун қаранг: И. Абдуллаев, Х. Ҳикматуллаев, Самарқандлик олимлар, 16—18-бетлар.

⁵ Ҳожи Халифа, Қашф уз—зунун, 1-жилд, 305-бет.

⁶ Архив Маркса и Энгельса, т. VI, 185-бет.

йилда туғилган) «Темур ҳақида ёзилган «Ажойиб ал-мақдур» асари Ибн Арабшоҳ номини узоқ вақт Европада дoston қилди»¹, деган таъбири ҳам ўша даврда асарга бўлган қизиқиш катта эканлигидан далилдир. Муаллиф ўз асарини «Ажойиб ал-мақдур фи навоиб Таймур» («Темур келтирган мусибатларда тақдир ажойиботлари») номи билан атаган бўлса-да, ушбу асар кейинги барча нашрларида, биографик маълумотларни ўз ичига олган қомусларнинг кўпчилигида «Ажойиб ал-мақдур фи ахбори Таймур» («Темур ҳақидаги хабарларда тақдир ажойиботлари») номи билан зикр қилинади. Ўз асарида қофияга қатъий риоя қилган Ибн Арабшоҳ сарлавҳадаги «ажойиб» сўзига қофия тарзида «навоиб»ни келтирганлиги шубҳасиз. Шу хусусдан ҳам ушбу асар ноширлари кейинчалик асарнинг мазмунига биноан сарлавҳадаги «навоиб» («мусибатлар») ўрнига оддий қилиб «ахбор» («хабарлар»)ни қўйганлар. Ҳозирги вақтда Дамашқдаги (Сурия) Аз-Зоҳирия кутубхонасида (6893—рақами остидаги ушбу қўлёзма 1492 йилда кўчирилган) сақланаётган қадимий нусхаларидан бири «Ажойиб ал-мақдур фи тарихи Таймур» («Темур тарихида тақдир ажойиботлари») номи билан келтирилган. Асарнинг бошқа тилларга (масалан, француз, лотин, инглиз) қилинган таржималарида ҳам Ибн Арабшоҳ асари «Темур тарихи» номи билан аталган. Асар мазмунини жиҳатдан ҳам шу номга мос бўлгани учун биз уни қисқача «Темур тарихи» деб атадик.

Муаллиф талай ўринларда² «шу кунларда, яъни 840 (июль 1436—1437 июнь) йилда» деб зикр қилишича, асарнинг мазкур йилда ёзилганлиги аён бўлди. Мана шунга асосланиб В. В. Бартольд «Ажойиб ал-мақдур»ни 840 (1436—1437) йилда таълиф этилганлигини таъкидлайди³. И. Ю. Крачковский эса, асар 1436 йилга яқин вақтда ёзилган дейди⁴. Ибн Арабшоҳ ўзи кўриб чиққан нусхадан унинг вафоти, яъни 1450 йилдан сўнг кўчирилган қўлёзма нусхани⁵ 1887—1888 йилги Қоҳира нашри билан солиштирилганда, муаллиф кейинги таҳрирлари-

¹ Х. А. Гибб, Арабская литература, 102-бет.

² Ажойиб ал—мақдур, 56, 151, 221-бетлар.

³ В. В. Бартольд, Соч. т. 2/1, 797-бет. т. III, 74-бет.

⁴ И. Ю. Крачковский, Английский перевод Истории Темура, 293-бет.

⁵ Бундан кейин уни «қўлёзма» деб зикр қилиб, муфассал тавсифини сўнграқда келтирамыз.

да айрим қўшимчалар⁵ киритгани маълум бўлди. Жумладан, нашрда Рум ерлари подшоҳларидан бири Исфандиёрнинг 845 (1439—1440) йилда вафот этганлиги ҳақида зикр қилинган қисм қўлёзмада ноқисдир. Қўлёзманинг яна бир қанча ўринларида ҳам шу тарздаги ноқисликлар бўлиб, 36 варақдан кейин эса Бағдод ҳокими тўғрисидаги «зикр» бутунлай йўқ. Алоуддин ал-Бухорий деган шайх Ибн Арабшоҳ билан яқин муносабатда бўлган. Мазкур шайхнинг вафоти ҳақида қўлёзмада ҳеч нарса дейилмасдан нашрда у марҳум киши сифатида зикр қилинади¹. Ҳолбуки, Ал-Бухорий ибн Арабшоҳ ўзининг бошқа бир асарида ёзишича, 841 йилнинг 2 рамазоида (1438—йил, 27 февраль), тарихчи Ибн Ҳожар ал-Асқалонийнинг кўрсатишича² эса, 841 йил 23 рамазонда (1438 йил 19 март) вафот этган. Мана шу фактлар гарчи, асар асосан 940 (1436—1437) йилда таълиф этилган бўлса-да, кейинчалик (1437 йилдан сўнг) унга айрим қўшимчалар киритилган, деб айтишимизга асос бўла олади.

Ибн Арабшоҳнинг манбаларига келсак, муаллиф ўз китобининг муқаддимасида «ўзим кўриб мушоҳада этганлариму ўзгалардан эшитганларимни ҳикоят қилишга жазм этдим»³ деб ўзи фойдаланган манбалари ҳақида ҳеч нарса ёзмайди. А. Ю. Якубовский фикрича, ҳам мазкур асар учун асосий манба муаллифнинг шахсий кузатишлари ва ўша давр воқеаларига алоқадар бўлган ва иштирок этган шахсларнинг ҳикоятлари ҳисобланади⁴. Гарчи шу тарздаги мулоҳозалар юритилса ҳам, муаллиф бошқа манбалардан маълум даражада истифода этганлигига баъзи далиллар мавжуддир. Умуман, «Ажойиб ал-мақдур»ни ёзишда муаллиф таянган манбаларни тўрт қисмга бўлиш мумкин: ўша давр (яъни XIV—XV асрлар)да яратилган араб ва форс тилидаги баъзи асарлар: Темур ҳақида халқ орасида тарқалган ривоят ҳикоятлар: муаллиф замондошларининг ҳикоятлари ва ниҳоят, муаллифнинг шахсий мулоҳозалари.

¹ Шу тарздаги қўшимчаларнинг баъзилари «кейин унинг ҳоли не кечганини билмайман», «буни тўғри деб гумон ҳам қилмайман» ёки «бу ёғни яна тангри билади» қабилдаги иборалар билан тугалланиши ушбу қўшимчалар муаллифнинг ўзига мансуб деб фикр юритишимизга асосдир.

² Инба ал—ғумр, в. 335^а.

³ Ажойиб ал—мақдур, 3-бет.

⁴ А. Я. Якубовский. Тимур, 46-бет.

Темур Ҳиндистонга қилган юриши ҳақида тарихчи Ғиёсуддин Али «Рўзнома-и газавот-и Ҳиндистон» («Ҳиндистон юриши рўзномаси») (1403 йил) номли асар ёзиб, ушбу юришни муфассал ёритади. Ғиёсуддин Али келтирган маълумотлар муҳим тарихий аҳамиятга молик бўлиб, мазкур даврнинг баъзи муаллифлари, жумладан, Низомуддин Шомий, Шарафуддин Али Ӣздий каби машҳур тарихчиларнинг асарлари учун ҳам муҳим манба ролини ўтаган¹. Шунингдек, Ибн Арабшоҳ ҳам Ғиёсуддин Али келтирган маълумотлардан бир қадар фойдаланган. Масалан, Темур билан Форс ва Ироқ ҳокими Шоҳ Мансур (1387—1393) ўртасида 1393 йили Шероз яқинида юз берган жанг тафсилоти муқояса қилинса, бу аҳвол яққол намоён бўлади. Ғиёсуддин Али таъкидлаганидек, жанг охирида уч кишининг қолиши ва Шоҳ Мансурнинг ялиниб-ёлворишига қарамасдан, Темур навкарларидан бири унинг бошини кесиши айрим бадний безаклар билан тасвирланса-да, Ибн Арабшоҳда ҳам шу тарзда акс эттирилган². Бундан ташқари, Низомуддин Шомийнинг 1404 йил кузигача бўлган воқеаларни қамраб тугалланган «Зафарнома» номли асари ҳам ўзидан кейин Темур ва унинг авлодлари даврига бағишланиб ёзилган кўпгина тарихий асарларда ўз изини қолдирди. Бу жиҳатдан қаралганда, ўша пайтда Самарқандда яшаб, шу жойда таълим олган ва форс тилини мукаммал билган Ибн Арабшоҳ, шубҳасиз, мазкур асардан хабардор бўлган. Баъзи тадқиқотчиларнинг бу хусусдаги фикрлари ҳам ушбу мулоҳазаларни тасдиқлайди. Яна шу фактни эътиборга олиш керакки, Ибн Арабшоҳ китобининг хотимасида ўзи келтирган маълумотларни тўғри (ҳақиқат) деб, ундан олдин таълиф этилган асарларни эса ёлгон ва уйдирма деб ёзади³. Бу фикрни эътиборга олсак, муаллиф ҳукмдорларга инсбатан хайрихоҳлик билан ёзилган расмий асарларни кўзда тутаётган бўлса керак. Бундан хулоса қилиш мумкинки, у ушбу тарихлардан хабардор бўлган. Шунингдек, Ибн Арабшоҳ кўпгина мамлакатларда, жумладан, Урта Осиёда саёҳатда бўлган XIV аср машҳур араб сайёҳи Ибн Батута-

¹ Дневник похода (изд. 1915 г.) 56-бет.

² Дневник похода 51—55-бет. Ажонб ал—мақдур, 24—25-бетлар.

³ Солиштиринг: Дневник похода, стр. 52, 110, 115, 120: Ажонб ал—мақдур, 68—71-бетлар.

⁴ Ажонб ал—мақдур, 242-бет.

нинг (1304—1378) «Риҳлату Ибн Батута» («Ибн Батута саёҳатномаси») номли асаридан баъзи ўринларда бевосита фойдаланган. Масалан, Таробулис амири Саидмур, бир аёлга тегишли сутни рухсатсиз ичган ўз мамлукига нисбатан қўллаган чора¹ Ибн Арабшоҳда ҳам такрорланиб, бу воқеанинг у турк султони Боязид билан юз берганини таъкидлайди². Еки араб хафोजа³ қабиласидан бўлган йўлтўсар таловчи Жамол Лук ҳақидаги ҳикоя ҳам гарчи бирқадар фарқ билан бўлса-да, Ибн Батута ўз «Саёҳатномаси»да келтирган ҳикояга ўхшаб кетади⁴. ўз асарини ёзишда Ибн Арабшоҳ бошқа манбаларга мурожаат қилганлигига яна бир далил мавжуддир. Темурнинг Шомга қилган юришини тўлароқ баён қилиш мақсадида муаллиф ўша пайтда юз берган воқеаларнинг шоҳиди бўлган араб адиби ва фикҳ олими Ибн аш-Шайханинг (1338—1414) «Равзат ул-манозир фи ахбор ал-авонил ва-л-авохир» («Аввал ўтган ва кейинги (машҳур киши)лар ҳаётидан ҳабар берувчи чаманзор⁵») номли китобидан шу даврга онд бир бобни ўз асарига киритиб, «ушбу ҳикояни қандай бўлса, шундайлигича нақл қилдим»: деб уни тўлиғича келтирган.

Аввал зикр қилганимиздек, Ибн Арабшоҳ тахминан 1408 йилда Самарқанддан жўнаб кетиб, Хоразм, Астрахань, Сарой, Қрим ва Андрианополда бўлди. Муаллиф ўша жойлардаги ҳокимлар ва маҳаллий аҳолидан Темур ва унинг қўшини ҳақида эшитганларини ўз асарига келтирган. Масалан, Ибн Арабшоҳ ўзининг бошқа бир асарига 814 (1412—1412) йилда, Саройда Тўхтамиш ўғли Жалолуддинхон Темур қўшинлари кўрсатган ёмонликлар ҳақида ўзига ҳикоя қилгани тўғрисида ёзади⁶. Муаллиф воқеаларнинг шоҳидлари ҳикоясидан ҳам унумли фойдаланган. Жумладан, Сажистонда Темур қўшинлари қилган харобаликлар ҳақидаги ўз баёнини 833 (1429—1430) йилда Дамашқда шайх Зайнуддин Абдулатиф ибн Муҳаммад ибн Абу-л-Фатҳ Кермонийдан

¹ Ибн Батута, Риҳла, 1-жилд, 38-бет.

² Ажонб ал-мақдур, 128-бет.

³ Хафोजа-Ироқ ерларида яшаб, Маккага, ҳажга ўтувчиларнинг йўлини тўсиб, талаш билан машҳур бўлган бир қабил.

⁴ Риҳла, 175-бет. Ажонб ал-мақдур, 22-бет.

⁵ Бу асар араб тарихчиси Ибн-ал-Асирнинг (1160—1234) «Тарих ул-Комил» («Мукаммал тарих») китобининг 9-жилди ҳошнисида келтирилган. Бу ҳақда яна 708-изоҳга қаранг.

⁶ Ат-таълиф ат-тоҳир, в 6 в.

эшитганлари билан тўлғизади¹. Шунингдек, Бағдодда ҳоким бўлиб турган қози Тожуддин Аҳмад ан-Нуъмон (муаллиф ёзишича, у 834 йил мукаррам ойининг бошида (1430 йил, сентябрь) Дамашқда вафот этган) ҳикоя қилган хабарларга асосланиб, Темур қўшинлари томонидан Бағдод аҳли бошига солинган бедодликларни тасвирлайди².

«АЖОНБ АЛ-МАҚДУР» УРТА АСР ТАРИХНАВИСЛАРИ АСАРЛАРИДА

Ибн Арабшоҳ асари XIV—XV аср Шарқ мамлакатлари тарихини ёритишда қимматли манба сифатида ўзидан сўнг ёзилган бир қатор тарихий асарлар, биографик қомуслар учун ҳам бош манбалардан бири сифатида қўлланилиб келди. Жумладан, XV аср араб тарихчиси Ибн Ҳажар ал-Асқалоний (1372—1449) ўзининг «Инба ул-ғумр биабно ил-умр» («Шу замон (машҳур) ўғлонлари ҳақида ғўр (киши)ларга хабар» номли асарида «Ажонб ал-мақдур»дан кўп ўринларда фойдаланган³. XV аср ўрталарида ижод этган араб тарихчиси Ибн Тағриберди (1411—1469) «Ан — Нужум аз-зоҳира фи мулук-и Миср ва-л-Қоҳира» («Миср ва Қоҳира ҳокимлари (тарихи)дан порлоқ юлдузлар») номли⁴ (1465—1466 йилда ёзилган) тарихий асарида «Ажонб ал-мақдур»дан кенг фойдаланиб, Темур ҳаёти ва ишларига оид қисмини тўла тўқис Ибн Арабшоҳ маълумотларига асосланиб ёритган⁵. Шунингдек, Ибн Тағриберди ўзининг «ал-Манҳал ас-софий ва-л-муставфий баъд ал-Вофий» («ал-Вофий»дан⁶ кейинги тўлиқ ва мусаффо чашма») номли биографик қомусда Темурга оид бўлимини Ибн Арабшоҳ маълумотлари асосида ёзган. Шунини қайд қилиш керакки, ўша даврда яратилган биографик қо-

¹ Ажонб ал-мақдур, 19-бет.

² Ажонб ал-мақдур, 119-бет.

³ Солиштиринг: Инба ул-ғумр, 512, 518, 530, 535-бетлар, Ажонб ал-мақдур, 82, 84, 86, 87, 96-бетлар.

⁴ Илмий тавсифи ҳақида қараи: Каталог арабских рукописей, выпуск № 3, стр. 85—86.

⁵ Ан-Нужум аз-зоҳира, 260—270-бетлар.

⁶ Араб адиби ва олими Халил ибн Айбек ас-Сафадийнинг (1296—1363) «ал-Вофий би-л-вафайот» («Улуғ кишилар вафотида доир комил асар» номли ўн тўрт мингга яқин машҳур кишилар таржимаи ҳолини ўз ичига олган ғоятда катта биографик қомуси кўзда тутилаётир.

мусларнинг кўпчилигида «Ажонб ал-мақдур» дан истифода этилган. Жумладан, XV асрнинг биринчи ярмида ижод қилган тарихчи ал-Мақризий (1364—1442) «Дурар ал-уқуд ал-фарийда фи тарожим ал-аъён ал-муфийда» («Ибратли аъёнлар таржимаи ҳолларида беназир шодалар дурлари») номли биографик қомуснинг Идикуга¹ оид қисмини бошдан охир Ибн Арабшоҳ асарига таяниб ёзган. Шунингдек, тарихчи ас-Саховий (1427—1496) «Ад-Давъ ал-ломъ ли-абноил қарин-т-тоснъ» («Тўққизинчи аср (улуғ) кишилари ҳаётини ёритувчи ёрқин нур») деб аталган биографик қомусидаги баъзи маълумотларини «Ажонб ал-мақдур» асосида келтирган². Булардан ташқари кейинроқ яратилган баъзи тарихий асарлар учун ҳам «Ажонб ал-мақдур» бош манба вазифасини ўтаган. Жумладан, XVI аср охирларида ижод қилган тарихчи Амир Абу Муҳаммад Мустафо ал-Жаннобий (вафоти 1591 йил) ўзининг «Тарих ал-Жаннобий» ёки «Тухфат ул-ариб ва ҳадият ул-адиб» («Зукко одамнинг тухфасию адибнинг ҳадияси») номли³ асарининг кўп ўрниларида Ибн Арабшоҳ маълумотларидан истифода этиб, тўғридан-тўғри унга ишорат қилади⁴. Мазкур асардан Идикунинг Тўхтамиш ҳузуридан қочиб Темурга келиши ва уни Тўхтамишга қарши юриш қилишга ундаши тўғрисидаги кичик бир парчаи рус тилига таржима қилинган. Шунингдек, ал-Жаннобий тарихининг Темурга оид қисми Ж. Подеста томонидан латин тилига таржима қилиниб, 1680 йилда Венада нашр этилган. Ибн Арабшоҳ маълумотларига асосланиб ёзилган асардан бошқа тарихчилар фойдаланиб китоблар таълиф этган ҳоллари ҳам учрайди. Масалан, СССР ФА Шарқшунослик институти Ленинград бўлимида В 978 инв. рақами остида бир қўлёзма сақланмоқда. Мазкур қўлёзма «Тарожим ул-уламо ва-л-удабо ва-л-машоҳир нуқилат мин ал-Манҳал ас-софий ли-ибн Тағриберди ва ғайруҳо» («Ибн Тағрибердиннинг «ал-Манҳал ас-софий» ва бошқа

¹ Идику (вафоти 1419) — Олтин Урда амирларидан бири. Ўз беқарорлиги билан машҳур бўлган бу амир ҳақида кенгроқ маълумот олиш учун қаранг: Б. Д. Греков, А. Ю. Якубовский. Золотая Орда и её падение, 374—405-бет.

² Уша жойда.

³ Бу асар ҳақида қаранг: А. Е. Крымский, История Персии, 43-бет. Мазкур асарнинг бир қўлёзмаси Ленинградда (инв. № Д—173) сақланмоқда.

⁴ В. Тизенгаузен, СМИЗО, т. I. 535-бет.

(китоблардан олинган олимлар, адиблар ва машхур (киши)ларнинг таржимаи ҳоллари») номи билан аталиб, 536, 546 варақларда ёзилишича¹, у 1210 ҳижрий йил раби ул-аввал ойининг тўққизинчи (1795 йил, 24 сентябрь) кунда Константинополь шаҳрида тамомланган. Гарчи, каталог муаллифи узил-кесил айтмаса-да, мазкур қўлёзманинг 546, 646 варақларида келтирилган «Таржимату Темур ва ахборуху» («Темурнинг таржимаи ҳоли ва у ҳақдаги хабарлар») номли қисми Ибн Тағрибердиннинг «ал-Манҳал ас-софий» асаридан айнан кўчирилган. Аввал зикр қилганимиздек, Ибн Тағриберди ўз навбатида Ибн Арабшоҳдан фойдаланган. «Ажойб ал-мақдур» дан мухтасар ҳолда олинган ушбу хабарлар айрим хатолардан ҳам холи эмас. Масалан, Темур туғилган Хожа Илғор² қишлоғининг номи худди Ибн Тағриберди ўз асарида хато келтирганидек, мазкур қўлёзмада ҳам (5а варақ) Хожа Илғор деб хато кўчирилган. Асарда бундан бошқа яна айрим хатолар ҳам учрайди. XVII аср турк тарихчиси Кужа Ҳусайн (вафоти 1650 йил) ўзининг 1644—1645 йилларда ёзилган «Бадойиъ ал-вақон» («Ажойб воқеалар») номли асарини ёзишда таянган тарихчилари қаторида Ибн Арабшоҳни ҳам зикр қилади³. Мана шу фактлар Ибн Арабшоҳ асари ўрта асрларда ёзилган бошқа қатор асарлар учун ҳам асосий манба бўлганидан далолат беради.

«АЖОИБ АЛ-МАҚДУР»НИНГ ҚЎЛЕЗМАЛАРИ ВА НАШРЛАРИ

«Ажойб ал-мақдур»нинг талайгина қўлёзмалари мавжуд бўлиб, улар дунёнинг турли кутубхоналарида сақланмоқда. Асарнинг муаллиф ҳаёт вақтида кўчирилган икки нусхаси Туркияда, Аҳмад ас-Солис кутубхонасида мавжуддир. Улардан бири (инв. № 3049) 852 (1448—49) йилда Исмоил ибн Абдурахмон ал-Исфажоний томонидан чиройли насх хатида кўчирилган⁴, иккинчиси (инв. № 3050) эса 850 (1446—47) йилда тамомла-

¹ 54-6 варақда кўрсатилганича, қўлёзма Муҳаммад Амйн ибн Шайх Аҳмад ибн Шайх Исмоил ал-Моусулий деган киши томонидан кўчирилган.

² Ажойб ал-мақдур, 3-бет.

³ Описание тюрских рукописей, стр. 181.

⁴ Фихрист, 2-қисм, 105-бет.

ниб, ушбу нусхани муаллиф кўриб чиққанлиги ҳақида унинг дасхати билан қўлёзма охирида зикр қилинган¹.

Ибн Арабшоҳ асарининг бир қанча қўлёзмалари муаллифнинг ватани — Сурия кутубхоналарида ҳам бор. Жумладан, Дамашқдаги ал-Аҳмадия кутубхонасида «Ажойиб ал-мақдур» нинг икки қўлёзмаси бўлиб, бири (инв. № 6893) 1493 йилдан олдин, иккинчиси (инв. № 7133) эса 1779 йилда кўчирилгандир². Шунингдек, асарнинг бошқа нусхалари Ҳалабда ҳамда Ибн Арабшоҳ ўз умрининг охирида яшаган Қоҳирада ҳам мавжудлиги фикристларда зикр қилинган³.

Шуни қайд қилиш керакки, мамлакатимиз (асосан Ленинград) кутубхоналарида ҳам Ибн Арабшоҳ асарининг бири неча қўлёзмалари сақланмоқда. Жумладан, «Ажойиб ал-мақдур»нинг тўлиқ бўлмаган бир нусхаси (инв. № 434) Ленинград Давлат университети кутубхонасида сақланади⁴. Мазкур қўлёзма 1855 йилда Одессадаги Ришельевский лицейдан Петроградда шарқ тиллари факультети ташкил бўлиши муносабати билан Петроградга келтирилган эди. Қўлёзма «Ажойиб ал-мақдур»нинг биринчи қисмини ташкил қилади ва И. Ю. Крачковскийнинг таъкидлашича, XIX асрнинг бошларида кўчирилган бўлиб, у қадар илмий аҳамиятга эга эмасдир⁵. Асарнинг яна икки нусхаси Салтиков-Шчедрин помидоги Ленинград халқ кутубхонасида сақланади⁶.

Париж Миллий кутубхонасида «Ажойиб ал-мақдур» нинг 1440 йилда кўчирилган бир нусхаси бўлиб, қимматли томони шундаки, унда муаллифнинг таржимаи ҳоли келтирилган. Афсуски, ушбу таржиман ҳол ким томондан ёзилганлиги ва қўлёзмани кўчирган ҳаттот ҳақида ҳеч нарса дейилмаган. Ибн Арабшоҳ асарининг яна бир нусхаси Манчестерда Жон Райландга қарашли кутубхонада сақланмоқда. Қўлёзма ҳинд «таълиқ» хати билан тахминан 1800 йилларда кўчирилган. «Ажойиб

¹ Фихрист, 1-қисм, 179—180-бетлар.

² Мажаллат, 126-бет.

³ Мажаллат, 126-бет.

⁴ У ҳақда яна қаранг: В. И. Беляев, П. Г. Булгаков. Арабские рукописи, 28-бет.

⁵ Английский перевод Истории Тимура, 297-бет.

⁶ Улардан бири (инв. рақами ар. н. с.) арабская новая серия 187 бўлиб, 1853 йилда Ханна Жиржис деган шахс гомонидан кўчирилган.

ал-мақдур»нинг 1573 йилда Муҳаммад Ибн Аҳмад Суқайқир ад-Дамашқий томонидан кўчирилган бир нусхаси Гота кутубхонасида мавжуддир. Шунингдек, Ибн Арабиноҳ асари яна икки нусхаси Лондонда мавжудлиги ҳам қайд қилинади.

«Ажоиб ал-мақдур»нинг Қоҳира Миллий кутубхонасида сақланаётган бир нусхасидан (инв. № 658 ёшики 3543) олинган микрофильмдан ишланган фотосурат тадқиқотимиз учун асос қилиб олинган нусхалардан бири бўлиб, уни тўла-тўқис тавсифлаб, таҳлил қилиш имкони бўлмаса-да, баъзи мулоҳазаларимизни айтиб ўтмоқчимиз. 198-варақдан иборат қўлёзма чиройли насх хатида қора снѐҳ билан бошдан охиригача бир ҳаттот томонидан кўчирилган бўлиб, сарлавҳалар, нуқта, зикр, фасл ва айрим (муҳим) сўз ёки ибораларнинг матига нисбатан хирароқ кўриниши уларни қизил снѐҳ билан ажратиб ёзилганлигини билдиради. Ҳар бир саҳифада (шу жумладан, назмий қисмларда ҳам) 17 қатор мати бўлиб, саҳифа охирида кейинги саҳифа бошланадиган сўзни кўрсатувчи пайғирлар берилган. Ҳарфлар барча ўринларда бутун нуқталари билан тўлиғича ёзилиб, фақат сўзнинг охирида келадиган «та марбута» нуқталари аксар ҳолларда қўйилмаган. «Ҳамза» деярли барча ўринларда қўйилмай, ташдид ва мадда каби белгилар ҳам камдан-кам ҳолларда келтирилган. Қўлёзманинг қимматли томони шундаки, матидаги ҳаракатлар, нуқталар (хиралигидан улар ҳам қизил снѐҳда ёзилган кўринади) билан ажратиб берилганки, шубҳасиз, бу ҳол текст маъносини тўғри талқин қилишда катта ёрдам беради. Шунинг ҳам айтиш керакки, камдан-кам ўринларда ҳаттотнинг қийин ёки чалғитадиган маъноли сўзларга берган (176, 193-варақларга қаранг) қисқача тушунтириш изоҳи ёки муаллиф ёзганига (161, 180-варақларга қаранг) ўз муносабатини билдирган ҳоллар учрайди. Кўчириш жараёнида тушириб қолдирилган ёки хато ёзилган айрим сўзлар шу қатор ёнида келтирилиб, махсус белги билан кўрсатилиб, ўз ўрнига қўйиб ўқишлишига ишорат қилинган. Қўлёзма титул варағи ва охириги саҳифада мавжуд айрим ёзувлар бузилиб, ўчиб кетгани сабабли уларни тиклаб, бир аниқ маъно чиқариш мумкин бўлмади. Фикримизча, бу ёзувлар қўлёзмани ўқиган шахслар ёки унинг соҳибларига мансуб бўлса керак. Ҳаттотнинг номи, кўчирилган вақти ва макони хусусида ҳеч нарса дейилмаганлиги туфайли

булар борасида аниқ ва қатъий фикр айтиш имкони бўлмасда, баъзи тахминлар қилиш мумкин. Қўлёзма ниҳоясида кўчирувчи ўзи кўчирган нусха охирида муаллифнинг дастхатида ёзилган «толааху муаллифуҳу мин аввалиҳи ило охириҳи» (уни қўлёзманн) аввалидан охиригача (асарнинг муаллифи кўриб чиқди) деган иборани айнан келтиради. Демак, ҳаттот ушбу нусхаси муаллиф ҳаёт (1450 йилгача) вақтида ёзилган ёки у кўриб чиққан бирор нусхадан кўчирган. Қоҳирада нашр қилинган фикрхистларнинг бирида Ибн Арабшоҳ асарининг бир қўлёзмаси Туркияда, Аҳмад ас-Солис кутубхонасида (инв. № 3050) сақланиши хабар қилиниб, унинг қисқача тавсифи келтирилган¹. Бу тавсифга кўра мазкур қўлёзма 850 (1446—47) йилда «насх» хатида кўчирилиб, уни муаллиф ўқиб чиққанлиги ва бу ҳақда ўзи қўлёзма охирида ёзиб қолдирганлиги зикр қилинади. Шунга асосланиб қўлимиздаги нусха мазкур қўлёзмадан кўчирилган ва ҳаттот эса муаллифнинг ушбу ёзувиغا ишора қилаётир дейиш мумкин. Ҳаттотнинг мазкур ёзуvidан кейин номаълум бир шахс томонидан «имконутоқат қадрича муқобала этилди» деган жумланинг келтирилиши иккала нусха бир-бирига муқояса қилинганлигига далилдр.

Қўлёзманинг кўчирилган вақти ҳақида эса шунини айтиш керакки, унинг титул varaғида «раҳимаҳу оллоҳу таоло» дейилиб, Ибн Арабшоҳ марҳум киши сифатида зикр қилинади. Бундан хулоса шуки, мазкур қўлёзма муаллиф вафотидан, яъни 1450 йилдан сўнг кўчирилган.

Гарчи кўчирувчи ҳаттотнинг исми маълум бўлмасда ҳам, асардаги «фавоил» шаклидаги сўзларнинг форс тилига характерли «фавойил» шаклида ёзилиши (масалан, катойб-катойиб, навойб-навойиб, расоил-расойил ва ҳоказолар) ушбу нусха эронлик киши томонидан кўчирилган, деган фикрга келишимизга асос бўлади. Юқорида қайд қилганимиздек, «Ажойиб ал-мақдур»нинг муаллиф ҳаёт вақтида, яъни 1448 йилда кўчирилган ва Туркияда (Станбул) Аҳмад ас-Солис кутубхонасида (инв. № 3049) сақланаётган бир нусхаси Исмонил ибн Абдурахмон ал-Исфаҳоний томонидан кўчирилган. Шунингдек, Ибн Арабшоҳнинг Ленинградда сақланаётган

¹ Фихрис, 2-қисм, 179—180-бетлар.

² Фоқиҳат ал-хулофо, в. 272-бет.

«Фоқиҳат ал-хулафо ва муфоқиҳат аз-зурафо» номли бошқа бир асарининг (инв. С 651 (682) кўчирувчиси ҳам мазкур ал-Исфохонийдир¹. Ушбу нусха «Ажонб ал-мақдур»ни қўлимиздаги нусхасига солиштирилганда хатлари бир кишиники эканлиги маълум бўлди. Демак, мазкур нусханинг кўчирувчиси ҳам ал-Исфохоний бўлса керак.

Юқорида айтилганлардан кўриниб турибдики, «Ажонб ал-мақдур» ўз даври ўқувчилари диққатини жалб қилган ва кўп нусхаларда кўчирилган, шунинг учун ҳам бизнинг давримизгача унинг талай нусхалари етиб келган.

Ибн Арабшоҳ асари гарчи XV асрда (1436—1437) ёзилган бўлсада, Оврупо олимлари XVII асрдан бошлаб у билан танишишга муяссар бўлдилар. Дипломатик хизмат юзасидан бир қанча муддат араб мамлакатларида (Марокко, Сурия) яшаган голландиялик олим Якоб Голнус (1596—1667) Лейденга қайтгач², «Ажонб ал-мақдур»нинг арабча матнини дарслик сифатида 1636 йилда нашр қилдирди³. Голнус нашри асарнинг дастлабки нашри ҳисобланиб, бу билан Ибн Арабшоҳ Оврупода ал-Макнидан (1305—1273) кейин ёзма равишда танилган иккинчи араб тарихчиси бўлди⁴. «Ажонб ал-мақдур»нинг С. Мангер томонидан тайёрланган арабча матни лотин тилига таржимаси билан биргаликда 1767—1772 йилларда Лейварденда нашр этилди⁵. Маълум даражада текстологик ишга асосланиб бажарилган ушбу нашр ҳозирги пайтгача ҳам ўз қимматини йўқотмасдан келмоқда. XIX асрга келиб эса Ибн Арабшоҳ асари бир неча бор нашр қилинди. Жумладан, 1285 (1868—1969), 1305 (1887—1888) йилларда Қоҳира, 1812, (1818, 1840) йилларда эса Калькутта нашрлари пайдо бўлди. Мазкур нусхалар ичида 1818 йилги Калькутта нашри қимматли ҳисобланиб, у бошдан охир ҳаракатлар билан таъминланган ва ўша пайтда Ҳиндистонда истиқомат

¹ Фоқиҳат ал-хулафо, в. 272-бет.

² А. Е. Крымский. История новой арабской литературы, 115-бет.

³ Китоб «Ажонб ал-мақдур фи ахбори Таймур», таълиф Аҳмад ибн Арабшоҳ.

⁴ И. Ю. Крачковский. Английский перевод Истории Тимура, 293-бет.

⁵ Мангер. I—II жилдлар.

қилган араб адиби Аҳмад ал-Яманий аш-Ширвоний томонидан нашрга тайёрланган эди¹.

«АЖОИБ АЛ-МАҚДУР»НИНГ ТАРЖИМАЛАРИ

Муҳим тарихий манба сифатида шуҳрат қозонган «Ажойиб ал-мақдур» кўп тилларга таржима қилинган. Дастлаб 1636 йилда асарни нашр қилган Я. Голиус «Ажойиб ал-мақдур»нинг лотинча таржимасини ҳам тайёрлаган эди. Гарчи айрим тадқиқотчилар (Брокельман, Кримский) Голиус таржимасининг чоп этганлигини қайд қилсалар-да, бироқ, мазкур таржима нашр қилинмасдан қўлёзма ҳолида қолиб кетган². Лекин асарга бўлган қизиқиш тобора ортиб 1658 йилда «Ажойиб ал-мақдур», унчалик қониқарли бўлмаса-да, француз арабшуноси П. Ватье (1623—1667) томонидан француз тилига таржима қилиниб, Парижда нашр этилди³.

С. Н. Мангер томонидан лотин тилига қилинган таржимаси ҳақида юқорида қайд қилган эдик. Мазкур таржима ўз даври талабига жавоб берадиган савияда бажарилган бўлиб, у қисқача изоҳлар ва кириш сўз билан таъминланган. Булардан ташқари, Ибн Арабшоҳ асарининг турк олими Назмизода Муртазо (вафоти 1722 йил) томонидан 1699 йилда бажарилган туркча таржимаси 1730 йилда Стамбулда чоп этилди. Аммо ушбу таржиманинг 1860 йилги қайта нашри қониқарсиз бўлиб, таржима ғоятда қисқартирилган ҳолда берилган⁴. Ва ниҳоят «Ажойиб ал-мақдур»нинг М. И. Сандерс тайёрлаган инглизча таржимаси 1936 йилда Лондонда нашр эгилди. Гарчи, мазкур таржима ҳақида баъзи ижобий фикрлар бўлса-да, Сандерс таржимаси қониқарсиз даражада бажарилган бўлиб, И. Ю. Крачковский таъкидлаганидек, Сандерс ўз таржимасида фақат зикр қилинган Мангернинг лотинча таржимасига таянган, холос⁵. Сандерс китобида ҳам Мангерда учрайдиган ха-

¹ И. Ю. Крачковский. Английский перевод Истории Тимура, 293-бет.

² Бу ҳақда яна қаранг: И. Ю. Крачковский. Английский перевод. История Темура, 293-бет. «Ибн Арабшах и его книга» деган мақола-мизда биз ҳам ушбу хатога йўл қўйиб, Голиус таржимасини нашрдан чиққанлигини янглиш қайд қилганмиз.

³ И. Ю. Крачковский. Английский перевод Истории Тимура, 293-бет.

⁴ Тарих-и Тимурланг; Бу ҳақда яна қаранг: А. Х. Рафиков. Из истории книгопечатания, 117-бет.

⁵ Н. В. Пигулевская и др. История Ирана, 215-бет. цитм. б.

толарнинг айнан қайтарилиши таржимоннинг «Ажойб ал-мақдур» қўлёзма ва нашрларидан мутлақо фойдаланмаганини кўрсатади. Шуни қайд қилиш керакки, ҳозирги вақтда асосан бизнинг Ватанимиз таркибига кирган минтақалар ва халқлар тарихига доир воқеаларни ўз ичига олган ушбу асардан айрим қисмлари рус тилига ҳам таржима қилинган. Жумладан, Ибн Арабшоҳ асарининг Олтин Ўрдага оид қисми В. Тизенгаузен томонидан рус тилига ўгирилиб тадқиқотчилар диққатига ҳавола қилинган¹. Шунингдек, «Ажойб ал-мақдур»дан Тўхтамиш билан Темур ўртасида содир бўлган жанг эпизодига оид гоят кичик бир бўлаги (2 бет) ҳам русчага таржима бўлган². Баъзи тадқиқотчилар XIV—XV аср Урта Осиё тарихига оид айрим тадқиқотларида Ибн Арабшоҳ асаридан қисқа-қисқа таржималар келтириб фикр юритганлар³. Мана шу ўринларда «Ажойб ал-мақдур»дан олинган таржималар профессор А. Э. Шмидтга мансублиги кўрсатилган. Демак, «Ажойб ал-мақдур» таржимаси билан А. Э. Шмидт ҳам бир қадар шуғулланган. ЎзССР ФА Шарқшунослик институтининг кутубхонасида Ибн Арабшоҳ асари биринчи қисмининг русча таржимаси (инв. № 102) қўлёзма ҳолда (қисман машинада босилган) сақланмоқда. Институт катта илмий ходимлари, филология фанлари доктори У. И. Каримов ва филология фанлари кандиди Д. Г. Вороновскийларнинг фикрича, мазкур таржима марҳум М. А. Сальега мансубдир. Таржима, ҳеч қандай илмий изоҳларга эга бўлмай, айрим камчиликлардан ҳам холи эмас. Фикримизча, ушбу таржимада Сандарсининг инглизча таржимаси (ёки Мангер таржимаси) асосий роль ўйнаган⁴. Шундай қилиб, Ибн Арабшоҳ асарининг мамлакатимиз халқлари тилларига қилинган таржимаси зикр этилган кичик-кичик қисмлардангина иборат, ҳолос.

¹ В. Тизенгаузен, СМИЗО, т. 1, 455—474-бетлар.

² Прошлое Казахстана в источниках. 73—74-бетлар.

³ А. М. Гуревич. О классовой борьбе, стр. 5, Якубовский, Самарканд при Темуре и Тимуридах. 47—53-бетлар.

⁴ Таржиманинг 101-бетига Мангер ва Сандерс таржималаридаги «Жонибекхон Қипчоқ ерларини эгаллаганда...» деган ортиқча жумланинг такрорланиши фикримизга далилдир.

«АЖОИБ АЛ-МАҚДУР» ИЛМИЙ АДАБИЕТ САҲИФАЛАРИДА

«Ажойиб ал-мақдур» XIV аср охири ва XV аср биринчи ярми Урта ва Яқин Шарқ мамлакатлари, хусусан Урта Осиё халқлари тарихига оид муҳим манба сифатида азалдан чет эл, рус ва совет олимларининг диққатини ўзига тортиб келмоқда. Айниқса, юқорида қайд қилганимиз асарнинг қатор нашр ва таржималари пайдо бўлиши туфайли Ибн Арабшоҳ асарига бўлган қизиқиш янада ортди. И. Ю. Крачковский «Ажойиб ал-мақдур» мукамал бадиний асар сифатида XVII асрда Европада шуҳрат топгани, тил, баён, услуб жиҳатдан айрим олимлар томонидан Қуръон билан бир қаторга қўйилгани, ҳатто 1784 йилда Қуръон, Ҳаририй мақоматлари ва «Ажойиб ал-мақдур»га бағишланган Виллметнинг махсус қомуси чиққанлигини қайд қилади¹.

«Ажойиб ал-мақдур»дан ўз тадқиқотларида фойдаланган дастлабки олимлардан бири Г. Вамбери бўлиб, у ўзининг Бухоро тарихига бағишланган китобида Ибн Арабшоҳ асаридан истифода этиб, ундан айрим мисоллар келтиради². Бошқа немис олими А. Мюллер эса «Исломи тарихи» номли китобининг учинчи жилдидаги «Тамерлан» деб аталган қисмини баён қилишда манбалардан бири «Ажойиб ал-мақдур» бўлганлиги яққол кўзга ташланади³.

XIX аср охирларидан бошлаб Ибн Арабшоҳ асари рус олимларининг ҳам эътиборини ўзига жалб қила бошлади. Айниқса асардан Олтин Уртага оид қисмининг В. Тизенгаузен томонидан рус тилига таржима қилиниши⁴ «Ажойиб ал-мақдур»нинг айрим қисмларидан кенгроқ фойдаланишга имконият яратди. Мазкур таржима ҳозирчага ҳам ўз аҳамиятини йўқотмаган.

XX асрнинг бошларидан Ибн Арабшоҳ асари рус олимлари П. М. Мелиоранский, В. В. Бартольд, Д. Зиминнинг диққатини ўзига тортди уларнинг Урта Осиё тарихининг турли масалаларига доир қатор илмий тадқиқотларига киритилди. Жумладан, П. М. Мелиоранскийнинг «Араб филологи турк тили ҳақида» деган

¹ Английский перевод Истории Тимура, 293-бет.

² История Бохари, 186, 215—216-бетлар.

³ История Ислама, 294—295-бетлар.

⁴ СМИЗО, т. I, 455—474-бетлар.

тадқиқотнда Ибн Арабшоҳнинг уйгур ёзуви ҳақида келтирган хабарларига эътибор берилган. Л. Зимин эса ўзининг 1914 йилда ёзилган «Темур вафоти тафсилотлари»¹ деган мақоласида Темурнинг касали ва ўлимига оид «Ажонб ал-мақдур»да келтирилган маълумотларни ўша давр бошқа манбаларидаги маълумот билан муқояса қилиш натижасида Ибн Арабшоҳ келтирган фактлар катта илмий аҳамиятга эга деган фикрга келди².

Шу билан бирга, Россияда Ибн Арабшоҳ асарини ҳар томонлама чуқур ўрганиб, ундан унумли ҳамда танқидий фойдаланиб илмий жамоатчиликка ҳавола қилган дастлабки олим, шубҳасиз, академик В. В. Бартольд ҳисобланади. Урта Осиё тарихининг йирик мутахассиси В. В. Бартольд ўзининг шу ўлка тарихига бағишланган кўпгина асарларида Ибн Арабшоҳ маълумотларидан унумли фойдаланган. Айниқса, олимнинг 1915 йилда ёзилган «Улуғбек ва унинг даври», «Темурнинг дафн қилиниши ҳақида» каби йирик асарлари XIV—XV асрга оид қатор манбалар билан солиштирилган ҳолда «Ажонб ал-мақдур»даги фактларга ҳам таяниб ёзилган муҳим тадқиқотлардир. «Улуғбек ва унинг даври» номли тадқиқотнда В. В. Бартольд «Ажонб ал-мақдур»да келтирилган Темурнинг дастлабки фаолияти, унинг олимлар ва тарихчилар билан бўлган суҳбатлари³ ҳамда Самарқанд атрофида қурилган касабалар ҳақида»⁴ маълумотларини таъкидлайди.

Темур вафоти, унинг дафн маросими ва мақбарасининг ҳолати ҳақида Ибн Арабшоҳ келтирган маълумотларини В. В. Бартольд ўзининг Темур дафнига бағишланган асарида батафсил баён қилиб, Темур мақбарасиниқчи манзарасининг беағи ва кейинчалик мақбарада юз берган ўзгаришлар ҳақидаги маълумотларини фақат Ибн Арабшоҳ келтирганнинг таъкидлаб, ўз асарида ушбу фактларга таяниб фикр юритади⁵.

Ибн Арабшоҳ асарини ўрганиб, илмий тадқиқотларга тортишда машҳур совет шарқшуноси А. Якубовскийнинг ҳам хизмати алоҳида эътиборга моликдир. А. Якубовс-

¹ Подробности смерти Тимура, 41—51-бетлар.

² Уша асар, 46—60-бетлар.

³ Соч. т. II (2) 28-бет.

⁴ Уша асар, 61—62-бетлар. Бу ҳақда В. В. Бартольд бошқа асарларида ҳам бир неча бор зикр қилади. Қаранг: Соч. т. III 195, 272-бетлар.

⁵ О погребении Темура. Соч. т. II (2), 445, 450, 451-бетлар.

кий ўзининг Урта Осиё, Самарқанд ва Олтин Урда тарихига бағишланган илмий ишларида бошқа муаллифлар билан бир қаторда Ибн Арабшоҳ маълумотларидан ҳам кенг фойдаланган. Жумладан, 1933 йилда нашр қилинган «Темур ва темурийлар даврида Самарқанд» номли китобида Самарқанд қурилишлари ва бор-бўстонлари ҳақида Ибн Арабшоҳ келтирган маълумотлар олим диққатини ўзига тортган¹. Темур ҳаёти ва фаолияти характеристикасига бағишлаб 1946 йилда ёзилган махсус тадқиқотда эса А. Якубовский «Ажоиб ал-мақдур»дан бир қадар кенг фойдаланган. Айниқса Темурнинг ёшлик йиллари, унинг дастлабки фаолияти, Темур жисми ва қиёфасининг васфи, уламолар билан мунозараю суҳбатлари ва ниҳоят Темур мақбарасининг ички безағи ҳақида Ибн Арабшоҳ келтирган маълумотлар олимнинг эътиборини тортган. «Ажоиб ал-мақдур» да келтирилган Олтин Урдга оид маълумотлар эса А. Якубовский «Олтин Урданинг қулаши» номли тадқиқотига сингдирилган. Ушбу асардаги Тўхтамиш билан Темур ўртасидаги жанг ва Олтин Урданинг Темур томонидан забт этилиши, Идику билан Тўхтамиш ўртасидаги можаро, шунингдек, Идикунинг ўзига оид қўпгина масалалар «Ажоиб ал-мақдур» да келтирилган фактлардан фойдаланган ҳолда ёритилган². Шунини қайд қилиш зарурки, тадқиқотчи барча ўринларда юқорида зикр қилинган В. Тизенгаузен таржимасидан фойдаланган. XIV—XV аср Урта Осиё шаҳарларида қосиб ва ҳунармандларнинг тўю томошаларда иштироки масаласини ўрганган олим А. М. Беленицкий, Ибн Арабшоҳнинг бу хусусдаги муфассал баёнига алоҳида тухталиб, тарихчи келтирган фактик маълумотларни юқори баҳолайди³. Шулар билан бир қаторда «Ажоиб ал-мақдур» чет эл олимларининг айрим тадқиқотларида ҳам асосий манба сифатида ўз аксини топган. Жумладан, 1885—1886 йилда Стамбулда нашр қилинган «Машоҳир-ал-ислом» («Исломпинг машҳур кишилари») деб аталган тўпламнинг биринчи жилдидан ўрин олган «Темурланг» номли мақола тўлиғича Ибн Арабшоҳ маълумотлари асосида

¹ Самарқанд при Тимуре и Тимуридах, 22—23, 47, 52—53-бетлар.

² Золотая Орда и её падение, 366, 374—375, 384, 386, 404-бетлар.

³ А. М. Беленицкий. Из истории участия, 196—197-бетлар.

ёзилган¹. Шунингдек, ироқ олими Аббос ал-Аззавийнинг 1936 йилда Бағдодда нашр этилган икки жилдли «Ироқ икки окупация ўртасида» деб аталган тадқиқотидан Жалойирийлар² даврида оид ва айниқса Темурнинг қисқача таржимаи ҳолига бағишланган қисми «Ажонб ал-мақдур»даги фактлар асосида шарҳланади.

Яна шуни таъкидлаш лозимки, кейинги йилларда ҳам «Ажонб ал-мақдур» совет олимлари диққатидан четда қолгани йўқ. Жумладан, Ибн Арабшоҳнинг гарчи, оз бўлса-да, Самарқанд сарбадорлари ҳақида келтирган маълумотлари совет олимлари А. М. Гуревич ва Л. В. Строевнинг тадқиқотларига киритилди. Л. В. Строева ҳам тадқиқотида³ Ибн Арабшоҳ маълумотларидан фойдаланган. «Ажонб ал-мақдур»да Идику ва Тўхтамышга оид келтирилган маълумотлар В. М. Журмунскийнинг илмий ишларида ҳам кўп учрайди⁴.

«Ажонб ал-мақдур»дан ўз тадқиқотида истифода этган ЎзССР ФА академиги Я. Фуломов Ибн Арабшоҳнинг «Темур ўз набираси Муҳаммад Султон билан бирга унинг мадрасасига кўмилган, деб кўрсатиши асоссиз эмас», деб таъкидлайди⁵. Тарих фанлари доктори М. Абдуранмов темурийлар давлати ижтимоий-иқтисодий ҳаёти тарихига бағишланган мақоласида ҳам Ибн Арабшоҳ маълумотларига таянган ҳолда фикр юритиб, мисол тариқасида «Ажонб ал-мақдур»дан айрим цитаталар келтиради.

«Тамерлан» деб аталган китобда «Ажонб ал-мақдур»дан фойдаланган француз олими А. Шампдор Ибн Арабшоҳнинг Темурнинг ёшлик йиллари ҳамда Ҳиндистон юришига оид келтирган маълумотларини юқори баҳолайди. Шу билан бирга мазкур тадқиқот баъзи жузъий хатолардан ҳам холи эмас. Жумладан, Шампдор Ибн Арабшоҳни форс тарихчиси деб атайди.

¹ Машоҳир ул-ислом, 1-қисм, 320, 352-бетлар. Мазкур тўпلام ЎзФА Шарқшунослик институтида бор. (инв. № 15014) б.

² Жалойирийлар—Эрон элхонларининг (1256—1353) Ироқ ва Озорбайжондаги мулкларини мерос қилиб, у жойларда ҳукм юритган сулола (1333—1432).

³ Возникновение государства Тимура, 69, 73, 75-бетлар.

⁴ В. Журмунский. Народный героический эпос, П. М. 230-бет.

⁵ XV асрда Ўрта Осиё шаҳарларида бинолар ансамблининг традицияси, 216, 219-бетлар.

XIV—XV аср Урта Осиё тарихининг турли масалаларига бағишланиб, кейинги йилларда яратилган асарларда Ибн Арабшоҳ маълумотларидан истифода этилиши «Ажонб ал-мақдур» ўша давр ҳаётини ўзида тўлиқроқ мужассам қилган манба эканлигига яна бир асосдир. Жумладан, XIV—XV асрда Мовароуннаҳрда, хусусан Самарқандда санъат аҳллари ҳамда ўша пайтда бунёд этилган ҳашаматли қасрлар, боғ-бўстонлар ҳақида Ибн Арабшоҳ келтирган маълумотлар қисман бўлса-да, ҳозирги замон адабиётларида ўз аксини топган¹. Шунингдек, «Ажонб ал-мақдур» да келтирилган баъзи иқтисодий масала², дипломатик муносабатлар хусусидаги айрим маълумотлар³, Темурнинг хулқ-атвори ва ташқи қиёфаси⁴ ҳамда унинг дафни билан боғлиқ масалалар ҳақидаги фактларнинг сўнгги йилларда нашр қилинган тадқиқотларда акс этиши асарга бўлган қизиқишнинг катталигидан далolat беради. Шу билан бирга «Ажонб ал-мақдур»да келтирилган кўпгина маълумотлардан «Ўзбекистон ССР тарихи», «Самарқанд тарихи» каби йирик тарихий асарларда ҳам истифода этилганлиги диққатга сазовордир. Ва ниҳоят, Ибн Арабшоҳ асарларида келтирилган фактик маълумотлар чет эл олимларининг сўнгги йилларда яратилган баъзи илмий-оммабоп китобларида ҳам ўз аксини топган.

«АЖОИБ АЛ-МАҚДУР»НИНГ ТИЛИ ВА УСЛУБИ

XV асрнинг биринчи ярмида таълиф этилган «Ажонб ал-мақдур» бошқа кўпгина асарлардан фарқли ўлароқ ғоят нафис ва мураккаб тилда, насрий сажъ услубида ёзилган тарихий-бадний асардир. Муаллиф баёнида сезиларли из қолдирган бу ҳолатни XV аср форс тарихчилари томонидан кенг қўлланилган услуб кўрсатган таъсир, деб изоҳлаш ҳақиқатга яқиндир.

Ибн Арабшоҳ асари XV аср араб тарихнависилиги ва бадний адабиётнинг нодир ва ажойиб ёдгорлиги сифатида ўз мазмуни ва услуби жиҳатидан бошқа асарлардан ажралиб туради. Асар бошдан охир қатъий сажъ

¹ Г. А. Пугаченкова. Л. И. Ремпель, История искусств Узбекистана, 243, 262, 309-бетлар.

² Н. Махмудов. Земледелие и аграрные отношения, 40-бет.

³ С. Закиров. Дипломатические отношения, 95-бет.

⁴ И. Мўминов. Амир Темурнинг Урта Осиё тарихидаги роли. 44-бет.

услугада ёзилганлиги муаллифнинг етук шоир ҳам бўлганлигидан далолат беради. Дарвоқе, «Ажонб ал-мақдур» да келтирилган Ибн Арабшоҳ қаламига мансуб талайгина нафис шеърлар, рубойлар, махсус иккилик, тўртлик ушбу фикримизнинг асосли экаплигига далилдир. Муаллиф бирор воқеа ёки шахс ҳақида ҳикоя қилиб, ушбу ҳикоясини ўзининг рубойи ёки байтлари билан янада тўлароқ ифодалайди. Баъзи ҳолларда эса ўз байтидан кейин «яна айтилган» («ва қийла») деб бошқа шоирнинг худди шу мавзуга оид байтини ҳам келтиради. «Ажонб ал-мақдур»да келтирилган назмий тасвирларнинг аксар қисми Ибн Арабшоҳ қаламига мансуб бўлиб, баъзи ўринларда эса ан-Нобиға аз-Зубйоний (535—604), Абу Нувос (762, 814), Ал-Киндий (вафоти 874 йил), ал-Мутанабий (915—965) каби араб шоир ва файласуфларининг асарларидан ҳам истифода этилган¹.

Ибн Арабшоҳ асарининг услуги ҳақида тўхталар эканмиз, қўйидаги фактни қайд этиш зарурдир. Баъзи ўринларда муаллиф бирор воқеани тасвирлашда бадний безакларга берилиб кетиб воқеъликни бузиб кўрсатади². Жумладан, муаллиф ёзишича, Темур Ҳиндистонда бўлган пайтида ўз ўғли Амираншоҳдан олган мактуб³ фикримизга яққол далилдир. Ушбу узундан-узоқ мактуб нақадар кўп тарихий фактлар, диний ва дунёвий масалаларни қамраб олганлиги бир томондан муаллифнинг кўп воқеалардан хабардорлигини кўрсатса, иккинчидан ушбу маълумотларнинг тўғрилигига беихтиёр шубҳа туғдиради. Афсуски, бу тарздаги мисоллар асарда талай ўринларда учрайди. Мана шу йўсиндаги ҳамда бошқа бадний безакларга берилиб кетган муаллиф айрим ўринларда лўнда қилиб айтиш мумкин бўлган хабарларни кераксиз, ортиқча тафсилотлар билан тавсифлаб чўзиб юборган.

«Ажонб ал-мақдур» аввал зикр қилганимиздек, бошдан охир сажъ услугада ёзилган бўлиб, имкон борича бу қоидага қатъий риоя қилинган. Шунингдек, муаллиф Дамашқни Темур томонидан вайрон этилган тарихни «хароб» (рақамлар қиймати 803 ҳижрий (1400—1401)

¹ Бу ҳақда тегишли ўринларда изоҳларда кўрсатилган.

² Уша давр араб тарихий адабиётига хос бўлган бу «иллат» ҳақида яна қаранг: Ханна ал-Фахури, История арабской литературы, стр. 305, 306.

Йили деб тўғри кўрсатиб, унга қофия қилиб Хоразм вайрон этилган тарихни «азоб» (рақамлар қиймати 773 ҳижрий (1371—1372) йили деб¹ нотўғри талқин қилади. Ҳолбуки, Хоразм пойтахти Урганч Темур қўшинлари томонидан 1388 йилда забт этилган эди².

Ҳар қандай ҳолатда ҳам қофияга рноя қилган муаллиф атоқли отлардан феъллар ясаб жумлалар тузган. Масалан, «у (Темур) Дамашқда бўлиб, Мординга³ ўтган (ундан) Бағдодда боришга жазм қилди» жумласи «тадамшақа ва тамаррада сумма азама ан йатабагдада» тарзида баён қилинганки, бу жумлани сўзма-сўз: «у (Темур) аввал Дамашқлашгач, Мординиладди ва сўнгра Бағдодлашмоқчи бўлди», — деб таржима қилиш мумкин. Қофиядан чиқмаслик учун деярли айнан бир маънони англатадиган синоним сўзларни такрорлаш муаллиф ифодасидан кенг ўрни олган. Баъзи ҳолларда эса бошқа тиллардан жумладан форсча (сур, лош, тахт) ва туркча (текир, жавмак, язак, батрак) сўзлар ҳам ишлатилган.

«Ажонб ал-мақдур»да келтирилган турли тарздаги воқеаларни васф этишда муаллиф қўллаган яна бир услуб-бир фикрни тўла-тўқис ифодалаб, иккинчи бир мақсадга ҳам ишора қилган ҳолда фикр юритишдир. Мазкур ҳолат асарда кўп ўринларда учрайди, бунга бир неча мисоллар келтирамиз⁴. Асарнинг 87 бетда араб тили наҳву сарфи (грамматикаси)га оид (ҳидоя, кифоя, бидоя, ниҳоя, қофия, шофия ва шу каби) машҳур китоблар номини; 37 ва 130-бетларда Қуръоннинг бир неча суралари номларини; 139-бетда баён илмидаги (хашв, атиоб, татвийл каби) истилоҳларни; 160-бетда (Асад, Жавзо, Савр, Сунбула, Саратон каби) юлдуз буржларини; 99-бетда Миср султони Фараж ва Темур қўшинлари ўртасидаги жанг тавсифига аруз ва балоғат илмидаги (ҳақиқат, мажоз, заруб, садр, ажаз ва шу каби) истилоҳларни; 172-бетда Халил Султоннинг сурат ва сийратларини мадҳ қилиш учун араб алифбосидаги (алиф, бо, жим, дол, син ва шу каби) ҳарфларни қўллаб усталик билан жумлалар тузганки, улар матн мазмунини

¹ «Ажонб ал-мақдур», 24-бет.

² Ўзбекистон ССР тарихи, 355-бет., Б. Ахмедов. Из политической истории Хорезма XV в. 147-бет.

³ Мордин—Туркиянинг шарқида жойлашган шаҳар.

⁴ Таржиманинг тегишли ўринларида шу тарздаги ишоратларга изоҳлар берилган.

ҳам тўла-тўқис ифодалайди. Шу билан бирга Ибн Арабшоҳ асарни бениҳоя аниқ иборалар, нозик ишоралар, нафис истиора ва ўхшатишлар, киноялар, масаллар, ҳикматли сўзлар, бадийий безаклар, кўлдан-кўп Қуръон оятлари, шунингдек, турли даврларда бўлиб ўтган тарихий воқеаларга ишоратлар билан тўлиб тошганки, шубҳасиз, бу ҳол муаллифнинг гоят билимдон, сўзамол ва мулоҳазасининг кенг эканлигини кўрсатади.

«АЖОИБ АЛ-МАҚДУР» ТАРИХИЙ МАНБА СИФАТИДА

Деярли ярим асрлик давр воқеаларини ўз ичига олган «Ажойиб ал-мақдур» кўп сонли «зикр» (баён)лардан иборат бўлиб, воқеалар жараёнига биноан муаллиф уларни тадрижий равишда келтиришга ҳаракат қилган. Мана шу «зикр»ларнинг жойлашуви ҳамда асарнинг композициясига асосланиб, бизнингча, уни тўрт бўлимга ажратиш мақсадга мувофиқдир. Биринчи бўлимда Темурнинг насаби, болалик ва ўспиринлик йиллари дастлабки фаолиятига оид маълумотлар келтиради. Иккинчи бўлимда Темур Мовароуннаҳрда ҳокимиятни мустақил эгаллагандан (1370 йил) бошлаб деярли умрининг охиригача олиб борган ҳарбий юришлари сўзланади. Темур вафотидан (1405 йил) кейин тахминан 1436 йилгача бўлган воқеалар учинчи бўлимда баён қилинади. Охириги тўртинчи бўлим эса, Темурнинг сифатлари, шакл-шамойиллари табиий хислатлари ҳақидаги маълумотларни ўз ичига олади.

Кўпгина тадқиқотчилар XIV—XV аср Урта Осиё, шунингдек Эрон, Озарбайжон тарихини тўлиқ тасаввур қилиш учун ўша даврдаги бошқа тарихчилар яратган асарларни «Ажойиб ал-мақдур» билан қиёсий ўрганиш зарурлигини ҳаққоний равишда таъкидлаганлар. Дарҳақиқат, бу бўлиб ўтган воқеаларнинг қанчалик тўғрилигини аниқлашда ёрдам беради. Шу нуқтан назардан Темурнинг болалик ва ўспиринлик йиллари ҳақида Ибн Арабшоҳ келтирган маълумотлар диққатга сазовордир. Бошқа бирорта ҳам манбада кўрсатилмасда¹, Ибн Арабшоҳ Темурнинг Кеш (Шаҳрисабз) яқинидаги Хўжа

¹ Қаранг: В. В. Бартольд. Соч. т. II (2) прим 18, 39-бет.

Илғор¹ қишлоғида туғилганлигини зикр қилади. Сўнгра муаллиф Темур ва унинг отаси Тарағай ҳаётидан бир-талай ривоятлар келтиради ҳамда кейинчалик Темурнинг ўз атрофига тенгқурларини тўплаб ўлжа тушириш билан шуғуллангани ҳақидаги маълумотларни келтирадики, бу хабарларни у Мовароуннаҳрдалиги пайтида эшитган бўлса керак. Чунки бир томондан Темур ҳаётини мақтовлар билан баён қилган расмий тарихчиларни унинг ёшлик ва ўспиринлик йиллари ҳақида ҳеч нарса ёзмадан четлаб ўтишлари, иккинчи томондан эса, Ибн Арабшоҳга алоқадор бўлмаган Кастилия элчиси Клавихонинг ҳам шу йўсинда ёзиши², шунингдек, рус солномасида ҳам айнан шу тарздаги хабарлар келтирилиши³ бу фикр маълум даражада ҳақиқатга яқин бўлиб, ўша пайтда бу ҳикоялар халқ орасида кенг тарқалганлигидан далолат беради. Дарҳақиқат, Ибн Арабшоҳ ёзганидек, «бир қарашданоқ ташқи хусусиятига қараб отларнинг зотли ёки зотсизлигини ажратадиган» Темур ёшлигидан эпчил чавандоз ҳисобланиб, камалакдан яхши отган. У ҳарбий ишни пухта эгаллаб аста-секин ўз атрофида тўпланган унча кўп бўлмаган отлиқ аскарларни ўз қўшнилариининг ерларида ўлжа тушириш ва ўтиб борган савдогарлар карвонларининг йўлини тўсиб, мол-мулкни тортиб олиш учун юборган.

Шахсий ботирлик ҳамда бошлиққа хос хислатлари билан Темур ёшлигига қарамасдан ўз қабиласи барлослар, айниқса чигатой кўчманчи ёшлари орасида шуҳрат қозона бошлади. Ибн Арабшоҳ, унинг ҳамроҳлари сони тобора ошабориб, қисқа вақтда уч юз кишига етганлигини зикр қилади. Шундан кейин содир бўлган воқеалар хусусида «Ажонб ал-мақдур»да келтирилган маълумотлар гарчи форсча манбаларда тасвирланганидек мукамал ва тарихлари кўрсатилиб аниқ баён этилмаса-да, ҳокимият йўлида Темур билан унинг рақиблари ўртасида юз берган курашларни қисман акс эттиради. XIV асрнинг 60—70 йилларида содир бўлган бу курашлар ҳозирги замон тарихий адабиётида батафсил ёритилган

¹ «Ажонб ал-мақдур». 3-бет, А. Якубовскийнинг «Темур», прим. 45, 53-б. Ибн Арабшоҳга ишора қилиб, Хўжа илғор қишлоғи ушбу қишлоқ ҳокимининг номи билан аталган, деган фикри нимага асослангани бизга номаълум.

² Клавихо. Дневник. 240-бет.

³ Никоновская летопись, 151-бет.

бўлиб, биз бу масалага муфассал тўхталмаймиз. Шу курашларнинг хотимасига тўхталиб, ҳокимият талабида Темур ўзининг асосий рақиби, шу пайтгача Балхда турган амир Ҳусайинни енгиб, 771 йил шаъбон (1370 йил, февраль-март) ойда уни Самарқандга келтириб, шу жойда қатл қилди¹, деб муаллиф қисман хатога йўл қўйган. Ҳолбуки, амир Ҳусайн Балхнинг ўзида қатл қилинган эди². Кези келганда шунини қайд қилиш керакки, Темур Мовароуннаҳр сиёсий ҳаётига XIV аср 50-йилларининг охири ва 60 йилларининг бошларида кириб келди. Бу вақтда Чинғатой улусига қарашли бўлган Мовароуннаҳр тарқоқ, майда-майда феодал давлатларга бўлиниб кетган эди. Кеш (Шаҳрисабз), Бухоро, Термиз, Бадахшон, Хўжанд, Шош (Тошкент) ва бошқа қатор вилоятлар ҳокимлари ўртасида адоват, тинимсиз уруш-жанжаллар давом этиб келарди. Бир томондан мўғул хонлари ўтказаяётган зуғумлар, иккинчи томондан маҳаллий ҳокимлар ўртасидаги тўхтовсиз низолар мамлакатни мушкул аҳволга тушириб, фақат оддий халқ оммаси аҳволини оғирлаштириб қолмай, балки ҳоким синфларнинг манфаатларига ҳам путур етказарди. Мана шундай оғир вазиятда сиёсат майдонига чиққан Темур Мовароуннаҳрда мўғул хонлигидан мустақил, кучли марказлашган давлат тузилмагунча вазиятни тузатиш мумкин эмаслигини тўла англади ва бу йўлда кескин курашга бел боғлади. Темурнинг бу ғоясини мамлакатни бирлаштиришдан манфаатдор бўлган барча социал кучлар, айниқса ҳар томонлама катта нуфузга эга бўлган феодал зодагонлар астойдил қўллаб-қувватладилар.

Вужудга келган сиёсий вазиятдан устамонлик билан фойдаланиб, дадил кураш олиб борган Темур XIV асрнинг 70-йилларига келиб Мовароуннаҳрдаги мавжуд феодал тарқоқликгаю, мўғуллар ҳокимлигига барҳам бериб, нисбатан марказлашган, кучли ва мустақил феодал давлатга асос солди. Урта Осиё (Мовароуннаҳр) халқлари ҳаётида юз берган бу тарихий воқеада, шубҳасиз, Амир Темурнинг қизмати беқиёсдир.

Мовароуннаҳрни ўзига бўйсундириб, ҳокимиятни мустақил ўз қўлига олган Темурнинг бундан кейин уюштирган ҳарбий юришлари талончилик характерида-

¹ «Ажойиб ал-мақдур», 11—12-бетлар.

² Бу ҳақда 88-изохга қаранг.

ги урушлар билан қўшиб олиб борилди. Мана шу хилдаги юришларнинг дастлабкиси Темурнинг Хоразмга қилган (1372 йил) юриши эди. Ҳозирги замон илмий адабиётида қайд қилинганидек¹, Ибн Арабшоҳ ҳам Темур Хоразмга тўрт марта юриш қилгандан кейин уни эгаллаб, пойтахти Урганчни хароб этгани ҳақида ёзади².

1385 йилдан бошлаб Темур аввал ўзи ёрдамида Оқ Урдада ҳоким бўлиб, сўнграқ эса Олтин Урдани ҳам ўзига қўшиб олиб бутун Жўчи улусида³ ўз ҳукмини ўрнатишга муваффақ бўлган, Тўхтамиш (вафоти 1406) билан узоқ муддат уруш олиб борди. Ибн Арабшоҳ ҳам Темур билан Тўхтамиш ўртасида 1395 йилда содир бўлган ҳал қилувчи жангни батавсил баён этиб, Тўхтамишнинг енгилиб қочиши ва Темур қўшинлари томонидан Олтин Урданинг пойтахти Сарой ҳамда Астрахань, Саройчиқ, Азов каби шаҳарлар вайрон этилганини зикр қилади⁴. Темур билан Тўхтамиш тўқнашуви баёни муносабати билан муаллиф Дашти Қипчоқ аҳлининг урф-одатлари, хислату фазилатлари, шунингдек, Сарой шаҳрининг тарихига доир кўпгина маълумотлар келтирилганки, шубҳасиз, бу фактлар Олтин Урда тарихи билан шуғулланувчи тадқиқотчилар, тарихчи этнографлар учун маълум қимматга эгадир. Шунингдек, XV асрнинг бошларида Олтин Урда ҳаётида юз берган сиёсий воқеаларни ҳам муаллиф гарчи тарихнавис Абдураззоқ Самарқандий каби тўла-тўқис ёритмаса-да, асосан тўғри баён қилади⁵.

Темурнинг Хоразм ва Олтин Урдага қарши курашиб, уларни енгизиш Урта Осиёни кучли бир давлатга бирлаштириш билан боғлиқ бўлса, унинг Эрон (XIV асрнинг 80-йиллари), Озорбайжон (1385—1386), Ироқ (1393, 1400), Ҳиндистон (1398—1899), Сурия (1400—1401) ва Туркияга (1401—1402) қилган юришлари эса

¹ Ўзбекистон ССР тарихи, 352—343-бетлари: Б. Аҳмедов, Излитической истории Хорезма. XV в.

² «Ажонб ал-мақдур», 24-бет.

³ Жўчи улуси—Чингизхоннинг (вафоти 1227) катта ўғли Жўчи ҳукмида бўлган Шарқий Сибирь ва Дашти Қипчоқ ерлари Жўчи улуси деб аталарди. Кейинчалик, яъни XIV асрнинг бошларидаёқ Жўчи улуси икки мустақил давлатга—Кўк Урда (ёки Олтин Урда) ва Оқ Урдага бўлиниб кетган эди. 46—47-бетлар.

⁴ Ажонб ал-мақдур, 57—59-бетлар.

⁵ Солиштиринг: Абдураззоқов Самарқандий, Матлан саъдайн, 180—181-бетлар. Ибн Арабшоҳ. Ажонб ал-мақдур, 62—63-бетлар.

тўғридан-тўғри истилочилик ва босқинчилик мақсадидаги юришлар эди¹.

Ибн Арабшоҳ юқорида зикр қилинган юришларнинг ҳар қайсиенга алоҳида-алоҳида тўхталиб ўтсада, лекин Темурнинг Шом, Ироқ ва Туркияга қилган юришларини муфассал баён қилади. Бу ҳақдаги маълумотлар тўла-тўқис ва барча ўринларда аниқ тарихлари билан келтирилиб, муаллиф улардан яхши хабардор бўлганлиги сезилиб туради. Жумладан, Темур қўшинлари томонидан 804 йил аввал (1402 йил, май) ойида Камох² қалъасининг ишғол қилиниши Ибн Арабшоҳ асарида батафсил ёритилган бўлиб, Низомуддин Шомий эса бу ҳақда умумий тарзда ҳикоя қилиш билангина қифоялаган. Баъзан эса муаллиф ўзи тувоҳи бўлган воқеалар ҳақида ёзди. Жумладан, 839 йил раби ул-аввал ойининг бошларида (1435 йил, сентябрь) Рум ерлари томон йўл олаётганда ўзи Ҳамода, Нурий масжиди деворида Шомга бораётиб Темур қолдирган бир хатни кўрганилигини ҳикоя қилиб, унинг тўлиқ матнини келтиради. Шомда, хусусан Дамашқда Темур қўшинлари қилган бебошликлар, талон-торож ҳақида муаллиф ўзи шохиди бўлганлар асосида ҳикоя қилади. Шу билан бирга талон-торож вақтида Темур аскарлари тартиб ҳақида Ибн Арабшоҳ келтирган маълумотлар фоят диққатга сазоворки, бу хусусда бошқа манбаларда ҳеч қандай маълумот учратмадик. Муаллиф баёнча, оммавий талон-торожга рухсат бўлгандан кейин қўшиндаги барча хосу авом баб-баравар ҳуқуққа эга бўлиб, кимки бир нарсага олдин кўлини узатса, у ўшаики бўлган.

Аммо талашга рухсатдан олдин эса наҳбу-ғорат қилиш тугул, ҳаттоки, у ҳақда сўз очган киши ҳам қаттиқ жазоланган.

«Ажонб ал-мақдур»да келтирилган маълумотларга қараганда катта ўлжа олишга умид боғлаган Темур ўзининг сўнги, Хитойга қилган юришига зўр тайёргарлик кўрган. Бу пайтда Самарқандда яшаган Ибн Арабшоҳ бу воқеалардан яхши хабардор бўлганлиги учун ҳам бу ҳақда келтирилган маълумотлари ўзининг оригиналлиги, тўлаллиги билан алоҳида илмий аҳамият касб этади.

¹ Н. В. Пигулевская и др. История Ирана, стр. 230—232, История Азербайджана, т. 1, стр. 198—200. А. Д. Новичев, История Турции, 36—37-бетлар.

² Камох—Фирот дарёсининг чап соҳилида, Арзинжондан жануброқда жойлашган ғоятда мустаҳкам қалъа.

Масалан, Ибн Арабшоҳ, Темур ўзи аввал Ашпарага¹ жўнатган² амири Оллоҳдоддан Хитой ерларигача бўлган бутун йўللари маъзиллар, сувлоқлари саҳролар ва шуларга ўхшаш маълумотларни муфассал тарзда юборишни сўраганлигини зикр қилади, шубҳасиз, бу маълумотлар Темурнинг Хитойга юришида истифода этилиши кўзда тутилган. Шунингдек, муаллифнинг Темур вафоти ва унинг вафотидан кейин дарҳол содир бўлган воқеаларга оид келтирган маълумотлари тарихчилар томонидан юқори баҳолашиб, қатор илмий тадқиқотлар яратилган³. 1404 йил ноябрь ойининг охирида Хитой томонга юриш бошлаган Темур қаҳратон қиш ва қор бўронига қарамасдан 1405 йилнинг 14 январда Утторга келиб тўхтади. Ибн Арабшоҳнинг ёзишича, совуқ натижасида Темур ибрида⁴ касалига чалиниб, уни даф этиш учун у таркибида иситадиган моддалар, хушбўйликлар ва резаворлар бўлган арақ ичимлиги тайёрлатиб, меъёрсиз даражада шундан истеъмол қилади. Бундан унинг аҳволи оғирлашиб, табибларнинг давосига қарамасдан 1405 йилнинг 18 февралда вафот этади. Темур касали ва унинг ўлимига кўп миқдорда истеъмол қилинган ароқ сабаб бўлганлиги ҳақида тарихчи Ҳофиз-и Абру ҳам ёзди. Гарчи расмий тарихчилар (хусусан, Шарафуддин Али Яздий) бу факт ҳақида ҳеч нарса ёзмаса-да, бу бир-биринга боғлиқ бўлмаган икки тарихчининг бир хил ёзиши юз берган воқеаларнинг тўғри эканлигига далилдир. Шунингдек, Темур қабрининг ички жиҳози ҳақида «Ажонб ал-мақдур»да келтирилган маълумотлар санъатшунослар, этнографлар учун катта аҳамиятга эгадир. Бошқа маълумотларда бу хусусда ҳеч нарса ёзилмаганлиги эса⁵, Ибн Арабшоҳ келтирган маълумотларнинг қимматини янада оширади.

¹ Ашпара—Ҳозирги Сирдарё билан Еттисув ўрталарида чегара бўлиб турган дарё ва жой Ашпара (ҳозирги тилда Чолдевор) деб аталган.

² Бу ҳақда яна қаранг: Шарафуддин Али Яздий, Зафарнома, в. 389-бет.

³ В. В. Бартольд. Улуғбек и его время: О погребении Тимура: Л. Зимин, Подробности смерти Тимура: Я. Г. Гулямов. К вопросу о традиции: А. А. Семёнов. Надписи на надгробиях Тимура: К. Шахурин. Ещё раз о погребении Тимура.

⁴ Бу касал ҳақида 1081-изоҳга қаранг.

⁵ В. В. Бартольд. О погребении Тимура. Соч. т. II (2), 445-бет.

Маълумки, Темур вафотидан кейин унинг авлодлари ўртасида тахт учун бошланиб кетган курашда кўп амирлар қўллаб-қувватлаган ва пойтахтга яқинроқ бўлган набираси Халил Султон ғолиб чиқиб, Самарқанд ҳокимлигида қарор топди. Ибн Арабшоҳ Халил Султон ҳокимият тепасида турган (1405—1409) йилларда Мовароуннаҳрда содир бўлган сиёсий воқеалар, шунингдек, мамлакат ички ҳаётидаги аҳвол ва Халил Султоннинг ўзи ҳақида кўпгина маълумотлар келтиради. Шунинг қайд этиш керакки, гарчи мазкур (1405—1409) давр айрим тадқиқотчилар диққатини ўзинга тортган бўлса-да, ҳали чуқурроқ ўрганишни тақозо қилади. Мовароуннаҳр тарихининг ушбу даврини ўрганишда эса «Ажойиб ал-мақдур» асосий манбалардан бири сифатида қаралмоғи керак.

Ибн Арабшоҳ асарида тарихий воқеалар баёни 1409 йилда Темурнинг кенжа ўғли, 1397 йилдан бери Хуросонда ҳоким бўлиб турган Шоҳрух келиб Самарқандни эгаллагани ва ўз ўғли Улуғбекни Мовароуннаҳрда қарор топдириб, Хуросонга қайтгани ҳамда деярли Темур барно қилган салтанатга мансуб бўлган чегараларнинг барчаси Шоҳрух ҳукми остига ўтганлигини зикр қилиш билан тугаллайдими.

Ибн Арабшоҳ асарида келтирилган тарихий маълумотларнинг аксар қисмини сиёсий воқеалар ташкил этса-да, ўша давр ҳаётининг бошқа томонларига доир ҳам кўпгина фактик маълумотлар учрайди. Жумладан, «Ажойиб ал-мақдур»да келтирилган Самарқанд сарбадорлари¹ ҳақидаги хабарлар диққатга сазовордир.

XIV асрнинг биринчи ярмидан бошлаб Хуросонда сарбадорлар ҳаракатининг² кенгайиши натижасида бошқа ўлкаларда, жумладан, Самарқандда ҳам бу ҳаракат кенг тарқалган эди. Ибн Арабшоҳ сарбадорларни «шутторлар» яъни «бузуқлар», «таловчилар» деб атаб³, ўз асарида баён қилишича, Самарқанд сарбадорлари,

¹ Самарқанд сарбадорлари ҳақида қаранг: Р. Н. Набиев, XIV асрда Ўрта Осиёда сарбадорлар қўзғолони; Л. В. Строева, Сербадары Самарканда.

² Хуросон сарбадорлари ҳақида қаранг: И. П. Петрушевский. Земледелие, 424—467-бетлар.

³ XIV аср машҳур араб сайёҳи Ибн Батута (Риҳла, 2-қисм, 248-бет.) ҳам шу тарзда фикр юритиб, уларни Ироқда «шуттор» (бузуқлар, таловчилар), Мағрибда эса «суқура» («қузғунлар») деб аташлари ҳақида ёзади.

турли-туман тонфадаги кишилардан ташкил топган ва икки гуруҳга бўлинган бўлиб, мудом ораларида адоват ва муқотала содир бўлиб турган. Шунчалик қудрати бўлишига қарамасдан Темур улардан хавотирда бўлиб, бир неча марта (муаллиф ёзишча, тўққиз мартача) улар бош кўтариб ўзига қарши хуруж қилгач, Темур фириб билан уларни қатл этиб, зиёну зарарларидан амин бўлган.

Лекин муаллифнинг 1409 йил воқеаларини шарҳлашда ҳам сарбадорларни зикр қилиши тадқиқотчилар диққатини ўзига тортмоғи лозим. 1409 йилнинг март ойида амир Худойдод Халил Султонни енгиб, Мовароуннаҳр устидан ҳокимликка эга бўлгани хабари Хуросон ҳокими Шохруҳга (1397—1447) етгач, у Мовароуннаҳр томон юзланди. Шохруҳнинг Самарқандга томон йўл олганини эшитган Худойдод Халил Султонни олиб Андижонга қараб йўл олгач, Ибн Арабшоҳнинг ёзишча, ҳали Шохруҳ шаҳарга етиб келмаганда Самарқандни вақтинча идора қилаётган шайх ул-ислом Хожа Абдулаввал Шохруҳ истиқболига чиқмоқчи бўлган амирлар Оллоҳдод ва Арғуншоҳга қарши шаҳар сарбадорлари мададига таянган. Гарчи муаллиф шу тариқа ёзса-да, бошқа манбаларда бу пайтда (1409 йилда) Самарқандда сарбадорлар бор бўлиб, улар муайян куч ҳусобланган ҳақида ҳеч қандай маълумот учратмадик.

Темур ҳукмронлик қилган йилларда Мовароуннаҳрнинг турли томонларида кўпгина иншоотлар барпо этилди. Бунга бир томондан мамлакат снёсий ҳаётида ҳосил бўлган вақтинчалик нисбий осойишталик имкон яратган бўлса, иккинчидан эса маҳаллий ҳунармандлар билан бир қаторда забт этилган турли мамлакатлардан Мовароуннаҳрга, асосан Самарқандга келтирилган мутахассис ҳунармандлар, меъморлар, наққошлар кенг кўламда қурилишга жалб қилиниши ижобий таъсир кўрсатди. Чунончи, Темур ўзи истило этган мамлакатлардан нафақат қимматбаҳо бойликларни, шунингдек маҳаллий усталарни ҳам Мовароуннаҳрга олиб келтирди. Ибн Арабшоҳ, Темур Дамашқдан фазлу-ҳунар эгаларини, турли-туман санъат аҳллари-тўқувчилар, тикувчилар, сангтарошлар, дурадгорлар, чодир тўқувчилар, мол табиблари, наққошлар, ёй ясовчилар, қирғийдорлар, ҳуллас ҳар қандай ҳунар аҳлларини Самарқандга олиб кетганлигини хабар қилади. Бу ҳақда Шарафуддин Али Яздий ҳам ёзиб, табиблардан мавлоно Жамолуд-

дин ва Сулаймон ҳам олиб кетилганлигини қайд қилса, Ибн Арабшоҳ Жамолуддинни Шомда табобат раиси эди¹, деб бу фикрни тўлдиради. Яна шуниси характерлики, Темур Самарқандга олиб кетган шахслардан баъзан оддий ҳунармандларнинг номлари ҳам зикр қилинади. Ибн Арабшоҳ, шахсан ўзи билган совут ясовчи уста Шаҳобуддин Аҳмад шулар жумласидандир. Чет ўлкалардан Самарқандга келтирилган ҳунарманд ва усталар ҳамда маҳаллий аҳолининг самарали меҳнати ва поёб санъати билан ўша даврда бунёд этилган Масжиди Жомеъ², Шоҳизинда, Гўри Амир каби шарқ меъморилик санъатининг ажойиб намуналари бўлган муҳташам иморатлар, бир томондан шуҳратпараст ҳокимларнинг ўз давлати қудратини намойиш қилишга жонпужаҳл кўрсатганликларини англатса, иккинчидан феодал зулми шаронтида маданий бойлик яратиб, кейинги авлодларга мерос қолдирган ўша халқлар муштарак яшодининг самарасини ҳам ифодалайди. Дарвоқе, ушбу фикримизга Ибн Арабшоҳ ўз асаринда келтириб, илмий адабиётларга кенг олиб кирилган бир маълумот яққол мисол бўла олади. Муаллиф ўша пайтда Самарқанд этакларида бир қанча қишлоқлар бунёд этилиб, улар Шарқнинг Миср (Қоҳира), Димашқ (Дамашқ), Бағдод, Султония ва Шероз каби машҳур шаҳарлари номлари билан аталганлигини ҳикоя қилади³. Моҳир ҳунармандлар ва халқ оммасининг ишона тери билан Самарқанд атрофларида бунёд қилинган бу қишлоқларга донгдор шаҳарлар помини беришда кўзда тутилган асосий мақсад, гўё у шаҳарларни Самарқандга нисбатан оддий бир қишлоқ мисолда «тасаввур» қилиш эди.

Шуни қайд қилиш керакки, «Ажонб ал-мақдур»да ўша даврда қурилган хилма-хил қурилиш иншоотлари ҳақида яна бирталай маълумотлар келтирилган. Жумладан, юқорида зикр қилинган Масжиди Жомеъ ҳақида Ибн Арабшоҳ келтирган маълумотлардан маълум бўлишича, ушбу иморатга бошчилик қилиш Маҳаммад Жалд

¹ Ажонб ал-мақдур, 115-бет.

² Ҳозир у Бибиҳоним масжиди номи билан машҳурдир.

³ «Ажонб ал-мақдур», 220-бет. Шу нарса диққатга сазоворки, муаллиф ушбу қишлоқларнинг айримлари ҳақида баъзи маълумотларни ҳам келтиради. Жумладан, у Дамашқ қишлоғини ўзи кўрганлиги ва қишлоқ шаҳарнинг ғарбида-ундан ярим кунлик масофада эканлигини ҳикоя қилади (Ажонб ал-мақдур, 14-бет).

деган аён зиммасига юклатилган. Лекин Жомеъ иморатидан норози бўлган Темур Муҳаммад Жалдди қатлга тортиб, мол-мулкни мусодара қилдирган¹. Бу жазонинг сабаблари бир печта бўлиб, уларнинг энг асосийси мазкур жомеънинг Катта Малика (Бибихоним) қурдирган мадрасага² нисбатан пастроқ қурилганлиги эди, деб ҳикоя қилади муаллиф бошқа тарихчи сайёҳларнинг айнан шу тарздаги фикрларини қувватлаб.

XIV–XV асрларда боғ-роғлар барво этиш ғоятда тараққий этиб, ёзма манбаларда ўша даврда ўндан ортиқ боғ-бўстонлар бунёд этилганлиги зикр қилинади. Ибн Арабшоҳ шулардан бештасининг номини келтириб, уларни ўз хотирида қолгани бўйича айтадики, улардан бири Бўстону Эрам, иккинчиси Зийнат уд-Дунё, бошқаси Жаннат ул-Фирдавс, униси Бўстон уш-Шимол, буниси Жаннат ул-Улё деб аталганлигини ҳикоя қилади. Шунингдек, Ибн Арабшоҳ, Темур ва унинг қўшини ғойиблигида ушбу соя-салқинлар боғу роғларда шаҳар аҳлидан бою фақирлар сайр қилиб, ҳордиқ чиқарганликларини ёзади.

Кези келганда шуни ҳам қайд қилиш керакки, турли-туман ҳунар аҳллариининг ақл заковати, тинимсиз меҳнатию ноёб санъати туфайли бунёд этилган бу муҳташам иморатларнинг айримлари бизнинг замонамизгача етиб келган бўлиб ҳозиргача ўз улугворлигию нафосати билан кишини ҳайратда қолдиради. Афсуски, ёзма манбаларда бу муҳташам иморатларни бунёд қилишда ўз ҳиссаларини қўшган оддий ҳунарманд ва усталар ҳақида деярли ҳеч қандай маълумотлар келтирилмай, ҳатто уларнинг номлари ҳам зикр қилинмайдн. Шу нуқтан назардан қаралганда, Ибн Арабшоҳнинг ҳунарманду усталар ҳақида келтирган маълумотлари муайян даражада қимматга эга бўлиб, ҳанузгача тадқиқотчилар диққатидан четда қолиб келмоқда. Масалан, муаллиф ўша даврдаги заргарлардан ал-Хож Али Шерозий, ал-Хож Муҳаммад Ҳофиз Шерозийнинг номларини келтиради. Сангтарошлардан катта бир гуруҳи бор бўлиб, уларнинг энг устуни Олтун бўлганини қайд

¹ Шарафуддин Али Яздий (Зафарнома, қўлёзма № 1514, в. 482 а, 483 б) ва Фасиҳий (Мужмал, 2-жилд, 151-бет) Темур мазкур жомеъ ишининг Муҳаммад Жалд ва Хожа Маҳмуд Довуд деган икки ёрдамчиси зиммасига юкланганлиги ва уларнинг ишларидан норози бўлиб, икковини ҳам қатл этганини ёзадилар.

² Ҳозирги вақтда у мавжуд эмас.

қилади ва у ўз ҳунарида бир мўъжиза бўлиб, қиммат-баҳо тошларга нақш солар, яшмга, ақиққа Ёқутнинг¹ хатидан кўра ҳам гўзал хат билан ўйиб ёзарди², — деб унинг ғоят моҳирлигини таърифлайди. Ибн Арабшоҳ наққошларнинг кўп бўлганлигини таъкидлаб, уларнинг энг моҳири Абдулҳай ал-Бағдодий экаплигини ёзади ва уни «санъатида моҳир эди» деб тавсифлайди. Шунингдек, муаллиф боғдорчилик ишида машҳур мутахассис Шихобуддин Аҳмад аз-Зардкаший ҳақида ҳам зикр қилиб, мис ва шишага нақш соладиганлар эса сонсиз-саноксиз кўп эди, деб ёзади. Ибн Арабшоҳ ўзи келтирган ушбу ҳунарманду усталарнинг ҳар бирини ўз даврининг алломасию асрининг мўъжизаси деб, «бу кишилар мен биллиб, зикрию исми хотиримда қолганлар, аммо мен билмаганлару ёйинки билсам ҳам исми эсимга келмаганлар эса беҳад даражада кўп бўлиб, ҳисобкитобдан хоришдир»³, — дейди.

«Ажонб ал-мақдур»да янги қурилган иншоотлар билан бир қаторда ўша даврда тикланган баъзи шаҳарлар, қалъалар ва қўрғонлар ҳақида ҳам талай маълумотлар келтирилади. Маълумки, мўғуллар исғилоси даврида (1206—1227) харобага айлантирилган Банокат Темур замонида тикланиб, унинг ўғли Шоҳруҳ шарафига Шоҳруҳия деб аталган эди. Шарафуддин Али Яздий шаҳар тикланишини 794 (1391—1392) йил, Фасиҳий эса 784 (1382—1388) йилда бўлганлигини қайд қилиб, иккала тарихчи ҳам уни фанокат деб зикр қиладилар. Ибн Арабшоҳ, шаҳар тикланган тарихни кўрсатмай, уни Шоҳруҳия деб аталанишини Темур ўғли Шоҳруҳ туғилишига боғлаб, бунга сабаб Темур билан унинг яқин кишиси ўртасидаги шахмат ўйини пайтида ҳосил бўлган вазиятни ривоят қилади⁴. Шоҳруҳ 1377 йилда туғилган бўлиб, «Ажонб ал-мақдур»да шаҳарнинг тикланиш ҳикояси Темур 1387 йилда Исфaxonни эгаллагандан кейинги воқеалар баёнидан сўнг келтирилади. Аслида эса Банокат, Шарафуддин Али Яздий кўрсатганидек, Темур

¹ Ёқут Мустаъсимий—Аббосийлардан бўлган халифа Мустаъсим (1242—1258) саройида яшаган машҳур ҳаттоғ. У олти хил ёзувни хусниҳат билан ёзишда ном чиқарган бўлиб, «қиблат ал-кутуб» (китобларнинг пешвоси) деган лақаб олган. Ёқут юз йилдан кўпроқ умр кўриб, 1296 ёки 1299 йили вафот этади.

² «Ажонб ал-мақдур», 222-бет.

³ «Ажонб ал-мақдур», 225-бет.

⁴ «Ажонб ал-мақдур», 33-бет.

фармонига биноан 1392 йилда тикланиб, унинг ўгли Шохруҳ шарафига Шохруҳия деб аталган. Шу билан бирга, Ибн Арабшоҳ асарида баъзан бошқа манбаларда зикр қилинмаган маълумотлар келтирилган ҳоллари ҳам учрайди. Жумладан, «Ажойб ал-мақдур»да Ашпара шаҳрининг тикланиши ва Ашпарадан ўн кунлик йўлда бўлиб, мўғуллар билан Темур ерлари ўртасида низоли маконда жойлашганлигидан харобага айланган Бош Хумра деб аталадиган қалъани тиклаш учун бирқанча амирлар билан қўшин тоифалари жўнатилганлиги зикр қилинади. «У гуруҳнинг (Самарқанддан) чиқиши 806 йилнинг охири, 807 йилнинг бошларида (июнь, июль, 1404 йил) бўлиб, бу билан улар Хитойга бориши ва қайтишларида ўзларига бошпана, макон ва ишончли кўрғон бўлишини кўзда тутган эдилар»¹, — деб ёзади тарихчи бу ҳақдаги ҳикоясини давом эттириб.

Шуни таъкидлаш керакки, Темурийлар даврида олиб борилган истеҳком қурилишлари (гарчи ҳарбий мақсадлар кўзланиб бўлса-да) ҳақида ҳам «Ажойб ал-мақдур»да баъзи маълумотлар мавжуддир. Темур вафотидан (1405 йил) кейин тахт учун бошланиб кетган курашда Халил Султон галиб чиқиб, Мовароуннаҳр тахтида қарор топганлигини юқорида қайд қилган эдик. Тахт йўлида ўзининг асосий рақиблари — 1397 йилдан буён Хуросонни идора қилиб турган Шохруҳ ҳамда Ғазнада, Самарқанддан узоқда бўлганлиги туфайли тезда тахтни эгаллай олмаган қонуний валиаҳд Пирмуҳаммаднинг ҳужумидан хавотирланган Халил Султон шошилинич равишда ўз мулкининг жанубий чегараларини мустаҳкамлашга киришди. Шу мақсадда 1407 йилнинг июлида ўз ҳарбий бошлиқларидан бири бўлган Оллоҳдод бошчилигида мўғуллар истилоси даврида (XIII аср) вайрон қилинган Термиз шаҳрини тиклаш учун ўз қўшинларидан жўнатди. Ибн Арабшоҳ эски Термизнинг ғоят тез муддатда — ўн беш кун деганда қайта тикланиб, натижада у Чингизхон истилоси давридан буён шаҳар аҳли яшаб келаётган янги шаҳарга нисбатан мустаҳкам бўлганлигини ҳикоя қиладики, бу ҳол шаҳар тикланиши ғоят зудлик билан олиб борилганини кўрсатади. Бу хабарни эшитган Шохруҳ ҳам ўз чегараларини тиклаб, пишиқлашга киришган. Ибн Арабшоҳ, ёзишича, Шох-

¹ Ажойб ал-мақдур, 159—160-бетлар.

руҳ амир Мирзоб¹ бошчилигида Хуросон қўшинларидан бир тоифани жўнатиб, Балхнинг Ҳисн ал-хунуд («Ҳиндлар кўрғони»)² деб аталадиган кўрғонини тиклатган.

Ибн Арабшоҳ асари ўша пайтда бўлган базмлар, тўю тантаналар ҳақида ҳам маълум даражада тасаввур ҳосил қилиш имконини беради. Жумладан, муаллиф «Ажонб ал-мақдур»да келтирилган Улуғбекнинг никоҳ тўйига бағишлаб ўтказилган тантаналар васфи бунга яққол мисол бўла олади. Шу пайтда Самарқандда яшаган Ибн Арабшоҳ, шубҳасиз, бу тантаналарнинг шоҳиди бўлиб, ўз кўрганларини жонли ва мароқли тарзда ҳикоя қилади³. Муаллиф келтирган маълумотлар феодал ҳокимларнинг дабдабали ҳаёт кечириб, айш-ишрат суришларини яққол ифодалайди. Дарҳақиқат, вақти-вақти билан ўтказилиб турган маросимлар бир томондан, ҳоким синфлар шон-шухратини намойиш қилишга қаратилган бўлса, иккинчидан меҳнаткаш халқ оммасининг ништирок этиши билан бу тантаналар оммавий тус олган. Муаллиф баёнича, Темур ўз раияларидан зулму кулфатни кўтариб, солиғу тўловларни бекор қилишни ва барча халойиққа фазлу-эҳсон билан муомала этишни буюриб, шаҳар олдидан ҳар бир хосу авомгаю катта-кичикка ҳоли-қудрати етгунча зебу-зийнатга бурқаниб, Самарқанд этагидаги Қонигилга чиқиб, тоифа-тоифасига қараб тартиб билан чодир-ўтовларини тикишни амр қилган. Тантаналар пайтида ҳар бир ҳунар аҳли ва санъаткор ўз санъатини намойиш қилишда жидду жаҳд кўрсатиб, муаллиф ёзишича, бир қамиш тўқувчи фақат қамишдан мукамал асбоб-анжомню қурол яроғи билан жиҳозланган бир суворий жангчини ясаб намойиш қилган. Ҳунарманд уни шу қадар моҳирлик билан камолга етказган эдики, деб ёзади тарихчи, ҳатто тирноғи, киприklarини ҳам қамишдан яққол тасвирлаган эди. Муаллифнинг бу тантаналарда турли-туман ҳунар ва санъат аҳллариининг ҳам ўз санъаларини намойиш этганликларини зикр қилишидан, бу тарздаги маросимлар ўша давр ҳунармандчилиги ва санъати эришган ютуқ-

¹ Нашрда Мирзоб деб хато берилган.

² Ажонб ал-мақдур, 199-бет. Балхнинг Ҳиндувон қалъаси кўзда тутилади. У ҳақда яна қаранг: Абдураззоқ Самарқандий, Матлаи саъдайн, 109-бет.

³ Бу ҳақда яна қаранг. А. М. Беленицкий. Из истории участия, 196—197-бет.

ларнинг ўзига хос бир кўриги бўлганлигини ҳам англа-
тади.

Ибн Арабшоҳ ушбу тантаналарда қатнашган Миср Султони Носир Фаражнинг элчилари қимматбаҳо туҳ-
фаю армуғонлар, шулар жумласидан жирафа ва туя-
кушлар келтирилганлиги, шунингдек, Хитой, Ҳинд, Ироқ,
Дашти Қипчоқ, Синд, Франк (Испания) ва уларда бош-
қа иқлимлару ўлкалар элчилари иштирок этганини ҳи-
қоя қилади. Конигилдаги маросимларда аёллар ҳам
қатнашгани тўғрисида Ибн Арабшоҳ, (зиёфатда) Те-
мурнинг чап томони аёллар ва маликалар учун (мах-
сус) эди, чунки аёллар эркаклардан бекинмасдилар,
хусусан, оммавий мажлислару хурсандчилик маросим-
ларида¹, — деб ўша пайтда одат тусига кириб қолган
тартиб ҳақида қисман бўлса-да, кишида тасаввур ҳо-
сил қилади.

«Ажойиб ал-мақдур»да тарихий маълумотларга кенг
ўрин берилган бўлса-да, айрим ҳолларда жуғрофий ха-
рактердаги хабарлар ҳам учрайди. Жумладан, муаллиф
XIV асрнинг охирларида Самарқанд ва унга қарашли
жойлар етти тумандан, Андижон ва унинг атрофлари
тўққиз тумандан иборат бўлганлигини қайд қилиб, «ту-
ман деб ўн минг жангчи чиқадиган (жой) га айтила-
ди»², — деб ёзади.

Аввал зикр қилганимиздек, Ибн Арабшоҳ Самар-
қанддан жўнаб кетгач, узоқ вақт саёҳат қилиб бир неча
мамлакатлар ва шаҳарларда бўлди. Ўзи зиёрат қилган
жойлар ва улар аҳлининг урф-одати, маданияти, ижти-
моний аҳволи тўғрисида муаллиф «Ажойиб ал-мақдур»да
келтирган ҳам тарихий, ҳам жуғрофий тарздаги талай-
гина қизиқарли маълумотлар кўп ўринларда муаллиф-
нинг шахсий кузатувларига асосланган. Масалаи, муал-
лиф Хоразм, унинг пойтахти Гургонж ҳақида маълум-
отлар келтириб, унинг одамлари ҳақида «Хоразм аҳли
ҳам латофатда Самарқанд аҳли кабир», деб улар
адабиёт ва мушоирага иноятли бўлиб, мусиқа санъатида
ғоят моҳирликларини таърифлаб, «Бу борада уларда
ҳар бир хосу авом иштирок этади», — деб ёзади. Муал-
лиф шу қабилда Дашти Қипчоқ ҳақида ҳам кўпгина
маълумотлар келтирганини юқорида зикр қилган эдик.
Шунингдек, муаллиф Марғилон, Хўжанд, Термиз, Қар-

¹ Ажойиб ал-мақдур, 157-бет.

² Туман ҳақида 112-изоҳга қаранг.

ши, Шаҳрисабз, Бухоро, Деҳли, Сивос каби шаҳарлар-
васфига ҳам қисқача тўхталиб ўтган. Ибн Арабшоҳ
ўша даврда донғи кетган Алинжа, Камох, Измир, Мор-
дин, Картин каби мустаҳкам қалъалар васфини келти-
риб, уларнинг жойлашган ўрни, меъморий жиҳатлари,
ҳақида ўқувчини муайян тасаввурга эга қилади.

«Ажоиб ал-мақдур»нинг яна бир қимматли томони-
шундаки, асар фақат Урта Осиё тарихига оид бўлиб
қолмасдан, балки XIV—XV асрлар Олтин Урда, Озар-
байжон, Эрон, Ҳиндистон, Ироқ, Сурня, Туркия каби
мамлакатлар тарихига оид муҳим манба ҳисобланади.
Чунончи, асарда мазкур мамлакатлар тарихи, айниқса
ҳокимлари, давлат арбоблари ва аъёнлари ҳаётига
доир талайгина маълумотлар учрайди. Масалан, муал-
лиф Дашти Қипчоқнинг султони Бароқхон (1257—1267)
ҳақида ёзиб, уни илму фанга қизиққан киши, ўз пой-
тахти Саройда кўп олимларни йиққанини қайд қилади.
Бағдод ҳокими Султон Аҳмаднинг (1382—1410) отаси
Султон Увайс (1356—1374) фуқароларга раҳмдил, оли-
му уламоларга эътиқод қўйган, «ёмонлиги каму, яхши-
лиги кўп» одил подшоҳ сифатида тавсифланса, Ширвон
волийси Шайх Иброҳим эса, ҳозирги замон илмий ада-
биётларида қайд қилинганидек, зийрак ва тадбиркор
ҳоким сифатида гавдаланади. Шунингдек, асарда Ше-
роз ва Ажам Ироқи султони Шоҳ Шужъо (1364—1384),
Олтин Урда амири Идику (вафоти 1419 йил) тўғрисида
ҳам маълумотлар келтирилган. Баъзи ҳолларда эса
муаллиф ўзи ҳикоя қилаётган ҳокимлар ҳаётига оид
муҳим илмий аҳамиятга молик бўлган нодир фактларни
келтиради. Масалан, Сивос ҳокими Қози Бурхонуддин-
нинг (вафоти 1393 ёки 1399 йил) олим, фозил, шоир
бўлиб, унинг баъзи таснифлари борлигини зикр қилади.
Шунингдек, унинг Абдулазиз¹ деган надими ҳақида ҳам
ишончли кишининг маълумотларига асосланиб бир та-
рих таълиф этгани ва тўрт жилддан иборат бўлган бу

¹ Бу асар «Тарих ал-Қозий Бурхонуддин ас-Сивосий» деб ата-
либ, у 800 (1398—1399) йилда ёзиб тамомланган. Шу нарса диқ-
қатга сазоворки, XVII асрда яшаган турк олими ва адиби Ҳожи
Ҳалифа (1608—1657) ўзининг машҳур «Қашф уз-зунун» номли биб-
лиографик асарида Абдулазиз ва унинг мазкур тарихий асари ҳа-
қидаги маълумотларни тўла-тўқис Ибн Арабшоҳ ёзганлари асосида
келтиради (Қашф уз-зунун, 1-жилд, 228—229-бетлар) Абдулазиз-
нинг бу тарихи ҳақида кенгроқ маълумот олиш учун қаранг:
Ч. А. Стори, Персидская литература, часть II, 1253—1254-бетлар.

тарихни Қаромон¹ ерларида мавжуд бўлиб, ўз услубининг нафислиги ва мазмунининг бойлиги жиҳатидан у (тарих) Ғазнавийлар султони Маҳмуд ибн Сабуктакинга (998—1030) бағишланиб, XI асрда яшаган тарихчи Абу Наср ал-Утбий (961—1035 ёки 1039) «Қитоб ал-Йаминий» асаридан кўра устунлигини хабар қилади.

Ибн Арабшоҳ ўз асарининг дастлабки уч бўлимида аксар ҳолларда сиёсий воқеалар баёнига тўхталган бўлса-да, кўриб ўтканимиздек, ўша давр ҳаётининг турли томонларига оид кўпгина маълумотларни келтиради. Бироқ асарнинг охириги, тўртинчи қисми Темурнинг сифатлари ва табиий хислатлари ҳақидаги бўлим деб аталса-да, XIV аср охири ва XV аср биринчи ярми Мо-вароуннаҳр маданий ҳаётига доир жуда кўп маълумотлар ҳам учрайди. Аввало Темур ва унинг шахсиятига оид Ибн Арабшоҳ келтирган маълумотларга қисқача тўхталиб ўтайлик. Машҳур совет шарқшуноси А. Якубоский таъкидлаганидек, Ибн Арабшоҳ, гарчи Темурнинг истилочилик сиёсатиغا батамом салбий муносабатда бўлса-да, лекин муаллиф унинг ақл-идроки, давлат арбобига хос қобилияти, ҳарбий маҳоратини ҳеч бир ўринда инкор қилмайди. Аксинча, бир неча ўринда унинг хислати фазилатларини бўрттириб тавсифлайди². Дарҳақиқат, «Ажойиб ал-мақдур»да Темур ҳақида шу қадар кўп ва ранг-баранг маълумотлар келтирилганки, бу жиҳатдан Ибн Арабшоҳ асари ҳақли равишда бошқа манбаларга қараганда алоҳида ўрни тутади. Муаллифнинг кўп ҳолларда ўз кўрган ва эшитганларига асосланиб ёзиши у келтирган маълумотлар аҳамиятини янада оширади. Чунинчи, Ибн Арабшоҳ ўша даврдаги бошқа тарихнавислардан фарқли ўлароқ Темурнинг характери, хулқ-атвори, жисмоний тузилиши ва ташқи қиёфаси ҳақида келтирган муфассал баён тадқиқотчилар томонидан юқори баҳоланиб, қатор илмий ҳамда оммабоп ишларга сабаб бўлган. Ҳайкалтарош М. М. Герасимов эса Ибн Арабшоҳ келтирган фактларга ва бош суягининг тузилишига асосланиб Темур қиёфасини тиклаган, суратини тасвирлаган³.

¹ Қаромон—Туркиянинг жанубида жойлашган шаҳар.

² Бу ҳақда яна қаранг: И. А. Гафаров. Из области персидской историографии, стр. 1—70 А. Крымский. История Персии, 53-бет.

³ Л. В. Строева. Возникновение государства Тимура. 73-бет.

Ибн Арабшоҳ, Темур тамғасининг нақши «ростирасти», яъни «ҳақ бўлсанг нажот топасан» бўлиб, отларининг тамғаси ва динору дирҳамларига босиладиган белгиси мана шундай ооо уч ҳалқадан иборат эди, деб ёзади. Ҳарбий тарих Темурни Осийнинг ўрта асрдаги йирик лашкарбошлари қаторига қўяди. Дарҳақиқат, «Ажонб ал-мақдур»да келтирилган фактлар ҳам Темурнинг ўз даври ҳарбий ишини мукаммал билганлигидан далолат беради. К. Маркс таъкидлаганидек, Темур ҳарбий разведкага гоят катта эътибор берган. Бинобарин, Ибн Арабшоҳ, Темур турли-туман касбдаги одамлардан ҳар томонга ўз хабарчи ва жосусларини юбориши, бирон тарафга юришдан олдин ўша жойлар ҳақида имкони борича маълумотлар тўплаши ҳамда ҳар доим душманларга чап бериб чалғитишга ҳаракат қилиши ҳақида ёзади. «Ажонб ал-мақдур»да келтирилишича, Темур қўшини сафларида турли миллат вакиллари, шунингдек, «аёллар ҳам бўлиб, улар эркаклардан ҳам шиддатли жанг қилганлар. Қўшинлар ҳўкизларга юк ортиб, эшакларин юганлаб минганлар; туяларга ит ва кўзичоқ гўшти едириб, сафарда кўпинча отлар арпаси учун бугдой, гуруч, тарих, кишмиш ва ёсмиқ олишиб, уловларини дарахт пўстлоғи билан ҳам боққанлар».

Ўз муддаосига эришиш йўлида Темур диний мазҳаблару эътиқодлардан ҳам усталик билан фойдаланган. В. В. Бартольд таъкидлаганидек, «сиёсий мақсадларга эришишда дин Темурга қурол бўлиб хизмат қилган»¹. Кенг халқ оммаси орасида ўз обрў-эътиборининг ёйилишига хизмат қилган мусулмон руҳонийлари билан Темур яқин муносабатда бўлганига Ибн Арабшоҳ келтирган маълумотлар ҳам яққол мисол бўлади. Жумладан, муаллиф Темур ўзи қўлга киритган барча ютуқлари Шайх Шамсуддин ал-Фохурий, Шайх Зайнуддин ал-Хавофий ва Саййид Бараканинг мададида бўлганлигини такрорларди, деб ушбу шахсларнинг Темур ишларида қўшган ҳиссаларини таъкидлайди. Араб тарихчиси Ибн Дўқмоқнинг (вафоти 1407 йил) ёзишича, Темур Дамашқни муҳосара қилганда шаҳар қалъасидагилару узоқ муддат Темурга таслим бўлмай, қаршилик кўрсатётган пайтда Муҳаммад пайгамбар ҳарамларидан бири Умм ал-Ҳабибанинг қабрини ташландиқ ҳолда кўрган

¹ В. В. Бартольд, соч. т. II (2) 46-бет.

Темур қабр устига гумбаз қуришларини буюрганда, итоат билдирган шаҳар аёнлари Темурнинг бу феълени мақтайди ва исёнкорларни қаршиликни тугатиб, у билан сулҳ тузишга ташвиқот қилганлар¹. Бу ҳақда Ибн Арабшоҳ ҳам ёзиб, Темур амри билан пайгамбар ҳарамлари қабри устига бир-бирига ёндош икки қубба қурилганини ҳикоя қилади. Шунингдек, муаллиф, Темур Хомси талон-тороғ қилмай, уни шу шаҳарда дафн қилинган Халид ибн Валид руҳига бахш этганини зикр қилади.

Уша пайтда мавжуд сиёсий вазиятни ҳисобга олган Темур бир қанча мамлакатлар билан дипломатик алоқалар боғлагани ҳақидаги маълумотлар тадқиқотчилар диққатини жалб қилиб, бу масала маълум даражада ўрганилган. Темур давлатининг дипломатик алоқалари ҳақида «Ажойиб ал-мақдур»да келтирилган маълумотлар-итоат талаб қилиб юборилган мактублар ва уларга жавобларни ҳисобга олмаганда-чет мамлакатлар элчиларининг 1404 йил кузида Конигилдаги тантаналарда иштирок этганлиги билан чекланадими, бу хусусда юқорида тўхталган эдик. Аммо бошқа мамлакатлардан Самарқандга олиб келинадиган қимматбаҳо бойликларга тўхталиб муаллиф «феруза Нишопур, Козирун ва Хуросондан, ёқут Ҳинддан, олмос Синддан, марварид Хурмуздан, духоба, бахмал, яшм ва мушк Ҳитойдан олиб келинади», деб ёзади.

«Ажойиб ал-мақдур» давлатни идора қилиш услубига, ер эгаллигига оид маълумотларга ҳам эга бўлиб, айниқса ўша даврда кенг тарқалган наслдан-наслга мерос бўлиб қоладиган мулк-суюрғол тариқасида улашишга асосланган бу идора услуби аста-секин Темур давлатини ичдан кемириб, оқибатда, унинг емирилишига олиб келган эди. Шунингдек, Ибн Арабшоҳ Тўхтамиш билан (1391 йил ёзида) бўлган жангда ўзини қўллаб-қувватлаган Саййид Баракага Темур Хуросон ерларидаги Андхуйни унга тегишли барча ерлари билан иқтоъ² тариқасида берганлиги ҳамда у жойларни шу, вақтгача (яъни асар ёзилган вақтгача — 1436—1437) Саййид Барака авлодлари ихтиёрида эканлиги ҳақида ёзади. Форс Қермон ва кейинчалик Исфохон ҳокими

¹ Ақд ал-жавоҳир, 245-бет.

² «Иқтоъ» ҳақида маълумот олиш учун қarang: И. П. Петрушевский. Земледеле, 256—269-бетлар.

бўлган Шоҳ Шужо (1364—7384) Темурга итоат билдирган бўлиб, Ибн Арабшоҳ ёзишича, ўлими олдида у ўз ўғли Зайн ал-Обидинни Темур васийлигига топширган. Гўёки, Темур Зайн ал-Обидинга эҳсон кўрсатиб, муаллиф баёнича, унга ва (бутун) зурриётига етадиган миқдорда идрор ва жавмак белгиланган. Гарчи идрор тариқасида инъом улашиш илгаридан маълум бўлса-да, лекин тарихчининг жавмак ҳақидаги фикри оригинал бўлиб, ўша давр социал-иқтисодий муносабатларини ўрганишда тадқиқотчилар диққатини тортмоғи керак.

XIV асрнинг охири ва XV асрнинг бошларида Мовароуннаҳрда, айниқса Самарқандда кўпгина йирик олим, фозиллар, машҳур санъаткорлар, моҳир ҳаттотлар, шатранж ustalари яшаб ижод қилганлар. Улар ҳаёти ва фаолиятини ўрганиб, ўша даврдаги маданий турмуш-ни тўлароқ тасаввур қилишда Ибн Арабшоҳ келтирган маълумотлар ҳам гоят қимматлидир. Чунончи, муаллиф аксар ҳолларда ўзи яхши хабардор бўлган, ёнги шахсан шоҳиди бўлган фактларга таяниб ёзганлиги туфайли у келтирган маълумотлар алоҳида илмий аҳамият касб этади. Жумладан, муаллиф ўша даврнинг машҳур олимларида Саълуддин ат-Тафтазоний ҳақида ёзиб, ҳозирги замон тарихий адабиётларида тўғри қайд қилганидек, унинг 791 йил муҳаррам (1389 йил январь) ойда Самарқандда вафот этганини зикр қилади. Холбуки, ўша давр тарихнависларида Хондамир (1475—1536) унинг вафотини 797 (1385—1386) йилда юз берганини ёзган¹. Ибн Арабшоҳ ўзи Самарқандда бўлганида таълим олган муҳаққиқ олим Саййид Шариф Муҳаммад Журжонийни зикр қилиб, уни Шерозда вафот этганини, ҳадис олими шайх Шамсуддин Муҳаммад ибн ал-Жазарий ҳақида эса бир қадар кенгроқ тўхталиб, асли Шомдан эканлиги ва у жойдаги тўполонлардан кейин Мисрга бориб, ундан Румга қочиб келгани ҳақида ёзди ва кейинчалик Шерозда вафот этганини қайд қилади. Ҳадис олимларидан яна Хожа Муҳаммад аз-Зоҳид Бухорийнинг номи келтирилиб, муаллиф ёзишича, Қуръонни юз жилда тафсирини ёзган бу олим 1419 йилда Маккада вафот этган. Асарда Самарқандда Шайх ул-ислом бўлган фақиҳ олимлардан Хожа Абдумалик, унинг амакиваччаси Хожа Абдулмаликнинг ўғли Хожа Исо-муддин ҳақида ҳам баъзи маълумотлар келтирилади.

¹ Ҳабиб ус—сияр, 88-бет.

«Ажоиб ал-мақдур»да Темур девони арбобларидан Хожа Маҳмуд Ибн аш-Шихоб аш-Шаҳравий, Масъуд ас-Симноний, Муҳаммад аш-Шоғиржий, Алоуддавла, Аҳмад ат-Тусийлар зикр қилнади. Айнлиқса, Ибн Арабшоҳнинг немис олими В. Хинц томонидан аниқланиб, узоқ вақт В. В. Бартольд «Шоҳруҳ аноними»¹ деб атаган асарининг муаллифи Тожуддин ас-Салмонийнинг Темур девони арбобларидан деб аниқ ёзиши ҳозирда мавжуд баъзи тахминларга² қисман аниқлик киритади. Темур девони муншийси котиб ус-сир (шахсий котиб) Мавлоно Шамсуддин ҳақида «Ўз даврининг қозиси-ю, замонининг фозили бўлиб, арабий ва форсийда хат хабарларни истаганича ифода қиларди, деб ёзади. Темурга тарихлар ва қиссалар ўқувчи қиссахон Мавлоно Убайдни зикр қилиб, ўша пайтда сарой хизматида бўлган самарқандлик машҳур олим Абдужаббор ҳақида Шом уламолари билан суҳбатда: у Темурнинг таржимони бўлиб, барча масалаларда унинг номидан суҳбат юритарди», деб уни фозил олим, комил фақиҳ, машҳур тадқиқотчи бўлганлигини таъкидлайди. Унинг отаси Нуъмонуддиннинг кўзи ожиз бўлганини айтиб, унинг Нуъмон ас-Соний («Нуъмон Иккичи») деган лақаб билан аталганини ёзади.

Муаллиф ўз асарида қорилардан Мавлоно Фахруддин, қироатли ҳофизлардан Абдулатиф ад-Димғоний, Мавлоно Асадуддин, Маҳмуд ал-Муҳриқ ал-Хоразмий, Жамолуддин Аҳмад ал-Хоразмий ва мусиқа илмида ҳам катта устоз бўлган Абдулқодир ал-Мароғийларни зикр қилади. Уша пайтда Самарқандда яшаган машҳур ваъзхон ва хатиблардан саройлик Мавлоно Аҳмад ибн Шамс ул-Аиммани зикр қилиб, у арабий, форсий ва туркийда сўз подшоси (Малик ул-калом) деб аталиб, замонининг бир мўъжизаси бўлганлигини хабар қилади. Шунингдек, ваъзхонлардан мавлоно Аҳмад ат-Термизий, мавлоно Мансур ал-Қоғонийларнинг ҳам номларини келтиради. Машҳур ҳаттотлардан Саййид ҳаттот Бангир, юқорида зикр қилинган Абдулқодир ва Тожуддин ас-Салмонийларни атайди.

Муаллиф ўша даврда қўлланилган уйғур ёзуви ҳақида ҳам талайгина қизиқарли маълумотлар келтирган.

¹ В. В. Бартольд. Соч. т. 172-бет, прим. 73, 443-бет. прим. 334.

² Ч. А. Стори. Персидская литература, часть III, 816-бет.

Ибн Арабшоҳ ушбу ёзув ўн тўрт ҳарфдан иборат эканлигини, ҳарфларнинг бу даражада камлигига сабаб, халқумдан чиқиб, махражда бир-бирига мутақориб бўлган «бо» ва «фо», «зо», «син» ва «сод» ва ҳаказо ҳарфлар бир хилда ёзилиб, шу залда талаффуз қилиниши деб, ҳарфларнинг алоҳида кўриниши ва қўшилиб ёзилган ҳолатларини амалда тасвирлаб келтирганки, ушбу маълумотлар туркий тиллар тарихи билан шуғулланувчи мутахассислар томонидан чуқурроқ ўрганилиб, муносиб баҳоланмоғи керак. Муаллифнинг буйруғи фармойишлар, рисолаю ёзишмалар, тарихлару назмлар, қиссалару солномалар, шунингдек, девон ишлари билан боғлиқ барча хабарлар шу ёзувда битилиб, унга моҳир киши учун ризқ калити бўлиб ҳисобланарди, деб ёзишидан бу ёзувнинг ўша пайтда кенг қўлланилгани аён бўлади.

Шу билан бирга, бир ўрида муаллифнинг ўз фикрига ўзи зид келган ҳол ҳам учрайди. Асарнинг 22-бетига муаллиф мунажжимлардан ҳеч бирининг исми хотирамда қолмаган, деб шу саҳифанинг охирида эса мунажжимлардан бир гуруҳ моҳир кишилар бўлиб, улардан Мавлоно Аҳмаддан бошқасининг исмини билмаслигини айтади, ҳамда унинг табиб, мистар, юлдуз кузатиб ҳисоб оладиган олимлигини таърифлаб, 808 (1405—1406) йилда ўзига «мен юлдузларни кузатиб, икки юз йилга ҳукм (толеъ) чиқардим», — деб айтган гапини келтиради.

«Ажонб ал-мақдур»да ўша даврдаги машҳур санъаткорлар ҳақида ҳам айрим маълумотларни учратиш мумкин. Жумладан, беназир мутриб ва мусиқачи Абдулқодир ал-Мароғий, унинг ўғли Сафиуддин, куёви Насрийн ҳамда Ардашер ал-Чанғийлар зикр қилиниб, уларнинг санъати тавсифланади. Шунингдек, муаллиф Табризда, Темурнинг ўғли Амираншоҳ ҳузурда бўлган машҳур мусиқачи ва мутриб Қутб ал-Моусулий ҳақида батафсил ҳикоя қилиб, унинг мақомларга бағишланган таснифлари, у билан Абдулқодир ал-Мароғий ўртасида баҳслар юритилганини қайд қилади.

Ибн Арабшоҳ асарида ўша пайтда қўлланилган шахмат ва машҳур шахматчилар ҳақида келтирилган маълумотлар айниқса диққатга сазовордир. Машҳур шахматчилардан Муҳаммад ибн Уқайл ал-Ҳаймий ва Зайн ал-Яздийлар зикр қилиниб, лекин муаллиф таъкидлашича шатранж ўйинининг алломаси фақиҳ ва

ҳадис олими Алоуддин ат-Табризий бўлган. Ибн Арабшоҳ, ўша даврнинг биринчи шахматчиси деган улур номга сазовор бўлган¹ бу беназир моҳир ўйинчининг шахмат ўйинию, унинг мансуба (комбинация)ларига оид шарҳи борлигини қайд қилади. Муаллиф Алоуддин билан шахсан таниш бўлиб, унинг ўйин пайтидаги фазилатларига тўхталаркан Темур билан катта шахматда ўйнаганларини, унинг ҳузурида доирасимон ва узунчоқ шахмат кўрганини ҳикоя қилади. Шунингдек, бошқа тарихнавислардан фарқли ўлароқ, Ибн Арабшоҳ ўша замонда кенг тарқалган 120 хоналик катта шахмат тахтасининг шаклини ва ундаги доналарнинг жойлашиш тартибларини келтирадики, шубҳасиз, бу хилдаги маълумотлар Урта Осиё шахмат тарихини ўрганишда илмий аҳамиятга моликдир.

Юқорида қайд қилинган мулоҳозалар «Ажонб ал-мақдур»ни XIV аср охири ва XV аср бошлари Урта Осиё ва Урта Шарқ мамлакатлари халқлари ҳаётининг сиёсий, ижтимоий, иқтисодий ва маданий томонларини ёритишда муҳим манбалардан бири сифатида баҳолашни тақозо қилади.

«Ажонб ал-мақдур» Ибн Арабшоҳ Самарқанддан жўнаб кетгандан кейин тахминан ўттиз йилча вақт ўтгач, талай ўринларда муаллифнинг хотирида қолган маълумотларга асосланиб ёзилганлигидан ҳам, муаллифлари Мовароуннаҳр ҳаёти билан яқиндан таниш бўлган баъзи форсча манбаларда кузатилганидек, мамлакат ҳаётининг барча томонларини тўлиқ қамрай олмаган, албатта. Муаллиф бир талай ҳолларда, айниқса асарнинг бошланғич қисмида баъзи воқеаларни «айтилишича», «ҳикоя қилинишича» сўзлари билан бошлаб, ўзи келтираётган хабарнинг аниқлигига ишончи қомил бўлмай, ўзгалар ҳикоясига ёки ўз хотирига таянганига ишорат қилган ҳолда баён этади. Бу ҳолни муаллифнинг ўзи ҳам эътироф этиб, китоб хотимасида «Темурнинг хилма-хил ва нақадар кўп ишларидан паршон хотирамдаю, узиқ фикримда қолганларини жамлаб бир асар таълиф этдим», деб ёзади. Мана шу боисдан ҳам асарда айрим хатолар, чалкашликлар учрайди. Жумладан, Темур билан Олтин Урда хони Тўхтамиш ўртасида 1381 йилнинг ёзида, Уралнинг ғарбида, Қун-

¹ З. Ходжаев, Ф. Дюммель. Новые данные по истории шахмат, 341-бет.

дузча деган мавзеда юз берган биринчи жангни Ибн Арабшоҳ (тахминан 1370—1371 йилларда) Хўжанд (Сирдарё) яқинида, Туркистон атрофларида бўлди деб чалкашликка йўл қўйиб, бу жангда Темур Саййид Бараканинг ёрдамида ғалаба қозонгани ҳақидаги ривоятни келтиради. Шунингдек, «Ажойиб ал-мақдур»да баъзан воқеликни бўрттириб, хилма-хил афсонавий тафсилотлар билан безаб тасвирланган ҳоллар учрашини юқорида қайд қилиб, Темур Ҳиндистонда вақтида (1399) ўғли Амираншоҳдан унга келган мактубни мисол келтирган эдик. Хуросоннинг маркази бўлган Ҳирот Темур томонидан 1381 йили ва сўнг, шаҳар аҳолиси қўзғолон кўтарганлиги сабабли, 1383 йили қайта босиб олиниб, шу вақтлардан бошлаб бутун Хуросон ерлари Темурнинг учинчи ўғли Амираншоҳнинг улуши ҳисобланиб келди. Кейинчалик, 1397 йилдан бошлаб эса Хуросон Темурнинг кенжа ўғли Шоҳруҳ ихтиёрига берилиб, у то вафотигача (1447 йил) ҳукм юритди. Шарофуддин Али Яздийнинг ёзишича, 1399 йили Самарқандга Амираншоҳнинг хотини Севинбек келиб, ўз эрининг нодуруст хатти-ҳаракатлари устидан Темурга шикоят қилган ва Амираншоҳни мулк ишларига эътибор бермай, ичкиликка ружу қўйиб айшу сафода вақтини ўтказаяётганини ҳамда унга (Темурга) муҳолифат билдириш ниятидалигини хабар берган. Ибн Арабшоҳ эса, афтидан, мана шу фикрни мактуб ҳақидаги афсонага йўйган бўлса керак. 1401 йилда Дамашқ яқинида Темур билан араб тарихнависи Ибн Халдуи учрашувини ҳам хилма-хил тафсилотлар билан тасвирлаган.

Асарнинг сажъ услубига роя қилиниб ёзилиши туфайли ҳам баъзи бир тарихий ва жуғрофий характердаги хатоларга йўл қўйилганлигини юқорида қайд қилган эдик Фикримизча, қофия услуби асар характерига ҳам бир қадар таъсир кўрсатган. Жумладан, муаллиф ўз асарида Темурни баъзан ҳақоратомуз сўзлар билан аташи ҳам гарчи қисман муаллифнинг Темурга нисбатан муносабатини билдирса-да, аксар ҳолда мазмундан кўра сажъ услубини сақлашга кўпроқ эътибор берилганлигидан содир бўлган. Заруратдан келтирилган мазкур сўзлар кўпинча қофияга ҳаддан ташқари амал қилинган сарлавҳаларда учраши фикримизни тасдиқлайди. Масалан, Мозандаронга қофия учун «жон» Шосбоний — «Жоний» (жинояткор, Рум—«бум») қарга, қузғун) то-тор-маккор, Тифлис—«иблис» ва шу кабилар. Дарҳақи-

қат, Ибн Арабшоҳнинг ўз асариде сажъга қатъий риоя қилиб мазмунга бир қадар путур етказганлиги бошқа олимлар томонидан ҳам қайд қилинган.

XIV асрнинг охири ва XV асрнинг бошида Мовароуннаҳрда висбий сиёсий осойишталик ўрнатилганлиги мамлакат иқтисодий ҳаёти ҳамда ишлаб чиқариш кучларининг бир қадар ривожланишида ижобий омил бўлди. Натижлада, савдо-сотиқ тараққий қилиб, қишлоқ хўжалигини ривожлантириш йўлида қатор тadbирлар амалга оширилди, суғориш иншоотлари тикланиб, ариқ — зовурлар ва каналлар ўтказилди. Шу нуқтаи назардан қараганимизда Ибн Арабшоҳ мамлакатнинг иқтисодий ҳаёти, қишлоқ хўжалигини тиклаш ва ривожлантириш йўлида қилинган ишлар, деҳқончилик, савдо-сотиқ ва ҳунармандчиликнинг қай даражада ўсганини каби қатор социал-иқтисодий масалалар ҳақида деярли ҳеч нарса ёзмаган. Шунингдек, мамлакат иқтисодида муайян роль ўйнаган ҳунармандлар, касиблар, деҳқонлар, оддий меҳнаткаш омманинг аҳволи, ўша пайтда мавжуд феодал эксплуатациясининг шакллари, солиқ ва тўловларнинг миқдори ва хиллари каби муҳим масалалар ҳам муаллиф назаридан четда қолган.

Қайд қилинган айрим камчиликларга қарамасдан, «Ажонб ал-мақдур» XIV аср охири ва XV аср бошлари Урта Шарқ мамлакатлари, хусусан Урта Осиё тарихининг сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ва маданий томонларини акс эттирувчи муҳим тарихий асар эканлиги юқорига келтирилган мулоҳазаларимиздан ҳам равшандир. XVII асрдан бошлаб Ибн Арабшоҳ асарининг турли тилларга (лотин, француз, турк, инглиз) таржима қилиниши, шарқу ғарбда қайта-қайта нашр этилиши, дунёнинг турли бурчакларида сақланаётган талайгина қўлёзмалар мавжудлиги, булар ҳаммаси тасодифий ҳол бўлмай, балки асарнинг муҳим тарихий манба сифатида жаҳон миқёсида кенг шуҳрат таратганини кўрсатади. Дарҳақиқат, Темур ва унинг авлодлари ҳукм юритган XIV аср охири ва XV аср бошларидаги Мовароуннаҳр тарихини ёритишни «Ажонб ал-мақдур»сиз тасаввур қилиш қийин. Мана шу даврга онд бошқа тарихчилар томонидан яратилган асарлар таъқидий нуқтаи назардан ёзилган Ибн Арабшоҳ асари билан биргаликда ўрганилган тақдирдагина мазкур давр ҳаётини тўла ва ҳар томонлама чуқур ёритиш мумкин. Зотан, Ибн Арабшоҳ асарида баъзи форсча маббаларда куза-

тиладиган ҳокимларни мақтаб, кўкларга кўтаришдан асар ҳам бўлмай, воқеалар аксар ўринларда муаллифнинг шахсий мушоҳадалари ёки ўша воқеалар иштирокчилари ва жонли гувоҳларининг сўзларига асосланиб келтирилган. Урта Осиё халқлари ҳаётининг қарийб ярим асрлик тарихидан сўзловчи бу қимматбаҳо асар махсус ўрганилиб, ҳанузгача Ватанимиз халқлари тилларидан бирортасига ҳам таржима қилинмаган. Гарчи машҳур совет арабшуноси академик Н. Ю. Крачковский бундан ярим аср бурун «Ажонб ал-мақдур»ни рус ва совет халқларининг бошқа тилларига таржима қилиш зарурлигини уқтирган бўлса-да¹, афсуски, бу иш совет арабшунослари ва манбашунослари диққатидан ҳанузгача четда қолиб келди. Мазкур мулоҳозаларга эътиборан қўл урганимиз «Ажонб ал-мақдур»нинг ўзбекча таржимаси ва тадқиқоти фойдадан холи бўлмас, деган умиддамиз.

ТАРЖИМА ВА ИЗОҲЛАРДАГИ ТАРТИБЛАР ҲАҚИДА

Муҳтарам ўқувчилар диққатига ҳавола қилинаётган таржима «Ажонб ал-мақдур»нинг 1305 хижрий йил муҳаррам (1887 йил декабрь) ойида Қоҳирада чоп этилган нашрига асосланиб бажарилди. Мазкур нашр танқидий бўлмай, унда сўзбоши йўқлиги ва бу ҳақда ҳеч қандай тушунтириш келтирилмаганлиги туфайли уни қандай қўлёзмалар асосида нашр қилинганлигини аниқлашнинг имкони бўлмади. Бироқ, нашр матнининг тўлаллиги, муаллиф кейинчалик маълум даражада қўшимча киритиб тўлатган нусхага (ёки бир неча нусхаларга) асосланган деган фикрга келишимизга далилдир. Чунинчи, таржима жараёнида ушбу нашр мазкур асарнинг Қоҳира Миллий кутубхонасида сақланаётган қўлёзмаси билан муқояса қилиниб, матн ифодаси жиҳатидан бу аққала нусха орасида айтарли тафовут сезилмаса ҳам, ammo ушбу нашрга асос бўлган кейинги таҳрирларга муаллиф киритган қўшимчалар ҳисобига нашрнинг бирқадар тўлаллиги аниқланди. Шунингдек, зарурат туғилганда «Ажонб ал-мақдур»нинг 1636 йилги Я. Голиус нашри ва 1767—1772 йилларда чоп этилган. С. Г. Мангер нашридан ҳам истифода этилди. Таржима жараёнида

¹ Английский перевод Истории Тимура, 296-бет.

асарнинг мавжуд инглизча (Сандерс) таржимаси билан солиштирилиб, баъзан ундан ҳам фойдаланилган ҳолда, таржимада учраган мазмунга алоқадор айрим хатолар ҳақида изоҳларда қайд қилинди.

Асар ҳозирги замон ўзбек тилига таржима қилиниб, умумий истеъмолда сақланиб қолган, айниқса классик адабиётда кўп учрайдиган, XV аср тилига мос айрим сўз ва ибораларни сақлаш мақсадга мувофиқ топилди. Гарчи муаллиф услубини тўла сақлашнинг имкони бўлмас-да бироқ, арабча матндан четга чиқилмасдан, тўлиқ мазмун сақланган ҳолда ҳеч бир ўринда сукут бўлишига йўл қўймасликка ҳаракат қилинди. «Ажойиб ал-мақдур» насрий сажъ услубида ёзилиб, маънодош (си-ноним) сўзлар қайта-қайта такрорлангани сабабли, таржимада ҳам шу хилдаги сўзларнинг тўлиқ акс этишига аҳамият берилди. Назмий ўринларда ҳам мазмуннинг тўлиқ бўлишига эътибор қилинди. Ҳижрий сана ҳисобида берилган барча тарихлар (йил, ой, кун) таржима матнининг ўзида милодийга айлантирилиб, кичик қавсга олиниб келтирилди. Қуръон оятлари ва улардан иқтибослар И. Ю. Крачковский томонидан бажарилган русча таржимасига¹ мослаштирилиб ўгирилди ва матнда қўштирноқ ичига олиниб, изоҳларда сура ва оят рақамлари кўрсатилди. Маълум даражада илмий аҳамиятга эга бўлган тарихий воқеалар, жуғрофий ва тарихий номлар, машҳур шахсларга изоҳлар берилиб, улар хусусида бир қадар муфассалроқ баён қилинди. «Ажойиб ал-мақдур»да баён этилган воқеаларни шарҳлашда XV аср айрим араб тарихчилари асарларида келтирилган маълумотлардан ҳам муайян даражада фойдаландик. Аммо тадқиқотимизга оид у асарлардан фақат кичик-кичик қисмларгагина эгамиз². Ушбу қисмлар фотонусхаси Шарқшунослик институти фотокопиялар ва микрофильмлар фондида мавжуд бўлиб, қуйидагилардан иборатдир:

1. Ибн Ҳажар ал-Асқалоний, Инба ул-ғумр.
2. Ибн Дуқмоқ, Иқд ул-жавоҳир.
3. Бадруддин ал-Айнӣ, Иқд ул-жумон.
4. Ибн Тағриберди, ан-Нужум аз-зоҳира.

¹ Қоран. Перевод и комментарии И. Ю. Крачковского (издание второе) Изд-во «Наука», Москва, 1986 г.

² Ихтиёримизда Қоҳирада сақланадиган ушбу қўлёзмаларнинг мазкур қисмларигина мавжуддир.

5. Аббос ал-Аззавий, Тарих ул-Ироқ байн ал-ихтилолайн.

«Ажонб ал-мақдур»да кўп учрайдиган ҳар хил тарихий воқеаларга ишоратлар имконият борича шарҳланиб, баъзи истилоҳлар, иборалар ва масалларга ҳам қисқача изоҳлар берилди. Алоҳида изоҳни талаб қилмайдиган сўзлар, ибораларга тушунтирувчи, қисқа изоҳлар эса ўрта қавс ичида таржима матнида келтирилди. Таржима равон ва тушунарли бўлмоғи учун матнига биз киритган қўшимча сўзлар кичик қавс ичига олинган ҳолда берилди. Бирданига ҳам нашр, ҳам қўлёзмада учраган камдан-кам хатолар имкони борича тузатилиб, булар ҳақида изоҳларда қайд қилинди. Жуғрофий номларни ифодалашда проф. Х. Ҳасанов қўллаган тартибларга¹ таянилиб, шахсий исмлар учун эса ўзбек тилидаги тарихий адабиётларда қўлланиладиган одатдаги қоидаларга² риоя қилинди.

Мураккаб тил ва услубда ёзилган «Ажонб ал-мақдур»ни ўзбек тилига афдаришда амалий ёрдам кўрсатган марҳум устозим, филология фанлари номзоди Абдуфаттоҳ Расулевнинг табаррук номларини миннатдорчилик туйғуси билан эслашни шогирдлик бурчим деб ҳисоблайман. Шунингдек, асарни нашрга тайёрлашда қимматли маслаҳатлар берган тарих фанлари доктори Асомуддин Уришбоев, Ибн Арабшоҳ асарининг Қоҳирада сақланаётган қўлёзмаси микрофильмини лутфан тақдим қилган тарих фанлари номзоди Аҳаджон Ҳасановга ўз ташаккуримни билдираман.

У. Уватов


¹ Ҳ. Ҳасанов. Географик номлар имлоси: Ўрта Осиё жой номлари тарихидан. Тошкент, «Фан», 1965 йил.

² Маълум даражада арабшунос олим Ҳ. Ҳикматуллаев («Ёзма ёдгорликларни ёзиш қоидаларига доир», «Ўзбек тили ва адабиёти» журнали, 1966 йил, № 6) тавсияларидан истифода этдик.



АМІР
ТЕМУР
ТАРІХИ

Раҳмдил ва меҳрибон тангри номи билан!

ллоҳга шукурлар бўлсин! Унинг ярода-ю тадбирига мувофиқ (бу дунё) узук ишлари уланиб, асрлару давронлар селоби унинг қазоси манбаъидан қадари гирдобгача оқгусидир. Аллоҳ одамзотдан «қай бирлари амалда яхшироқ эканини синнамоқ учун уларга баъзи бир азоб ва қийинчиликларни таттирди. У азиз ва афв этгувчидир»¹.

У ҳижратнинг саккизинчи асрида улар (одамзот) устига алгов-далғовлар денгизини юбордики, у зимстон кечадан бир парча каби (пайдо) бўлиб, (одамларга томон) юзланди. Бунинг нима эканлигини ҳеч кимса фаҳм этолмасди. У Темур бўлиб чиқди².

Бу ишлар олови жари ёқасида бўлган киши ҳамди билан тангрига ҳамдлар айтаман, чунки у ўша кишини унинг оловидан қутқарган эди»³. Ўз адолатлилиги туфайли мусибатга дучор бўлган киши сифатида тангрига шукурлар айтаман, чунки тангрининг марҳаматли қўллари уни бу мусибатдан халос қилди. Мен адолатли ҳукм юритувчи худодан бошқа худо йўқ деб гувоҳлик бераман, чунки у қиёмат кунини зolimдан мазлумга қасос олиб берувчидир. (Бизнинг) саййидимиз Муҳаммад тангрининг бандаси ва элчиси (экан) лигига шаҳодат келтираман, тангри уни барча оламга раҳмат тариқасида юборган. (Тангри) уни ўзининг элчиси ва «пайғамбарлар муҳри»⁴ қилган ва унга худонинг саломини ва раҳматларини ёғилсин, пинҳоний сирини очиб, азалда нималар бўлганини ва «то қиёмат кунигача»⁵ нималар бўлаётганини хабар берган. (Яна пайғамбар) қарз кўпайишидан, кишилар қаҳридан, тирликдаги ва ўлим олдидagi фитнадан ҳамда ал-Масиҳ ад-дажжол⁶ васвасасидан (худодан) папоҳ тилаган. Тангри Муҳаммадга китоблар ва тарихлар аввалларида ўткир (ҳидли) мушк таратадиган ўз раҳматини юборсин. Бу раҳмат қиёмат кунини⁷ ўз сўзловчисига энг баланд шоҳдаги хайру-эҳсон самараларини яқин келтирувчидир. Муҳаммад насл-насабларига унинг саҳобаларига ҳам саловат бўлсин, чунки улар барча иқлимларга фағҳ селларини тошириб, у иқлимларни аллоҳнинг марҳаматига сероб қилганлар, ислом рукиларини мустаҳкамлаганлар, ерни иймон билан мавж урдирганлар ва у (ер)ни адлу эҳсон билан обод қилиб «ўзларидан аввал обод қилганлардан кўра

ҳам яшнатиб юборганлар»⁸. Тангри пайғамбарга ўз раҳматини бениҳоя ва абадий қилғай!

Ҳамду саподан кейин, гарчи тарихларда ибрат олувчулар учун ибрат, мулоҳаза юритувчилар учун фикрлаш, бу дунёда яшовчи кишиларнинг сафар устида тургандек (омонат)лиги хабари ва тупроққа айланган кишининг нималарга қодир бўлганию, нималар қила олгани, (одамларни) нимадан қайтариб нималарга буюргани, нималар бино қилиб нималар қургани, кимларни алдаб, кимларга хиёнат қилгани, кимлар устидаи галаба кўрсатиб, кимларга қаҳрини сочгани, кимларга шикаст етказиб кимларнинг (шикастини) бутлагани, нималарни жамъ қилиб, нималарни ғамлагани, қанчалик кибрланиб, қандай фахрлангани, қандай қўполлик қилиб, бадмуомала бўлгани, нималардан кулиб, нималарга севингани, ибрат қўллари⁹ бирёқлик қилгунга қадар болалигидан то улғайгунгача ўз атворида қанчалар беқарор бўлгани ва ўзини ғоятда хавф-хатарсиз деб билган бир вақтда қазо ва қадар чанггаллари уни қандай қилиб юлиб кетгани, ниҳоят унинг фаровон (бўлган) ҳаёти қудратга қоришиб, ҳатто ундан (ҳаётнинг) ачиқ-чучуклари йироқлашиб ғам-ғуссага ботгандаги аҳволи не кечиши яққол намоён-ҳақиқатда шу (нарс)ларда ибрат оладиган киши учун ибрат, мулоҳазали киши учун эслатма, кўрувчи киши учун кўргазма бўлатуриб юз берган ажиб савдолардан бири, балки балоларнинг энг каттаси шу алғов-далғов бўлдики, унда идрокли киши ҳайратда қолиб, ақлли киши унинг қоронғу зулматида дахшатга тушади, ҳалим (киши) девона, азиз (киши) хор, сахий (киши) пасткаш бўлади. (Бу) шарқу—ғарбда гулгулани оёққа турғазган фосиқлар бошлиғи, дажжол оқсоқ Темур қиссасидир. Бевафо дунё Темурга (томон) боқди, у ҳокимиятга эгалик қилиб, ер юзида елиб-югурди, дунёни алғов-далғовга тўлдириб, экин-тикин ва наслни ҳалок этди. Темур аввало пок ерни ўз ҳукмига бўйсундириб, тупроқдан таяммум қилди, сўнг шуҳратли улуғ кишиларни¹⁰ туғён қиличидан ўтказиб, улар қонидан ғусл қилиб, шу тариқа ўзини тозалади.

Мен бу қиссадан ўзим кўрганларимни эслаб, бу тўрида бошқалардан ривоят топганларимни баён қилишни иродат этдим, чунки бу (иш) катта воқеаларнинг бири, ибратли ҳодисаларнинг онаси бўлди ва шундай бир ишларки, уни шу қадар васф қилган билан тақдир рози бўлмайди.

(Бу воқеаларни баён қилишда) менга ростгўйликни ато қилишни ва ҳақиқат йўлида жавлон уришимда илҳом бахш этишни тангридан сўрайман. Албатта, тиллаққа етказувчи ва мақсад ўқини нишонга бехато йўловчи тангрининг ўзидир.

(Бу йўлда) тангри «мен учун энг содиқ ва гоятда яхши йўлбошчидир»¹¹.

ТЕМУРНИНГ НАСАБИ ВА УНИНГ МАМЛАКАТЛАРНИ БИРИН-КЕТИН ЗАБТ ЭТИШИ ВА БУНИНГ БОИСЛАРИ ҲАҚИДАГИ БУЛИМ

Темурнинг исми ёзилиши (устида икки оғиз сўз): устида икки нуқтали ва касрали «Т», сукули «Й» тагида икки нуқтаси билан; ўртасида даммали «У» бўлган «ним» билан нуқтасиз «Р» дан иборат. Бу, унинг исмининг тўғри ёзилиши ва тип қондаларига асосан қурилишидир. Лекин араб тилининг хоссаси ўз (сўз) тузилишидаги вазиларига асосан ажам¹² сўзлари шарини юмалатиб, ўз тили майдонида истаган томонига қараб юритади. Шу сабабдан уни баъзан «Тамур», баъзан «Тамурланг» деб тилга оладилар¹³. Бу (ҳолат) учун (одамларни) койиш ва гуноҳкор қилиш керак эмас. Бу, туркча «темир» демакдир.

Темур ибн Тарағай ибн Абағай¹⁴ бўлиб, унинг туғилган жойи Хўжа Илғор¹⁵ деб аталадиган қишлоқдир. Хўжа Илғор Кешга¹⁶ қарашли жойлардандир—Аллоҳ у ердан ҳар қандай ёмонликини дафъ этсин!

Кеш Мовароуннаҳр¹⁶ шаҳарларидан (бири) бўлиб, Самарқанддан тахминан ўн уч фарсах¹⁷ (масофа) дадир. Ҳикоя қиладиларки, (Темур) туғилган кечаси ҳавода қандайдир учиб юрган темир қалпоқчага ўхшаш бир нарса пайдо бўлган. Кейин у кенг бўшлиққа тарқалиб, ер юзига ёйилиб кетган эмиш. Ундаги чўғ ва учқунга ўхшаш нарсалар ҳар томонга сачраган ва уйилиб, ҳатто ўтроқ ва бадавий жойларни ҳам тўлдириб юборган эмиш. Яна айтишларича, Темур туғилганда унинг қўллари янги қонга буланган экан. Бу аҳвол тавсири фолбиллар ва азайимхонлардан, каромат кўрсатувчи жодугару қоҳинлардан сўралганда, улардан баъзилари: «у шурта¹⁹ бўлади», бошқалари «У ўғри ва йўлтасар бўлиб улғаяди» деса, яна бир гуруҳи «йўқ, у қассоб ва қонхўр

бўлади» дебди, яна бир хиллари эса «йўқ, ундан жаллод ва каллакесар чиқади», дебдилар. Бу сўзлар унинг ишлари Темур келиб етишган нарсасига етишмагунча бир-бирини қўллаб-қувватлаётвердилар.

(Яна айтишларича), Темур ва унинг отаси ҳайқироқ чўпонлардан бўлиб, на ақлию на дини бўлмаган авом кишилар тоифасидан эканлар. Яна айтадиларки, у мулозим одамлардан, паст табақа танбаллардан бўлган. Уларнинг паноҳгоҳи Мовароуннаҳр бўлиб, ўша атрофлар эса қишлоқ жойлари бўлган. Яна айтишларича, Темурнинг отаси бениҳоя фақир этикдуз, ўзи эса пухта ва кескин бир ўспирин бўлган. Лекин (онладаги) етишмовчилик туфайли у нохуш ишлар билан кун кечириб, шу «ўртаниш» сабабидан ғазабланар ва ич-ичидан куйнар экан. Кечаларнинг бирида у бир қўйни ўғирлади ва уни орқасига ўнгариб олди. Шунда чўпон камон ўқи билан уни елкасидан уриб яралади ва яна бир ўқ билан уни сонидан жароҳатлаб, ҳолдан тойғизди. Натижада, фақирлигига майиблик, аламига разиллик қўшилиб, қабоҳати (аввалгидан ҳам) ошиб фасодга интилиб, бандалару ўлкаларга қарши адовати кучайди²⁰. Бу борада у ўзига ўхшашлару тенгқурлар излади ва раҳмдил тағри энкрдан юз ўғирди. Аллоҳ унга Аббос, Жаҳоншоҳ, Қумори, Сулаймоншоҳ, Идику Темур, Жоку ва Сайфуддинга²¹ ўхшаш қирқ чоғли на дунёсию, на дунёвати бўлмаган тенгқур гумашталарни юборди. Қўли қисқалигига, адади ва удади²² озлигига, вужуди ва аҳволи заифлигига, бойлигию одамлари йўқлигига қарамасдан Темур уларга: «Мен ҳокимиятга талабгорман ва дунё подшоҳларини ҳалокат булоқларига келтирувчиман» дея эди. Улар эса Темурнинг бу сўзларини бир-бирларига нақл қилишиб, буни катта ҳамоҳатга ва ақлсизликка йўярдилар. Уни масхара қилиб кулиш учун олдига келиб, ўзларини Темурга яқин тутардилар. Шеър:

Агар тақдир мадад берса.

Заиф (кимса) кучлидан устуи келур.

Кейин Темур ўзи қасд қилган (иш)га киришди. Қазо унга муршид бўлиб, қадар унга нашида этди:

Шон-шухратнинг узоқлиги унга етишишдан сени ноумид қилмасин, чунки у (шон-шухрат)нинг пешмапешлигию машқи бор. Сен улуғворлигини кўриб турган канап қувурма-қувур кўтарилиб ўсиб бораверади.

Кеш шаҳрида Шамсуддин ал-Фохурий²³ исмли бир шайх бор эди. У ўша ерлар (халқи) эътиқод қўйган киши бўлиб, барча ўзининг диний ва дунёвий ишларида нимаки нарсага бел боғласа унга эътиمود қиларди. Зикр қилишларича, Темур фақир ва ожиз бўлиб, у хаёлий (мавҳум) улугворлик ва батамом қашшоқлик оралиғида турганида унинг пахталик кийимидан бўлак ҳеч нарсаси бўлмаган. У ўша (яғона) кийимини ҳам сотиб (юбориб) пулга бир бош эчки харид қилди ва ўз мақсадига етишишга таянган ҳолда, зикр қилинган шайхнинг ҳузурига йўл олди. У арқошнинг бир учини эчкининг бўйнига, иккинчи учини ўз бўйнига боғлаб, ҳурмо шохидан ясалган ҳассага таяниб (шайхга) юзланди. Темур ушбу фойдали шайхнинг ҳузурига кирганида у ўзининг муриду мухлислари билан чуқур фикрга толган ҳолда Аллоҳнинг зикри билан банд эди. Улар ўзларига келиб зикр-самоларидан тўхтагушларича Темур тик тураверди. Шайхнинг назари ўзига тушиши билан Темур унинг қўлларини ўпишга шошилди ва оёғига бош урди. Шайх бир дам ўйлаб тургач, бошини кўтариб ўз жамоасига қараб: «Бу одам гўё иззату ирзини ва бойлигини фидо қилиб, тағри-таоло наздида пашшанинг қаноти-га ҳам арзимайдиган нарса учун биздан мадад тилаб келибди. Биз унга мадад беришимиз, ундан (уни) маҳжум этиб рад қилмаслигимиз лозим. Эй жамоат! Сиз унинг ҳақиқага дуо қилиб, истаган муродига етиши учун (унга) мадад берингиз!» — деди. Натижада, унинг қиссаси ҳам Саалаба билан содир бўлган воқеага ўхшаб кетди²⁴.

Темур шайхнинг ҳузуридан қайтиб чиқди ва авваллига оқсагандан кейин етишган нарсасига етишмагунча (даражаси) тўхтовсиз кўтарилаверди.

Ҳикоя қилишларича, ўз туғёнларининг бирида, гўё (аввалдан) ўз маъно ва хулқ-атворида адашган каби Темур ростакам йўлдан (ҳам) адашиб, оз бўлмаса очлик ва ташналикдан ўлаёзди. Шу аҳволда бир ҳафта юрганидан кейин, султоннинг²⁵ отларига дуч келиб қолди. Отбоқар²⁶ уни лутфу эҳсон билан қарши олди. Темур отларнинг ташқи хусусият ва белгиларига қараб, бир қарашданоқ уларнинг зотдор ёки зотсиз (эканли) лигини аниқлай оладиган кишилар жумласидан эди. Отбоқар Темурнинг бу санъатини сезиб, ундан бу хислатни ўрганиди ва унга (рағбати) янада ортди ва уни ўзи билан бирга отбоқарлик қилишини сўради. Сўнгра

султон сўратган отлар билан уни султоннинг ҳузурига жўнатди ва султонга Темурнинг фазилатини ва ўзи шохиди бўлган хислатини хабар қилди. Султон Темурга нийом-эҳсон қилди ва унга (алоҳида) эътибор беришни тайинлаб, Темурни отбоқар ёнига қайтарди. Орадан кўп ўтмай отбоқар вафот этиб, (унинг) вазифасини Темур эгаллади. Султон назарида обрў-эътибори тобора ўсиб борган Темур ниҳоят унинг сиплисига уйланди. (Кунлардан бирида) Темур ўзининг хатти-ҳаракатлари ва гапирган гаплари билан хотинининг қазабини келтирди. Шунда хотини Темурнинг илгариги ишларини, аҳволини юзига солиб таъна қилди. Темур қиличсини суғурди ва хотини ўздан қочади деб ўйлаган ҳолда унинг томони-га ташланди. Лекин хотини унга эътибор ҳам бермади, бурлиб ҳам қарамади. Шунда Темур бир зарб билан унинг нафасини ўчириб, қабрга жойлаштирди²⁷. Темур учун энди хуруж ва исён, қайсарлик ва тугён қилишдан бошқа чора қолмадики, унинг (бу) ишларидан бўлган воқеалар юз берди.

Бу султоннинг исми Хусайн эди. У подшоҳлар зоти-дан²⁸ бўлиб, бир сўзли (кескин) киши эди²⁹. У подшоҳлигининг тахти³⁰ Балх³¹ шаҳри бўлиб, у Хуросоннинг³² энг узоқ шаҳарларидан (бири) эди. Лекин бу султон амрларининг денгизлари Мовароуннаҳр ерларида, то Туркистон³³ атрофларигача ҳам жорий эди.

Яна айтишларича, Темурнинг отаси зикр қилинган султон ҳузурига юзбоши³⁴ бўлиб, ботирлиги ва олийжаноблиги билан ўз тенгқурлари орасида машҳур эди. Агар фалак гардинининг айланиши, тақдир ва аҳволнинг ўзгариб туришини назарга олинса, ушбу (айтилган) сўзларни (бир-бирига) жаъмлаш мумкин. Аммо энг тўғриси шуки, Темурнинг отаси зикр қилинган Тарағай султон³⁵ давлатининг арқонларидан бири эди. Мен «ал-Мунтахаб»³⁶ деб аталадиган форсча бир тарихнинг зайлида кўрдимки, — бу тарих дунёнинг бошланишидан то Темур давригача (бўлган воқеаларни ўз ичига олган) бўлиб ажиб бир нарсадир-насаби жиҳатидан шайтон сиртмоқлари (бўлган) хотинлар томонидан³⁷ Темур Чингизхонга боғланади.

Темур Мовароуннаҳрни эгаллаб, ўз рақибларидан устун чиққач, хонларнинг³⁸ қизларига уйланди. Натижада, унинг лақаблари устига «кўрагон» сўзини қўшдилар. Бу (сўз) мўғул тилида «хатан» (хонкуёви)³⁹ демакдир. Бу, унинг хонлар билан қудалашиб, уларнинг

уйларида яшаш ва ҳаракатда бемалол тасарруф юритганлиги сабабидан эди.

Мазкур султоннинг тўрт вазири бўлиб, (мамлакатнинг) фойдалино зарарли ишлари уларнинг зиммасида эди. Улар мамлакатнинг (кўзга кўринган) аъёллари ҳисобланиб, бошқа ҳар бир кимса улар фикрларига иқтидо этарди. Арабларда қанча бўлса туркларда ҳам қарийб шунчалик қабила ва гуруҳлар бордир. Уша вазирлардан ҳар қайсиси⁴⁰ бир қабилага мансуб бўлиб, ўз фикр чироғи билан у қабила уйларини ёритувчи бир узун пилик мисоли эди. Улардан бирининг қабиласи орлот, иккинчисиники жалойир, учинчисиники қовчин, тўртинчисиники барлос деб аталарди. Темур тўртинчи қабила ўғлини эди. У ёшлигидан ақлли, очиқ кўнгил, журъатли, қатъий кучли ва қобилиятли бўлиб ўсиб, тенгқурлари-вазирларнинг ўғиллари билан суҳбат қурар ва амирларнинг ўғилларидан ўзига ўхшашлар билан вақтини ўтказарди. Ниҳоят, кечаларнинг бирида Темур уларга (шундай) деди: — улар хилват бир жойда тўпланишган бўлиб, ишрат ва хурсандчиликка шўнғиган, ўрталаридаги сир асрорлар нардаси кўтарилиб, айшу сафо бисоти тўшалган эди. — «Менинг бувим фалончи, — у фолбин ва қоҳишлардан эди, — бир туш кўриб, бу туш унга ширин хаёллар бахш этмаган⁴¹. У тушини таъбир қилганида (шу нарсалар аён бўлган): унинг болалари ва набиралари орасидан бирор кимса чиқиб мамлакатга эгалик қилади, одамларни бўйсундириб соҳибқирон⁴² бўлади ва унинг олдида замона подшоҳлари бўйин эгади. Ана ўша (кимса) мен бўламан. Мана шу фурсат яқин келди. Сизлар менга ёрдамчи ва мададкор, мен учун таянч ва суянч бўлишга аҳд қилинглار ва мендан абадул-абад юз ўғирмасликка оит ичинглар», — деди. Тенгдошлари Темур даъватига рози бўлдилар ҳамда хурсандчилигу ғамгинликда у билан (бирга) бўлиб, унга қарши турмасликка ўзаро қасамёд қилдилар. Улар ҳар доим ва ҳар жойда бу калом атрофида гап юритдилар ва ҳар бир шаҳар⁴³ ва қишлоқ⁴⁴ аҳли Темур чақмоғига ўрганмагунча унинг ҳовузи сувини ҳеч бир тортинмай ва сир тутмай баралла гапириб тоширдиларки, ҳатто хосу авомдан иборат эскидан олдиқочди гап қилиб юрадиган ҳар бир кимса ҳам Темур ҳақидаги суҳбатга шўнғиди. Султон буни сезиб⁴⁵, ўз мамлакати дарахтида (Темурнинг) хилоф новдаси кўринганлигини англади ва Темурнинг хийласини унинг

Ўз бўғзига (қарши) қаратиб, дунёни⁴⁶ унинг ёмонлигидан, бандалару юртларини унинг ор ва помусидан қутқариб, ушбу айтилган (байт)га мувофиқ иш тутмоқчи бўлди.

Олий шараф азиятдан халос бўлмайди,
Токи унинг атрофларида қон тўкилмагунча⁴⁷.

Бу ҳақда (самимий) насихатгўйлардан бири Темурга хабар етказгач, у хуруж қилди ва исён қаърига қараб йиқилди-ю, лекин соғ-саломат қолиб мартабаси) кўтарилаверди. Эҳтимол, Темур шу орада ва ушбу ҳолатлар асосида (аввал) ишора қилинган шайх Шамсуддинга борган ва зикр қилинганидек, истаган муроди хусусида шайхдан мадад тилагандир. Чунки Темур доимо: — «Салтанатдан эришган жамийки нарсам ва мустаҳкам маконларни фатҳ қилишим—булар ҳаммаси шайх Шамсуддин ал-Фохурийнинг дуоси, Шайх Зайнуддин ал-Хавофийнинг⁴⁸ ҳиммати туфайли ва барча топган баракатларим эса фақат Саййид Барака⁴⁹ ёрдамида бўлган», — деяр эди. Зайнуддин ва Бараканинг зикри кейинроқ келади. Шунингдек Темур: «Бахту саодат ва молу мулк эшикларининг менга очилиши, фатҳ қилинган дунё келинчакларининг менга кулиб боқиши фақатгина Сажистон⁵⁰ ўқлари сабабидан бўлди. Уша вақтдан, яъни у ўқлар мени ноқис этганларидан буён то ҳозирги вақтга қадар мен фақат зиёда бўлишда давом этаман», — деярли.

Афтидан, Темур ишининг бошланиши ва унинг ўша гуруҳга бош бўлиб хуруж қилиши етти юзинчи йилнинг олтинчи ва етмишинчи (1358—1368) йиллари оралигида бўлган. Менинг устозим билимдон ва серғайрат имом, комилу фозил, даврининг беназири, асрийнинг яккаю ягонаси, инсоният алломаси, дунёнинг устози, дину диёнатнинг чўққиси, муҳаққиқ ва мудаққиқлар шайхи, ўз замонасининг қутби, даврларнинг муршиди, Дамашқда яшовчи Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Муҳаммад, ибн Муҳаммад ал-Бухорий⁵¹ — тангри таоло унинг умрини узоқ қилсин! ва у ислом ва мусулмонлар (дунёси)га ўз саодатли баракатлари билан мадад берсин! — 836 (1433) йилнинг ойларида менга айтишича, Темур мазкур султон Хусайини 771 йилнинг шаъбон ойида (28 февраль — 29 март 1370 йил) ўлдирган⁵² ва ўша вақтдан бошлаб мустақил равишда ҳокимиятга

эгаллик қилиб, кейинроқ эслатиб ўтилажагидек, 807 йилнинг шаъбон (1405 йил, февраль) ойида вафот этди. Унинг хуружини ва ҳокимиятини қўлга олишга ўз атрофида тўдалар тўнлаган вақтинги хорж тутилса, Темур мустақил равишда ўғиз олти⁵³ йил ҳукм юритган.

Темур хуружга киришган, ўз ҳамроҳлари билан Мовароуннаҳр ерларини қатағон юритиб, аҳолига адоват ва қаҳр билан муомала қила бошлади. Шунда ҳар бир кўчманчи ва ўтроқ (аҳоли) уларни дафъ қилишга қўзғалиб, ушбу уйлару жойларни улар учун тор қилиб сиқиб қўйдилар. Шу сабабли Темур ва унинг шериклари Жайҳунни кесиб ўтдилар ва у ерлар улардан форне бўлди⁵⁴. Кейин улар Хуросон ерларида, хусусан Сажистон атрофларида ноҳақ ишлар билан шуғулландилар. Уларнинг Хуросон даштларида⁵⁵, Бовард⁵⁶ ва Мохон⁵⁷ саҳроларида қандай ишлар қилганликларини сўрамаёқ, қўяқол.

Шу орада, кеналарнинг бирида улар юриш қилганида очлик ҳамраб, оқликдан ораларида алашга кўтарилган эди. Шунда Темур Сажистон ҳовлиларидан бирига кириб-ушда чўпонлардан қай бири ўз отари билан тунаётган эди—бир қўйни орқалаб қочди. Чўпон буни сезиб, кўриб қолди ва шу он Темурнинг орқасидан қувлаб унга (камонидан) икки ўқ узди: ўқлардан бири Темурнинг сошига, иккинчиси эса кифтига тегди⁵⁸. У Аллоҳнинг мададида ушбу тўғри зарби билан Темурнинг ярим (танас)ини ишдан чиқарган. Кейин чўпон уни ушлаб орқасига кўтариб, Малик Хусайн⁵⁹ деб аталадиган Ҳирот султони ҳузурига олиб борди. Султон Темурни урдирганидан кейин уни салб этишини буюрди. Султоннинг фикри бетайинроқ бир ўғли бўлиб, унинг неми Малик Ғиёсуддин⁶⁰ эди. У отасидан Темурга шафқат қилишини, уни бир қошиқ қонидан кечшини ўтиниб сўради. Султон ўғлига: «Сендан чиқаётган бу иш ақлинг расолигини кўрсатмайди, на насабнинг тозалигидан ва толеълигинидан далолат бермайди. Ахир бу чиғатой, ёмонликлар моддаси бўлган кимсадир. Агар у тирик қолса, албатта одамлару мамлакатларни халок этади» — деди. Ўғли отасига: — ярим танасидан айрилиб, кулфатга учраган одамнинг қўлидан нима иш ҳам келарди. Шубҳа йўқки, унинг ажални яқинлашган, унинг ўлимига зомин бўлиш нима даркор, — деб эътироз билдирди. Натижанда, Малик Хусайн ўғлига Темурни тортиқ қилди. Ғиёсуддин Темурга қарайдиган киши тайинлаб, яралари

битиб, жароҳатлари тузалгунча даволаттирди. Кейин Темур Ҳирот султони ўғли хизматида бўлиб, унинг энг доно хизматкорларидан ва энг ишончли ёрдамчиларидан бири бўлиб қолди. Ғиёсуддин ҳузурда унинг ҳурмати ортиб, даражаси ошди ва сўзлари ишобатга ўта бошлади. Шу орада султон поибларидан бири—Сажистон ҳокими султонга қарши исён кўтарди. Султон Темурни чақириб, исёнчига қарши отланишни сўрагач, Темур рози бўлди ва султон унга таяниб бир тонфа ёрдамчилар қўшди. Темур Сажистонга етиб бориб, исёнда қайсарлик кўрсатган поибни қўлга туширди ва у жойлар мол-дунёсини (бутунлай) холис қилиб олди. Итоат билдирган қўшинларини ҳам олиб исён оятини⁶¹ баралла тиловат қилди ва ўзи билан бирга бўлганлар ила Мовароуннаҳрга қараб йўл олди.

Яна айтишларича, Темур Ғиёсуддиннинг отаси ҳаёт билан видолашиб (бу дунёдан) ўтгунча ва ўғли унинг ўрнини эгаллаб, подшоҳликда мустақил қарор топгунча султон ўғли (Ғиёсуддин)нинг хизматида бўлган ва шу орада у Мовароуннаҳрга қочиб кетган. Шу пайтда унинг белию боши кучайиб, гумашталари атрофига тўпланишган, унинг тарафига ўтган гуруҳлар ва дўсту биродарлари унга қўшилишган эди. Ғиёсуддин уларнинг орқасидан қўшни юбориб етмоқчи ва мусулмонларни уларнинг кулфатлару тугёнидан қутқазмоқчи бўлди. Ҳайҳот! «Қилч маломатдан ўзиб кетган»⁶², «ёз кунн сут ачиб қолган» эди!⁶³.

ТЕМУРНИНГ ШОШИЛИНЧ ЖАЙҲУНДАН УТИШИ ВА БУНДА ҚАНЧАДАН—ҚАНЧА КЎЗ ЕШЛАРИ ТУҚИЛГАНИ БАЁНИ

Темур ва унинг жамоаси Жайҳунга етиб келдилар. Дарёнинг ҳам уларга ўхшаш тугёни тутган маҳали эди. Уларнинг имиллаб ҳаракат қилишга фурсатлари йўқ, чунки душман орқаларидан қувлаб келмоқда эди. Шунда Темур ўз ҳамроҳларига:

— «Қутулишнинг ягона йўли: ҳар бир кимса ўз отининг юганига ва ёнига осилиб ўзини сувга ташласин», — деди. Улар (қирғоқнинг париги бетидаги қандайдир) бир жойда учрашишга ўзаро ваъдалашдилар. Темур деди:

— Ҳеч бир имилламасдан ҳаракат қилинглр. Агар кимда-ким ваъда қилинган жойга етиб келмаса, демак у йўқолди ҳисоб. Шундан сўнг Темур одамлари отлари билан бирга ҳайқириб-пишқириб тўлиб-тошиб мавжланаётган оқимга уриб, ўзини шамга урган парвонадек сувга ташладилар. Улардан бири иккинчисининг, олдин кетган кейингисининг ҳоли не кечганини билмади. Улар бошларида ўлим даҳшатини кечириб қўрқинчли ҳалокат шохиди бўлдилар. Шунга қарамай, биронтаси ҳам талафот кўрмай қутулиб қолди ва ўша ваъдалашилган жойга тўпландилар. Бу, ўша ерлар улардан тинчиб ҳар бир келиб-кетувчи ўз йўлида хотиржам бўлгандан кейин содир бўлган эди. Сўнгра улар сўраб-суриштириб (янги) хабарлар тўплаб, из қувабошладилар. Улар тангри ва унинг пайғамбарига муҳораба бошлаб, (худонинг) бандаларига азият етказиб йўлларини тўса бошладилар. Улар Қарши шаҳрига етмагуналарича⁶⁴ шу зайилда иш тутавердилар⁶⁵.

ҚАРШИГА КИРИШ ВАҚТИДА ТЕМУР БОШИДАН КЕЧИРГАН ЗАРБА⁶⁶ ВА УНИНГ БУ ТАНГЛИКДАН ҚУТУЛИШИ БАЕНИ

Қушларнинг бирида Темур ўз ҳамроҳларига: — бу пайт қисмат у ва унга ўхшашлардан зарар кўриб, фасод ери улар «ҳосиллар»идан баҳра олиб яшнаган эди.— «Бизнинг яқинимизда худонинг раҳмати ёрилур Абу Туроб ал-Нахшабийнинг⁶⁷ шаҳри Нахшаб⁶⁸ шаҳри бор. Бу шаҳар қўриқланиб, у баланд деворлар ичида яширингандир. Агар биз бу (шаҳар)ни эгалласак, у бизга таянч, мудофа жойи, бошпана ва паноҳгоҳ бўлади. Шаҳарнинг ҳокими Мусо (деган киши) бўлиб, агар биз уни қўлга туширсак, молу мулкни оламиз ва ўзини ўлдирамиз. Дарҳақиқат, унинг бойликлари, отлари ва қурол-аслаҳалари бизга куч қувват бўлади. Натижада, шиддатдан сўнг бизга шод-хуррамлик келади. Мен шаҳарга сув ўтадиган тарнов орқали кириладиган йўлни биламан. Бу йўл ўтишга жуда қулай бўлиб, кенг ва каттадир», — деди.

Темур одамлари этакларини шимардилар ва (номаълум) бир жойда отларини қолдирдилар ҳамда ўз

муродларига етмоқ учун тун (қоронғиси) дан фойдаландилар. Улар шаҳар сув йўлига кириб, амирнинг уйини мўлжаллаб юрдилар. Кейин қўлларини кўтарганларида ўз (одам)ларининг қўлларини, ҳовузга дуч келдилар. Амир (эса) шаҳар ташқарисидаги боғда эди. Улар унинг қурол-аслаҳа ва анжомларидан қўлга илинганини олдилар, отларини миниб, унинг одамларини акобирларидан учратганларини ўлдирдилар. Уларга қарши шаҳар аҳли тўпланиб (бу тўғрида) амирга хабар юбордилар. Натижада, мадад билан амир етиб келди. Оқибатда Темур одамлари устига очиқ-ойдин ва яширин (ҳар томондан) бало ёғилдики, улар ғолибларга таслим бўлишдан бошқа илож тополмадилар.

Темурнинг ҳамроҳлари унга:

— «Бу мажоз⁶⁹ билан биз ўзимизни ўзимиз ҳақиқий⁷⁰ ҳалокатга ташладик», — дедилар.

Темур деди: «Сизнинг ҳеч (бир) айбингиз йўқ, чунки мана шундай жаңглarda эр киши имтиҳон қилиниб, синалади. «Бутун хийла-фирибингизни жамланглар, кейин саф бўлиб келинглар⁷¹» ва шаҳар дарвозалари томон гўё бир кишидек бўлиб ташланиб, фурсатни қўлдан бермай, ҳеч бир иккиланмасдан душманини янчишлар. Уйлайманки, ҳеч нарса сизга бардош қилолмайди ва бирор (тирик) жон сизнинг олдингизда турши бера олмайди».

Темур одамлари унинг амрига амал қилдилар ва овозлари борича ҳайқиршиб шаҳар дарвозаси томон ташланиб, ўлим гирдобига чўмдилар ва шердек бўлиб душман аскарлари устига ҳужумга ёпирилдилар ва челақлаб қуяётган ёмғирдек, балки ундан ҳам ортиқ даражада улар устига қўйдилар ва шаҳар дарвозасини очишда ғалабага эришдилар, чунки бу ишни-сабабларининг (биричи) сабабчиси (тангри) — иродат қилди. Уларнинг олдида ҳеч бир киши бошқа кишига қарамади, ададлари ва аслаҳа-анжомлари кўплиги уларга фойда бермади.

Сўнгра улар (Темур одамлари) ўз жойларига соғ-саломат қайтдилар ва ҳамшагидек ўз ишларини давом эттирдилар. Улар атрофига дўстлари йиғилиб фасоддаги шериклари (ҳам) уларга қўшилди. Ғазабли аҳллардан яна бир гуруҳининг уларга қўшилиши натижасида⁷² уларнинг сони уч юз кишига етди. Султон ҳеч бир эътибор бермай уларга қарши арзимас қўшин юборди. Улар қўшинни тор-мор келтирдилар ва қўрғонлардан бирини

эгаллаб, уни ўзлари қўлга киритган (нарса)ларини сақлайдиган қўрғонга айлантirdилар⁷³.

Мен дедим:

Душман имконию ҳийласини камситма,
Чунки кўпинча тулки шердан болиб келган.

Яна айтганлар:

Пашна шер бўғиздан⁷⁴ қон чиқарали,
Яна бошқалар айтганлар:
(шахматда) кўпинча шоҳ, пиёдадан енгилди.

ТЕМУР АСОРАТИГА ҚИМЛАР АСИР ОЛИНГАНИ ВА У АТРОФ ҲУР ПОДШОҲЛАРИДАН ҚИМЛАРНИ БЎИСУНДИРГАНИ БАЕНИ

(Кейин) Темур Балахшон⁷⁵ ҳокимларига мактуб юборди. Унинг ҳокими икки ака-ука бўлиб, улар ҳукмронликни отасидан мерос олиб, мустақил эдилар. Сўнгра Султон Ҳусайн ҳокимиятини уларнинг қўлидан тортиб олган ва уларни ўз амри остида бўлишларини шартлашиб, у ерда (уларни) ҳоким қилиб қўйган, болаларини эса ўз ҳузурига гаровга олган эди. Натижада, улар султон Ҳусайн қаҳрига асир бўлиб қолган эдилар. Темур мактуб юбориб, ўз итлоғига чорлаганда улар рози бўлдилар ва унинг амри остига ўтдилар.

МЎҒУЛЛАРНИНГ СУЛТОНГА ҚАРШИ ҚЎЗҒОЛИШИ ВА ҚАНДАЙ ҚИЛИБ УНИНГ (ҲУКМИ) РУКУНЛАРИНИНГ БЎШАГАНИ БАЕНИ

Шунингдек, султон Ҳусайнга қарши шарқ томондан мўғуллар қўзғалди⁷⁶. У мўғулларга қарши тайёргарлик кўриб Жайхундан ўтди ва икки томон ўртасида жанг бўлиб, султон енгилди. Шу пайтда Темур мўғулларга ҳам хат юборди. Улар ҳокимининг исми Қамаруддинхон⁷⁷ эди. Мўғуллар Темур иродасига бўйсуниб, унинг тилагига амал қилдилар. Султон ерларини унинг қўлидан холис олиши учун ва унинг (султон) устидан ҳукм юртишини мўғуллар Темурга топширдилар ва у билан қудачилик қилишга ҳамда унга ҳар томонлама мадад

Бернишга ваъда қилдилар⁷⁸. Мўғуллар ҳукмронлик жиловини унга топширганларидан кейин ўз ерларига қайтдилар. Натижада бу билан Темурнинг шавкати кучайди ва одамлар унда хавотирга тушдилар. Султон эса ўзининг бутун жиддужаҳдию имконини ишга солиб, Темур оловини ўчирнишга ва унинг пайини қирқишга тушди ва уни йўқотишни ўз олдига (мақсад қилиб) қўйди. Сўнгра у мавжланган денгиз мисоли сопсиз-саноксиз қўшин билан, ўзи бош бўлган ҳолда унга томон йўлга тушди ва ниҳоят Қағалгар⁷⁹ деб аталадиган жойга етиб келгунча юрди. Бу жой икки баланд тоғ қоясидан иборат бўлиб, улар ўртасида дарбанд бор эди. Ушбу дарбанд катта ва кенг йўл эдики, йўловчи унда бир соатлар чамаси юрарди. Бу йўл ўртасида бир дарвоза бўлиб, агар у ёпилиб ҳимоя қилинса, мустаҳкамликда бунга тенг келадиган ҳеч нарса топилмасди. Унинг атрофида бир қанча тоғлар бўлиб, ҳар бири (у жойнинг юқори) кўкка кўтарилган бурни ва барқарорлик учун ерга маҳкамланган оёғи каби эди. Агар у жой ҳақида шундай дейилса, жуда тўғри бўлар эди: «Осмоғача кўтарилган бурун ва сувга ботирилган тағдир»⁸⁰. Султон (аскарлари) Самарқанд томондан дарбанднинг оғзини тўсиб турдилар, Темур эса гўё (душманнинг) ўраб ва сиқиб тургандай дарбанднинг бошқа томонида турар эди.

ТЕМУР ИШЛАТГАН ХИИЛА ВА У УИЛАБ ТОПГАН АЛДОВ БАЕНИ

Темур ўз ҳамроҳларига деди: «Ху авани ерда махфий ва ўтиш машаққатли йўл борлигини биламанки, у ерга ҳеч бир кимсанинг қадами етмаган ва қато (қуши) ҳам йўл топа олмайди. Келинглари отларимизни етаклаб кечаси билан юрамиз ва душман ҳеч нарсадан хавотир олмаган бир вақтда орқасидан унга яқин келамиз. Агар уларга тонгда етишсак, унда биз ғолиблармиз». Темурнинг одамлари (бу гапга) рози бўлдилар ва эгри-бугрилик йўллари кесиб ўтиб, туни билан йўл юрдилар. Фажр тонгга етишиб уларни (Темур одамларини) субҳ (қувиб) етди-ю, лекин улар султон аскарларига ета олмадилар. Шунчалик кенглигига қарамасдан ер-дунё уларга тор кўриниб⁸¹, яшаш азоб-уқубатдай бўлиб қолди. Чунки уларга орқага қайтиш мумкин бўлмади. Қуёш ўз тулуғини эълон қилгач, улар душман аскарларига етди

лар — бу пайтда аскарлар уловларига) юкларини ортиб кетишга жазм қилаётган эди. Шунда ҳамроҳлари Темурга: «Аҳмоқона иш қилиб душман чағалига тушдик, унинг қармоғига илтиб ўзимизни ўзимиз ўз қўлимиз билан ҳалокатга ташладик», — дедилар.

— Зарари йўқ — деди Темур, — душман аскаргоҳига қараб юринг ва уларга кўринарли жойда отларингиздан⁸² тушинг. Отларни ўтлашга (қўйиб) юбориб, ўзларинг дам олиб, кечаси бекор кетган уйқунгиз ўрнини тўлдиринг. «Улар гўё ўликдек⁸³» ўзларини таппа-таппа отларидан ташладилар ва отларни ўтлашга қўйиб юбордилар. Шеър:

Агар бахт-саодат кўзлари сенга кулиб боқса,
ухла, барча қўрқинчлар сен учун хатарсиздир,
Бахт билан анқо қушни овлагин, чунки у ўзи
бир дурдир.
Орқангдан Жавзо⁸⁴ юлдузини бошлагин, чунки у
бахт жиловидир.

Душман аскарлари уларни ўз гуруҳларидан хаёл қилиб, Темур қўшинлари ёнидан ўта бошлади. Темур одамлари дам олиб бўлгач, отларига миндилар ва душманнинг орқаларидан елкаларига миниб олдилар, қий-қириқ остида улар устига қилич солдилар ва уларни даҳшатли ўлимга дучор қилиб, уларни ўлик ва мажруҳ ҳолатида қолдирдилар. Бу мудҳиш офат кўпчилиكنи қамраб олди ва бу бало қай тарзда келганини ҳеч кимса билмади.

Бу хабар султонга бориб етди, лекин у бу аҳволни тузатиш имкондан хориж эди. У Балхга қараб қочди⁸⁵. У мамлакат (ҳокимияти)дан юлиб олиндики, о, бу қандай юлиниш эди! Темур наҳбу-ғорат ва босқинчиликни бошлаб юборди. Кейин у қимматбаҳо бойликларни забт этиб, мол-дунё жам қилди. Сўнгра атрофига қора халқни ва паст табақани тўплади. Улардан қай бирлари рози, қай бирлари порози ҳолда Темурга итоат қилдилар. Темур Мовароуннаҳр ерларига эгалик қилиб, одамлар устидан шовқин-сурон ва қаҳр билан ҳукм юргизди. У қўшин ва аскарларни тартибга солиб, қўрғону қасрларни эгаллаб олабошлади. Султон томонидан Самарқандга ноиб қилиб қўйилган киши Алишер⁸⁶ деган шахс бўлиб, у (давлат) арконларидан бири эди. Сўнгра Темур унга мактуб йўллаб, Мовароуннаҳр ерларини иккиси

Ўртасида тенг тақсимлашни ва султон Ҳусайнга қарши курашда ўзи билан бирга бўлишини хабар қилди. Алишер бунга рози бўлиб, вилоятлар ва ерларнинг ярмини унга бўлиб берди ҳамда Темур ҳузурига келиб, қўл қовуштириб турди. Темур унинг иззат-икромини ошириб, ғоятда эҳтиром кўрсатди.

ТЕМУРНИНГ БАДАХШОНГА ОТЛАНИШИ ВА У ЕРДАГИЛАРДАН СУЛТОН (ҲУСАЙН)ГА ҚАРШИ МАДАД СУРАШИ БАЕНИ

Темурнинг Алишерга ишончи ошгач, уни қолдириб, ўзи Бадахшонга равона бўлди. Темурни Бадахшоннинг икки ҳокими қарши олиб унинг ҳузурига қўл қовуштириб турди ҳамда унга кўндан-кўн ҳадялар ва хизматкорлар тақдим қилиб, қўшни ва сипоҳилар билан унга мадад берди. Кейин Темур улар икковини ўзи билан бирга олиб Бадахшондан чиқди ва султонни муҳосара этишга қасд этиб, Балхга қараб юрди. Шунда султон улардан мустаҳкамланиб олди. Улар уни ҳамма томондан ўраб олдилар. Сўнгра султон Бадахшон ҳокимларининг ўз ҳузурига гаровда бўлган болаларини олиб чиқди, падарлари кўз ўнгида аямай ва ҳеч бир раҳм-шавқат қилмай бошларини олди. Кейин султоннинг аҳволи заифлашиб, отлиқ ва пиёдалари камайиб кетди. Натижада, у қаза ва қадарга таслим бўлган ҳолда қалъадан чиқиб, тангридан содир бўлган ширин ва аччиқ ҳукмларга рози бўлди. Темур уни қўлга олиб, (Балх) ишларини забт этди. Сўнгра Бадахшон амирларини иззат-икром билан юртларига қайтариб ва султон Ҳусайнни ўзи билан бирга олиб Самарқандга равона бўлди. Бу (воқеа) 71 — йилнинг шаъбон ойида, яъни ҳижрийдан 700 йил ўтгандан кейин (28 февраль — 29 март 1370 йил бўлган) эди⁸⁷, (Кейин) Темур Самарқандга келиб, уни ўзига дор ул-мулк деб қабул қилди ва подшоҳлик қонун-қоидаларини йўлга қўйиб, уларни ўз сиёсати ва тутган низомига асосан тартибга солди. Сўнгра у Султон Ҳусайнни ўлдириб⁸⁸ (тахтга) ўзи томонидан Чингизхон зуррётидан бўлган Суюрғотмиш деган бир шахсни қўйди⁸⁹. Фақат Чингизхон қабиласидан бўлганларгина хон ва султон номи билан юртилардилар. Чунки улар турк қурайшлари⁹⁰ ҳисобланиб, ҳеч бир киши улардан олдин ўта олмас ва улар қўлларидан бу шарафни тор-

тиб олишга бирон кимса қодир эмас эди. Агар бирор киши бунга қодир бўлса, шубҳасиз, у Темур бўларди, чунки у бу ерларни тўла забт этиб, улар йўлларида жавлон урган эди. Шу сабабли Темур (ўзига) таъна қилувчиларни дафъ этиш ва ҳар бир пеша қилувчининг тилини кесиб учун Суюрғотмиш (мартабаси)ни кўтарди. Гарчи унинг амрида⁹¹ ҳар бир амр қилувчию амрни тишловчи бўлса ҳам, Темурнинг лақаби фақат «Улуғ Амир» эди. Хон эса унинг асоратида гўё лойга ботиб қолган эшак мисоли бўлиб, шу замонда гўё султонларга нисбатан уларнинг халифалари каби эди.

Темур Алишерни Самарқандда нонбонликда давом эттириб, унга иззат-икром кўрсатар, ўз ишларида у билан маслаҳатлашиб, уни муқаддам тутар эди.

ДАШТ⁹² ВА ТУРКИСТОН СУЛТОНИ ТҲХТАМИШХОННИНГ ҲАМЛАСИ БАЕНИ

Дашт ва Тотор султони Тўхтамишхон Темур билан султон Ҳусайн ўртасида бўлиб ўтган можарони кўргач, қони қайнаб гайирлиги келди. Бу уларнинг насаби ва қўшничилиги сабабидан эди. У кўп соғли аскар, денгиздек ҳайқирган қўшин тўплади ҳамда Сигноқ⁹⁴ ва Ўтрор⁹⁵ тарафидан Темур лашкаргоҳи томон йўл олди.

Темур унга қарши Самарқанддан чиқди ва улар Хўжанд дарёси⁹⁶ яқинида, Туркистон атрофида тўқнашдилар⁹⁷, У дарё Сайхун⁹⁸ дарёсидир. Самарқанд эса Сайхун ва Жайхун дарёларининг ўртасидадир. Икки аскар ўртасида уруш «бозори» қизиди. Ушбу бозорда улар ўртасида жанг олди-сотдилари авж олди ва инҳоят, Темур аскарлари (ун бўлиб) янчилмагунча, муҳораба тегиримон тошлари айланаверди. Темур аскарлари тарқаб, унинг қўшин тугуни ечилаётган бир пайтда бирдан Саййид Барака номли (бир) киши пайдо бўлди, Темурга яқинлашди⁹⁹. Темур — у ғоятда танг ҳолатда қолган эди, — унга «Эй афандим, Саййид! (Менинг) қўшиним енгилди» — деди.

— Қўрқма, — деди унга Саййид (Барака). Кейин у отидан тушиб, ердан бир сиқим тупроқ олиб, ўзининг бўз отига яна қайтиб минди. Кейин ўша тупроқни (Темурни) бостириб келаётган душманлари юзига селиб, «Йоғи қочди!»¹⁰⁰, деб бақира бошлади. Темур ҳам ёрдам

қўлини чўзган ушбу шайхнинг кетидан такрорланиб шундай деб бақираверди. Темур Аббос¹⁰¹ товуши билан бақирганда гўё у чанқоқ туяларни «жут», «жут»¹⁰² (сувга) деб чақираётганга ўхшар эди. Шунда Темур аскарлари, гўё сугир ўз бузоқларига меҳр билан қарагандек, унга қарадилар ва ўз душману рақибларига қарши дадил маъракага тушдилар. Унинг қўшинидаги барча заифу кучли жангчидан «йоғи қочди» деган иборани такрорлаб бақирмагани қолмади. Кейин улар бир-бирларини (қатъий) қўллаб-қувватлаб ва (бир-бирларига) мадад тилаб, душман устига ҳамла қилдилар. Тўхтамиш қўшинлари мағлубиятга учради ва «орқасини ўгириб тирақайлаб қочди»¹⁰³. Темур аскарлари улар бўйнига қилч қўйиб, бу ғалабалари билан уларга ажал қадаҳларини ичирдилар. Уларнинг кўп мол-дунё ва чорваларни ўлжа қилиб ўрта (ҳол) бошлиқларнию ҳошияларини асир олдилар. Шундан кейин Темур Самарқандга қайтди — у Туркистон ва Хўжанд дарёси атрофидаги ерлар ишларини тартибга солган эди.

Темур назарида Саййид Бараканинг эътибори ошди ва ўша қўлга киритиб эгаллаган барча жойларга уни ҳоким қилиб тайинлади. Бу Саййид тўғрисидаги гаплар турли-тумандир¹⁰⁴. Баъзилар уни мағрибли бўлиб, Мисрда яшаб (зулук билан) қон қуювчилик қилган, кейин Самарқандга келиб ўзини саййид қилиб кўрсатиб қадр-қиммати ортган ва шуҳрати ёйилган деса, баъзилари уни Мадинаю шарифа аҳлидан дейди: бошқа баъзилари эса уни Маккаю мунаввара аҳлидан дейдилар. Ҳар ҳолда у Мовароуннаҳр ва Хуросон шаҳарларида энг улуғ зотлардан бири-айниқса Темурга зикр қилинган мададди кўрсатиб қазо ва қадарнинг ушбу латиф тасодифи туфайли Темурни бу шиддатдан халос қилгандан кейин бўлди. Сўнгра Темур унга — «Мендан истаган нарсангни сўра ва муродингни тила» — деди. У Темурга: — Э, мавлоно Амир! Муқаддас ва табаррук шаҳарлар (Макка ва Мадина)га қарашли вақфлар (турли) иқлимларда сероб. Шулар жумласидан Хуросон ерларидаги Андохй¹⁰⁵ (ҳам) бор. Мен ва менинг болаларим ана шу эҳсонга сазовор кишилар жумласиданмиз. Агар ўша ерларнинг фойда зарари аниқланиб, майда-чуйдалари маълум қилинса ҳамда вақфлари ҳисобланиб, крим-чиқимлари белгиланса менинг ва болаларимнинг ҳиссаси бу водийдаги мана шу қасабадан кам бўлмайди. Ана ўшани менга «ниқтоъ» тариқасида бер», — деди.

Темур ушбу жойни ва унга қарашли музофоту—қишлоқларни унга «Иқтоъ» тарзида тортиқ қилди. Бу ерлар ҳозиргача унинг авлодлари, уруғлари ва набиралари қўлидадир.

АЛИШЕР ВА ТЕМУР ОРАСИДА ВОҚЕ БУЛГАН ИХТИЛОФ ВА ФАСОДЛИКЛАР БАЕНИ

Кейин Темур билан Алишер ўртасида ихтилоф чиқиб, улардан ҳар қайсига (тарафдор) гуруҳлар қўшилди. Темур Алишерга (қарши) фириб ишлатиб алдади ва уни тутиб олиб қатлга тортиди. Натижада, мамлакату вилоятлар ёлғиз Темурнинг ўзига қолди. Аввал юз ўғириб ўзини орқага тортиб юрган (одам)лардан ҳар бир юзу бош Темур итлатига шошилди.

ТЕМУР БИЛАН САМАРҚАНД БУЗУҚЛАРИ ВА ШУТТОРЛАРИ¹⁰⁶ ОРАСИДАГИ МОЖАРО ВА ҚАНДАЙ ҚИЛИБ ТЕМУР УЛАРНИ ДУЗАХГА ЖОЙЛАШТИРГАНИ БАЕНИ

Самарқандда кўпдан-кўп бузуқлар тоифаси бўлиб, улар ичида ҳар хиллари: полвоилар, найзабозлар¹⁰⁷, муштлашувчилар ва шифокорлар бор эди. Улар гўё Қайс ва Ямаи (қабилалари)¹⁰⁸ каби ўзаро икки гуруҳга бўлинган бўлиб, мудом ораларида адоват ва уруш юз бериб турар эди. Ҳар бир гуруҳнинг ўз бошлиғи, таянадиган кишилари, ёрдамчилари ва югурдаклари бор эди. Етарли ҳайбати борлигига қарамасдан, улар томонидан ўзига (қарши) бирон қайсарлик ва хилоф (ши) бўлишидан Темур хавфсиз раб юрарди. Агар у бирор томонга юриш қилмоқчи бўлса, зинҳор ўрнига Самарқандда ноиб (тайинлаб) қолдирар эди. У шаҳардан узоқлашиши биланок, албатта, ўша жамоадан бир тоифаси хуруж қилиб, ноибни ағдариб ташлар ёки у билан (биргалашиб) хуруж қилар ҳамда (Темурга) муҳолафат билдирарди. Темур ҳар сафар қайтганида (ўз подшоҳлигида) тартиб-интизом ишлари бузилганини, ишлари чалкаш ҳолга келиб (ўз) мартабаси тебраниб қолганини кўрарди. Шу вайдан ишларини янгидан тузатиш, бузиб бошқатдан қуришга мажбур бўларди. У (бировларни) ўлдирар, (бировларни) ишдан бўшатарди, бошқаларга эса инъом-эҳсон қилиб, ҳадялар улашарди.

Кейин яна йўлга тушиб, ўз ерларида тузатиш ва йўлларни мустаҳкамлаш билан машғул бўларди. Бузуқилар эса ўзларининг жирканч ишларини давом эттирар, яна алдов ва макрларига киришардилар. Бу аҳвол тўққиз мартача такрорланади. Темурнинг бузуқилар ва фасодчиларга қарши нима қилишга боши қотди. Кейин у ушбу бузуқиларни ўлдириб, таг-томири билан қуритиб, уларнинг азиятидан қутулиш учун хийла ишлатди. У бир зиёфат¹⁰⁹ уюштириб, унга каттаю кичик (барча) халойиқни чақирди ва келганларни тоифа-тоифасига қараб ҳар бир ҳунармандни ўз саркорига қўшиб ўтқазди. Ҳалиги бузуқилар ва улар бошлиқларини ажратиб, алоҳида ўтқазди, ва Ануширвон ибн Қайқубод¹¹⁰ динсизларга нисбатан қандай иш қилган бўлса, Темур ҳам уларга нисбатан (худди) шундай иш қилди. Темур ўз ёрдамчиларидан четроқ бир жойга пистирма қўйди ва олдиларига юборилган ҳар бир кимсани ўлимга маҳкум этишни улар билан келишиб олди. Улар ёнига юборилган киши унинг ўлдирилиши лозимлигига ишора эди. Кейин Темур зиёфатга келганларнинг бошлиқларини бирма-бир чақира бошлади ва уларга ўз қўли билан шароб қўйиб, (уларга) қимматбаҳо сарпоҳлар улаша бошлади. Шавбат бояги бузуқилардан биронтасига келса, Темур унга қадаҳни ичирар ва қимматбаҳо сарпоқийгизиб, уни пистирмадагилар олдига олиб боришларини ишора қиларди. У киши пистирмадаги одамлар олдига келиши заҳотиёқ, улар унинг устидан нафақат кийдирилган сарпоҳни, балки ҳаёт сарпонини ҳам ечиб олиб, унинг танаси тиллосини фано курсига солиб эритиб қўярдилар. Шундай қилиб, Темур уларнинг биттасини ҳам қўймай ўлдиртирди ва шу билан илдиларини қуритди, илдиларини ўчириб, оловларини сўндирди. Натижанда Темур учун йўллар тозаланиб, подшоҳлиги рақиб мухолифлардан холи бўлди. Мовароуннаҳрда унга қаршилиқ қилувчи ва унинг олдини тўсувчи бирон кимса қолмади¹¹¹.

САМАРҚАНД ЕРЛАРИ, БАДАҲШОН ВА ХУЖАНД ДАРЕЛАРИ УРТАСИДА БЎЛГАН (ЕР)ЛАР ТАФСИЛИГА ОИД БЎЛИМ

Шулар жумласидан Самарқанд ва унинг вилоятлари:
Самарқанд етти тумондан¹¹², Андикон¹¹³ ва унинг атроф-

лари эса тўққиз тумондан иборатки, ундан ўн минг жангчи чиқади¹¹⁴.

Самарқанд Мовароуннаҳрнинг машҳур шаҳарларидан ва зикр қилинган мўътабар жойларидандир. Айтишларича, қадим замонда Самарқанд ва унинг деворлари ўн икки фарсахдан¹¹⁵ иборат бўлган. Бу Чингизхондан аввал (ўтган) Султон Жалолуддин¹¹⁶ замонида бўлган.

Мен Самарқанд деворларининг ҳаддида, ғарб томондан Темур бино қилган ва Димашқ¹¹⁷ деб атаган бир қасабани кўрдим. Ушбу қасабанинг масофаси Самарқанддан тахминан ярим кунлик (йўл)дир. Одамлар ҳозиргача қадимги Самарқандни¹¹⁸ кавлайдилар ва куфий хати билан тамғаланган дирҳамлар ва филслар қазиб оладилар ва филсу тангаларини эритиб, ундан кумуш ажратиб оладилар.

Шунингдек Марғийнон¹¹⁹ ҳам Мовароуннаҳрнинг шаҳарларидандир. Қадим замонда у пойтахт бўлиб, унда Иликхон¹²⁰ турган «Ҳидоя» (кириш)нинг соҳиби жалолатли шайх, аллома Бурҳонуддин ал-Марғийноний¹²¹ — таангри — таоло у (киши)ни раҳмат қилсин, — Марғийнондан чиққан.

(Мовароуннаҳр шаҳарларидан) Сайхун соҳилида Хўжанд Жайхун соҳилида Термиз жойлашган. Шунингдек Нахшаб — у (аввал) зикр қилинган Қаршидир ва яна Кеш, Бухоро, Андиқон. Булар ҳаммаси машҳур жойлар бўлиб, улардан бошқалари ҳам бор.

(Мовароуннаҳрнинг) вилоятларидан Бадахшон, Хоразм ерлари, Сағония¹²² иқлими ва булардан бошқа ўлкалару поёйсиз теварак атрофлар. Бу ер аҳлининг эътиқодича, Жайхун¹²³ орқасидан шарққа қараб чўзилган ерлар Турон¹²⁴, ғарбга томон чўзилган бу томондаги ерлар эса Эрон деб аталади. Кайковус¹²⁵ ва Афросиёб¹²⁶ бу мамлакатларни ўзаро тақсим қилганларида Турон Афросиёбга, Эрон эса Кайкубод ўғли Кайковусга теккан. Ироқ (эса) Эрон мағрибидир¹²⁷.

МОВАРОУННАҲР ЕРЛАРИНИ УЗИНИКИ ҚИЛГАНИДАН Кейин Темурнинг салтанат йулида бошлаган зуравонликлари баени

Мовароуннаҳр ерлари соф ўзиники бўлиб¹²⁸, замон ҳайсарлари унинг амрларига бўйин эккач, Темур ўзга мамлакатларни эгаллашу бандаларни қул қилишга

бошлади. Иқлимлар подшоҳларини ва уфқлар султон-тарини сайд қилиш учун у хийла-пайранг бармоқлар¹²⁸ билан турли-туман тўрлар ва тузоқлар тўқни бошлади. Энг аввал у мўғуллар билан апоқ-чаноқ бўлиб, улар билан оғиз-бурун ўпишди ва тинчлик ҳақида сулҳ тузиб, совға бериб, совға олди ҳамда улар шодшоҳи—Қамаруддин қизига уйланди. Шундай қилиб Темур уларнинг таъқиб ва тазйиқидан амин бўлди. Мўғуллар шарқ томондан унинг қўшиниси бўлиб, улар билан Темур ўртасида ҳеч қанақа фарқ йўқ эди. Чунки икки томондан ҳам содир бўлган жинсият, қудачилик¹²⁹ ва қўшничилик бунга сабаб эди. Динлари эса иккала давлатда ҳам жорий бўлган Чингизхон таврот¹³⁰ эди. Шу сабабдан Темур мўғуллар ёмонликларидан беҳовотир бўлиб, улар макру зарарларидан амин эди¹³⁰.

ТЕМУРНИНГ АТРОФ ВА ЭНГ АВВАЛ ХОРАЗМ ЕРЛАРИНИ БИРЛАШТИРИШГА НИЯТ ҚИЛИБ, ҚАТЪИЙ ҚАРОРГА КЕЛГАНИ БАЕНИ

Мўғуллар макридан амин бўлиб, сулҳ билан улар (оғзи) чегарасини тўсгач, Темур Хоразм ерлари томон юзланмишга азм этди¹³¹. Хоразмликлар ғарбдан, чап (томондан) Темур билан қўшни бўлиб, ўзларида ислом қондаларининг юритилиши жиҳатидан ундан ажралиб турардилар. Журжон¹³² шаҳри уларнинг пойтахти бўлиб, энг азим шаҳарларидир. Умуман бу мамлакат (Хоразм) азим шаҳарлар ва кенг вилоятларга бой. Унинг пойтахти фозил кишилар жам бўладиган, уламолар манзил тутадиган, зарифлар ва шоирлар макони, адиб ва улуг кишилар чашмаси, иззат-икромли улуглар тоғининг қони, йўлини топгану адашганлардан ҳақиқат изловчи кишилар денгизининг мавбаи эди. Хоразмнинг поз-шеъматлари битмас туганмас, табиий бойликлари беҳисоб бўлиб, фазилатларининг юзи нур таратиб турувчидир. (Бу мамлакат) султоннинг исми Хусайн Сўфи бўлиб, у сохта эътиқодлардан холи киши эди.

Мовароуннаҳр шаҳарларининг сурати бир-бирига яқиндир, чунки уларнинг ҳаммаси (тўғридан-тўғри) хом ёки пишиқ ғиштдан ер (бет)га қурилгандир. Латофатда Хоразм аҳли ҳам Самарқанд аҳли сингари бўлиб, ҳишмату зарофатда улар Самарқанд аҳлидан афзалроқдир¹³³.

Улар мушоира ва адабиётга иноят қўйганлар ҳамда яхши сифатлар ва олий фазилатлар санъатида, хусусан мусиқа ва нағмалар намида ажиб ашёлар яратганлар. Бу борада уларда ҳар бир хосу авом иштирок этади. Хоразмликлар ҳақидаги (ажиб) нарсалардан шу (нарсаси) машҳурки, агар уларнинг бешикда ётган (чақалоқ) боласи йиғласа ёки «оҳ» деса, бу товушдан «Дугоҳ» мақомининг куйи янграйди.

Темур Хоразмга етиб келганда Ҳусайн Сўфи ғойиб эди. У Хоразм атрофларини ва ундан ўз қўли етган жойларини талади¹³⁴. Лекин Хоразмни эгаллашга муваффақ бўла олмади. Бу ишга унчалик аҳамият бериб эиёда эътибор қилмади ва ўз ҳошия-атрофларини йиғиб мамлакатига қайтди.

ТЕМУРНИНГ ХОРАЗМГА ИККИНЧИ МАРТА ҚАЙТИШИ БАЁНИ

Сўнгра Темур журъат камарини маҳкам боғлаб, батамом тайёргарлик ва кўп қўшин билан Хоразмга иккинчи марта юриш қилди. Унинг султони ҳамон ғойиб эди¹³⁵. Темур Хоразм гўзал келинчагининг куёви¹³⁶ мисоли бўлди. У шаҳарни қуршаб, ҳисор этиб олди ва Хоразмнинг йўллари бўйинларига ёқаларини мустаҳкамлади ва оз бўлмаса (мамлакат кийими) этакларига ўз чангаллари билан ёпишиб олаёзди. Шунда шаҳар аёнларидан бири — у савдогар бўлиб, «ўз султони олдида содиқ қадам¹³⁷», исми Ҳусан Суриж эди. — Темурга пешвоз чиқиб, ундан бу мушкул ишларни ўзлари устидан кўтаришни ва бунинг эвазига талаб қилганича асир ва ўлжа беришларини (билдириб) илтимос қилди. Темур ундан икки юз хачирга юк бўладиган кумуш беришни ва уни жараиғлаган танга тариқасида ўз хазинасига етказишни талаб қилди. Лекин Ҳусайн Суриж Темурга мурожаат этиб, лутф билан эътироз қила-қила, ниҳоят Темур сўраган (мол-дунё)нинг тўртдан бирига уни кўндирди. Ҳасан Суриж талаб қилинган бойликни ўз (шахсий) мол-мулкидан ажратиб, ўша он (кумушни) ўлчаб берди. Шундан сўнг Темур жўнаш ҳозирлигини кўра бошлади ва ўз қўшини лашкарларига хоразмликларга азият етказишни ман этиб, Самарқандга таважжуҳ этишга азм қилди.

ТЕМУР УЧУН ЎЗ ОТАСИНИ ИУЛДАН УРИБ, УНИ ЧОРМИХГА ТОРТИШЛАРИДАН ХАЛОС ҚИЛГАН ҲИРОТ СУЛТОНИ ФИЁСУДДИНГА ТЕМУРНИНГ МАКТУБИ БАЕНИ

Кейин Темур Ҳирот султони Малик Фиёсуддинга — ўз халоскорига, гўё пайғамбарнинг: «Тангри ҳар бир кимса ёмонлигини ўзига ёзиб қўйгандир»¹³⁸ — деган сўзларига амал қилиб, мактуб юборди. Темур Фиёсуддиндан ўз итоат ҳалқасига киришини ва ҳоли-қудратига яраша мулозимлару ҳадялар келтиришини талаб қилиб, акс ҳолда унинг днёрига боришни ва унга ҳалокат келтиришни билдирди.

Малик Фиёсуддин Темурга ўз элчиси билан мактуб юбориб унда: «Сен меннинг хизматкорим эмасмидинг ва мен сенга яхшилик қилмабмидим?! Ўз хайру эҳсоним ва неъматим¹³⁹ этагини устингга ёпмаганмидим?! Сен бўлсанг макр-хийла ишлатиб фитна қилдинг, (одамларни) ўлдириб тирақайлаб қочдинг ва «қилғилигингни қилдинг»¹⁴⁰. Бу, мен сени зарбадан ва чормих этишдан қутқарганимдан кейин-а? Агар сен эҳсонни билгувчи инсон бўлмасанг¹⁴¹, унда (ҳеч бўлмаганда) яхшиликни билгувчи ит каби бўл», — деб ёзди.

Натижада, Темур Жайхунни кесиб ўтиб, Фиёсуддин томонга қараб равона бўлди. Фиёсуддиннинг Темурга қарши тура оладиган куч-қуввати йўқ эди. У ўз уруғлари ва қишлоқдагиларига хат юборгач, улар ўз уловлари билан Ҳирот атрофига жам бўлдилар. Фиёсуддин бўстонлар атрофига ҳандақ қаздириб, бу билан ногирон ва заиф мискинларни ҳимояга олди ва ўзи эса қалъага¹⁴² бекиниб, шу тариқа Темурдан сақланиб қоламан деб ҳисоблади. Бу, Фиёсуддиннинг аввали ҳам, охири ҳам фаҳм-мулоҳазаси заифлигидан, қобилияти ночорлигидан, ақл фаросати камлигидан, фикр ва давлатининг инъикосидан (далил) эди. Мен (бу тўғрида) шеър айтдим:

Кимки бахти (унинг) тақдирига мувофиқ эрмас,
тадбири (унинг) ўзига ҳалокат келтирур.

Темур Фиёсуддин билан жанг қилишга ва унинг мухосарасига қизиқмади, лекин аскарлари имконлари қадрича ва роҳатда турар, (унинг) душмани эса кенгликдан тор жойга тушиб қолган эди. (Султоннинг) бош-

ликлари ва ҳошиялари саросимага тушдилар, ҳайвонлар ва моллар эгасиз, қаровсиз қолди, шаҳар издиҳомига тошди. Уларни похушлик ҳолдан тойдириб, очлик тинкасини қуритди, хосу авомлар ҳалок бўлиб, (уларни) лод-фарёд ва фиғон қамраб олди.

Натижада, султон омонлик тилаб Темурга мактуб юборди. У фақатгина унинг сабабидан тангликда қолганини англади ва унга бошда ҳомийлик кўрсатиб, (энди) ундан азоб чекаётганини тушунди. У Темурга аввалги танишликларини ва ўзи унга кўрсатган эҳсон-рахмларини эслатди ҳамда Темурдан ўзига бериладиган омонлиқни пиймон келтириб таъкидлашни талаб қилди. Темур (унинг) нағари кўрсатган яхшилигини (қалбида) сақлашни билдириб, унинг қопини тўкмасликкаю терисини тилка-пора қилмасликка қасамёд қилди. Шунда султон чиқиб, Темур ҳузурига кирди ва унинг олдида қўл қовуштириб турди. Темур шаҳарга кирди¹⁴³ ҳамда Ҳирот қўшинлари ва ўз ёрдамчилари томонидан ўраб олинган султон ҳамроҳлигида шаҳардаги мустаҳкам қалъага кўтарилди. Шу пайт Ҳирот соҳибининг ботирларидан бири султонга: Темурни ўлдириб, ўзини (бу йўлда) фидо этишни ишорат қилиб, унга қўйидаги мазмунда гап қилди: «Мен ўзимни ва молимни мусулмонлар учун фидо қилиб, бу чўлоқни ўлдираман, нима бўлса бўлар». Султон унинг маслаҳатига рози бўлмай тангри-таолонинг ҳукмию иродасига таслим бўлиб, деди: — «Дарҳақит, тангри-таоло ўз бандалари тақдирида ўзи тасарруф юритади. Албатта, у ўз муроди ўқини қандай бўлмасин (ўз) бандаларига тегизади. Қисматдан қочиб бўлмайди, тангри-таоло бўлиши муқаррар деб ҳукм қилган нарсадан ҳеч бир киши қутула олмайди». Мисра:

«Агар сенга тақдир буюрган бирор нш келсаю сен
ундан қочсанг, билиб қўйки, сен ўша томонга қараб юрасан».

Бу бир сирки¹⁴⁴, у зоҳир бўлмағи керак ва уни (Темур) ишларининг ҳақиқатини суриштирмай қўяқол. Агар кимки қисматдан ғолиб келмоқчи бўлса, у мағлуб бўлган, кимки замонини таламоқчи бўлса, ўзи шпинган, кимки тақдир оқимидан кучли келмоқчи бўлса, ўзи ғарқ бўлган, кимки ғафлатда бўлиб айшу ишрат шарофига мойил бўлса, унинг томоғига тикилган.

Шу дамда Ғиёсуддин отасининг (унга) айтган сўзла-

рини эслади ва унинг айтганлари ҳақиқат эканини фаҳмлади. Лекин камол ўқи отилган бўлиб, уни камалак ипига қайтаришининг иложи йўқ эди.

ТЕМУРНИНГ ШАЙХ ЗАЙНУДДИН АБУ БАКР АЛ-ХАВОФИЙ БИЛАН УЧРАШУВИ БАЕНИ

Хуросонга қилган юришларининг бирида Темур Хавоф¹⁴⁵ қасабасида таңгри-таоло ўз лутфлари билан тақдирлаган, билимдон, олим, улуғ ва фозил, зоҳир кароматли, бағоят эзгуликлар эгаси, ширин суҳан, соф мақом, содиқ кашфиёт, Аллоҳ билан муомалалари сидқидил бир киши борлигини эшитган эди. У Шайх Зайнуддин Абу Бакр¹⁴⁶ деб аталиб, унинг ижтиҳод қуши учун Қудс¹⁴⁷ боғида энг олий гўша (бордир).

Темур шу шайх руиятини ният қилиб, ўз жамоаси билан унинг ҳузурига юзланди. Шайхга, «Темур сени дийдорингни кўриш ва баракаингни тилаш учун ҳузурингга келаётир», — дедилар. Лекин шайх бир сўз ҳам айтишга улгурмасданок Темур етиб келди ва отдан тушиб, шайхнинг ҳузурига кирди. Шайх эса ўз одатича гиламчаси устида (чуқур) фикрга чўмган ҳолда ўтирар эди. Темур унинг олдига яқин келганида шайх (ўрнидан) турди. Темур эмаклаб бориб шайхнинг оёғига бош урди. Шунда шайх Темурнинг орқасига икки қўлини қўйди. Темур (кейинчалик) деди: «Агар шайх орқамдан тезлик билан қўлини олмаганда чиндан ҳам менни босиб қолади деб ўйлаган эдим. Мен гўё осмон ерга узилиб тушгану мен еру осмон ўртасида майда-майда бўлиб кетгандек тасаввур қилдим». Кейин бу мумтоз киши ҳузурнда одоб билан тиз чўкди ва ўз суҳбатини мунозара тарзида эмас, балки савол тариқасида тузиб, лутф билан унга: «Э, менинг сайийдим, шайх! нега сиз ўз подшоҳларингиз жабр ва қайғу-ғазабга мойил бўлмай, адолат ва инсоф юзасидан иш тутинларинин амр қилмайсиз?», — деди.

— «Биз уларга шу (нарс)ни амр қилиб, бундан муқаддам шуни изҳор этган эдик, — деди шайх, — лекин улар бу амрга қулоқ тутмадилар, шу туфайли улар устидан ҳукми сизга топширдик»¹⁴⁸. Уша он Темур шайхнинг ҳузуридан чиқди, энди унинг букирлиги тўғри бўлиб қолган эди ва деди: «Қаъба эгаси номи билан қасам ичаманки, энди мен (бутун) дунёга эгалик қилдим».

Бу шайх ўша зикри (кейинроқ) келиши ваъда қилинган кишидир.

Сўнгра Темур Ҳирот подшоҳини қўлга олиб, унинг ҳукмидаги барча нарсаларга эгаллик қилди ва Ҳирот вилоятини бирини-кетин забт этиб, ҳар бир вилоятга ўз ноибини қўйди. Узи эса имкони қадар бойликларини олиб¹⁴⁹ орқага, Самарқандга қайтди¹⁵⁰.

Темур Султонни шаҳар¹⁵¹ (ҳибсига солиб устидан ҳибс) эшигини ёпди ҳамда шаҳар соҳибларига уни қўриқлашни топшириб, уларга ўзининг пойлоқчи шерларию қўпол ва бағритош миршабларини қўшди. Бу Темурнинг майли, бошининг кесмайман, деб имон келтирган ваъдасига мувофиқ эди. Чиндан ҳам Темур унинг қонини оқизмади, лекин ҳибсда очлик ва ташналикдан ўлдирди.

ТЕМУРНИНГ ХУРОСОНГА ҚАЙТИШИ ВА САЖИСТОН ВИЛОЯТЛАРИНИ ХАРОБ ЭТИШИ БАЕНИ

Кейин Темур (яна) Хуросонга қайтди — у Сажистон аҳлидан қасос олишга азм қилган эди¹⁵². Сажистон аҳли сулҳ ва осойишталик сўраб Темур қаршисига чиқди. Темур уларнинг ўзига қурол-яроғ билан ёрдам беришлари эвазига бу талабга розилик билдирди. Натижада, Сажистон аҳли ўзларидаги бор аслаҳаларни унга чиқариб бердилар ва шу билан ушбу шиддатдан қутулишга умид боғладилар. Шаҳарлари қурол-аслаҳадан батамом холи бўлганлиги тўғрисида Темур уларга онт ичириб балагатли қасамлар айтдирди. Темур бу ишнинг ростлигига ишонч ҳосил қилгач, уларнинг бўйнига қилич қўйиб, биттасини ҳам қолдирмай ўлим қўшиқларига олиб бориб қўшди. Кейин у шаҳарни (шунчалик) хароб этдики, унда на бир дарахту на бир уй қолди. Уин (ер юзидан) маҳв қилдики, унда на бирон кўзу на бирон из қолди. Сўнгра Темур ундан жўнаб кетганда, шаҳарда ҳеч бир кимса қолмади. Темур бу ишларни сажистонликлардан илгарини кўрган заҳмати сабабидангина қилган эди¹⁵³.

Дамашқда, Чақмоқ мадрасасида истиқомат қилувчи ҳанафий мазҳабидан бўлган фақиҳ шайх Зайнуддин Абдуллатиф ибн Муҳаммад ибн Абулфатх ал-Қирмоний 883 (1430) йили менга (шундай) ҳикоя қилганди: «Сажистонликлардан қочгани ёки ғойиблиги сабабли, шунингдек тағри-таолонинг қандайдир лутф-каромати

билан Темурнинг ўлиmidан қутулиб қолганлари, у кетгандан кейин шаҳарга қайтиб келганларида жума намозини ўқимоқчи бўлдилар. Лекин улар кундан янглишиб жума кунини аниқлай олмадилар. То Қирмонга¹⁵⁴ одам юбориб, у ердагилар жума кун эканини айтмагунларича уни била олмадилар».

ТЕМУРНИНГ САБЗАВОР¹⁵⁵ ЕРЛАРИГА ЮРИШИ ВА ШАҲАРНИНГ УНГА БУЙСУНИБ, ҲОКИМИНИНГ УНИНГ ҲУЗУРИГА КЕЛИШИ БАЕНИ

Темур Сажистонда мўлжалдаги ишларини адо қилгач, ўз аскарлари билан Сабзавор шаҳрига томон юзланди. Унинг ҳокими Ҳасан Журий¹⁵⁶ деб аталиб, ўзи рафизий¹⁵⁷ бўлса ҳам ҳокимиятда мустақил эди. Унинг итоат қилишдан ва имкони етгунча унга ҳадя ва хизматкорлар тақдим қилиб пешвоз чиқишдан бошқа иложи йўқ эди. Темур уни ўз вилоятида қарор топтириб, ҳомийлик кўрсатди.

БУЛИМ

Темурнинг одати ва макридан¹⁵⁸ (бири) шу эдики, агар у меҳмон тариқасида бирорта (киши) никига қўнса, энг аввал у уй эгасининг авлод-аждодини суриштирар ва унинг исмини ҳамда насл-насабининг эсида сақлаб қолиб, унга: «Агар сен менинг (мутлақ) ҳоким бўлиб, мустақил ҳукм юрйтишим хабарини эшитсанг, унда ҳузуримга фалон белги билан келгин. Ушанда сени мукофотга сазовор қиламан», — дерди. Натижада унинг номи тилларда дoston бўлиб, (қилган) ишлари чор тарафга ёйилгач, довруги ва хабарни дунёга тарқалгач, (ўша) кишилар (шартлашилган) белгилар билан «ҳар тарафдан»¹⁵⁹ унинг ҳузурига шошилдилар. Темур улардан ҳар бирини ўз ўрнига қўйиб, мартабасига лойиқ жой толарди.

САБЗАВОРДА ТЕМУР ВА ФИРИБГАРЛАР ГУРУҲНИНГ БОШЛИГИ ШАРИФ МУҲАММАД УРТАСИДАГИ МОЖАРО БАЕНИ

Сабзавор шаҳрида шутторлардан бир шариф киши бўлиб, у Саййид Муҳаммад ас-Сарбадол деб аталарди. У билан бир жамоа одамлари бор эдики, ҳаммаси фи-

рибгарлар бўлиб, улар «сарбадолия»¹⁶⁰, яъни шутторлар деб аталардилар. Бу саййид машҳур олам бўлиб, (ўз) фазилати ва ҳиммати саховатлари билан тилга олинмаган (маълум) киши эди. Шу туфайли ҳам Темур: «Уни менинг ҳузуримга келтиринглар, чунки мен фақат уни деб келдим. Унинг дийдорига иштиёқманда бўлиб, ундаги (бор) илмин билмоққа илҳақман», — деди.

Натижада, Саййидни Темур ҳузурига чорладилар. У киргач Темур ўрнидан туриб бориб уни қучоқлади ҳамда очиқ чеҳра билан кутиб олди, унга иззат-икром кўрсатиб ўзига яқин тутди ва гап орасида (унга шундай) деди: «Э, мавлоно саййид! Сен менга айтчи, нима қилсам Хуросон ерларини бағамом эгаллайман ва ўзимга бўйин эгдириб, унинг узоғу яқин (жойлар)ини ўз ихтиёрига оламан? Бу ҳолат менга nasib бўлиши ва қинғир-қийшиқ, машаққатли йўлдан юқори кўтариламоқ, учун мен нима қилай?».

Саййид унга деди: «Э мавлоно амир! Мен пайғамбар бандаларидан бўлиб, бир фақир ва муҳтож кишиман. Бундай юқори фазилат қаердаю, мен қаерда. Гарчи (мени) шариф деб атасалар ҳам, мен ожиз ва заиф (бир) кимсаман. Ҳалоқат чашмаларидан сув ичишга менда тоқат йўқ. Мен ким бўлибманки, подшоҳлик ишларига аралашиб, бирор йўл кўрсатай? Агар кимдаким подшоҳлар (ишлари)га дахл қилиб, (уларнинг) ишларига аралашса ёки уларга эътироз билдириб, монълик кўрсатса, у икки денгиз бирикадиган жойда сузган ва сузишаётган икки қўчқор орасида (қотиб) турган кишига ўхшайди. Агар (кимки) бегона тилда гапирса у (кўп) ғалат сузлайди. Маъмур¹⁶¹ билан тегиримончи ўртасида қанчалик фарқ бор?»

Темур унга деди: — «Сен менга бу ишга эришиш йўлини албатта кўрсатмоғинг ва ушбу ҳақиқатга етишиш (йўли)ни хабар қилмоғинг даркор. Агар мен сенда ушбу хислатлар борлигини пайқаманганда ва одамларни сени мулоҳазани кўрсатган (тўғри) йўллاردан жавлон уришларини каромат қилмаганимдаю, сен ушбу маърифатга эга бўлмаганингда, унда мен сенга бир сўз ҳам демаган бўлардим ва бечора (киши) бойдан ҳожат сўрагандек мен сендан буни сўрамасдим. Чунки менинг фаросатим Ийасий¹⁶², барча мулоҳазаларим қиёсийдир». Шунда ушбу йўл кўрсатувчи Темурга — «Эй амир, бу масалада сен менинг гапимга қулоқ тутиб кўрсатган йўл-йўриғимга амал қиласанми?» — деди. Темур унга:

«Фақат сен кўрсатган йўлдан бораман деб мен сендан маслаҳат сўраб сен билан ҳамқадам юраман деб ҳузурингга чопиб келдим», — деди. Саййид Темурга: «Агар (сен) бу иш¹⁶³ ўзингга соф бўлишни хоҳлаб, ҳеч бир машаққатсиз ушбу мамоликларни эгаллашни истасанг, унда сен зинҳор бу ерлар фалақининг қутбию бу йўллар доирасининг маркази Хожа Али пин Муайяд ат-Тусийга¹⁶⁴ бормогинг лозим. Башарти, у сенга ўзини зоҳираи яқин тутса, унда албатта ботинан ҳам сен билан бирга бўлади. Агар у сендан юз ўнгирса, у вақтда ундан бошқа бирор кимса сенга фойда бермайди ва (ҳеч кимнинг) нафи тегмайди. Унинг қалбини ўзингга ром қилишга интилиб, ҳузурингга келтиришга жидду жаҳд кўрсатгин. У қатъий киши бўлиб, зоҳирию ботини бир (хил) дир. Дарҳақиқат, одамларнинг итоат (қилиш)лари унинг итоатига боғлиқ бўлиб, барчанинг ҳаракати унинг ишоратига биноандир. У нима қилса одамлар ҳам шуни қилардилар, агар у тўхтаса-тўхтайдилар, юрса-юрадидилар». Бу киши, яъни зикр қилган Хожа Али шийъа (мазҳабдан) бўлиб, Алининг тарафдорларидан эди. У ўн икки имом номи билан¹⁶⁵ пул зарб этиб, улар исминини тутиб ҳутба ўқитади. У қўрқмас ва ботир (киши) эди.

Кейин Саййид давом қилиб: «Эй амир. Сен Хожа Алини чақиргин. Агар у даъватингга «лаббай» деб жавоб қилиб, ҳузурингга ҳозир бўлса, сен унга ҳурмат-эҳтиром кўрсатгин ҳамда иззат-иқромни зиёда этиб, ҳеч ким унга етказмаган тавқир-такбирларни етказгин. Чунки у сенга нисбатан бу нарсаларни ёдида сақлаб, хотирида қолдиради. Ҳурматлаш, улуғлаш ва эъзозлаш борасида уни гўё улуғ подшоҳлар мақомида кўргин. Унга нисбатан юқори мартабангга лойиқ бўлган биронта ҳам нарса хотирангдан кўтарилмасин. Буларнинг ҳаммаси ҳурматнинг ва улуғворлигининг ошишига оиддир», — деди.

Кейин Саййид Темур ҳузуридан чиқди ва зикр қилинган Хожа Алига — ўзи унинг учун бирқадар (муҳим) ишлар тайёрлаганини, агар Темурдан унга чопар келса ўйлаб-печмасдан итоат қилишини ва ҳеч пайсалга солмасдан унинг ҳузурига жўнашини ҳамда Темурнинг қудратидан ўз ҳолию молига (ҳеч қанақа зиён етишидан) амин бўлиб, қалби равшан бўлишини тайинлаб ўз чопарини жўнатди.

Хожа Али бирталай хизматлар, туҳфалар ва тортиқлар тайёрлаб чопарнинг (кириб) келишини кута бошла-

ди ва Темурнинг ҳамда ўз ҳомийсининг исми билан тангаю тиллолар зарб этиб, шаҳарлар жомеъналарида улар иккисининг номи билан хутба ўқитди. Хожа Али бу ишларини тугатиб, ўзининг тез орада чақирилувиغا ҳозирлашиб турган пайтда бирдан Темурдан чопар келиб, унга мактуб узатди. Мактубда энг латофатли каллималар ва ёқимли хитоблар бўлиб, Темур сидқидиллик, ҳурмату эътибор ва меҳру муҳаббат билан шайхни ўз ҳузурига чорлар эди. Шайх ўз итоати лисони билан ўша заҳотиёқ «лаббай» дея ўрнидан қўзғолди. Вақтинин фақат йўлдан ўзга нарсага кетказмай, чексиз орзу умидлар ва ишончли аҳду паймонлар билан етиб келди. Шайхнинг (етиб) келганини Темурга хабар қилганларида унинг истиқболига ўз қўшини суворийларини ажратиб, гўё янгитдан мулкка эга бўлган кишидек бағоят сурурга тўлди. Шайх етиб келгач, Темур унга қимматбаҳо ҳадялар, чексиз туҳфалар, ажойиб ва ғаройиб шаҳона ва ҳусравона буюмлар, подшоҳларга муносиб тенги йўқ сарпоҳлар тақдим қилиб, уни таъзим-тавозеъ билан йўқ сарпоҳлар тақдим қилиб, уни таъзим-тавозеъ билан эъзозлади ва (унинг) устига беназир инъом-эҳсонларни ёғдирди. Темур шайхнинг орзу умиди қоматига ўз иззат-иқроми хилъатларининг кенг этакларини тушириб, уни ўз (вилояти) волийлигида давом эттирди ва унга бўлган мурувватно кароматини зиёда этди. Натижада, Хуросонда Темур ҳузурига келмаган ва унга мурожаат қилмаган на бирор шаҳар амири, на бирор мустаҳкам қалъа ноибни ёки бирорта машҳур одам қолди. Уларнинг энг улуғлари Бовард ҳокими амир Муҳаммад¹⁶⁶ ва Сархас ҳокими¹⁶⁷ амир Абдуллодир¹⁶⁸. Темурнинг ҳайбати (барча) уфқларга ёйилиб, қудрати сатвоти Мозандарон, Кийлон (Гилон), Рай¹⁶⁹ ерлари ва Ироққача бориб етди. Одамлар қалбларини, қулоқлари унинг хабари билан тўлиб тошди, узоқ-яқиндагилар, айниқса Шоҳ Шужоъ¹⁷⁰ ундан хавфланди. Бу (иш)лар ҳаммаси қисқа муддатда, оз кунлар ичиде, Темур султон Ҳусайинни қатл этгандан кейин икки йил чамаси ўтгач (сонир бўлди)¹⁷¹.

УШБУ ДОВЮРАКНИНГ АЖАМ ИРОҚИ¹⁷² СУЛТОНИ АБУЛ-ФАВОРИС ШОҲ ШУЖЪОГА ЙЎЛЛАГАН МАКТУБИ БАЕНИ

Хуросон ерлари ҳолис ўзиники бўлиб, ҳар бир узоғу яқиндагилар унинг итоатига бўйин эггач, Темур Шероз¹⁷³

ва Ажам Ироқи султони Шоҳ Шужъога мактуб юбориб, ундан (ўзига) бўйсуниб, итоат қилишни ва мол-дунё ҳамда хизматкорлар юборишни талаб қилди. Ўз мактуби жумласию хитоби маъносидан у: — «Дарҳақиқат, тангри-таоло сиздек зolim ҳокимлар ва (одамларга) жабр қилувчи подшоҳлар устидан салтанатни менга берди. Ким менга қаршилиқ қилган бўлса, тангри ундан мени баланд тутди ҳамда мен билан муҳолафага бориб, адоват қилганларга қарши (мени) қўллаб-қувватлади. Сен буни кўрддинг ва эшитдинг. Агар (сен) шунга рози бўлиб итоат қилсанг, дуруст иш қилган бўласан. Акс ҳолда билиб қўйгинки, менинг қадамим (келишда) уч нарса; харобалик, қаҳатчилик ва вабо мавжуддир. Мана шулар ҳаммаси сенинг бошингга тушадди ва сенга мансубдир», — деди.

Шоҳ Шужъонинг тинчлик тўғрисида битим тузиб, совға бериб, совға олишидан, у билан қудалашиб, аппоқ-чаноқ бўлишидан бошқа иложи қолмади. У ўз қизини Темурнинг ўғлига унаштирди. Лекин содир бўлган қабилх ишлар бу суруратни тамомига етказмади. Воситачининг фасоди, совчининг ҳақорати, пардозчи (аёлнинг зиёни туфайли шод-хуррамлик ғамгинликка айланди. Мен бу ҳақда бадиҳан ушбу шеърни айтдим:

Бирор зарур иш учун воситачи танласанг,
Унинг даҳосидан эҳтиёт бўлиб, (ундан)
хавотирда бўл.
(Шуни) билгинки, инсонлар табиатан макр,
жафо, дахл (қилишдан) яратилган.
Воситачига ҳеч вақт ишонма ва ҳеч кимга
ишонмасдан ўз ишингни ўзинг қил.
Дунёдаги энг ҳақиқий ва тенги йўқ эр киши,
(бу) дунёда бошқа кишига таянмайдиган кишидир.

Бу ўринда сўз жиловининг чўзилиши (бизни) мақсуддан ҳориж тутур. Лекин (улар ораларинда) муҳаббат бўстонлари гуллаб-яшнади, дўстлик ғунчалари ривож топаверди. Икки тараф¹⁷⁴ ўртасида садоқат ва мактублар карвонлари тўхтовсиз сайр қилиб, улар шу зайлда ҳеч бир низосиз то Шоҳ Шужъо вафот этгунга қадар давом этдилар. Шоҳ Шужъо олим, фозил киши бўлиб, «ал-Қашшоф»ни¹⁷⁵ тўла-тўқис, тўғри ва мукаммал таҳ-

лил қилар эди. Унинг жуда ажойиб шеърлари бўлиб,
етук адиб ҳам эди. Айтишларича, қуйидаги арабча шеър
унга мансубдир:

Ростдан ҳам севгида меннинг вақтим чўзилиб
кетганини билмайсанми?

Лекин сабр косаларим доимо камаймоқда.

Чарақлаб қудш чиққанда мен унинг севгисини сақлайман.

Лекин сўлиб бораётган жисмим аҳволим нима кечаётган-
лигини кўрсатиб турибди.

Кимки ёшликда муҳаббатнинг соф шаробидан ичган бўлмаса,

Сен (эшиқ) биласанки, у (киши) жоҳил кишидир.

* * *

Ошиқлар ҳоҳишига қараганда сенинг хуснини гўзал,

Қандай қилиб мен сенинг ўзинингга ўзгани танлайин.

Агар мен сени эсламай қўйсам ҳаёт мен учун харомдир,

Агар сени жабрингдан бир сўз десам, (унда майли) менинг
жоним фидо бўлсин.

Ҳар бир кимса ўз ишини тузатишга ҳаракат қилади,

Биз бўлсак ўз ишимизни энг яхши вакил (тангри) га топширдик.

(Унинг исми) Шоҳ Шужъо ибн Муҳаммад ибн Му-
заффар бўлиб, отаси оддий одамлардану тақводор ки-
шилардан эди. Язд¹⁷⁶ ва Абрақуҳ¹⁷⁷ атрофлари унинг
маскани эди. У бағоят кучли бўлиб, узоқ-яқиндагилар
ундан қўрқиб, паноҳ тилардилар. Шу орада Язд ва Ше-
роз ўртасида Ҳафожа қабиласи арабларидан Жамол
Лук исмли бир хароми пайдо бўлиб, (йўлдан) ўтувчи-
ларнинг йўлини тўсиб, ўтиш жойларини беркитарди ва
бейларни талаб, камбағал-бечораларни нобуд қиларди.
У одамларнинг оз-кўплигига парво қилмас, ҳатто осмон-
дан бошига «юлдузлар тўкилса ҳам»¹⁷⁸ бу юлдуз ўқла-
рига эътибор бермас эди. Жамол Лук бир тонфа жой-
ларни вайрон қилди ва экин-тикинни чорвани ҳалок этди-
ки, «Ҳолбуки тангри фасод (ишлар)ни ёқтирмайди»¹⁷⁹,
Оқибатда Шоҳ Шужъоннинг отаси текислик ёки паст-
қам жойларнинг бирида уни пойлади, кейин Жамол
Лукка дуч келиб, у билан юзма-юз турган ҳолда оғзаки
жанг қилди, сўнгра эса (у билан) курашиб ерга йиқитди
ва қалласини кесиб, (танасидан) жудо қилди. Сўнгра
у бошини султон¹⁸⁰ ҳузурига олиб жўпатди. Натижада,
султон уни бошқа ёрдамчиларидан муқаддам тутиб бир

қанча жойларга ажратиб унга «иктоъ» қилди ва уни (ўзига) яқин олиб, ҳар қандай шиддатга қарши таянч деб билди. Шоҳ Шужъо отасининг бир нечта болалари, қариндошлари ва набиралари (бор) бўлиб, улардан ҳар қайсиен бошлиқ бўлиб, барча (одамлар) бўйсунар эди. Унинг болалари Шоҳ Музаффар, Шоҳ Маҳмуд, Шоҳ Шужъолар бўлиб, улардан ҳар бирининг сўзи кесалиган, қўли итоат қилдириб, тутадиган бўлиб қолдилар. Султоннинг эса ўзидан кейин подшоҳлик ишларини бошқарадиган¹⁸¹ ўғли йўқ эди. Қочонки ўлим жарчиси яқинлашганида султон унга «Лаббай» деб жавоб берди¹⁸² ва «ворисликка ҳеч кимни қолдирмай орқасини ўгириб кетди»¹⁸³. Уша пайтда Муҳаммад ибн Музаффарнинг ишлари мустақкам қарор тонган бўлиб¹⁸⁴, у салтанатда илгарилаб кетиб, ундан бошқалар эса кейинда қолган эди. Натижада, Муҳаммад ибн Музаффар Ажам Ироқи ерларида (барча) итоат қиладиган подшоҳ бўлиб қолди ва ҳеч бир рақобату низоосиз мустақил ҳокимлик қилди. Бу ерларда у хоҳлаганича тасарруф юритиб, тангри-таоло деган: — «э тангрим мулк эгаси! Сеннинг истаган кишингга ҳокимликни берасан»¹⁸⁵ хилъатини унга кийгизди.

Муҳаммад ибн Музаффар ҳаёт вақтида¹⁸⁶ унинг машҳур ўғли Шоҳ Музаффар¹⁸⁷ вафот этди ва ўзидан кейин ўғли Шоҳ Мансурни халифа қилиб қолдирди. Кейин Шоҳ Шужъо ва унинг отаси ўртасида низо ва фасод содир бўлдики¹⁸⁸, бундан хайрли нш чиқмади. Шоҳ Шужъо ўз падарини тутиб олиб, унга жабр-жафо кўрсатди. Икки кўзини жароҳатлаб, нобино этди ва салтанатга эгаллик қилиб, унда қарор топди.

Шоҳ Шужъо «жавъ ул-бақар»¹⁸⁹ касалига мубтало бўлиб на сафару, на (бир жойда) муқим турганида рўза тута олмас эди. У афвкор тангри ҳақиға тез-тез дуо қилиб, ўзини Темур билан учратмаслигини тиларди. Ажал вақти етиб, ўлим фарроши ундан умид тўшагини йиғштириб олганида¹⁹⁰ Шоҳ Шужъо бутун қариндош-уруғларини жамлаб, уларга мамолпуку шаҳарларини тақсимлаб берди. Натижада, ўз пушти камаридан бўлган ўғли Зайн ал-Обидинни Шерозга ҳоким қилди. Бу шаҳар мамлакат пойтахти ва мусофирларнинг хуш кўрган жойи эди, ўз биродари Султон Аҳмадга Кермон вилоятларинин «иктоъ» қилиб (бўлиб) берди ва биродарининг¹⁹¹ (бир) ўғли Шоҳ Яҳъёга Яздни, унинг (иккинчи) ўғли Шоҳ Мансурга эса Исфаҳонни тортиқ қилди ҳамда ўзининг

ушбу васияти билан Темурга суянди. Буларни у (ёзув) ёзиладиган кенг жилда биттириб, мавжуд мажлис аҳлини гувоҳ қилди. Бу хусусда у гўё Абн Завбаъга шамолни топширган кишига ўхшадиган¹⁹².

Улим Шоҳ Шужъонинг умр кийимини йиғштириб олгач, унинг қариндошлари ўртасида келишмовчилик ва низо япроқлари куртак отди. Шоҳ Мансур Зайн ал-Обиддинга қарши қасд қилиб, Зайн ал-Обиддиннинг икки кўзини ўйиб, азобга солди. Ўз амакисига қарши чиқиб, паймон инини тарқатди ва унинг отаси бобоси бошига қандай кунни солган бўлса, у ҳам унинг¹⁹³ бошига ўшандай кунни солди. Бу қисса ипи узундир, агар биз унинг инини чувалаштириш ва ўраш билан шуғуллансак, (асл) мақсаддан четлаб кетамиз. (Бу ҳодисалардан) Темур ранжиб нафратланди, таъби хира бўлиб, қайгу аламини ичига ютди. Лекин бу тўғрида қулай фурсат кутиб, пайт пойлади.

ТЕМУРНИНГ БЕБОШ ВА ЗИЕНКОР ҚУШИНИ БИЛАН УЧИНЧИ МАРТА ХОРАЗМГА ОТЛАНИШИ БАЕНИ

Сўнгра Темур қатъий азму қарор ва журъат билан яна Хоразм устига юрши қилишга бел боғлади ва Астрабод¹⁹⁴ йўли орқали Хуросондан (чиқиб), ўша мамлакатга томон юзланди.

Хоразм султони ҳамон гойиб эди. Темур хоразмликлар устига ўзи томонидан ноиб тайин қилмоқчи бўлди, лекин унинг истиқболига (аввал) зикр этилган Ҳасан пешвоз чиқиб, Темур билан сулҳ тузди ва ундаги ёмонлигу қабоҳатни (мол дунё ва пул эвазига) сотиб олди ва унга: «Эй мавлоно Амир! Биз ҳаммамиз (сенинг) асирингиз, лекин (бизнинг) султонимиз гойибдир. Башарти, сен (бизнинг) устимизга ўз тарафиндан ноиб қўйсанг, султон қайтиб келганидан кейин албатта улар ўртасида адоват воқеъ бўлади. Агар масала шу зайлда бўлса, унда султон томонидан менинг бошимга кулфат келиши эҳтимол. Натижада, бу нарса адоват кучайишига сабаб бўлади ҳамда иккинчис ўртағизда жабру жафо ва қасовот зиёда бўлади. Қаҳринг мусулмонлар устига қўйилиб фасод воқеъ бўладики, холбуки «тағри фасодчиларни хуш кўрмайдиган»¹⁹⁵, фараз қилайлик, Ҳусайн Сўфи сенинг ноибнинг бўлсин, барча халқ хизматингга риоя қилиб, сенинг томонингни олиб иш тутсин: фикринг

энг олий фикр ва фармонингга амал қилиш энг авло (иш) бўлсин», — деди. Темур Ҳасаннинг гапни тинглаб айтганларини қабул қилди ва жўнаб кетиш учун ўз чодирларини буздирди.

Зикр қилинган Ҳасаннинг бемаъни қилиқлари билан танилган бир бобурд ўғли бор эди. Гўёки у султон¹⁹⁶ жорняларидан бири билан зино қилган. Бу ҳамма ёққа ёйилиб, у (хабар)нинг сассиқ ҳиди султонга¹⁹⁷ етиб борди. Лекин Ҳасан бу жирканч ишдан хайрли ибрат чиқариб олмай: «Султон наздида хизматларим-яна қандай хизматларки, — бор! Мен унинг шахрини ҳар қандай зодим кофирлардан ҳимоя қилдим ва бу йўлда мол-дунёمنىю иззат-эътиборимни уч мартаба фидо қилдим. (Темур билан) сулҳ тузганим бадалига султон албатта ўғлимнинг гуноҳидан ўтиб, уни кечиради», — деди.

Султон сафаридан қайтиб, юз берган ишнинг ҳақиқатлигидан воқиф бўлгач, Ҳасанни ва унинг ўғлини тутиб (келтириб) қатлга торгди ва уларни ўз қаҳри шерни олдига ташладики, у (уларни) ютиб юборди. Султон улар диёрларини хароб этиб, бутун мол дунёларини¹⁹⁸ ўз хазинасига келтирди.

Кейин, кўп ўтмай Ҳусайн Сўфи вафот этди¹⁹⁹ ва ундан кейин ҳокимиятга унинг ўғли Юсуф Сўфи²⁰⁰ эгаллик қилди.

Бундан олдинроқ²⁰¹ Темур улар билан қудалашиб, муҳолифларига қарши (уларга) ёрдам бериб, (уларни) қўллаб-қувватлаган эди ва Жаҳонгир деб аталадиган ўз ўғлини улардан ниҳоятда қадр-қимматли, шарафли аслзода, юзидан нур сочилган, Шириндан кўра ҳам хусидор, Валлодадан²⁰² кўра зарофатли бир қизга уйлантирган эди. Хон (лар) қизларидан бўлганидан уни Хонзода²⁰³ деб атардилар. Хонзода (Жаҳонгирга) Муҳаммад Султонни тортиқ этди. Муҳаммад Султоннинг зийраклиги ва истиқболни порлоқлигига очиқ-ойдин далиллар бор эди. Темур унинг хислатларида бахту саодат нишонларини мушоҳида этгач, зотан у зийракликда Темур фарзандлари ва набираларидан (батамом) устун эди, уни (уларнинг) барчасидан афзал кўрди ва амакилари мавжудлигига қарамай ўзига валнаҳд қилди. Аммо замон Темурга инодлик кўрсатди, Муҳаммад Султон бобосидан олдин Рум²⁰⁴ ерларидаги Оқшаҳарда²⁰⁵ вафот қилди. Ушбу (воқеа)нинг зикри кейинроқ келади.

ТЕМУРНИНГ ТҮРТИНЧИ МАРТА ХОРАЗМГА ТАВАЖЖУҲИ БАЕНИ

Хасанининг бошига тушган кулфатни эшитгач, Темур қаҳрланди. У ўз азму қарорини дадил қилиб ғазоби жиловини Хоразмга томон бурди²⁰⁶. У Хоразмни эгаллаб, (унинг) султонини ўлдирди. Шаҳар руқулларини вайрон қилиб, биноларини хароб этди ва (Хоразмдан) боқий қисми устига ўз томонидан поиб тайинлади. Хоразмдан кўчириб олиб кетиш мумкин жами парсаларни Самарқанд ерларига олиб кетди. Дамашқнинг вайрон бўлиш йили «хароб»²⁰⁷ (803) сўзи бўлганидек, Хоразмнинг вайрон бўлиш йили «азоб» (773)²⁰⁸ (сўзи) дир.

ТЕМУРНИНГ МОЗАНДАРОН²⁰⁹ ЕРЛАРИ АМИРИ ШОҲ ВАЛИГА²¹⁰ ЮБОРГАН МАКТУБИ БАЕНИ

Шуниндек, Темур Хуросонга йўл олган вақтида Мозандарон ерларининг амири Шоҳ Валига мактуб юборди ҳамда ўша жойдаги мустақил амирлардан Искандар ал-Жаллобий Аршиванд ва Иброҳим ал-Қуммийга ҳам хабар етказиб, одати бўйича уларни ўз ҳузурига (келишга) даъват этди. Иброҳим, Аршиванд ва Искандар заруратдан (бунга) рози бўлдилар, аммо Шоҳ Вали бу шер эса-рад жавобини берди²¹¹. У Темурнинг хитобига (ҳеч) эътибор бермай, унга (ёзган) жавобида қўрслик (билан муомала) қилди.

ШОҲ ВАЛИНИНГ ИРОҚ СУЛТОНЛАРИГА МАКТУБИ ВА БУ БОРАДА НИЗО ВА НОИТТИФОҚЛИКДАН НИМАЛАР ВОҚЕЪ БЎЛГАНИ БАЕНИ

Кейин Шоҳ Вали Ажам Ироқи ва Кирмон султони Шоҳ Шужъога, Араб Ироқи²¹² ва Озарбайжон мутаваллиси Султон Аҳмад ибн Шайх Увайсга²¹³ хат юбориб, Темурдан ўзига мактуб келганидан, ўзидан унга қандай жавоб содир бўлганлигидан уларни воқиф қилди. У ўз хатида деди: «Мен сизларнинг ҳамсоянгиз бўлиб, (менинг) ишларим яхши бўлса, сизларнинг ишларингиз ҳам тартибда бўлади. Агар Темурдан менга бирор кулфат келса, унда у (кулфат) сизларнинг ерларингизга ҳам етиб боради. Агар (сиз) менга ёрдам қи-

либ, мадад берсангиз, мен сизни (ҳам) бу машаққатдан халос қиламан. Акс ҳолда, сизлар (ушбу) шеърда айтилганидек бўлиб қоласизлар.

(Агар) кимнинг қўшинининг соқоли олнмса,
ўз соқолига ҳам сув қўйиб ивитаверсин.

Аммо Шоҳ Шужъо эса унинг гапларига эътибор бермай ташлаб қўйди ва зикр қилиб ўтилганидек, Темур билан сулҳ тузиб, совға бериб совға олди. Султон Аҳмад эса (Шоҳ Валига) назар-писанд қилмаслик (билан) жавоб бериб, деди: «Бу чигатойлик²¹⁴ шол», чўлоқ нима ҳам қиларди? Қаердан? Қандай қилиб бу чўлоқ чигатойлик иккала Ироққа (Ажам ва Араб Ироқларига) кира олади? У билан бу мамлакатлар ўртасида «тиконли дарахтнинг пўстини қўл билан сидирншдек машаққатлар»²¹⁵ бор. Жой орасида қанча катта фарқ бордир. Темур Ироқни Хуросон мисоли хаёл қилмасин. Агар у бизнинг юртимизга келишни ният қилган бўлса, албатта ўзи билан (бирга) ўлими ҳам келди ва унинг (бутун) орзу умидлари пучга чиқиши муқаррардир. Бизлар шундай қавммизки, бизда ҳам куч-қувват, ҳам шиддат, қурол-яроғу қўшин, мол-дунё ҳам шавкат мавжуддир. Фақат бизгагина баландпарвозлик ярашади. Ҳатто гўё ал-Мутаннаббий²¹⁶ шу байтни бизлар ҳақимизда айтгандек:

«Биз одамлар қиёфасидаги жинлар, йўқ, туя қиёфасидаги қушлармиз».

Шоҳ Вали улар (икковлари) дан ушбу (жавобни) билиб, улар ёлғиз ўзини ғам-кулфати билан ташлаганига қаноат ҳосил қилгач: «Аммо, худо ҳаққи, мен бўлсам ҳеч қачон Темур билан чин сидқидилдан ва» беозор қалб (нафс)²¹⁷ билан мувофиқликка кирмайман! Агар мен уни (Темурни) енгсам, бутун шаҳарларда сиз иккалангизни огоҳ тариқасида намойиш этаман ва «басират эгаларига²¹⁸» сиз (иккингиз)ни ибрат қиламан. Агар у мендан ғолиб келса, унда сизларнинг устингизга келадиган (бало)да мени ҳеч бир айбим бўлмайди. Илоҳим, сизларнинг (устингизга) тамомий қазою умумий бало келсин!», — деди.

Кейин Шоҳ Вали тангри-таолонинг қазою қадрига таслим бўлиб, Темур билан мулоқотга тайёрланди. Икки

томон бир-бирига рўпара келиб, ўқ этиш, қилч зарбаен ва нэйза таънаси билан қўшилди кетгач, Шоҳ Вали бир муддат Темурдан келган офату қулфатга чидаш берди, кейин Темурнинг (қандай) хужум қилиши ва ҳамласини кўргач, орқасини ўгириб олди ва «Мажол етмайдиган (парса)дан қочиш сушнатига амал қилди»²¹⁹. Ироққа беришининг имкони бўлмаганидан у Райга томон юзланди. Райда Муҳаммад Чавкар деб аталадиган мустақил амир бўлиб, ўша қишлоқ ва шаҳарлар ҳукмида истаганича ҳукм юритарди. У олий жаноб ва шижоатли, барча итоат қиладиган ҳукмдор эди. Шунга қарамасдан у Темурга хушомад қилиб, унинг баъзи пишларидан чўчиди. Натижада Муҳаммад Чавкар Темурнинг шавкатию шиддатидан кўрқиб, Шоҳ Валини ўлдириб, калласини Темурга жўнатди²²⁰.

АБУ БАКР ШОСБОНИЙ ВА ТЕМУР УРТАСИДА СОДИР БЎЛГАН ВОҚЕАЛАР БАЕНИ

Мозандарон²²¹ вилоятларининг бирида Шосбон²²² деб аталадиган қишлоқда Абу Бакр²²³ исмли бир киши бор эди. Жангларда у гўё дарғазаб бўлиб, тотор аскарларидан²²⁴ кўпини қириб, нобуд қилган эди. Агар у курашга бел боғласа, ҳеч бир кимса унга бардош бера олмас, (агар) у салласини ўраса одамлар ўртасига қиёмат қофим соларди. У доим тепалигу тоғлар орасида яшириниб, қўшинини ва ботирларни шу даражада ерга ёпиштираверардики, ҳатто (одамлар) унинг ҳақида масал тўқиб, мабодо тушларида кўрсалар ҳам ундан кўрқиб, титрайдиган бўлдилар. Агар бирор кимса ўз отига (тўрвада) ем илса ёки уни суғорса, от сувдан тисарилиб ёки тўрвадан ҳайиқиб ҳуркса, у (киши) отига: «Нима (бало), сувда ёки тўрвадаги арпада Абу Бакр Шосбонийни кўрдингми?» — дея эди.

Айтишларича, кўпдан-кўп урушлари, жанглари ва офатларига қарамасдан, Темур истилоси вақтида унинг аскари фақатгина уч кишидан иборат зарар кўрганки, улар Темурнинг ўзига ва аскарларига ниҳоятда қаттиқ талофот етказиб, улардан кўпини жаҳаннам қаърига улоқтирганлар. Улардан бири Абу Бакр Шосбоний, иккинчиси Сайди Али Курдий ва учинчиси Умнат Туркмонийдир. Ушбу Абу Бакр айтишларича, Мозандарон дарбандларидан бирида чиғатойлик Абу Бакрни ҳар то-

мондан ўраб олиб, унга нажот йўлларини тўсиб²²⁵, тўр арқонларини мустаҳкам қилган. Улар уни бир қоя рў-парасидаги иккинчи бир қояга қисиб олдики, бу икки қоя орасидаги масофа саккиз қулоч эди. Унинг қаъри²²⁶ тик қазилган қудуқдек ёки жаҳаннам тубидаги водий каби (чуқур) эди. Абу Бакр ўргатилган отдан тушиб, устидаги аслаҳа ва қалқон билан бир қоядан иккинчисига қараб сакради ва ҳеч бир талафот кўрмай гўё Таабата Шарра²²⁷ қутулгандек қутулди. Кейин у ўз одамларига қўшилиб, душманларни ҳалок этди ва улардан ўлганларини фано тегирмонига олиб бориб янди. «Кейин унинг иши нима бўлгани ва ҳоли не кечганини билмайман²²⁸».

Аммо Сайди Али Курдий бўлса курдлар ерларида амир бўлиб, (ўзининг) соқол-мўйлови чиқмаган бир гуруҳ одамларнию бенуқсон отлари билан яқин йўлаб бўлмайдиган тоғларда ва йўли узоқ ҳамда машаққатли жойларда яшарди. У ўз жамоаси ва (ўз) итоатига кирган кишилар билан чиқиб, тор йўллар оғзига ўзининг ишонган одамларидан қўяр, кейин эса Темур аскарлари устига вораатлар қилиб мусулмонлар учун улардан қасос олар, уларнинг одамларнию чорваларидан имкон борича ажратиб олиб, кўзлаган мақсадига эришганидан кейин ўз ишига қайтиб кетарди. Бу ҳол Темур ҳаётлик вақтида ва у вафот қилганидан кейин ҳам, яъни унинг (ўзини) ўлим келиб босгунча давом этиб тугади. Аммо Ум-мат Туркмоний бўлса, Қорабоғ²²⁹ туркмонларидан эди. Унинг икки ўғли бўлиб, улардан ҳар бири Темур қалбида ўчмас доғ қолдирган эди. Туркмонлар билан Амираншоҳ²³⁰ ва чигатой аскарлари ўртасида тўхтовсиз тўқнашув ва урушлар давом этиб турарди. Туркмонлар улар жамоаларидан ҳисобидан адашадиган даражада сонсиз-сапоқсиз аскарларини нобуд қилдиларки, ниҳоят уларга мансуб кишилардан бири хонлик қилиб, чигатойликлар томонига ўтди. У уларнинг бепарволигини пайқаб, Амираншоҳ аскарларини туркмонлар устига бошлаб келди. Улар кечаси туркмонлар устига ташла-ниб, қонларини сел қилиб оқиздилар.

Натижада, уларнинг учовлари ҳам, — тангри уларга раҳм қилсин, худо йўлида шаҳид бўлдилар. Мен шеър айтдим:

Энг оғир кулфат ғанимлар бодхоҳлигидир,
Лекин ундан ҳам оғир (офат) дўстлар хивнатидир.

Яна айтилган:
Дўст кишидан келган озор эр киши учун
Хинд қиличнинг зарбасидан ҳам кучлироқдир.
Яна айтилган:
Яқин (кишиларга) қиладиган ишнингиз шу бўлса,
беғоналарга нима қолдирдингиз?

ТЕМУРНИНГ АЖАМ ИРОҚИГА ЮРИШИ ВА ШОҲ МАНСУРНИНГ УШБУ СЕРСУВ ДЕНГИЗ (ТЕМУР ҚУШИНИ) ГИРДОБИГА ШУНҒИШИ БАЁНИ

Шоҳ Шужъо вафот этгач, Ажам Ироқининг ҳукми Шоҳ Мансурда қарор топди, Мозандарон ерларини унинг вилоятлари Темур учун холис бўлди. Зикр қилиб ўтилгандек, Шоҳ Шужъо ўз ўғли Зайн ал-Обиддинга (ҳомийликни) Темурга васият қилиб, (ўғли) ишини унга топширган эди. Натижада, амакиваччаси Зайн-ал-Обиддинга инсбатаи қилган ишини писанда қилиб Темур Шоҳ Мансурга қарши юришга йўл топди. Бу воқеани вақ қилиб Темур унинг устига юриш қилди. Шунда Шоҳ Мансур ўз яқин (киши) ларидан мадад сўради. Лекин улар ҳаммаси унга қарши бўлиб четландилар, ундан ўзларини узоқ тутиб, ҳар қайси ўз томонини муҳофаза қилиш билан машғул бўлдилар. Натижада, Шоҳ Мансур шаҳар атрофини маҳкам истеҳком билан ўрагандан кейин, мукаммал қуролашган икки мингга яқин суворий билан якка ўзи Темур билан мулоқотга тайёргарлик кўра бошлади. У шаҳардаги отлару одамларни тартиб билан қўйди ва (шаҳар) аҳлини сабр-тоқат ушёрликка ундади. Шаҳар аъёнларининг ақобирлари ва аҳолиси бошлиқлари унга дедилар: — «Уруш девори қўзғалиб ҳаракатга келгач, биз сен билан жанг майдонига шўнғийлик. Темурнинг (бизга) етиб келишига тўсқинлик қилиб, (устимизга) ҳужум қилишидан ўзимизни ҳимоя қилдик (дейлик). Биз ҳатто унинг талай одамларини ерга ёпиштириб, (унинг) аскарларидан бир қанча ботирларини нобуд қилдик ҳам (дейлик). Кейин сен икки минг²³¹ суворий билан бу қуюқ булутдек қўшинларга қарши нима ҳам қиласан? Эҳтимол сенинг бандинг ечилиб, қўшининг мағлуб бўлиши мумкин. Шунда сен бу қизғин жангдан қочиб халос бўлишингдан ва вақот ахтаршингдан бўлак нарса топмайсан. Дushman билан

уришиб ҳолдан тойганимиздан кейин бизларни гўё қас-
соб канорасидаги гўштга ўхшатиб ташлаб кетарсан.
Адоват кучайгандан кейин надомат (бизга) фойда бер-
майди. У пайтда биздаги ушбу дарз фақат қатл, наҳбу
ғорат ва аскр бўлиш йўли билангина тузатилади». Шун-
да Шоҳ Мансур қўлини чўқморига қўйиб: «Мапа бу»
алиф «Темурдан қочган ҳар бир кимса онасининг андо-
мида²³² бўлади»,— деди. «Мен бўлсам (ўз) қўшним
билан бирга жанг қиламан.

Агар қўшним мени ташлаб кетса, унда ёлғиз ўзим
уришаман ва жангда (ўз) жидди жаҳдимни аямайман,
Темурга қарши бутун ғайрат-шижоатимни сарфлайман.
Агар (мен) ғолиб чиқсам, муродимга эришаман, агар
ҳалок бўлсам, мендан кейин ўлганлар учун мен гуноҳ-
кор эмасман. Гўё шонр ушбу байтни айтганда мен унинг
хотирасида ҳозир бўлганман:

Агар у бир ишга азм қилса, кўз олдига ўз мақсадини
қўйиб, унинг оқибатини зикр қилишдан четланади.

Айтишларича, Шоҳ Мансур ўз одамларини қалъала-
рига тарқатиб, шу (йўл) билан ўз шаҳарларини муҳо-
фаза қилишни хоҳладию қишлоқларида талофат кўрди.
Кейин у Шероз бошлиқлари ва аскарларини, унинг
ғоятда азиз кишиларини ўғлонларини тўплаб, деди: —
Бу душман ниҳоятда хавфли²³³. Гарчи у хорижий бўлса
ҳам бизнинг еримизда пайдо бўлди. Фикримча, мен у
билан биронта жойда учрашмайман ва уни қилич ёки
найза билан муқобил этмай, балки чор атрофда айла-
ниб юраман ҳамда раияларим билан ҳар тарафдан унинг
устига чанг соламан. Биз уларнинг кифтларидан босиб,
қўл-оёқларини кесамиз, кундузи уни таъқиб этиб, кеча-
си кузатамиз. Қувватимиз етгунча унга қарши куч-қув-
ват ва отличлар тайёрлаймиз²³⁴. Ҳардам унинг ғафлат-
далигини сезсак бўйин ва бошини бўлаклаймиз. Баъзан
унга қилич уриб, баъзан эса найза санчамиз, бир марта
унга жароҳат етказиб, иккинчи марта молларини ҳайдаб
кетамиз. Биз унинг оромини бузиб, қайтишига монелик
қилиб, олдини тўсамиз. Шунда унинг учун тор жойлар
ҳосил бўлиб аҳволи қийинлашади, йўллар ва юрадиган
жойлар ёпилади. Бироқ, э олийжаноб кишилар! Сахро
йўлбарслари ва одамлар бургутлари! Сизнинг вазифан-
гиз ҳеч вақт — на кечасию, на кундузи ғафлатда бўлмай
(шаҳар) деворларининг мустақкамлигини қўриқлашдир.

Мен сизлардан узоқда турган вақтимда ҳам душманларнинг биронтаси сизга яқин келолмайди. Агар улар сизларни қуршаб олса, у вақтда сизларда ўзингизни ҳимоя қиладиган даражада куч бор. Мен сизларни худода (омонат) топшираман, чунки у энг яхши панохдир. Сизлар фақат бу шиддатда энг кўпи билан тангри—таоло ўз набийси Мусога қанча (вақт) ваъда қилган бўлса, шунча вақт²³⁵ бўласиз. Бу факр Аллоҳга мансубдир. У нақадар қатъий, мустаҳкам ҳамда бу мақсаднинг юзи қанчалик ҳусидордир». Кейин Шоҳ Мансур чиқиб, (бошқа) бир томонни кўзлаб кетди.

ШОҲ МАНСУР МАҚСАД ҚИЛИБ ҲАЛҚАСИНИ БОҒЛАГАН ХИЙЛАНИНГ ЗОҲИР БУЛИШИ ВА У (ҲАЛҚА)НИНГ ТАРҚАЛИШИ БАЕНИ

Шоҳ Мансур шаҳар дарвозасидан ўтаётган пайтида шум кампирлардан бир жодугар уни кўриб, маломат қилиб унинг ҳақиға бўлмағур сўзлар ёғдирди ва ажамлар тилида жар солиб: — «Бу уятсиз миждовга²³⁶ қаранглар. У мол-дунёминни ютиб, қонимиз устидан хоҳлаганича ҳукм юритди, энди эса биз унга ғоятда муҳтож бўлиб турган пайтимизда бизларни душманларимиз чапғалига ташлаб кетаётир. Қурол кўтаришини тангри унга харом қилсин ва (ўз) мақсадига етиши ва орзуиига эришишида (тангри) унга сира мадад бермасин!» — деб нидо қилди.

Бу (сўзлар) Шоҳ Мансурнинг чақмоқтошини алангалантириб қалбини жароҳатлантирди, унинг ғазаб ўти чарсиллаб (ёниб), ундан чиққан аланга Шоҳ Мансур мулоҳазаси ғарамларига ўт қўйиб юборди. Унинг мағрур қалби нафратга тўлиб жаҳолат таассуби (уни) шу даража қамраб олдики, ҳатто шундай бамаъни кишидан ақл-идрок кетди. Натижада, у ғалат ишга юз тутиб унга ёпишиб олди²³⁷. Кейин у азм жиловини (орқага) буриб, ўз журъат тишларини ёғирлатди, ўз курашидан қайтмасликка, уруш қазоси мажлисида бўладиган тўқнашишдан орқага чекинмасликка қасамёд қилди. Бу нарсани эрталабу кечқурун ўзига одат қилиб, токи «тангри нестган кишисига ғалаба ато қилмагунча²³⁸, давом эттиришга оид ичди. Кейин у душманга рўпара бўлди ва ўз ботирларини²³⁹ тартиб билан жойлаштирди, уруш қилди²⁴⁰. Шоҳ Мансур аскарин орасида Темурга

сирдош бўлган хуросонлик бир амир бор эди. У Муҳаммад ибн Зайнуддин аталиб²⁴¹, (бениҳоя) бузуқ фосиқлардан эди. Шоҳ Мансур аскарларининг асосий қисми у билан бирга эди. Бирдан у Темурга томон юргач, қўшиннинг кўпчилиги унга эргашиди. Натижада. (Шоҳ Мансур билан) қўшинлардан фақатгина минг чорлиги қолса-да, улардан бирортаси ҳам жангдан қочмади. Ишлари изтиробга тушса ҳам Шоҳ Мансур мустаҳкам турди. Жанг оловлари бир-бири билан туташиб, уруш чақмоқтошлари ловуллаб ёнди: ўқ учқунлари ҳар томонга учар, қилич ўроқлари билан ўрилган бош мевалари (атрофга) сочиларди. Ниҳоят, тун лашкари келиб, кундуз қўшини қочиш учун этагини шимирди. Рақиблардан ҳар бири ўз қароргоҳига қайтиб, Шоҳ Мансур (қандай) макр ишлатиш устида фикр юритди.

ТУН ОҒУШИ ОСТИДА ШОҲ МАНСУРНИНГ ТЕМУР АСКАРИГА²⁴² НИСБАТАН ҚИЛГАН УРУШИ ВА (ЕТКИЗГАН) КУЛФАТИ ҲАҚИДАГИ НАҚЛ БАЕНИ

Ўз отлари ичида замондан ҳам қайсар, даврдан ҳам шиддатлироқ бир отга миниб, Шоҳ Мансур вақт ярим кечадан ўта бошлаганида душман қароргоҳи томон юзланди. У бир парча палосга ўралган мис қозонни отининг думига танғиб олди ва уни ип билан маҳкамлаб ўраб боғлади ва отнинг бошини душман томонга буриб ҳайдаб кетди. От тажанг (бир) ҳолга келиб, аскаргоҳга қараб чоғиб кетди. (Бу шовқин-сурондан) одамлар саросимага тушиб, бир-бирлари билан (ўзаро) уришиб кетдилар. Қилич ариқчалари ўша денгизлар (одамлар) қоринларига оқиб ўта бошладики, гўё қиёмат қойим яқинлашганидек ёки осмон учар юлдузлар билан улар устига ағдарилиб тушгандек ёки ер улардан ларзага келиб (кўтарилиб) тушгандек бўлди. Шоҳ Мансур, гўё ўз ўлжаси атрофида парвона бўлган лочиндек улар атрофида турар, ким четланса уни ўлдирар, ким қочса яқсон қиларди.

Айтишларича, ўн мингга яқин одам ҳалок бўлгунча улар бир-бирлари билан уришаверганлар. Тун ўз чо-дириши бузиб, кундуз ўз байроқларини кўтарганда Темур одамлари бу балонинг қаёқдан келганини билдилар. «Қошки бу тун улар тепаларидан кетмаганда»

эди²⁴³. Кейин, тонг отганда Шоҳ Мансур ёрдамчилари камайган ва мадаккорлари қочган эди. Лекин у (ўз) жамоасидан беш юз чоғли бир гуруҳ танлаб, улар билан (душман устига) шердек савлат тўкиб ташланди ва ҳаёт-мамонт жанги гирдобига шўнғиди. Улар олдида бирон кимса бошқадан мадад топмади. Шоҳ Мансур бўлса ўнгу чапга чайқалиб, олға ташланиб: «Мен сабр-тоқат қилиб, ўз қилган иши учун худодан эҳсон кутувчи Шоҳ Мансур бўламан!» — деб бақирарди. «Шунда унинг олдида уларнинг (душманларини) худди шердек қо-чаётган ва ҳурккан эшаклардек кўрасан²⁴⁴». У Темур турган жойга қараб йўл олди, Темур ундан қочиб, ўзини аёллари ичига урди ва улар ўртасида кийимга ўраниб, яшириниб олди. Хотинлар Шоҳ Мансурнинг олдига чопиб чиқиб: — «Биз аёллармиз», — дедилар ва жанг қилаётган бир аскар тонфасини (унга) кўрсатиб — сен истаган (нарса) ўша жойда ва сен қидираётган кимса улар орасида» — дедилар. Шоҳ Мансур орқага қайтиб, алданган ҳолда хотинлар кўрсатган томонга қасд қилди. Натижада, аскар тўдалари уни ҳар томондан қуршаб, ҳалқа қилиб ўраб олдилар. Бадоҳатан мен ушбу (шеър)ни айтдим:

Эрлар бошларини аёллардан ўзга ҳеч ким узмаган,
Эрларга келган ҳар қандай бало фақат улардандир.
Озмуича ёмонлик оловлари одамлар жигарини куйдир-
маганки, бунга асл сабаб фақат хотинлар макридир.

Шоҳ Мансур эса бир қанча аъло хислатларга эга от устида ўтирар ва икки қилич билан душманларга ўнгу чапдан зарба берарди. Унинг учқур оти эгаси билан (бир)га жанг қилиб, бу урҳо-урда кимки унга яқин келса тегиб ташларди. Гўё у мен «Миръотул адабда²⁴⁵» айтган шеър маъносини нашида этарди:

Тангри қўли менга қувват бериб, душман қўлини боғлади,
Бу қўлларим икки қилич билан уларга зарба беради.
Шоҳ Мансур ўша тўдадан қайси бири устига ташланса,

гарчи улар ҳаммаси шимол аҳлидан²⁴⁶ бўлса ҳам, унинг олдида ўнгу сўлга тарқалиб кетардилар, лекин мисра:

Иигит кишига тангридан мадад бўлмаса,
унда энг аввал²⁴⁷ унинг (ўз) ижтиҳодни зиён келтирур.

Ниҳоят, жаанг Шоҳ Мансурни ҳолдан тойдирди, қўллари қилчи зарбасию найза таънасидаи чарчади, ботирлари ер тишлаб, от ва одамлари ўлдирилди, унинг ҳол-аҳволи ҳар жиҳатдан ўзгарди. Унинг (нажот) йўллари беркилиб, (унинг учун) дарбадар тўсилиб қўйилди. Унинг овози ўчиб, (қолган) одамлари ташвишга тушиб қолдилар: унинг яшини сўниб байроқлари қуйи эгилди, ютуқлари озайиб, қаноти кесилди, руҳи заифлашиб, жароҳати оғирлашди; вайсани соқит бўлди, ғин-ғиллаши тишчиди. Кейин у ўз ҳамроҳларидан четланиб, ёлғиз қолди — жароҳати унга азоб бериб қийнар эди — ва у билан бу денгиз (оқими)да фақат икки кишигина қолган эди. Улардан бирининг исми Таваккал (мумкин Тукал), иккинчисиники эса Миҳтар Фаҳр (уддин) эди. Шоҳ Мансур даҳшатда қолди ва уни ташналик қамраб олди, жигарини чапг ва иссиқлик тафти қонлади. У ичиди учун (бир қултум) сув излаб, топа олмади. Агар томонини ҳўллайдиган бирон нарса топганда эди, ҳеч бирон кимса унинг йўлини тўса олмаё эди. У ўзини (ўлганга солиб) ўликлар ичига ташлашни авло кўрди ва қурол-яроғини ташлаб, отини ҳайдаб юборди ва ўзини (эса ўликлар орасига ташлади). Таваккал ҳам ўлдирилиб, етмиш жойидан жароҳатланган Фаҳруддин эса қутулиб қолди. У кейин тўқсон (ёш)гача яшаб узоқ умр кўрди. У (Фаҳруддин) ботир ва наҳлавон кишилар (тоифасидан) эди.

Улим булоғига яқин келганидан кейин Темур аскарлари орқага қайтиб, (бир жойга) тўнлашиб ўзларини тикладилар. Бу, улардан кечасио кундузи беҳисоб ўлиб нобуд бўлганидан кейин (юз берган) эди²⁴⁸. Темур Шоҳ Мансурни йўқотиб қўйганлиги ва бу даҳшатан шерпинг ҳоли не кечганидан воқиф бўлмаганидан изтироб чекиб, безовталанди ва (кўзларидан) уйқуси қочди. У тирик бўлса, фикридан хавотирда ёки дорул фақога кўчган бўлса, макридан хатарсиз бўлади. У қуёш то ўз пардаси орқасига яширилиб, зиё қиличи қоронғиликдан иборат қинига киргунга қадар ярадорларини текшириб (кўришни), ўлганлару ётганлар орасидан Шоҳ Мансурни қидиришни буюрди. Ялтироқ қуёш динори ёруғликни қоронғулик кийими эгаси остига яшириб, кудрат тикувчиси фазо²⁴⁹ бўшлиғига (газлама) асосини ёйганда ва «қоронғулик келиши билан кеча²⁵⁰ «ер сатҳи устига ўз ярқироқ юлдузларидан иборат дирҳамларини сочган зулмат тушиб ҳамма томонга ёйилган бир пайтда чинга-

тойликлардан бири ўлим ҳолатида ётган Шоҳ Мансурга дуч келиб қолди. Шоҳ Мансур бу нисонга, йўқ, хиёнаткор шайтонга, (маҳкам) ёпишиб олиб: «Омонлик, менга омонлик (бер)! Мен Шоҳ Мансурман — деб нидо қилди. Сен мени сир тутину (мендан) мана шу жавоҳирларни олгин. Менинг ишимни хуфя тутиб, жорий қилмайин, гўё мен сени, сен мени кўрмадинг ва мен сени билмайману, сен мени, — деди. Агар (сен) мен турган жойни сир тутиб, мени дўстларим²⁵¹ ва ёрдамчиларим ёшига етказсанг, унда сен гўё мени сотилганимдан кейин озодликка чиқарган ва мен ўлдиргандая кейин тирилгандек бўласан. Сен менинг мукофотимни кўриб, сидқидилдан дўстлигимга сазовор бўласан». Кейин Шоҳ Мансур чигатойликка шунчалик миқдорда кўп жавоҳирлар чиқариб бердики, улар унинг ўзи ва бутун зурёди умрининг охиригача ҳам етарди. Бу билан Шоҳ Мансур ўз қиссасида ва ғуссасини очишда гўё кулфатзода вақтида Амирни ёрдамга чақирган (киши)га ўхшаб кетди²⁵², Чигатойлик бир дам ҳам тўхтамасдан Шоҳ Мансурга ташланди ва бошини шартта кесиб, Темурга олиб келди²⁵³. Бу воқеъ бўлган ишни: жавоҳирлар бериб Шоҳ Мансур қутулиб қолишига уринганини Темурга ҳикоят қилди. Темур унинг сидқидиллиги ва сўзларининг тўғрилигига ишонмасдан Шоҳ Мансурнинг қабила ва гуруҳларидан уни танийдиганларни (олиб) келтирди. Улар Шоҳ Мансурнинг белгисидан — юзидаги ҳолидан уни танидилар. Ҳақиқатдан ҳам бу Шоҳ Мансурнинг айнан ўзи эканлигини билгач ва уни (ўлдирган) одамнинг ёлғонидан чинини ажратгач, Темур ғазабланиб, хафа бўлди. Шоҳ Мансурнинг ўлдирилганлигидан у куйиб-ёниб, афеусланди. Кейин (ўлдирган) одамдан унинг насаби, отаси, авлодлари, қабила-уруғлари, хўжайинию мураббийлари ҳақида сўраб суриштирди: улар ҳақиқати маълумотларини аниқлаб, унинг наслу насаби ва яшаш жойларини билгач, ўша жойнинг мутаваллисига ўз фармонини юборди. Мутавалли унинг аҳлию болаларини, ёрдамчилариню тарафдорларини, бола-чақалариню неваралари, куёвлариню қайинларини ўлдирди. Чигатойликининг (ўзини) эса Темур ниҳоят даражада қийнаб қатлга тортиб, (унинг) изини қуритди. Унинг махдумининг ҳам мол-мулкини мусодара қилиб ўлдирди ва днёрларини вайрон қилди. Кейин Темур ўз ерлари атрофларига хат-хабарлар юбориб, уларда Шоҳ Мансур билан бўлиб ўтган жанглар ва тўқнашувлар тавси-

фини тасвирлатди. Жангларда Шоҳ Мансурнинг ҳамласию саботидан нималарнинг шоҳиди бўлганлиги ва қандай қилиб Шоҳ Мансур ўзи (жўшқини) жанг майдонида шўнғиб (қилич билан) зарба берганини, жангда ўзига нима ҳосил бўлганини, олд (томонидаги) қўшинлар саросимага тушганларияю душманлар уйларига бос-тириб кирганида аёлларнинг дод-фарёд кўтарганликларини даҳшатли иборалар, фасоҳат ва балоғат майдонида жавлон урадиган (жимжимадор) калималар билан тасвирлади.

Бу хабарлар одамлар йиғиладиган мажлислар ва маросимларда тиловат қилиниб, катта йўллар ва майдонларда қироат этиларди. Илм-маърифатли кишилар у хатлардан истифода қилиб, котиблару мактаб болаларини уларни меҳр билан ёд олардилар.

Эътиборли кишилардан қайбировининг қиссасида тўғи 95 йилнинг шаввол (1393 й. август) ойида Бистом²⁵⁴ соҳибининг элчиси Миср султониغا²⁵⁵ келиб, Шоҳ Мансурни ўлдириб, Темур Шероз ва мамлакатнинг бошқа ерларига эгалик қилди, деган хабар олиб келганлигини кўрдим. У (Темур) Шоҳ Мансурнинг калласини Бағдод ҳокимиغا юбориб, унга ва у билан (бирга) бўлган жамоага ўзига бўйсунганини амр қилган ҳамда унга бир хилъат юбориб, ўзи номидан пул зарб қилишлигини ва жума (намоз)да бу ҳақда ҳутба ўқитишни буюрган. Бағдод ҳокими Темур хилъатини кийиб, у (Темур) ниманки буюрган бўлса ҳаммасига амал қилган. Шаҳар деворлари атрофида каллани айлаштириб чиққанларидан кейин у Шоҳ Мансурни бошини осиб қўйди, деган хабарини келтирган. Буни тўғри деб гумон ҳам қилмайман²⁵⁶.

ШОҲ МАНСУР БИЛАН (БЎЛГАН) ЖАНГДАН КЕЙИН ЮЗ БЕРГАН ИШЛАР ВА ЕМОНЛИКЛАР БАЁНИ

Шундай қилиб Темур Форс ва Ажам Ироқи ерларига эгалик қилди. У Шоҳ Шужъонинг хешларидан ўзига яқин кишиларга ва халқлари подшоҳларига хат юбориб, уларнинг кўнгилларини (ўзига) мойил қилиб, бадавий ва ўтроққа омонлик берганидан кейин, ўзи йўлга чиқди. Шероз шаҳридан ўтиб, унинг ишларини тартибга солди, отлиқ ва пивдаларини қарор топтирди ҳамда

узоғу яқинларига омонлик билан нидо қилди. Натнжада, унинг даъватига (бу) мамлакатлар подшоҳлари «Лаббай» деб жавоб бердилар, чунки уларнинг Темурга итоат билдириб, бўйин эгишдан бўлак иложлари қолмаган эди. Натнжада, Темур ҳузурига Кермондан Султон Аҳмад, Яддан Шоҳ Яҳъё етиб келдилар, аммо Сиржонда²⁵⁷ султон Абу Исҳоқ қайсарлик қилди²⁵⁸. Темур итоат қилиб бўйсунганларга инъом-эҳсон кўрсатиб хилъат кийгизди ва бўйсунмай қайсарлик қилганларга озор бермади, (тўғриси) ўзи билан муҳолифлари ўртасида ихтилоф чиқармади²⁵⁹. Итоат қилганларга нзат-икромни ошириб, шу билан қайсарлик қилганларни йиқитмоқчи бўлди. Шероз ва бошқа шаҳарлар устига омонлик²⁶⁰ ташлади ва ҳар қайси шаҳарга ўзи томонидан ноиб тайинлаб, ўзи Исфаҳонга қараб юзланди. (Шу билан бирга) ўзи отаси (Шоҳ Шужъо)дан васийлигини олган. Зайн ал-Обиддинга инъом-эҳсон қилди. Унинг ўзинга ва уруғларига кифоя қиладиган миқдорда (донмий) мөъжа²⁶¹ ва маошлар²⁶² белгилади.

ТЕМУР ИСФАҲОНГА²⁶³ ҚУНГАНДА ЗАМОН УНГА НИМАЛАР КЎРСАТГАНИ БАЕНИ

Темур Исфаҳонга (етиб) келган пайтида, у энг катта шаҳарлардан (бири) бўлиб, фозилларга тўла, буюк кишилари сон-сановқисиз (кўп) эди. Шаҳарда ислом уламоларидан ва машҳур саййидлардан бир киши бўлиб, у илму маърифатда гоётада етук, амал ва ижтиҳод чўққисига эришган эди. Унинг ишлари гавфиқли, қаромати машҳур, жасратлари тилга олинган, ҳусни фазилатлари кунлар пешонасига сатрланган эди. У мусулмонлар эътиқод қиладиган киши бўлиб, (унинг) исми ҳам Ими-муддин («Дин пешвоси») эди. Исфаҳон аҳли доимо унга Темур ҳақида сўзлаб, унинг балосидан гоёт Ҳазарда бўлишини тақрор эслатардилар. У уларга: мадомки мен тирик бўлиб сизнинг орқаиғизда эканман, сизга Темурнинг фирибидан ҳеч бир зарар етмайди. Агар ажал етиб, вафот топсам, у вақтда унинг азиятидан хавотирда бўлинглар», — деяр эди. Иттифоқо Темур Исфаҳонга кириш арафасида зикр қилинган шайх вафот этиб, «нур устига нур»²⁶⁴ бўлган Исфаҳонни зулмат қоплади. Исфаҳонликларнинг хасратлари кўпайиб, устиларига бирин-кетин кулфатлар ёнлаверди. Улар ҳайратга тушиб, гўё Абу Ҳурайрага²⁶⁵ тапгри ундан рози бўлсин, —

Ўшаб қолдилар. Зотан, Абу Ҳурайра деганди: «Одамларнинг битта ғами бўлса, менда бир кунда иккита ғам: бири халтанинг йўқолиши, иккинчиси шайх Усмоннинг²⁶⁶ қатлидир».

Исфаҳон аҳли Темурга пешвоз чиқиб, бир қадар мол-дунё²⁶⁷ (беринш) эвазига у билан сулҳ туздилар. Кейин Темур ушбу мол-дунёни йиғиб олишга ўз одамларини юборди. Бу (юборилган) кишилар ўша тўловни шаҳарнинг ҳар томонига бўлиб, даҳа ва маҳаллаларига тақсим қилдилар. (Мол-дунё) йиғувчилар исфаҳонликлар орасига тарқалдилар ва шаҳар аҳли орасида бебошлигу бузуқчилик қила бошладилар. Улар шаҳар аҳлига зўравонлик кўрсатиб, уларни гўё ўз малайларига айлантirdилар ва бебошликларида шу даражага бориб етдиларки, ҳатто (уларнинг) хотинларига ҳам қўл чўза бошладилар. Шаҳар аҳлининг улардан ғоятда ғазаби келиб, (ўз) бошлиқларига (улар устидан) арз қилдилар. Шикоятчилар жуда кўп эди. Исфаҳонликлар кибрли қавм бўлиб: — «Бундай жабру жафо (ичи) да яшашдан кўра ўлганимиз яхши», — дедилар.

Исфаҳонликларининг бошлиқлари уларга деди: «Кеч кириши биланоқ мен ноғора ураман, лекин кийим билан ёпмасдан. Сиз ноғора овозини эшитсангиз, (менинг) гапим амалга ошган деб билинг. Шунда ҳар биригиз ўз уйингиздаги меҳмонингизни тутиб (олиб), ўзингизни ориқ ва семиз фикрингизга биноан ҳукм юритинг. Натижада, исфаҳонликлар ушбу аксли фикрга ва бахти қора тескари ишга иттифоқ бўлдилар. Улар ночор назарларининг ҳади²⁶⁸, бу оқибати хатарли ишларнинг фалокат келтиришини тўла тушуниб етишга қисқалик қилди. Само ўз нури либосидан жудо бўлиб яланғочлангач ва борлиқ оқсичқони оқсусарига алмаштириб, тунинг бир қисми ўтгач, бошлиқ ноғора чалиш билан (мол-дунё) йиғувчилар устига бало-кулфат ёпирилди. Исфаҳонликлар уларни ўлдирдилар, — улар олти минг чоғлик киши эди — ва субҳ келганда уларнинг исёни дарахтида саркашлик бутоқлари пайдо бўлиб, бу (бутоқ) лар (уларга) серобликдан кейин ноқислик ҳосилини келтирди ҳамда уларга ўлим аён бўлиб, бу ўлимдан ҳаммалари талафот кўрди.

Фажр ўз шамширини яланғочлаб, кундуз (ўз юзидан) пардасини сидириб ташлагач, ушбу машъум иш Темурга (бориб) етди. Шайтон унинг димоғига пуфлаб, ўша он у (жойндан) қўзғалди. У ўз ғазаб қиличини²⁶⁹

ялангочлади ва ўз тугёни ўқдонини ҳозирлаб газабнок итдек, шер ёки йўлбарсдек Исфаҳонга қараб йўл олди. У шаҳарга етиб келиб, уни вайронагарчиликка маҳкум этиб, шаҳарда қон тўкишга, хотинларнинг номусини паймол этишга, жонларини қабз қилиб олишга, мол-дунёни талашга, иморатларни хароб қилишга, зироатни ёндиришга, чорвани ёқиб юборишга, болаларни улоқтиришга, тапларини жароҳатлантиришга, номусларни таҳқирлашга, зиммага олган мажбуриятларни бузиб ташлашга буйруқ берди. У раҳмдиллик гиламинини йиғиб олиб, қасос наматыни ёйишни, кексаларнинг кексалиги, кичикларнинг кичиклиги, олимларнинг илми, фозилларнинг фазилати ва ақли идроки, олийжанобларнинг насабию юқори табақалиги ва обрўй-эътибори, ғарибларнинг ғариблиги, қариб (яқин)ларнинг яқинлиги, мусулмонларнинг диёнати, мусулмонларнинг ҳомийлигидагиларининг²⁷⁰ ҳимояси, заифларнинг заифлиги, жоҳилларнинг жоҳиллиги ва калтафаҳмлигига қарамасдан—хуллас, шаҳар ичидаги бирор кимсага ҳам раҳм-шафқат қилмасликка амр берди. Шаҳар аҳли жанг қилиб урушиш йўлидан бошқа ҳеч бир йўл йўқлигини ва узр-кечирим сўраш мақбул эмаслигини тушунди. Уларни ҳақ ўлимдан «на мол-дунёю на ўғлонлар²⁷¹» қутқаза олишини ва шу дамда улардан ҳеч қанақа важ-қарсон қабул қилмаслигини ҳамда ўзларига шафқат сўраш ишф келтирмаслигини билдилар. Улар бардошлик қалъаларига ўрнашиб, мулоҳаза қалқонлари билан ўзларини ўраб олдилар. Улар тақдир офатларидан келаётган қазо ўқларининг (тангрининг) иродасига бўйсуниб қалқон билан қабул қилар ва ўлим қилинчларида келаётган тақдир зарбаларини итоткорлик бўйин ва ўз ишларини тангрига топшириш билан қарши олдилар. Темур уларнинг бўйинлари майдонда ўткир қилич жиловини бўшатиб юборди ва бўрилару сиртлонлар қоринлари ҳамда қушлар жигилдонларини улар (исфаҳонликлар) учун мақбараларга айлантirdи. Ҳалокат довуллари исфаҳонликлар ҳаётни дарахтларини узинида давом этавердики, ўлганларни санаганларинда улар адади Юнус ибн Матта умматлари сонидан ҳам олти баробарча (кўп) чиқди²⁷². Шунда фаросатли кишилардан кимдир амирлардан қай — биридан мадад сўраган ҳолда: «қолганларни сақлаб²⁷³ рания тўғрисида ғамхўрлик қилгин», — деди. У амир ўша фақир сўровчига: — «Тепаликлардан бирининг этагига бир қанча (гўдак) бола-

ларни тўпланглар, шояд уларни кўргач, эҳтимол Темур (кўнгли) бир оз юмшар», — деди. Улар (Исфаҳон аҳли) буюрилган бу ишга амал қилиб, Темурнинг ўтадиган йўлига бир тўда гўдак болаларини қўйдилар. Кейин ҳалиги амир Темур билан отланиб, (ўша) болаларга қараб йўл олдилар ва уларнинг ёнидан ўтавериб Темурга деди:

— «Эй маҳдум, раҳмдилнинг раҳм қилинадиган кишига назарин билан қарагин! деди. Темур сўради: — Ким у ётган бахтиқаролар? Амир деди — (Булар) «гуноҳсиз болалардир. Улар (шундай) умматки, тангри томонидан раҳм қилинган маҳрумлардир. Ўлим уларнинг ота-онасини топтади ва мавлоно амримизнинг ғазабин улар акобирлари ва эгалари устига тушди. Улар ўз гўдакликлари (номи) билан сенинг шоҳона такаллуфингдан раҳм-шафқат тилайдилар, улар ўзларининг тубанлиги, заифлиги, етимлиги, фақирлиги ва вайронлиги (номи) билан хўрланганларга раҳм қилишингга ва тиррик қолганларини аяшингга шафоат тилайдилар».

Темур (бу гапга) жавоб ҳам бермади, ҳеч бир хитоб ҳам айтмади. Кейин у от жиловини у (гўдак)лар устига буриб, уларни кўрганлигини ҳам ва уларга назарин тушганлигини ҳам билдирмади. У билан бирга ўша қўшини ва аскар ҳам болаларини бошидан охиригача бостириб ўтдики, улар отларнинг туёқлари остида оёқ ости бўлиб қолиб, ўша (қўшини) қадамлари остидаги чапга айландилар. Сўнгра Темур мол-дунёни жамлаб, юкларни боғлади ва қўлга киритган (ўлжа)ларин олиб, Самарқандга қараб қайтди.

Бу ишлар ва воқеалар жараёнида қанчадан-қанча балолару кулфатлар, хабарлару — ҳикоятлар, қўшинлару жиҳозлар, (ҳокимлар) бўшатишу тайинлаш, жиддий тарздаги ҳазиллару ҳазил тарздаги жиддий гаплар, қуришу бузилишлар, тўсқинлигу рад қилишлар, яроқсиз (нарсалар)ни қуришлару, обод (нарсалар)ларни хароб эттиш, табриклару таъзиялар, (тўғри йўлдан) четга оғишлару тўғри йўлдан юришлар, уламолар билан баҳслашишу улуғлар билан мунозаралар, тубанларни улуғлашу, шарифларни паст тутиш, қонун-қондаларни йўлга солиш, узоқдагиларини яқин кўришу яқинларни узоқ тутиш, ҳар бир узоқ ва яқиндагига амру фармонлар юбориш ва булардан бошқа ҳисобига етиб бўлмайдиган на девону, на дафтарга қайд (қилиб) бўладиган (беҳисоб) ишлар бўлиб ўтди.

ТЕМУРНИНГ МУҒУЛ²⁷⁴ ВА ЖАТО²⁷⁵ ТАРАФИНИ ЗАБТ ЭТИШИ ВА БУ ЖОЙЛАРДА УНИНГ ТОМОНИДАН СОДИР БЎЛГАН ИШЛАР БАЕНИ

Самарқандга етиб келгач, Темур фарзанди Жаҳонгирнинг ўғли Муҳаммад Султонини Амир Сайфуддин билан бирга ўз мамлакатининг энг узоқ чеккаси бўлган ва (ўз) сўзи кесадиган жойга юборди. Бу (жой) Сайхун орқасида, тўғри шарқ томонида Мўғул, Жато ва Читой ерларига туташган бўлиб, Мовароуннаҳр ерларидан бир ойлик (масофадаги) йўлда эди. Натижада, улар (Муҳаммад Султон ва Амир Сайфуддин) у ердаги ласт-текисликларини, тепаликларини текислаб, бир қатор қалъалар қурдилар. У жойларнинг энг узоғи Ашпара²⁷⁶ деб аталадиган бир шаҳар бўлиб, унда улар наҳбу горат учун жиҳозланган мустаҳкам бир қўрғон бунёд этдилар.

У (Темур) подшоҳлар қизларидан яна бир маликага уйланди. Биринчиси Катта Малика²⁷⁷, иккинчиси эса Кичик Малика деб аталарди²⁷⁸. Мўғулларнинг подшоҳи Темур сўраганига рози бўлиб²⁷⁹, унинг талабига итоат билан жавоб қилиб, жонини фидо айлади. Мўғул ва Хитой иқлимлари Темур олдида титрагандилар, чунки Темурнинг ислом мамлакатининг турли бурчакларида қилган ҳужумлари, зўравонликлари ва шафқатсизлиги уларга етиб борган эди. Бу (хабар)нинг элчиси зикр қилинган Сайфуддиннинг биродари Оллоҳдод бўлиб, у Ибн Машкурнинг уйида қўниб, Дамашқ бойликларини холис қилиб олган (кимса) эди. Темур нариги қирғоқдан Сайхун тарафига қаратиб бир шаҳар бунёд қилишларини буюрди ва дарё устига қайиқ ва кемалардан кўприк ясатиб, шаҳар билан боғлади. (Бу) шаҳарни у, Шохруҳия²⁸⁰ деб атади: у (шаҳар) кенг (бир) жойга жойлашгандир. Темурнинг ўз ўғли Шохруҳий²⁸¹ ва ушбу шаҳарни (ҳам) шу ном билан аташининг сабаби шуки, у ўша қирғоқда (ушбу) шаҳарни қуришни амр қилган бўлиб, Темур ўз олатига кўра, (ўз) хошияларидан бири билан шатранж ўйнаш билан машғул эди. Шу пайт Темурга ҳамроҳ бўлган (севимли) маъшуқаларидан бири ҳомиладор эди. Темур ўз рақиби «шоҳ»ига қарши «руҳ»ни ташлади, бундан рақиби ўзини йўқотиб қўйиб, аҳволи оғирлашди. Темурнинг рақиби танг ҳолга тушиб турган шу пайтда бирдан икки чопар (иккита)

қувончли хабар келтирди: бири ўғил бола туғилганини²⁶², иккинчиси — шаҳар қурилиб битганини башорат қилди. Темур уларнинг иккаласини (чақалоқ ва шаҳарни) бу исм (Шоҳруҳ) билан атаб, (улар) шу белги билан ишонланди.

ТЕМУРНИНГ ФОРС ВА ХУРОСОН ЕРЛАРИГА ҚАЙТИШИ ВА АЖАМ ИРОҚИ ПОДШОҲЛАРИНИ ҚАТЛ ЭТИШИ: УША ВИЛОЯТЛАР ВА ХАЛҚЛАРНИ БАТАМОМ ЭГАЛЛАШИ БАЕНИ

Сўнгра, Темур ўз мамлакатлари (ишларини) йўлга солиб Туркистон ерлари қонун-қондаларини мустаҳкамлаганидан кейин Хуросон ерларига қайтди. Подшоҳлар, амирлар²⁶³, султонлар, вазирлар унинг истиқболига чиқдилар. Ҳар тарафдан, биров ишда биров отлиқ унинг ҳузурига шошилди, унинг даъватига «лаббай» деб жавоб қилдилар ҳамда унинг қудратидан хавотирланиб, унга хизмат қилишни гаҳимат билдилар. Улар қиру адирларини, тоғу саҳроларини, шаҳарлару қишлоқларини аҳолиси билан бирга ва исёнкор (мустаҳкам) қўрғонлари билан бирга Темурга топширдилар. Унинг амри эътигага ҳар бири ўз қокилани боғлади ва (унинг) фармонларини бажо келтириб, (у) маи қилган ишлардан ўзларини тийдилар. Улар Темур (белги)га ўз қуллик камарларини ихлосмадиллик бармоқлари билан боғладилар ҳамда илтифот ва ихлос билан зотдор отларига миниб, Темурнинг қўнғилини олишга шошилган ўз йўлбошловчилари орқасидан эргашдилар. Улар жумласидан аввал зикр этилган Темурга итоат қилиб бўйсунганларининг жамиси ва итоатсизликнинг юксак чўққиларию мустаҳкам баландликларида турганлар (жумласидан) — Мозандарон ҳокимларидан бири Исқандар ал-Жаллобий, итоатсиз (исёнкор) чўққилари бўлган баланд тоғлар соҳиби, ғазабнок шер Аршиванд ал-Форискуҳи, ҳар қандай шиддатга тайёр турган жасорат соҳиби Иброҳим ал-Қуммий бор эди. Сиржондан Султон Абу Исҳоқ ҳам Темурга итоат билдирган эди. Натижада, Ажам Ироқи подшоҳларидан ўн еттитаси Темур ҳузурда жам бўлиб, улар орасида султонлар, султонларнинг ўғиллари ва уларнинг биродарлари ўғиллари бор эди. Улардан Шоҳ Шужъоннинг биродари Султон Аҳмад, Шоҳ Шужъо биродарларининг ўғли Шоҳ Яҳъёга ўхшашлар, Мозанда-

рон ҳокимларидан (бошқалар) Аршиванд ва Иброҳим ҳамда Хуросон подшоҳларидан бошқалари ҳам ўз ерларида қудратли ҳукмдор эди.

Султон Абу Исҳоқ (Темурга) итбатда ўз яқинлари юрган йўлдан юриб, шу тарзда иш тутган, ўз шаҳри Сиржонда Кударз деб аталадиган (киши)ни ўз ноиби (қилиб) қолдирди. Иттифоқо, кунларнинг бирида ўша улуғ подшоҳлар Темур ҳузурига тўпландилар. Улар Темурнинг чодирда йиғилишиб, у (Темур) улар орасида ёлғиз ўзи эди. Шунда ушбу (ҳукмдорлардан) бири Шоҳ Яҳёга²⁸⁴ маслаҳат тарзда «Уни (Темури) ўлдириб, оламдан ушбу ғам-ғуссани кўтариш фурсати келди-ку», — деди. Унга баъзилар рози бўлдилар, баъзилари монельлик қилдилар. Бу ишга рози бўлмаганларидан бири рози (бўлган)ларга: «Агар сиз бу гапдан ўзларингизни тиймасаларингиз Темурга бу хусусда хабар етказиб, ушбу ишдан уни воқиф қиламан», деди. Натijaда, улар метиндек ушбу раъй ва мустаҳкам фикрдан ўз ихтилофлари сабабидан воз кечдиларки, ҳамон (улар) ихтилофларида давом қилмоқдалар.

Гўё Темур уларнинг бу ниятларини сезиб, ўз фаросати билан улар сўзларини юзларидан (ўқиб) билди, ammo у буни «ўз дилида сир сақлаб²⁸⁵, уларга сездирмади. Сўнгра, бир печа кун ўтказиб, Темур барча одамларини чақириб, умумий бир ўтириш уюштирди, у (Темур) қизил либос кийиб олган эди²⁸⁶. У ушбу ўтиришга ҳалиги ўн еттита ҳукмдорнинг ҳаммасини таклиф қилди. Кейин унинг амри билан бир вақтда уларнинг ҳаммаларини қаттиқ азоблаб ўлдирдилар. Уларни ҳалок қилгандан кейин Темур (улар) ерларини забт этди, ҳамда мерос (йўли) билан олгану ўзлари топган мол-мулкларини йиғиб олди, (уларнинг) ўғилларини набираларини ўлдириб, (улар) ерларига ўз ўғиллари, амрлари, набиралари ва қўшинларини қўйди.

Темурнинг ўша ҳукмдорларга қирон солиб уларни қатл этиши ва улар ҳаёт пардасини парчалаб йиртишига сабаб шуки: — Ажам ерлари улуғ ҳукмдорлардан (ҳеч қачон) холи бўлмай, улар мулк ва салтанатни бири-иккинчисидан мерос қилиб олаверар эди. У (Ажам) бепоеъ ерлардан иборат бўлиб, унинг атрофлари кенг, шаҳарларининг сопи кўп, қишлоқлари сон-саноқсиз эди. Унинг тепаликлари мустаҳкам, тоғларнинг чўққилари осмон ўпар, калъаларининг қизлари итбатсиз, кон ва маъдан хазиналарининг туби кўринмас, унинг хис-

равтарининг панжалари (ҳамма парсаи) бузувчи, йиртқиларининг қапотлари учиб кетишга ҳозир, ярамасларининг қоплонлари сакровчи, шутторларининг йўлбарслари човқир, наҳлавоиларининг аждаҳолари жангу жадал ирмоқларида зоҳир, қаҳрамонларининг тимсоҳлари уруш денгизларида ғолиб эди.

Темур ўз тафаккури кўзгусида кумушсимон жиололган мулоҳазасига зийраклик назари билан боқиб, Ажам ерларидаги атиргул унинг учун душман тиконидан тоза бўлмаслигини, оғзидан оқаётган сув (гап)ининг ўзига қарши киши мўйловидан холис қолмаслигини ҳамда бу ўлка иморатларининг у учун мустаҳкам таянч бўлмаслигино (бу ерлар) бўстонида ўзи учун ҳеч қачон роҳат берадиган новдалар ўсиб чиқмаслигини кўрди. Темурнинг шияти у (ерлар) асосларини сақлаб қолиб, унда ўз ишларини Чингизхон тавроти тақозо этгандек ижро қилиш эди. Лекин унинг (Ажам Ироқининг) бепоён ерларида ўз салтанати (ери)ни пишиқлаб ишлаш ва ўз амри анҳорларини Ажам экинзорлари²⁸⁷ бўйи ва эни бўйлаб бошқарни фақатгина (бу ерлар) акобирлари насаблари илдизини танг-томири билан қуритиб, хисравлари авлодлари ёғочлари (ҳассалари)нинг учини синдиргандагина мумкин бўлар эди. Шу сабабли Темур сай кўрсатиб, уларни илдизларию бутоқлари билан қуритди ва экин тикинларию наслларини ҳалок қилишда жидду жаҳд сарфлади. У мабодо улардан бирон кишининг яқинроқ ерда уруғ экканини эшитса, дарҳол унинг (уруғини) таги билан суғуриб, улар томонидан енга яширинган атиргул ҳидини ҳис қилса, бу атиргулни дарҳол узиб олар эди.

Яна айтишларича, Темур Искандар Жаллобий (ҳозир) бўлган бир мажлисда иштирок этиб, гўё бу мажлис хурсандчилик, шод-хуррамлик ва лаззатланиш учун уюштирилган эди. Шунда Темур сўз орасида Искандардан сўраб, унга деди: «Агар қазо менинг жисмим барбодига фармон берса, сенинг назарингда ким менинг авлоду зурёдимга низо изҳор этади? Искандар — у ортиқ даражада асабийлашган, унинг мяясининг болаҳонаси бузилиб, ақл мойчироғи уйдан (мяя болаҳонасидан) унинг томига олиб чиқиб қўйилган эди — унга жавоб бериб: «Сенинг бадбахт болаларинг билан курашадиганларининг энг аввалгиси мен, Аршиванд ва Иброҳим. Агар улардан бирортаси менинг чангалимдан қутулиб кетса, унда шер Иброҳимнинг қозиқ тишидан

қутула олмайди, мабодо улардан биронтаси бу банддан ҳам қутулиб чиқса, унда Аршиванднинг тўридан чиқишга ҳеч йўл йўқ», — деди. Аршиванд ва Иброҳим эса мажлисда йўқ эдилар.

Темур Искандарга ҳеч бир зиён ва таҳқир етказмади, унга озор бермай, (кейинроқ) икки ҳамроҳи билан бирга ерга қапиштиришни иродат қилди. Искандар ўзига келгач, (Темурга) айтган гаплари учун унга таъна қилдилар. Лекин Искандар: — «Тангрининг қазосидан на қочадиган жой, на мажол бор», — деди. Бу (гап) учун меннинг ҳеч бир гуноҳим йўқ. «Бу гапларни менга барча (махлуқ)га тил бахш этган тангри берди²⁸⁸». Кейин Искандар ва Иброҳим қочиб кетдилар. Темур Аршивандни тутиб олиб, уни танидан жонини суғуриб оладиган малонкалар²⁸⁹ нчига ташладики, у барчага ибратли хабар²⁹⁰ бўлди. Темур унинг умр заифаси номусини паймол қилиб, «Момақалдироқ» (сураси)нинг²⁹¹ аввали даҳшатларини татиб, «Нуҳ»²⁹² ҳамда «Сабо»²⁹³ (суралари)нинг охири билан сийланишга мажбур қилди. Аммо Искандардан на бирои (асар) кўринди, на мана шу кунларгача у ҳақида бирор хабар эшитилди. У (Искандар) катта бошли, баланд қоматли (киши) бўлиб, агар одамлар орасида юрса, гўё бир белги мисоли эди. Ҳатто айтишларича, у улкан «қаср»нинг бўйи²⁹⁴ темир ўлчовда уч ярим газ бўлган. Иброҳим Қумий бўлса яширинишда²⁹⁵ давом этиб, кейин ўз тўшағида вафот топди. Мана шу (гап) Темурнинг Ажам подшоҳлари ва улар авлодларини қатл этишига сабаб бўлган.

БЎЛИМ

Кейин Темурга қарши Сиржон қалъасида Қударэ исён билдириб: «Маҳдумим Шоҳ Мансур ҳали тирик», — деди.

Бу сўзлар хосу авом (киши)лар ўртасида тарқалган бўлиб, Қударэ Шоҳ Мансурнинг зоҳир бўлишини кута-кута ойлар ва йилларни ўтказаверди. Натнжада, Темур Сиржон қалъасини муҳосара этди-ю, лекин қалъа устидан ҳукмга эришиш унга насиб бўлмади. Кейин у қалъага Шероз, Язд, Абаркуҳ ва Кермон аскарларини юбориб, у етмагандек, Сажистон аскарларини ҳам отлантирди. Бу (иш) Сиржонни ободончилик қамрага-

нидан кейин (бўлган) эди. Бу қалъанинг ноибни Шоҳ Абдул-Фатҳ деб аталарди. Темур аскарлари Сиржонни ўн²⁹⁶ йилга яқин муҳосара этдилар: улар гоҳ қалъадан орқага чекинар, гоҳ уни ўраб турардилар. Қалъа эса (гўё) бегуноҳ қиз каби ўз жазманига эшигини очмас ёки куёвни бир оғиз сўзини ҳам эшитишга муяссар бўла-олмаган қари қиз каби (қайсар) эди.

Темур Кермон ҳокими қилиб султон²⁹⁷ биродарларидан Идику деган шахсни тайин қилган эди. У (Идику) бошқалар унга ишора қилгани ва аскар нчида (ёлғиз) уюганина таянмаганига (эътиборли) киши эди. Кударэ Шоҳ Мансурнинг вафотига ва мулозимлари унга хиёнат қилиб, ғалабага ожиз бўлиб қўлдан чиқарганига ишонч ҳосил қилгач — Абул — Фатҳ эса ҳар соатда унга хат юбориб, унинг учун Темурдан шафқат сўрашда кифилликни ўз устига олаётган эди — сулҳ (тузиш)га бош эгиб, бу хусусда Абул—Фатҳдан фойдаланди. У тиз чўкиб ўзини душманларнинг оёғи остига ташлаб, қўрғонни уларга топширди. Сулҳ боғлами ўз қўли (воситаси) билан ечилмаганидан Идикунинг ғазаби келди-да, Абул—Фатҳга ва унинг шафоат (тилаш)ига эътибор бермай, ўша он Кударэни қатл этди. Темур қай бир мамлакатда турганида бу хабарни унга етказди. Унинг бу ишдан Темур гоёт ғазабланди, аммо юз берган ишни тузатиш фурсати ўтган эди.

БЎЛИМ

Кермон мутаваллиси ушбу Идику ҳақида айтилган ҳикоятлардан: Кермонда Шоҳ Шужъоннинг биродарлари Султон Аҳмадининг²⁹⁸ икки кичик ўғли Сулаймонхон деб аталарди. Сулаймонхон гоётда хусндор ва латофатли бўлиб, малоҳат ва зарофатнинг бутун сифатларини ўзида мужассамлаштирган етук, баркамол ва боодоб тарбиятга эга эди. Унинг лафзи равон, боқишлари ёқимли бўлиб, барчанинг қалби унга (томон) талпинар, ақлидрок эгалари унга хуштор эдилар. Унинг ҳаракатлари одамлар қалбига жо бўлиб, гўё ушбу байғда айтилгандек, қарашлари халойиқни ўзига мафтун қилар эди:

Сув либосдаги ёқимли насим, ҳаво терисидаги нур тимсоли (эди).

Шу пайтда у олти ёшда бўлиб, хосу-авомлар унинг сеҳрига мафтун эдилар. Идику ака-укани йўқ қилиб, уларни салафлари изидан жўнатмоққа азм қилди. Ушбу марвариднинг (отасидан ажралиб) етим бўлиб қолгани уни қаноатлантирмади. Ниҳоятда олийжаноблиги ва садоқатлилиги туфайли днёри харобага айланган, на ҳимоячисю на тарафдори бўлган унинг онасига Идику ҳеч раҳм-шафқат қилмади. Идику бу (жирканч) ишни ишониб топширадиган жаллод қидира бошлади, лекин бу балога қарши қабих иш билан қўл чўзадиган бирон кимса топилмади. Шу зайлда бир қадар муддат ўтди. Халқ эса бу ишдан ғоятда шиддат ва ташвишда эди. Ниҳоят, гўё ёвуз иш учун туғилгандек қандайдир бир қора қулни топдиларки, иблислар унга қул, ажиналар эса (унинг) қўшин ва малайи эдилар, жабр-жафо²⁹⁹ тунининг либоси унинг қора орқоғидан тўқилган «иблисларнинг бошларига ўхшаш дарахтдан олинган мевалар»³⁰⁰ гўё унинг қалбидан униб чиққан уруғларидан олингандир. Хўкизларнинг бўкириши унинг товушидан (бирмунча) ёқимлироқ, алвастилар юзи унинг суратини хаёлига келтиришдан хусилироқдир. Мен дедим:

Дўзах ришталари унинг юзини макруҳ билладилар.
Уни кўрганда жаҳаннам (тангридан) паноҳ тилайди.

Ҳақиқатан ҳам тангри унинг қалбидан марҳаматини суғуриб олиб, дилини жиноятдан яратган эди. Ана шу (қул)ни, пайт пойлаб алдаб, гўдакларни ўлдиришга кўндирдилар. Сулаймонхоннинг кўзи яллиғланган бўлиб, ўз энагасининг тиззасида ором олиб ётарди. Уша он бу зolim унинг олдига кириб, — бола ўз энагасининг тиззасида ором олаётгани, — унга ташланди ва ханжар билан шундай урдик, ханжар боланинг бир биқинидан кириб иккинчисидан чиқди. Уша захотнёқ дод-фарёд кўтарилиб, қий-чув бўлиб кетди, одамлар ўртасида шовқин-сурон кўзгалиб, даҳшатли овозлар эшитилди. Барча кишилар (боланинг) бебахт онаси ва унинг мотамига қўшилдилар ва одамлар мусибатга учраган онага ачиниб йиғлай бошладилар.

Бу ишлар Темурнинг ишораси билан бўлганлиги зоҳирдир; бу зolim ношукурнинг аскарлари шу хил зулм ва жиноятлардан холи бўлмас эди. Гарчи шу ишларни бажо қилувчи улардан (Темур одамларидан) бўлмаса

ҳам, лекин дўстлик ва ҳамкорлик боисидан улар йўлидан юрар эди.

Ҳикоя: Темур ўзининг кўп сонли аскарин билан Шомдан жўнаб кетганда, улардан бири билан бирга (бир) асир хотин ҳам бор эди³⁰¹. Тақдирнинг фалокати қўллари унда гуноҳсизлик пардасини олиб, унга ўз зарбаларини тегизган, сийнасидаги эмизикли қизалоғини эса (ўз) бағридан ажратган эди. Аскарлар Ҳамога³⁰² яқинлашганларида қизалоқ ниграб, оҳ-вой кўтарар ва уқубатли аламдан чиқариб йиғларди. Улар билан бирга фиқу фасоддан яратилиб, азоб-уқубатга тўлиқ, ғализлик ва қасоватдан ясаиб, қўлоллик ва ҳамоқатдан битилган бузуқчилик билан тўлиб-тошиб азият билан етилган бағдодлик бир туячи ҳам бор эди. Тангри—таоло унинг қалбида заррача ҳам раҳм-шафқат қолдирмаган эдики, уни ёмонликдан четлатса ва лисонига хайр сўздан бирорта солмаган эдики, уни кишилар эшитса!

Туячи (ўша) қизчани опасидан олди, у хотиннинг хаёлида у ташвишини енгиллатиш учун қизчани (ундан) олди, деган фикр айланди. (У хотин) туя устидан келлаётган) эди. Кейин туячи бир муддат карвондан ортада қолди. Сўнгра у карвонга етиб келганда, қўли (қизчадан) холи, қаҳқаҳаси олий эди. Опаси қизи ҳоли не кечганини сўраганида туячи унга: — Менинг у билан нима ишим бор, — деди. Онанинг ақли-хуши оғиб, мадорсизланди ва ўзини (туядан) ташлаб, қизчани томон югуриб бориб уни олиб, қайтиб келди ва яна туясига минди. Туячи, энди ҳеч бир зиён-заҳмат етказмайман деб қизчани опасининг қўлидан олди. Кейин у яна ғойиб бўлиб кетиб, бошда қилган ишини (яна) такрорлагач қайтиб келди. Қизчанинг опаси ўзини ташлаб, қизининг орқасидан яна бориб қаттиқ хасрат чеккан ҳолда қайтди. Унинг ҳалокати мевалари (ўз дарахтидан) пастга яқин эгилиб турарди. Кейин у ўз туясига ўтириб қизалоғини бағрига босиб тиқиди. Туячи қизининг кўтариб борамаи ва унга ҳеч қанақа зарар етказмайман деб сохта қасам ичиб, у (қизча) билан қабих бир иш қилиш ниятида — учинчи марта уни опаси қўлидан олди. Кейин у бирмунча муддат қизини кўтариб юргач жамоадан орқада қолди³⁰³ ва қизчани (қуриб қолган) бир сойга ташлади. Бу борада у гўё яҳудийлар зебу зийнат асбобларини таққан хотинга нисбатан қилган ишни қилди³⁰⁴. У (қайтиб) келганда қўли қизчадан фориғу жиноят билан тўлиғ эди. У қизининг устидан бор кийимини шилиб

олиб), уларни онасига келтирганди. Зор-зор йиғлаб онаси туядан ўзини ташлаб орқага қараб югурмоқчи бўлганда туячи унга: «Ўзингни овора қилма, мен сени унинг ташвишидан халос қилдим Туяга (қайтиб) мин»,— деди. Она шўрлик зор-зор қақшаб, дод фарёд кўтарди ва гарчи қизининг ташвишидан қутилган бўлса ҳам, дарду аламга гирифтор бўлди. Одамлар ўз подшоҳлари измида бўлиб³⁰⁵, улар юрган йўллардан юрадилар.

ГАРЧИ ТЕМУР (БОСТИРИБ) КИРИШ УЧУН САБАБ ВА БАҲОНАГА³⁰⁶ МУҲТОЖ БЎЛМАСА-ДА, УНИНГ АРАБ ИРОҚИГА КИРИШИ САБАБИ

Жами Ажам ерлари ҳолис Темуринки бўлиб, подшоҳлару халқлар унга бўйин эггач ва унинг фармонлари Араб Ироқи ҳудудигача етгач, Бағдод соҳибни Султон Аҳмад ғазабнок бўлиб, изтироб чекди. Натнжада у ҳисобсиз қўшин тўплаб, уларга бошлиқ қилиб Сунатой деб аталадиган шижоатли ва машҳур бир амириин тайин қилди. Қўшин чиғатойликка қараб (йўлга) чиққач, Темурга у (қўшин) ва Сунатой ҳақидаги хабар етиб борди. Бу хабардан Темур қалби шодланиб, у сурурга тўлди. У бу (иш)нинг Султон Аҳмад билан тўқнашувга сабаб, Ироқ подшоҳлигига қарши жангу муҳораба (бошлаш)га баҳона қилди ва унга қарши шиддатли қўшин, қўшин эмас, балки тўлиб-тошган денгиз юборди. Иккала лашкар сидқидил билан уруш қилиш ниятида Султония³⁰⁷ шаҳри яқинида учрашдилар. Муҳораба талабгорларидан ҳар бири ўз рақибига чидан зарба бериб, бир-бирлари гарданига найза учинию қилич тини йўналтирди. Чиғатойликнинг денгизи ўз тўлқинлари (мавжлари) гуруҳлари (қўшинлари) дан мадад олиб шундай топтадики, Сунатой аскарининг найзалари (Темурнинг аскари оёғидан) чиққан губорларга урилиб парчаланди. Сунатой ўз аскари билан қочиб ҳаммалари³⁰⁸ Бағдодга етиб келдилар ва мамлакатнинг турли томонларига тўзиб кетдилар. Султон Аҳмад Сунатойга миқнаа³⁰⁹ кийгизди ва уни урдириб азоб-уқубатга солганидан кейин, Бағдод (кўчаларида) юргизиб (элга) сазойн қилди. Темур (султон Аҳмадга қарши) инодини тугатиб, ўз мамлакати томон равона бўлиб қайтди.

**(АВВАЛИГА) АТРОФ (ЕРЛАРИ)ГА
ОСОЙИШТАЛИК БЕРИБ, КЕЙИН УЛАРНИ
(УЗИ) ХОҲЛАГАНИЧА ВАЙРОН ҚИЛИШ ВА
БЕВАФО ҚИСМАТГА ТАШЛАШ УЧУН БУ
БУРОНЛИ ШАМОЛНИНГ (ВАҚТИНЧА)
ТУХТАБ, БУ ТУЛҚИНЛИ ДЕНГИЗНИНГ
ТИНЧЛАНИШИ БАЕНИ**

Кейин Темур Самарқанддан унинг этакларига чиқиб, унинг теварак-атрофларида бир ердан иккинчи ерга кўчиб юрди. У Самарқанд атрофларида бир қанча қасабалар бунёд этиб, уларни улуғ ва пойтахт шаҳарлар номи билан атади³¹⁰. (Шу вақтда Самарқанд ва унинг вилоятлари, Мовароуннаҳр ерлари ва унинг (барча) атрофлари, Туркистон ва унга қарашли ерлар—Туркистонда Темур томонидан ноиб бўлиб Худойдод деган киши турарди-шунингдек, Темур зўравонлик кўрсатиб жавлон урган Хоразм, Хитой ерлари ҳалқумида жойлашган Қошғар³¹¹, Бадахшон — бу Самарқанд ерларидан йироқ бўлган алоҳида ерлардир, Хуросон иқлимлари, Мозандарон ерларининг аксар қисми, Рустамдор³¹², Зобулистон³¹³, Табаристон³¹⁴, Рай, Ғазна³¹⁵, Астробод, Султония, Қазвин³¹⁶ ва бу шаҳарлардан бошқалари, маноатли Ғур³¹⁷ тоғлари, Ажам Ироқи ва мағрур баландпарвоз форс ҳам ҳолис Темурники бўлиб, булар ҳаммаси ҳеч бир рақобат қиладиган ва унга монеълик кўрсатиб, олдини тўсадиган (бирон) кимсасиз бўлди. Бу мамлакатларнинг ҳар қайсисидан Темурнинг ўғли ёки набираси, ёки у эътимод қиладиган ноиб турар эди.

**ТЕМУРНИНГ УЗ АСКАРЛАРИ ДЕНГИЗИДА
ЧУМИЛИБ БАЪЗИ ИШЛАРГА ШУНҒИШИ,
КЕЙИН ЭСА ФАСОД (ИШЛАРИ) БИЛАН
ЖУШҚИН УРИШИДАН БИР НАМУНА,
ШУЛАР ЖУМЛАСИДАН УНИНГ
МОВАРОУННАҲРДАН ШУНҒИБ ЛУР³¹⁸
ЕРЛАРИДАН ЧИҚИШИ**

Ғарчи Темур мамлакати кенгайган, ҳайбат ва савлати (ҳар) тарафга тарқалган ва даҳшатлари узоқ мамлакатларга ёйилиб дўқ-пўнисаларни турли иқлиму ша-

ҳарларга бориб етган, (ортган) юклари оғирлашган, ўзининг бирор томонга юриш бошлаб жўнашни ҳуфия тутмаслигига қарамасдан у дунё ҳасадда гўё Одам болаларидан қочган шайтон каби чопар ва (инсон) танасида (сездирмасдан) ёйилиб кетадиган заҳар мисоли (беҳосдан) ўзга юртларга кириб борарди. Мен айтдим:

У ўнг (томонга) қараб отланиб, чапни ишонга оларди.
Пешонани кўзларидо бурунга тегизишни истарди.

Унинг қўшини байроқлари машриқда турганда, кутилмаганда (унинг) ноғоралари нағмалари ва удларининг зарбалари Ироқ, Исфаҳон ва Шероз ҳисорида янграганда, бирдан унинг торларининг жаранглаши ва карнайларининг ғатиллаши Рум кўчаларида, Рух³¹⁹ манзилларида ва Ҳижоз³²⁰ карвоилари ораларида эшитилиб қоларди.

Мана шундан (бир мисол): Темур Самарқандда боғ-бўстонлар бунёд қилиш ва қасрлар қуриш билан машғул бўлиб турганда (қўшини) мамлакатлар (унинг ҳужумидан) осойишта бўлиб, бақамти ўлкалар эса (ундан) беҳавотир эдилар. Темурнинг ишлари ниҳоясига, қасрлари (қурилиб) камолига етгач, у ўз қўшинига Самарқандга жам бўлишни буюрди. Кейин улар учун ўзи ўйлаб топиб ихтиро қилган таркиб ва тазрибда (махсус) қалпоқлар тайёрлашларини ҳамда жангчилар уларни кийиб, (юришга) отланишларини амр қилди. Темур уларнинг қайси томонга боришларини маълум қилмади. Бу (қалпоқ)лар улар учун (шартли бир) белги эди. Темур ўз ерларининг барча томонларида (олдиндан) посбонлар (тайинлаб) қўйган эди. Сўнгра Темур Самарқанддан чиқиб, ўзини Хўжанд, Турк ерлари ва Жандга³²¹ боришман деб овоза тарқатди. (Шундан) кейин у ўз аскарни гирдобига шўнғиб кетдики, гўё у деңгиз қаърига тушиб ғойиб бўлгандек эди, унинг қаёққа бурилиши ва қайси томонга борат ва талаф элтишни ҳеч ким билмади, у шаҳар кетидан шаҳар босиб ўтиб кеча-кундуз йўл юрди, у юлдузлардек учар ва чавадозлардек тез чопарди ҳамда қўнган ҳар бир жойида чарчаган зотдор туяларни ташлаб кетар эди. Ниҳоят у, ҳеч ким ўйламаганда, Лур ерларида пайдо бўлди. Лур (ерлари) обод бўлиб, унинг бойликлари беҳисоб ва мевалари сероб эди. Лур қалъасининг номи Баружорд бўлиб, (унинг) ҳокими Малик Изуддин ал-Аббосий эди. Бу қалъа гарчи тоғ этагида жойлашган бўлса ҳам, ле-

кин матонатлик жиҳатидан баланд тоғ чуққиларида жойлашган қалъалар билан рақобат қиларди. У (Лур) Ҳамадон³²² ерларига қўшни бўлиб, Озарбайжон сингари Араб Ироқи билан туташ эди. Темур ушбу қалъа ва унинг атрофидаги (бор) нарсаларни ўраб унга эгалик қилиб турган ҳокимини қуршаб олди. Чунки у (ҳоким)нинг на қуролию на қўшнини, на тайёргарлигию на (унга ёрдамчи) мадакорни бор эди. У бу ерда ишончли вакил муҳтасиб сифатида бўлиб, кутилмаган томондан устига бало келган эди. Унинг Темурга итбат билдириб бўйсунтириш ва омонлик сўрашдан бошқа ёлғиз йўқ эди. У (қалъадан) тушиб келиб, ўз (ниҳом-ихтиёри) жиловини Темурга топширди. Темур уни қабз этиб, ерларини забт қилди. Кейин уни Самарқандга жўнатиб, ҳибсага солди ва унинг нафсию нафасини сиқиб қўйди. Сўнгра, бир қадар муддат ўтгач, Темур Изуддинга қасамёд қилдириб уни бошига тушган мусибатдан халос қилди. Ундан бирталай от ва хачирлар (олиш) эвазига у билан сулҳ тузди ва уни ўз юртига қайтариб, ўзига поиб қилиб қўйди. Темур ушбу атрофлар вилоятларини ўзига холис қилиб олгач, фурсатини кеткизмай Ҳамадонга қараб ўз сайрини давом эттирди. Ҳамадон аҳли гафлатдалигида Темур унга етиб келди. Натижада, «(шаҳар) тепасига бало кечаси ёки улар (шаҳар аҳли) мудраб ўтирганда келди».

Шунда шаҳар аҳлидан Мужтабо исмли бир шариф киши Темурга пешвоз чиқди. У (мужтабо) подшоҳлар ҳузурини танланган (муштафо) ва улар кўнглидаги муртазо (одам) эди. У Темурдан ҳамадонликларга шафқат қилишни сўради. Темур омонликлари эвазига мол-дунё, уларга мурувват қилаётган жону таналари эвазига бойликларини фидо қилиб сотиб олишлари ҳисобига уларга шафқат ваъда қилди. Улар Темурнинг амрига амал қилиб, (айтганини) бажо келтирдилар; талаб қилинган молларни (ўзаро) бўлиб олиб жамладилар ва Темур хазинасига келтирдилар. Аммо Темурнинг нафси газак олиб, уни иккинчи марта ҳамадонликлар устига мол-дунё талабини юклашга ундади. Шунда ўша жалолатли киши (Мужтабо) Темурга пешвоз чиқиб, ўзини мискин ва аянчли мақомга солган ҳолда шафоат ўрнига туриб олди. Темур унинг шафоатини қабул этиб, жамоасини унга тортиқ қилди. (Кейин) Темур аскарни келиб ўзига қўшилиб бирикмагунча ўз маконидан жилмай тўхтаб турди.

ТЕМУРНИНГ ОЗАРБАЙЖОН ВА АРАБ ИРОҚИ ЕРЛАРИНИ ХАРОБ (ЭТИШИ)НИНГ БОШЛАНИШИ

Шайх Увайснинг ўғли Султон Аҳмад ўз қўшнилари Ҳамадон ва Лур раиялари қўйларига нисбатан бу бўри (Темур)нинг қилган ишларини эшитгач, Темурнинг албатта ўз мамлакати ва диёрига келишини билди, чунки Султон Аҳмад уни фасодкор деб жорий қилиб, унинг ёмонликлари (олови) устига ўзининг алангали учқунларини ташлаган эди. Гарчи Султон Аҳмаднинг аскарлари тошқин сел мисоли бўлса ҳам, барибир у Темур денгизига унинг оқимига қаршилиқ кўрсатишга қодир эмас эди. Чунончи, «қачонки аллоҳнинг дарёси пайдо бўлганда Исонинг дарёси қуриб қолиб»³²³ «Мусонинг ҳассасига Фиръавининг сеҳргарлари рўпара бўла олмагани»³²⁴.

Мен шеър айтдим:

Сел ўз йўлида тоғлар орасида учраган дарахтларни
кўноради ва селнинг кучидан қоялар парча-парча бўлади.
Лекин у (сел) тошган денгизга етганда,
унинг кучи йўқолиб, ундан асар ҳам кўрмайсан!

Султон Аҳмад бало келишидан олдин унга тайёргарлик кўриб, ёғилажак балонинг ғамини еди. У қочишга этак шимариб ўзининг эсон-омон қайтишини ярим ғанимат билди. У муқобала ва муқоталанинг кенг тарқалган (уришиш) қонунидан кўра, қисқа (кенг тарқалмаган) тури билан кифояланади ва Бағдод, Ироқ ва Табриз ерларидан чиқишга азм қилиб, ўзига-ўзи: нажот Алинжо (қалъаси)да³²⁵, деди ва ўзи хавотир олган (нарса)ларини ўғли Султон Тоҳир билан бирга Алинжо қалъасига жўнатди. Темурга³²⁶ эса шеърлар ва ҳажвиялар юборди. Ушбу (шеър)лардан мана шу (байт)ни таржима қилдим. Мана у:

Гарчи урушда қўлим шол бўлса ҳам,
лекин қочишда оёғим чўлоқ эмас.

Кейин У Шом ерларига қараб равона бўлди³²⁷. Бу, тангри таоло раҳмат қилгур Абу Саййид Барқуқ Малик аз-Зоҳир³²⁸ ҳаёт вақтида, яъни етти юзи тўқсон бешинчи (1393) йилда (бўлган) эди.

Темур Табризга етиб келиб, ундаги фақир азизни талади ва Алинжо³²⁹ қалъасига аскарлар юборди, чунки у (қалъа) Султон Аҳмаднинг бошпаноҳ жойи бўлиб унда ўғли, хотини ва қимматбаҳо бойликларни мавжуд эди. Темурнинг ўзи эса Бағдодга томон юзланиб уни талади. У шаҳарни хароб қилмади-ю, лекин ундаги бор ашёларни шилиб олди.

Алинжо қалъасининг волийси Алтун³³³ исмли қудратли, Султон Аҳмаднинг ишончига сазовор киши бўлиб, у (Султон Аҳмад) унга таянар эди. Алтун билан бирга бир жамоа ботир, шижоатли ва шиддатли кишилар бўлиб, уларнинг ададлари уч юз чоғлик эди. Тун ўз сукунатига кирганда Алтун улар билан чиқиб, Темур аскарлари устига ва улар масканларига ғоратлар қилардилар. (Бу ишдан) аскарлар ҳоли танг бўлгач, Темурга бу хабарни етказдилар. Шунда у тўртта амир билан қирқ мингча машҳур жангчиларни юбориб, уларга мадад берди. У (амир)ларнинг каттасини Қутлуғ Темур³³¹ деб атардилар. Улар (қалъага) етиб келганларинда Алтун (қалъада) йўқ бўлиб — у қалъа атрофидагилар устига ғоратга чиққан эди³³². У қалъага қайтаётиб кўтарилган чанг-тўзонни кўрди. Бу хабар сиридан воқиф бўлгач: «Қочишга жой қани?» деди. Унга: «Йўқ! Қочадиган жой йўқ», — дедилар. Шунда Алтун тангридан нажот толиш фақат унинг ўзига боғлиқ эканлигини тушунди. У ўз қатъиятини ва атрофдагиларни мустаҳкамлаб, тангрига таянган ҳолда: «Дарҳақиқат, мана шу мисоли ўринда бошлар байроқлар остида бўлмоғи лозим. Бу пасткашларнинг қалбларига зарба беринг, сиз ёки ўз виятингизга эришасиз, ёки карим кишилар сингарин ўз отларингиз устида ҳалок бўласиз, чунки сизни ушбу ғам-ғуссадан фақат аниқ найза санчиш ва қилич зарбасигина халос қилади»³³³ деди. Мен дедим:

Карим бўлиб (ўл) ёки пасткаш бўлиб ўл.

Чунки, худо ҳаққи, ўлимдан кейин (ҳеч бир) ўлим йўқ³³⁴

Алтун жамоаси тангри-таоло ёрдамида нажот ҳосил қилишга ишонган ҳолда, бир-бирларига содиқ ҳиммат ва қатъий азмиёт билан мадад бердилар ва душманни худди балиқни тўр ўраб олгандек ўраб олдиларки, гўё душман улар ўртасида (ип йиғирадиган) чархдаги урчуққа ўхшаб қолди. Алтун одамлари байроққа ва байроқдорларга, улар орқасидагилар ва ҳимоячиларига

ташландилар. Лахйон³³⁵ бахти уларга билак тутиб ўз нусрати билан ёрдам берди ва тadbиркор хийласи улардаги ички сиқилишни ечиб юборди. Улар душманларнинг оқ байроқларини қизил қонга бўядилар ва улар жамоаси учун нусрат бўсағасига йўл очилиб, тавфиқ кўришиб, ғалаба улар томон қанот қоқди. Натижада, улар аскаридан икки амири-улардан бири Қутлуг Темурни³³⁶ — ўлдирганларидан кейин ғам-кулфатдан қутулиб, суруратга етишдилар.

Бу хабар Темурга етгач, кўз олдида дунё қоронғилашиб, гўё бутун борлиғу — жаҳон ағдарилгандек бўлди. Кейин Темур ўзи Алинжо қалъаси томон кўзғолди ва писиб (ётиб) уни пойлай бошлади. Темур қалъани ҳар томонидан ихота қилиб, посбонлари билан қалъа тарновларини беркитди.

АЛИНЖО ҚАЛЪАСИНИНГ ТАВСИФИ

Бу қалъа ал-Уқаб (юлдузи)дан ҳам монелироқ бўлиб, булутлардан ҳам баланд, Симоқ (юлдузи) бу қалъа (томи)га муножот қилар, фалаклар бизларни тутиб турибди деб ундан фархланишарди. Қуёш энг тикига келганда гўё унинг баъзи кунгуралари устига ўрнатилган тилло қалқонга ўхшаб кетса, баланд Сурайё (юлдузлари) эса гўё унинг дарвозаси устидаги муаллақ бир қандил (мисоли) эди. Хаёл қуши унинг осмони (усти)да парвоз қила олмайди-ю, қай тариқа унга бекорчи ўқ (бориб) етсин. Қалъанинг пок билагига суворий аскарлардан (иборат) билакўзук тақилиш (яъни ўраб олиш) бир ёқда турсин, хаёл ва тафаккур зираги унинг хизматидаги ходимларга тақилмайди.

Алтун ушбу жой тупроғининг оғушида тарбият топган эди. Макка аҳли у (қалъа)нинг сўқмоқли йўлларида (бошқаларга қараганда) хабардорроқ (эди). Ҳар қачон қаронғи тун тушиб³³⁷, шайтон ўғриларига ўзининг ўқ отувчи кўзларини тикканда, Алтун ўша баланд тоғ чўққиларидан пастга тушиб хаёл оғушига чўмган киши каби тун зимистонига чўмар ва сўқмоқ йўлларда гўё гўштга синган ёғ, уд (дарахти) шимган сув, оловга тушган кўмирдек сингиб (ғойиб бўлиб) кетар эди. У кўзга кўришмас (тагри)нинг ёрдами билан хаёлга келмас йўллардан юрар, уни ҳеч қандай посбон сезмас ва биронта назоратчи кўрмас эди. У доим уларни элитади-

ган оятларни тиловат қилиб, хуфиёна сеҳргарлигу жодугарлик билан уларга дам соларди. Токи уларнинг қароргоҳидан бирорта чодир кўрингунча мўралаб-мўралаб, яқинлашиб борарди. У ўлдирар ва бостириб кириб таловчилик қилиб қочар эди. Шу тариқа у ўлжа олиб, эсон-омон орқасига қайтиб кетарди. Алқисса у, Темур ва унинг ҳамроҳларини ҳолдан давом этаверди. Мажоли танглигидан ва ниятига эришиш амри-маҳол (экан)лигидан Темур бу ердан жўнаб кетишни (мақсадга) мувофиқ тонди. Қалъа қамалини давом эттириш учун ўз кўшинларидан³³⁸ қолдириб, Темур жўнаб кетди, қалъа ҳисори эса узоқ муддат давом этди. Қазо Темурга: — «Сабр қил, негаки қалъа сенга пасиб қилади», — деярдди.

Айтишларича, қалъа ўн икки йил ҳисорда туриб³³⁹, Темур у (қалъа)ни шу туфайлигина эгаллаган: Зикр қилинган Алтуннинг фосиқликда ном чиқарган биродари бўлиб, у билан Султон Тоҳирнинг онаси ўртасида хиёнат ҳосил бўлиб, уларни бузуқиларга бериладиган (жазо)га олиб келди. Султон Аҳмаднинг ўғли Тоҳир шу бузуқликдан воқиф бўлиб, икковини тутиб олиб ўлдирди ва бу билан у ғоятда мақтовга лойиқ йўлдан юрди. Бу пайтда Алтун қалъада бўлмайд қаёққадир ғоратга чиққан эди. У ғоратдан қайтгач, қалъа дарвозасини (унга) беркитиб, биродари жасадини девордан ошириб олдига ташладилар ва унинг қилган бузуқлиги ҳамда ошкор ва яширин фиску фужурларини унга маълум қилдилар.

Алтун деди: «Тангри сизга энг яхши сийловлар ато қилиб, знёда хайру эҳсонлар билан ҳиссангизни оширсин. Агар мен унинг кирдикоридан воқиф бўлганимда ёки у қатл этилганида ҳозир бўлганимда, унинг хатти-ҳаракатига муносиб иш тутардим ва замон балоларига гирифтор этиб, уни сизларга³⁴⁰ ибрат қилиб кўрсатардим. Тангри-таоло яратган бандалари ўртасида жорий қилиб: «Ўз валий неъматига хиёнат қилганинг жазоси шу» — деб қичқиртирдим.

Сўнгра (Алтун) (Қалъага) киришни сўради, лекин уни (ичкарига) киритмадилар. У деди: «Иним гуноҳ қилиб, ўзи эккан киноятининг мевасили (ўзи) тотиди. Менинг қалбим эса азалдан то ўлгунимгача сизга вафодордир. Мен ҳар доим сизнинг дўстингизга дўст, душманингизга душман бўлиб келаётирман. Агар сиз ҳайдасаларингиз унда мен қаерга бораман? Агар сиз

хоҳишимни рад қилсаларнингиз, яна кимга ҳам ўз истагимни билдирардим?»

Унга жавоб бердилар: «Эҳтимол, сени (кейинчалик) нафрат ўраб, ўз биродарингга ишбатан меҳринг қўзғаб уни ёдингга оларсан ва хурсандчиликдан кейин мусибат ҳақида фикр қиларсан; шунда сен қасос олиб қусур чиқаришга рағбат қилиб, тўғри йўлдан юргангдан кейин эгри йўлга огиб кетарсан. Натижада сенинг дилингдаги соф нарса қудурат бўлади; икки оғайни ва қояда яшаган илон ҳақидаги ҳикоя³⁴¹ сен учун кифоядир». Мен дедим:

Арқон (ип) узилагач, уни улаш мумкин,
Лекин уланган жойда (барибир) тугун қолур.

Ўз сўзлари ва аҳду паймонларнинг ҳақиқатлиги ҳақида Алтун уларга сидқидилдан қасамёд қилди. Лекин улар унга: «Гапни чўзма! Мудом сен ҳаёт экансан, бизда сен учун на кундузию на кечаси паноҳ (жой) бор. Қаердан келган бўлсанг ўша ерга қайт. Ғазаблансанг ҳам, рози бўлсанг ҳам бу сен учун энг охириги учрашувдир» — дедилар.

Шунда Алтун тақдиридан нолиди ва умрини (ўз) қадр-қийматини билмаган одамлар итоатида ўтказганлиги учун надомат чекиб, хасратдан қўллариини тишлай бошлади. «Кейин у яқинлашиб, (огидан) тушди³⁴² ва қайғу аламга ботди³⁴³ «отини ва мол-мулкни ташлаб, отлиқлару пиёдаларни қолдириб узоқлашиб кетди. Алтуннинг Алинжо қалъасидан бўлак бошпаноҳи йўқ бўлиб, бу қалъа эса (энди) унинг қўлидан кетиб, жигарига ўт ёққан эди. Алтун энди кимга мурожаат қилиш ҳақида ўзинча «ҳар хил гумон тахминлар қилиб бош қотирди³⁴⁴». Алтун фикрининг чақмоқтоши унинг Маранд³⁴⁵ шаҳри томон йўл олишига учкун чиқарди. Бу шаҳар Темур ҳукми остида бўлиб, унда унинг амрлари мавж урарди. Алтун Марандга етиб бориб, кигиздан либос кийиб, мол-мулкни ўғлини қолдириб (тўғри) шаҳар ҳокими хузурига қараб йўл олди. Алтуннинг келганлигини Маранд ҳокимига хабар қилганларида уни қўрқув ва заифлик қамраб олди, қўрққанидан сочлари тик туриб, қалтираб-титради ва эсанкираб ўзини йўқотиб қўйди. У эҳтиёткорлик кўрсатиб қочишни мўлжаллади.

Лекин унга Алтуннинг ҳеч бир қўшинсиз ва қуроласлаҳасиз ёлғиз ўзи эканлигини айтганларида, ақли-

хуши ўзига қайтди ва Алтун ҳузурига кириб, ҳоким унинг ишларини суриштириб аҳволдан воқиф бўлгач, (дарҳол) унинг калласини кесиб Темурга юборди. Бу ишдан Темур изтироб чекди ва ғоятда афсусланиб, йиғлади. Сўнгра одам юбориб Алтун қотилиши (мансабидан) азл этди ва унинг мол-мулкини мусодора қилиб, ўзини қатлга тортди.

Ушбу (вохуш) ҳодиса рўй бергач, Султон Тоҳирга қалъада қолиш мумкин бўлмади, чунки у ҳам бу жирканч ва ифлосликлардан мурдор бўлди. У жўнаш азонини айтиб ўз жамоаси кетиши қибласи томон имом бўлди. Чунки қалъадаги пардадор хотинлар ундан нафратландилар. У улар ифбат-номусини сақлашдан ожиз бўлиб, уларнинг қизларини ўрта яшарларнинг қизлиқ (парда)ларини йиртишда ҳезлик қилиб қолди. Унинг аскарлари камайиб, (аҳволи) занфлашди ва Султон Тоҳирнинг қалъадан истифодаси аста-секин қўлидан кета бошлади. Натижада, Темур учун у (қалъа)ни қўлга киритиш осонлашиб, ҳеч бир машаққатсиз қалъа дарвозалари унга очилди. Темур ўзи ишонган ёрдамчиларидан қалъага ҳоким гайинлаб, қўшничилик юзасидан уни Ширвон³⁴⁶ ҳокими Шайх Иброҳим (ҳомийлиги)га топширди.

Кейин Темур фасод жилловини Бағдод томонига қараб бурди. Зикр қилинганидек, Султон Аҳмад бир гуруҳга бош бўлиб, Шомга қараб қочди. Бу (воқеа) 795 йилнинг шаввол (1393 йил, август) ойида (бўлган) эди. Темур (шавволнинг) ўн биринчисида³⁴⁷, шанба куни Бағдодга етиб келиб, шаҳар ва унинг атрофларида шафқатсиз хароб қилди³⁴⁸. Кейин Темур ва унинг тўдаси Бағдод вилоятидан чиқиб, Диембақр³⁴⁹ ва Арзинжонга³⁵⁰ қараб юзланди.

БАҒДОД СОҲИБИ ҲАҚИДА ХАБАРЛАР, УНИНГ ОТА-БОБОЛАРИНИНГ ИСМЛАРИ ВА ТЕМУРНИНГ ҚАЙ ТАРИҚА БУ ЕРЛАРГА КИРИШИ БАЕНИ

Унинг исми Султон Муғийсуддин Аҳмад ибн Шайх Увайс ибн Шайх Ҳасан ибн Ҳусайн ибн Ақбуга ибн Идикондир. У Бағдод, Озарбайжон ва уларга изофа вилоятлари ерлар соҳибидир. Унинг катта бобоси Идикон, Абу Саиднинг ўғли хон Арғуннинг набираси улур ва шавкатли хон Шарофуддиндир.

Султон Аҳмаднинг отаси Шайх Увайс дённат ва идрок аҳлидан бўлиб, одил подшоҳ фозил ва шижоатли раҳбар эди. У тангри қўллаб-қувватлаган музаффар, кескир ва шукриётга сазовор киши эди. У оз ёмонлик қилиб, кўп яхшилик кўрсатарди, (унинг) сурати эса сифти каби бағоят хусндор эди. Шайх Увайснинг подшоҳлик муддати ўн тўққиз йил бўлган эди³⁵¹, у фуқароларга меҳр кўрсатиб, уламолар ва улуғ (киши)ларга эътиқод қиларди. Шайх Увайс тушида (ўз) вафоти яқинлашганини башорат этгач, ўлимга тайёргарлик кўриб, унинг (келишини) кута бошлади. У подшоҳликдан қўлини тортди, ҳокимиятни ўз ўғилларининг энг каттаси ва аҳлу уруғларининг (ичида) энг афзали бўлган ўғли Хусайнга топширди ҳамда дунё ишларини бир чеккага йиғиштириб қўйиб, ўз мавлосига тоат-ибодат қилиб, ўтган гуноҳлари учун ундан кечирим ва ризолик тилаб саждага ружуъ қўйди. У муттасил намоз ўқиб, рўза тутди, закот бериб, рамазон ойида кечаларни тоат-ибодат билан ўтказди ва ўша маълум вақт (етиб) келгунга қадар намоз ўқиб рўза тутганида давом этаверди. Ушанда у ўзининг яширин сирини очиб (шундай деб) тиловат қилди: — «Агар уларнинг ажаллари етса, уларни бир муддат ҳам кечиктирмайдилар ва илгари сурмайдилар³⁵². Шайх Увайс мана шу олижаноб йўлдан кўтарилиб ўттиз йилдан ошиқроқ жавлон урганган кейин Табризда унинг ойи ўз мағрибига ботди. Бу хабар 776 (1374) йилда Шомга етиб борди ва ўғли Жалолуддин Хусайн унинг ўрнига қарор топиб, раиялари устига фазлу эҳсонларини оқизди. У (ўз) сифатан карим ва бирталай фазилатларга эга, жасорати ошиб-тошган, каромати (очиқ-ойдин) зоҳир бўлган (киши) эди. У ўз падари суниятларидан юришни продат этиб, унинг унутилган расм-русумларию тартиботларини барҳаёт этишни хоҳлади. Лекин қисмат унга хиёнат қилиб, унинг соф жидду жаҳдларига кудурат қориштирди. 788 (1381) йили унинг элчиларидан бир тоифаси Шомга келди. Улар Бағдод ва Табриз қозиси-қози Зайнуддин Али ибн Жалолуддин Абдуллоҳ, ибн Нажмуддин Сулаймон ал-Абойқи аш-Шофиъий ва султон вазири Соҳиб Шарофуддин ибн ал-Хож Азуддин Хусайн ал-Воситий ва бошқалар эдилар. Сўнгра, шу йилнинг жумоду-л-охирда (1381 йил, август) Султон Аҳмад (ҳозир) зикр қилиниб ўтилган биродари (Хусайн) устига ҳамла қилиб, уни қатл этдида, мулк ва дин нусрати учун унинг

Ўринини эгаллади. У Султон Хусайинни алдаб, унинг ҳаёти (кўзи) қовоғини ўлим уйқуси билан тўлиб-тоширди. Шу пайтда Султон Хусайиннинг ёши энди йиширмадан ошган эди.

Султон Аҳмад Ироқ ерларига эгаллик қилгач, жинояткор қўлини чўлиб, шафқату эзгулик қазотларини йиғиб олди. У ўзига ва раияларига зулм қилиб, кечаю кундузини жабру жафою, фасод ишлари (қилиш) билан ўтқазди. Кейин у фисқу фужурда меъёрдан ошиб, зоҳирона жиноятлару очиқ-ойдин ёвузликлар қила бошлади. У қон тўкишин эзгуликларни талаш ва номусларни таҳқирлашда восита қилди.

Айтишларича, Боғдод аҳли ундан нафратланиб, унинг дастидан Темурдан мадад сўраб арз қилганлар. Натижада, улар (ундан) «шундай сув қуйишларки, у эритилган мис каби юзларини кабоб қилади³⁵³», қабилда мадад олганлар. (Султон) Аҳмад ақл-хушини йиғиб олишга ҳам улгурмасданоқ, унинг устига бало келиб, тоторлар бостириб келиб, чигатой аскарларидан суворийлар ва пиёдалар уни янчиб ташладилар. Бу машҳур шаввол (октябрь) ойининг мазкур шанба кунда (бўлган) эди. Душман (Темур) отлиқлари Султон Аҳмад пиёдалари устига ташланиб, шаҳар деворлари томон шитоб билан ёпирилдиларки, бу мавж урган дегиш уларни тўхтатиб қола олмади. Шаҳар аҳли Султон Аҳмад жангчиларига қаратиб камонлардан ўқ отдилар. Султон Аҳмад ўзи учун ягона нажот йўли—қочиш эканлигини фаҳмлади ва ўзи ишонганларга бош бўлиб (шаҳардан) чиқди ва Шомга қараб равона бўлди. Бир тоифа ярамас чигатойликлар унинг орқасидан қувлаб кетдилар. Султон Аҳмад қоча-қоча уларга ҳамла қилиб уларни чекинтирар, кейин эса ўзи орқароққа қочиб (қайтиб), уларни жангга чорлар эди. Улар ўрталарида шиддатли жанг бўлиб, икки томондан ҳам кўп одамлар ўлдирилди. Ниҳоят, Султон Аҳмад Ҳилла³⁵⁴ (шаҳри)га етиб бориб шаҳар кўпригидан Дажла (Тигр) дарёсидан ўтгач, кўприкни бузиб, асирлик кулфатидан халос бўлди³⁵⁵. Тоторлар Султон Аҳмадни қувлашда давом этдиларки, оз бўлмаса, уларнинг бурунлари (Султон Аҳмаднинг) думига тегаёзган эди. Чигатойликлар дарёга етиб келгач, кўприк бузилганлигини кўрдилар. Шунда улар ўзларини сувга ташлаб, (дарёнинг) нариги қирғоғидан чиқдилар ва Султон Аҳмад қочишини, улар қувлашини давом эттирдилар. Лекин Султон Аҳмад уларни орқада

қолдириб кетган ва Машҳад ул-имомга³⁵⁶ етган эди. Бу (жой) билан Бағдод ораси уч кунлик йўлдир³⁵⁷.

АРЗИНЖОН ВА ДИЁРБАҚР ЕРЛАРИДА ТЕМУР ИШЛАТГАН АЛДОВ ВА МАҚР БАЕНИ

Кейин Темур Диёрбақрга келиб, уни эгаллади ва ҳокимлари қўлидан уни холис қилиб олди. Аммо Тақрийт³⁵⁸ қалъаси бўйсунмагач, Темур унга қарши ўз аскаридан ҳар бир шайтонни васвасага солди. Бу (иш) зу-л-ҳижжа ўн тўртинчисида (1394 йил 11 октябрь), сешанба куни (бўлиб), бутун мамлакат Темур олдида қўрқувдан қаттиқ титраганди. Сўнгра Темур қалъани ҳисор этиб, омонлик бериш шарти билан уни сафар (1394 йил ноябрь) ойида олди. Қалъа мутаваллисн Ҳасан ибн Бултумур³⁵⁹ кафанга ўраган ҳолда Темурга пешвоз чиқди. У ўз болаларини қўлтиқлаб, елкасида кўтариб олган, (Уз) аҳли ва мол-мулки билан видолашган, отличларни одамлари Темурга итоат билдирган эди. Бу (иш) Темур унга қонини тўкмасликни ваъда қилгандан кейин (бўлган) эди. Темур Ҳасанни девор ёнига турғизиб, деворни унинг устига ағдариб ташлатди³⁶⁰.

Кейин Темур қалъада бор эркакларни қатл этди, хотинларни тутқин қилиб, болаларни асир олди. У (одамларни) уруғи билан қуритиб, жирканч иш қилди; ўз фасодида (баъзи нарсаларни парчалаб), баъзи нарсаларини бириктирди ва ниҳоят 96-йил сафар ойининг ўн биринчиси³⁶¹, (1394 йил 16 декабрь) жума куни Мосулга³⁶² келиб тўхтади. У шаҳарни вайрон қилиб, харобага айлантирди, кейин Раас ал-Айнга³⁶³ келиб, уни ҳам талон-торож қилиб асоратга солди. Сўнгра ар-Рухага қараб бурилиб унга рабий ул-аввал ойининг биринчиси³⁶⁴ (1394 йил 4 январь) якшанба куни қадам қўйди. Унда бебошлик ва фасодни ошириб, тихирликда Самуд ва Од (қабилалари)³⁶⁵ билан рақобат қилди. Бу шаҳардан у (ойнинг) ўн иккинчисида (январь 15-нчиси) якшанба куни чиқиб кетди. Кейин у қон булоқлари устида қанот қоқиб, мусулмонлар қатлида жидду жаҳд кўрсатадиган ўз қавми қирғийларидан бир тоифасини тапплаб олди. Уларни ўзи билан бирга олиб, Диёрбақр ерлари томон ичкарилаб кетди. Улар бу ерда бебошликларини давом эттириб, унга зиён-заҳмат етказишга саъй кўрсатиб, жабр-зулмда давом қилдилар. Диёрбақрда

Мордин³⁶⁶ (шаҳри) бор. Темур ўзининг довюрак шайтонлари билан унга (Мординга) қараб йўл олиб, тўхтамасдан ўз юришини давом эттирди. Гарчи жадал (юрувчи) отлиқ, бу масофани ўн икки кунда агар бундан зиёд бўлмаса — босиб ўтса ҳам Темур Такрийтдан Мордингача беш кунда етиб келди³⁶⁷. Мордин султони Малик Зоҳир³⁶⁸ Темурга илтижо қилиш ўзига зарар келтирмаслигига ишонч ҳосил қилиб, итоат либосига ўранган ҳолда унинг ҳузурига келди. Чунки унинг Темур ҳимояси этагига ёпишиб олиб хизматкорлари қаторига киришдан бўлак иложи қолмаган эди.

МОРДИН СУЛТОНИ ИСО МАЛИК ЗОҲИРГА ТЕМУР ТОМОНИДАН ҚАНДАЙ ГАМ-ҒУССА ВА БАЛОЛАР КЕЛГАНИ БАЕНИ

Аmmo Мордин султони Темурнинг ўзи устига гам-ғуссалар келтиришидан хавфланди. У ўз ҳошияси ва малайларини тўплаб, уларга: «Мен бу одам ҳузурига бориб (ўз) итоатимни изҳор қиламан. Агар у менга ўзим ирода этгандек жавоб қилса, (унга) айни муддао, агар у (мендан) қалъани талаб қилса, унда сизлар монелик билдириб рад қилинглр, қалъани (унга) топшириш ва унинг сўзларига эътимод (масаласи) сизларга боғлиқ. Башарти, масала қалъани топшириш ва менинг ҳалок бўлишим устига (бориб) тўхталса, у вақтда сиз менинг ўлимимни фойдали ҳисоблаб, қалъани сақлаб қолинглар. Бордию, (сиз) қалъани Темурга топширсангиз, унда (ичингизу-ташингиздаги) ҳамма нарсангизни қолдирасиз ва ҳаммангиз ҳалок бўласиз, бутун мол-мулкнингиздан жудо бўлиб, ўз нафсингиз ва диёрингизни ерга урган бўласиз. Модомики, (иш) шундай экан, мен ўз жонимни сизга фидо айлаб, ҳаётим эвазига сизни (келгуси) қайғу аламдан халос қилай, чунки «бир офат ундан бошқаларидан енгилроқ³⁶⁹» ва «мен сиз учун унинг томир уришини ушлаб кўраман³⁷⁰».

Сўнгра у ўз ўрнига биродарининг ўғли Малик Солиҳ Шаҳобуддин Аҳмад ибн Малик Саййид Искандар ибн Малик Солиҳ Шоҳидни халифа қилиб қолдирганидан кейин, Темурга қараб равона бўлди ва 796 йил рабий-ул ойнининг йигирма бешинчисида, чоршанба (1394 йил, 20 январь) кун (қалъадан) тушди ва ўша ойнинг охириги (2 февраль, душанба) кунда Ҳилолия³⁷¹ деб

аталадиган бир жойда Темур билан учрашди. Темур Малик Зоҳирни ноҳушлик билан қарши олиб, тезда уни тутиб олди ва ундан қалъани топширишни талаб қилди³⁷².

Малик Зоҳир унга: — «Қалъа ўз эгаларининг қўлида. Мени эса жонимдан ўзга мулким йўқ³⁷³. Шу (жоним)ни олиб ҳузурингга келдим ва уни сенга тақдим қилмоқчиман. Ҳолп қудратимдан ортиқ нарсани устимга юклаб, мажолим етмайдиган (иш)ни менга топширма» — деди.

Шунда Темур Малик Зоҳирни қалъага келтириб қалъани ўзига топширишни талаб қилди, лекин улар бу талабни рад этдилар. Шунда Темур Малик Зоҳирнинг (тақдирини) уларга топширди: ёки Темур унинг бошини узади ёки улар (қалъани топшириб) унинг ҳаётини сақлаб қоладилар. Лекин қуршовдагилар бу талаблардан юз ўгирдилар. Шундан кейин Темур (унга) омонлик (бериш) эвазига ундан юз тумон кумуш дирҳам³⁷⁴ (беришни) талаб қилди, — ҳар бир тумон олтинш минг, бунга Малик Зоҳирнинг «хушомадгўйлик қилиб³⁷⁵» олиб келадигани кирмас эди. Кейин у Малик Зоҳирнинг боғламини мустаҳкамлади ва ундаги мавжуд қуввату тоқатни кетказиш учун ундаги ҳар бир эшигу равоқни бекитди. Темур фасод учун этагини шимарди ва ўз одамларига дам бериб, отларини боқа бошлади. У ўз ёмонлиги қадаҳларини тошириб, тангри бандаларини унинг ерларига галва солиб, бебошлик қилабошлади. Шу зайлда у ўзига келмасдан ва ҳушёр тортмасдан Фирдавсдан³⁷⁶ тортиб то Расмал³⁷⁷, Насибийн³⁷⁸ ва эски Могул оралигида тентираб юрди. Кейин у жумод ул-охирида (3 март, 1 апрель) ўз аскарига хуруж қилиб Мординга қараб йўл олишни буюрди. Улар қушдан ҳам тез учиб, шиддат билан юрдилар, кундузи анҳорлардан, кечаси селлардан ўтдилар, чўлу биёбон умуртқаларини ҳинд қиличи кесиб ўтгандек (кесиб) ўтдилар ва ушбу баланд тоғу тепаликларга гўё ал-Киндий³⁷⁹ айтган (байт) мақомида иш тутдилар, мана у:

Гўё сувда пуфақчалар бирин-кетин пайдо бўлгандек,
Аҳли ухлаганида мен унинг ёнида пайдо бўлдим.

Темур аскарлари шаҳар ғофиллигида етиб келдилар ва фурсатни кеткизмай уни эгалладилар. Бу (воқеа)

жумод — ул-охир) ойнинг ўн иккинчисидан (14 апрель) сешанба кунин, субҳ, ўз фажри қилчинин яланғочлаб, зимистон қарғаси (ўз) уясидан учган пайтда (бўлган) эди. Улар гўё шаҳар деворлари қўлларидан биллагузуклар бўлиб, ушбу диёрларга вайронагарчиликни жойлаштирадилар, ҳамма ёқни титратиб таҳқирликни авж олдирдилар, талон-торожни кучайтириб, чор-атрофни харобага айлантирадилар. Деворларнинг юқорисига ёпишиб олиб, нарсалар орқали (шаҳар) еридан осмонига (юқорисига) кўтарилдилар. Уларнинг деворларга чиқадиган жойлари жануб томондан Яҳудийлар тепалиги, ғарб томондан-тепаликлар, шарқдан эса дўнгликлар эди. Улар шаҳарни туғёну зўрлик билан олдилар ва уни фишқу фужур ва куфурлик билан тўлдириб юбордилар. Шаҳар аҳли қалъага кўтарилди ва улардан бошқа ҳеч бир кимсада юқори манзиллик ва (баланд) мартабалик йўқ (кўринди)³⁸⁰. Улар даҳшат ичида қалъанинг олдинги ва кейинги қанотларидан бошпана қидира бошладилар, лекин қалъа (ичи)дагилар камон, милтиқ ва мидафълардан³⁸¹ ўқ узиб, уларни ҳайдадилар.

Душманлар уларни талаганлари ва қайбирларини асир олганлари билан қаноатланиб қолмасдан, кимни тутиб олган, бўлсалар — эркакми, аёлми, каттами, кичикми—ҳаммасини ўлдирдилар. (Бу) одамлардан баъзилари улар билан кўрашни давом эттириб матонат кўрсатдилар ва уларга қарши диёнат учун кураш йўлида саботчиликни шахид бўлишга бириктиришни иродат қилдилар. Токи шаҳар мажруҳ ва ўликларга тўлиб кетмагунча жангу жадал (ал-қитол) оятлари³⁸² улар устида тиловат қилинаверди. Бу (ҳол) қуёш тулуғидан ҳам олдин бошланиб, кун кеч бўлгунча давом этди. Қачонки тун лунжлари борлиқ чеккаларига тегиб, ушбу тарозибонлар ўз тарозию мезонларини зулму жиноятларидан эҳтиёжларига яраша тўлдириб, зулмат Нуни қуёш Йўпусини ютиб юборишга шошилгач, кутилмаганда ўша ҳаракатлар устига сокинлик келди ва Темур аскарлари орқага тисарилиб, Арбун³⁸³ муқобилида қароргоҳ тутдилар. Иккала қўшиндан ҳам сон-саноксиз кишилар ўлдирилиб, ўлганларнинг аксарияти шаҳар аҳлидан эди. Улар кечаси билан қурол-аслаҳа тайёрлаб, букилган найзаларини тўғриладилар ва сабрсизлик билан субҳ интизоридан бўлдилар. Қачонки тун ўз қўйнига яширганини йиртиб зулмат ўзининг сир тутганини зоҳир қилгач ва борлиқ кундуз юзига уфқ ёйларини (атрофларини)

Ўз оппоқлик тиглари билан уришни амр қилганда, Темур аскарлари гўё қузғунларга ўхшаб эрта тонгда туриб, уруш ва харобага қараб шошилдилар. Улар шаҳар аҳлини сиқиб қўйиб, бутунлай ҳисорга олдилар. Улар шаҳарни ва унинг деворларини пешинча яқсон қилиб, асрдан ўтгунча изларини маҳв этдилар. Кейин (улар) ўз жиноятларига киришганларида уларнинг (қора) зулмлари каби зимистон ҳам тарқалган эди.

ТЕМУР ЯШИРГАН ХИЙЛА ВА УНИНГ БАДҒАРАЗ НИЯТЛАРИ ЧАҚМОҚ ТОШИДАН УЧҚУН ЧИҚМАГАНЛИГИ ИЗОҲИ

Тун³⁸⁴ нобарор келиб, ҳайбат билан қалъани олишга муваффақ бўла олмагач, Темур ўз фикрини қайраб, макрини янгилади ва қабоҳатли муомаладан юз ўгириб, мурасага ўтди. Темур пайшауба кунини наҳоридида ўз аскарини (ҳамладан) тўхтатиб, элчи орқали уларга (мординликларга) хат юбориб, ўз хати жараёнида (шундай) деди:

«Мордин қалъаси аҳлига — заифларга, мискин ожизларга, ташналарга билдирамизки³⁸⁵, биз уларни афв қилиб, уларнинг руҳларию қонларига омонлик бахш этдик. Энди улар беҳовотир бўлсинлар ва (бизнинг) ҳақимизга дуоларини зиёда қилсинлар». Мен бу рисолаи қай тарзда учратган бўлсам, шундайлигича нақл қилдим. Лекин Темурнинг макри амалга ошмади ва (кўзлаган) муродига етишмади, чунки қалъанинг посбонини (ҳали) ухламаган ва унинг шайтон қоровуллари эса гўё (ўша) қалъа мисоли³⁸⁶ қайсар эдилар³⁸⁷. Натижада бу балоларнинг сабабчиси (Темур) шанба кунини субҳида Баширрияга³⁸⁸ жўнаб, Султон Маҳмуд деб аталадиган амир билан Омидга³⁸⁹ қўшинлар юборди. У (Султон Маҳмуд) тўлиб-тошган қўшин билан Омидга қараб юзланиб, уни беш кун қамал қилди. Кейин у Темурдан мадад сўраб мурожаат қилганда, Темур ўзи (Омидга) равона бўлди. У қалъада таҳқирлик ўрнатгач, қамалдагилар Темурдан омонлик тиладилар. Темур дарвозабонга омонлик ваъда қилгач, у дарвозани очди. Темур тепалик томондаги дарвозадан кириб, ундагиларнинг ҳаммасининг бўйнига қилич қўйди, барчасини ҳалок этиб, улардан исёнкору итоаткорни ўлдирди. Улар болаларни асир олдилар, хотинларнинг иззат-пар-

даларини йиртиб, ситроларига дахл қилдилар ва одамларга ғам-кулфат либосини кийгиздилар. Одамларнинг баъзилари жомеъдан бошпана излади. Натижада уларда (намозда) тик турган ва саждадагилардан икки мингга яқинини ўлдирди ҳамда жомеъни ёндириб, уни кулба ҳолатида ташлаб кетдилар. Сўнгра иблис Темурни Иржис³⁹⁰ қалъасини олишга бошлади. Кейин у кетишга шошилди ва Авник³⁹¹ қалъаси олдига келиб тўхтади. Унда туркмонлар амири Қаро Муҳаммаднинг ўғли Миср³⁹² турар эди. Темур одамлари ушбу қалъани қамал қилиб, омонлик эвазига уни олдилар. Бу (воқеа) 796 йилда, рамазон ҳайитидан кейин (1394 йил июль, август) бўлган эди³⁹³. Кейин Темур қалъада бўлган жангчиларни қатл этиб, Мисрни Самарқандга жўнатди.

БУЛИМ

Кейин Темур ёмон ният билан Малик Зоҳирнинг ёнига олиб 796 йил зу-л-қаъда ойининг еттинчисида (1394, 3 сентябрь) йўлга тушиб, уни Султония шаҳрида ҳибсга солди. Малик Зоҳир билан бирга унинг амирларидан: амир Рукнуддин, Изуддин Сулаймоний, Аснабуго³⁹⁴ ва Зиёуддинни ҳам ҳибсга солди. Малик Зоҳирнинг хабари унинг аҳлига етмаслиги ҳамда ўзининг ошкор ва яширин (кирдикор)ларини бирон кимса билмаслиги учун Темур уни қаттиқ тутқунликда сақлади.

Темур Малик Зоҳирни қаттиқ «азоб-уқубатга мубтало этиб, мустаҳкам қилиб (арқонга) боғлагач»³⁹⁵, Дашт Қипчоққа таважжуҳ этишга ният қилди ва у томонга шундай нарса юбордики, у фитнани оёққа турғизди. Малик Зоҳир ҳибсда бир йилни ўтказди, ҳеч кимса на уйқусидаю на ўнгида унинг ҳақида бирор хабар эшитмади. Кейин Султонияга Қатга Малика³⁹⁶ келиб, унинг дарду аламларини енгиллатди. Қатга Малика Малик Зоҳирга ўз жамоаси билан хат ёзишга рухсат берди ва ўзини унга холис насиҳатчи ва унинг манфаати талабгори (эканини) таъкидлаб, уни Темур мурувватига кириб, унга итоат этиш (йўли)ни излашга ундади. Бу (иш) Темурнинг макр-ҳийлаларидан (бири) бўлиб, унинг ишораси билан бўлган эди.

Кейин Темур 798 йилнинг шаъбон (1396 йил, май-июнь) ойида Дашт (Қипчоқ) дан қайтиб, Султонияда ўн уч кун бўлгач, Ҳамалонга қараб равона бўлди ва унда рамазон ойининг ўн учинчиси (1396 йил, 20 июнь)

гача турди. Кейин Темур тамоми иззат икром, шод-хурамлик қалби ва хотири билан Султониядан Малик Зоҳирни (ўз хузурига) чақиртирди. Темур одамлари ундан ва унинг тарафдорларидан (тутқунлик) зайжирларнинг ечдилар ва ўзига мансуб (одам)лари билан биргаликда Малик Зоҳирга ғоятда иззат-икром кўрсатдилар. Малик Зоҳир Темур томон (рамазон ойининг) ўн бешинчисида, (22 июнь) пайшанба куни жўнади ва унинг хузурига ўн еттинчида, (24 июнь) шанба куни етиб келди. Темур Малик Зоҳирни эҳтиром билан қарши олиб, уни ўз бағрига босди ва унда бўлган ваҳму қўрқувни кеткизди. (Унинг) юзидан қайта-қайта ўпиб, унинг ҳақиқага қилган ишлари учун (ҳаммага) эшиттириб Малик Зоҳирдан узр сўраб, (уни): «Дарҳақиқат, сен тангрига валийсан ва Абу Бакр, Али каби мартабанг улугдир», — деди. Темур Малик Зоҳир (ҳақиқага) ўзи томонидан содир бўлган ишларидан ўзини фориг қилиб, олти кун давомида зиёфат бериб, унга улуғ подшоҳлар киядиган шоҳона хилъатлар армуғон этди ва уни жуда чиройлик мақомга ўтказди. У Малик Зоҳирга кўпдан-кўп ҳадялар тортиқ қилдики, шулар жумласидан юзта от, ўнта хачир, олти миш минг кабокий динор, олти туя, заркашланиб марварид билан ҳошнияланган хилъатлар, беҳисоб, мўл-кўл инъом-эҳсонлар ато қилди ва бир байроқ бердики, бу унга нусрат (берилганлиги)ни билдириб, боши устида ҳилпираб турарди ва (яна) эллик олти фармон берди (ки), улардан ҳар қайсиниси бир шаҳарга волийлик (қилиш) ҳуқуқини бериб, у бу жойларда ҳеч бир кимса унга рақобат кўрсатмаслиги учун эди. Бу (шаҳар)ларнинг энг аввали ар-Руҳа бўлиб, у Диёрбакрнинг охиригача, то Озорбайжон ва Армания чегараларигача эди. Бу (иш)лар ҳаммаси алдов ва макрдангина (иборат) эди. Шунингдек, ушбу шаҳарлардаги (мавжуд) жами ҳокимлар унинг (Малик Зоҳирнинг) итоати остида бўлиб, унинг хизматкорлари ҳамда жамоати жумласидан ҳисобланиб, унга хирож ва (ҳар хил) хизматлар келтиришлари ва унинг фармонисиз (бўсагадан) бир қадам ҳам ўтмасликлари лозим эди. Малик Зоҳирнинг қўшниларида ҳеч бири қолмасдан³⁹⁷ тангри (томони)дан ўзига ҳадя қилинган (ҳарбий) ўлжа билан келиши ва на Темургаю на бошқа бирор кимсага ҳеч нарса келтирмасдан, тўлиғича унга бериши зарур эди. Гарчи бу (иш) зоҳиран иззат-икром (каби) бўлса-да, лекин оқибати унинг устига азоб-уқубат ва интиқом (келиши)

учун замин эди. Бу (иш) ҳар кимга аён бўлганидек, Малик Зоҳир ва унинг қўшинлари ўртасига адоват ташлатиб, натижада унинг Темурдан бошпана талаб ҳимоя сўрашига ва жами ишларида унга таянишига олиб келар эди. Душманларининг кўпчилигидан у (Малик Зоҳир) Темурнинг қўлигига кириб, (аста-секин) унинг қучоғида бўлади. Шунингдек, Темур у билан ҳар қачон ўзи талаб қилганда унинг ҳузурига келишини шартлашди ва Малик Зоҳирни бағрига босиб у билан хайрлашди ва (ўз) амирларига уни кузатиб қўйишларини буюрди.

Малик Зоҳир 798 йил рамазон ойининг йигирма³⁹⁸ учинчиси (1396 йил, 30 июнь) жума кечаси таъгликдан кенгликка чиқди ва ўз ҳаётидан рози ҳолатда ажойиб бир кайфиятда Султонияга етиб келди. Сўнгра у кўп сонли нафис ва кучли қўшига бош бўлиб, Табризга томон азм қилди ва Амираншоҳ ҳузурига ташриф буюрди. Амираншоҳ, унинг иззат-икромини зиёда этиб, кўндан-кўп ҳадялар тортиқ қилди ва бениҳая гўзал тартибда ва саодатли суратда уни кузатиб қўйди. Кейин у Востон³⁹⁹, Бидлис⁴⁰⁰, Арзан⁴⁰¹, орқали Сургача⁴⁰² борди. Унинг ҳақидаги хабар ўз қабилалари ва уруғ-аймоқларига (бориб) етгач, одамлар шод-хуррам бўлишди ва хурсандчилик ногоралари чалинди.

Кейин у шаввол (ой)нинг йигирма биринчиси, (1396 йил, 28 июль) жума куни шаҳарга етиб келди⁴⁰³. Шаҳар аҳли ва унинг ақобирлари Малик Зоҳир истиқболига (пешвоз) чиқдилар. Кутуб олувчилар пешвосида Малик Зоҳирнинг валнаҳди Малик Солиҳ турарди.

Малик Зоҳир саодатли ва иши барорли ҳолда шаҳарга кириб Хусомуддин мадрасасига томон юзланди ва ўз падари ҳамда дунёдан ўтган аждодлари (қабрлари)ни зиёрат қилди. У олий тахтни тарк этиб, Ҳижоз уш-шарифга таважжуҳни ният қилди. Лекин (барча) одамлар, хосу авомлар унга йўл бермай, ўзларини (унинг) олдига ташлаб оёқларини ўлдилар. Натижада, у ўзининг каромати мартабасига кўтарилиб, (ўз) мамлакатни тахтида қарор топди. Сўнгроқ бу борада зиёда баён айтилиб, Шом ерларини хароб этганидан кейин Темур ва унинг аскарлари Мординга келганда юз берган можаро зикр қилинади.

Айтишларича⁴⁰⁴, Малик Зоҳир ўз подшоҳлигида қарор топгач, унинг ҳузуринида бир гуруҳ адиблар — улар аввал ҳам унинг ҳузуринида бўлганлар-тўпланишган. Малик Зоҳир улардан содир бўлган ишлар хусусида бирон

нарса айтишларини сўраган. Биринчи бўлиб Бадруддин Ҳасан ибн Тайфур деди:

Темур туғёнда чегарадан чиқиб унинг зулми одамларни қирди. (Унинг) ёвуз кирдикорлари шарқу ғарбга ёйилди.

У ноҳақликни оширдик, унинг кетишидан (сизлар) шодланинглар. Чунки ноҳақларга қарши (замон) тескари айланади.

Котиблардан бири — Рукнуддин Хусайн ибн-ал-Асғар иккинчи бўлиб деди:

Бало келганда ишларни раҳмон (тангри) га топшириб фурсатдан фойдаланган эркаклардан бўл.

Чунки улар, хатарни кўрганда, ўз ишларини қудратли (тангри) га топшириб саломат қолдилар.

Кейин қози Садруддин ибн Зоҳируддин ал-Ҳанафий ас-Самарқандий учинчи бўлиб деди:

Гўё (бир) кунга ўхшаш эр кишининг умри узоқ

Энг яхшиси у ҳалдидан ошмас

Ҳар бир бекаму кўстликдан кейин ноқислик (келиши) ҳақ.

Қудрати кучли одам қули учун қасос олади.

Кейин котиблардан бири Алоуддин ибн Зайнуддин ал-Ҳисний тўртинчи бўлиб (ушбу) байтни айтди:

Ғамгин бўлма, чунки тангри ҳукм қилган иш бўлиши ҳақ:

Асли (бу) иш «кун фаякун»⁴⁰⁵ га топширилган; кўз қарашида

ҳаракат билан суқун оралмида бир ҳолат борки, у (ҳолат)

ўтиб кетади, у иш (эса) арзимас бўлиб қолади.

Бу (байт) Малик Зоҳирни таажжубга солди ва у Алоуддин ал-Ҳиснийни беш минг дирҳам билан мукофотлаб, унга ато қилди. Бу ёғини яна тангри билади.

ТЕМУРНИНГ ДИЕРБАКР ВА ИРОҚДАН ҚАЙТИБ ҚИПЧОҚ ДАШТИГА ТОМОН ТАВАЖЖУҲИ ЗИКРИ. ҚИПЧОҚ ПОДШОҲЛАРИ ВА ЕРЛАРИНИНГ ВАСФИ. ҚИШЛОҚ ВА ИУЛЛАРИНИНГ БАЁНИ⁴⁰⁶

Кейин Темур Араб ва Ажам Ироқларидан қайтди; унинг бу мамлакатларга қўйган қадами зафар олиб келган эди. Бу (ҳол) Шайх Иброҳим унинг ҳузурига келиб, ўз қўлида бўлган иқлимлар калитларини унга топширгандан ва итоат инжусини Темурнинг бўйнига

тақиб, унинг хизматида қўл қовуштириб тургандан ва Темур қуллари қаторига қўшилиб, Темур уни ўз ўғли мақомида кўргандан кейин бўлган эди. Сўнграқ биз Шайх Иброҳимнинг қай тариқа Темур билан танишиб⁴⁰⁷, қайси йўл билан унга яқинлашгани ҳақида зикр қиламиз. Кейин Темур Дашт Қипчоққа равона бўлиб, (тезликда) туя ва туяқушдек жидду жад кўрсатди.

У (Дашт Қипчоқ) бепоеън подшоҳлик бўлиб, кенг чўлларни ўз ичига олар эди. Унинг султони Тўхтамиш Темурга қарши урушиб муҳолиф (бўлган) султонларнинг пешвоси, гўё байроқдори бўлган эди, чунки у Темурга адоват билдириб чиққанлардан энг биринчиси бўлиб, Туркистон ерларида⁴⁰⁸ унга қарши жанг қилган эди; аввал (айтиб) ўтилганидек, шу жангда Темурни Саййид Барака қўллаб-қувватлаган эди⁴⁰⁹. «Дашт ерлари», Қипчоқ ерлари ёки Дашти Барака деб аталади⁴¹⁰. «Дашт» деб форс тилида ялангликни атайдилар. Барака⁴¹¹ унга изофа бўлиб, ислом (дини)ни қабул қилиб, Даштда ислом (дини) байроқларини ёйган биринчи султоннинг исмидир. Ваҳоланки Дашт аҳли аввал бутпараст ва кўп худога ибодат қилувчи бўлиб, ислом ва иймонни билмаган. Улардан айримлари шу пайтгача бутларга сиғинадилар.

Темур мана шу иқлимга томон Ширвон ерлари султони Шайх Иброҳим ҳукми остида жорий бўлган Дарбанд⁴¹² орқали юзланди. Унинг (Шайх Иброҳимнинг) насаби подшоҳ Кисро Ануширвонга бориб боғланади. Унинг Абу Язид деб аталувчи қозиси бўлиб, Шайх Иброҳим давлатининг жами арконлари орасида унга яқинлиги билан улардан устун турарди. У Шайх Иброҳим малакатининг дастури саналиб, унинг салтанати фалакининг қутби эди. Шайх Иброҳим Темур масаласида ҳам «Нима қилмоқ керак?» — деб ундан маслаҳат сўради: — «Унга бўйсунсинми ёки истехком қурсинми; қочсинми ёки у билан урушсинми?». Абу Язид: «Қочиш ва баланд тоғларда кўрган тикиб олиш — фикримча, энг ишончли ва мақбул йўлдир», — деб жавоб қилди. — «Бу мақсадга мувофиқ фикр эмас, — деди Шайх Иброҳим. — Ўзим нажот топиб раияларимни қийин кунга ташлаб кетишим билан қиёмат кунда яратган эгамга нима жавоб қиламан? Чунки мен улар ғамини ейдиган киши бўлиб, уларни қириб юборсам-а? Мен Темурга қарши муқотала бошлаб, уни ҳарбу зарб билан муқобил олишга азм қилмайман. Лекин тезда (унинг) ҳузурига

бориб амрига итоат билдириб, унга қуллик қиламан. Агар у мени (ўз) мартабамга қайтариб, (ўз) вилоятимда қарор топтирса, бу мен учун айни муддао ва кўзланган мақсад (бўлади). Агар у (менга) азият бериб (мартабамдан) азл этса ёки мени ҳибсга солса ё қатл қилса унда раия ўлим, талон-тарож ва асорат азобидан кутуладилар ва шунда Темур ўзи ихтиёр этган кишисини раия ва мамлакат устидан ҳоқим қилиб қўяди».

Кейин Шайх Иброҳим егулик, озиқ-овқатлар тўплашларини буюргач уларни жамладилар, қўшинларига эса бўлиниб, тарқалишларига рухсат этди. У ўз вилоятлари шаҳарларига зеби-зийнат бериб безашларини, аҳолига эса хоҳ қуруқликда, хоҳ денгизда бўлса ҳам — шинам ва кўркам кийиниб хотиржам ҳолда бир-бирларига ширин муомала қилишларини, мишбарлар (усту)да Темур исми билан хутба ўқитиб, динорлару дирҳамларни унинг тамғасию белгиси билан зарб этишларини амр қилди.

Шундан кейин Шайх Иброҳим армуғону хизматкорларни олиб, ширин кайфияту дадил қадам билан Темурга томон юзланди. У Темур ҳузурига (етиб) келгач, унинг олдида қуллик қилиб (унга) ҳадялар ва тухфалар, турли—туман ғаройибу ажойиб ашёлар тақдим қилди. Ҳадя тақдим қилаётганда чигатоиликларнинг одати шундай эдики, улар ҳадя тақдим қилинадиган (киши)нинг ҳурмат ва эътиборини қозониш учун тухфанинг ҳар қайсинисидан тўққизтадан тортиқ қилардилар. Шу сабабли Шайх Иброҳим ўзи тақдим қилган ҳадяларнинг ҳар қайси туридан тўққизтадан тортиқ қилди-ю, қуллардан эса саккизта тақдим қилди. Шу сабабли (тухфа) қабул қилувчилар: «Тўққизинчи қул қани?» — деб сўрадилар. Шайх Иброҳим: — «Тўққизинчиси (менинг) ўзим, қурбонман», — деди⁴¹³. Бу хитоб Темурга ёқиб қолиб, Шайх Иброҳим унинг қалбидан юқори мартабани эгаллади ва у Шайх Иброҳимга «Йўқ, сен менинг фарзандимсан ва ўша ерларда менинг халифам ва эътимодли (кишим)сан», — деди. У Шайх Иброҳимга қимматбаҳо хилъатлар кийгизиб, ўз осойишталигига эришганидан мамнун ҳолатда уни (ўз) мамлакатига қайтарди. Кейин ўша (у келтирган) егулик озиқ-овқатлар тарқатилиб, мевалар ва таомлар тақсим қилинса, ушбу майда (чиғир) тош ва қумга ўхшаш (беҳисоб) аскардан тоғ-тоғ таомлар қолиб кетди. Шундан кейин Темур Шайх Иброҳимни қолдириб, ўзи Шимол мамлакатларни ва тоторларга қараб юрди.

Темурнинг у ерларга томон юришининг яна бир сабаби шу эдики, — гарчи уни сабабга ҳеч бир эҳтиёжи бўлмасда — сўл қанот амирлари бошлиқларидан ҳамда ҳар қандай кулфатларни даф қилишга ихтиёр этиладиган аъёнлардан ва фикру машварат арбобларидан бири амир Идику Тўхтамиш ҳузурда эди. Унинг қабиласи қўнғирот⁴¹⁴ деб аталиб, туркларда ҳам арабларга ўхшаш турли қабилалар ва лаҳжалар мавжуддир. Идику ўз маҳдуми (Тўхтамиш)нинг юраги (унга писбатаи) ўзгарганини ҳис қилиб, ўз жони учун ундан хавотирда юрган эди. Тўхтамиш ғоятда даргазаб (киши) бўлиб, ўзи устига унинг ғазоби келишидан Идику хавфда эди. Шу ваздан у доимо ундан сергақланиб, Тўхтамиш томонидан шунинг тақозо қиладиган бирор ҳаракат сезса, қочишга ҳозирланиб юрарди. У Тўхтамишнинг ён-атрофида айланиб, унинг пишиқига тикилиб зимдан уни кузата бошлади. Вақтинчилик кечаларининг бирнда, қадаҳлар юлдузлари шират афлоқида айланиб юриб, ҳамр султонни ақл асирини устидан ўз амрини юргизгач, Тўхтамиш сўзини бошлаб Идикуга: — унинг (Тўхтамишнинг) басорат нури гоҳ ёниб, гоҳ ўчарди — дарҳақиқат биз иккимизга писбатаи бир кун келадики, унда устингга қаттиқ азият ёширилади ва сен ҳаёт-мамот дастурхонидан рўза тутиб, борлиқ кўзингни фано уйқуси билан тўлғизади», — деди. Шунда Идику фириб ишлатиб, мамнулик билан унга деди: — «Мавлоно ҳақонини, ҳиёнат қилмаган қулига озор етказишдан, ўзи ўстирган кўчатни қуритишдан, ёки ўзи қурган (бино) асосини вайрон қилишдан (худо) сақласин». Кейин у ўзини паст тутиб тазарруъ қилди ва (ўзини) мискиликка солиб, ҳақир ҳолатда кўрсатди. (Шу он) Идику ўзи гумон қилиб юрган (шубҳаси)га ишонч ҳосил қилди ва бу ҳолатдан қутулиш борасида (ўз) зеҳнини ишлатиб, шу йўлда ўзининг (бутун) ақлу идрокини ишга солди ва агар у бу ишда озгина бепарволик билдириб пайсалга солса, унда кеч бўлишини билди. Бир оз муддат (кутиб) тургач, султон (Тўхтамиш) рафлатдалигида⁴¹⁵ Идику ёрдамчилар ва мулозимлар орасидан сенинггина, қалби титраган ҳолда, гўё ҳожатини адо этишга чиққандай (ташқарига) чиқди. Кейин у ҳаяжонланган, лекин гангимаган ҳолда Тўхтамишнинг отхонасига келди ва эгарланиб ҳар қандай шиддатга тайёр турган зотдор бир отни миниб, ўз мулозимларидан бирига — унинг сирни ёймаслигига амин эди — «Кимки мени учратмоқ истаса, (мени) Темур

ҳузурдан топади. Бу сирларни, мен саҳрони кесиб ўтганимга қаноат ҳосил қилганингдан кейингина тарқатгин», — деди. Кейин у (киши)ни қолдириб жўнаб, кетди; унинг ғойиб бўлганини фақатгина у узоқлашиб кетиб, қават-қават йўлларни босиб ўтгандан ва юриш дастгоҳида узундан-узоқ масофани тўқигандан кейин сезиб қолдилар⁴¹⁶. Унинг кетидан қувганлар на ундан асару, на губор кўрдилар. Идику Темур ҳузурига (етиб) келиб, унинг қўлларини ўпди ва ўз ҳикоятлари ва ахборлари қандай бўлган бўлса шундайлигича арз қилиб, (Темурга) деди: «Сен олис ерларгаю машаққатли, бефойда жойларга интиласанда, ўзингни хавф-хатарга дучор қиласан, дашти-биёбонлар қобирғаларини кесиб, сафар китобларини тиловат қиласан. Мана бу кўз ўнгиңда осонгина ўлжа турибди: сен уни ҳеч бир зарарсиз фойда сифатида бемалол ва ҳеч бир қийинчиликсиз оласан. Нега бунчалик сусткашлигу лажлик? Нима учун бу қадар пайсалга солишлигу кейинга судраш? Қатъий азм билан ўрниңдан тур, мен сенга бу ишда кафилман. Ҳеч бир қалъа сенга моневлик қила олмайди, ҳеч бир тўсқинлик сени тўхтата олмайди, ҳеч бир қилич сени даф қила олмайди ва ҳеч бир ҳимоячи йўлниңни тўса олмайди, ҳеч бир душман сенга рўнара бўлолмайди ва ҳеч қандай жангчи сен билан урушга кира олмайди. У ерда фақат қаланғи-қасанғи ва қуйқа (одамлар)ни кўрасан, олиб кетишли мол-дунёлар ва молларга ўхшаш оёқда юрган хазиналарни кўрасан». Гўё кейинроқ зикр қилинажагидек, Темур ўз қўшинлари билан Табризга келганида, Усмон Қаройлук Султон Бурҳонуддин Аҳмадни ўлдириб унинг Сивасини қамал қилгандан кейин (Темурни) Шомга киришга ундагани каби, Идику Темурни бу ишга ундар ва ғоятда сайъ кўрсатиб Темур ақлини олиб, атрофида гир айланар эди.

Натижада, Дашти Баракани ишғол қилишга Темур тўла-тўқис ҳаракат билан тайёргарлик кўра бошлади. Бу ерлар ёлғиз тоторларники бўлиб, турли-туман чорвалари кўп ва турк қабилалари билан тўлиқ (эди); унинг чегаралари муҳофаза этилган, ён томонлари маъмур⁴¹⁷, теварак-атрофлари бепоён, сув ва ҳавоси соф эди. Даштнинг ҳашами-довюрак, қўшинлари мерган ёйчилар, (бошқа) туркларга нисбатан уларнинг лаҳжалари тўғрироқ ва улардан кўра қалблари софроқ, юзлари ҳуснироқ, чиройлари баркамолроқ эди. Аёллари қуёш, эркаклари тўлин ой мисоли; подшоҳлари-бошлиқлари,

аъёнлари⁴¹⁸ арбоблар эди. Улар (ораси)да на ёлғончилигу на фирибгарлик, на айёрлигу на маккорлик бор (эди). Қўрқув нималигини билмасдан аравада бежавотир сайр қилиш улар одатларидан эди. (Улар) шаҳарларининг адади кам бўлиб, манзиллари орасидаги масофа ёироқдир. Дашт ерларининг ҳадди қибла (жануб) томондан туғёнли, қаҳрли Қулзум⁴¹⁹ (денгизи) ва Рум ерларидан уларга қараб оқувчи Миср денгизи эди. Черкасларнинг тоғи «улар иккаласини ажратиб турувчи бўйини»⁴²⁰ каби бўлмаганда эди бу икки денгиз оз бўлмаса қўшилиб кетарди. Шарқ томондан Хоразм, Утзор ва Сигноқ ерлари, Туркистон ва Жатоғача ҳамда Мўғул ва Хитой ерларидан бўлган Сийн ҳудудларигача чўзилган бошқа ерлар ва уфқлар чегарадошидир. Шимол томондан эса Ийбир—Сибир⁴²¹ ва дашту биёбону тор мисоли қумликлар... У ерда қанчадан-қанча саҳролар борки, уларда (сонсиз-саноқсиз) қуш ва ваҳшийлар дайдиб юрибди! Улар гўё олам уруғларининг марҳаматики, унинг ниҳоясига идрок этиб, чегарасининг тубига етиб бўлмайди. Ғарб томондан рус ва булғор ҳамда ярамас насронийлар ерлари⁴²² чегараларидир. Бу ерларга Ибн Усмон ҳукми остида жорий бўлган Рум ерлари келиб туташади. Олдинлари карвонлар Хоразмдан чиқиб, ҳеч бир хавф-хатарсиз ва шубҳасиз арава билан тўғри (Дашт ёқалаб) Қримгача юрарди. Бу юриш уч ойга яқин муддатни оларди. Даштни кўндаланг кесган бир қум денгизи бор эдики, қарийб етти денгизга баробар келарди⁴²³; шунда тажрибали йўл бошловчи ҳам йўл билмас ва энг пихини ёрган шайтон ҳам яқин йўлай олмас эди. Карвонлар (ўзлари билан) на озиқ-овқат, на уловларига ем-хашак, на ўзларига ҳамроҳ ва йўл бошловчи⁴²⁴ олардилар. Бу (ҳол) у ерларда аҳолининг кўплиги, ҳавфу хатарининг йўқлиги, (ерли) одамларда озиқ-овқату сув сероблигидан эди. Улар бирор жойга чиққанларида фақат (ўз) қабиласи одамлари билангина чиқиб ўз меҳмонига иззат-икром кўрсатган кимсаникигагина қўнардилар. Гўё ушбу байт⁴²⁵ улар тўғрисида айтилгандек: Улар (Макка аҳли) ҳар томондан⁴²⁶ Укоз⁴²⁷ (тоғи)ни ўраб турадилар.

Уларнинг болалари унинг атрофида «Ироор»⁴²⁸ деб қичқирардилар.

Аммо шу кун(лар)да эса у жойларда — Хоразмдан тортиб Қримгача ўша халқлардан ва одамлардан на бирон юрувчию на бирон тўхтаб турувчи (турғун) кимса

бор; у ерда кийик ва туялардан бошқа бирорта ҳам жон асари йўқдир.

Даштнинг пойтахти — Саройдир. Бу шаҳар ислом тартибда (қурилган) бўлиб, руқунлари бадоатлидир; унинг васфи (кейинроқ) келади. Султон Барака—оллоҳ, уни раҳмат қилсин — исломни қабул этганида шу шаҳарни бино этиб, ўзига дор-ул-мулк қилиб танлади ва Дашт аҳллари ислом ҳимояси остига киришга ундаб, уларга ҳомийлик қилди. Шу сабабдан Дашт ҳар бир хайру бараканинг макони бўлди ва (номи жиҳатидан ҳам) Қилчоққа изофа қилганларидан кейин уни Баракага мансуб этдилар. Мавлоно саййидимиз, марҳум Хожа Абдул Маликнинг⁴²⁹ ўғли — у худойи таоло раҳмат қилгур жалолотли шайх Бурҳонуддин ал-Марғинонийнинг авлодларидан (бири) — мавлоно саййидимиз Хожа Исомуддин 814 (1411—1412) йилда Ҳижоз уш-шарифдан қайтганидан кейин — ҳозирги кунларда, яъни 840 (1436) йилда унга Самарқандда риёсат (вазифаси) ўтган Дашт йўлларда бўлса у хилма-хил машаққатларни бошидан кечирган эди — Дашт шаҳарларидан бири Ҳожитархонда⁴³⁰ менга ўзининг ушбу шеърини нашида этганди:

(Мен) эшитгандимки, хайру саҳоват, исми ўзининг султони

Барака (номи)га борадиган саҳрода бўлади.

Мен саёҳатим туясини унинг ёнига чўқтирдим.

Лекин мен (у ерда) бирор кишида ҳам баракат кўрмадим.

Шунингдек, (яна) ушбу зикр қилинган макон ва замонда у менга ўзининг ушбу шеърини нашида этдики, унда мавлона саййидимиз ва шайхимиз Ҳофизуддин Муҳаммад ибн Носируддин Муҳаммад ал-Қурдий ал-Баззовий ал-Хоразмийга⁴³¹ — худойи таоло унинг ўз раҳматига ўрасин — ишорат қилади:

Қайси бир шаҳарда бўлмасин қачонки, одамлар ўз ишларини биронта (ҳофиз)нинг қўлига (сақлашга) топширса, бу сақловчи (ҳофиз) уларнинг султони бўлади, аммо султон бўлса энди сақловчи эмасдир.

Баракахон ислом хилъатини кийиш шарафига муясар бўлиб, Дашт атрофларида ҳанафий дини йўлида байроқларни кўтаргач, ўз динларни хусусиятларидан одамларни воқиф қилиш ва ягона худони ҳурматлаш йўлларини кўрсатиш ва уларда тўғри эътиқод ҳосил қи-

лиш учун у атрофлардан уламоларни ва (дунёнинг) барча уфқларни бурчакларидан машойиҳларни (ўз ҳузурига) даъват этди. Бу йўлда у гоят даражада мурувват кўрсатиб, улардан келганлари устига ҳадялар денгизларини ёғдирди. У илму фанни ва уламоларни ҳурматга сазовор қилиб, тангри таоло қонун-қондаларни пайғамбарлар тартиботларини улуғлади. Шу вақтда Баракаҳои ҳузурига, ундан кейин Ўзбек⁴³² ва Жоншбекҳои⁴³³ ҳузурига мавлоно Қутбуддин аллома ар-Розий⁴³⁴, шунингдек, Шайх Саъдуддин Тафтазоший⁴³⁵ ва «Ҳожибия»нинг⁴³⁶ шарҳловчиси саййид Жалолуддин ва улардан бошқа ҳанафийлар ва шофиъийларнинг фозил кишилари бор эди. Сўнгра, улардан кейин мавлоно Ҳофизуддин ал-Баззозий ва мавлоно Аҳмад ал-Хўжандий⁴³⁷ — худойи таоло уларни раҳмат қилсин, — (бор эдилар). Ушбу саййидларнинг воситаси билан Сарой илму фаннинг маркази, бахту саодатнинг манбаи бўлиб қолди ва қисқа муддат ичида у ерда олимлар, фозиллар, адиблар, зарифлар, етук кишилар ва фазилат соҳиблари, ажойиб ва гўзал ҳислатли кишилардан шунчалик (кўп) даражада йиғилдики, у ердан бошқа ҳеч бир жойда, ҳатто Мисрнинг (Қоҳиранинг) жомъе масжиди ва унинг қишлоқларида ҳам шунчалик йиғилмаганди. Сарой бунёд этилиши ва у ерда мавжуд (бўлган) бинолар харобаси ўртасида олтиш уч йил (вақт) ўтди. У (Сарой) ўз сурати ва халқининг кўплиги жиҳатидан энг азим шаҳарлардан бири эди. Хикоя қиладиларки, Сарой аёнларидан бирининг қули қочиб кетиб, (катта) йўлдан четроқ бир жойда истиқомат қилган ва ўзига бир дўкон очиб унда майда-чуйда нарсалар билан савдо қилиб, (ўз) тирикчилигини ўтказган. Бу тутқун шу зайлда ўн йилча давом этса ҳам, хўжайини у билан бир марта ҳам дуч келиб, уни учратмаган ва кўрмаган. Бу, Саройнинг азимлигидан ва аҳолисининг кўплиги (сабаби)дан эди. Сарой, унинг ҳақида сайёҳлар, тарихчилар ва дарवेशлар бир овоздан оқувчи дарёлар ва чучук сувлар оқиб қўшиладиган дарёлар ичида ундан каттаси йўқ деб гапирадиган Итил⁴³⁸ (дарёси)дан ирмоқланган бир дарё қирғоғида жойлашган. Бу дарё рус ерларидан оқиб келиб, ундан ҳеч қандай фойда бўлмай, у фақат одамларнинг жонини олиб кетади⁴³⁹. У Қулзум (Каспий) денгизига қуйилади. Шунингдек, Жайхун⁴⁴⁰ ва ажамларнинг бошқа дарёлари ҳам шу мисолидир. Лекин Қулзум денгизи тор (ўралган) бўлишига қарамасдан Қийлон, Мо-

зандарон, Астробод ва Ширвон каби баъзи ажам ерлари унинг атрофини ўраб туришади. Сарой дарёсининг номи Санкила бўлиб, ундан (ҳам) фақат кемалар ёрдамида ўтиш мумкин; пиёда ва отлиқ унга қадам ҳам қўймайдди. Бу узун ва кенг деңгиздан⁴⁴¹ қанчадан-қанча ирмоқлар ажралиб чиқадики, улардан ҳар бири Фрот ва Нилдан каттадир. (Қачонки Жонибекхон Дашт ҳокимлигини эгаллаганда...⁴⁴²

УШБУ ТҶҲОННИНГ КЕЛИШИ ВА УНИНГ ТҶҲАМИШХОННИ ЕНГГАНДАН КЕЙИН ДАШТ ХАЛҚЛАРИНИ ОҚИЗИБ КЕТИШИНING БАЕНИ

Темур бу ерга (Даштга) учувчи (камон) ўқлари, ўткир тигли қиличлар, ҳавода ўйнатилган найзалар, йиртқич шерлар ва ғоратгар шиддатли қоплонлар, душманни қувиб етиб, ўзи ва қўшниси ҳақини ҳимоя қилаоладиган, ўзи ва мамлакати шарафини, ўлжа ва насабини қўриқлайдиган, уруш деңгизи гирдобига ўзини ташлаб, унинг тўлқин ва оқимларини даф қиладиган сол-саноксиз қўшн — йўғе, тўлиб тошиб пишқирган деңгизлар — билан келди. Шунда Тўхтамиш ўзининг ҳашами заимларига ва уммати улуғларига, саҳроларидаги⁴⁴³ яшовчиларни чет-атрофда истиқомат қилувчиларига, ўз жабҳалари бошлиқларига, ўнг ва сўл (қанотлар) даги устунларига⁴⁴⁴ хабар юбориб, уларни ўз ёнига чорлади ва (Темурга қарши) жангу жадалга даъват этди. Натижада улар (Тўхтамишга) итоат кийимига ўранган ҳолда «ҳар тарафдан чувалашиб чиқиб келдилар»⁴⁴⁵. Натижада (турли) қабилалар ва халқлар тўпландиларки, улар ичида отлиғи ва пиёда, қиличли камонли, душманни учратиб яқинлашувчи ўткир қиличлар ва эгилувчан найзалар билан жанг қилиб ўлдирувчилар бор эди. Бу одамлар уста мерганлар бўлиб, отишда жуда ҳам моҳир эдиларки, уларнинг отган бир ўқи ҳам бекор кетмасди: отишда улар Суал⁴⁴⁶ одамларидан ҳам мерган эдилар; агар улар камон ипини тортиб, мақсадни нишонга олсалар, олган нишонлари ётганми ёки учиб кетаётганми, бундан қатъи назар, нишонга тегизардилар.

Шундай қилиб Тўхтамиш қумдек ҳисобсиз ва тоғлардек улкан аскар билан тўқнашувга қўзғолиб, жангу жадалга ҳозирлик кўрди.

ЖАНГ ПАЙТИДА ТЎХТАМИШ АСКАРИ УРТАСИДА ВОҚЕЪ БЎЛГАН ИХТИЛОФ БАЕНИ

Иккала қўшин бир-бирига рўпара келиб жанг бошлангач, Тўхтамиш аскари ўнг қанот бошлиқларидан бири — унинг (Тўхтамиш) амирларидан бирида хун қасди бор эди — олдинга чиқиб (Тўхтамишдан) ўша амирни талаб қилди ва уни ўлдириш учун (ундан) ижозат сўради. Тўхтамиш унга: «Майли, сенинг қалбинг ором тоқсин ва илтимосинг амалга ошсин. Лекин сен одамлар бошига нима келганини кўраясанку? «Бироқ сен бизга муҳлат берки, (душман) қўшинлари узоқлашиб биз мақсадимизга эришганда, мен сенга дилозорингни (тутиб) бериб, ғанимингни тошираман. Ушанда сен ундан қасдингни олиб, ниятинга етгайсан», — деди. Аммо ўнг қанот бошлиғи жавоб бериб: — «Йўқ, (фақат) ҳозир, бўлмаса мен сўзингни ҳам тингламайман, сенга итот ҳам қилмайман», — деди.

Тўхтамиш деди: «Бизнинг бошимизда катта кулфат борки, у сенинг истаган нарсангдан кўра ҳам муҳимроқ ва (бизнинг) олдимизда даҳшатли ғам-ғусса турибдики, у сенинг мусибатингга қараганда ҳам ғамгинроқдир. Сен сабр қил ва шошма, хотиржам бўлиб хавотирланма, бировнинг ҳақи бировга кетмайди ва ҳар кимнинг сазовор бўлгани (беасар) йўқолмайди. Сен кўр кишига жарликдан нажот излатма ва тиг устида тургандек (шунчаки) Аллоҳга ибодат қилган кишилардан бўлма⁴⁴⁷. Гўёки (сендан) шиддат кечаси ўтди-ю, омад (келиш) эртаси порлади. Ўз жойингни мустаҳкам ушла ва душманларинг билан жанг қил; олға (томон) юр-у орқага тисарилма ва «(сенга) амр қилингандек (душманини) бурда-бурда қилавер»⁴⁴⁸.

Шунда ушбу амир катта бир гуруҳ билан ажралиб кетди, унинг орқасидан барча хиёнаткорлар ва муртадлар, шунингдек унинг ақтов⁴⁴⁹ деб аталадиган қабила-сининг ҳаммаси эргашди. У Рум ерларига томон боришни хоҳлаб, ўз мулозимлари билан Адрна (Адрианополь) атрофларигача етиб борди ва ўша жойларни ватан тутдилар⁴⁵⁰. Шу сабабдан Тўхтамиш аскарлари саросимага тушди ва унинг хоҳиши ўқлари кўзлаган нишонига тегмай ёнидан ўта бошлади. У душман билан учрашиш ва мулоқот муқаррарлигидан бошқа йўлни кўрмади, ўз руҳинию қўшинини мустаҳкам қилиб, сусткашлигу енгил-

такликни ўзидан қочирди. У фақаросининг ботирларини олдинга қўйиб, отлнғу пиёдаларни тартиблади, (қўшинлари) маркази ва қанотларини мустаҳкамлаб, қилич ва ўқларини тузатди⁴⁵¹.

БУЛИМ

Аммо Темур аскарининг бу ишлардан кўнгли тўқ, чунки унинг ҳолати маълум, васфи (ҳаммага) аён, унинг байроқлари манглайига ғалаба ва ҳокимлик сатрлари битилган (эди).

Кейин икки қўшин бир-бирига яқинлашиб, тўқнашдилар⁴⁵² ва уруш олови туташиб ловиллаб кетди. Душман-душманга қараб сурилди, бўйинлар қиличлар зарбасига чўзилди, кўкраклар эса найзалар санчувига яланғочланди, юзлар ғуборланиб хиралашди; (бамисоли) бўрилар тишларини иржайтириб вовилладилар ва жангга ташландилар, ёвузлик қоплонлари ғазабга кирдилар ва ерга ётиб писиб олдилар; аскар шерлари жунларини ҳурпайтириб бир-бирига ёпишдилар, таналар ўқлар патига ўрандиларки (бундан) сочлари диккайиб кетди. Пешволарнинг пешоналари-ю, бошлиқларнинг бошлари уруш меҳробида ерга сажда (қилиш) учун энгашиб мукка тушди, ғубор кўтарилиб чангу тўзон кўкка сокурилди ва ҳар бир хосу авом қон денгизларига чўмди. Ғуборнинг қоронғи зимистонида ўқлар юлдузларни устувлар шайтонлари учун зарба берувчи тошлар⁴⁵³, қиличларнинг ярқираши, султонлар ва подшоҳлар учун ғубор булутлари ичида чақнаётган яшин (мисоли) бўлиб қолди. Улимнинг келишган чўзиқ отлари тинмасдан елиб-югуриб гижинглар, ажал шерлари тўхтамасдан сакраб, душман устига ташланар ва савлат тўкарди. Туёқлардан чиққан чанг кўкка кўтарилар, тўкилган қон саҳро бўйлаб оқиб, ниҳоят ер олтига, осмон эса денгизлар каби саккизта бўлиб қолди. «Бу хусмату ладад уч кунга яқин давом этди»⁴⁵⁴. Кейин ғубор ёйилиб, Тўхтамыш аскари енгилиб, «орқасини ўгириб қочгани»⁴⁵⁵ аён бўлди. Унинг аскарлари даҳшатга тушиб қочди. Темур қўшинлари Дашт ерларида тарқалиб ўрнашиб олди. Темур Даштнинг (барча) қабила-ларига эгалик қилиб, уларни бошдан охиригача забт этди. У ҳар бир нотик (жонли)ни қўлга олиб, ҳар бир соқитга эгалик қилди; ўлжаларни жамлаб, қўлга туширганларни тақсим қилди; талаш ва асир олишга рух-

сат бериб, қаҳру жабрни жорий қилди, улар (чироқ) пиллкларини⁴⁵⁶ ўчириб, луғатларини йўқ қилди ва авзоъларини ўзгартирди; ўз қудрати етгунча мол-дунё, асир ва матолар олиб кетди. Темур (аскари)нинг олд қисмлари Азоққача⁴⁵⁷ етди. У Сарой, Саройжуқ⁴⁵⁸, Ҳожиторхон ва ўша уфқларни вайрон қилди. Темур назарида Идикунинг мартабаси улуғ бўлди. Шундан кейин Темур (ўз) Самарқандини кўзлаб, орқага қайтди. Темур Идикунинг ўзи билан бирга юришини истагач, у ҳам (Темурга) ҳамроҳ бўлиб, унга эргашди.

ИДИКУ ВА У ҚИЛГАН ИШ ҲАМДА ҚАЙ ТАРИҚА У ТЕМУРГА ЧАП БЕРИБ, УНИ АЛДАГАНИ БАЕНИ

Кейин Идику ўзининг уруғ-аймоқлари ва яқинларига, сўл томон қабилаларига — уларнинг ҳаммаси унинг тарафдорлари ва дўстлари эди, — Темурдан махфий равишда чопар юбориб уларни ўз жойларидан кўчишга ва ватанларидан этакларини шимариб чиқишга, ўзи уларга аёну баён қилган ҳамда уларга ўтиш машаққатли бўлиб, инҳоятда хавfli (бўлган) жойларга томон силжишларини, агар имконият бўлса бир манзилда икки кун (ҳам) турмасликларини — зинҳор шундай қилишларини, йўқса Темур улар устидан зафарга эришса у уларни бўлак-бўлак қилиб тўзитиб, ҳаммаларини қириб ташлашнинг хабар берди.

Жамоаси Идику кўрсатган (йўл-йўриқ)га амал қилди ва ҳеч бир пайсалга солмасдан йўлга тушди. Идику ўз жамоасининг (Темурдан) қутулиб кетиб, уларни олишга Темур эди ожиз (экаплигини билгач, Темурга: «Э Мавлоно амр! Менинг кўпдан-кўп ақориблару мулозимларим бўлиб, улар менинг мадакдор, таянч (қанот)имдир; улар ҳаётининг ҳузур-ҳаловати менинг ҳам ҳузур-ҳаловатимдир. Мен кетгач улар устига Тўхтамиш томонидан жабр-жафо ва кулфат тушмаслигига ишонч йўқ. Балки (мен ҳеч) шубҳа қилмайманки, Тўхтамиш уларнинг ҳаммасини ўлдириб, қириб ташлайди. Ҳануз мен жанобларининг паноҳида унга (Тўхтамишга) қарши ҳимояда экалман, ўзининг ярамас табиатига кўра у менинг одамлариму уруғларимдан қасос олади, чулки (бу) қонли қирғин матосини мен тўқиб, уни бу бало дарасига йиқитиб, мағлубият дарбандига ағдардим. Ҳар ҳолда, уларнинг Тўхтамиш билан ёнма-ён яшашидан қалбим оромда

эмас. Дарҳақиқат, дўстларим душманим билан қўшни (бўлиб) турсаю, қандай қилиб ҳаёт менга лаззатли бўлади? Агар нур таратувчи фикрлар (инг) тақозо қилса, ўша жойларга ва у кўп сонли қабилаларга саховатли фармон, олий ҳимматли амр билан чопар юборилса-да, бу билан уларнинг хотирларини (ўзингга) майл қилиш ва улар қабилалариню гуруҳлари қалбларини тинчитиб билан бирга уларни (у жойлардан) жўнашларига ишора қилиниб, беминнат яшашлари кўрсатилса; унда биз ҳаммамиз сенинг саховатинг кўланкаси остида соя-салқини, айшу ишрат бўстонидан яшаймиз; бу зинғиллаган тен-текис даштдан халос бўламиз. Ҳузур-ҳаловатсиз ўтган умримиздан ўз ҳиссамизни чиқариб боқий умримизни «остидан анҳорлар оқиб турадиган жаннат бўстонларида»⁴⁵⁹ ўтказамиз. Сенинг ҳимматли раёинг ҳамма нарсадан олийки, унга амал қилиш қулларинг учун энг аъло ишдир», — деди.

Шунда Темур Идикуга деди: «Сен халқингнинг энг мустаҳкам (дарахти) танасисанки, халқинг унга (туялар каби) суйканади. Мадомики сен мавжуд экансан, унда ким ҳам бу йўлдан боради?» Идику эътироз билдириб: «Барча (кишилар) сенинг қулиг бўлиб, улар сенинг мақсадингга эргашувчи муридларингдирлар: истаган ишга лойиқ деб ҳисоблаган одамнинг учун ҳар қандай иш осондир», — деди. Темур: «Йўқ, бу ишга энг муносиб киши сенсан ва (сен) у ишни ўз устингга ол, чунки шаҳарда ҳукми бор киши ўзга билан ҳисоблашмайди». Идику Темурга: «Амирлардан бировини менга қўш, чунки у мен учун уларга нисбатан ҳимоя бўлади ва унга ўзингнинг олий фикринг тақозо қилган саховатли фармонларингни бергин», — деди.

Темур бунга рози бўлиб, ўзи хоҳлаган амирини унга қўшиб, унинг муродини бажо келтирди. Натижада Идику ва унинг ҳамроҳи ўз заруратларини тугаллаб, кўзлаган матлаблари томон юзландилар.

Идику Темурдан узоқлашгач, у (Темур) аввал ўзи қўлдан чиқазган (иш)ни тушунди ва Идикуни ўзининг ақлини ўғирлаб, чалғитганини фаҳмлади. Темур (кейин) хотирига келган бир иш ва ўзида туғилган бир фикрни ваз кўрсатиб, Идикунинг қайтишини талаб қилиб, (орқасидан) чопар юборди. Чопар Идикуга етиб, ўзининг нима ваздан юборилганлигини (унга) етказгач, Идику чопарга ва ўзи билан бирга бўлган амирга — икковига ҳам ўзига эргашини ман этиб: «Истаган ишларингни

қилинглар ва ўз соҳибингиз олдига қайтинглар. Унинг қўлини ўпиб айтингларки, бизнинг улфатлик муҳлатимиз ниҳоясига етди. Мен унинг баҳридан ўтдим, мен худодан қўрқаман»⁴⁶⁰, — деди.

Темур чонари ва амир, Идику билан қўпол муносабатда бўла олмас ва улар учун бу шиддатли дамда унга нисбатан мулойим муомила қилишдан бошқа илож йўқ эди. Шу сабабли улар фурсатни ўтказмасдан Идику билан хайрлашиб (орқаларига) қайтдилар.

Бу хабар Темурга етгач, у изтироб чекиб, ғазабланди; аламзада бўлиб, афсусланди. У ғазабидан тишларини ғижирлатиб надомат қилди, лекин надоматнинг вақти эмас эди⁴⁶¹. У оз бўлмаса (Идикуга) ғазабидан ўзини ўлдираёзиб, (ушбу сўзлар) қадаҳларини ютди: «Бир куни келадик, унда золим ўз қўлларини тишлайди»⁴⁶².

Темурда Идику билан яна кўришиш завқи бўлмади ва шу сабабдан заррача ҳам (уни деб) ҳаракат қилмай ўз ерлари томон юзланди. Кейин Идикуни (оромида) қолдириб Самарқандига қараб жўнади. Мана шу, Темурнинг Дашти Баракадаги ишларининг охиригиси бўлди. Айттишларича, (ҳозиргина) зикр қилинган Идикудан бошқа ҳеч бир кимса Темурга чап бериб, уни на сўздаю, на амалда алдамаган. Мен (қўшимча) айтаманки, шунингдек яна бош қози Валиуддин Абдураҳмон Ибн Халдуи Моликийдан бошқа (ҳеч ким уни алдамаган); унинг иши ва ҳикояти кейинроқ келади.

ТЎХТАМИШ ВА ИДИКУНИНГ ИШИ ВА АҲВОЛИ УЗГАРМАГУНИЧА УЛАРНИНГ (ИККОВИ) УРТАСИДА ШИМОЛ ТОМОНЛАРДА БУЛИБ УТГАН ЖАНГУ ЖАДАЛ ТАМОМИНИНГ (БАЕНИ).

Темур ўзи қўлга киритганлари билан мамлакатига етиб келиб, унда қарор топгач ва Идику ўз ҳошиялари билан бирлашиб, (ўз) дўстларию тарафдорларини (кўрганлигидан) шод-хуррам бўлгач, Тўхтамишнинг ишлари қай аҳволдалигини суриштириб, ундан ўзини муҳофаза қилиб сергакланиб турди. У ўрнидан қўзғалиб, унга қаршилик кўрсатишга ҳозирлик кўрди, чунки Тўхтамиш йиртган (нарса)ни тикишга унинг иложи етмади, у бўлак-бўлак қилган (нарса)ни ямай олмади. Шунингдек, мустақил салтанатга даъво қилиш ҳам унга мумкин

бўлмади, чунки агар бу (наrsa) мумкин бўлганда эди, унда (бу) ерларга эгалик қилган Темур (қатъий) даввогар бўлиб чиққан бўларди. Шу сабабдан Идику ўзи томонидан султон қўйиб, дор ул-мулкга эса (махсус) хонни кўтарди. У чап қанот бошлиқларини ва улар қабилалари аёнларини ўз ёнига чақирганда, улар унинг чақириғига «лаббай» деб жавоб қилиб, ҳузурига келдилар, чунки улар бошқа (қабила)ларга нисбатан қувватлироқ бўлиб, чигатойлиларнинг зарару заҳматидан беҳавотир эдилар. Бу билан Идикунинг султони кучайиб, қўшинлари қайтиб келганидан унинг хонини адади кўпайди. Дор ул-мулкда унинг асоси барқарор ўрнашиб, рукулари баланд бўлди.

Аммо Тўхтамиш бўлса ваҳимаси кетиб, унинг ақли миясида қарор топгач ҳамда душмани (Темур) жўнаб кетиб, хотиржамлик ҳосил бўлгач, ўз аскарларини жамлади ва ўз қавмию⁴⁶³ кўмакчиларини ёрдамга чорлади. Тўхтамиш ва Идику ўртасида ҳар хил жанг турларини зарба хиллари тўхтамасдан давом этиб, тинчлик (сукунат) кўзлари ўзини кўр қилиб кўрсатадиган бу замон кўзлари мисоли сулҳ учун сира очилмади. Ниҳоят улар ўртасидаги жанг ўн беш мартага етди, — баъзан унис буниси устидан устун, баъзан буниси унис устидан устун келди. Натижада Дашт қабилаларининг иши тушкунлигу тарқоқликка юз тутди. Хусусан, қўрғонлару истеҳкомларнинг озлиги (сабаби) дан улар (ҳар томонга) тўзиб кетиб, инқирозга учради; бунга қўшимча уларни икки шер тилка-пора қилиб, икки кулфат улар бошига «соя» солиб турар эди⁴⁶⁴. Уларнинг кўп қисми Темур билан кетган бўлиб, унинг амрига тушиб, асирлик исканжасида (қолган) эдилар. Улардан санаб ва ҳисоблаб бўлмайдиган даражада яна бир тонфа ажралиб кетдики, уларни на девонгаю на дафтарга қайд қилиш имкони бор. Улар қисматининг маълумлиги ва саъий ҳаракатининг тескарилигидан Рум ва Рус (ерлари)га қараб оғиб кетиб, христиан-бутпарастрлар ва мусулмонлар ўртасида асирда бўлиб қолдиларки, Жабала⁴⁶⁵ Бани Ғассон⁴⁶⁶ билан нима (иш) қилган бўлса, улар ҳам (уларга нисбатан) шу зайлда иш қилдилар. Бу тоифанинг исми Қора Буғдондир⁴⁶⁷.

Мана шу сабабларга кўра Даштнинг маъмур жойлари харобаю ташландиқ (жойлар)га келиб, тарқоқлик ва ҳалокатга⁴⁶⁸ йўлиқди, аҳолиси ҳар томонга тўзиб кетиб, бетинчлик даврон сурди. (Бу мамлакат) шундай

бўлиб қолдики, агар бирор киши шу (ерлар) орқали йўл бошловчисиз ёки соқчиларсиз ўтса, йўлидан адашиб, албатта ҳалок бўлар эди: ёзда шамол қум-тўзон кўтариб, йўловчилар олдида йўлни кўмиб-текислаб ташлар, қишда эса қор ёғиб, уюмлар пайдо бўлиб, йўлларни босиб қолар эди. Даштнинг бутун ерлари саҳро, унинг манзиллари белгиланмаган, манзилларию қудуқлари ташландиқ ҳолдадир. Қандай бўлмасин ундан (Даштдан) ўтиш гоят мушкул ва ҳалокатли (иш)дир.

Ун бешинчи тўқнашувда Идикунинг омади келмади, унинг аскарлари ҳар томонга қочиб тарқади ва бўлак-бўлак бўлиб тўзиб, турли тарафга сочилиб кетди. Идикунинг ўзи ва унинг тарафдорларидан беш юз чамаси киши қум денгизида фарқ бўлиб кетдиларки, улар (ҳол)ни ҳеч бир кимса шуур этмади. Тўхтамиш мамлакатда мустақил бўлиб, Дашти Барака холис унки бўлиб қолди. Шу билан бирга у Идикунинг иши ва унинг ҳол-аҳволи ҳақидаги хабарларга ишқивозлик билан қулоқ тутиб, унинг қумлар орасида қай тарзда ҳалок бўлганлигини билишга интилар эди. Шу аҳволда ярим йилга яқин муддат ўтиб, кўзлардан Идикунинг изи ўчиб, унинг ҳақидаги хабар тиллардан қолди. Идику бўлса ўша қум тепаликларини ва қумлоқларини яхши билиб, ўша оёқ кийимлари ва чориклар жилдининг ўз сайри қадами билан неча бор кесиб ўтган (кишилар) жумласидан эди. У пайт пойлаб қулай фурсат кутди, ўз фикрини ишга солиб, мен айтган ушбу байт устида бош қотира бошлади, хусусан у:

Ишни кузат-у (қулай) фурсат кут,
(бу) фурсатдан фойдалан, магар у бўлса;
бу борада сабрни ақл-идрок билан боғла,
ўшанда тут барги кимхобга айланур.

Идику, Тўхтамишнинг ундан умидини узиб, ҳалокат шери парча-парча қилиб ташлаган деган фикрга келганига ишонч ҳосил қилгач, унинг аҳволи (хабари)ни сурштириб, диққат билан кузата бошлади ҳамда унинг изини олишга интилиб, ниҳоят Тўхтамишнинг (ўз) аскардан алоҳида бир оромгоҳда эканини аниқлади.

Натижада, Идику от қанотига ўтириб, кеча қоронғиси (оғуши)га ўралди ҳамда кундузги юришни тунги сайр билан боғлаб, бедорликни мудраш билан алмаштирди. У гўё сув юзида пайдо бўлган пуфакчалар мисо-

ли тепаликларга чиқиб, шудринг тушгандек тепаликлардан пастга тушди ва ниҳоят, Тўхтамишнинг мутлақо ҳаёлига келмаганда унга⁴⁶⁹ етиб келиб, қазои қадар каби унга ташланди. Тўхтамиш ўзига келмасданок, уни ҳар томондан балою мусибатлар ўраб олиб, ҳалокат шерлари тилка-тилка қилиб, найза аждаҳоларию камон (ўқи) илонлари чақа бошлади. Тўхтамиш уларга озчилик билан (қаршилик кўрсатсада, душман билан узоқ (муддат) жанг қилиб, охири жонсиз қулади⁴⁷⁰. Уларнинг бу тўқнашуви ҳисоби бўйича ўн олтинчиси бўлиб, (у) улар учрашувининг хотимасию (улар) фироқининг ҳал қилувчи (ҳокими) бўлди. Натижада, Дашт ишлари мутавалли Идику қўлида қарор толиб, узоғу яқин, каттаю кичиклар унинг фармонларини тинглай бошладилар. Тўхтамишнинг ўғиллари чор атрофга тўзиб кетди: Жалолуддин ва Қаримберди руслар ичига, Кепек⁴⁷¹ ва бошқа биродарлари Сигноққа қараб кетдилар. Раия ишлари Идику фармонларига биноан давом қилиб, у хоҳлаган (кишиси)ни салтанатга тайинлади ва истаган пайтида бу (мансаб)дан четлаштирди, у амр қилганда ҳеч ким унга монеълик кўрсатмас ва у белгилаган (чегара)дан ҳеч ким четга чиқмасди. Идику ҳоким қилиб тайинлаган (киши)лардан Қутлуғ⁴⁷² Темурхон, сўнгра унинг биродари Шодибекхон⁴⁷³, кейинроқ Қутлуғ Темурнинг ўғли Фулодхон, кейин унинг биродари Темурхон бор эди. Темурхон (ҳукми) даврида⁴⁷⁴ ишлар парокандаликка юз тутди; у ўз жиловини Идикуга топширмади⁴⁷⁵ ва деди: — Унга (Идикуга) на иззату, на ҳурмат бор: мен (шундай) қўчқорманки, унга бошқалар итоат қилади, нега энди мен бошқага итоат қиларканман? Мен, — бошқаларни орқасидан эргаштирадиган хўкизман, қандай қилиб мен кимнингдир орқасидан эргашаман?». Натижада улар (икковлари) ўртасида низо чиқиб, ичиқораларнинг (яширин) адовати очиқ-ойдин нифоққа айланди; фасод ва кулфатли ишлар бўлиб ўтди, урушлар ва қаҳру ғазаб даврон сурди. Қачонки фитна зулматлари кескинлашиб, Дашт зимистонларида (бу) икки гуруҳ устида адоват юлдузлари устмауст чалкашиб кетганда, бирдан Жалол⁴⁷⁶ давлати (ҳукми)нинг ҳилолсимон тўлини ойи кўриниб, Тўхтамиш сулоласи шарқида порлади ва Рус ерлари томонидан чиқиб келди. Бу воқеа 814 (1411) йил (ойлари) да бўлган эди⁴⁷⁷. Натижада, ишлар (кенгайиб), адоват жиддий тус олди. Идикунинг аҳволи заифлашди ва Темур (хон)

Ўлдирилди⁴⁷⁸. Токи Идику мажруҳ ҳолда фарқ бўлиб ўлгунича⁴⁷⁹. Қипчоқ ерлари подшолари ўртасида низо ва нифоқ давом этди. (Идику фарқ бўлиб ўлгач) уни Саройчуқ яқинида Сайхун дарёсидан⁴⁸⁰ чиқариб олдилар ва ташландиқ (нарса) каби (ўз ҳолига) ташладилар — тангри таоло унга раҳм қилсин!

Идику ҳақида ажойиб ҳикоятлар, нодир ва фаройиб хабарлар бордир. У ёғдирган фалокат ўқлари душманларига бехатар тегар; (унинг) афкори — макр-ҳийла-лар, жанглари-қопқонлардан иборат эди. Сиёсат фикҳининг усуллари ҳақида унинг (қимматли) фикрлари бор бўлиб, улар устида баҳс (юритиш) мақсуддан хориж турар.

Идику қорачадан келган, буғдойранг киши эди; қомати ўртача бўлиб, танаси йўғон эди; у шижоатли, ўз таъсири хатарига инонтира оларди. У улуғвор одам бўлиб, сахий ва табассуми ёқимли эди. Идику ўз фикр-мулоҳазасининг гоятда тўғрилиги билан ажралиб турарди; у олиму фозилларга меҳр қўйган, тақводор ва фуқароларни ўзига яқин тутиб, энг латиф иборатлару нозик ишоратларни қўллаб улар билан ҳазил-мутобица қилар эди. У ҳафсала билан рўза тутар ва шарнат (қондалари) этақларига ёпишган ҳолда тунларини тоат ибодат билан ўтказар эди. Идику китобни (Қуръонни), пайғамбар суннати ва уламолар сўзларини ўзи билан тангри-таоло ўртасида (боғловчи) восита қилган эди.

Идикунинг йигирмага яқин ўғиллари бор эди; уларнинг ҳар қайсиниси итоат қилинадиган малик бўлиб, ҳар бирининг алоҳида вилоятлари, қўшинларию тобъелари бор эди. Идику Дашт жамоалари устида йигирма йил чамаси ҳокимлик қилди. У ҳукмронлик қилган кунлар ўша давр пешонасидаги (оқ) қашқа, у идора қилган (замон) кечалари аср чеккасидаги гажакдор зулф эди.

ТЕМУР ИШЛАРИЮ УНИНГ ФАЛОКАТЛАРИ ҲАҚИДАГИ ҲИКОЯМИЗГА ҚАЙТДИК

Темур Озарбайжонга етиб, аскарни Султония ва Ҳамадон ерларига ёйилиб кетгач — (бу пайт) у Мордин султони Малик Зоҳирни (ўз) ҳузурига чақиртириб, уни озодликка чиқарган, аввал зикр қилиб ўтилганидек⁴⁸¹, унга инъом-эҳсон бериб, тўла тўқис ишонч кўрсатган,

Шом ва Ироқ ўртасидаги ерга уни ҳоким қилиб тайинлаган ҳамда у мамлакатларни имконида бор макрупифоқ билан мустаҳкамлаган эди — Темурнинг Ажам мулкида истиқомат қилиши мумкин бўлмади, чунки у билан бирга Даштдан анча-мунча одамлар бор эди; у ўз нияти жиловини Самарқанд ерларига томон бурди⁴⁸². У унда ўз мешларини тўкиб, Дашт (хайрлари)дан тўлдириб олган халталарини бўшатди. Кейин у ҳеч бир фурсатини қўлдан бермасдан ўз тўфони билан Жайхунни кесиб ўтди ва Ҳуросонга етиб келиб, Озарбайжонга томон сайрини давом эттирди. Шунда ўз итоати ва изъони бўйнига Темур фармонлари шодасини осиб Арзинжон⁴⁸³ ҳокими Тахуртан⁴⁸⁴ унга томон юзланди⁴⁸⁵. Темур Мордин⁴⁸⁶ ишига эътибор бермай, ўзини гўё уни унутган ҳисоблаб, унга (Мординга) мансуб шаҳар ва қишлоқларга ҳеч озор етказмади.

ШОМ ЕРЛАРИГА МАНСУБ ЖОЙЛАРДА ТЕМУР ЧАНГ-ТУЗОНЛАРИНИНГ ҚУТАРИЛА БОШЛАШИ

Кейин Темур Руҳа (шаҳри)ни кўзлаб, уни талон-тарож қилмоқчи бўлди. Шунда шаҳар аъёнларидан ва аҳли бошлиқларидан ал-Ҳож Усмон ибн Шакшак⁴⁸⁷ исмли бир шахс Темурга пешвоз чиқди ва кўпдан-кўп мол-дунё эвазига ундан шаҳар (омонлиги) ни сотиб олиб, у билан сулҳ тузди ва ушбу мол-дунёни келтириб, уни бажо келтирди. Шу орада Темур Қайсария⁴⁸⁸, Туқот⁴⁸⁹ ва Сивос⁴⁹⁰ ҳокими бўлган қози Бурҳонуддин Абул—Аббос Аҳмадга бир тўда элчи ва бир боғлам хат юбориб, момақалдироқ бўлиб гумбурлаб, яшин бўлиб чақнади. Хатлар денгизида кўпик сочиб қаҳрланиб мавж урди, ўз иборалари билан уни гоҳ тургазиб, гоҳ ўтқазди. Унинг хитоби маъноси ва хатлари мазмунида хутбада Маҳмудхон ёки Суюрғотмиш ва унинг исми зикр қилинсин ва унинг одатига кўра пулни ҳам мана шу тартиб ва расмга кўра зарб қилинсин,— дейилган эди. Бу (иш) адосини Темурнинг элчиси ва мактуби ўз устига оларди. Лекин султон на унинг элчисини на хатига ишонди ва унинг хитобига жавоб беришни ўзига эп кўрмади; аксинча, Темур чопарлари бошлиқларининг бошларини кесиб, (бошларни) омон қолганларининг бўйнига осиб, уларни ўз ерларида (айлантириб юрдириб) сазойи қилди. Кейин у элчиларни иккига бўлиб,

тенг иккига тақсим қилди ва уларни икки томонга жўнатди. Улардан бир қисмини султон Малик аз-Зоҳир Абу Саид Барқуққа, бошқа бир қисмини эса Рум ерларининг ҳоқими султон Абу Язид ибн Мурод ибн Урхон ибн Усмонга жўнатди. У (ушбу) масалани уларга очиқ-ойдин баён этиб: қандай қилиб манфур Темурдан ўзинга хат(лар) келганини, (қандай қилиб) ўзининг унга сукут билан жавоб берганини, (қандай қилиб) Темурга зарда сифатида унинг элчиларини қатл этганини билдирди ва бу ҳикоятга (ортиқча) қўшимча қилмади. Султон, таңгри бандалари ва мамлакатларига нисбатан у (Темур) қилган ишни беҳад ҳисоблади ва уни (Темурни) арзимас билиб, унинг элчи ва чопарларини шу кўйга солди. Шундан кейин Қози деди: «Билиб қўйингларки, мен сизлар (иккинги) нинг қўшинингиз, диёрим-сизнинг диёрингиздир; мен сизлар ғуборингиздан бир зарра, денгизингиздан бир қатраман. Сизлар давлатингиз ҳурмати шиорларини кўтариш ва (сизлар) савлатингиз ҳайбати байроқларини баланд ёйиш учун, фақатгина сизнинг қўллаб-қувватлашингизга суяниб ва ёрдамингизга таяниб ўз ҳолимнинг таңглиги, мол-дунё ва одамимнинг камлиги, доираю ерларимни торлиги, мерос олгану ўзим касб этган давлатим озлигига қарамасдан шу (ишлар)ни қилдим. Мен оғзингизнинг қалқони, томоғингиз посбони, аскарингиз жарчиси, байроғингиз байроқдори, лашкарингиз соқчиси ва жангларингиз олд қисмидирман. Акс ҳолда, Темурга қаршилик кўрсатиш менга йўл бўлсин? Қай тариқа мен у билан тўқнашишга бораман? Унинг ишларини сиз эшитгансиз ва унинг кўрениши ҳамда феълларини сиз биласиз: қанчадан-қанча қўшинларни у яқсон қилиб, хонларни асир олди, (қанчадан-қанча) мулкларни эгаллади, (қанчадан-қанча) маликларни ҳалок қилди, хотинлар пардаларини йиртди, қанчадан-қанча қон тўкди, кўрғонларни фатҳ қилиб ғалабаларни қўлга киритди, (қанчадан-қанча) мол-дунёни талаб, (қанчаларни) иззат-ҳурматдан жудо қилди, (қанчадан-қанча) исёнкорларни ҳўрлади, (қанчадан-қанча) мушкулотларни юзга чиқарди, оқилларни чалғитиб, идроклиларни адаштирди, отлиқ (аскар)ларни тор-мор қилди, бошпаноҳларни вайрон қилди, тилакларни кесиб, ниятларни пучга чиқарди, тоғларни кўпорди, (қанчадан-қанча) болаларни фожиага мубтало қилди, (қанчадан-қанча) бошларни кесиб белларни букди, шартномаларни бузди, (қанча-

дан-қанча) ўт қўйиб, чангу тўзон кўтарди ва (қанчадан-қанча) сувларни буриб ташлаб ғуборлар кўтарди, (қанчадан қанча) қалбларни ёндириб, жигарларни куйдирди, қўш илларни яқсон қилди, (қанчадан-қанча) кўзларни кўр қилиб, қулоқларни қар қилди. Қандай қилиб мен пишқирган сел билан курашиб, дарғазаб шер билан олишай? Агар сиз менга мадад берсангиз мен мавжудман, агар (шу аҳволда) қолдирсангиз (унда) мени қурбон берасизлар. Сизда Ҳайбату шўдрат кифоя бўлиб, савлату нусрат етарлидир; Сизнинг хизматкорингиз (яъни мен) иккингизга келган балога даф бўлган қалқонингиздир. Агар менинг бошимга мусибат келса — худо кўрсатмасин! — ёки менинг ерларимга Темурнинг ёмонлик чўғларидан учқунлар учиб тушса, эҳтимолки бу иш, (замон) ҳодисалари воситасида, (у ерга) алоқадор кишига ҳамда иккинчи ва учинчиларга ҳам ўтар. Мен дедим:

Офат-олов кабидир: уни (кавлаб) қўзғасанг у учқун чиқаради:

Агар уни (дарҳол кўчиршига) шошилсанг у кўчади.
Агар эрниб уни кўчиршидан сует ҳаракат қилсанг,
У қабилаларни ⁴⁹¹ ёндириб, жигар-бағрин куйдиради.
Энди агар бутун ер юзи аҳли тўпланса ҳам
улар уни (энди сира) ўчира олмайдилар.

«Мен унинг хитобига эътибор бермай, жавобини муҳлатга солдим: сиз нимаики буюрсангиз мен уни бажо келтириб, нимаики амр қилсангиз (мен) унга амал қилай; сиз асосини солинг, мен унинг устига қураман, сиз нимаики жавоб қилсангиз, ушбу жавоб мендан унга (Темурга) келади».

СУЛТОН АБУ ЯЗИД ИБН УСМОННИНГ СИВОС ЕРЛАРИ СУЛТОНИ ҚОЗИ БУРҲОНУДДИН АБУ-Л-АББОСГА ЖАВОБИНИНГ ЗИКРИ

Аммо султон Абу Язид ибн Усмон бўлса, ушбу муомила унга ёқиб, бу сўзлар нағмаси уни шодлантирди. У қозининг ушбу ҳукмини маъқуллаб, тўғри ҳисоблади ва унга мактуб юбориб: «Агар Темур ҳужумдан ўзини тийиб, ундан қайтса-дуруст, башарти шундай қилмаса (у вақтда) биз унинг устига шу қадар қўшин билан

келамизки, уларга тенг келадиган унда қувват йўқ. Майли қози умидсизланмасдан, Темурни қарши олиб, бағоят идрок билан иш тутсин: унинг аскарининг кўплигидан қўрқмасин чунончи: «Неча марталар кичик тўдалар катта тўдалардан ғолиб келган»⁴⁹². Башарти қозининг доно фикрларию саодатли ҳукмлари (ўзининг) Темурга қарши отланиб, дин мужоҳидларию ғазотчилари билан Темур устига юришни тақозо қилса, (унга) ўз байроқларини кўтариб (ўз) қарору ҳукмлариини амалга оширсин ва султон қиличига қўлу, у биллагига елка бўлсин», — деб хабар қилди ва мактубини (қози-га) жўнатиб, жавобини кута бошлади.

Аммо Малик аз-Зоҳирга келсак, мен унинг мактубини кўрмадим ва қозинга жавоб қилганини (ҳам) аниқ билмадим. Афтидан, Малик аз-Зоҳир Абу Саиднинг жавоби дин йўлида ғазогир султон Абу Язид жавобининг айнан ўзи бўлган кўринади, чунки улар (иккаласи)нинг ишларию сўзлари, дилида ва тилида бир қолипдан чиққан эди.

Бундан ташқари, мен ўз ичига хитобу жавобни олган бир китобни кўрдим. (Унда) зикр қилинишича, хитоб Темурдан, жавоб эса Малик аз-Зоҳирдан. Бу иккаласи-хитоб ҳам, жавоб ҳам, (муқаддас) китоб (Қуръон) оятларидан ўзгаси бошдан оёқ ҳунук ва ёқимсиз (тартибда) эди. Хитоб мана бу суратда:

«Айтгин, э, бор худоё, осмону ерни яратувчиси, ғойибу зоҳирни билувчи, бандаларинг ўрталарида ихтилофли (ишлар устидан ўзинг ҳукм чиқарувчисан»⁴⁹³. Билинглар, биз оллоҳ, қўшнлари бўлиб унинг қаҳридан яратилганмиз ва унинг ғазаби тушган ҳар бир киши устидан бизга ҳоқимият берилган: (биз) шикоят (қилув)чини аямаймиз, йиғловчининг кўз ёшига раҳм қилмаймиз — бизнинг қалбларимиздан тангри раҳмдилликин юлиб олган; бизнинг амримизга амал қилмаган ҳар бир киши устига қайғу алам, — чексиз қайғу алам (келади). Биз мамлакатларни хароб қилдик, бандаларни ҳалок этдик ва ер юзига фасодни зоҳир қилдик; бизнинг қалбимиз гўё тоғлар, ададимиз қумлар сингари, отларимиз ўзгир, найзаларимиз тилка-пора қилувчи; бизнинг мулкимизга тажовуз қилинмайди, қўшнимиз ранжитилмайди. Агар сиз шартимизни қабул этиб, амримизга мувофиқ иш қилсангиз, унда нимаики ўзимиз учун бўлса сиз учун ҳам, бизга қарши нарса сизга ҳам қарши бўлади. Агар сиз (шунга) мувофиқ бўлмай рад қилсангиз ва ситамни

давом эттирсангиз, унда фақатгина ўзингиздан ўлкаланг: бизга қўрғонлар мене бўла олмайди, қўшиллар бизни даф қилиб ҳайдаб чиқара олмайди; бизга қарши ҳимоя тилаб қилган дуоларингиз мустожоб бўлмайди ва тингланмайди, чунки сиз ҳаром (нарс) тановул этиб жамланганларни тўзитдингиз. Таҳқирлик ва ҳасратдан башорат олинг; «Энди бу кун хўрлик азоби билан жазоланасиз»⁴⁹⁴. Сиз бизни кофирлар деб кафия бўласиз, бизга эса сизнинг фожирлар эканлигингиз маълум. Азалдан (тақдир) белгиланган ишлар ва ҳукмлар соҳиб (тангри) устингиздан ҳокимиятни бизга берган. Сизнинг назарингизда кўп бўлган (нарс) биз учун оздир, сизда азиз бўлган (киши) бизда хордир; биз ернинг шарқу ғарбини эгаллаб улардаги бутун кемаларни қаҳру ғазаб билан олдик⁴⁹⁵. Хуллас, биз сизга шу мактубни юбордик; (ҳали) нарда очилмасдан ва сиздан асар ҳам қолмасдан илгар и ҳамда ўлим жарчиси сизларга: «Уларнинг биронтасини сезиб, ҳеч қайсинисидан бирон сас эшитасанми?»⁴⁹⁶, — деб хабар беришдан олдин (бу) мактубга жавоб раддига шошилдинг. Биз сизга мактуб юбориб инсоф юзасидан иш тутдик ва устингизга ушбу калом жавҳарларини сочдик ва-с-салом».

Мана бу, жавобнинг сурати-айтадиларки, у (жавоб) қози Алоуддин ибн Фазлуллоҳ⁴⁹⁷ иншои билан битилган, лекин мен буни тўғри деб ўйламайман. Мана у (жавоб): «Раҳмдил ва меҳрибон тангри номи билан!

Айтгин, э бор худоё, мулк эгаси сен, (ўзинг) хоҳлаганинга мулк бериб, хоҳлаганингдан уни тортиб оласан; хоҳлаганингни азизлаб хоҳлаганингни хўрлайсан, сенинг қўлингда хайр-саховат (бор), чунки жамий нарсага сен қодирсан»⁴⁹⁸. Биз ҳазрати Илхондан ва улуг, машҳур султон бўсағасидан чиққан бир мактубдан воқиф бўлдик. Ундаги «биз унинг (Аллоҳнинг) қаҳридан яратилганмиз ва унинг ғазаби тушган кишилар устидан бизга ҳокимият берилган, биз шикоят (қилув)чини аямаймиз, йиғловчининг қўз ёшига раҳм қилмаймиз, тангри бизнинг қалбларимиздан раҳмдилликни юлиб олган» деган (сўзлар) сизнинг сўзингиз. Бу сизнинг энг катта айбингиздир. Бу сўзлар ўзингизга (ўзингиз) йўллаган энг қабиҳ тавсифдир. Мана шу далилнинг ўзгинаси сизларга насиҳатгўй сифатида кифоя, башарти сиз насиҳат олсангиз: «Айтгин, (Муҳаммад) э, кофирлар! Сиз ибодат қилган (нарс)га мен ибодат қилмайман»⁴⁹⁹. Ҳар

бир ёзувда хатдаги) ва ҳар бир қабиҳ васфингизда сиз ўзингизни кофир деб ҳисобладингиз. Огоҳ бўлинг, кофирларга худонинг лаънатида ўзга нарса йўқ⁵⁰⁰. Кимки илдишларга ёпишса шоҳлар билан қизиқмайди. Ҳақиқатан биз мўминлармиз, гуноҳ, йўлимизни тўсмайди ва шак-шубҳа бизга даҳл қилмайди. Куръон бизга нозил бўлиб, тангри бизга нисбатан ҳар доим раҳмдил. У бизнинг барчамизни ўзининг (изоҳлаб) тушунтириш баракати билан қамраб олган ва ўзининг ҳарому ҳалол қилиш марҳамати билан бизларни алоҳида ажратди. Чиндан ҳам жаҳаннам сиз учун яратилган ва у сизнинг терингизни (куйдириш) учун ёқилади, «қачонки осмон парчаланса»⁵⁰¹. Ҳойда ажабланарлик нарса шуки, дайдилар шерларга, сиртлонлар йиртқич бўриларга, қуллар совут кийган жангчиларга таҳдид солади. Бизнинг отларимиз араби, ҳимматимиз Али мисоли (баланд), найзаларимиз зарбалари кучли бўлиб, унинг дostonи машриғу мағрибга тарқалган; агар биз сизни ўлдирсак қандай яхши ўлжага эга бўламиз, бордию сиз бизни ўлдирсангиз унда биз билан жаннат орасида атиги бир соатлик йўл (бор). «Худо йўлида ўлганларни ўликлар деб зинҳор ҳисобламанг, — йўқ, улар тирикдилар ва ўз раббилари ризқида (бўладилар)»⁵⁰². Сизнинг «бизнинг қалбимиз тоғлар, ададимиз қумлар каби (сонсиз-сапоқсиз)», — деган сўзларингизга келсак, қўйларнинг кўплиги қассобни безовта қилмаганидек, кўп ўтинга андак олов кифоядир. «Қанчадан-қанча оз гуруҳлар тангрининг изми билан катта гуруҳлардан ғолиб келган? Тангри сабрлиларга ёрди»⁵⁰³. Қочинш мусибатдан эмас, биз ҳалокатдан бағоят бежавотирмиз.

Агар биз яшасак, бахтли (бўлиб) яшаймиз, (агар) ўлсак шаҳид бўлиб ўламиз: огоҳ бўл, тангрига эътиқодли гуруҳлар доимо ғолибдилар⁵⁰⁴. Амирон мўминлардан ва худонинг ер юзидаги халифасидан кейин сизлар биздан итоат талаб қиласизми? На сизнинг сўзингизни тинглаш, на сизга бўйсуниш бор! Сиз биздан ўз аҳволимизни равшанроқ баён қилишни талаб қиласиз. Бу сўзингиз ўз назмида бўш ва ўз ибораси жиҳатидан бир-бирида ёпишмаган (тарқоқ). Агар (хат) очилса, албатта изоҳлашдан олдин баён бўларди. Иймонга келгандан кейин бу кофирликми? Ёки бўлмаса, иккинчи худони қабул этдингизми? Сизлар (хат эмас) одатдан ташқари бир нарса юбордингизки, «оз қолдики ундан осмон парчаланса, ер ёрилиб, тоғлар емирилиб қичқир-

са»⁵⁰⁵. Ҳз рисоласини безак қўйиб безаган ва ўз мақола-сини тавсифлаган котибингга айтки, бизлар мактубдан воқиф бўлдик, ваҳоланки у эшикнинг гичирлашигаю пашшанинг гингиллашига ўхшайди. «Бирон нарса ҳақида гапира оладиган нарса ёзамиз ва унга азоб-уқубатдан бирмунчасини чўзамиз»⁵⁰⁶. Бизларда, сизлар учун оллон таолонинг қувваттидан баҳраманд бўлган қиличдан бўлак ҳеч нарса йўқ».

Шунингдек, мен бир нусхада учратдимки, давр ўтиши сабабли замон унинг сиёҳларини маҳв этган ва замон юзидаги асрлар алмашилиши (бу хат) қора соқолини оқартирган; бу китобнинг сурати ва бу хитобнинг ҳайъати тотор Хулокуси⁵⁰⁷ тилидан Насируддин Тусий⁵⁰⁸ иншоси билан битилган бўлиб, (у) Миср султониغا юборилган. Жавоб сурати ҳам айнан ўша асрда ўтган кишилар томонидан иншо қилинган.

ФАСЛ

Султон Бурҳонуддиннинг ўз чопарларига нисбатан қилган иши Темурга етгач, унинг қаҳри келди. У ғазаб қанотларини қоқди ва қалбининг қони қайнаб бузилди ҳамда ғам-ғуссага ботиб ғазабланди ва оз бўлмаса ғазабидан бўғилиб ўлаёзди. Лекин у бунинг тагида яширин ишлар ётганини, муслмонларнинг кўп сонли қўшини лашкарлари борлигини фаҳмлади. Дин эгалари орасида муслмон шерларидан қолганлари борлигини, (ҳали) ўз рўпарасидан даҳшатли шерлару ёввойи йиртқишлар чиқишини англади. Шу туфайли у пайт пойлаб, сабр қилди ва орқага тисарилиб, теварак-атрофдан уларни кузата бошлади.

ТЕМУРНИ ДАФ ЭТИШ УЧУН ШОМ АСКАРЛАРИНИНГ ОТЛАНИШИ БАЕНИ

Бу билан бир қаторда Шом амирларининг малиғи Танам аскар билан Арзинжонга қараб чиқди; аммо у (фурсатни) ганимат билиб (орқасига) қайтди⁵⁰⁹. У бундан (ҳеч) зарар кўрмади. «Ғангри кофирларни ўз қаҳрлари билан (бирга) қайтарди. Улар ҳеч бир хайрликка эриша олмадилар»⁵¹⁰. Ислоҳ аскарларидан ҳар бир қаҳрли шер қайтди; улардан ҳар бири ўз суратига яраша турналардан ов қилган эди. (Бу) қайтиш «нур устига нур бўлди»⁵¹¹.

ТЕМУРНИНГ ҚАЙТИШИ ВА ҲИНД ЕРЛАРИНИ ХОЛИС (УЗИНИКИ) ҚИЛИШГА ҚАСДИ БАЕНИ

Кейин Темурга Ҳинд султони Ферузшоҳ⁵¹²нинг (бу) дунё заҳматидан худо раҳматига ўтгани хабари (бориб) етди. Унинг (ўрнига) халифа бўладиган ўгли йўқ эди. Унинг вафоти ҳукми (муносабати) натижасида бўш қолган ушбу вазифани эгаллаш учун Темур сай кўрсатди. Ҳинд соҳиб вафот этганда одамлар орасида парокандалик бошланди. Ҳинд (истон) ишчининг денгизи мавжланди ва ҳар бир кимса (давлат иши) ҳавасида шўнғий бошлади. Натижада, баъзи (киши)лар азиз, баъзилар хор бўлди. Кейин одамлар Маллу исмли (бир киши)ни вазирлик ҳукмига (сайлашга) иттифоқ қилдилар. У одамларнинг тарқалган ишини тартибга солиб, мартабасини кўтаришга сазоворларнинг (мартабасини) кўтарди, ноҳақ (юқори) кўтарилганларни (қуйи мартабага) туширди. Кейин унинг биродари, Мўлтон шаҳри мутаваллиси Сорангхон⁵¹³ унга қарши исён кўтарди. Улар орасида ихтилоф воқеъ бўлиб, Ҳинд тўдалари турли гуруҳ ва тоифаларга тўзиб кетди⁵¹⁴. Натижада улар орасидаги ихтилоф Темур учун энг яхши мададкор, зўр таянч ва қувват бўлди.
Мен дедим:

Душманлар фикрларининг тарқоқлиги,
Дўстлар хотирларининг жам бўлишига сабабдир.

Маллу⁵¹⁵ Мўлтонга етгач Сорангхон унга қарши қўзғолди. Шунда Маллу Мўлтонни ҳисорга олиб, уни безовта қила бошлади.

Унинг (Мўлтон) аскарлари беҳисоб, қўшин тўдалари кечалари (тим) қоронғи эди. Ҳатто, айтишларича, унинг беҳисоб, сонсиз-саноқсиз аскарлари жумласидан саккиз юзта фил ҳам бор эди. Шу билан бирга, Ҳинд атрофидаги ҳар бир амир, Ҳинд томонларидаги ҳар бир бошлиқ ўз этакларини шимарган ҳолда ўзига тегишли юк-ёпиғларини одамларини йиққан эди. (Бир сўз билан айтганда) улар бўлиши лозим бўлган қийинчиликлари учун юкларини забт этган ва ўз ҳожатлари учун филларини боғлаган эдилар. Ушбу ладад ва ҳусумат тўрт ойча, яъни Маллу шаҳарни халос қилиб, уни (Сорангхон) қўлидан холис ўзиники қилиб олгунича давом этди.

ФАСЛ

Маллу ҳокимиятни эгаллаб, Ҳинд(истон) ишлари унда қарор толгач, ҳамда Темур унинг томонига қараб отланганлиги хабари келиб етгач, у қаттиқ жидду жаҳд билан киришиб, кўп сонли қўшину қурол-яроғ тайёрлади. Ҳар тарафдан ёрдам олиб мадад сўради. Бу йўсинда ҳисобсиз мол-дунё сарфлади ва (энди ўзини ҳеч ким (енгишга) қодир эмас деб ҳисоблади. Кўп мол-дунёни сарфлаб, от ва одамларни жам қилди ҳамда мамлакатидаги бор филларни ҳозир этди. Кейин (бу-тун) шаҳарларинию (яширин) пистирмаларни мустаҳкамлади. Урушда қўллаш учун филлар устига кажавалар ўрнатди. Жанг таҳририда аниқ бир фикр тутдики, бу орқали (жангга) бориб ундан келди.

Темур ҳам ўз юришида қушдан тез учиб кела бошлади. Чунки, бу чегарада унинг на олдини тўсадиган, на ҳинд султони аскарлари ичида унга яқин келадиган бирон кимса бор эди. Темур қўшинлари билан ҳиндларга етгач, ҳиндлар қўшинлари билан унга рўбару чиқдилар⁵¹⁶. Темур отларини ҳуркитиш⁵¹⁷ учун ҳиндлар филларни олдинга қўйдиларки, уларни ҳисорда қўлланадиган жулларга ўраган ва ҳар бир фил устига қалқонлардан кажаваясаб, ҳар бир кажаваяга шиддатли дамларда ҳам дош берадиган, ҳам рижо тиланадиган жангчилардан қўйгандилар. Филларга девларни ҳам қочишга ундайдиган даҳшатли қўнғироқ ва занглар тақдилар ва ҳинд қиличи⁵¹⁸ деб аталса тўғри бўладиган қиличларни у (фил)лар хартумларига боғладиларки, улар алангасининг шуъласи — бу шуълани синд олови⁵¹⁹ деса тўғрироқ бўларди — бошларни ўзига чорлар эдики, бошлар эса уларга сажда қилиб қуйи эгиларди. Филлар хартумидаги бу қиличлар озиқ тишлари устига устама эди. Бу озиқ тишлар филлар устига ижоб бўлган вазифани адо этишда гўё тўла-тўкис нисоб ва ўқ отиб, найза ушлаб рўпара келган ҳар бир кимсани тилка пора қилиб бўғзига бехато тегувчи ёй эди. Шу филлар жанг сафларида⁵²⁰ гўё ўзида бор шерлари билан юрадиган водий, ёинки ўзидаги қўшинлар билан оқадиган қўрғон, ёинки ўз йўлбарслари билан чопадиган тоғлар, ёинки тўлқин мавжлари каби бориб-келиб турадиган денгизлар, ёинки ўзининг момақалдироқлари билан оқиб келувчи булут соялари, ёинки ўзининг қора балолари билан келадиган фиरोқ кечалари каби эди. Филлар

изидан ҳинд уруш суворийлари, зарбаю таъна ботирлари, қора шерлар, (териси) силлиқ бўрилар, сепкилли қоплонлар бўлиб, уларнинг ҳар қайсинида Хатт найзаси⁵²¹, ҳинд қиличи, халанж (камон) ўқи⁵²², закий қалб, бардам юрак, қатъий азм, ризоли сабр⁵²³ бор эди.

УШБУ ФИЛЛАРНИ ҚУРҚИТИШ УЧУН ТЕМУР ИШЛАТГАН ФИРИБ БАЕНИ

Бу ҳолатдан Темур воқиф бўлиб, ҳинд аскарлари газламаси шу зайлда тўқилганлигига қаноат ҳосил қилгач, бу тузоқни даф қилиш учун у ҳўйла ишлатди. У ҳиндларга деб (гўё) бир қозон шўрва қилдики, унинг қайнатмаси бўтқадан кўра ҳам қуюқроқ эди. Филлар фирибини даф қилишни (энг) аввал ҳўйлакорликдан бошлади. У метиндек фикрини темир тиконлар тайёрлашга ишлатди. У (тикон)ларнинг шакли учбурчак, тавсифи эса бадоатли, гўё (у тиконлар) ўзларининг мудҳиш шаклларида худони учта деювчилар каби, ённки ҳисобчилар ишлатадиган истилоҳи «вафқнинг» (учбурчак) вазиятига ўхшайдик, уларнинг ададлари уч бўлак бўлади⁵²⁴. Шундай шаклдаги тиконлардан мингларча ясадилар. Кейин улар саф бўлишиб филлар майдонига томон юрдилар. Ушбу тиконларни кечаси сочиб, (бу билан) филлар ва улар эгаларига кулфату офат келтирдилар ва бунга (махсус) чегара белгилаб, ўша чегарадан (нарига) ўтилмасин деган фармон бўлди. Кейин Темур (жанг) талабгарлари ва ботирларини отлантириб, шер ва шерваччаларини тартибга солди, отларини саралаб пиёдаларини танлади ҳамда ўз аскаридан душманга қарши ўнгу чапга пистирма қўйди. Сайёралар султони⁵²⁵ барча томон уфқларига ўз гуруҳлари (нури) ни тарқатиб, зулмат лашкари (ўз) юлдузлари пиёдаларини тўплаб қочишга этак шимарганда, Темур аскарлари ўша (белгиланган) чегарага бориб етгунча аста-секин юрди. Икки томон аскарлари бир-бирига рўпара бўлгач Темур аскарлари «орқага тисарилди»⁵²⁶ ва (Темур) ўз отлари билан (юриб) филлар йўли бўйлаб чекинди. Шунда Маллу аскарлари Темур отлари хуркиди ва унинг нусрат қуёши тутилиб, аскарлари кавкаблари сўнди деб тасаввур қилдилар-да, филлар қалъаларини кўпордиларки, улар (гўё) селдек бўлиб ҳайқириб оқдилар. Ҳиндлар Темур аскарлари изидан филларни (ерга) ташланган ўша тиконлар томон ҳайдадилар. Филлар

устида ўтирганлар орқасидан ҳинд отлиқ ва пиёдалари эргашдилар. Филлар сели тиконлар ташланиб ажратилган жойга етгач, ушбу тиконлар филларнинг оёқларини ўлиб, улар товонларига санчилдики, филлар оёқлари тиконларни шур этди ва улар орқага тисарилиб қайтдилар, балки ақлсизлиги натижасида⁵²⁷ душманга орқа ўгириб қочдилар. Маллу аскарлари филларни қочишдан тўхтатиб, уларни қайтаришга уриндилар. Лекин қочишни ман қилиш ва қайтариш фойда бермади. Филлар душман томонига қараб олға юришда гўё Абраҳа фили⁵²⁸ сингари бўлиб қолдилар. Бу «тиконзорда» тикон зарар келтиргани сабабли филларга жангдан қочишдан бошқа чора қолмади. Натижада, (қочаётиб) филлар одамлару отларни поймол қилиб кетдиларки, Маллу аскарларининг ўликлари тоғлар каби уюлиб, қонлар у (тоғ) лар водийларидаги селлар каби оқди. (Бунинг устига) Темурнинг ўнгу-чапда пистирмада (яшириниб) ётган одамлари чиқиб, қолганларини улар ҳалок этди ва Маллу аскарларининг аввалига охирини олиб бориб қўшдилар.

Айтишларича, Ҳинд ерларида туялар бўлмаб, уларнинг манзаридан филлар қўрқиб, (улардан) узоқроққа қочади. Шу сабабли Темур беш юзта ҳурконғич туялардан тўплашни ва уларни ҳайдовчиларга филиклар тиқилган қамишлар ва ёғланиб ҳўлланган пахта юкларидан кўп миқдорда улашиб, қўшинлар бир-бирларига рўбару бўлгунларида туяларни отлиқлар олдида ҳайдашларини буюрган. Қўшинлар саф тортиб жанг бошлашдан бўлак йўл қолмагач, Темур ўша ортилган (пахта) тойларга ва юкларга ўт қўйиб, туяларни филлар томонга ҳайдашни буюрган. Туялар олов ҳароратини ҳис қилгач, типирчилаб қолиб филлар томонга қараб елдек учиб кетишган ва ушбу айтилгандек бўлган. «Гўё сен Уқайш қабиласи⁵²⁹ туяларидан бирисан, (қўрқитиш учун) унинг олдида меш билан овоз чиқарадилар».

Филлар оловни кўриб, туялар бўкиришини эшитгач ва уларнинг қандай маҳлуқ эканлигига назарлари тушиб, товонлари билан чапак чалиб қўшиқ айтиб рақсга тушишларини кўриши биланоқ «ўз ҳайдовчиларини афнатиб устларида ўтирганларни йиқитиб, бўйинни синдириб»⁵³⁰ орқасига қараб тирақайлаб қочдилар ва отлиқларни янчиб, пиёдаларни поймол қилиб кетдилар. Темур одамлари фил соҳиблари устидан зафар оятини тиловат қилиб, улар бошига «қушлар галалари мисол камон ўқ-

ларини юбордилар»⁵³¹. Ҳиндлар филлардан ҳеч манфаат кўрмай, аксинча у (фил)лар пиёда ва отлиқлардан кўпчилигини ҳалок қилди. Кейин ҳинд аскарлари ва улар ичидаги отлиғу пиёда ботирлар орқага чекиндилар ва (янг) гуруҳлар тўплаб байроқлар кўтардилар. Кейин улар бир-бирларига қўшилишиб йиғилишдилар ва бир-бирларини бекитган ҳолда саф тортдилар. Улар орасида мажусийлар, мусулмонлар, ўз улуг насаби билан танилган паҳлавонлару жанговар шиор билан чақирувчи мунодийлар бор бўлиб, уларнинг ҳаммаси, гўё зулматли туннинг бир бўлаги каби темирдек қора рангда эди⁵³². Кейин улар тоторларга яқин келдилар ва бир-бирларига ташландилар, камондан ўқ отишиб, найза санчишиб жанг қилганларидан кейин қиличлар билан бир-бирларига зарба бера бошладилар ва душманлар ўзаро бир-бирларига жипс бўлишиб ташландилар. Кейин улар ўзларини отларидан (таппа-таппа) ташладилар ва ушбу чангу тўзонда кеча билан кундуз аралашиб кетди. Рақиблар орасида турли хил зарбалар давом этиб, улар ичида ҳамлалар савлат тўкиб, мақтовга сазовор даражада бир-бирларига ҳужум қилдиларки, ниҳоят, қазо ва қадар тили чиндан ҳам кеча ва кундуз ихтилофидан бошқа оятларгача тиловат қилмагунча давом этди. Кейин жангу-жадал ниҳоясига етиб, издиҳом кўтарилгач, ҳиндларнинг ҳовури совиб Ҳама⁵³³ аскарлари мағлубиятга учрагани зоҳир бўлди. Ҳиндлар устига мусибат тушиб, тангри кеча белгисини йўқ қилди. Ҳиндлар тарқаб, ҳар тарафга қочди ва мухорабада улар ишларининг тугунлари ечилиб, тарқалиб кетди; уларнинг шонли эрлари ўлдирилди ва султонлари — Маллу қочди. Самарқандда ўз устунлари мустаҳкам бўлганидек, Темур ва унинг ҳукми Ҳиндистонда ҳозирги вақтгача собит бўлди.

Кейин Темур ҳинд маҳоражаларини тўплаб, (ҳинд) филларини боғлади ва мамлакат ишларини тартибга солди ҳамда забот этишда нима ўзига ижоб, нима четда турганлигидан гофил бўлмади. Филларни ўз ҳайдовчи (эга) ларига топшириб, Темур ўзи мамлакат тахти Дехли шаҳрига қараб йўл олди. У (Дехли) азим шаҳар бўлиб, турли-туман фазилатлар жамланган, очиқ-ойдин шуҳрат соҳиблари йиғилган, тижорат аҳллариининг мазгилгоҳи турли-туман жавоҳирлару хушбўйликларнинг маъдани эди. Шаҳар (аҳли) қуршовда бўлиб (ҳам Темурга монелик кўрсатди. Шунда бу тубсиз кенгликни ундан ҳам кўп бўлган аскарлар ва Темур билан бўлган

ҳалойиқу халқлар ўраб олди. Айтишларича, аммо бу аскар ва халойиқ ўзларининг кўплигию сонсиз-саноксиз эканликларига қарамасдан, Деҳли (шаҳри) ни айлантириб ўраб олишга қодир бўла олмадиларки, шаҳар доираси шунчалик даражада кенг эди. Гўёки Темур шаҳарни бир томонидан муҳосира этиб ишғол қилишга муваффақ бўлгану, лекин бошқа томонларида яна уч кун жангужадал давом этган. Шаҳар қўлами кенглигидан ва одамлари кўплигидан ҳисор этилган томондагилар бошқа томонда нима юз бераётганидан беҳабар эдилар.

ИККИ ПОДШОҲНИНГ АБУ-Л-АББОС АҲМАД ВА МАЛИК АЗ-ЗОҲИР БАРҚУҚНИНГ — ВАФОТИ ХАБАРНИНГ⁵³⁴ ТЕМУРГА ЕТИШИ БАЕНИ

Темур Ҳинд тахтию унинг шаҳарларини истило этиб, (Ҳинд) ерлари ва минтақаларини эгаллаб, (унинг) фармонлари (Ҳиндистон) қир-тепаликларининг тубларигача бориб этиб, аскарлари ҳинд вилоятларининг текис ва ғадир-будур (жой) ларига тарқаган ва хоҳ денгиада (сувликда), хоҳ қуруқликда бўлсин, ҳинд раиялари устига улар фасодликлари зоҳир бўлган бир пайтда Шом томонидан Темурга хабарчи келиб, қози Бурҳонуддин Аҳмад ас-Сивосий ва Малик аз-Зоҳир Абу Саид Барқуқнинг дор ус-саломга кўчганликларини башорат берди. (Бу хабардан) Темурнинг қалби шодланиб, енгил нафас олди ва оз бўлмаса хурсандлигидан Шом томонига қараб учиб кетаёзди. Натижада, у тез суръатда Ҳинд ишларини камолига етказиб, у ердан олган хазиналару нафис молларни унда бўлган қўшини аскарлар билан (биргаликда) ўз мамлакатига кўчирди⁵³⁵. Ушбу оломони ва бошқа асир олинган қўшинларни Мовароуннаҳрнинг теварак атроф чегараларига тарқатди. Ҳиндистонда эса ҳеч нарсадан таф тортмай (бир) ноиб тайинлаб қолдирди. Кейин у Самарқанддан чиқиб, шошилич равишда Шомни мўлжаллаб жўнади⁵³⁶. У билан бирга, ҳинд аскар бошлиқлари, аъёнларининг машҳурлари, улар филларининг султонларини (ҳинд) султонининг филлари бор эди.

802 йилнинг аввалларида (1399 йил сентябрь) Темур мамнун ҳолатда муз тоғлари мисоли ушбу тоифалар билан юзланиб, тўфон каби Жайхундан Хуросонга қараб қуюлди.

Ўз пушти камаридан бўлган ўғли Амираншоҳни Темур Табриз мамлакати ва ўша диёрларда қарор топтирган эди. Султон Аҳмад бўлса, қочишга тайёр бўлиб Бағдодга қайтган эди⁵³⁷.

Темурнинг Шом ерлари томон юришига сабаб: Сивос ҳокими қози Бурҳонуддинни у (Темур)нинг гапга нуноқ чопарларига нисбатан қилган муомаласи бўлди⁵³⁸. Лекин Темур ўз мақсадини ҳуфё тутиб, одамлардан ўзини қаердан чиқиб қаерга боришини бекитишни истади. Бадоҳатан мен дедим:

Қандай қилиб иссиқ куни мушкнинг хушбўй ҳиди
Одамлар бурун (тешик)ларини тўлдириб тарқалмайди?
Қандай қилиб (юриш учун) ноғора чалинсинда, (одамлар)
қулоғидан унинг овозини яшириш мумкин?

Темур қасд қилган (нарса) бағоят (кўп) мадад ва давомли муддат (талаб этар) эди; юриш (қилиш) учун озиқ-овқат, қурол-аслаҳа ғамлашга муҳтожлик бўлиб, бу юришнинг Табук ғазотига⁵³⁹ ўхшаб қолишидан Темур хавфланар эди. Темур ўз макр-хийлаларини яшириш мақсадида (сохта бир) ваз ўйлаб чиқариб, уни овоза қилиб (ҳар томонга) тарқатдики, улардан қалблар тўлиб, қулоқлар битди.

ТЕМУР ҲИНДИСТОНДА ЭКАНИДА УНГА КЕЛГАН БИР МАКТУБ МАЪНОСИ: ГУМОН ҚИЛИШЛАРИЧА, БУ ХАТНИ ТЕМУРГА УҒЛИ АМИРАНШОҲ ЮБОРГАН⁵⁴⁰

Ҳал шуки, Темур ўғли зикр қилинган Амираншоҳ унга хат юбориб, хабар қилган гаплари ва даъволари жумласидан мана шу (сўз)лар бор эди: «Ешинг улғайиб, жисмингни заифлик ва қувватсизлик қамраб олганлиги сабабли сен риёсат тартиботларини адо этиш, бошқарув ва сиёсат (юргизиш) оғирликларини ўз зиммангда кўтаришдан ожиз бўлиб қолдинг. Сенинг бу аҳволингда — башарти (сен) тақводор кишилардан бўлсанг — ўзингга муқаррар нарса (ўлим) келгунча масжид бурчагида ўтириб эганга ибодат қилиш сен учун авлодир. (Сенинг) болаларингу набираларинг орасидан раия ва қўшинларингни бошқаришни удалай оладиган, мамлакатингу ерларинг муҳофазасига қурби етадиганлар этиш-

ди. Шаҳарлар ва мамлакатлар қандай қилиб қўлингда бўлсинки, ваҳоланки сен (ўзинг) ўлимдан бир одимсан? Агар сен зийрак назаргаю ўз мулоҳазангга дақиқ фарosatга эга бўлсанг, дунё (ишлари) ни тарк қил-да, охи-рат ишлари билан машғул бўл. Агар сен Шаддо⁵⁴¹ мулкига эга бўлсанг, Амолиқа (қавми) нинг қудрати сенга қайтиб келса, нусрат ва ёрдам сенга ўз мададини берса-ю, ҳатто сен Ҳамон⁵⁴² ва Фиръавн⁵⁴³ мартабасига етишсанг, рубъи маскуннинг хирожи сенга берилса-ю, мол-дунё тўплашда сен Қорундан⁵⁴⁴ ҳам ошиб кетиб, мамлакатларни хароб қилишда Бухтаннаср⁵⁴⁵ каби бўлсангки, қайсики унга тангри таоло кўп нарса инъом қилди-ю, лекин у ношукурлик қилди,— гапнинг хулосаси, сенинг салтанатинг бутун дунёга етса ва бу дунёингдан жамики тилакларингга етишсанг, умринг эса (дунёда) энг узун умрлардан бўлса ва (дунёдаги) нодон ҳокимлар эса сенинг хизматкорларинг бўлса; (сенинг) қўшинларинг Қайсарни⁵⁴⁶ тийиб Хусровни⁵⁴⁷ тор-мор қилиб енгса: Тубъа⁵⁴⁸ ва Ан-Нажаши⁵⁴⁹ сенга эргашиб, олам подшоҳлари ва ҳинд рожалари сўзсиз сенга тобе бўлса, Фағфур⁵⁵⁰ доимо сени мақтаб орзини очса, сен (дунёдаги) хону ҳоқонларни ҳалок этсанг, ҳамма сенинг дасти хатингга тортиқлар жўнатса, Миср фиръавнию унинг султони сенга бўйсунса; «олиб келаверинглар»⁵⁵¹ қўли билан сенга дунё Эрони ва Турони тўловлари тўланса — сенинг мартабанг шунгача бориб етсаки, (бутун) иқлимларда яшаб, истиқомат қилувчилар сеники бўлса?⁵⁵²

Қасрларингнинг узлуксиз баландга бой чўзиши (бу фақат) ҳалокатга олиб келмайдими? Камолингнинг ниҳояси завол эмасму? Ва ниҳоят, ҳаётинг — ўлим, яшайдиган маконинг қабр бўлмайдими? Мен (шеър) айтдим:

Бу дунёда истаганингча яшаб шон-шухратга эриш
Аммо ҳаёт ипи оқибатида узилиши муқаррар,
Умр чилвири ўлим билан боғлангандир.

Яна (шеър) айтилган:

Пахтадан бўлган кўйлак кийиш,
бир қултум тоза сув ва бир кунлик озиқ-овқат
киши шулар билан орзусига эришади, аммо ўладиган
кишига шу ҳам ортиқдир⁵⁵³.

Сен қаёқда-ю, Нуҳ (пайгамбар) қаёқда? Сенда у (Нуҳ)нинг узоқ умрию ўз қавми учун йиғлаши, унинг

(соф) ихлосли ибодатию, ўз эгасига шукронаси (қаёқда?) Сен қаёқдаю, Лукмон қаёқда? Унинг ўз ўғлига Ваъзи-ю⁵⁵⁴ умри бўйи ўз лубадига⁵⁵⁵ берган тарбияти қаёқда? Бепоен мулкка эга бўла туриб, тангри таоло амрларини адо этиб, зикру тасбеҳни такрор қилган Довуд⁵⁵⁶ қаёқдаю сен қаёқда? Ундан (Довуддан) кейин Сулаймон ва унинг инслар, жинслар, қушлар⁵⁵⁷, ҳайвонлар ва шамол устидан ҳукми қаёқдаю сен қаёқда? Иккала Машриққа⁵⁵⁸ эгалик қилиб иккала Мағрибгача⁵⁵⁹ бориб етган ҳамда икки тоғ қояси ўртасига тўғон бунёд⁵⁶⁰ этиб, мамлакатларни бўй эгдириб, тангри бандаларига эгалик қилган Зулқарнайн⁵⁶¹ қаердаю сен қаерда? Анбиёлар саййиди, расуллар муҳри ва сайланганлар сараси барча оламга раҳмат тариқасида юборилган⁵⁶², Одам Ота ҳали сув билан тупроқ ўртасида турганида, пайғамбар бўлган Муҳаммаду мустафо ва аҳмаду мужтабога нисбатан сенинг мақоминг нима? Муҳаммадга еринг Машриқ ва Мағриб (яъни барча) томонлари нисиб бўлиб, унинг шохидаяю ғойби қаршисида қўл қовуштириб турди ва хазиналари очилиб, (ернинг) зоҳир ва яширин нарсалари унга намоён қилинди; муруватли малонкалар унинг қўшини бўлиб, жинлар, инслар, қушлар, ваҳшийлар ва қурту қумурсқалар унга иймон келтирган; кароматли олий тангри унинг итоатига тоғлар подшоҳини юбориб, унга қувват берган (бўлса) унинг нусрати байроқларини ўнгу чапда элтувчи сабо насими бўлган. У мутакаббирларни қаҳру ҳайбат билан қўлга киритган; Хусраву Қайсарлар бир ойлик йўлда туриб ундан титраганлар, тангри унинг ўз ёрдами ҳамда «Муҳожирлар» ва «ансорлар»дан иборат мўминлар билан қўллаб-қувватлади ҳамда қачонки кофирлар уни (Маккадан) чиқарганларида тангри унга ёрдам беришда ўзи мутасадди бўлиб (Абу Бакр билан) иккиси ғорда эканларида икковига мадад берди⁵⁶³. Тангри таоло унга шарафли улов ал-Буруқни⁵⁶⁴ етказиб, уни қайбир кечада масжид ал-харамдан⁵⁶⁵ масжид ал-Асога⁵⁶⁶ олиб борди. Кейин тангри уни етти қават осмонга кўтарди ва ўзининг шонли исмини унинг исми билан яқинлаштирди. У ўз бандаларини то қиёматгача чегараси ва расмияти ўзгармас шаръиат билан ибодат қилдирди. Тангри коинотни уни деб яратиб, унинг сиймоси нури билан (бутун) мавжудотни ёритди. Оламда ундан кўра шарафлироқ ва фахрлироқ (ҳеч бир кимса) яратилмаган. Аллоҳ унинг (аввал) ўтган ва кейинги гуноҳларини ҳаммаси-

дан кечди⁵⁶⁷. Тангри унга ўз мўъжизаларидан шундай бир мўъжиза бердики, битта арпа кулча билан беҳисоб аломонни тўйғизди ва бир тўда отлиқларни (ўз) бармоқлари орасидан чиқиб турган зилол сувга қондирди. Унинг учун ой (иккига) ажралиб⁵⁶⁸, дарахтлар (унинг) даъватига «лаббай» деб жавоб берди⁵⁶⁹, калтакесак унга иймон келтириб, тош (лар) унга салом берди. Ахир, у (яратган) мўъжизаларнию (кўрсатган) кароматларни санаб ҳисобига етиб бўладими? Мана бир муайяда мўъжизасининг ўзи сени бошқа мўъжизалар талаб қилишдан тиядики, абадий каромати, замон ўтиши билан ҳам боқий қоладиган, кечаю-кундузнинг айланиши билан бир меъёрда турадиган мўъжиза — у Қуръон ул-мажиддир. У шундайки, «на олдидан, на орқасидан (бирор) ботиллик (яқин) келмай, ҳикматли, мақтовли (зот хуло) томонидан нозилдир⁵⁷⁰. Мана булар пайғамбарнинг бу дунёдаги тутган манзиллари бўлиб, (булар) охира-ратда унинг учун аталганларидан бошқаларидир. У (тангри) ўзининг ушбу сўзлари билан пайғамбарга башорат берган: «Сен учун охира-рат бу дунёдан кўра яхшироқ, (зинҳор) раббинг тез орада сенга атою эҳсон қиладики, сен (ундан) рози бўласан⁵⁷¹, шу билан бирга тангри-таоло пайғамбарлардан Муҳаммадга иймон келтиришга ва уни қўллаб-қувватлашларига аҳду паймон олган. Башарти улар Муҳаммад замони-гача яшаганларида эди, уларнинг фақатгина унга (Муҳаммадга) эргашиб, унинг амрларини бажаришдан бўлак чоралари қолмасди. У (Муҳаммад) Аллоҳ дўсти Иброҳимнинг уруғи, Мусо ва Бани Исроил уламолари василаси: унинг келиши ҳақида Инжилда Исо тили билан башорат берилган: дийдор кўрадиган кунни ўз рабби ҳамда байроғининг ҳомилидир; одам ва ундан кейингилар унинг байроғи тағидадурлар. У жаннатга тушириладиган ҳовуз эгаси ва шафоат мақомида ўз раббидан хитоб олувчи ва мақому маҳмуд эгаси. Сўзлар ишлатилишидан намуна қилиб айтган шеърим мазмунда:

Сўзла — гапинг эшитилади; шафоат тила — шафоатнинг қабул этилади.

Сўра-сўраганингга эришасан — иззат хилъатига лойиқ бўласан; менинг неъматларим нурларини ўзингга (сингдириб) ол.

Ана ўша саййидларга, хайру саховат конларигаю, бахту саодат калитларига назар ташлачи? Улар дунёга ҳирс қўйиб, унга ишондиларми? Еки унга қиё боқдилар-

ми? Лекин боққан бўлсалар фақатгина белисанд ва ибрат кўзи билан боқдилар! Уларнинг назарлари Аллоҳ фармонига таъзимдан бўлак нарса эдими? Бу назар тангри бандаларига шафқатдан бошқа нима эди? Хулафо уррошидиндан ортиқ сенга кифоятли нарса борми? Бу уммат ичида қуёш ва ой мақомида бўлган икки Умардан⁵⁷² бошқа улуғ зот борми? Шулар мисоли одило нахалифалар, камолатли подшоҳлар, фазилатли султонлар борки, улар адл билан ҳукм юритдилар. Улар тангри таолонинг бандалари устидаги ҳақларини муҳофаза этдилар, олий тангри бандаларини унинг ерларида зулмдан ҳимоя қилдилар, хайр-саховат қондаларига асос солдилар ва фақат адлу инсоф йўлида жавлон урдилар. Улар мапа шу зайлда оламдан ўтдилару асарлари боқий қолди. Улар ҳақидаги (хуш) хабарлар, гарчи ўзлари дунёдан ўтсалар-да, (улар) кунларини барҳаёт қилди. Шу тариқа улар аввалгилар мисоли ўтдилар ва улар тўғрисида охиргиларда садоқат лисони боқий қолди, чунки улар эшитганлари тақозосига кўра иш кўргандилар.

Сен, одамлар, яхши (эди) деб зикр этадиган бўлгин,
Чунки одамзот зикр қилинувчидир.

Сенга келсак, халқ устидан ҳокимиятга эга бўлдинг-да адолат ҳам кўрсатдинг, лекин ҳақ йўлда эмас; халққа ғамхўрлик ҳам қилдинг — лекин мол-дунёю зироатларига ва улар қалблари ва суякларини ҳимоя қилдинг — лекин ўт билан юрдинг, асос ҳам солдинг — лекин фитналарга; лекин пайғамбар расм-русумларини поймол этувчи йўлдан. Шу билан бирга, гарчи сен етти осмонга⁵⁷³ кўтарилган бўлсанг ҳам (барибир) Фиръавн ва Шаддод мартабасига етаолмадинг; гарчи сен баланд тоғлар чўққиларида қасрлар кўтарган бўлсанг ҳам барибир улар ер юзида тенги бўлмаган кўп устунли Эрамага⁵⁷⁴ баровар кела олмайди. Сен ман этгану амр қилганларга ва сўнгра (дунёдан) ўтиб ғуборга айланганларга (бир) назар сол-да, туғён билан фужурлик қилганлардек, юз ўгириб кофирларча иш юритганлардек бўлма. Бу хитобга жавоб (бериш) дан ўзингни тий; ёйни ясаган (киш) нга бериб, уйни қурганига қолдир⁵⁷⁵. Аллоҳ, унинг расули ва иймон келтирганларга томон нигоҳ ташла, бўлмаса сен сай кўрсатиб фасод келтириш учун ер юзида ҳокимлик қилганлардан бўласан. Агар (иш)

шу тарзда бўлса, унда мен сенинг устинга бораман ва қўлларингга уриб фасод ишларда жидди-жаҳд кўрсатишдан сени қайтараман ва оёқларингни тўғрилайман».

Шунингдек, Амираншоҳнинг мактубида кўпдан-кўп адабдан ташқари, гуноҳга сероб иборалар бор эди.

Темур бу мактубдан воқиф бўлгач, ўз отлари жиловини Табризга қараб бурди. Амираншоҳ ҳузурда бир гуруҳ (адоватда) ҳадидан ошганлар бўлиб, улар ер юзида фасод тарқатишда жидду-жаҳд кўрсатгандилар. Улардан Қутб ал-Моусилий⁵⁷⁶ бўлиб, у бевафо замоннинг мўъжизаси, мусиқа ва қўшиқлар илмида (катта) устоз эди. (Қачонки) у қамишни сайратганда эътиборли кишилар ҳам сукутга борар; (у) найни лабига қўйганда Исҳоқ⁵⁷⁷ ва унинг отаси удининг овози чиқмай қоларди; башарти у куйлашга бошласа соҳибжамолларга бўлган эҳтиёждан қутқарар, киши руҳи унинг майин нафасига «менинг азоб-у қубатларимни енгиллат» деб зорланар эди; унинг қамиш (найи) эса бармоқларга ишорат қилиб «бош устига» деб жавоб берарди. Кейин чолғувчи унинг ичига руҳни пуфлаб ҳар қандай мажруҳ қалбга шифо ва яраланган юракка даво бағишларди. Агар унинг найи ўзининг келишган қадди-қоматини ростлаб, ўз оҳанги остида «рақсга» тушиб кетса, унда чанг орқасини эгилтириб, унинг жозибали овозига бўйин эгарди. Агар най ўз куйларини (кишилар) қалблари тинглашлари учун оғзини очса, унда уд қулоқ солмоқ учун бўйинини эгиб адаб бармоқлари билан қулоқларини чўзиб эшитарди. Айтишларича, у (Қутб) оддий ва мураккаб, ясама ва асосий куйларнинг жамийки нағмаларини ўз удининг ҳар қандай бўлимларидан чиқарар экан. Унинг мақомларга бағишланган асарлари бўлиб, (бу борада) унинг билан Устоз Абдулқодир ал-Мароғий⁵⁷⁸ ўртасида баҳслар бўлиб ўтган.

Амираншоҳ унга жуда меҳр қўйган бўлиб, унинг суҳбати ва ишратини (ўзига) ганимат билар эди. Темур бўлса ажиб нарсалардан ажабланмас, ўйин-кулги ва мусиқа уни ўзига мафтун этмасди. Бинобарин у: «Гўё Абдулқодир Шайх Увайснинг ўғли Аҳмаднинг ақлини олиб, уни тўғён (йўли)га бошлаганидек, ал-Қутб ҳам Амираншоҳнинг ақлини олиб уни фасодга бошладя», — деди.

Кейин ушбу тўғёнчи (Темур) 802 йил рабий ул-аввал ойининг ўн еттинчисида (1399 йил 17 ноябрь) Қорабоғга етиб келди ва уни манзилгоҳ қилиб тўхтаб,

унда уловларига дам берди. У Озарбайжон ерларини забт этиб, ўша фасодчилар ва адоват аҳлларини қатл қилди⁵⁷⁹, лекин Амираншоҳга ҳеч бир озор бермади⁵⁸⁰, чунки у унинг ўғли бўлиб, ўз пушти камаридан яратилган эди. Улар (икковлари) ўртасида шубҳали ишлар⁵⁸¹ бўлиб ўтдию улар тафсилоти ёлғизгина тангрига аён.

Кейин Темур ўз қўшини билан жумодул — охира ойнинг иккинчиси, (1400 йил 30 январь) пайшанба кунинда йўлга чиқиб, Тифлис шаҳрини олди ва Гуржилар ерларига қараб юриб, (ўзи) эгаллаган қаср ва буржларни вайрон қилди ва уларни (гуржиларни) қалъа ва итоатсиз қўрғонларга тикди. Ўзи қўлга киритганлардан хоҳ итоаткор, хоҳ исёнкор бўлсин (ҳаммасини) ўлдириб, уларнинг бошларини кокилларида тортиб (судраб) юрди.

Кейин Темур ўз иноди жиловини буриб, ўз золимларини Бағдодга қараб гиж-гижлади. Ражаб ойининг ўн саккизинчисида (15 март) Султон Аҳмад бу ҳайқирган (денгиз) дан Қора Юсуфга (қараб) қочди⁵⁸². Натижада, Темур унинг бўронидан таскин топиб, бу билан душманлари ва рақибларидан хотиржам бўлди. У юришни муҳлатга солиб, ўз мунозарачилари билан бўлган наҳвида «ғайру» ва «сиво» («фалон-фустон») баҳсларини ишлатди. У ҳар хил макр ва илмоқли ҳаракатларга киришиб, ўзини ғофил кўрсатиб, ушбу нашидани куйлар эди:

Мен Алва билан Суъдо ҳақида гапирман,
(аммо) мени истаган муроқдим сизсиз:
мен на Суъдони, ва Алвани хоҳлайман.

Натижада, Темурни ярамаc гуржилар еридан қўзғалгани йўқ (деб) тасаввур қилиб, бир кун⁵⁸³ Султон Аҳмад ва Қора Юсуф Мадинат ус-саломга⁵⁸⁴ қайтиб келдилар. Улар Темурнинг (Курждан) чиққанига ишончлари комил бўлгач,— агар Темур бирор мақсадга кўз тикса, ундан бошқага бурилмаслиги уларга аввалдан аён эди,— ўз қушларини Румга томон учирдилар ва диёрларини қарғая бойўғлилар қағиллашларига ташлаб кетдилар⁵⁸⁵. Бу қари бургут (Темур) бўлса, туркман оромгоҳига қараб равона бўлди. Кейин у қиличини қинга солиб, тўғённи тугатди ва ёзни шу жойда ўтказди.

СИВОС ВА ШОМ СУЛТОНИ ВАФОТИДАН КЕИИН ҚАНДАЙ ФИТНАЮ БИДЪАТЛАР ВОҚЕЪ БЎЛГАНИ ВА ФАСОДЛИКЛАР УЧУН ҚИЛИЧ ЯЛАНФОЧЛАНГАНИ БАЕНИ

Шу пайтда одамларнинг иши парокандаликка юз тутиб, Миср ва Шом ерларидан тортиб то Сивосгача изтироб воқеъ бўлган эди. Миср ва Шомда ўз султонларининг вафоти⁵⁸⁶ сабабли бўлса, Сивосда эса ўз Бурҳонининг қатл этилиши сабабидан эди⁵⁸⁷. Улар иккаласининг ўлими гўё Қора Юсуф⁵⁸⁸ ва Малик ал-Муайяд Шайх Абу-л-Фатҳ Фиёсуддин Муҳаммад Ибн Усмоннинг⁵⁸⁹ ўлимига ўхшаб вақт жиҳатидан бир-бирига яқин эди. Ушбу икки улуғ маликларнинг ўлими орасида ҳам худди ана шу икки султоннинг ўлими (орасидаги) га ўхшаб ярим йилга яқин вақт ўтди.

ҚОЗИ (БУРҲОНУДДИН) ИШЛАРИДАН БИР ШИНГИЛ ВА УНИНГ ҚАЙ ТАРИҚА СИВОС ВА УША ЕРЛАРНИ ЭГАЛЛАГАНИ БАЕНИ

Қози Бурҳонуддиннинг қатлига унинг билан адоватчилар бош (лиф) и Усмон Қорайлук ўртасида воқеъ бўлган ихтилоф сабаб бўлди; кези келганда бу (ихтилоф) ҳақида зиёда баён қилинади. (Бурҳонуддин) нинг отаси Қайсария ва Қарамонга қарашли баъзи ерлар ҳокими Султон Аратна⁵⁹⁰ ҳузурида қози бўлиб, амирлар ва вазиралар ўртасида таъсиру эътиборга эга эди.

Унинг ўғли мазкур Бурҳонуддин Аҳмаднинг эса барқ урган ўспиринлик даври бўлиб, шарафли⁵⁹¹ илм ва унинг аҳллари толибларидан ҳамда илм таҳсил олиб қўлга киритишда жидду жаҳд кўрсатадиганлардан эди. У мукаммал равишда илмларни эгаллаш, маантиқ ва мафҳум йўллари билан уларни ўзлаштириб олиш ниятида Мисрга қараб йўл олди. Бу ўспирин гоят даражада зеҳнли, зийрак даҳоли, билим йўлида уйқудан (ҳам) воз кечган бўлиб, қисқа муддат ичида бир қадар илмларни мукаммал эгаллади. Бир кун у Миср (Қоҳира) да сайр қилиб юрганда йўл устида гамгин ҳолда ўтирган бир фақирга назари тушди. Бурҳонуддин унга ўз камчилигини қоплайдиган, унинг билан ўз фақирлигию эҳтиёжини (бир қадар) тузатадиган у — бу нарса берди. Шунда ушбу фақир (одам) маълум лафзлар билан унга янги

хабарлар очди ва яширинган сирни кашф қилиб, Бурхонуддинга: «Бу диёрда ўтирма, (чунки) сен Рум султонисан»— деди. Бу сўзлар билан у Бурхонуддин қалбини пора-пора қилди. Кейин у (Бурхонуддин) йўл анжомларини тайёрлай бошлади ва энг қимматли нарсани (илм талабини) тўхтатиб, шериклари хамроҳлигида йўлга тушди. У Сивосга етиб келгач, отаси ва одамлар аъёнлари хурсанд бўлдилар ва халқ ўртасида унинг учун бинноси кучлию асоси мустаҳкам (таянч) бино қурдилар. Бурхонуддин мударрислик қилиб, аъёну бошлиқлар суҳбатига бўла бошлади. У бағоят қимматли, саховатли ва софдил бўлиб, ажойиб сифатлар ва мақтовга арзигулик хислатларга эга эди. Унинг таҳрири ишонарли ва таҳрири вафоли (сидқидилдан) эди. У уламолар сўзларини таҳқиқ қилиб, фозиллар айтган гаплар назарини тадқиқ қилар эди. Унинг мантиқий таснифлари ва тилдан тилга кўчиб нақл қилинадиган латифалари бор эди. У нафис шеърлар назм этар ва унинг учун жалолатли аътолар берар; унга нозик сўзлар ёқиб, улар учун кўпдан-кўп ҳадялар тортиқ қилар эди. Шу билан бирга, у қўшинлар киядиган либос кийиб, чавандозлик ва сайд (қилиш) да амирлар йўлидан юрар ва салтанат бўсағаларидан ажрамас, хизматкору мулозимлар тутарди.

(Кейин) ёш болани қолдириб, султон вафот этгач, у (бола) ни тахтга ўтқаздилар. Унинг ҳузурида амир, аъёнлар ва вазирлардан бир қанчаси бўлиб, улардан Ғаданфар ибн Музаффар, Фаридун, Ибн ал-Муайяд, Ҳожн Келди⁵⁹², Ҳожн Иброҳим ва бошқалар бўлиб, уларнинг ақобирларидан (бири) қози Бурхонуддиннинг отаси эди. Ана шу амирлар, вазирлар ва улуғлар фуқаро ишини бошқарардилар ва содир бўлган ҳар бир масалани биргалашиб, фақат иттифоқлик йўли билан ҳал қилардилар.

Кейин, қози Бурхонуддиннинг отаси вафот этиб, ўғли ўз падари ўрнини эгаллади. У илмда ва сиёсат ҳуснида ўз отасидан ва унинг сафдошларидан устун бўлди ва ўша иқлим вилоятларини Ибн ал-Муайяд, Ҳожн Келди ва Ҳожн Иброҳимга тақсим қилиб берди. Натижада, Султон Муҳаммад атрофида Фаридун, Ғаданфар ва Бурхонуддин Аҳмад қолдилар.

Кейин ҳеч бир меросхўр қолдирмай Султон Муҳаммад вафот қилди⁵⁹³. Ҳокимиятни муштарак бошқариш асосида (ҳалиги) уччаласи ворисликда қолдилар. Лекин камдан-кам (вақтда) бир эрнинг измида икки хотин ит-

тифоқда яшайди, ҳатто уларнинг (эри) тангридан ташқари қандайдир худо бўлса ҳам албатта улар ораларида фасод иш воқеъ бўлади⁵⁹⁴. Юзлаб фақирлар бир кўрпа остида ухлайдилару, икки подшоҳга катта бир иқлим торлик қилади⁵⁹⁵.

Бинобарин, Бурҳонуддин ҳокимиятни тамом ўзиники қилиб, мустақил ҳукм юритишни иродат этди ва ўзининг икки шеригига (қарши) ҳийла-найранг тўрларини ташлади, чунки подшоҳлик фарзандсиздир. У (Бурҳонуддин) бу борада ўз бахти толеъини излаб қулай фурсат пойлади ва юлдузларга (чуқур) разм, солиб, «мен бетобман» деди. Шериклари беморни зиёрат қилиш олижаноб ва ҳимматли вожиб деб ҳисобладилар, лекин Бурҳонуддин ундан зиёда (иш) истади. Улар Бурҳонуддинни зиёрат қилдилар лекин у адоватда эди, — улар ундан хавотирланмадилар, лекин бу улардан хавотирда эди. Улар Бурҳонуддин ҳузурига кирдилар, — у бўлса уларга қарши пистирма уюштириб қуроли кишилардан бир қанчасини тўплаб қўйган бўлиб, уларни ўлдирди, чунки улар тўрлар исканжасида қолган эдилар. (Бурҳонуддин) Аҳмад салтанати шерикларидан холис, ягона бўлди ва натижада, унинг ҳокимияти ягоналик билан кучайди ва бу билан дин учун ўз ҳужжати ва исботини ёндирди; лекин тенгқурлари унга қарши чиқиб, ноиблардан иборат унинг ўзига ўхшашлар ва назирлари унга қарши исён қилдилар. Душманлари ва ҳасадчилари яширин адоватларини зоҳир қилиб:—«Бу мартабага на унинг аждодларини, на оталари эришган; биз ҳаммамиз сивослик бўлиб, шунда улғайганмиз, қандай қилиб у бизнинг устимиздан ҳукм юритади?»— дедилар. Риёсат ҳасади — бу, энг оғир азоб кишанидир, тенгқурларнинг ўзаро (бир-бирига) ҳасади — бу бедаво жароҳатдир. Улардан мустаҳкам Тўқот соҳиби Шайх Нажиб ва Амосия⁵⁹⁶ ноиби бўлган Ҳожи Келди бор эдилар.

Қози (Бурҳонуддин) ҳокимиятга мустақил эга бўлгач, (ўзига) султон деб лақаб олди. Уша вақтда Қарамон ерларига султон Алоуддин эғалик қилиб олган эди. Сўнгра Султон Бурҳонуддин:—«Ҳақиқатда ҳам тарихлар ривоятчиларининг бизга етказган ва эшиттирган ҳадислари, сийрат китобларининг бизга келтирган хабару ҳилюятларига кўра, атрофимиздаги ерлар бизнинг султонимиз ва меросимизга мансубдир»,— деди. Кейин у ўз салтанатига мансуб бўлган (мулк) ларни холис (ўзиники) қилиб олиб, исёнида саркашлик кўрсатаётганларни

горат қила бошлади. Зўравонлик билан у Шайх Нажибдан Тўқот қалъасини юлиб олиб, унинг ўзини эса қонуний тутқун сингари ўзи билан олиб кетди. Сонсиз-саноқсиз бўлган Рум тоторлари Бурхонуддинга келиб қўшилдилар. Қорайлук лақаби билан аталган Усмои, Бурхонуддинга:—«Мен сенинг итоатинг остига туриб, (сени) амринг қайдида юраман»,— деди. Натижада, у Бурхонуддин хизматкорлари қаторига кириб, унинг тўдалари ва ҳашамаи жумласига мансуб бўлди. У ўзи билан бирга бўлган одамлар билан қишин-ёзин Сивос атрофларида кезиб юрарди.

**АДОВАТ ИЗҲОР ҚИЛИБ, ИСЕН ҲОЛАТИ
УЙЛАГАНЛИГИ САБАБЛИ ҚОРАЙЛУК
УСМОННИНГ СУЛТОН БУРҲОНУДДИН
НУРЛАРИ⁵⁹⁷ ИЗЛАРИНИ МАҲВ ЭТИШИ ВА
ЗАМОН УНГА ХИЕНАТ ҚИЛИБ, ҒАДИРЛИК
БИЛДИРГАНДА УНИ ТУТИБ ОЛИШИ БАЕНИ**

Кейин Қорайлук ва Султон (Бурхонуддин) ўртасида қудурат воқеъ бўлиб, можорага айланди ва охири жангу жадал билан тугади. Қорайлук (ўз) аҳду — паймони-ни бузиб (Бурхонуддинга) совға-салому хизматкорлар келтиришдан бош тортди ва ўзи билан ҳамроҳ туркмонлари ва ҳашамаи билан олиб бўлмайдиган маноатли жойларда ўрнашиб олди. Султон унга эътибор бермай — чунки Қорайлук унинг арконлари ичида энг арзимагани эди — баъзан Амосияга, баъзан Арзинжонга йўл ола бошлади. Сивоснинг яқинида бир оромгоҳ бўлиб, унинг манзари зариф, тупроғи соф, суви ёқимли ва ҳавоси латиф эдики, гўё Хулд⁵⁹⁸ унинг бўстонлари елкаларига ўзининг яшил шойисини хилъат қилган, Фирдавс ўз наҳри кавсарини унинг дарахтлари орасида булоқдек (отилтириб) оқизган; бу оромгоҳ боғлари жаннат бўстонлари мисоли, унинг жабҳаси тепалиғи эса кишилар пазарини ҳайратга солиб, ақл-идроқларга ҳузур-ҳаловат бахш этарди. Мен дедим:

Унинг устида саллагул гунча очган, гўё ақиқ косалари анбар бўлақларидан тўлдирилган.

Қорайлук ушбу оромгоҳ томон равона бўлиб, унинг йўлларида жавлон уришни истади ва Сивос устидан (юриб) ўтдики, унда Қози Абу-л-Аббос⁵⁹⁹ бор эди. Қорайлук (унинг) узангиси ёнидан ўтдию унга эътибор

бермади. Натижада, қозининг қалбида таммуз ҳарорати⁶⁰⁰ ловуллаб, оз бўлмаса у қаҳру ғазабидан ёрилиб кетаёзди ва деди:—«Бу кўппак шунгача бориб етдики ҳатто у шер уясига⁶⁰¹ ҳам бошини тикди! Мен бу шаҳарда турибман-у, у бу ерга қадам қўйишга журъат қилди!» Кейин Бурҳонуддин (ўз) жамоасига отланишни буюриб, Қорайлук устига ташланишга ният қилди. Ғазаб ва телбалик унинг (ўзини ҳам) отланиб, қўшиндан илгари кетишга ундади. Шунда у билан (бирга) бўлган жамоадан бири унга:—«Агар мавлоно Султон бир муддат (вақт) тўхтаб, қўшинлар етиб келгунча сабр қилсалар, бу энг маъқул, тўғри ва мақсадга мувофиқ иш бўлур эди. Гарчи мавлоно Султоннинг ҳурмати етарли бўлиб, унда куч-қувват кифоя бўлса-да, лекин (бу) туркмон⁶⁰² Қорайлук маккор ва фирибгар — (киши) дир»— деди. Лекин Султон бу калимага эътибор қилмади ва (тун) зулмати ёпирилгунча Қорайлукнинг орқасидан елдек учиб кетди. Шунда Қорайлук ўз жамоаси билан султонга қарши қайтиб ҳужум қилди-да, ўша заҳотиёқ тутиб олди. Аскарлари султон ҳоли не кечганини билмадилар; унинг амирларию қўшини тумтарақай бўлиб ҳар тарафга тўзиб кетдилар⁶⁰³.

ҚОРАЙЛУКНИНГ (БОШДА) ТУҒРИ ФИКРГА НИЯТ ҚИЛИШИ ВА КУНГЛИ ХИРАЛИГИДАН ШАЙХ НАЖИБ ВОСИТАСИДА УНДАН ҚАЙТИШИ БАЕНИ

Кейин Қорайлук Бурҳонуддин билан аҳду-паймонни қайтадан тиклашга, ўртадаги хилоф ниҳолларини суғуриб ташлаб, садоқат ва иттифоқлик биноларига асос солишга азм қилди. У Бурҳонуддинни маконига қайтариб ўзи эса, аввалгидек, унинг тарафдорлари ва ёрдамчиларидан (бири) бўлиб қолишга бел боғлади. Шунинг билан султон (Бурҳонуддин) Қорайлукнинг ўзига хайрхоҳ (киши) эканини англаб, ғийбатчи ва ҳасадчиларнинг у ҳақидаги сўзларини тинчламайди (деб ўйлади). Бирдан (шу пайт) Шайх Нажиб пайдо бўлиб — у Тўқот қалъасининг мутаваллиси бўлиб, Султон (Бурҳонуддин) уни муҳосарага олиб унга юриш йўлларини топ қилган, қаршилигини синдириб, устидан ғалабага эришган ва қалъасини эгаллаб, ўзини истар-истамас (ўзи билан) бирга олиб кетган эди — у (қулай фурсат топиб

ундан фойдаланди ва қалбида яшириниб ётган адоватни юзага чиқарди. У Қорайлукка келиб мамлук мисоли унинг хизматида бўлиб, унга:—«Сенинг билимдон ақлингни хато қилишдан, далолатли фаҳмингни адашишдан, (сенинг) мақсадга етказадиган раъйингни мусибатга учрашишдан ва гўзал фикрингга доғ тушишидан худо сақласин. Дарҳақиқат, тангри душманингни чангалингга тутқаздики, қандай қилиб сен шундай хотиржамликда, бемалол ўтирасан?»,— деди. Мен шеър айтдим:

Ҳаёт — бу бир лаҳзаки, ўтади-кетади.

Эр киши шу (лаҳзада) идрокли бўлади ёки надомат чекади.

Башарти сен уни аясанг ҳам, у сени аямайди; агар сен унга раҳмдиллик кўзи билан қарасангда, худо ҳақи, у сенга назар ҳам солмайди, чунки у калтафаҳм одам ва хилма-хил макр ва турли-туман ҳийлалар тўқийди. Падаринг номи билан қасам ичаманки, у билан келишиш бағоят мушкул (иш) ва ўз падарим номи билан қасам ичаманки, унга қилинган хайрли иш фойда келтирмайди. Фараз қил — бундан худо сақласин — сен унинг ўрнида бўлсангу у сенинг ўрнингда бўлса, сенга раҳм қилиб гуноҳингни кечирармиди? Йўқ, сира ҳам! Худо ҳаққи, бу бемаъни гап! (Ҳозир бўлса) сенга қулай фурсат келди⁶⁰⁴. Замон ҳар доим ҳам (исталган) муродни амалга оширишга имкон беравермайди. Ҳаёт — бу бир қадар (қулай) фурсатлардан иборат бўлиб, унинг аксар қисми ғам-ғуссалардан иборат. Шундай экан, қулай фурсатни қўлдан бериб юборсанг шундай ғам-ғуссада қоласанки, оҳ у қандай ғам-ғусса! Оёгинг тойгандан кейинги надомат (сенга) фойда бермайди. Менинг гапларим устида фикр қилиб, бу масала маъқулидан хулоса чиқариб ол. Унинг қонини тўкиш билан ўз олий шарафингни сақлаб қол ва унинг ҳарамини ҳўрлаш билан ўз ҳараминг пардаларини⁶⁰⁵ беза⁶⁰⁶. Ҳойна-ҳой, э амир, Қобус ибн Вушмагир⁶⁰⁷ ишларини эсла. Султон Аҳмадни Қора Юсуф тутиб олганда курдлар амири Бистом қилганидек, бу шайтон Қорайлукка бу сенинг манфаатингдир, ўзингга фойда келтиради, деб унга султонни қатл этиш фикрини тинмасдан маъқуллатар эди.

Натижада, Шайх Нажиб уни алдаб, фириб бергандан кейин, Қорайлук ўзининг (аввалги) ниятидан қайтди ва ҳеч кечиктирмасдан ва пайсалга солмасдан султонни — Аллоҳ, унга раҳм қилсин! — қатл этди. Шайх Увайснинг

Ўғли Султон Аҳмаднинг Қора Юсуф томонидан қатл этилиши 813 йил ражаб ойининг ўнинчисида (11 ноябрь, 1410 йил) бўлиб, унинг қиссаси машҳурдир⁶⁰⁸.

Султон (Бурҳонуддин) — Аллоҳ унга раҳм қилсин, — аввал зикр қилинганидек олим, фозил, карим ва камолатга (етишишга) илҳақ киши бўлиб, ўз сўзларининг дақиқлиги ва таҳрирининг нафислиги билан ажралиб турарди. Ўзининг салобати ғоятда кучли бўлишига қарамасдан халойиққа яқин бўлиб, муомалада мулоим эди. У ғоятда билимдон, шоир, зариф, ақл-идрокли, латиф, шижоатли, ботир ва шавкатли киши эди. У дунё хайр-саховатларини ўзиники қилиб олар ва сира қўрқмасдан уларни минг-минглаб ҳаля қиларди. У олимларга муҳаббат қўйган бўлиб, улар билан мажлис қулар, фуқароларни (ўзига) яқин тутиб, уларга ғамхўрлик қиларди. У душанба ва жума кунларини фақат олимлар ва қуръон ҳофизлари учун махсус ажратган эдики, шу кунлари шаҳар аҳлидан улардан бошқа бирор кимса ҳам унинг ҳузурига кирмасди. У вафотидан олдин ўзи эга бўлганларнинг ҳаммасини тарк этган ва тангри-таолога тавба қилиб, у томонга юз ўғирган эди. Унинг қаламига бир қанча таснифлар мансуб, улардан «Талвиҳга изоҳ» бордир. Қози Бурҳонуддиннинг, ўзида фазилатлар мужассам бўлган асли бағдодлик Абдулазиз⁶⁰⁹ деб аталадиган бир дўсти бўлиб, у замон мўъжизаси, форс ва араб тилларида наср ва назм назокати бобида ўз даврининг яғонаси эди. Қози Бурҳонуддин уни Бағдоддан, Шайх Увайснинг ўғли Султон Аҳмад ҳузурига ўғирлаган эди. Абдулазиз унинг ҳузурига надимлар бошлиғи, фазлу даҳо аҳлининг кўзи эди. Қози (Бурҳонуддин) эса фазилат соҳибларига ғамхўрлик қилиб, ҳар томондан адиб ва шоирларни излар эди. Фазлу адаб аҳллари узоғу яқиндан унинг ҳузурига келардиларки, ҳатто унинг турадиган жойи баҳслашувчиларни (ўзига) тортадиган жой эмас, балки ҳожилар Каъбаси (мисоли) бўлиб қолди.

Абдулазизнинг ўғирланиши ушбу тарзда эди: Бурҳонуддин бу одамнинг тавсифини эшитгач, унга муҳаббати (янада) ошиб, (унинг) ўз суҳбатида бўлишини истади. Кейин маҳдумидан Абдулазизни (ўзига беришни) илтимос қилди. Лекин Султон Аҳмаднинг нафси ўзининг бу (севимли) надимдан фироқда бўлишга руҳсат бермади. (Султон Аҳмад) қозининг Абдулазизга рағбати (кучлилиги) дан ҳамда унинг (Абдулазизнинг)

Ўзини етук даҳосини ишлатиб, ўз ҳузуридан қочиб кетишидан хавфланди. Кейин у Абдулазиз ҳақида (алоҳида) васийлик кўрсатиб, эҳтиёткорлигини зиёда этди ва «унинг олдидан ва орқасидан қўриқлайдиган нўриқчилар тайинлади»⁶¹⁰. Лекин қози унга (Абдулазизга) бир закий элчи юборди. Элчи уни хуфиёна нидо билан чақириб, унга кўпдан-кўп атолар ҳадя этиб, (яна) қиммат-баҳо мукофотлар ваъда қилди ва икки султонни бир-биридан тўё гўзаллик ва қабоҳат, шўр ва мазали сувли икки денгиз суви, куннинг кечи ва субҳи ўртасидаги фарқ каби (бир-бирларидан) фарқ қилишларини баён қилди. Натижада, Абдулазиз унинг даъватига «лаббай» деб қабул жавобини берди ва улар карвонлардан қай бири билан йўлга чиқишга ваъдалашдилар. Жазирама иссиқ қиздира бошлаган ва Султон Аҳмад ҳарамда оромда ётган бир пайтда Абдулазиз чиқди ва кийинини Дажла соҳилига қолдириб, лойдан⁶¹⁰ дарё бағрига қадам қўйди. Кейин у сувда (бир қадар) шўнғиб орқасига қайтди ва бошқа бир жойдан (қирғоққа) чиқиб, ўз ҳамроҳларига келиб қўшилди ва қўшоёқ ўз инида яширинганидек улар орасига яширинди. Султон Аҳмад Абдулазизни сўраганида уни излаб топа олмадилар. Улар жон-жаҳдлари билан қидириб, унинг кийимига тўқнаш келиб, оёқлари изларини лойда кўрганларида, Абдулазизни тўлқинлар ўз қучоғига олиб, у фарқ бўлганларга⁶¹¹ қўшилганига шубҳа қилмадилар. Шунда одамлар уни қидиришдан воз кечдилар. Унинг ғойиб бўлиши туфайли ҳеч ким жазога гирифторм бўлмади. Сўнгра, бир неча кундан кейин Бағдодда фарқ бўлган (киши) Сивосда Қози Бурҳонуддин ҳузурида бошини кўрпа остидан чиқарди. (Бурҳонуддин) уни (ўз) инъомлари денгизига фарқ қилиб⁶¹², устига (ўз) фазлу карами этагани ёнди. Абдулазиз унинг ҳузурида энг муқаддам, муҳтарам ва муаззам (киши) бўлди. У Бурҳонуддин учун бадоатли бир тарих таълиф қилдики, унда у энг олий йўллардан юриб, тенги йўқ услубларда жавлон урди. Бу тарихда у Қози Бурҳонуддин ишининг бидоятидан то (унинг) вафотига яқин бўлган давргача унинг қилган жанг майдонлари, мавқелари ва мухорабаларини зикр қилди. (Ўз) асарини ажойиб киноялар, латиф истиоралар, фасих, луғатлар, балоғатли калималар, нозик ишоратлар, нафис иборатлар билан безашда у (ўз) тили жиловига (истаганича) эрк берди. Бу (тарих) Қарамон ерларида мавжуд бўлиб, тўрт жилддан иборатдир. Бу тўғрида менга⁶¹³ у

(тарих) нинг денгизида шўнғиб, ундан дурини топиб чиққан киши ҳикоя қилган эди. У (киши) — Султон Ямин (ад-Давлә) Маҳмуд⁶¹⁴ пбн Сабуктегинга бағишланган «Тарих ул-Утбий»дан⁶¹⁵ ҳам воқиф эди — Абдулазизнинг бу тарихи ўз услубининг гўзаллиги ва мазмунининг бойлиги ва мутолаасининг ёқимлилиги⁶¹⁶ жиҳатидан ал-Утбий тарихидан яхшироқ, — деган эди. Аммо ўзим бу иккала тарихдан ҳам воқиф бўлмай, қўлим қисқалигидан мен уларга етиша олмадим.

Сўнгра ушбу ёнғин алангалангандан (Бурҳонуддин қатлидан) кейин Шайх Абдулазиз Қоҳирага кўчди ва токи ғам-ғусса мастлиги уни қамраб олмагунча азобуқубатни бошидан ўтказиб, ташвиш шаробини ичди. Кейин у чинқирди ва баланд томдан йиқилиб ҳалок бўлди ва гўё «Ас-Сиҳаҳ» соҳиби⁶¹⁷ каби майда-майда бўлиб ўлди. У ёғини яна тангри билади.

ҚОРАЙЛУК СУЛТОН БУРҲОНУДДИННИ ҚАТЛ ЭТГАНДАН KEЙИН ДУНЕ ВА ДИНДА ВОҚЕЪ БЎЛГАН ФАСОД БАЕНИ

Султон Бурҳонуддин қатл этилгач, унинг ўғиллари ичида риёсатга яроқли, салтанат ва сиёсат ҳукмларини адо этадигани бўлмади. Бинобарин, Қорайлук Сивосга қайтиб, ўз (атроф) ига одамларни чорлади, лекин одамлар унга жавоб қилмай, уни лаънатлаб қаргадилар. Шунда Қорайлук одамларга тазйиқ ўтказиб, уларни азоблади, ҳар томонлама ранжитиб, улар дилини сиёҳ қила бошлади. Натижада, улар Қорайлукка қарши тоторлардан ёрдам сўраганларида тоторлар (уларга) мадад кўрсатиб⁶¹⁸, улардан бир тоифаси ёрдамга келди. Лекин, Қорайлукдан енгиллиб, улар қочиб кетдилар. Кейин одамлар бошқа тотор тоифаларидан мадад сўраганларида улар Қорайлук устига ҳамла қилдилар ва ҳаммалари бирдан келишиб баланд-пастликлару тепаликларни тўлдириб юбордилар. Уларга қарши жанг қилиш учун Қорайлукнинг қуввати йўқ эди. Шунда у уларнинг остидан кириб устидан чиқди ва Темурга қараб равона бўлди. Темур аскарлари денгизи шу пайтда Озарбайжонда мавжланарди — Қорайлук Темурнинг қўлини ўпиб, ўзини унга қўшилган ҳисоблади. Гўё амир Идику Темурни (Дашт ерлари томон) ундагани⁶¹⁹ сингари, бу ҳам уни бу ўлкаларга юришга чорлаб, даъват қила бош-

ладики, Темурники тутиб кетди⁶²⁰. Натижада, гўё Барсиса Абу Мурра (дегани) га рози бўлганидек⁶²¹, Темур (бунга) рози бўлди.

ҚАНДАЙ ЙУЛДАН ЮРИШ ВА ҚИМНИ (УЗЛАРИГА) ҲОКИМ ҚИЛИШ БОРАСИДА СИВОС АҲЛИ ҚИЛГАН КЕНГАШ БАЕНИ

Кейин, Сивос аҳли ва унинг бошлиқларнию ақл-идрокли кишиларидан бўлган аъёнлари, ким улар ихтиёрлари жиловини эгаллаши ва ўз ерларини кимга — Миср султонигами ёки Ибн Қарамонгами ёки бўлмаса, ғазогир Султон Боязид⁶²² Ибн Усмонгами — топширишлари ҳақида ўзаро маслаҳат кўрдилар. Уларнинг оқилона фикрлари марҳум Йилдирим Боязидга иттифоқ топди. Натижада, унга чопар юбориб, (уни) ўз ерларига келишга ундадилар ва (ундан) мадад тилаб, шу зайлда нашида бахш этдилар⁶²³.

«Қанчадан-қанча соҳибжамолларни кўрдим мен,
Лекин улар ичидан сени ихтиёр этдим»⁶²⁴.

Бинобарин, Боязид ўша заҳотиёқ уларга томон юзланди ва қўшину лашкар билан етиб келди. У (ҳокимият) қонун-қондаларини, (унинг) руқунларини тартибга солиб, ўзининг катта ўғли амир Сулаймонни сивосликлар устига волий қилиб тайинлади ва улуг амирларидан беш нафарини: Яқуб ибн Увронис, Ҳамза ибн Бажор, Қуж Али, Мустафо ва Даводорни унга изофа қилди ва аъёнлар қалбларини ўзига мойил этиб, (ўзи) Арзинжонга қараб юзланди. Аввал зикр этилган Таҳартон (Арзинжондан) қочди ва (ўз) қочишида Темур томонига қараб йўл олди. Ибн Усмон Арзинжон шаҳрини эгаллаб, Таҳартоннинг мол-дунёлари ва хазиналари, шунингдек, унинг ҳарамини эгаллади. Ибн Усмон унинг ҳарамини ўз сайнслари, ғуломлари ва хизматкорларига улашиб берди ва мол-дунё, юклар билан орқага қайтиб, Истанбул муҳосараси билан машғул бўлди⁶²⁵.

БУЛИМ: Гарчи фасод ишларга интилиш Темурда сусаймаган бўлса ҳам, Қорайлук ва Таҳартон унда (янги) фитнага кучли ҳавас уйғотдиларки, ниҳоят Темур бу мамлакатларга томон отланди ва унинг фасоди (у) ерлар ва (тангри) бандалари устига ёйилди. Натижада,

унинг қўшинлари аввал Арзинжонга кирдилар, сўнгра, яна йўлга тушиб, фасод ишлар қила-қила Мординга келиб тушдилар. Шунда аввал бу фирибгарга итоат билдириб, (кўпдан-кўп) азоб-уқубатларни бошидан кечирган Малик аз-Зоҳир исён билдирди. Ҳеч бир надомату ҳасрат фойда бермаса ҳам қиёмат кунда надомат қилажагидек, Темур биринчи марта уни (Малик аз-Зоҳирни) озодликка чиқариб, бўшатиб юборганига надомат чекди. Бу (воқеа) 802 (1399—1400) йилда бўлиб, бу пайтда Шом ва Миер аскарлари ўртасида ихтилоф воқеъ бўлган эди. Ҳар бир гуруҳга тўдалар қўшилиб, улар (бошлиқлари) нинг фикрлари ҳар тарафга тарқаб кетган эди. Улардан ҳар бирининг шамоли⁶²⁶ ғарб, шимол ва шарққа (яъни ҳар томонга) қараб эди. Улар раия ҳақида қайғурмадилар ва фалокатнинг келишидан гафлатда қолдилар⁶²⁷. Мен дедим: Кимки душманга бепарво бўлиб, унинг фирибдан амин бўлса, у гўё орқасида уйғоқ (киши) туриб, ухлайдиган кимсага ўхшайди.

Яна айтдим: Уғрининг муродига етишида энг яхши кўлақдош — қоровулнинг уйқусидир.

Кейин мазкур (802) йилнинг рамазон ва шайбон⁶²⁸ (март — апрель 1400 й.) ойларида (худо) муҳофазасидаги⁶²⁹ Шомда амирлар ҳокими Танам, бош амирлар ва манхур аъёнлар қатл қилинди⁶³⁰. Бу ишларнинг баъни тарих китобларида битилгандур. Мен дедим:

Шерлари ўлдирилган инда,

Тулкилар қўрқмасдан увайдилар

ТЕМУРНИНГ СИВОС ВА УНГА ЁНДОШ ДИЕРЛАРГА ОТЛАНИШИ БАЪНИ

Кейин Темур ўз шиддати жиловини Сивос шаҳри томонига қаратди. Сивосда, (аввал) энкр қилинганидек, Боязид Ибн Мурод ибн Урхон ибн Усмоининг ўгли амир Сулаймон ҳоким эди. Шунда у ўз отаси (Боязид) га хабар юбориб, ушбу даҳшатли ишдан уни воқиф этиб, ундан мадад сўради. Боязид шу пайтда Истанбул муҳосараси билан овора бўлиб, ўзининг ҳам мададга эҳтиёжи (борлиги) дан ва (ораларидаги) масофанинг узоқлигидан ўғлига (ёрдам) қўлини чўза олмади. Шунда Сулаймон ўз қўшини ичидан матонатли одамларни ҳозир қилиб, шаҳар ва қалъани истеҳком қуриб мустаҳкамлади ва муқоталага тайёргарлик кўриб, ҳисорга

(қарши) бел боғлади. У ўз амирлари бошларини деворлар баданлари бўйлаб тарқатиб чиқди. Темур улар тўғрисида ўзига гумон бўлган (нарсалар) ларни аниқ билмоқ учун улар ичига ўз қўшинидан айғоқчилар юборди. Қачонки Темур қўшини амир Сулаймонга ўз (зебу) зийнати намоён қилгач, амир унинг асл моҳиятини кўриб қочди ва ўз отаси томон юзланишга жазм қилди. У ўз амирлари ва одамлари билан — токи у (улар учун) қўшин ва қурол-аслаҳа тайёрлаб келмагунча шаҳарни сақлаб туришлари тўғрисида шартлашди. Улар учун унинг фикрига мувофиқ шаҳарда қолишдан ва (Сулаймонга) ҳамроҳ бўлмасликдан ўзга илож йўқ эди. Сулаймон ўз жонини халос қилишни истаб, орқа-олдига қарамасдан тирақайлаб қочди.

Темур ўша тўлиб-тошган сел билан 802 йил зул-ҳижжа ойининг ўн еттинчисида (1400 йил 9 август) Сивосга етиб келди. Сивосга (ўзининг) шум қадамини қўйганда Темур:— Мен бу шаҳарни ўн саккиз кунда фатҳ қилман,— деди. Кейин у шаҳар муҳосараси жараёнида (худди) қиёмат (куни) аломатларини кўрсатди ва унда аёвсиз бебошликлар қилгандан кейин уни ўн саккизинчи куни фатҳ етди. Бу, (саккиз юзу) учинчи йил муҳаррам ойининг бешинчиси (1400 йил 26 август), пайшанба куни (Темур) шаҳар жангчиларига қонингизни тўкмайман, сизларга ҳомийлик қиламан, ҳамда азиз (муқаддас) нарсалару ҳарамларингизни муҳофаза қиламан, деб қасамёд қилганидан кейин бўлган эди. Жангчилар жангдан тўхтаб, Темур улар устидан ҳокимиятни қўлга олгач, уларни тўдалаб (ҳалқа қилиб) боғлади ва улар учун ердан хандақ қазирди ҳамда худди ботир эрлар Бадр қудуғига⁶³² қандай ташланган бўлса, уларни ҳам шу зайлда тириклайин чуқурларга ташлади. Хандаққа ташланганларнинг адади уч минг киши эди. Кейин Темур наҳбу форат жиловини бўшатиб юбориб, уни орқасидан асир (олиш) ва харобаликни давом этдирди.

Сивос энг ажойиб шаҳарлардан бири (бўлиб), ғоятда баҳуси ўринда жойлашган эди. Унинг мустаҳкам иморатлари, истеҳкомли жойлари, машҳур обидалари ва ўз хайру саховати билан маълум мақбаралари бор эди. Сивоснинг суви соф, ҳавоси мизожга мувофиқ, аҳли ғоятда ҳимматли бўлиб, тавқир ва одамшавандаликда етук, тақаллуф ва ҳурмат қоидаларига ғоятда мойил эдилар. Сивос уч мамлакатга — Шом, Озарбайжон ва Румга туташган (қўшни) эди. Аммо ҳозир Сивосда қис-

мат тескарилиги ўрнашиб, унинг аҳли тумтарақай бўлиб (ҳар тарафга) тўзиб кетган. Унинг иморатлари деворларидаги нақшлар ўчиб, у таг-туби билан харобазорга айланган⁶³³.

УШБУ ТАМОМИЙ БАЛО ЯШИНЛАРИНИНГ ЗАРАРЛИ БУЛУТЛАРДАН ЧИҚИБ ШОМ ЕРЛАРИ ТУДАЛАРИ УСТИГА ЕПИРИЛИШИ БАЕНИ

Темур Сивоснинг суяги билан гўштини ажратиб, ундан миясини сўриб олгач ва унинг ўтнини тамоман ўриб, очофатдай ялаб қўйгач, ўз интиқоми ўқларини Шом ерлари гарданига йўналтирди. Агар унинг қўшини ҳақида улар (оламга) ёйилган чигирткалар каби дейилса унда чигирткалар улар олдида атиги ёрдамчи тўдалардир; ёки улар ҳақида: бу тўлиб-тошган сел десалар, у (қўшини) лар қилч ва найзасидан оққан қопнинг ўзигина сел кабидир ёки уларни ҳар томонга «ёйилган тўшакдек»⁶³⁴ десалар, лекин уларнинг ўқлари (ҳар томонга) учганда тўшаклар ёниб кетали; молонки (уларни) осмондан оқиб тушадиган томчиларга қиёс қилинса, ҳатто тўхтовсиз ёғадиган кўз ёмгири ҳам улар отлари туёқларидан кўтарилган чап-тўзоннинг қалинлигидан ёғишдан тўхтайдн.

(Темур қўшини ичида) Турон эрлари, Эрон ботирлари, Туркистон йўлбарслари, Бадахшон қоплонлари, Дашт (Қипчоқ) ва Хитой лочинлари, Мўғул қирғийлари, Жато йиртқиқлари, Хўжанд илонлари, Андикон Аждаҳолари, Хоразм қурт-қумурсқалари, Журжон зараркунандалари, Сағониён бургутлари, Ҳисори шодмон⁶³⁵ ёвузлари, форс суворийлари, Жабал⁶³⁶, Хуросон шерлари, сиртлонлари, Мозандарон (мода) шерлари, Жибол⁶³⁷ йиртқиқ (ҳайвон)лари, Рустамдор ва Талқон⁶³⁸ тимсоҳлари, Ҳуз (истон)⁶³⁹ илонлари⁶⁴⁰, чувалчанглари⁶⁴¹, тайолиса⁶⁴² кийган Исфахон бўрилари, Рай, Фазна ва Ҳамадон жониворлари, Ҳинд, Синд ва Мўлтон филлари, Лур вилоятлари қўчқорлари, Гур баланд тоғлари хўқизлари, Шаҳразур⁶³⁴ чаёнлари ва Аскар Мукрам⁶⁴⁴ ва Жундий Сабур⁶⁴⁵ газандалари бор эди. Шеър:

(Еир) қавмки, қачон, қулфат уларга ўз тишини кўрсатса,
Улар унга тўда-тўда ва якка ҳолда учиб келдилар.

Бу қўшинга хизматкорлар ичидаги эшаклар, туркман қаланғи-қасанғиларидан иборат итваччалар, араб авомларидан очкўз кўпнаклар, ажам чавинлари, будпарастлар қуйқалари, мажусий афсуангарлар ифлослари ва бошқа шуларга ўхшаш (одам) лар қўшилдиларки, уларни ҳеч бир девон сифдира олмас ва ҳеч қандай ҳисобчининг дафтари ҳисобига етмас эди. Тапнинг қисқаси, у (Темур) дажжол (нисоли) бўлиб, унинг билан Яъжуж ва Маъжуж⁶⁴⁶ ва довулли, бефойда шамол (бирга) эди. Зафар унга етакчи, бахт унга йўлбошчи, қазо (унга) мувофиқ, қадар (унга) мададкор, тангри таолонинг хоҳиши уни (олга) бошловчи, (у) бандалар ва мамлакатлар тадбирида⁶⁴⁷ азииз ва улуг тангрининг иродаси унинг ҳайдовчиси бўлган ҳолда Темур йўлга чиқди.

Натижада, бу хабар Шом ерларига келиб, (ундан) Миср диёрига ҳам етди Шунда Шом ноибига ва бошқа ноиблару ҳокимларга, дин учун ғазот қилиб, ислом (йўли) да жиҳод кўрсатувчиларга Ҳалабга қараб равона бўлиш ва Темурга қарши лашкар тўплаш, душманни даф этишда жидду жаҳд кўрсатиш ва унга қарши курашишда бир-бирларига мадад бериш⁶⁴⁸ тўғрисида фармону шариф келди. Шом ноиб Сайди Судун (бошқа) ноиблар ҳамда аскарлар билан тайёргарлик кўрди ва улар 803 йилнинг сафар (1400 йил, сентябрь — октябрь) ойида Ҳалабга қараб юзландилар⁶⁴⁹.

Темур эса Баҳаснага⁶⁵⁰ етиб келиб, унинг атрофларини (шундай) талон-тарож қилдики, ҳатто унда чўп ҳам қолмади; (унинг) қалъасини (Темур) йигирма уч кеча қамал қилиб эгаллади. Лекин тангрининг қандайдир бир марҳамати билан қалъага кулфат ва бахтсизлик келтиришдан Темур ўзини тийди. Сўнгра у уловларини⁶⁵¹ Малатия (шаҳри) га қараб юргизди ва уни хароб қилиб, тепаликларини майдалади. Шундан кейин Темур шум қадамини Рум қалъасига⁶⁵² қўйди. Бу қалъанинг ноиб ан-Носирий Муҳаммад ибн Мусо ибн Шаҳрий эди. Ан-Носирий билан Темур ўртасида бўлган можаро ва унинг Темурга қарши курашда қандай саъй қилиб, жидди жаҳд кўрсатгани ҳақида кейин айтилади.

Темур қалъа (олди) да бир кун турди, лекин унинг муроди натижа бермади. У қалъани ҳисор этиб, унга қаҳрини сочмади ва «Ҳажжожга⁶⁵³ Табала⁶⁵⁴ арзимас бўлганидан кўра ҳам бу (қалъа) мен учун арзимаганроқ», — деди. Қачонки Темур бу қалъани узоқдан кўрганда худди узум бошига бўйи етмаган киши айтган

гапга ўхшатиб, у шу (гап) ни айтган эди. Ҳақиқатда эса Темур Рум қалъасини кўрганда:— «Аллоҳ бу қалъани бунёд этганда, уни ихтиёр этиб ўзинга ғамлаган»,— деди.

Кейин бу булут (Темур) Айнтобга⁶⁵⁵ қараб оғиб кетди. Унинг ноиб Аркамас шижоатли киши эди. У шахарни мустаҳкамлаб (курашга) тайёргарлик кўрди ва шахсан ўзи жангни бошқариб, ўзича ҳаракат қилди. Кейин мажруҳ⁶⁵⁶ бўлиб, Ҳалабга қараб қочди. Темур унинг орқасидан қувловчилар юбормади.

ТЕМУР АЙНТОБДА ЭКАНИДА ҲАЛАБДАГИ НОИБЛАРГА ЮБОРГАН ХУНУК ХИТОБИ ВА МАКТУБИ БАЕНИ

Темур Айнтобда эканида хилма-хил сарзиёда, даб-дабали сўзлар билан нишонланган ва турли-туман дўқ-пўписалар билан битилган бир фармон билан ўз чопарини (Ҳалабдаги) ноибларга юборди. Шулар жумласидан у фармонда: Темур амрларига итоат билдириб жангу жадални⁶⁵⁷ тўхтатиш ва Маҳмудхон ҳамда улуғ Амир Темур Кўрагон номи билан хутба ўқитиш ва аввал унинг ҳузурда бўлиб, кейин (унга) хиёнат қилган Атиламиш-ни (ўзига)— бу Атиламишни туркмонлар⁶⁵⁸ тутиб олиб, кейин уни Мисрга — Султон ҳузурига⁶⁵⁹ юборган эдилар, — юбориш каби (талаб) лар бор эди⁶⁶⁰.

Бу Атиламиш Темур ҳамшираси қизининг куёви бўлиб, ушбу фасод ишлар юз беришидан олдин Шомга келган эди. Шу орада бирмунча ишлар юз берганки, улар яширин бўлиб, кейин ошкорликка айланган. Аввалига Атиламиш Мисрда маҳбус бўлиб, шиддатдаю хору зорликда бўлиб, кейин (эса) азиз, мукаррам, муаззам ва муқаддам (киши) бўлди. Темур Атиламишга нисбатан ғазабда бўлиб⁶⁶¹ уни (ушбу) адоват учун далил ва сабаб қилди. Шунингдек, у ўзининг бу мактуби майдонида жавлон уриб, савлат тўкиб:— «Фақат у (Темур) одамлар устидан сиёсат юргизишга лойиқ кишидир, ёлғиз унинг ўтқазган кишисигина халифа ва имомдир, ҳамма Темурга тобе ва итоатда бўлмоғи лозим, ер юзининг Темурдан бошқа подшоҳлари эса унинг хизматкорлари ва тобеларидир. Риёсат (иши) да ундан бошқада қаёқдан ҳам маҳорат бўлсин? Сиёсат тартибларини черкаслар⁶⁶² қаёқдан (ҳам) билсин?»— қабилда кўпдан-

кўп дўқ-пўписалар, узундан-узоқ бемаъни, ортиқча сўзларни ёзди⁶⁶³.

Уз талабларига уларнинг рози бўлишлари амримаҳол (эканлигини) ва эришиши мумкин бўлмаган (иш) ни — (улардан) талаб қилганлигини Темур (яхши) биларди. Лекин бу билан у низо эшигини қоқмоқчи ва жанг ҳужраларини очинда (шомликлар) устига баҳона қўймоқни мақсад қилган эди. Натижада шомликлар Темурга сўз билан жавоб бермай, лекин унинг муродини амалда адо этдилар. Сайди Судун Темур гапларига эътибор қилмай, халойиқ ҳузурда Темур элчисининг бошини кесди⁶⁶⁴. Шомликлар урушга тайёргарлик кўриб, курашга куч тўпладилар.

ТЕМУР АЙНТОБДА ЭКАНИДА ҲАЛАБДА НОИБЛАР УНГА ҚАРШИ ҚИЛГАН МАСЛАҲАТ БАЕНИ

Кейин Шом ноиблари, амирлари, қўшин бошлиқлари ва аъёнлари Темурга қарши қандай курашиш ва у билан қайси жанг майдонида тўқнашиш хусусида (ўзаро) маслаҳат кўрдилар. Улардан қай бири:— менимча, биз учун энг тўғри фикр,— бу шаҳарни қўрғон билан мустаҳкамлаш ва унинг деворлари устида соқчилардек туриш ва гўё осмон ўз малоикаларини қўриқлагандек биз учун (шаҳар) фалакларни буржларини қўриқлашдир. Агар девор атрофларида душман шайтонларидан бирортасини кўриб қолсак, унинг устига ўқ тошларини ва «пойлоқчи машъал»га⁶⁶⁵ ўхшаш ўтсочар юлдузларни юборамиз»,— деди.

Бошиқаси айтди:—«Бу айпан ҳисорда қолиш бўлиб, ожизлик ва мағлубият аломатидир. Балки биз девор атрофини ҳалқа бўлиб ўраб олиб, душманининг унга (яқин) келишига йўл қўймайлик. Бунда ҳаракат учун кўпроқ макон, уруш қилиш учун кенгроқ майдон бўлади». Кейин ҳозир бўлганлардан ҳар бири бу иш тўғрисида ҳаёлига нима (фикр) келса ўшани айтди. Бу баҳсда улар ориқ сўзларни семизи билан аралаштириб, тўғри фикрларини нотўғриси билан қўшиб юбордилар. Шунда ал-Малик ал-Муайяд шайх ал-Хосакий — у тўғри мулоҳазали киши бўлиб, ўша вақтда Таробулис ноиби эди— деди:

— «Э дўстлар жамоаси, муҳораба шерларию жанг баҳодирлари! (Шуни) билингларики, (сизнинг) ишларингиз хатарли, душманингиз даҳшатли, у тадбиркор даҳлик ва фирибчи чорасиздир. Унинг қўшини кўп, фикри эёнли, кулфати чексиз ва узоқ (муддатли)дир. Сиз ундан огоҳ бўлинг ва ўз фикрингизни ишлатиб, уни даф қилиш борасида яхши (бир) ҳийла топинг, чунки ўткир қилич қила олмаган (иш) ни тўғри фикр қила олади. Заковатли кишиларнинг маслаҳати (бу) фикр чақмоқтоши, уламолар билан баҳслашиш (бу) мулоҳаза муқаддимасидир⁶⁶⁶. Дарҳақиқат, бу (шундай) денгизки, уни ҳеч бир қуруқлик кўтара олмайди ва (унинг) қўшини алади жиҳатидан қатралару зарралар мисоли. Темур (қўшини) гарчи⁶⁶⁷ тинмай ёгадиган жалага ўхшаса-да, унинг кўзи кўр, чунки бизнинг еримизда у ғарибдир. Шу сабабли, фикримча, биз шаҳарни ҳар томондан (кўрғон билан) мустаҳкамлаб, унинг ташқарисига чиқиб, бир томонда тўпланамиз-да, ҳаммамиз Темурни пойлаб, уни кузатамиз. Шунингдек, ўз атрофимизда хандақлар қазиб, деворлар устига байроқлару⁶⁶⁸ қиличлар ўриатамиз. Ҳар томонга — араблар, курдлар, туркманлар ва бошқа мамлакатлар халқларига хатлар қанотларини учирамиз. Улар ҳар тарафдан Темурни ўраб оладилар ва ҳар бир пиёдаю отлиқ унинг устига ташланадики, (натжада) у (Темур гўё) қотил ва таловчи, босмачи ва ўғри ўртасида (қуршовда) қолади. Агар, у ўз жойида тўхтаб қолса — қаёқда, у (тўхтаб) тура олади?— унда у ғоятда хавфли жойда туриб қолади. Агар у бизга қараб (олға) келса, биз унга найза қўлларни, қалқон кафтларни ва ўқ бармоқларни рўпара қиламиз. Агар у орқасига қайтса — бу биз учун айни муддао — у қувиш-қуруқ (ўз мақсадига эришмай) қайтади ва бу (тадбир) ўз султонимиз олдида бизнинг ҳурмату ҳайбатимизни оширади. Агар у бизга томон бутун салтанати билан равона бўлса, худога шукурки, бизларда ҳам салтанат бўлиб, у бизнинг халос бўлишимизга қодир⁶⁶⁹. Ҳеч бўлмаганда биз муҳлатни чўзиб, унинг қўшинидан эҳтиётда бўлмоғимиз лозим. Шояд тангри бизга ғалаба келтирса ёки ўз ҳузуридан (бирор) амр берса. Мана бу бағоят тўғри фикр шер Шоҳ Мансур фикрининг айнан ўзи эди. Лекин Ҳалаб ноиб Темурдош деди:—«Бу фикру мулоҳазалар на мустаҳкам, на асослидир. (Ишни) пайсалга солишдан жанг қилиш авло, душман билан мулоқотдан олдин бу хусусда тайёргарлик кўрилиши

лозим. Жанг майдонида гап — сўз ҳеч қандай фойда бермайди. Чунки ҳар бир мақомга лойиқ сўз, ҳар бир жангнинг ўзига мувофиқ усули бор. Темур — бу қафасдаги қуш, тўрга тушган ўлжадир. (Шундай экан, қулай) фурсатни ганимат билинг, (унинг) устига уруш қилиб бориб, қилич зарбасию найза таънаси билан ундан олдинроқ ҳаракат қилингларики, у бизни заифликда гумон қилмасин, ҳамда бизнинг жамоамиз кўзғолмай туришидан у зафарнинг хушбўй ҳидини (туймасин). Ишингизни жамлаб, шошилинг. «Бир-бирингиз билан талашиб юрманг мағлуб бўласиз»⁶⁷⁰. Курашга қатъий журъат билан киришинг ва бардошли бўлиб, «бир-бирингизга нисбатан сабр-чидамли бўлинг»⁶⁷¹. Худога шукурки, сизлар ботир, қудратли ва шиддатли одамларсиз. Жангу жадал фиқҳида ҳар бирингиз фойдаси тегадиган (муғни)⁶⁷² ва ихтиёр қилинадиган (мухтор)⁶⁷³ сиз. Душманлар қонини тўкишда (ҳар бирингиз гўё йўл кўрсатувчи (манор) дир)⁶⁷⁴. Бу борада сизнинг ҳар бирингиз кифоя бўлиб (кифоя)⁶⁷⁵, бошловчилик (ҳидоя)⁶⁷⁶ қилиб охирига (пиҳоя)⁶⁷⁷ етказадигансизларки, (сиздан) бошқалар эса энди бошлайдиган (бидоя) дир)⁶⁷⁸. Сизнинг ҳар бирингиз ислом бирлиги йўлида «йирик хазина» (каиз)⁶⁷⁹, етарли «жамловчи» (жомеъ)⁶⁸⁰ ва сақловчи (виқоя)⁶⁸¹. Душман бошларига жароҳат етказиш учун қиличларингиз тиллари уларга томон интилади. У бошларни кесиб ташлашда (улар) кифоятли шифоядир («кофияту шофият») ⁶⁸². Сизнинг найзаларингиз ҳар бир «касалманд феълни»⁶⁸³ (аҳволини) мушкуллаштиришда⁶⁸⁴ ўз тишларини ишлатади. У найзаларингиз «касалманд феъл» даги иллатларда тасарруф⁶⁸⁵ юритишда шифокор⁶⁸⁶ ва кифоядирлар⁶⁸⁷. Агар (биз) Темурни енгсак, муродимизга етган бўламиз ва бу жангда Аллоҳ мўминларга кифоя қиларлидир. Унда бу (жанг) олий тангридан ёрдам бўлади ва биз, миср аскарларини (ортиқча) ташвишдан халос қилган бўламиз. Бу, ҳурматимизни зиёда этиб, шавкатимизга зафар келишини кучайтиради ва бизнинг ғалабамиз шамолга қувват бериб тозалайди ва Темурнинг қизиган кўзини йиғлатиб, бизда ҳеч бир айб йўқ, чунки биз бор жидду жаҳдимизни сарф қилиб, маъзур қолдик. Махдумимиз (биз учун) қасос олади ва изларимизни барҳаёт қилади. Иззатли, қудратли тангрига таянинглар ва ушбу ёвузлар билан мулоқотга тайёргарлик кўринглари. Жанговар сафда улар билан учрашганда уларга орқаларингни ўгириб қочманглари»⁶⁸⁸.

Темурдош ўзининг бу қабиҳ⁶⁸⁹ фикрини ноибларга безаб кўрсатишда давом этавердики, ниҳоят унинг фикрига ҳаммалари қўшилиб, Темурга қарши чиқишга иттифоқ бўлдилар, чунки Темурдош шаҳар соҳиби бўлиб, (унинг) камолига ишонч ва эътимод бор эди. Темурдош бўлса халойиққа хилоф равишда ботинан Темур билан иттифоқда эди. Бу унинг одати бўлиб, табиати фирибгарликдан иборат эди. У санқиб юрган совлиқ (қўй) мисоли ёки бузуқни, бадхулқ хотинга ўхшарди. Икки қўшин тўқнаш келган вақтда у ўз қўрқоқлиги ва макри⁶⁹⁰ сабабли улардан бирортасида ҳам қарор топмай ҳали унисига, ҳали бунисига ўтиб кетаверарди. Шу билан бирга у (ҳеч бир) маъносиз сурат ва (ҳеч бир) мазмунсиз лафз эди.

Темур унга (Темурдошга) таяниб барча ишларни топширди; Шом аскарлари ва ислом қўшинлари ҳам шу тариқа иш тутдилар. Кейин улар шаҳар атрофига истеҳком қурдилар, дарвозаларни кузатдилар⁶⁹¹, майдонлару кўчаларни (тўсиқлар билан) тўсдилар; ҳар бир гузар ва маҳаллани ўз эгалари зиммасига топширдилар ва Темур мулоқотига рўпара турган дарвозаларни, яъни Боб ул-Наср, Боб ул-Фараж ва Боб ул-Қанотни очиқ қўйдилар.

ҲАЛАБГА КЕЛГАНИДА ШОМ АСКАРЛАРИ УСТИГА ҚИЛИЧ ВА ҚАЛҚОНЛАРДАН ТЕМУР ЧАҚНАТГАН ЯШИН БАЕНИ

Сўнгра Темур отлию уловларини кўчириб⁶⁹² етти кунда Айнтобдан Ҳалабга етиб келди. Бу лашкар (хамис)⁶⁹³ билан у рабий ул-аввал ойининг тўққизинчисининг (28 октябрь 1400 йил) пайшанба кунда (Ҳалабга) келиб жойлашди⁶⁹⁴ ва қўшинидан икки минг чоғлиги илгарилаб олдинга юрди. Уларга қарши Шом шерларидан уч юз чоғли (киши) рўбару чиқди. Темур аскарлари уларни қилич билан чоғиб, найза билан санчдилар, уларни тариқдек тирқиратиб, қувлаб ҳайдадилар ва қочишга мажбур этдилар. Кейин, жума кuni субҳида Темур аскардан беш мингга яқин киши жанг майдонига кирди. Уларга қарши бирин-кетин ва тўда-тўда бўлиб (шомлилардан) бошқа бир тоифа чиқди. Улар жангда бир-бирлари билан қўшилиб (аралашиб) кетишди ва икки томон ўртасида найзалар бармоқлари бир-

бирларига киришиб, бир-бирлари билан тиқилшдилар, тўқнашдилар, бир-бирларига тўсиқ бўлдилар ва аралашиб кетдилар. Найзалар қаламлари кўкракларга лаяҳалар чизар ва ўткир қилчлар ўша қаламлар бошларини кесишда тўхтовсиз давом қилар, ўқлар ништарлари бўлса чипқонлар шишларини ёрар, ер эса (урушда ўлдирилганлар) тоғлари оғирлиги остида дод-вой қилиб фарёд чекар эдикн, ниҳоят зимистон ва чанг-тўзон зулмати⁸³⁵ ер юзини қоплаб олди. Кейин ҳар икки томон орқага қайтди — таңгри ўзи хоҳлаган кишига ғалаба ато қилди⁸³⁶. Ҳар икки томон — рақиблар қонлари икки дарё бўлиб оқди ва ислом аскарларидан (шомлилардан) фақат икки киши нобуд бўлди.

Кейин шанба куни (рабий-ул — аввал ойининг) ўн биринчисида (30 октябрь) Шом қўшинлари ва ислом султони аскарлари мукаммал асбоб-анжом, мўл-кўл қурол-яроғ, тамға босилган отлар, алифдек) тўппа-тўғри найзалар, нишонли (тамғали) байроқлар билан тайёрланди. Бу баҳодирларнинг таңгри ёрдамю мададидан бошқа нарсага эҳтиёжлари йўқ эди. Улар ўз мақсадлари томон йўл олдилар; уни қайтариб йўлини тўсмоқчи бўлдилар. Баракатли бахт унинг қуши, қазо унинг ёрдамчиси, қадар унинг мададкори бўлиб, худо мададидан баҳраманд мазкур қўшинлар томон Темур аскарни келди. Уларнинг (Темур аскарни) олдида филлар ва уруш амирлари (рўжалари) келарди.

Мана шунда Темур (шомлиларга) яширин равишда кулфат ва ҳасрат келтирган ва ўз аскарларини тун оғуси остида тайёрлаган эди. У уларни шомлилар ичига тарқатиб, улар устларига душманларнинг⁸³⁷ юборди. (Темур аскарининг) пешқадамлари (шомлиларга) рўбару бўлди ва олд аскарлари билан уларни манғул (овора) қилиб турди ва қолганларини эса «уларнинг олдларидан, орқаларидан, ўнгларию сўлларидан»⁸³⁸ келиб ўраб олдилар. Гўё устара мўй устида юргандек, Темур уларнинг устида юрди ва чигирткалар кўк майса устада елгандек елиб югурди. Бу тўс-тўполов Ҳайлон⁸³⁹ қишлоғи яқинида бўлган эди.

Қачонки оламлар иши чалқашиб, аралаш-қуралаш бўлгач, парокандаликлар пайдо бўлиб, шиддатли ишлар воқеъ бўлгач, шерлар бир-бирига ташланиб, қўчқорлар бир-бири билан сузишган, ўнг қапетдаги (лар) — уларнинг бошлиғи Темурдош эди — қочдилар ва (шом) аскарни тор-мор этилиб, ақл-идрокидан жудо бўлдилар.

Ботирлар даҳшатдан ларзага тушиб, уларни ҳайрат ва ганграш қамраб олди ва «ўша дамда бир он ҳам чидаб тура олмадилар»⁷⁰⁰ ва орқа томонга юз ўгирдилар. Темурнинг найза қаламлари учун уларнинг орқалари лавҳа бўлиб, унинг аскарлари олдига тушиб, сакрашиб қочардилар.

Темур аскарлари эса уларнинг орқасидан қуйидаги мен айтган байт маъносини ўзаро хитоб қилардилар:

У гуруҳ орқаларини жангда юзларга айлантирдик,
Ва у юзларга оғиз, кўз ва қош чиздик⁷⁰¹.

Шомликлар очиқ дарвозадан шаҳарга ташландилар — уларнинг қай бири шикастланган, қай бири мажруҳ эди. Уларни қиличлар ёрар, найзалар майдалар, қонларидан ариқлар оқар, (улар) гўштлири саватлари устидан ҳар бир йиртқич ҳайвон ва кузғун ўтар эди. Шундай қилиб, (шомликлар) шаҳар дарвозасига етиб келдилар ва бир-бирларини босиб, худди бир кишидек тўда бўлиб ўзларини дарвоза ичкарасига қараб урдилар ва дарвозанинг юқори тўсиги ерга айланмагунча бир-бирларини оёқ ости қилиб топтайвердилар. Натижада, ҳамма дарвозалар ўликлар билан бекилиб қолиб, кириш асло мумкин бўлмади. Шунда (шомликлар) турли шаҳарларга тарқаб, чўлу биёбону тоғларга қараб тўзиб кетдилар. Сўзини англаб бўлмайдиган (гапга нўноқ) қуллар⁷⁰² Антиохия дарвозасини⁷⁰³ синдириб, у орқали Шом ерлари томон йўл олдилар.

Шомликлардан (тирик) қолганлари ғоятда хунук (бир) аҳволда Дамашққа етиб келиб, бу жанг кайфиятида қабиҳ бир сийрат ҳикоят қилдилар.

Ноиблар Ҳалаб қалъасига кўтарилиб, у ерда қўрғонланиб турдилар ва шунчалик кенглигига қарамасдан ер уларга тор бўлиб қолди»⁷⁰⁴. Сўнгра улар Темурдошни восита қилиб, Темурдан омонлик тилаб пастга тушдилар — уларнинг ҳар бири ҳаётдан умидини узган эди — Темур эса ўз одатича, хотиржамлик ва ўзинга хос виқору вазминлик билан юриб Ҳалабга кирди ва унда хоҳлаганига эришди; тирик жонлару ўлжага етишди.

Ноиблар қалъадан (тушиб) ҳузурига келганларида Темур Сайди Судун ва Шайх Али ал-Хосакийни тутиб олди; Темурдошга эса хилъат кийгизди. Сафад ноиби Алтунбуға Усмонийни ва Ғазза ноиби Умар ибн ат-Таҳҳонни тутиб олиб, уларнинг ҳаммасини занжирга кишан-

лади⁷⁰⁵. Кейин у мол-дунёни эгаллашга, жавоҳирлар ва турли туман ўлжаларни забт қилишга киришди. Унинг ҳайбати ваҳимаси (одамлар) қалбларини қамраб, савлати учқунлари ҳар тарафга тарқалди.

Сўнгра Темур шунчалик нафсларни ҳалок қилгани билан кифояланиб қолмасдан, ҳатто каллалардан мезаналар бунёд қилди. Бунга мана бу воқеа сабаб бўлган эди: Шом ноибни Темур Ҳалабга юборган хабарчининг бошини кесиб⁷⁰⁶, бор-йўғини шилиб олган эди; унинг бир қариндоши бўлган воқеани Темурга сўзлаб, ўша уруғи учун Ҳалаб аҳлидан ҳун олишни ирода этди. Темур унинг сўраганига рози бўлиб, унга Ҳалаб аҳлидан хоҳлаганига нисбатан ўз маъқул топган ишини қилиш ихтиёрини берди. Натижада (хабарчининг қариндошлари) шаҳар аҳлидан бир тоифасини ўлдириб, улар бошларидан «шундай» ва «шундай» мезана бунёд этдилар.

ИБН АШ-ШИҲНА⁷⁰⁷ ТАРИХИДАН⁷⁰⁸ БУ КУЛФАТ ХУСУСИДА МЕН НАҚЛ ҚИЛГАН ҚУШИМЧА ИЗОҲ

У деди:— Ҳофиз ал-Хоразмий «девонга ёзилган Темур аскарлари саккиз юз минг киши эди»,— деб менга хабар берди: яна ундан (билдимки), Темур мусулмонлар қалъасига⁷⁰⁹ қасд қилган; бу қалъанинг ноибни ан-Носирий Муҳаммад ибн Мусо ибн Шаҳрий бўлиб, у Темурга (қарши) исён билдириб, ғоратлар (қилиш) учун унинг (аскари) устига (ҳужумга) чиқиб турар эди.

Кейин Ибн аш-Шиҳна деди, мана унинг айтганлари сўзма сўз: «Темурланг Баҳасна⁷¹⁰ яқинида турган вақтида ан-Носирий унинг жамоаларига ва илғор қўшинларига бир қанча ташвишлар келтирди. У улардан бир жамоани ўлдириб, бошларини Ҳалабга юборди ва ўзига қарши Темур юборган бир туман⁷¹¹ қўшинни ғоят аянчли ҳолатда мағлуб этдики, ҳатто ушбу жамоадан аксар қисми ўзларини ўзлари Фирот (дарёси) га ташладилар. Шунда Темурланг зикр қилинган (ан-Носирий) га ушбу мазмунда мактаб жўнатди, мана унинг матни: «Мен (дунёнинг) энг узоқ ери Самарқанддан чиқдим. Менинг олдимда ҳеч бир кимса бардош бера олмаган ва бошқа ерлар подшоҳлари (менинг) ҳузуримга келганлар. Сен бўлсанг менинг жамоаларимга қарши тўдалар юбордингки, улар менинг одамларимга ташвиш солиб, қўл-

ларига тушган ҳар кимсани ўлдириптилар. Энди бўлса биз (ўз) аскарларимиз билан устингга юрдик: агар сен ўз жонинг ва раияларингга шафқат қилиб, бундан ортинқ бўлмайдинан даражала раҳм-шафқатини кўрай десанг (бизнинг) ҳузуримизга кел. Аксинча, биз (сенинг) устингга тушиб, шаҳрингни хароб этамиз. Дарҳақиқат, таингри-таоло:—«Подшоҳлар ҳар қандай қишлоққа кирганларида уни вайрон қилганлар ва унинг аҳлидан азизларни хор қилганлар ва (кейин ҳам) улар шундай қилаверадилар»⁷¹²— деган. Агар сен ҳузуримга келишдан бош тортсанг, ўзингни ўраб келаётган (аскарларим) га яраша ҳозирлик кўр».

Шунда зикр қилинган ан-Носирий Темур элчисини тутиб олиб, уни ҳисбга солди ва Темур сўзларига⁷¹³ эътибор ҳам қилмади. Нағижада, Темур аскарларининг олдингиларни унга томон юрди. Ан-Носирий уларга қарши урушиб, уларни тор-мор қилди. Иккинчи кун Темур ҳозир бўлиб, Мусулмонлар қалъаси томон ташлаиди. Зикр қилинган ан-Носирий унга қарши чиқиб, ниҳоят даражада шиддатли уруш қилди. Бу жуда ҳам азим жанг бўлди. Темурланг жангда ан-Носирийнинг шиддати қатъийлигини кўриб, у билан муҳораба (қилиш) дан қайтди ва унга фириб ишлатиб, лутф билан муомала қилишга тутинди. Темур ан-Носирийдан сулҳ сўраб, ҳурмати учун ўзига бир от ва бир қадар мол-дунё юборишини сўради. Лекин ан-Носирий (ҳийла-найрангга) алданмади. Шунда Темур яна ўзини паст тутиб, ундан сўраганларининг бир қисмини⁷¹⁴ (юборишини) сўради. Лекин ан-Носирий шунинг ҳам бермагач, Темур ҳеч нарсасиз (қуруқ ўзи) қайтиб кетди; ишора қилинган ан-Носирий Темур лашкари кейингиларини қатл, ғорат ва асоратга маҳкум этди. Бу ишлар жараёнида (уни) қалъасининг дарвозаси очик бўлиб, уни бир кун ҳам ёпмаган эди. Ан-Носирийнинг ҳоли тили у ҳақида ушбу (байт) ни нашида этарди:

Бу мақтовлари ярашадиган амирдинг,
жанг майдонининг шери ва бутун дунёнинг фахри,
Темурланг (аскари) олдингиларни ундан бир неча бор
енгилиб қочган ва орқадагилари даҳшатга қолган.

Мана шундай бахту-саодат бошқа подшоҳлардан ва кўрғонлар соҳибларидан ўлароқ фарқ қилиб, зикр қилинган (амир) га насиб бўлиши унда илм ва диёнат,

(тангрига) ихлбб ва сақланиш мавжудлиги ва унинг тоза-покиза Умар (Ибн Ҳаттоб) сулоласига — тангри улардан рози бўлсин — мансуб эканлиги (сабаби) даи эди.

Қачонки рабий-ул-аввалнинг тўққизинчиси (28 октябрь) пайшанба куни бўлгач, Темурланг Ҳалаб жангини бошлади. Қиличдор олий ҳазратлари⁷¹⁵ Темурдош шаҳар ноиб эди. Шом мамлакати аскарлари: Дамашқ аскари ўз ноиб Сайди Судун билан, Таробулис аскари ўз ноиб қиличдор олий ҳазратлари Шайх ал-Хоссакий билан, Ҳамо аскари ўз ноиб қиличдор олий ҳазратлари Дуқмоқ билан, Сафад ва бошқа (шаҳар) ларнинг аскарлари ҳам унинг ҳузурига келган эдилар. Сўнгра амирлар фикрларида ихтилоф чиқди. Улардан қай бири: «шаҳарнинг ичкарисига кириб деворлар устидан уруш қилинлар» деса, бошқаси эса: «чодирлар билан шаҳар ташқарисига чиқиб (у ерда) душманни қарши олинлар»⁷¹⁶, дедилар. Қачонки қиличдор олий ҳазратлари (Темурдош) уларнинг (ўзаро) ихтилофини кўргач, Ҳалаб аҳлига шаҳарни холи қолдириб, истаган томонларига юзланишларига изн берди. Бу қандай ажойиб фикр (бўлган) эди. Лекин амирлар бунга мувофиқ бўлмадилар ва душманни қарши олиш учун шаҳар ташқарисига чиқиб (ўз) чодирларини тикдилар. Шунда Темурлангдан чопар келди. Дамашқ ноиб (Сайди Судун) сўзини ҳам эшитмасдан олдин уни қатл этди. Жума куни томонлар ўртасида енгил-елли тўқнашув бўлди. Қачонки рабий-ул-аввал ойининг ўн биринчиси (30 октябрь), шанба куни келгач, Темурланг ўз аскари ва филлари⁷¹⁷ билан ҳужумга ўтди. Мусулмонлар шаҳар томон (орқага) ўғирилдилар ва дарвозаларга келиб тикилиб қолдилар, натижада, улардан кўп халқ ўлди. Душман эса улар орқасидан келиб, (уларни) қатл этиб, асир оларди. Темурланг Ҳалабни зўрлик билан қилич ёрдамида олди. Мамлакат ноиблари ва одамлар хослари қалъага кўтарилдилар. Ҳалаб аҳолиси ўз мол-мулкларининг аксарини унга қўйган эдилар. Рабий ул — аввал ойининг ўн тўққизинчиси, сешанба кунда (7 ноябрь)⁷¹⁸ Темурланг қалъани омонлик (ваъда қилиб) ҳамда иймонсиз қасамлар воситаси билан олди. Иккинчи куни Темир қалъага кўтарилди ва куннинг охирида шаҳар олимлари ва қозиларини ҳузурига талаб қилди. Шунда биз унинг ҳузурига келдик ва бирмунча вақт (тик) тургазгандан кейин у бизга ўтиришни амр қилди ва ўзи билан бирга

бўлган илм аҳлларини келтириб, уларнинг амирига — у, отаси Самарқанднинг машҳур олимларидан бўлган аллома Нуъмонуддин ал-Ҳанафийнинг ўғли мавлоно Абдулжаббор эди — деди: уларга айтган, мен (улардан) Самарқанд, Бухоро, Ҳирот ва ўзим фатҳ қилган (бошқа) мамлакатлар олимларидан сўраган бир масала ҳақидаги саволимни сўрайман. Лекин у олимлар (бу саволга) аниқ жавоб бера олмадилар. Сизлар ҳам ўшалар мисоли бўлмагиз ҳамда сизлардан энг билимдониягиз ва энг фозилингиз менга жавоб беринг. Лекин нима дебаширишини билиб гапирсин. Мен олимлар билан (донмо, суҳбатда бўлиб, улар ишидан ғоятда хабардорман, улар билан улфатчилигим кўп бўлган. Мен азалдан илм шайдосман!»

Темуралининг олимларга чалкаш саволлар бериб, уларнинг хато ва камчилигини излаши ва шуни уларнинг қатъ ва азоб-уқубатга гирифторм қилиш учун сабаб қилиши бизга (аввалдан келиб) етган эди.

Сўнгра қози Шарофуддин Мусо ал-Ансорий аш-Шофъий меннинг тўғримда:

— «Бу бизнинг шайхимиз, шу мамлакатлар мудариси ва муфтийсидир. Саволларингизни ундан сўрангизлар, «тангри ўзи мадаккор»⁷¹⁹, — деди.

Кейин Абдулжаббор менга деди:—«Султонимиз айтадиларки, кечаги (жангда) биз томондан ҳам, сиз томондан ҳам ўлганлар бўлди. Улардан қай бирлари шаҳидларлар? Бизнинг ўликларимизми ёки сизникими?». Ҳамма жим бўлиб қолди. (Шу пайт) биз Темурнинг олимларга (чалкаш) саволлар бериб, уларнинг хато ва камчилигини қидириши ҳақида биз аввал эшитган хабар шу бўлса керак, деб ўзимизча ўйладик⁷²⁰. Ҳеч кимдан бирон сас чиқмасди. (Шу дамда) тангри менга тез ва бадоатли бир жавоб билан илҳом бердики мен:

— «Бу савол (бизнинг) саййидимиз тангрининг расулидан — худонинг раҳмати ва саломи унга бўлсин — ҳам сўралган ва у киши бу саволга жавоб берганлар. Саййидимиз, тангрининг расули — худонинг раҳмати ва саломи унга бўлсин — қандай жавоб қилган бўлсалар, мен ҳам шу зайлда жавоб бераман», — дедим. Бу ҳодиса (савол-жавоб) тугагандан кейин дўстим қози Шарофуддин Мусо ал-Ансорий менга айтди:—«Улуғ тангри номни билан қасам ичаманки, қачонки сен — бу савол тангрининг расулидан — худонинг раҳмати ва саломи унга бўлсин — ҳам сўралган эди ва у бунга жавоб бер-

ган,— деганинда, мен замонамнинг ҳадис олими бу олимиз ақлини еб қўйди ва у (энди) маъзурдир,— деб ўйладим⁷²¹. Ахир, бу саволга бунақа жойда жавоб бериш асло мумкин эмас-ку!» Абдулжабборнинг ҳам дилидан шунга ўхшаш бир нарса ўтган (экан).

Темурланг бўлса ўз назарни қулогини менга қаратиб, менинг сўзларимни масхара қилган ҳолда Абдулжабборга деди:

— «Тангрининг расули — худонинг раҳмати ва саломини унга бўлсин — бу тўғрисида қай тариқа сўралганлар ва қандай жавоб қилганлар?» Мен дедим:— «Тангрининг расули — худонинг раҳмати ва саломини унга бўлсин — ҳузурларига бир саҳройи араб келиб деди:

— Э, расулиллоҳ! Бир киши ўз шарафи учун уруш қилади, бошқа бир киши шижоат кўрсатиш учун уруш қилади, яна бири эса ўз қудратини кўрсатиш учун уруш қилади. Шулардан қайси биримиз худо йўлида шаҳидимиз? Шунда тангрининг расули — худонинг раҳмати ва саломини унга бўлсин — деди:— Қимки тангрининг сўзи ҳамма нарсадан олий бўлиши учун курашса — ана ўша шаҳид ҳисобланади»,— деганлар. Темурланг: «хуб, хуб»⁷²², деди. Абдулжаббор бўлса: «Сен айтган (жавоб) қандай ажойиб (жавоб) бўлди!»— деб хитоб қилди. Шундан кейин самимий суҳбат эшиклари (ланг) очилиб кетди ва Темур:— «Мен ярим (жон) одамман ва фалон ва фулон мамлакатларни эгалладим»,— деди ва Ажам, Ироқ, Ҳинд мамлакатларини ва бошқа тотор шаҳарларини бири-бирин санаб чиқди. Мен унга: «Бу неъматлар эвазига шукур тариқасида менинг умматимни афв этинг ва бундан кейин ҳеч кимни ўлдирманг»,— дедим.

— «Худо ҳақи,— деди Темур;— мен қасддан бир кишини ҳам ўлдирмайман. Бу, сизлар, ўзларингиз ўзларингизни шаҳар дарвозаларида (қисиб) ўлдирдингизлар. Худо ҳақи, мен сизлардан бир кишини ҳам ўлдирмайман; сиз ўз ҳаётингиз ва мол-дунёнингиз учун хотиржам бўлавердингизлар»,— деди. Шу тариқа Темур томонидан саволлар ва биз томондан жавоблар (бир неча бор) такрорланди. Бу мажлисда ҳозир бўлган фақиҳларнинг ҳар бири ўзини кўрсатишга интилар ва (ўзини) гўё мадрасада (ўтирган) ҳис қилиб жавоб беришга шошилар эди. Қози Шарофуддин эса уларнинг ҳовурини пасайтириб: «Худо ҳақи, жим бўлинглар! Фақат мана бу одам жавоб берсин, чунки у нима деб гапиришини билади»,— деб айтарди. Темур сўраган охириги савол шу бўлди:— Али,

Муовия⁷²³ ва Язид⁷²⁴ хусусида сизлар нима дейсизлар? Шунда ёнимда ўтирган қози Шарофуддин менга шивир-лаб⁷²⁵:

— «Сен унга нима деб жавоб беришингни билиб гапир, ахир у шийъа (маслагидан),— деди. Мен Шарофуддиннинг сўзини эшитиб бўлмасмиданоқ, қози Аламуддин ал-Қафасий ал-Моликый бир гап айтдики, унинг маъноси шундай эди:— улар ҳаммаси мужтаҳидлар⁷²⁶: бундан Темурнинг ғоятда ғазаби келиб:

— Али ҳақиқатда шундай (мужтаҳид), Муовия — золим, Язид (эса) фосиқдир. Сиз ҳалабликлар ҳам Дамашқ аҳлига издошсизлар, улар (дамашқликлар) бўлса Язид тарафдорлари бўлиб, Ҳусайини⁷²⁷ қатл этганлар,— деб хитоб қилди.

Мен Темурга лутф билан мурожаат этиб, ал-Қафасий берган жавобини у қапдайди бир китобда кўрганлигини ва маъносини (яхши) уқмаганлигини айтиб, унинг учун уэр сўрашга киришдим. Темурнинг бироз чеҳраси очилди-ю, лекин кайфияти аввалги ҳолатига қайтмади. Абдулжаббор бўлса мендан ва қози Шарофуддиндан⁷²⁸ сўраб менинг ҳақимда: «Бу жула ажойиб олим», Шарофуддин тўғрисида эса:—«Бу фасиҳ киши»,— деди. Кейин Темурланг мендан ёшимни сўради:—«Тугилган йилим 749 (1348) йил бўлиб, ҳозир эллик тўрт ёшга етдим»,— дедим. Сўнгра у қози Шарофуддинга:—«Сенинг ёшинг нечада?»— деди.—«Мен ундан бир ёш каттаман»,— деди Шарофуддин. Шунда Темурланг:—«Ёш жиҳатидан сизлар менинг болаларимсизлар. Менинг ёшим ҳозир стмиш бешга⁷²⁹ етди»,— деди.

Сўнгра салотул — мағриб (шом намози) вақти келиб, намозга (туришга) чақирилди. Абдулжаббор бизга имом ўтди. Темурланг менинг ёнимда тик турган ҳолатда руқъу ва саждани адо этди: Кейин биз ажралишдик. Иккинчи куни Темурланг қалъада бўлганларнинг ҳаммасини ҳиёнаткорона алдади ва у ерда бор бўлган ҳисоб-китоби йўқ жамийки молу-дунёларни, қимматбаҳо газлама-лар ва матоларни эгаллаб олди. Темур котибларидан бирининг менга берган хабарига кўра, у (Темур) бу қалъадан олганчалик (бойлик)ни ҳеч бир шаҳарда олмаган. Мусулмонларнинг кўпчилиги турли-туман азоб-уқубатларга дучор қилинди, баъзилар кишанланди, баъзиларга занжир солинди, баъзилар зиндонга ташланди, бошқалари назорат остига олинди.

Темурланг қалъадан (пастга) тушиб, ноиблик уйида

истиқомат қилди. У мўғул тартибда бир валиймат (зиёфат) уюштирдик, бутун подшоҳлари ноиблар⁷³⁰ унинг хизматида (оёқда) турдилар. Зиёратдагилар устига ҳамр қадаҳлари айлантирилди. Муслмонлар азобуқубатда бўлиб улар таловда, қатлда ва асоратда эдилар; уларнинг жомеълари, мадрасалари ва уйлари эса вайронликда, ёнғинда, харобалик ва бузилишда қолди. Мана шу аҳвол рабий-ул — аввал ойининг охиригача (18-ноябрь) давом этди. Кейин Темурланг мени ва ҳамроҳим қози Шарофуддинни чақиртириб, Али ва Муовия ҳақидаги саволини қайтарди. Мен унга: «Ҳеч шакшубҳасиз ҳақиқат Али томонида бўлганди. Муовия эса халифалардан эмас. Чунки тангрининг расули — худонинг раҳмати ва саломи унга бўлсин — томонидан «Мендан кейин халифалик ўттиз йилдир» деган аниқ ҳадис содир бўлган. Бу (муддат) Али замонда тамом бўлган эди», — дедим.

— «Ҳақиқат Али томонида, Муовия золим, деб айтгин», — деди Темурланг.

«Ҳидоя» нинг соҳибни⁷³¹ (халққа) жабр қилувчи волийлардан қозиликни қабул этиш жонзир» — деган. Дарҳақиқат, гарчи ўша пайтда ҳақиқат Али томонида бўлса ҳам, саҳоба ва тобъийларнинг⁷³² кўпчилиги қозиликни Муовиядан қабул этишган», — дедим.

Бу сўзлардан Темур шодланди ва Ҳалабда истиқомат қилиш учун тайинлаган амирларини чақириб, уларга:

— «Бу икки одам Ҳалабда сизларнинг меҳмонингиздир. Уларга, уларнинг хизматкорлари, дўстлари ва уларга қўшилган кишиларга⁷³² яхши муомала қилинг. Ҳеч бирор кишини уларга азият беришига йўл қўймаг, улар учун егулик озиқ-овқат ажратинг ва уларни қалъада қолдира кўрманг, балки уларнинг яшаш жойи қилиб мадрасани, яъни қалъа рўпарасидаги Султония (мадрасаси) ни белгиланг, — деди. Амирлар Темурланг қандай буюрган бўлса (ана) шундай адо қилдилару, фақат бизни қалъадан пастга туширмадилар. Уларнинг (амирларнинг) ичидан Ҳалаб волийлиги ҳукмини эгаллагани — у амир Мусо ибн Ҳожи Тоғай деб аталарди — бизларга: — «Мен сизлар ҳақингизда ҳавотирдаман. Темурланг гапидан⁷³³ фаҳмлаганим шуки, агар у бирон нохуш иш (бўлиши) ни буюрса, бу нарса ниҳоятда тез суръатда қилиниб, ҳеч бир ён беришсиз адо этилади; агар у бирон хайр ишга буюрса, бунда амр юритиш унинг тайинлаган кишиси ихтиёрида бўлади», — деди.

Рабий-ул-охир ойнинг биринчи (19 ноябрь) кунда Дамашқ томонига равона бўлиб, Темурланг шаҳар ташқарисига чиқди. Иккинчи кун эса шаҳар олимларига элчи юбориб, уларни (ўз ҳузурига) чақирди. Биз унинг ҳузурига бордик, мусулмонлар эса «изтиробли ҳолатда»⁷³⁴ боши кесилишда эди. Нима хабар?— деб сўрадик.

— Темурланг эгаллаган бошқа шаҳарларда (донмо) ўз одати бўйича қилганидек, у ўз аскардан мусулмонлар бошларини талаб қилаётир,— деб (бизга) жавоб бердилар. Қачонки биз Темур ҳузурига етиб келганимизда, унинг олимларидан Мавлоно Умар деган бир киши олдимизга келди. Биз ундан нима мақсадда чақирилганимизни сўрадик. У:—«Темурланг ўз элчисини ўлдирган Дамашқ ноибини қатл қилиш учун сизлардан фатво олмақчи»,— деди Мен:— Мана бу мусулмонларнинг бошларини-чи?— Уларни ҳеч бир фатвосиз кесадилар ва Темур ҳузурига келтирадилар. Ҳолбуки у (Темур) бизга қасдам⁷³⁵ биронтамизни ҳам ўлдирмасликка қасам ичган,— дедим. У бизга:—«Шошмай туринглар»⁷³⁶,— дедида, Темурнинг ёнига қайтиб борди, биз эса уни (Темурни) кўриб турардик. Унинг олдида лаганда (товоқда) қайнатилган гўшт бўлиб, Темур ундан еяр эди. У (олим) билан Темурланг бир оз гаплашгандан кейин бошқа бир одам (ўша) гўштан бир оз бизга ҳам келтирди. Биз (бу) гўштни еб тугатмасданоқ бирдан қаттиқ шовқин кўтарилди. Темурланг баланд овоз билан нимадир деб бақирар, одамларнинг бирини у ёққа, бирини бу ёққа чоптирарди. Бизнинг олдимизга бир амир келиб узр айтиб:—«Султонимиз мусулмонлар бошларини келтиришни амр қилмаганлар, ваҳоланки ўз одатига кўра ҳурмати учун (урушда) ўлганларнинг бошларини кесиб олиб, улардан бир қубба ясашга буюрган. Лекин одамлари унинг сўзини у ирода этгандек тушунмаганлар. Ҳақиқатда у сизларга эркинлик ато қилган, истаган томонингизга боравринглар»,— деди. Темурланг ўша заҳотиёқ отланиб Дамашққа қараб равона бўлди. Биз қалъага қайтдик ва ўша ерда истиқомат қилишни афзал кўрдик. Амир Мусо-оллоҳ; унга эҳсон ёғдурсун — бизга яхшилик кўрсатиб шафоатимизни қабул этди ва ўзи Ҳалабда ва қалъада истиқомат қилиб турган пайтида аҳволимиздан (донмо) хабардор бўлиб турди Шу пайтда бизга келган бир хабарда мусулмонлар султони Малик Носир Фаражнинг Дамашққа келиб, Темурлангни тор-мор қилди дейилса, яна бир хабарда эса бунинг аксини эшитардик.

Охири масала равшанлашиб, Темурланг билан шиддатли уруш қилганидан кейин султоннинг Мисрга йўл олганлиги аниқ бўлди. Темурланг султондан мағлуб бўлиб, қочишига оз қолганда, султон амирларидан биридан хиёнат содир бўлган ва шу нарса султоннинг Мисрга йўл олишига ва эҳтиёткорлик билан иш кўришига сабаб бўлган. Темурланг Дамашққа кириб шаҳарни талаб, унга ўт қўйиб юборди ва у бу шаҳарда Ҳалабда қилганидан кўра ҳам ортиқроқ (ишлар) қилди. У Таробулисга кирмади, балки у ердан Темурга мол-дунё олиб келдилар. Темурланг Фаластинга ҳам ўтмади ва Ҳалабга томон бурилиб, ўз ерларини қўмсаб орқасига қайтди.

Мазкур йил шаъбон ойининг ўн еттинчиси (1401 йил, 2 апрель) келганда Темурланг Шомдан қайтаётиб Ҳалаб шарқидаги Жаббулга⁷³⁷ етиб келди ва Ҳалабга кирмади, шаҳарда истиқомат қилиб турган ўз одамларига уни (Ҳалабни) хароб этишни ва шаҳарга ўт қўйишни буюрдики, улар шундай қилдилар. Аммо Иззуддин — у Темурлангнинг улуг амирларидан бири эди — мени чақириб шундай деди:—«Сени ва сен билан бирга бўлган кишиларни озод қилиш ҳақида амирдан фармон бўлди. Истаган кишингни талаб қил ва уларнинг (сонини) кўпайтир. Мен эса сизлар билан Машҳад ал-Ҳусайнга⁷³⁸ бориб, ҳузурингизда тураман, (чунки) ҳаттоки (бу ерда) бизнинг аскаримиздан (ҳам) ҳеч бир киши қолмайди».

Қози Шарофуддин мendan сира ажралмас эди. Биз (у билан бирга) қолган қозиларни чақириб тўпладик ва атрофимизга икки минг чоғлик мусулмон йиғилди. Шундан кейин биз зикр қилинган амир (Иززуддин) ҳамроҳлигида Машҳад ал-Ҳусайнга йўл олдик ва шу пайт шаҳарнинг ҳар тарафида ловуллаб ёнаётган оловни кузатдик. Уч кундан кейин Ҳалабда бирон киши ҳам қолмади.— Биз шаҳарга тушиб бирорта ҳам одамни учратмадик. Бу аҳвол ғоятда ваҳшиёна туюлди, шаҳардаги сассиқ ҳид ва ваҳшатдан у ерда ортиқча тура олмадик ва шулар туфайли унинг кўчаларида юришга ҳам тоқат қилолмадик. Шер:

Гўё Ҳажун⁷³⁹ билан Сафо⁷⁴⁰ орасида
бир суҳбатдош бўлмади ва Маккада
кечсен суҳбат қурувчи (киши) ҳам бўлмади⁷⁴¹.

Шом шаҳарлари ноиблари Темур ҳузуринда асоратда эдилар, лекин улар бирин-кетин қутулиб кетдилар. Сай-

ди Судун ошқозон касалидан Ялбуға қуббасида⁷⁴² Те-
мур ҳузурда вафот этди ва Тангри Берди Дамашқ
ноиблигида қарор топди. Бу ёғини яна худо биледи.

Мана шу (баён) ни мен Ибн аш-Шиҳна асариди қан-
дай учратган бўлсам, шундэйлигича нақл қилдим.

БУ ТАШВИШЛИ ХАБАРНИНГ ЕТИШИ ВА АСАНБУҒО⁷⁴³ ДАВОДОР⁷⁴⁴ ВА АБДУЛ ҚАССОРНИНГ⁷⁴⁵ ЖИЛЛИҚГА⁷⁴⁶ КЕЛИШИ БАЕНИ

Кейин Ҳалабдан (Дамашққа) Асанбуғо даводор ва
Абдул Қассор⁷⁴⁷ деб аталадиган Фатх⁷⁴⁸ ал-Моҳир келиб
шундай дедилар: «Э, мусулмонлар жамоаси! Тоқат қи-
либ бўлмайдиган (парса) дан қочиш пайгамбарлар сун-
натларидандир. Кимнинг биронта уловга қудрати етса,
ўзига нажот йўлини изласин, кимни ўз этагини шима-
ришга кучи етса, бир кеча ҳам Дамашқда тунамасин ва
ўзи билармонлик қилиб ўзини-ўзи галат йўлга солмасин.
Чунки (биров келтирган) хабар (ўз) кўзи билан кўр-
гандек бўлмайди»⁷⁴⁹. Шунда одамларнинг фикрлари тар-
қалиб, (улар) рағбатларида ихтилоф чиқди; улар ишлар-
и мавжланиб тўлқинланди ва одатларига кўра гуруҳ-
гуруҳ бўлиб бўлиниб кетдилар. Қайбирлари насиҳатга
қулоқ тутдилар ва ҳожатларини ҳозирлаб (Дамашқдан)
узоқлашдилар; баъзи бировлари кибрлик кўрсатиб,
ўжарлик билан (шаҳарда) туравердилар ҳамда Асан-
буғо ва Абдул Қассорга қараб озик тишларини қайраб
ирилладилар. Бу икки ҳайрихоҳ кишини ташлаб, уларга
ўлим қадаҳини ичирмоқчи бўлдилар ва айтдиларки:

— «Сиз бу хабарингиз билан одамларни ҳар тарафга
сочиб, уларни ҳайдашни, ўз ватанларидан қувлаб бева-
тан бўлишларини хоҳлайсиз. (Сиз) улар сўзларида их-
тилоф чиқариб, терисини парча-парча қилишни истай-
сиз. Агар шундай бўлмаса унда омонлик ҳосил (дир) ва
худоба шукурки, султон⁷⁵⁰ етиб келаятир. Ҳалабда тўп-
ланган ноиблар кўп эмасдилар ва улар Темурга нисба-
тан ҳийла ва (муносиб) фикр ишлата олмадилар, ак-
синча, ноиблардан баъзиларида шубҳаланиш (аломат-
лари) ҳосил бўлиб, бошқаларидан (етарли) мадад ва
самимий ҳамкорлик бўлмади. Уларда бош(лиқ) йўқ эди.
Бу масалада қиёслаш (мулоҳазалари) ни асло ишлат-
манг. Аммо Миср аскарлари эса, уларнинг ададлари

тўлиқ, қурол-яроғлари мукамал⁷⁵¹ бўлиб, улар (тимсо-
ли) да мусулмонлар учун шиддатдан кейин осойишта-
лик мавжуддир». Асанбуғо ва Абдул Қассор бунга) шун-
дай дедилар:—«Аввалги икки жанг ва (бу) бир жангдан
кейин биз Темур балосидан саломат қолдик ва «биз фа-
қат ўзимиз билган нарсамизгагина гувоҳлик бердик»⁷⁵².
Биздан ҳар биримиз ўз ижтиҳоди олиб бориб етказган
(нарс)а ҳақида аниқ ва равшан баён айтяпти. Азбаройи
худо, бизнинг ҳар биримиз мусулмонлар учун қиладиган
ушбу насиҳатида (қўрқинчли) хабар берувчи билим-
дон⁷⁵³ (киши) дир. Агар сиз омадли кишилар бўлай де-
сангиз, (биз) сизларга (халис) насиҳат қилдик, «лекин
сиз насиҳатгўйларни хуш кўрмайсиз»⁷⁵⁴.

Одамлар иши ихтилоф ва парокандалик, тўс-тўполон
ва тартибсизликда давом этди. Кейин баъзилар муқад-
дас жойларга томон, қайбирлари эса Миср диёрига қи-
раб йўл олдилар; бошқа бировлар маноатли баланд
қоялар этакларига ёпишдилар, қайбирлари эса олис ва
номаълум жойларни кўрган тутдилар.

СУЛТОН МАЛИК АН-НОСИРНИНГ ИСЛОМ ҚУШИН ВА АСКАРЛАРИ БИЛАН ҚОҲИРАДАН ЧИҚИШИ БАЁНИ

Кейин Султон ҳеч бир пайсалга солмасдан (Қоҳира-
дан) чиқиб, тўла-тўкис тайёргарлик ва аскарлар билан
Шом ерлари томон равона бўлди. Қачонки бу хабар
одамлар қулоғига етгач, уларнинг ҳаяжони таскин то-
пиб, қўрқувлари йўқолди. Улардан (ўз диёрларидан)
келиб қолганларнинг кўпчилиги орқаларига қайтдилар;
уларнинг ғам-ғуссаси ва зиқликлари тарқади. Аммо ақл-
идрокли (киши) лар, тўғри фикр ва мулоҳаза аҳллари
эса султоннинг бу келишига (ҳам) эътибор қилмадилар,
ўзларига омонлик излаб, замон ҳодисаларидан нималар-
юз беришига мунтазир бўлдилар. Гўё гир айланаётган
замон бармоқлари уларга деб қалб кўзгусига мана шу
шоир нашида этган байтни ёзарди.

Эй, кунлар — бир отанинг боласидирлар

бу кечалар эса тўқинган опа-сингиллар.

Кун ва кечадан йиллар ўзи билан бирга

олиб келган нарсадан бошқа нарсани талаб қилманг.

Мен дедим, шеър:

Агар келгуси замонда бўладиган (нарсас) қоронғи бўлса,
(унда), ўтган замонда бўлган (нарсас)га қараб қиёс қилавер.

БУЛИМ: Қачонки Темур Ҳалаб ишини инҳоясига етказиб ҳамда ундан олган юкларни забт қилиб йиғиштириб, ўзи эгаллаган мол-дунё ўлжаларни қалъага қўйган, буларнинг ҳаммасига азму қарори кучли, фикр-иродаси қатъий бўлган ўз амирларидан бири, шижоат ва қудрат соҳиб амир Мусо ибн Ҳожини Тоғайни (ўзи томонидан) вакил қилиб қўйди ва ушбу тўлиб-тошган денгиз билан рабий ул-охир ойининг аввалида (19 ноябрь) Шомга қараб жўнади⁷⁵⁵. Кейин у Ҳамога келиб, қўли етганича (уни) талади ва наҳбу ғорат қилиб асир олиш ва ўз юришини тезлатиш тўғрисида (унчалик) қайгурмади. Аксинча, аста-секин юриб ҳийла-найранг қилар, унинг душманлари ҳам ҳийла-найранг тузардилар.

ҲИҚОЯ: Қачонки мен 889 йил рабий ул-аввал ойининг бошларида (26 сентябрь, 1435) Рум ерларига йўл олиб, Ҳамога етганимизда, унинг Шарқ тарафдаги жомеи Нурийнинг қибла (томони) деворида бир (парча) мармар тошда форсча ёзилган бир пақини кўрдим. Мана унинг таржимаси: «Ушбу сатрларнинг суратга солиниш сабаби (шундай): Бу шуки, тангри таоло бизга мамлакатларни⁷⁵⁶ фатҳ қилишни муяссар кўрдик, ҳатто биз Ироқ ва Бағдодгача (ҳамма) ерларни батамом эгалладик. (Шу билан) биз Миср султонига қўшни бўлдик ва унга мактуб ёздик ҳамда турли-туман туҳфа-ю ҳадялар билан унга чопарларимизни юбордик. У бўлса ҳеч бир заруратсиз чопарларимизни ўлдирди. Бундан мақсадимиз — икки томон орасида дўстлик (ипи) ни боғлаш, икки тараф ўртасида садоқат (борлиги) ни таъкидлаш эди. Сўнгра, бундан бир оз (муддат) кейин баъзи туркмонлар бизнинг томонимиздаги кишилардан айримларини тутиб олиб, уларни Миср султони Барқуққа юбордилар. Султон уларни зиндонга солиб жабрлади. Мана шунга биноан муҳолифларимиз чаңғалидан ўз фуқароларимизни халос қилиш мақсадида биз йўлга чиқдик. Шу сабабли бизнинг Ҳамода манзил тутишимиз 803 йил рабий ул-охир ойининг йигирмаларига (8 декабрь, 1400) тўғри келди»⁷⁵⁷.

БУЛИМ: Кейин Темур Хомсга⁷⁵⁸ келди, лекин у бу (шаҳар) да тўс-тўполон қилмай, уни сайидим Холид ибн

Валид⁷⁵⁹ — худо ундан рози бўлсин — (арвоҳи) га бағиш-лади. Мен бадोधан дедим, шеър:

Э, биродаргинам! Яшиллардан бошқага қўшни бўлма,
(шунингдек) қабрда ҳам уларга қўшни бўл.
Хоме ва унинг аҳолисини кўрмайсанми?
Темур болалари денгиздан нажот топдилар,
чунки улар Холдининг қўшниси эдилар.
Кимки тақводорларга қўшни бўлса,
улар ҳалок бўлмайдилар.

Умар ибн ар-Равос исмли (Хоме) оддий кишиларидан бири Темурга пешвоз чиқиб, унинг қалбини ўзига ром қилди — гўёки у Темурга фахрли совғалар тақдим қилган, Темур Умарга шаҳар ишларини топширди ва унга таяниб, эътимод қилди. Бу мамлакат қозилигига Шамсуддин ибн ал-Ҳаддод деб аталувчи рансини тайинлади ва узоқ-яқиндагиларга омонлик билан ишдо қилди.

Тинчлик фойдасини ҳосил этишда шаҳар аҳли бир-бирлари билан талашмади ва олди-сотди улар орасида давом этаверди.

Кейин Шом ноибни (Сайди Судун) бетоб бўлиб, Темур ҳузурда Ялбуға қуббасида вафот этди⁷⁶⁰. Тарбулис ноибни бўлса ўзи учун нажот излаб Темурдан қочди. Кейин у ўз шаҳрига келиб, (ўз) вилоятида қарор топди⁷⁶¹. Темур газабланиб, күйиб-ёнди, алаңгалашиб тутоқди ва унинг қаҳри жазираси ловуллаб ўт олиб кетди. У Тарбулис ноибининг муҳофазасига тайинлаган кишиларнинг ҳаммасини ўлдириб, улар учун жаҳаннам ўтини ёқди улар (қўриқловчилар) ўн олти киши эди. Аммо Темурдош бўлса, Темурга панд бериб, аллади ва Қорада⁷⁶² (унинг ҳузурдан) қочиб кетди. Сафад ноибни Алоуддин Алтунбуго Усмоний ва Ғазза ноибни Зайнуддин ва улардан бошқалар Темур ҳузурда кишанда давом қилдилар. Кейин у йўлга чиқиб, ниҳоят Баалбекка⁷⁶³ келиб етмагунча ҳеч жойда тўхтамади. Шаҳар аҳли Темурга пешвоз чиқиб, унинг ҳузурига келдилар, ундан сулҳ тилаб, олдида тиз чўкдилар. Лекин Темур сўзларга эътибор бермай, улар устига лаҳбу-ғорат ва кўпорниш йиртқиқларини юборди. (Шу пайт) султон ҳам яқинлашиб қолган эди.

Кейин Темур ушбу тўлиб-тошган денгиз, ҳайқирган сел ва улкан тўфон билан кўчиб Қуббату Сайёр томонидан Дамашққа яқинлашди. Унга (Дамашққа) Миср

аскарлари ва ислом қўшинлари ҳам етиб келган бўлиб⁷⁶⁴, борлиқ улар билан тўлган, коинот улардан нурланиб, равшан бўлган эди. Улар шундай тўдалар (эдики), ўқлари хилофни ният қилган ҳар киши қалби допасини ёрувчидир ва қиличларининг яшинлари ҳар бир шохдан чиққан кокилни ўрувчидир, найзаларининг учлари (бор) еридан арвоҳ осмонини тилка-пора қилувчидир. Улар эҳтиёжларини ўз вақтида адо этиб, тўда ва гуруҳларни ажратган, ўнг ва сўл (қанот) ларга одамлар қўйган, олдинги ва кейинги (қисм) ларни тартибга солган: марказ ва қанотларни бараварлаган: водий ва саҳроларни тўлдирган ва узлуксиз, зич гуруҳлар ярқираб жилваланган ҳолда бир текисда тартиб билан тизилиб соф тортган тарзда йўлда ҳориган отларнинг ўрнини босиш учун олинган етакдаги савлатли отлар ва гўшт истеъмол қилишни хуш кўрадиган наслдор туялар билан бирга олға юрардилар. Ҳар бир тўдада ҳайбатли шерлар ва улуғвор бургутлар бор эди. Мен дедим, шеър:

Озмунча шонқи қўшинлар борки, гўё ғазабли тоғлар каби,
гўё у (қўшин) денгизки, ўрталарида (найза) ўрмонлари бордир.
(Иккала томон) аскари (гўё) икки денгизки, улар ҳар
бирининг мавжида шер бор.

Қайсики, у икки қафтида итонни ушлаб ўлим билан ўйнайди.
Улардан ҳар бирининг ичи-таши жангда кўзга кўринади.
Агар улар бир жойга тушса, қириндилардек (кўп),
Агар кечаси сайр қилса, само ерда бир доирага йўлиқади.
Агар кундузи юрса, ўша ғуборлар вужудга келган ерга дуч келади.

Гўё (улар) ўлим камалак (ёй) ларини елкаларига қўйиб, ҳалокат қиличларини осиб олганлар, нозик ва ихчам найзаларни таққанлар: гўё улар отлар ёлларидан яратилиб униб чиққан жойларида барқарор қолганлар.
Мен дедим:

У (қўшин) гўё ҳаво, бир яшил либоски,
найза найлари уни зар тортиб тўқилган.
Унинг устига қоронғи кеча тушса,
(унинг) юзи сенга тонг шуъласини кўрсатади.
Гўё унинг мерган юлдузлари
жанг пайтида уруш шайтонларига қарши отилади.

Бу тўлқинлар тўдалари шу тариқа бир бири билан тўхтовсиз туртишар, бу ҳайқирган денгизнинг елкалари (тўлқинлари) чап-тўзон остида бир-бири билан тўқна-

шар ва шу (тўлқин) ларнинг ҳар бири тушунарли йўл билан «биздан биронта ҳам (киши) йўқки, унинг ўзига яраша мақоми бўлмаса»⁷⁶⁴— деярдн. Кейин, жанг алвас-тилари⁷³⁵ ҳижратдан 808 йил рабий-ул-охир ойининг ўн биринчисида (29 ноябрь, 1400) Ялбуға қуббасига етиб келдилар. Аскарлардан ҳар бири ўнгу чапга (лашкаргоҳ тортиб) тушди. Ислоҳ аскарлари ва амирлари уйларда ва масканларда қарорландилар. Тотор қўшинлари эса Дамашқ ғарбида Даройо⁷⁶⁶ ҳамда ал-Хувла⁷⁶⁷ ва Қатанагача⁷⁶⁸ ва уларга ёндошган жойларга тушдилар. Султон аскарларининг бир қисми шаҳарга кириб, қалъа ва шаҳарда қурол-аслаҳа ва анжомлар билан кўрғонланиб олди. Кейин иккала қўшин ҳам ўз эҳтиёт чораларини кўриб, ўз ишини муқобала ва муқоталага ҳозирлади. Улар хандақлар қазидилар ва ҳар бир томон ўз рақибни ўтадиган тор йўллар оғизларини тўсди. Кейин улар бир-бирлари билан ўзаро тўқнашувлар, хуружлар, урушшлар ва гиж-гижлатишларни бошлаб юбордилар.

Сўнгра султон аскарларига шаҳардан ташқарига чиқишни буюрди; шунда (шаҳар) аъёнларининг бошлиқлари шаҳардан чиқиб, уруш борасида ўз султонларига келиб қўшилдилар. Гўдак болалар ва эрлар⁷⁶⁹ жабборга⁷⁷⁰ тазарруъ қилиб, ҳар оқшом кўча-кўйларда куйиб-пишиб: Ё худо! Ё раҳмон! Мавлоно султонимизга малад бер!— деб нидо қилардилар. Одамлар изтироб ва ҳаракатда бўлиб зафар ва баракат тилаб, кечаю кундуз зорланардилар ва «Э, мужоҳидлар, деворларга (чиқинг!)»,— деб фарёд қилардилар. Маана шу кунларда шаҳар бошлиқларидан Шомда Ҳоким бўлиб турган қозилар қозиси Бурҳонуддин аш-Шозилий⁷⁷¹ моликий шаҳид бўлди ва қилич зарбасидан молкий мазҳабига мансуб қозилар қозиси Шарафуддин Исонинг қўли шол бўлиб қолди. (Султон одамлари) душманлардан қўлга олганларини келтириб қатл этардилар. Уларни потиқ ва сомит (тилли ва тилсиз мол) ларидан ўлжа қилсалар уни элга ёйиб, намойиш қилардилар.

ЎЗ БЕРГАН БИР ЖАНГ ВА ГАРЧИ НАФ ҚИЛГАН БЎЛСА ҲАМ САФЛАРНИ ТАРҚАТГАН МАЪРАКА БАЕНИ

Кейин шу кунлардан бирида⁷⁷² ушбу гапга нўноқлардан (Темур қўшинидан) ўн минг чоғлиғи влгарилаб, жанг майдонига қараб ташланди. Уларга қарши Шом

аскарларидан беш юзча (киши) чиқди. Сўнгра уларнинг изидан яна уч юз чамаси (киши) билан амир Асанбой келди. Шеър:

(Улар) жангда урушсалар шер, меҳрибонлик кўрсатсалар оху.
Ерга қадалсалар тоғлар, оқсалар денгиз.
Чарақласалар қуёш, жиवालсалар тўлин ой,
Эссалар еллар, (қуйилсалар) булутлар,
Пастга томон шўнғиланларида лочин.
Улжага ташланганларида сиртлон,
Сайха тортсалар момоқалдироқ,
(Нишонга) отсалар яшин кабидурлар.

Бу аскарларнинг ҳар бирида титратадиган найза бўлиб, сарви қоматлилар улар олдида сажда қиладилар, ҳар бирида бир ўткир қилич бўлиб, қон тўкиш унинг лавҳаларидан ўрганилади; ҳар бирининг ёни борки, ўзининг қошига ўхшайди ва ўқлари борки, у ўқлар ўз эгасининг киприкларига ўхшайди дейилса тўғри бўлади; ҳар бирида тутилиши майин қалқон бўлиб, агар жангчи у (қалқон) ни ўз устига кийса, унда қуёш устида тўлин ойни кўрасан; ҳар бирининг бошида бир темир қалпоғи борки, гўёки у ўша аскар сиймосининг ялтирашидан олинган ёки унинг ташқи кўриниши яшиилардан ясалган. Агар бу темир қалпоқчага кўз тушса, кишининг кўзи қамашадн ва «оз бўлмаса» у (қалпоқ) нинг равшанлиги кўриниш қувватини кетказадн⁷⁷³.

У либослар ўз эгаларига мувофиқдир: у (либос) нинг авраси кнйовчисиинг рухсори каби ипакдек майин, астари (ичи) эса қаттиққўлликда унинг қалби каби мисоли темирдир. Улар наслдор отлардан иборат айғирларга минган эдилар ва гўё шу тўдаларнинг тўлин ойлари учлари ялтираган найзалар билан (бирга) эдилар. (Уларнинг ҳар бири) шамлар ёруғида зийнатга бурканган келинчак (каби) эди. Улар жанг гирдобн⁷⁷⁴ томон юз тутдилар ва (душман билан) Ялбуга қуббаси орқасидаги бир водийда учрашдилар. Шеър:

(Улар) турк жангчиларидан иборат йиғитларки, уларнинг овозлари момоқалдироқ товушини на ҳис қилади, на сеҳр қолдиради.
Муқоболада улар ҳуснда малонкалар мисоли.
Муқоталада улар девлар кабидир⁷⁷⁵.

БУЛИМ

Қачонки бу шерлар (ислом аскарлари) ўша бўрилар ва кўпнакларни (Темур аскарларини) кўргач, улар «гўё кофирлар тўдаларини кўриб қолган мўминлар⁷⁷⁵ каби бўлдилар». Улардан кимнинг зарбаси беҳато (нишонга тегувчи), кимники хатокор (иллатли) эканлиги равшан бўлиб, улар (ислом аскарлари): «Тангри ва унинг расулнин бизга қилган (севинчли) ваъдаси мана шу»⁷⁷⁷, — дедилар. Темур аскарлари сонлари кўплиги жиҳатидан уларни қуршаб, ушбу келтирилган доирали (сунъий) денгизларни йўқ қилиш учун ҳалқа қилиб ўраб олдилар. Қачонки улар (мусулмонлар) ушбу доира чодирда қозиқлар сингари бўлганларидан кейин улар зарба беришга киришиб, тишловчи (қатъий уруш билан доирани кесингга бошладилар. Бу жангда Темур аскарлари учун улар ўйлаган дастлабки иш бош кесиш, шиддатдан ақл оздириш ва қўлларни кесиш бўлди. Натихада, (мусулмонлар) узун найзалар билан улар ақлини майиб қилдилар, йироқдан отилган ёйларни билан улар шаклларини илма-тешик этдилар, ёйиқ (кенг тигли) қилич билан улар бекаму-кўстлигини (вофир) кесдилар, тезкор (камон) ўқлари билан улар тўлиқларини (комил) майдаладилар. Мусулмонлар уларни бўлакларидилар, парча-парча қилдилар, илма-тешик қилдилар, тўзидилар, (тишларини синдирдилар) тўдаладилар, қирқдилар қўлоёқларини боғладилар, чақдилар, уларни қирқиб ажратдилар ва (ададларини) камайгирдилар. Сўнгра улар кўкракларини (садр) ожизликка (орқага) қаратиб, улар учун ҳақиқий (ҳақиқат) халос бўлишга ўтадиган (мажоз) жойни тўсдилар. Сўнгра ислом аскарлари улардан узоқлашганларидан унинг (Темур) аскарлари таналарни кесилган (маштур), бўлакланган (мақтуъ), тилниган (маҳзуф), парча-парча қилинган (мажзуъ), ҳолдан тойган (манҳуқ) ва ўрнидан қўзғалоқмай (мавқуф) қолган ҳолда эдилар.

Зикр қилинган Асанбой орқасига қайтди — у ўзини (мақсадга) етувчи (мутадарик) найзаси (уруши) билан (Темур қўшинлари) этакларини кесган ва яқини — мутақариб (жипс) (мутомосиқ) зарбаси билан улар оғир ва енгил (хафиф — сақил) ларини (яъни ҳаммасининг) уруғини қуритган эди. Улар совутлари (тасби) энёда ғалаба билан савлат солиб, мукамал қудратлилилик билан тўлиб тошган бўлиб, (улар) иттифоқлик доираси-

нинг уйи (байт) ҳалол етишидан осойишта, унинг (Асанбойнинг) арузи ва заруби⁷⁷⁸ камчилигу (зиҳоф) иллатлардан (илъал) соғлом эди. Гўё (ушбу) айтилганидек:

Уруш кунндаги суворийларни тағри сероб қилсин!
Улар урушда юлдузлар ластга (учиб) тушгандек
(душман устига) тушадилар.
(Улар) душманларни найзалар билан газладилар.
Ўткир қиличлар билан бичиб, ўқлар билан тикдилар⁷⁷⁹.

ТЕМУР ҲАМШИРАСИНИНГ ЎҒЛИ СУЛТОН ҲУСАЙН⁷⁸⁰ ИШЛАТГАН МАКР ВА ФИРИБ БАЕНИ

Кейин Темур ҳамширасининг ўғли (бўлмиш) Султон Ҳусайн ўзини тоғасига муҳолиф⁷⁸¹ қилиб кўрсатди ва дилида (кўп) ишларни яшириб, (Миср) султони ҳузурга келди. (Султон Ҳусайн) шижоатли йигит бўлиб, унда енгилтаклик ва ҳамоқат бор эди⁷⁸². Мусулмонлар унинг келишидан хурсанд бўлиб, зафар ва шодлик (аломатини) шуур этдилар. Султон Ҳусайннинг бошида бир тутам кокили бор эди. Улар унинг кокилини олиб, (устига) хильатлар кийгизиб, ўзларндай қилиб кўрсатдилар⁷⁸³.

БЎЛИМ: Сўнгра Темур ўзини заифлашган ва ҳолдан тойган кўрсатиб ишоат тарқатди. У озгина (олға) юриб, чекинниб, орқага қайтди. Бу ҳаммаси унинг фириблари ва ов тузоқларидан эди. Бунинг баени шуки, Миср аскарлари ўртасида хилоф воқеъ бўлганлиги ва уларнинг тез орада қочишлари хабари Темурга етган эди. Агар қочсалар, Темур уларни қўлдан чиқариб қўярди. Шу сабабли у макр кўрсатиб, ўзининг (қайтиб) кетиши ҳақида ишоат тарқатди. Бу билан у Миср аскарларини (жойларида) собит қилиб, уларни қочишдан тўхтатиб қолмоқни истади. Лекин Миср аскарлари қочишга азм қилган бўлиб, уларда на саботу, на қарор қолган эди⁷⁸⁴.

ИСЛОМ АСКАРЛАРИ ЎРТАСИДА ҲОСИЛ БЎЛГАН НИФОҚ ВА НОИТТИФОҚЛИК БАЕНИ

Миср аскарларининг отабеги ва малик Носирнинг қафили улуғ амир Яшбек⁷⁸⁵ бўлиб, каттаю кичик унинг қўл остида эди. Гарчи (уни) қўшинининг мадади кўп,

лашкарининг адади ҳисобсиз кўринса ҳам, лекин улардан ҳар бири (ўзича) «амир» бўлиб, уларда бошларидан бошқа ҳеч нарсалари йўқ эди. Натижада, улар фикрлари тарқалиб, хоҳишлари (бир-бирига) зид келди; улар шоирларининг шеърлари иттифоқ доирасидан ихтилоф доирасига кўчди ва уларнинг ҳар бири ўз байти вазнини турли арузларга кўчирди ва ўз соҳиби арзини парчалай бошлади. Мана шу дамда раҳмоннинг тиллар ва алвонларнинг ихтилофи⁷⁸⁶ ҳақидаги (айтган) оятлари очиқ-ойдин зоҳир бўлди. Улар раиянинг ҳомиллигида бўри ва сиртлон ўрнида бўлдилар, ориқ халқнинг ҳомийлигига газабли арслон ва шерни ҳоким қилдилар; бу ҳадис санади-да, сағирлар катталарга, қўйилар юқоригаиларга, олдингилар охиригиларга қўшилиб, гўё мана шу шоир айтгандек бўлдилар. Шеър:

Бир кун қўйларим тўзиб кетди ва мен дедимки:

— Э тағрим, уларга бўри ва сиртлонин ҳоким қил.

Улардан бир қанча бош (яқ) лар ўз қуввати ва ёрдамчиларини ташлаб Қоҳирага йўл олдилар⁷⁸⁷ ва Темур (улар ҳақида) айтгандек, ўзларида сиёсат маърифати йўқлигини ва риёсат йўлларидан жавлон уришдан беҳабарликларини ростига чиқардилар.

БҮЛҒИМ: Қачонки қолганлар (жўнаб) кетганлар феълларини билгач, уларга этакларини шимариб, тун оғуси остида кетганлар нздан йўлга тушишдан бошқа илож қолмади. Кимки бу қавмдан кейин қолган (бўлса), ёки ухлаган ёки мудраган бўлса у тўрға тушиб, чуқурнинг энг қаърига йиқилган эди.

Одамлар кеча-кундуз деворлар устига ёпишиб, уларнинг ҳар бири ўз султонидан ёрдам олганлигига ишонч ҳосил қилиб, хурсанд бўлиб севинган эди. Лекин кечаларнинг бирида у (одам) лар баланд (бир) жойга кўтарилдилар ва бирдан ўз султонлари чодир тиккан жойлар оловлар билан тўлиб кетганлигини кўрдилар. Нима хабар экаплигини ҳеч ким билмади-ю, фақат дунё ёмонлик ва олов учқунлари билан тўлди. Субҳ келгач, (бу) динёр (одамдан) ҳоли бўлиб, Ялбуға қуббасида (олов) пуфловчи бирон кимса ҳам қолмади. Шунда уларнинг товушлари пасайиб, ҳаракатлари сусайди. Улар ўзаро шивирлашиб, секин-аста овозлари сўнабошлади. Ёмонлик мавж уриб, ҳаракатга келди ва одамлар:—«султон қочди!»,— дедилар. Шунда одамларнинг беллари букилиб, фалокат келганлигига (улар) ишон-

дилар; (оғир) ташвишлари ортиб, ғам-ғуссалари зўрайди. Уларнинг «барча воситалари тугаб»⁷⁸⁸, халойиқ устига хилма-хил азоблар ёпирилди, жамний ҳийлалар (уларнинг) кўкраклари каби тор (чорасиз) кўришди. Фармон қайси-ю, иш қайси (ҳаммаси) бир-бирига арашиб кетди.

БУЛИМ: Кейин Темур ўз раббига ҳамд айтиб жойидан кўчди. У (Ялбуға) қуббасига тушиб, (уни) манзил тутди ва роҳат қилганча чалқанча ётиб ухлади ва мен айтган байт мазмунида нидо қилди:

Аллоҳга ҳамдлар бўлсин орзумизга эришдик.

Душман орқа ўгириб, умид ҳосил бўлди.

Темур (ўз) атрофида ҳандақлар қазитди ва атрофга отличлари ва пиёдаларини тарқатди ва қочиб кетганлар орқасидан қувловчилар юборди. Қачонки, қочган душман жангчиларидан бирон кимса олиб келтирилса, Темур уни ўша филлар олдига ташлашга буюрар ва закотдан юз ўгирганларга нисбатан қиёмат кунда (чорва) ҳайвонлари қандай иш қилса, бу филлар шу саҳрода тутилиб келтирилганга ҳам шундай иш қилардилар.

БУЛИМ: (Энди) султонга келсак, у ҳеч бир кимсadan озор топмади, чунки у гўё булут сингари қочиб, илон сингари ўрмалаб, ат — Тайм волийси⁷⁸⁹ томон юзланди. Натижада, Темур шайтонлари ер юзига тарқалиб, уни бўйи ва энига тўлғаздилар. Унинг олд қисмлари мамлакат (Шом) ерлари теварак атрофларига бориб, жами қишлоқ ва унинг теваракларигача етди. Улар «ҳар қандай тепаликлардан ёпирилишиб»⁷⁹⁰. Тангри — таоло баракаси ўрнашган ернинг ғарбу шарқиға қараб шошилардилар ва Дамашқ шаҳриға қараб олға босардилар. (Аввал) зикр қилинганидек, бу шаҳар мукамал кўрфонланган ва турли-туман тайёргарликлар билан мустаҳкамланган эди. Унинг юзига пардалар туширилиб, дарвозалари қулфланганди. Шаҳар аҳли Темур кўшнларига монеълик кўрсатдилар ва ёрдамнинг хушбўй ҳиди келар ёки ушбу шиддатдан кейин тангридан енгиллик борасида бирор мурувват рижосида уларға шаҳарни топширмадилар. Шу зайлда улар икки куп давом этдилар, кейин ўз рижоларидан (аниқ) умидсиз бўлиб, гумонларининг ёлғон эканлигига ишонч ҳосил қилдилар. Султоннинг аскар билан (Дамашққа) келиб (қайтиб) кетиши шоирнинг мана шу айтгани мисоли бўлган эди: «Ташна гуруҳ устиға булут келиб, қачонки улар уни кўргач у булутлар тарқалиб, ёйилиб кетгани каби».

СУЛТОН КЕТГАНДАН КЕЙИН (ШАҲАР) АЪЁНЛАРИНИНГ ЧИҚИБ ТЕМУРДАН ОМОНЛИК ТИЛАШЛАРИ БАЁНИ

Қачонки ўйлаганлари пучга чиқиб, ўзлари устига райб ул-манун⁷⁹¹ келганлигини билгач, шаҳардаги мавжуд аъёнлар, улуғлар ва бошлиқлар (бир жойга) жам бўлдилар. Улар қозилар қозиси Муҳуддин Маҳмуд ибн ал-Изз ҳанафий, унинг ўғли, қозилар қозиси Шихобуддин, қозилар қозиси Тақнуддин Иброҳим ибн Муфлаҳ ханбалий Нобулсий, котиб ас-сир қози Носируддин Муҳаммад ибн Абу Тайиб, қози Шихобуддин Аҳмад ибн Шаҳид ал-Вазир — вазирлик мансаби ўша пайтда унда бўлиб, уларнинг орасида энг улуғи ўша эди, (яна) қози Шихобуддин ал-Жияний⁷⁹² шофийий, ҳокимнинг ноиб қози Шихобуддин Бурҳонуддин Иброҳим ал-Қуша ҳанафий,— ҳаммаларини Аллоҳ раҳмат қилсин!— эдилар. Аммо шофий (мазҳаби) қозиси — Алоуддин ибн Абу-л-Бақа бўлса султон билан бирга қочди, қозилар қозиси моликий Бурҳонуддин аш-Шозилий, (аввал) зикр этилганидек, шаҳид бўлди. Сўнгра ушбу аъёнлар ўзаро машварат қилиб, иттифоқ бўлганларидан кейин (шаҳардан) чиқдилар ва Темурдан омонлик тиладилар.

БУЛИМ: Қачонки султон ўз аскарлари «юзланган кема сини»⁷⁹³ қўзғатгач, қозилар қозиси Валиуддин Абдураҳмон Ибн Ҳалдун Темур аскарлари денгизига тушиб қолди. У энг машҳур аъёнлардан ва (Мисрдан) султон билан бирга келганлардан (бири) эди. Қачонки султон гўё гафлатда бўлгандек эшилиб, узилиб кетгач, Ибн Ҳалдун тузоққа тушиб қолди. У Одилия мадрасасида истиқомат қиларди. Ўша (ишора қилинган) аъёнлар бу масала⁷⁹⁴ тадбирида Ибн Ҳалдун ҳузурига юзландилар. Натижада, унинг фикри улар фикрига мувофиқ келиб, аъёнлар бу борада ўз ихтиёрларини унга топширдилар. Уларга Ибн Ҳалдунни ўз суҳбатларига олишдан бошқа илож бўлмади. Ибн Ҳалдун мазҳаб ва манзарада моликий, ривоят ва хабарда асмаий⁷⁹⁵ эди. У энгил саллада, зариф бир суратда, қоронғи кечадек тим қора, ўзидек нозик хошияли бурнусда⁷⁹⁶ улар билан йўлга тушди. Аъёнлар Ибн Ҳалдунни пешво тутиб, унинг ўзларининг фойдаю зарарлари борасида айтадиган сўз ва феълларига рози бўлдилар.

Қачонки улар Темур ҳузурига кирганларида унинг

олдида тик туриб, шу ҳолатда давом этдилар ва Темур (уларга) ўтиришга рухсат қилиб, қалбларига таскин бермагунча улар хадиксираб, кўрқиб турдилар. Кейин Темур уларга жилмайиб табассум билан мурувват қилди ва (улар) ҳолатларини кузатиб, ўз ақли мезони билан уларнинг сўзлари ишларини (ҳаракатларини) ўлчай бошладди. Ибн Ҳалдуннинг манзари ўзгалари манзаридан фарқ қилишини кўргач, Темур:—«Бу одам бу ерлик эмас»,— деди. Натижада, суҳбат учун мажол очилиб, Ибн Ҳалдун тилини ёйиб юбордики, унинг айтганлари сўнграқ зикр қилинади. Кейин калом бисотини ёйиб, таом дастурхонини ёйдилар; қайнатилган гўшт уюмларини уюб, ҳар бир киши олдига ўзига лойиғини кўйдилар. Баъзилар тортиниб таомдан ўзини тийди, баъзилар ўзини гўё суҳбат билан машғул кўрсатиб (таомга) эътибор қилмади, баъзилар кўл узатиб (овқат) еяверди ва овқат ютиш жангида кўрқмади ва тортинмади ҳамда ўзгаларни ҳам таомга ундаб уларга нидо қилди ва мана шу мисраларни нашида этди:

Овқатдан шундай енгки, ҳаёт қолса ўз аҳлига
сўзлаб берадиган киши каби (енг),

Агар ўлса тангри ҳузурига қоринли
бўлиб борадиган даражада (овқат) енг!

Таомдан тановул қилганлар жумласида қозилар қозиси Валиуддин (Ибн Ҳалдун) ҳам бор эди.

Мана шу (иш) лар жараёнида Темур уларни кузатар ва қисик кўзлари уларга ўғринча қарар эди. Ибн Ҳалдун ҳам кўз қирини Темур томонига ташлар, қачонки Темур унга қараса Ибн Ҳалдун бошини қуйи эгар, қачонки Темур ундан тескари бурилса, Ибн Ҳалдун унга кўз югуртирар эди. Кейин Ибн Ҳалдун нидо қилиб баланд овоз билан деди: «Э, мавлоно Амир! Буюк ва улуг тангрига ҳамдлар бўлсин! Мен ўз ҳузурим билан инсоният подшоҳларини мушарраф этдим ва ўз тарихларим билан уларнинг ўчиб кетган кунларини барҳаёт қилдим: (мен) араб⁷⁹⁷ подшоҳларидан фалон ва фулонни кўрдим, фалон ва фулон султонлар ҳузурда бўлдим; ернинг⁷⁹⁸ мағрибю-машриғини мушоҳада этдим, ернинг ҳар бир бурчагида мен унинг амирию ноиб билан муносабатда бўлдим. Лекин тангридан миннатдорманки, у менинг кунларимни узайтирди ва у мени (қайтадан) тирилтириб мурувват кўрсатдики, ниҳоят мен ҳақиқий подшоҳ, ким эканини кўриб, салтанат шариятида тўғри сийратли

маслакни рунят этдим. Агар (ўзга) подшоҳлар таоми талофатни даф этиш учун тановул қилинса мавлоно амрнинг таоми шунинг учун ва (яна) фахру шарафга муяссар бўлиш учун тановул қилинади».

Шунда Темур ажабдан бениҳоя завқланди ва оз бўлмаса қувончидан рақсга тушиб кетаёзди. У хитоб юзини Ибн Ҳалдунга қаратиб суҳбатда бошқаларга эмас, фақат унга таянди. Темур ундан араб⁷⁹⁹ подшоҳлари ва улар ҳақидаги хабарлардан, (улар) давлатлари рўзғори ва ривоятларидан сўради. Шунда Ибн Ҳалдун Темурга унинг ақлини маҳлиё қилиб, мафтун этадиган ва зеҳини чулғаб, ҳайратга туширадиган ҳикоятлар ривоят қилди. Темур эса подшоҳлар ва халқлар сийратларида билимдон, шарқу ғарб тарихининг отаси ва онаси эди. Бу хусусда бадоатли бир баён кейинроқ зикр қилинади⁸⁰⁰.

БУЛИМ: Бир куни у (аён) лар ушбу зийрак (Темур) нинг ҳузурда ўтирганларидан бирдан Темур одамлари қўлида асоратда бўлган қози Садруддин ал-Муновий — у қочинида султонга эргашганлардан бўлиб, (Темур) одамлари Майсалунда⁸⁰¹ уни ушлаб, Темур ҳузурга келтирган эдилар — кириб қолди. У бурж каби салла ўраган, енглари хуржундек (осилган кийимда) эди. У одамларнинг устидан юриб ўтиб, рухсатсиз суҳбатдагилар юқорисига ўтирди. Бундан Темур ғазабланиб, тутақиб, мажлисини аланга билан тўлдирди; унинг ўпкаси шишиб, томоғи қаҳру ғазабдан тўлиб-тошди; у хириллаб овози бўғилди. Унинг жаҳли денгизи мавж уриб қирғоғидан ошди ва ўз тажовузкорларидан бир тоифасига қози Садруддинни итобга солишни амр қилди. Шунда қозини худди итларни судрагандек судраб, устидаги бор кийимларини парча-парча қилдилар. Сўнгиш ва ҳақорат билан уни бойитиб⁸⁰², калтак ва тепки билан тўйғиздилар. Кейин Темур уни асоратда қаттиқ тутинишга, янгитдан азоблашга ва устига кетма-кет азият келтиришга мутасаддиларнинг эътирозларига қарамай, итобни икки ҳисса (зиёда) қилишга амр қилди. Қиёмат кунда золим (юзи орқасига қилиниб) — Аллоҳ томонидан ҳимоясиз⁸⁰³ ҳолда чиқариладигандек, қози чиқарилди. Сўнгра Темур ҳамишагидек ўз ҳийлаю фирибларини тузишга киришди. У ушбу аёнлардан ҳар бирига хилъат кийгизиб, уларни ўз наздида иззату — рифъатга сазовор қилди. Кейин кўнгилларини шод айлаб, осойишта ва хурсанд ҳолда уларни қайтарди. (Аммо) унинг қалбида турли-туман фасодлар ва (ёмон) ишлар

мавж урарди. У (аён) лар мана шундай бўлиб йўлга тушдилар. Мисра: «Худди қурбон қилувчи ўз қурбонини зийнатлаб улуғлаган, аммо яқинда у (қурбон) ўлим зиёфати билан тўйғизилади».

Темур аёнларга ва улар раияларига агар улар султон бойликларини, шунингдек унга (султонга) ва амирларига тегишли жавоҳирларни ва уларга тааллуқли мол-дунё, от-улов⁸⁰⁴ чорва, қуллар ва хизматкорларини (йиғиб) топширсалар, омонлик беришини (уларга) шарт қилиб қўйди. Аёнлар амр қилинган (нарс)а ни бажо келтириб, (бутун) ботину зоҳир (нарс)аларни Темурга топширдилар. Аммо қалъа эса ҳисорга (қарши) тайёргарлик кўрди. Қалъанинг ноиб Аздор⁸⁰⁵ деб аталадиган (киши) бўлиб, у қалъани мустақкамлаб, мукамал қурол-яроғ билан маҳкамлади ва султондан мадад ёки (кеलाётган) бу шиддатни енгиллатадиган илоҳий бир ғов интизориди бўлди.

Даставвал Темур қалъага эътибор бермади ва қизиқмади ҳамда унга айланиб ҳаракат кўрсатмади. Балки у ўзининг бутун жиду-жаҳдини мол-дунё жамлашга ва қимматбаҳо бойликлар тойларини ортишга сарфлади. Қачонки жавоҳирлар ҳосил бўлиб, унинг хазинасига тушгач, Темур шаҳар устига омонлик молларини ташлади.

Бу (мол) ларни тўплашда Темур ўша аёнлар ёрдамига таяниб, улар устига ўз девон (беги) лари ва қотибларидан, шунингдек очкўз ва таъмагир нозир ҳисобчиларидан қўйди. Бу (нарс)аларни ўз давлати арконларидан бири ва унга эътимоди бўлган Оллоҳдод кифоятига топширди. У (Оллоҳдод) она жиҳатидан (ушбу) китобнинг аввалида зикри ўтган Сайфуддиннинг биродари эди. Уларга қўшимча тариқасида Темур барча «қайсару бағритошларни»⁸⁰⁶ ва қўполлик оғушида ўсиб-улғайган ва унинг зулми сутини эмган (киши) ларни тайинлади. Кейин у омонлик ва осойишталик жорий қилиб, бир инсон иккинчи бир инсонга жабр-ситам қилмаслигини нидо қилди. Бу нидо (ҳаммага) эшиттирилиб жорий бўлганидан кейин ҳам чигатоликлардан қай бирлари ғоратгарчиликка қўл чўздилар. Бу (хабар) Темур қулоғига бориб етгач, у уларни халойиқ гавжум жойда салб этишга буюрди. Шунда уларни газмол сотувчилар растасининг бошида, ҳарирпурушлар ёнида салб этдилар. Одамлар бу ишдан шодланиб, Темурдан хайру адл умид қилдилар. Шаҳар аёнлари (шаҳар)

дарвозаларидан Боб ус-Сағир (Кичик дарвоза) ни очдилар ва шаҳардаги мавжуд арзиган ва арзимаган (нарсаларни ҳам ҳисоб-китоб қила бошладилар. Кейин улар бу мол-дунёларни маҳаллаларга тақсим қилдилар. Ҳозор қариндаги зулм ва адоват аҳллари бир-бирларига: Э, талон-тарож!— деб нидо қилдилар ва «Дор уз-заҳаб» (Олтин уйи) нинг йиғилган хазиналар маконига айлантирдилар. Улар одамларни шу тузоққа ташлай бошладилар ва баъзи одамлар бошқалар устидан ҳукмрон бўлиб, Темур шу ерлар қуёнларини шу ерлик кўппаклар билан овлади.

(Шу пайт) куз фасли Миср аскарига ўхшаб қайтган ва Темур аскарлари ўз оловлари билан (оламга) тушгани каби (ўз) совуғи билан қиш фасли оламга тушган эди.

Кейин Темур аввал Қаср ал-Аблаққа, сўнгра амир Танжоснинг уйига кўчди⁸⁰⁷ ва қасрни вайрон қилиб ёқишларини буюрди ва кўп тўдаларга бош бўлиб, Боб ус-Сағирдан шаҳарга кирди ва ҳанафийларнинг шофъийлардан муқаддам қўйиб, Бани Умайя жомеъсида жума намозини ўқиди. Унинг номига хутбани аввал зикр қилинган ҳанафий мазҳабидаги қозилар қозиси Муҳиддин Маҳмуд ибн ал-Изз ўқиди ва (бу орада) турли ишлар ва фасодликлар содир бўлдики, уларнинг шарҳи узундан-узундир. Муътазиллий мазҳабидаги Абдулжаббор ибн Нуъмон ал-Хоразмий билан Шом уламолари, хусусан, қозилар қозиси ханбалий мазҳабидаги Тақнуддин Иброҳим ибн ал-Муфлаҳ ўртасида мунозаралар, муноқашалар, мубаҳасалар ва мурожаатлар воқеъ бўлди. Шулар жараёнида Абдулжаббор Темурнинг таржимони сифатида барча масалаларда улар билан унинг тилидан суҳбат юритар эди. Шу (масала) лардан (бири) Али Муовия воқеалари ва ўша ўтган асрларда улар ўртасида нима воқеалар содир бўлганлиги, яна бири Язид ишлари, бахтли шаҳид Ҳусайннинг қатл қилиши; шунингдек, бу ҳодисанинг ҳеч бир инкорсиз зулм ва фиққ эканлиги ва кимки бу (иш) ни ҳалол (мақбул) ҳисобласа, у кофир бўлиши (масалалари) эди. Ҳеч шубҳа йўқки, ушбу ҳаром иш Шом аҳлининг ёрдамида бўлган, агар улар уни қонуний (ҳалол) ҳисобласалар, улар кофирлар. Агарки улар бу ишни қонуний (ҳалол) эмас десалар — демак улар итоатсиз, тугёнчи ва жинояткор кишилардир. Дарҳақиқат, ҳозиргилар бурунгилар мазҳабида

бўлишлари (масалалари эди). Натижада, бу саволларга у (шомли) лар томонидан турли жавоблар содир бўлди. (Бу) жавоблардан айримларини Темур рад қилиб, айримлари эса унга маъқул тушди. Ниҳоят, котиб ас-сир (Носируддин ибн Абу Таййиб) жавоб бердики, унинг жавоби яхши ва тўғри — башарти у фойда келтирди — бўлди:

«Улуғ тангри Мавлоно Амирнинг умрини узун қилгай! Мен бўлсам, насабим Умар ва Усмонга муттасил бўлиб (энг) катта бобом ўша замон аъёнларидан бири саналган. У ушбу воқеалар (жараёни)да ҳозир бўлиб, ўша жангу жадалларда шўнғиган. У ҳақиқат шунқорларидан ва сидқу садоқат баҳодирларидан бўлган. Унинг бизга етган ишларидан ва ҳар бир ашёни ўз ўрнига қўйишдан шу нарса маълумки, у саййидимиз Хусайннинг бошини қидириб топиб, у (калла) ни хўрланиш ва таҳқирлашдан халис қилган. Кейин уни тозалаб ювиб азизлаган, улуғлаб ўпган ва хушбўй қилиб иззатлаган ва кейин у бу каллани тупроққа кўмган. У бу ишни тангри таолога яқинлик йўлида энг афзал фидолик деб ҳисоблади. Шу сабабли, э ёмғирли булутлар, унга Абу Таййиб⁸⁰⁸ деб куня берганлар. Нима бўлса ҳам, э Мавлоно Амир, у зотлар (дунё) дан ўтиб, у булутлар ғам-ғуссалари тарқалиб кетган ва улар ўзлари смирман (сув) лари ҳамда тоттирган нарсалари хоҳ аччиқ, хоҳ ширин бўлсин, оламдан ўтдилар. Бу фитналарки, қайсики, тангри бизларни улардан халос қилиб (бизларга) роҳат бағишлади ва (бу) қонлардирки, тангри ундан қиличларимизни тозалади. Аммо ҳозир бўлса бизнинг эътиқодимиз аҳли сунна ва жамоа эътиқодидир».

Бу сўзларни эшитгач Темур:

— Во ажабо! Сизлар шул сабабдан Абу Таййиб авлодлари деб ном олганмисизлар?— деб хитоб қилди.

— Ҳа,— деб жавоб берди котиб ас-сир,— менинг учун узоқ ва яқиндагилар бунини исботлайди. Мен — Муҳаммад ибн Умар ибн Муҳаммад ибн Абулқосим ибн Абдулмунъим ибн Муҳаммад ибн Абу Таййиб ал-Умарий ал-Усманий (бўламан).

Темур деди:— сен узрга сазоворсан, э салафлар сараси! Агарки менда зоҳирона маъзурлик (бу билан Темур ўз оқсоқлигига ишора қилади) бўлмаганда эди, мен сени албатта ўз орқам ва елкамга кўтарардим. Лекин мен сенга ва ҳамроҳларингга қандай иззат-эҳтиром ва лутфу карам кўрсатишимни ҳали кўрасан». Кейин Темур

қозилар билан хайр-маъзур қилиб, уларни таъзиму эҳтиром билан кузатди.

Савол-жавобларнинг яна бирида Темур киноя тариқасида улардан атай тескари бир савол сўраб;— қайси даража юқори: илм даражасими ёки насаб даражасими?— деди. Мажлисдагиларнинг ҳаммалари Темур мақсадини пайқаб тушундилар-у, лекин сукут сақлаб жим турдилар ва жавоб беришдан ҳайиқдилар ва ҳар бири Темур уларни синаб кўраётганлигини фаҳмлади. Биринчи бўлиб ҳанбалий мазҳабидаги қози Шамсуддин ан-Нобулсий жавоб бериб:— илм даражаси насаб даражасидан юқори бўлиб, бунинг мартабаси холиқ ва махлуқ наздида барча мартабалардан олий,— деди. Паст табақадаги фозил киши юқори табақали жоҳил (киши) дан муқаддам кўйилади. Отаси ёки онасининг (насаби) паст бўлиб, ўзи пок бўлган киши халифаликка шариф насабли кишидан авлороқдир. Бу хусусдаги далил ҳаммага аёндыр; (бу) пайғамбар саҳобаларининг ҳаммалари бир оғиздан Абу Бакрни Алидан муқаддам кўйганлигидир. Улар ҳаммалари Абу Бакрни саҳобалар ичида энг олими, исломда уларга исботтан собит қадам ва улар ичида даставвал иймон келтирган (зот) деб бир фикрда бўлганлар. Бу далолатга пайғамбарнинг: «умматим кўпчилиги янглишмайди»⁸⁰⁹, хитоби исботдыр.

Кейин қози Шамсуддин Темурга кулоқ тутиб, ундан қандай жавоб бўлишлигига интизор ҳолда ўз (устидан) кийимларини еча бошлади. У тугмаларини чиқариб, ўз нафсига: «Ҳаётинг орият (омонат), ўлим хоҳ узоқ, хоҳ яқин бўлишидан қатъи назар муҳаққақ, сен ўлим қадаҳини ичишинг муқаррар. Шаҳид бўлиб ўлшлик ибодатнинг энг афзалидыр ва Аллоҳ ҳузурига боришнинг эътиқод қилувчи киши учун ибодатнинг энг яхши шакли эса жабр қилувчи султон ҳузурда ҳақ сўзни айтишдыр»,— деди.

Темур сўради:— Бу бекас нима қилипти?»

Қози:— «Э жалолатли Мавлоно! Сени аскар тўдаларинг гўё Бани Исроил умматлари каби (кўп) дир. Улардан баъзилари бир бидъат (ўйлаб) топдилар ва ўз мазҳабларида бўлак-бўлак бўлиб бўлиниб кетдилар. Улар ўз динларини бўлиб юбордилару (гўёки) алоҳида гуруҳлар туздилар. Ҳеч шубҳасиз, ҳазратларининг (бу) мажлислари ҳақидаги (хабар) лар нақл қилинади ва бу мажлислардаги баҳслар марваридлари қалбларга кириб (у орқали) ақлларга тизилади. Агар бу сўзларнинг мен-

дан чиққанлиги исботланиб, сунний бўлмаган бирон киши (бу сўзларни) эътиборга олса, айниқса Алини дўст тутувчилардан биров эшитса-ю, ўз муртадлигида Абу Бакрга рофизий деб от қўйган киши бўлса, у менинг асл эътиқодимни аниқ билса ва менинг ҳомий ва кўмакчим йўқлигини (ҳам) билса, албатта у мени очик-ойдин ўлдириб, куппа-кундуз куни қонимни оқизади. Агар (иш) шу тариқа бўлса, унда мен бундай бахту саодатга ҳозирланаман ва қисмат ҳукмларини шаҳодат билан адо этаман».

Темур:—«Во ажабо, у қандай фасоҳатли (киши), сўзда қанчалик шижоатли ва довюрак»,— деди. Кейин у ўтирганларга назар ташлаб:—«Бундан кейин у менинг ҳузуримга (сира) кирмасин»— деди.

БУЛИМ

Бу одам, яъни Абдулжаббор Темурнинг имоми ва олими ҳамда мусулмонлар қони (денгизи) да шўнғидиганлар ичида унинг пешво (киши) си эди⁸¹⁰. У олим, фозил тадқиқотчи, фикҳнинг асосий қондаларини яхши биладиган қонуншунос мунозарачи ва тадқиқотчи эди. Унинг отаси ан-Нуъмон Самарқандда бўлиб у «Фуруъ» илмида ўз замонининг буюк алломаларидан эдики, ҳатто⁸¹¹ уни Нуъмон иккинчи⁸¹² деб (ҳам) атардилар. У охиратда рунят (худо дийдорини кўришлик) йўқ деб сўзловчилардан эди. Шу сабабли ҳам тангри-таоло гўё бу дунёдаги мулоҳазасига ўхшатиб, унинг кўзини ҳам кўр қилган эди. Мовароуннаҳрдаги кўпчилик унга замондош уламолар фуруъ (илмлари) ни унда ўқиганлар ва шаръий масалаларни ҳал этишда ундан нақл қилганлар.

Фуруъ юзасидан аҳли сунна билан аҳли муътазилит ўртасида хилоф йўқ; фақатгина улар ўртасида диннинг асосий қондаларидаги бирмунча масалаларда ихтилофлар борки, уларни талқин қилишда нотўғри йўл тутадилар.

БУЛИМ

Шом аҳлидан мол-дунёларини йиғиб олиш учун ҳар бир⁸¹³ зулмкор, ўзбошимча, диёнатсизу ғализ, муҳтожу ҳожатманд кишилар мутасаддий бўлдиларки, улар Садақа ибн ал-Хоний⁸¹⁴, Ибн ал-Муҳаддис, «Суммақа»⁸¹⁵

деб лақаб олган Абдумалик ибн ат-Такритий ва бошқаларга ўхшаш зулм ва туғён аҳллари эдилар. Бу (иш) зикри ўтган шаҳар улуғлари аъёнлари ва шаҳарда яшовчилар бошлиқларининг иштирокида, шунингдек унинг девон (беги) лари, ҳисобчилари, Темур хазина ишларининг қайд этувчилари ва котибларининг ҳозирлигида бўлиб, таловчилар бир лаҳза бўлса ҳам (бу ишда) сусткашлик кўрсатиб пайсалга солиш мумкин бўлмади. Темур одамларидан Хўжа Масъуд Самноний, мавлоно Умар ва Тожуддин Салмоний бор эди⁸¹⁶. Бу (иш) ларнинг ҳаммаси «Дор уз-Заҳаб»да юз бердики, бу машҳур (бир) жойдир.

Аллоҳдод Боб ус-Сағирдан ичкари — Ибн Машкур уйига қўнди. Кимки ўз қалбида бирон кимсага инсбатан ғазаб, яширин адоват ё кек, ҳасад ё душманлик, ё алам сақлаган бўлса, унга ишорат қилиб «ўз биродарлари» — ҳалиги раҳмсиз золимлар ва қўпол, инддатли посбонларга кўрсатар эди.

Шеър:

Биродарлари мусибатга тушганда, уларни чорлаганда
унинг сўзи (тўғрилиги)га исбот сўрамайдилар,
балки зигирча ишора ва арзимаган ибора билан у

мискиннинг вужуди заминга турли-туман азоб-уқубат тоғларидан баланд қасрлар қурадилар ва унинг жуссаси бўстонлари устига азоб осмонидан момақалдироқлар қўзғатадиган уқубат булути, ўлим ва ҳалокат чақмоғини чақнатадиган яшинлар барпо қиладилар.

БУЛИМ

Шу билан бирга, Темур бу орада қалъани ҳисор этиб, ўз қудрати етгунча қурол-аслаҳа тайёрлай бошлади. У қалъанинг рўпарасига ундан баланд бўладиган бир бино қуришларини буюрдики, унинг аскарлари бу бинонинг устига чиқиб, қалъани вайрон қила олсинлар. Натижанда, улар ёғоч ва ўтинлар тўплаб, устидан тош ва тупроқлар тўкиб уларни майдалаб тўлғиздилар. Бу (бино) шимол⁸¹⁷ ғарб томонидан (қурилган) эди. Кейин жангчилар — (бинони) нг устига кўтарилдилар ва қалъадагиларга томон қилич зарбасию найза таънаси билан ташландилар. Қалъа ҳисори ишини Темур ўзининг улуғ амрларидан бири Жаҳоншоҳ деб аталувчи амири зим-

масига юклади. Натижада, Жаҳоншоҳ бу ишга кафил бўлиб, унинг билан машғул бўлди. У қалъа қаршисига манжаниқлар ўрнатди ва унинг остидан лаҳимлар қазиб, деворларга илгаклар ташлади. Қалъада озроқ киши бўлиб, уларнинг энг афзали Шиҳобуддин аз-Зардкаш ад-Димашқий ва Шиҳобуддин аз-Зардкаш ал-Ҳалабий эдилар. Улар иккаласи Темур аскарларини ҳалок этишда яхшигина шиддат кўрсатдилар ва ҳар қачон Темур қўшини улар томон юз қўйиб дуч келса, улар учун шу иккиси мусибатли вабо ва ўлим (мисоли) эди. Шундай қилиб, бу иккиси оловда куйдириш, тўплар яшини ва чақмоғи билан Темур аскарларидан санаб бўлмайдиган, ҳисобкитоб доирасидан хориж сонни ҳалок қилдилар. Лекин вайронгарчилик денгизидан тўлиб-тошган сел қалъани қуршаб, унинг мерганлари булутларидан чиққан ўқлар ёмғири ёрилганда, момақалдироқ ва яшин ўртасида (қалъанинг) устига Темур жангчилари ёпирилганда қалъа аҳли устига азоб-уқубат юқорию пастдан, ўнгу сўлдан кела бошладики, жанг қилиш ва қаршилиқ кўрсатишдан қалъа жангчиларининг қўллари чарчади. Улар Темурдан омонлик тилаб, ҳеч бир иккиланмасдан қалъадан тушдилар. Ушбу мудҳиш ишлар ва ажиб тақдир қазоси рабий ул — охир ойининг охирларида (17 декабрь, 1400 й.) биринчи ва иккинчи жумоди ва ражаб (март 1401) ойларида (бўлган) эди⁸¹⁶.

Лекин Темур қалъадан ўз муродига фақатгина қирқ уч кунлик⁸¹⁹ ҳисордан кейингина эришишга муяссар бўлди. Шу муддат асносида Темур фозиллар, косиблар, хунармандлар ва фазилат эгалари талабида бўлди. Ҳарирпурушлар Темур учун ипак ва тиллодан бир қаботикдиларки, унинг биронта ҳам дарзи (чоки) йўқ бўлиб, у ажиб бир нарса эди. Боб ус-Сағир мақбараларида Темур пайғамбар — тангрининг унга раҳмати ва саломи бўлсин — хотинларининг сағанаси устига бир-бирига ёндош иккита қубба қурдирди⁸²⁰. У (Темур) занги (қора) қулларни жаъмлашни амр қилиб, ўзгалардан кўра уларни тўплашга иноят кўрсатиб, уларни афзал кўрди.

ҲИЙЛАКОР ОДАМЛАРДАН БИРИНИНГ ЎЗИГА ШИДДАТ КЕЛИШИДАН ХАВФЛАНИБ ҚИЛГАН ИШИ ВА УНИНГ ЎЗ НАФИС (БОЙЛИК) ЛАРИ ЁРДАМИДА БОШҚА ОДАМЛАР ЖОНЛАРИЮ ҚОНЛАРИНИ САҚЛАГАНИ БАЕНИ

Сафадда шаҳар аҳлидан бир савдогар киши бўлиб, у бошлиқлар ва тижорат аҳлидан эди. У Алоуддин деб аталиб, унга даводор деб нисбат берилганди. Афғидан, у илгари Султонга (бирқадар) хизмат кўрсатган бўлиб, у уни ўша жой (Сафад) ҳожиблигига таъйин қилганди. Қачонки ноиблар Ҳалабга равона бўлгач — одатда ноиб ғойиблигида шаҳарда унинг ўрнинга ҳожиб ноиблик қиларди — Сафад ноиб Алтунбуго ал-Усмоний ўрнинга ҳожиб Алоуддин Даводорий ноибликда қолди. Кейинчалик бу тўфон (Темур) асоратига барча ноиблар гарқ бўлдиларки, шулар жумласидан ал-Усмоний ва Ибн Таҳҳон ҳам бор эди. Улардан ўлганлари ўлди, қочганлари қочиб кетди. Алтунбуго ва Умар эса асарлик исканжасида давом этдилар.

Қачонки Темур Шомга келиб, унинг томонидан бу мамлакатда, гўё ярамас қозилар дастидан етимлар молларига нисбатан етадиган ҳолат содир бўлгач, ҳар бир ҳоким ўз юртида ижтиҳоди етказган ишни қилнишга киришди. Натнжада, баъзилар ўз қароргоҳини мустақкамлади, баъзилар пистирмаларини маҳкамлади, бир тоифа Темур билан урушишга тайёрланди, бошқа бир гуруҳ қочнишга ҳозирланди, бир хяллари (бу аҳволга) кўникиб, уларга аралашдилар, совга-салом, олдн-берди қилиб, битим туздилар. Зикр қилинган Алоуддин мулоҳаза қилиб ҳар хил гумону тахмин тузди ва ўз соҳибнию шаҳарини қутқазиб қолиш борасида фикр юритиб, обдон ўйлади. У (омилкор) одам болаларидан бўлиб, фириб ва тadbирдан бохабар киши эди. Бу масалада ҳам у нишонга (беҳато) тегизувчи ақлидан маслаҳат сўраб, уни «гапга» солди. Ақли айтдики:— «Ўзингда бор (бўлган) мол-дунё воситасида Темур билан келишигин ва қочниш йўлини тарк этиб, у (мол-дунё) ларин сарф қилгин». Ақли унга шундай деган вақтида у ёлгон маслаҳат бермади, чунки у унга айтганди: «Шараф йўлидаги ҳар бир мураса унинг учун парда ва садақадир». Алоуддин беҳисоб мол-дунёга эга бўлиб, у:— «Сариқ динорлару оппоқ дирҳамларни мен фақат қора кунлар учун йиққан-

ман», — деди. Натижада, у Темурнинг ҳожатмандлиги (пайти) ни пойлади ва ширинсухан, гўзал муомала билан уни ўзига ром қилишни истади. Бу ишнинг иложига у гўё (моҳир) табиб беморнинг давосига илож топгандек иш тутди. У сулҳга ва шеър айтиш ҳолига эмас, ғамғинлик ҳолига шошилди⁸²¹. Ўзининг беҳисоб ва мўлкўл мол-дунёсидан Алоуддин Темурга хилма-хил тўхфалар юбориб, унинг хотирини ўзига мойил қилди ва (унинг) фармонларига қулоқ тутди. Кейин у бунинг кетидан ундан ҳам икки ҳисса кўп (ҳадялар) юбориб, улар оғирлиги билан совғалар қадди-қоматини букди. Алоуддиннинг бу қилган иши учун Темур унга ташаккур изҳор этди ва бу (совға-салом) лар унинг назарда Алоуддин мартабаси ва рифъатини зиёда этди. У Алоуддинга омонлик тўғрисида ва унинг шаҳар аҳлига илтифотли ва хушмуомала бўлишини тавсия қилиб, фармон юборди; у уларнинг қўрқувини тарқатсин ва хатари камайиб, даҳшати кетиши учун ўша мамлакатда яшовчи турли жинслар ва турли касб эгаларининг (қалбларини) таскин топтирсин (деб фармон юборди). Шундай бўлсинки, (одамлар) бир-бирлари билан олди-сотди қилиб, Темур аскарлари билан (бемалол) муомала қилаверсинлар. Агарки (Темур) аскарларидан бирортаси — гарчи у Темурнинг биродари ва авлодларидан бўлса ҳам — (ерли халқ устидан) ноҳақлик кўрсатса, Алоуддин унга бу ишни ман қилиб қайтарсин ва уни калтаклатиб, халойиқ ўртасида жорий қилсин. (Шундай қилиб) Темур Алоуддиндан хоҳлаган нарсасини талаб қилар, у эса Темур сўрагандан ҳам зиёда қилиб ўринларди. Ҳар сафар Темур ундан кўпроқ пул ва нарсалар талаб қилса, Алоуддин шунчалик хурсанд бўлиб, шодланар эди. Бу қийин аҳвол (шароити) да Темур Алоуддиндан талаб қилганлар жумласидан (бир қадар) оқ пиёз юбориш ҳам бор эдики, (бу) Сафад у ёқда турсин, балки бутун Шомда оқ пиёзнинг топилмаслиги сабабидан эди. Алоуддин ўша заҳотиёқ шу пиёздан уч той топдириб, шундайлигича ҳаммасини Темурга жўнатадики, бу (иш) тангрининг марҳаматидан бўлган эди. Ниҳоят, Темур Алоуддинга меҳр қўйиб қолиб, унинг ўз яқинида бўлишини ихтиёр этди ва у тўғрисида мен ушбу шеърда айтган мазмундаги гапни айтди:

Э инсон: сен ўз вақтида келишдинг.

Бойлигингни фидо этиб ўзингни ҳимоя қилдинг.

Агар Шомда сендек яна бир киши бўлса эди,
У (Шом) бунчалик ёмонликка гирифтор бўлмасди.

Темур аскарлари тонфалари Сафад аҳлига қараб йўл олиб, улар билан олди-сотди муомаласига киришдилар ва улар ўртасидаги садоқат иллари токи Темур ўз чодирини бузиб, Дамашқдан кетмагунча давом этаверди. Қачонки Шом устидан унинг зиёнли булутлари тарқаб кетиб, жўнаш майдонида унинг сайри чилвири чўзилгач, ушбу қаҳрли шерга томон унинг кетидан Алоуддин ад-Даводорий бағоят қиммат-баҳо тухфалар, шоҳона совғалар, шунингдек бир арз билан келдики, унинг мазмуни равшан, маънисини ажойиб, иборалари бўйсунуш ва итоатдан сўзловчи, унда шундай мулоим сўзлар битилган эдики, булардан бадаллар титраб, темир ва метиндек тошар юмшар, удда⁸²² сув оққандек қуруқ бадалларда (майин) оқарди. Алоуддин бу арз жараёнида ал-Усманий ва Ибн Таҳҳон иши ҳақида Темур марҳаматини, улар тутқунлиги пешонасидаги сочини ҳуррият ва мурувват қайчиси билан қирқишни, ўз қудратига шукрона тариқасида улар (иккови) ни афв қилишини, улар устида ўз марҳамати денгизларидан бир қатра ёғдиришни сўради. Темурнинг асири деган нисбатга улар арзимаслиги, чунки ер-дунё подшоҳлари унинг паноҳи остида болалардек бўлишни орзу қилишлари, Темурнинг олийжаноб раъйи (ҳамма нарсадан) олий, унинг фармонларига амал қилиш энг авло (иш)лиги баён қилинган эди.

Қачонки Темур ушбу арз мазмунидан воқиф бўлиб, уни (ишни) нимадан бошлаб, нима билан тугатганини фаҳмлагач, унинг тухфаю ҳадяларини кўргач ва дастлаб унинг ўзига қандай хизматлар кўрсатиб, қўл чўзганини тафаккур қилгач — дарҳақиқат, хайр асар қолдиради ва бу (хайр) ни бошлаган киши энг карамли киши; ёмонлик бўлса доимий кулфату бу қабиҳ ишни бошловчи киши энг катта золимдир, — мен дедим, шеър:

Агар сен хайр-эҳсон қилган бўлсанг яхши мукофот кут,
ёмонлик қилмаган бўлсанг, ёмонликдан қўрқма.

Яна биров айтган, шеър:

Кимки хайр иш қилса, у мукофотсиз қолмайди,

Худо билан халқ ўртасида танилган нарса (бекор) кетмайди. }

Гарчи қалби темирдек (қаттиқ) бўлса ҳам Темур юмшаб, ишқал бўлган қийин иш осонлашди. Натижада, Темур у иккисини ўз ҳузурига чақириб мартабасини улуглаб, уларга эҳсон кўрсатди ва Алоуддиннинг уларга шафоат (сўраган) ини уларга билдирди. Кейин Темур ҳеч бир зиёну зарар етмаслигидан тинчитиб, уларга учта от — иккита ал-Усманийга ва битта Умар ибн ат-Таҳҳонга — тортиқ қилди. Сўнгра ўз томонидан уларни хатарсиз жойга олиб бориб қўядиган кишилар қўшди. Уларнинг ҳар бири ўз иззати уйига етиб унис Сафадда, буниси эса Ғаззасида қарор топди⁸²³.

БУЛИМ

Қачонки Темур қалъани (батамом) эгаллашга муваффақ бўлгач, у ўз ишларини тахт қилиб, қайтишга продат қилди. Хилма-хил азоб-уқубатлар, турли-туман итоблар билан Темур қалъадан ўзи хоҳлаган нафис молларнию бойликларини (чиқариб) олган эди.

(МИСР ҚУШИНЛАРИ) ТЕМУРДАН ҚОЧГАНЛАРИДАН КЕЙИН БАЙСАҚ ОРҚАЛИ ТЕМУРГА ЮБОРИЛГАН МАКТУБ МАЪНИСИНING БАЕНИ

Айтилшича, султон Темурдан қочиб кетаётиб унга бир мактуб юборганки, у Темурнинг газабини кўзгатган. Мана шу (сўз) лар ўша мактуб маъно ва мазмунидан: «Бизларни ўзингдан қўрқиб қочди деб ҳисоблама. Балки мамлукларимиздан баъзиси журъат қилиб, бошини итоат ҳалқасидан чиқариб, ҳар бир хуруж қилган (киши) нинг мартабаси кўтарилади деб тасаввур қилди⁸²⁴ ва юқори кўтарилиш учун нарвон орқали (секин-секин) кўтарилган кишидан ибрат олмади. Бу билан у ҳам сенинг каби фасод келтиришни, тангри бандаларию мамлакатларини ҳалок этишни истади. Афсуски, унинг мақсадига (етишдан) Харт ул-қатод осонроқдир. Олийжаноб киши, агар жисмида иккита касал бирданга пайдо бўлса, даставвал улардан энг хатарлисини даъволайди. Сенинг ишингни (масалангни) биз бу икки хатарли ишнинг энг осони ва (энг) арзимаси деб билдик. Шу сабабли бизнинг шарафли азимиз ўз жиловини у адабсизнинг қулоқларини тортиб қўйишга ва унинг

итоати назми вазнини тўғрилашга бурди. Азбаройи худо биз албатта ғазабли шер ҳужуми каби сенга ҳужум қилиб, нафрат булоғидан ўз ташна найзаларимизни ўзинг ва аскаринг қони билан қондириб суғорамиз. Сизларни ўт ўргандек ўрамиз ва пичанни янчиб поймол қилгандек поймол қиламиз. Қаттиқ найза таънаси ва шиддатли зарбани татишингиз билан, албатта, уруш те-гирмони ун чиқаргандек сизни ҳар томонга чиқаради. Албатта биз сизга халос йўлини торайтирамизки, «қочиш пайтида фурсат тилаб нидо қиласиз»⁸²⁵. Мактубда яна шу каби бемаъни гаплар, шулар мисоли беҳуда сўзлар бор эдики, улар гўё ярага сепилган тузу жон чиқадиган пайтдаги елга ўхшарди. Агар бу бефойда сўз ва қулоқ (уни) эшитишни истамайдиган бемаъни хитоб бадалига Темурнинг қалбини мойил қиладиган, унинг ғазаби олови алангасини ўчирадиган сўзлар бўлиб, унча-мушча ҳадя ва совғалар тортиқ қилиниб, ўз ҳаракатини узр ва надомат тарзида баён қилганда эди, эҳтимол Темур ғазабинини синдирган, унинг қаҳрини қайтарган ва ҳовурини пасайтирган бўлар эди. Лекин улар шундай кечиримни Темур Дамашқни ёндириб, Басрани хароб қилганидан кейин сўрадилар, тўяқушлар ва жирафлар билан биргалликда хизматкор ва ҳадялар юбордилар. Аммо тадорик ожиз қолиб, фурсат ўтган эди. Улар (мисрликлар) ушбу айтилгандек бўлдилар. Мисра:

Кулфат тушганда жоҳил киши оқил киши қилган (иш)ни қилур, лекин шарманда бўлганидан кейин.

Шунингдек, яна ушбу мисра айтилган:

«У (аёл) висол фойда бермас пайтда висол эҳсон қилди».

БУЛИМ

Байсақ (бу ҳақда) зикр қилиб (шундай) деди:

— «Қачонки мен Темур ҳузурига кириб, унга мактубни топшириб, мактун ўқилгач, Темур менга деди:— Ҳақни сўзла! Исминг нима?— Байсақ,— деб жавоб бердим.— Бу хунук сўз қандай маънони англатади?— сўради Темур.

— Э, Мавлоно! Мен (буни) билмайман,— дедим унга. Темур менга:— Сен ҳали ўз исминг маъносини бил-

майсану, э ярама!,— қандай қилиб мактуб келтиришга ярайсан? Агар подшоҳларнинг элчиларга озор етказмаслик одатлари бўлмаса эди — улар шу қонидани (азалдан) ўрнатганлар ва шу йўлдан юрганлар,— ўша султонлар изларидан юрадиган ва у ўтган подшоҳлар суннатларини барҳаёт қиладиганларнинг энг авлоси (мен) бўламан — албатта мен сенинг ҳақингга муносиб ишни қилардим ва ўзинг лойиқ бўлган аҳволга сени етказардим. Ана шу (гап) лардан кейин сенда гуноҳ йўқ, балки гуноҳ сенга бу ишни топширган киши устидадир; аммо унинг ҳам айби йўқ, чунки (унинг) илмининг бориб етган нуқтаси ва ақл-фаҳмининг чўгараси ана шу»,— деди. Байсақнинг (бу) зарарли феъли билан ушбу айтилган (мисра) маъноси зоҳир бўлган эди:

Бирок ишга элчи юбормоқчи бўлсанг уни танла,
чунки инсонлар фикрининг бор-йўғи элчилардир.

Кейин Темур менга: «Қалъангизга,— ўз иззату қудрат маконингга боргин»,— деди. Мен қалъага борсам унинг вайрон бўлганини, иморатларини ҳарамлари хўрлаб-ҳақоратлангани аломатларини кўрдим. Қайтиб Темурга келиб, кўрганларимни айтдим. Темур:—«Сени юборган кимса у билан яхши муомала қилишимга арзимайди ва менинг (унга) мактуб юборишимга лойиқ эмасдир. Аммо унга айтгинки, маана мен сенинг изингдан унга томон етиб бораман ва (мана) менинг шерларим чапгаллари сенинг этагингга ёпишган (дай). У қочиш учун ёки (жойида) қарор топиши учун этагини шимарсин. Булар (қочиш ёки туриш) дан қай бирини ихтиёр этса, шунга лойиқ имкони борича «куч-қуввату отлиқ аскарлар тайёрласин»⁸²⁶,— деди.

Кейин у буюргач, мени (унинг ҳузуридан) олиб чиқдилар ва мен Миср томон йўлга тушиб, қайтарилиб юборилишимга сира ишонмасдим»⁸²⁷.

БҮЛИМ

Қачонки Темур таъма халтасию кўзасини нафис моллардан тўлдириб, (Шом) елинларидан оз-оздан соф ва лойқа сутларни соғиб олиб, уни ўз пахтасидан сузиб тиндиргач, ўша улуғ аъёнларни⁸²⁸ азоблашга буюрди. Натижада, уларни сув ва туз билан азоблаб, кул ва оҳак

ичирдилар; олов билан доғлаб, гўё зайтун (ёғи) ни тахтакач сиқиб чиқариб олгандек улардан яширин молдунёларни чиқариб олдилар. Кейин Темур ўз аскарларига оммавий талаш, тамомий тутқун қилиш, савалаш, қатл этиш ва куйдириш ҳамда муҳлатсиз асорат бандига солишга изн берди. Шунда ўша кофиру фожирлар улар устига ғоятда шиддат билан ташланиб, азоб-уқубат, таҳқирлаш ва харобаликлар одамлар устига гўё юлдузлар (учиб) тушгандек тушдилар. Улар қўзғалиб жавлон урган ҳолда одамларни ўлдириб таладилар ва йиртқич бўрилар совлиқ қўйларга ташлагандек, мусулмонлар ва зиммийлар устига савлат тўкиб ташландилар; улар қилиш лойиқ (бўлмаган), зикру нақли маъқул бўлмаган (иш) ларни қилдилар. Улар пардадаги хотинларни асир қилиб, мастуралар ёпқичларини очдилар, қасрлар фалакларидан пардадор қуёшларнию нозу қарашма осмонидан тўлин шамол (соҳибжамоллар) ойларини туширдилар. Улар улуглар ва кичикларни турли-туман азоблар билан қийнадилар ва халқ бошига ҳисобсиз итобсалар келтирдилар. Одамлар руҳлари жавоҳирларини ўтда куйдириб, улардан холис тиллолар ажратиб олдилар ва турли хил азоб-уқубатлар билан кишилардан нафис молларни олишда улар хилма-хил масалалар ижод этдиларки, улардан ажабда қолинади. Улар онани боладан, жонни тападан айирдиларки, (бола) «эмизган аёл ўз эмизагини эсдан чиқарди»⁸²⁹. Улар, бир иш қилган бўлсин, қилмаган бўлсин, ҳар кимга ўз улушини бердилар. Киши «ўз биродаридан, онасидан, отасидан, хотинидан ва болаларидан»⁸³⁰ қочди, чунки «ўша кун уларнинг ҳар бирида шундай бир ҳолат бўлдики, у бошқа нарсаинг ғамини ейишни унутди»⁸³¹. Азиз ва карим (киши) ҳер бўлиб, улуғ ва катта (ишлар) арзимаган туюлди, бало тамомий ва қазо (барчага) умумий бўлди, ақллар ҳайратда қолиб, фаҳму идроклар ўзини йўқотиб қўйди, ташвишу тараддудлар булутларни устма-уст уюлди. Тангри номи билан қасам ичманки, чиндан ҳам ўша кунлар қиёмат кун иломотларидан бўлиб, бу дам қиёмат шартларидан бир кўриниш бўлди. Мана шу оммавий талон-торож уч кунга яқин давом этди.

(ДАМАШҚ) ИЗЛАРИНИ УЧИРИШ УЧУН УЛАРНИНГ ШАҲАРГА УТ ҚУЙИШЛАРИ БАЕНИ

Кейин улар зиён-заҳмат ва бузгунчиликни ниҳоясига етказиб, ўзларининг фасодлари ҳақида тафасни бажо қилдилар⁸³² ва ҳажларини фисқ, хусумат ва таҳқирлаш билан тамомладилар. Улар тавоф⁸³³ амалини ижро этиб, мамнуъ нарсаларга саъй⁸³⁴ қилдилар, уйларга ўт қўйиб, қалбларга чўғлар ташладилар ва ҳисорга тушган мусулмонлар қонларини ҳаддан ортиқ тўқдилар ва куйдириш майдонларида чолиб, шаҳарнинг муқаддас жойига олов ёлқинини юбордилар. Темур қўшинлари орасида Хуросон рофизийларидан бор эди. Улар Бани Умайя жомеъсига ўт қўйиб юбордиларки, олов ўз алангаси билан жомеъни қамраб олиб, шамол ўз елиши билан алангага ёрдам берди. Енгин ва шамол бино осорларини маҳв этишда бир-бирини қувлади. Тангри — таолонинг изни билан бу (аҳвол) кеча-кундуз давом этди. Натижада, боқий қимматбаҳо нарсалар ва одамлар ёнди. Шаҳар вужуди лавҳасига ёзилган ёзувлар олов тили билан маҳв қилинди. «Бу маконларда на бир овоз»⁸³⁵, на бир шивирлаш саси эшитилмайдиган бўлиб қолди. Шаҳар худди ҳосили ўриб олинган қуруқ «далага айландики, гўёки у кеча ҳам бой бўлмаган эди»⁸³⁶. Бу (ҳол) улар мол-дунёлардан олганларини зоҳир қилиб, зокларни (уловларига) ортганларидан кейин юз берган эди.

УШБУ ҚУЛФАТЛАРНИНГ ҚУПОРИЛИШИ ВА ГУНОҲУ УВОЛЛАРНИ ОРҚАЛАБ, УШБУ БАЛО ВА ФАЛОКАТЛАР БУЛУТЛАРИ (ТЕМУР)НИНГ ШОМ ЕРЛАРИДАН ТАРҚАБ КЕТИШИ

Кейин Темур жўнаб, шаъбон (ойи) нинг учинчиси (19 март, 1401), шанба кунда ўзининг тўхтовсиз ёғаётган ёмғири балосини бошлаб кетди, Улар қимматбаҳо мол-дунёлардан тоқатларидан ҳам ортиқча олиб, қудрат кучлари ожизлик қиладиган даражада кўтарган эдилар. Натижада, у (мол-дунё) ларни йўл-йўлакай оғир довларда ва манзилларда қолдириб, ўнқир-чўнқир машаққатли йўлларда оз-оздан ташлаб кета бошладилар.

Бу, юкларнинг кўплигию юк кўтарувчи уловларнинг камлигидан эди. Чўлу биёбонлар ва даштлар, тоғлар ва саҳролар матолар ва газламалар (кўплиги) дан даҳшат бозорларига ўхшардики, гўё ер ўз ҳазиналарини очиб, яширин кон ва бойликларини зоҳир қилган эди. Мен бодоҳатан дедим:

Баланд тоғ чўққилари ва саҳролар устида улар ёзувликлари тили пидо қиларди:
Азият бир хусусиятки, биз уни билдик,
у (азият) бузуқ одатки, биз унга ўргандик,
Биз уни ўз подшоҳимизу унинг тутган йўлидан қабул қилдик.
Биз мусулмонлар мол-дунёларини талаб уларни (ўзимизники қилиб) сақладик.
у мол-дунёни ўз ўринларида ишлатмадик, лекин «биз у қавм зийнатидан (имконимиздан) кўп юкларни кўтардик»⁸³⁷,
натижада (биз уларни йўл йўлакай) қолдириб кетдик.

Шу билан бирга, агар Дамашқ нафисликларидан олинган (нарса) лардан икки ҳисса зиёд (нарса) олинганда ҳам ва унинг ғоятда қимматбаҳо бойликлари жигарларидан у қирқиб олинганидан минг марта ортиқ олинса ҳам, унинг баракатига зарар келтирмас ва унинг (бойликлари) денгизлари манбасини камайтирмас эди. Лекин ҳайратга солган ёнгин балоси ниҳояси йўқ мусибат бўлди. Чунки ҳеч бир ёрдам бўлмаганидан олов шаҳар ичида бўлган (киши)ларнинг аксариятини куйдириб юборди; иморатлар, газламалар-матолар ва асбоб-анжомлар ҳақида нима деб гумон қиласан. Шаҳар ичида ўлганларнинг гўштини сўйишга кучуклар ўрганди. Бани Умайя жомеъсига киришга бирон киши ҳам журъат қила олмади⁸³⁸.

БУ ХАБАРЛАР ЭШИТИЛИБ, УШБУ ДАҲШАТ ВА ХАТАРЛАРНИ АНИҚ БИЛГАЧ МИСР ВА БОШҚА УЛКАЛАРДА ЮЗ БЕРГАН ИШЛАР БАЁНИ

Аmmo Миср ва ундан бошқа ерлар (халқи) саросимага тушдилар, уларнинг қувватлари бўшашиб, қўллари боғланди, улар беқарор бўлиб, қочишга тайёрландилар. Бу ҳайрона, мастона — «қолбуки улар маст эмасдилар»⁸³⁹ одамларни бир кўрсанг эди! Уларнинг баданлари

титраган, қалблари безиллаган, овозлари сўнган, кўзлари бўзарган, лаблари қовжираган, суратлари ачинарли, юзлари ғамгин эдики, «хўрловчи бирон кулфат билан таъсирланган (деб) гумон қиласан»⁸⁴⁰. Шаҳарларнинг барча аҳолиси ва тоғу текисликларда яшовчилардан ҳар бири (жўнашга) тайёр бўлиб, келадиган аниқ хабарларга қулоқларини тутиб, ҳаракат ё сукунга боғлиқ бўлган ўз мўлжалларини тузардилар. Темур эса ўзига қонун ва хатти-ҳаракат қилиб олган туғён изига қайтиб, ўзининг эгри йўлига киришган эди. Унинг қўшинлари (бутун) уфқлару томонларни тўсган, ҳайбати эса (барча) теварак-атрофларни қамраган эди.

ДАМАШҚ АЪЕНЛАРИДАН ҚАЗО УҚИГА УЧРАГАНЛАР ВА ТЕМУР АСРИ ЧАНГАЛИГА ТУШГАНЛАР БАЕНИ

Темур, Шом аъёнларидан ва бу мамлакатнинг машҳур кишиларидан қозилар қозиси Муҳиддин Ибн ал-Изз ҳанафийни⁸⁴¹, — аввал уни турли-туман азоб-уқубатларга дучор қилиб, доғлаганларидан туз ва сув билан (қондириб) суғориб, оҳак ва ўтда қовурганларидан кейин, шунингдек, унинг ўғли қозилар қозиси Шиҳобуддин Абу-л-Аббосни (ўзи билан бирга) олди. Ота-бола Табризга келиб, бу ерда шиддат ва кулфатда бирмунча муддат ўтказдилар. Кейин улар Шомга қайтиб, ишлари (бирқадар) тартибга туша бошлади. Шунингдек, (Темур асоратига тушганлардан) қозилар қозиси Шамсуддин ан-Нобулисий ҳанбалий, қозилар қозиси Садруддин ал-Муновий шофий — у аз-Зоб⁸⁴² дарёсига ғарқ бўлиб, туҳфадор тангри раҳматига вафот этди⁸⁴³ — ва мўътабар аш-Шаҳиднинг ўғли Шиҳобуддин Аҳмад, қайсики, уни (аввалига) азобга солиб, итобга тортишини истаганларидан кейин у ўз елкасига вазирлик юкларини кўтариб олган эди. У ўзига алоқадор одамларни узоқ жойларга жўнатиб, ёлғиз ўзи Дамашқда қолганди. У уларга (Темур одамларига) ўз ҳикоятини сўзлаб, ўзида мавжуд (бойлиги) ни бекитишда барча имконини сарфлади. Улар уни ҳуфя тутиб, яширин (нарса) ларини олиб, унинг ўзига азоб бермадилар, лекин хўрлаш ва камситиш билан уни ўз суҳбатларига олдилар. Сўнгра у Самарқандга келиб, замон қисматларидан ғурбатлик, фақирлик ва аламзадаликлардан (иборат) хилма-хил кулфатларни

бошидан кечирди. Кейин у Дамашққа қайтиб, бу ерда тангри таолонинг раҳматига вафот топди. (Дамашқдан олинган) бош амирлардан бири улуғ амир Бутхосдир. У Темур ҳузурида занжирда бўлиб, у (Темур) Фуротга етганида ўлди. Аммо қози Носируддин ибн Аби Таййибни улар турли-туман азобларга солдилар. Унинг бадани озгин ва нозик бўлиб, савдомижоз (қора қонли) эди. Шу сабабли у азобларга бардош бера олмади. Натijaда, Носируддин ўлиб, улар ўзлари истаган азобни етказа олмай «доғда» қолдилар. У (Носируддин) ўлиб, тинчиди ва ўзига келган май қадаҳидан шаҳодат шарбатини ичиб роҳатланди. Кечга яқин уни ал-Карусия мадрасасига дафн қилдилар.

Қачонки Темур оммавий, шафқатсиз талон-тарожга киришганда, янглиш б қозилар қозиси Тақиуддин ибн Муфлаҳ шаҳид қилинди. Бурҳонуддин ибн ал-Куша ўн етти кун бетоб бўлиб, Талл ал-Жубн⁸⁴⁴ маҳалласида (ҳаёт ипи) узилди ва бошқа ўликларга қавм бўлиб қўшилди.

Темур қўшинлари ҳам тирикларга ҳам ўликларга хурж қилиб, бир кишини ҳам ўзини ўликка солиб, ўз қўлларида қутулиб кетишларидан қўрқардилар. Шу сабабдан улар шаҳардаги уйларни бирма-бир текшириб чиқдилар ва тирикларнинг (ташқарига) чиқишларига ўликларнинг кўмилишларига тўсқинлик қилдилар.

Қачонки зикр қилинган (Бурҳонуддин) ўлгач, масала чигаллашди. Унинг (яқинлари) ўликни қандай қилиб дафн қилишга ҳайрон бўлдилар ва бу ишни амалга ошириб, охирига етказишга зўр-базўр эришдилар. Қанчадан-қанча жидду жаҳду кўпдан-кўп уринишлардан кейин унинг жасадини Боб ус-Сағирдан олиб чиқиб, ас-Солиҳияда дафн қилдилар.

Темур билан Шомдан ўз ихтиёри билан Абдумалик ибн ат-Такритий кетди. Сўнгра Темур уни Сайрам⁸⁴⁵ ноибни қилиб тайинлади. Аммо Абдумалик ноибликда кам вақт турди. Сайрам — Сайхун орқасидадир. Ялбуға Мажнун деб аталувчи бошқа бир шахс Темурга яқин (киши) бўлди. Бунга сабаб шуки, у Темурга насиҳат беришда жидду жаҳд кўрсатди ва айтишларича, душманлари ҳақида Темурга хабар етказиб турган. Шу туфайли Темур уни ҳалокат ва хатар жарларидан халос қилиб, бу билан у Темурга яқин муқарриб ва мусоҳиб (доимий) ҳамроҳ бўлиб қолди. Кейин бу йиртқич шер уни Самарқанддан ўн беш кунлик йўлда, Хўжанд дарёси

орқасидаги Янги Талас⁸⁴⁶ деб аталадиган шаҳарга ноибликка тайинлади. У (Янги Талас) ва Сайрам ўртаси тўрт кунчалик (йўлдир). Бу хиёнаткорнинг исми Аҳмад бўлиб, кейин у Ялбуга Мажнун деб лақаб олганди.

Темур Дамашқдан фазилат соҳибларини, турли ҳунар аҳлларини ва қандай бўлмасин, бирон касб эгаси бўлган моҳир касибларни-тўқувчилар тикувчилар, сангтарошлар, дурадгорлар, (темир) қалпоқ ясовчилар, отбоқарлар (мол табиблари), чодир ясовчилар, наққошлар, ёй ясовчилар, лочиндорлар — бир сўз билан айтганда қандай ҳунар аҳли бўлса (бирга) олиб кетди. Зикр қилиб ўтилганидек, у қора (танли) ларни ҳам тўплади. Ушбу тонфаларни Темур (ўз) қўшин бошлиқларига тақсимлаб бериб, уларни Самарқандга етказишларини буюрди.

Темур (Шомда) табобат бошлиғи Жамолуддинни ва Шиҳобуддин Аҳмад аз-Зардкашни ўзи билан бирга олди. Ўзи айтганидек, у (Шиҳобуддин) қалъада (турар) эди. У Темур аскардан сонсиз-саноқсиз ва кўплигидан ҳисоб-китобининг чегараси йўқ халқни қирган эди. Унинг ёши тўқсон атрофида бўлиб, (қалди) букилиб қолганди. Темур Шиҳобуддинни кўргач, қаҳру-ғазаб билан қарши олиб, унга:—«Сен менинг тобеларимни ҳалок этиб, хизматкорларимни тошбўрон қилдинг ва ҳошияларимни ўлдирдинг. Агар мен сени бир зарба билан ўлдирсам, бу менинг касалимга шифо бўлмайди ва қасосим ташналигини қондирмайди. Лекин мен ёшинг улғайганига қарамасдан сенга азоб бераман, касирнинг устига касир, заифлигинг устига заифлик қўшаман». Сўнгра у Шиҳобуддинни икки тиззасидан юқорисига Дамашқ мезони билан етти ярим ратл⁸⁴⁷ келадиган вазнда занжир солиб, бу билан уни қаттиқ жазолашни кўзлади, Шиҳобуддин занжирбандига «умрбод абадий» деб ёзилган бўлиб, у токи Темур ўлиб, ёмонликлар кўтарилмагунча шу кишанда давом этди. Кейин ушбу тутқун занжирбанддан халос бўлди, сўнгра у тангри-таолонинг раҳмати томон вафот топди.

Эҳтимол, Темур мен билмаган фазилат аҳлларидан, олийжаноб аёнлардан, саййидлардан олиб кетгандир, қандай қилиб (билмагандан кейин) мен уларни тавсиф қилай?

Шунингдек, унинг амирларидан ҳар бири ва бошлиқларидан ҳар қайсиси ҳам фақиҳлар, уламолар, қуръон ҳофизлари, фозиллар, ҳунар ва касб аҳллари, қуллар,

хотинлар, ёш болалар ва қизлардан ҳисобига етиб бўлмайдиган даражада ва ҳеч бир кимса бу тугунни ечиб ҳал қилаолмайдиган миқдорда олиб кетдилар.

Шунингдек, Темур аскардан ҳар бири ҳам каттаю кичикни тутиб, ўзига асир қилиб олди. Чунки ўшанда бирон нарсани талаган ёки (бирон нарсани) ўзлаштирган кишининг ҳеч бир гуноҳи йўқ эди, кимки бир нарсга аввал қўлини чўзса, у ўшаники эди. Қачонки оммавий талон-тарожга рухсат жиловни бўшатиладигани шундай бўлиб, (бунда) Темур аскардан хосу авом тенг (ҳуқуқда) эди — гарчи таловчи киши Темурга асир тушган ёки унинг аскарига келиб қолган ёки (унинг) одамларига мансуб бўлмаган кишилар бўлса ҳам (тенг эди). Лекин у кимсага ушбу (талаш) га шундагина рухсат берилардики, қачонки у улар сийратларидан юриб, (улар) хусусиятлари билан хулқ юритса, шундагина ҳукм (тартиб) лари унга берилар ва уларга ўхшаб унга ҳам ўша атолар насиб бўларди. Аммо (талашга) ижозатдан олдин эса, агар биров бировга зулм қилса, — ҳаттоки, у Темурга ота ёки бола ўрнида бўлса ҳам — ёки заррача бўлса ҳам ноҳақлик кўрсатса, ёки наҳбу-ғорат тўғрисида сўз очса, зинҳор унинг мул-мулкию қони (беҳудага) оқизилар, унинг ҳурмати ва ҳарами таҳқир қилинар эди. На надомат, на шафоат (тилаш) унга нажот келтирмас, аҳли ва хизматкорлари унга наф қилмасди ва бирон кимса томонидан «у билмасдан шундай (иш) қилиб қўйибди», — дейилмасди. Бу, гўёки бузилмас (қатъий) бир қондаю емирилмас — (мустаҳкам) бир бино эди.

ТЕМУРДАН КЕЙИН ЧИГИРТКА КЕЛТИРГАН ОФАТ БАЕНИ

Қачонки Темур Дамашқ бойликлари экинзорларини ўриб тугатиб, ундан кетиш муддати тамомига яқинлашгач, унинг изидан (бошоқларни еб қуритувчи) чигиртка галалари келиб⁸⁴⁸ Темур Мордин ва Бағдодга етгунича у билан бирга юра бошлади. Чигиртка ўша ер юзида бор бўлган дарахтлари — хоҳ қалин барглию, хоҳ барги йўғи бўлсин — ҳаммасини тозалаб, еб қуритди. Сўнгра Темур Хомсга келиб, (аввал) зикр қилинганидек, уни Халид (ибн Валид) руҳига — тангри ундан рози бўлсин — бағишлаб (шаҳарни) таламади. Лекин Темур одамлари Хомс қишлоқларини талон-тарож қилиб, унинг

қувватларини (ер билан) яксон қилди. Кейин улар бу ердан Ҳамога ўтиб, унинг нафис молларини талаб, яшириб қўйилган (бойлик) ларини забт қилиб олдилар. Унинг келишчакларини асир олиб, соҳибжамолларига эгалик қилдилар. Шаъбон ойининг ўн еттинчисида (2 апрель, 1401 йил) ушбу тўфон Жабулга қараб қўйилди. Темур Ҳалабга (одамлар) юбориб, унинг қалъасида ўзи (вақтинча) қолдирган (наrsa) ларни олди. Кейин у Фротга етиб келиб, кема ва бошқа (восита) лар ёрдамида ундан ўтди. Сўнгра Темур ар-Рухага бориб, уни талади ва сутини бутунлай соғиб олди. (Шундан) кейин Темур Мординга, Малик аз-Зоҳирни ўз (ҳузурига) даъват этиб, мактуб билан элчисини юборди. Бу узундан-узоқ мактубнинг дебочаси, нақл қилинишича, мана шу мисра эди:

Салому алайкум! Аҳдларимиз ўз ҳолида (сақланаётир),
(Сизни) кўришга иштиёқимиз ўз камолига етди.

Лекин Малик аз-Зоҳир Темур ҳузурига келишдан бош тортиб, унинг сўзларини ҳам тингламади ва (гапига) ҳам илтифот билдирмади. Чунки Темур, зикр қилинганидек, биринчи марта унга озор етказган бўлиб, тағин у (озор) ни татиб кўришга унинг эҳтиёжи бўлмади ва унга нисбатан хатарсиз йўл тутиб:

Кимки синалган (наrsa) ни (яна)
бошидан кечирса, у албатта надомат чекади, —
деган назмни айтди.

Лекин Малик аз-Зоҳир ўз хизматкорларидан бири ал-Ҳож Муҳаммад ибн Хоссебекни совга-салом ва армуғонлар билан Темурга жўнатиб, бир қанча ваз-қарсонлар кўрсатиб, ўзининг келишини мазкур тутди. Унинг жавоби унвони Темур хитобига мувофиқ эди, мана у, мисра:

Сизга томон иштиёқим тавсифи беҳад,
лекин жоним (аввал) чеккан (жафо)дан қўрқувда.

Темур бу сўзларга эътибор бермай, турли-туман маломатлар билан ўзини-ўзи қийин бошлади:—«Қандай қилиб Малик аз-Зоҳир биринчи марта унинг чангалидан соғ-саломат қутулиб кетди?»

ТЕМУРНИНГ ҲАЙБАТ БИЛАН МОРДИНГА КЕЛИШИ ВА УНИ ҚАМАЛ ҚИЛГАНДАН КЕЙИН НОУМИД КЕТИШИ БАЁНИ

Рамазон ойининг ўнинчиси, (24 апрель) душанба кунда Темур аскарлари Мординга⁸⁴⁹ келиб етдилар. Улар Дунайсири⁸⁵⁰ манзилгоҳ тутиб, эрталабдан Мординни қамал қилишга киришдилар. Аммо маълум бўлишича, Мордин аҳли шаҳарни ҳоли қолдириб, мустаҳкам қалъаларига кўчган эканлар.

БУ ҚАЛЪАНИНГ ТАВСИФИ

Бу қалъа бир Анқо (қуши)ки, унинг чўққиси сайд қилинишидан юқори бўлиб, (бу қалъа) қари қизининг тумшуғи куёв инқид тизгинига киришдан бош тортади. Чунки қалъа, бу тоғ билан фалаклар қуббаси ўртасида фарқ бўлмаган бир тоғ елкасидаги чўққилардан бири тепасида жойлашган эди. Лекин фалаклар қуббаси беқарор (доимо ҳаракатда), бу эса барқарор бўлиб, унда ҳеч бир ҳаракат йўқ. Бу тоғ елкасида бир водий бўлиб, унинг қорни (кенглиги озод фикрли) ҳур одамлар кўкрагидан ҳам кенгроқ. Бу водийда (боғлар бўлиб, улар қуйисидан анҳорлар оқиб ўтади)⁸⁵¹. Бу водийда экинзорлар қорамоллар учун дала ва яйловлар (бор) бўлиб, у водий чегаралари шундай бир қирғоқларким, карамли кишиларнинг ҳимматлари у (қирғоқ) лар ҳудудига ета олмайди; ҳарфлардирким, тафаккур қориси унинг ҳижъаларини санаб чиқишдан ожизлик қилади. Бу водийдан ўтган йўл қалъага олиб бориб, (яна) олиб қайтади. Ушбу қалъа ғоятда маноатли ва улуғвордир. Шаҳар (эса) унинг атрофида (унинг этагига ёпишган ҳолда) қурилган бўлиб, қалъа неъматлари фазилатларидан шаҳар (аҳли) тановул қилади ва унинг сели файзидан сув ичади. Шаҳар халқи гоҳ серобгарчилик, гоҳ етишмовчилик ўртасида бўлиб турадиларки, «уларнинг ризқларию (уларга) ваъда қилинган (нарса) осмондадир»⁸⁵².

Темур қалъанинг тор йўлларида қамалга киришиб, уни сиқиш усулларию йўллари қидиради. (Чунки) қалъанинг атрофида жанг қилиш учун жой ҳамда манжаниқлар ўрнатиш учун майдон йўқ эди. Шунда Темур қалъанинг тагини қавлаш учун мисранг ва болталарга таяниб, аёнлар ва бошлиқлар⁸⁵³ ёрдамига суянди. Аммо

қалъанинг ҳишмати ва исмати (поклиги) чоки сўкиладиган (даражада) эмасди, чунки бу қалъа гўё бир пок қиз (мисоли) бўлиб, ўз поклиги сабабли эрларни ожиз қолдирган эди. Натижада, мисранглар синишда, болғалар чарчашда, беллар⁸⁵⁴ учлари қайрилишда, чўкичлар худди нозик қадди-қоматлардек эгилишда тўхтовсиз давом этарди. Мен дедим:

Уларнинг мисранглари (бу) қалъа ерни қазинишда гўё қаттиқ тошни чўқийдиган қуш тумшугидек, ёки самимий ошиқни айблаётган ҳасадчидек, кўзи йўқ кишининг мақсадига кўз билан ишорат қилганидек эди.

Темур рамазон ойининг йигирманчисигача (4 май, 1401 й.) бу ладад ва хусуматни давом эттириб, ҳеч бир фойда кўрмади ва мақсадига эришмади.

ТЕМУРНИНГ ҚАЛЪА ҚАМАЛИДА ИНОД ВА ҚАЙСАРЛИКНИ ТАРК ҚИЛИБ, ЎЗ ҚУШИНИ БИЛАН МОРДИНДАН БАҒДОДГА ЮЗЛАНИШИ БАЁНИ

Қачонки Темур бу қалъадан ўзига чексиз кулфат келганини, тоқат етмайдиган (наrsa) нинг талабида эканини, ҳақиқатга ўжарлик кўрсатиш тўғри йўлдан (четга) чиқишлигини ва балоғатли гап ўз мақомидан ўзга жойда дудуқланиб тутилиш каби эканини билгач, (ўз) айбини бекитди ҳамда қисман ҳурмату ҳайбатини сақлади. У шаҳар ва унинг деворларини хароб қилиб, улар изларини маҳв этди, унинг мезаналари, жомеълари ва минорларини вайрон қилиб, шаҳар асосларини тошларини парча-парча этди⁸⁵⁵.

Кейин Темур чумоли, капалак ва чигиртка мисоли (беҳисоб) аскар билан Бағдодга томон қуйилиб юрди ва одамларнинг бир қисмини Оллоҳдод билан (бирга) Самарқандга жўнатди. Улар биронта ҳам баланд уйи бўлмаган Сур⁸⁵⁶ шаҳрига, ундан Ахлот⁸⁵⁷ ва Иъйд ал-Жавзга⁸⁵⁸ етиб келдилар. Булар курдлар шаҳарлари бўлиб, аҳолига ганжум иморатларга сероб маъмур (жойлар) дир. Бу жойлар Табриз ва Озарбайжон вилоятларидан ҳисобланиб, Темур ҳукми остига жорий бўлган дастлабки шаҳарлар эдилар.

Оллоҳдод гуруҳи рамазон ҳайитини Иъйд ал-Жавзда ҳайитлаб, кейин улар Табриз вилоятига қадам қўйдилар; ундан Султонияга ўтиб, кейин эса Хуросон ерларига кирдилар. Шу пайтда қиш фасли кетган бўлиб, зебинийнатга безанган баҳор фасли келган, боғу роғлар саҳифалари қудрат бўёқчиси бармоқлари билан рангоранг безатилган, бўстон келинчаги илоҳий ҳикмат заргаридан «ўз зебини олиб, зийнатланган»⁸⁵⁹ ва гулзорлардаги юзлаб булбуллару, минглаб ҳазорлардан иборат қушлар ўз майин овозлари билан қулоқларни мафтун этиб, кишиларга завқ-шавқ бағишлаб, ўзларига мойил қилган, «тангри раҳмати ҳаёт излари сўнгган ерни тирилтирган»⁸⁶⁰ эди,

Оллоҳдод гуруҳи ҳожилар юришидек кундузи йўл юриб, кечаси дам олишдек юриш билан эмас, балки ҳеч бир тўхтамасдан кечаю кундуз йўл юрдилар ва аввал Нишопурга⁸⁶¹ кейин Жомга⁸⁶² етиб келдилар. Сўнгра улар Бовард ва Мохон даштларини кесиб, Андхойга⁸⁶³ ўтдилар ва ниҳоят, Жайхун дарёсига келиб етдилар. Дарёдан кемалар воситасида ўтиб, «учар юлдуздек»⁸⁶⁴ (йўл) юриб, шошилич равишда юришда давом этдилар ва 804 йил, муҳаррам ойининг ўн учинчиси, (23 август, 1401 йил) сешанба кунда Самарқандга келиб етдилар. Уларнинг сафларида Шом аҳлидан бир гуруҳ (кишилар) бор эдики, (уларнинг) энг кўзга кўрингани вазир — аш-Шаҳиднинг ўғли қози Шихобуддин Аҳмад бўлиб, қолганлари эса мол табиблари, бўёқчилар, шойн тўқувчилар эдилар. Булар Темур Шомдан олиб келган қимматбаҳо юкларнинг аввалгиси ва у терган асирлару бойликлар мевасидан Самарқандга етиб келган дастлабки самара эди. Кейин Темур ўлжалар, мол-дунёлар ва асирлар қарвонларини бир-кетин (Самарқандга) жўната бошлади.

БУЛИМ

Кейин Темур Оmid ҳокими қилиб Қорайлук Усмоинни тайинлади ва рамазон ойининг йнгирманчисида — яъни бешинчи май — пайшанба кунда Мординдан кетиб, ўша диёрларда бебошлик кўрсата бошлади. У Насибинни хароб қилиб, унинг экинзорларини поймол қилди, кейин (шаҳарнинг) вужуди саҳифаларидан деворлари ва аломатлари⁸⁶⁵ суратларини маҳв этди. Шаҳар ўз аҳолисидан холи бўлиб, (ўз) иморатларнио бунёдкорларидан бўшаб қолган эди. Кейин Темур ўз ташвишини Мосулга

томон йўналтирди ва гўё зимистон тун мисоли тўдалари билан Мосул устига ёпирилди. Шаҳарни батамом талофатга етказгач, Темур уни Хусайн Бек ибн Пир Хусайн (арвоҳи) га тортиқ қилди. Кейин у шовқин-сурон билан Қантара⁸⁶⁶ ноҳиясига⁸⁶⁷ суръат билан ташланди ва фасодини тугатиб, ўз юртига қараб равона бўлди, деган ишоат тарқатди. Лекин Темурнинг Бағдодга кўз тутиб келаётганини, ўз табиати ва одатига кўра, у ўзининг асл мақсадини яшириб, ёлгон уйдирмалар тарқатганини Султон Аҳмад⁸⁶⁸ аниқ билар эди.

ТЕМУРНИНГ ЎЗИГА ТОМОН ЮЗЛАНГАНЛИГИНИ ЭШИТГАЧ, СУЛТОН АҲМАД ИБН ШАЙХ УВАЙСНИНГ ҚИЛГАН ИШИ БАЕНИ

Султон Аҳмадга Темурнинг Дамашққа боргандан кейин Мординга ўтиб энди Бағдодга⁸⁶⁹ азм қилгани хабар етгач, у: «Энг яхши иш қайтишдир»,— деди-да, тайёргарлик кўра бошладди. Лекин... қочишга (томон) ва беқарор (иш) га унинг раъйи қарор топди. Кейин у Фарруж⁸⁷⁰ исмли кишини (ўрнига) ноибликка қолдириб, унга ва Ибн ал-Балийқийга⁸⁷¹ бир қанча ишларни топширди ва (ўзи) Қора Юсуф ҳамроҳлигида Румга қараб (йўлга) чиқди. Султон Аҳмад (уларга) тавсия қилган (иш) лар жумласидан Темур келганда (унга) дарвозаларни ёпмаслик, у кўз тиккан ашёни парда билан бекитмаслик, унга қарши қилич яланғочламаслик ва унинг амрига «қандай қилиб», «нима учун?» (саволлари) билан жавоб бермаслик, кабилар бор эди⁸⁷². Бу ишлар (хабар) Темурга бориб етгач,— у Бағдодга томон йўллама минг жангчи жўнатди ва улар устига ўз золим амирлари, бошлиқлари ва вазирларидан амрзода Рустам, Жалол-ал-Исломий ва Шайх Нуруддинни бошлиқ қилиб тайинлади ва амир Рустамга уччаласининг бошлиғи саналиб, қачонки улар Бағдодни олганларида унинг (Рустамни) шаҳар ҳокими бўлишини амр қилди.

Қачонки Бағдод осмонидан Султон Аҳмад қуёши ғурбат ғарбига (томон) ботиб, зулм зимистони Темур аскарлари қанотларини Бағдод уфқлари устида ёйиб, ўша уфқларга учар юлдузларини юборгач, зикр қилинган Фарруж шаҳарни ихтиёрий равишда (уларга) топ-

ширишдан бош тортди ва жангга ҳозирлик кўрди, қуршовга бардош бериш учун Фарруж ўзида бор қурола-аслаҳаларни тўплаб, (дилида) машмашани ўйлади. Шунда у (амир) лар бу тўғрида Темурни воқиф қилиб, ундан қандай амру наҳий келишига мунтазир бўлдилар. Лекин Темур Бағдодга томон ўз қаҳри жиловини буриб, қўли етган нарсани фарқ қилиб, ёндиришга шум ният қилди. Бағдодликлар устига яшин ва момақалди роқ бўлиб ёпирилгандан сўнг, Темур улар бошига ғам-ғусса сояларини солди. Кейин у шаҳарга ўша гуруҳлари билан етиб келиб⁸⁷³, халойиқ орасига кулфат ва ташвишларни келтириб, уларга «очлик ва даҳшат либосини кийгизди»⁸⁷⁴. Кейин Темур уларни шундай титратдики — о, бу қандай титраш эди! Ва ҳаж ойларида⁸⁷⁵ (уларни) ҳисор этди. Бағдод жангчилари матонат билан (уларга қарши) турдилар ва Темур аскарларидан ўлик ва ярадорлар (сон) ни кўпайтирдилар. Шунда Темур беҳад ғазабланиб, ўз пиёдаю отлиқлари билан шаҳар (қалъаси) устига ёппасига ҳамла қилди. Қурбон ҳайити⁸⁷⁶ кунин Темур зўрлик билан қалъани эгаллади ва мусулмонларни қурбон қилиб, улар эвазига қурбонликни адо этиб, ўз гумонича тангри мурувватига сазовор бўлди. Кейин Темур ўз девони дафтарида ҳисобда бўлган ва унинг жангчилари ва қўшинларидан ўз аскарни язақларига⁸⁷⁷ мансуб бўлган ҳар бир одамига Бағдод аҳли каллаларидан иккитадан (калла) олиб келишни буюрди⁸⁷⁸. Натнжада, ҳар бир Бағдод аҳлига жони ва молини олиш қадаҳлари ичирилди. Аскарлар якка-якка ва тўда-тўда каллалар келтириб, улар қонларини Дажла дарёсига оқизиб зулм қилдилар. Жасадларини ўша майдонларга ташлаб, каллаларни йиғдилар ва (бу) каллалардан мезаналар бино қилинди. Шундай қилиб, улар Бағдод аҳлидан тўқсон мингга яқинини азоблаб ўлдирдилар. Баъзи жангчилар бағдодликлар бошини тонишга ожизлик қилиб, ўзлари билан бирга бўлган Шом ва бошқа жойлардан олинган асирларнинг бошларини кесиб олиб келдилар; айримлари бўлса эркаклар бошларини топа олмай, аёллар бошларини (кесиб) келтирдилар. Баъзиларнинг (ўзи билан бирга) тутқуни йўқ эди, шу сабабли улар йўлда кимни учратса, ўшани ов қилиб, ўз ҳамроҳлари ҳаётига суиқасд қилиб, душмани ёки дўстини ўзига фидо қилди. (Ўз) биродари ва шафқатли кишисига қарамади. Чунки (Темур) қўшинларига итоат халқасидан чиқиш

имкони йўқ бўлиб, «улардан адолат ҳам қабул қилинмайди ва шафоатнинг ҳам фойдаси тегмайди»⁸⁷⁹. Зикр қилинган (90 минг) рақамга ҳисор вақтида ҳалок бўлганлар, олишишда қатл этилганлар ёки Дажла дарёсига фарқ бўлиб ўлганлар кирмайди. Негаки, айтишларича, (қанчадан-қанча) одамлар ўзларини сувга ташлаб, фарқ бўлиб ўлганлар. Шулар жумласидан Фарруж ҳам бор эди, чунки у қайиққа ўтириб қочган, лекин икки қирғоқдан ёғилган ўқлар Фарружни ярадор қилади ва қайиқ тўнтарилиб, Фарруж сувга фарқ бўлиб кетади.

«Темур (Бағдодда) бир юзу йигирмага яқин мезана бунёд қилди»,—(шундай) деб менга қози Тожуддин Аҳмад ан-Нуъмон ҳанафий хабар берган эди. У Бағдод ҳокими бўлиб, 834 йили муҳаррам ойининг аввалида (19 сентябрь, 1430) Дамашқда вафот топди — оллой-таоло унга раҳм қилсин.

Кейин Темур шаҳар хазиналари бойликларини эгаллаб, унинг аҳлини фақир фуқарога, улар манзилларини эса дашту биёбонга, баландини куйига айлантиргандан»⁸⁸⁰ кейин шаҳарни хароб қилди. Натижада, Бағдод шаҳри Мадинату ус-Салом («Тинчлик шаҳри») бўлганидан кейин Дор-ус-Сом⁸⁸¹ («Ажал уйи») бўлиб қолди. Шаҳарнинг (тирик) қолган заиф аҳлини улар асир олиб, бўлак-бўлак қилиб юбордилар. Бағдодликлар соясалқинда «ўнг ва сўлларидаги икки жаннат»⁸⁸² каби масканларида фароғатда бўлганларидан кейин «замон кўлларни уларни парча-парча қилиб ташлади»⁸⁸³. Бу кун эса улар маконларида бойўғлилар ва қузғунлар ўзларига уя қуриб олган бўлиб, фақат улар «масканларидан бошқа (ҳеч) нарса кўринмайди»⁸⁸⁴. Бу шаҳар тавсифдан кўра ҳам машҳурроқ, ундаги маърифат ва ирфон хушбўйлиги таърифлашдан кўра ҳам хушбўйроқ (эди). Фақат шугинанинг ўзи кифояки, Бағдод ўз исмига монанд Мадинат ус-Салом бўлиб, айтишларича, унда биронта ҳам подшоҳ вафот топмаган⁸⁸⁵.

БУ ТУҒЕНЧИНИНГ ОРҚАГА ҚАЙТИШИ ВА ҚОРАБОҒДА ҚУНИШИ БАЕНИ

Кейин Темур ҳар бирини турк тилида жинояткор туғенчи деб айтилса тўғри бўладиган ўша турклари билан орқасига қайтди ва арабларда ҳам, туркларда ҳам ҳаққоний равишда ўз сифати ва моҳиятига мувофиқ

Қорабоғ деса маъқул бўладиган бир жойда қишлашга азм қилди⁸⁸⁶. У теварак-атрофга аланглаган лочин, балки шум қадам бойўғлидек олисларга назар ташлаб, уфқлар атрофларини, айниқса Рум ерларини (диққат билан) кузата бошлади.

ТЕМУРНИНГ РУМ СУЛТОНИ ИЛДИРИМ БОЯЗИДГА⁸⁸⁷ (ЮБОРГАН) МАКТУБИ БАЕНИ

Кейин Темур (дин йўлида) мужоҳид, ғазогир (Рум) султони Боязидга мактуб юбориб, унда ҳеч бир киноясиз ва илмоқсиз ўзини Рум ерларидан нималар хоҳлашини очиқ-ойдин баён қилди. У Султон Аҳмад ва Қора Юсуфни (бунга) сабаб қилиб (кўрсатиб), улар (икковлари) нинг ўз қилчлари сатвосидан қочганлигини, (уларнинг) фиқу-фасод моддаси, мамлакатлар учун ҳалокат ва бандалар бошидаги кулфат, (уларнинг) ичи-қора одамлар бўлиб, икқирозга (туширишда) асос⁸⁸⁸, баландпарвозлик ва киборликда гўё Фиръавн ва Ҳомон каби эканликларини (ўз мактубида) зикр қилди. Ваҳоланки, «Фиръавн ва Ҳомон ҳамда уларнинг қўшинлари хатокор эдилар»⁸⁸⁹. (Яна хатда) Улар ўзлари билан бўлган кишилар билан сизнинг ҳимоянгиз остидан бошпана топдилар⁸⁹⁰. Ҳолбуки (улар) қаерга бормасин, ўша жойга кулфату шумлик жойлашган. У иккисига ўхшаш касофатларни Рум соҳиби қаноти остида бўлишидан (худо) сақласин! Шу сабабли сиз уларга паноҳ-жой бернишдан сақланнинг, аксинча, уларни чиқариб юборинг; «уларни қўлга олиб ўраб олинг, қаерда топсангиз ўша жойда ўлдинг»⁸⁹¹. Сиз (бизнинг) амри-мизга муҳолиф бўлишдан ўзингизни тийинг. Акс ҳолда, устингизга қаҳримиз довриси ёпирилади. Дарҳақиқат, сиз бизнинг душманларимиз ва уларга ўхшашларнинг ҳолини ҳамда улар бошларига уруш ва зарбадан тушган (калтак) ларини эшитгансиз. Улар билан нима ишлар қилганимиз сизга аёндыр. Баҳслашишу урушиш у ёқда турсин, ҳатто биз билан сиз ўртамизда ади-бади гапларни ҳам кўпайтирманг. Мана биз сизга ўз далилларимизни баён қилиб, мисоллар ҳам келтирдик».

Шу (сўз) лар асносида турли-туман таҳдиду пўписалар, хилма-хил дўқ ва уйдирмалар бор эди.

Ибн Усмон (Боязид) шошқалоқ ва шижоатли киши бўлиб, одил подшоҳлардан бўлишига қарамасдан унда заррача ҳам сабр-тоқат йўқ эди. У тақводор киши бўлиб, динида мустаҳкам эди. Агар у мажлис юқорисиде туриб маъруза айтса, тинмасдан ҳаракат қилавериб ва изтиробга тушавериб, айвон четига келиб қоларди. Унинг адолатлилиги туфайли замон унга (ўз) кўмагини кўрсатдики, мартабасида унинг шавкати кучайди. Натижада, у Қарамон ерларини холис ўзиники қилиб олиб, подшоси Алоудинни қатл қилди ҳамда унинг икки ўғлини асир олди. У Манташо⁸⁹² ва Сарухон⁸⁹³ ерларини (ҳам) эгаллади. (Шу пайтда) Кермийн⁸⁹⁴ вилоятининг ҳокими амир Яқуб ибн Алишоҳ ундан Темурга қочиб ўтди; Болқон тоғлари ҳудудидаги насронийлар ерларидан то Арзинжон ерларигача бўлган жойлар холис уники бўлиб қолди⁸⁹⁵.

Боязид Темур мактубидан воқиф бўлиб, унинг хитоби мазмунини фаҳмлагач, у ўрнидан салчиб туриб кетди; унинг ғазаби қайнаб, куйиб-ёнди. Гўё наша ивитмаси ичган кишидек гоҳ товушини кўтариб, гоҳ пасайтириб (шундай) деди:

— Бу уйдирмалар билан у мени қўрқитмоқчими? Еки бу ёлғон-яшиқлар билан менга нисбатан фитна чиқармоқчими? Еки бўлмаса, мени Ажам подшоҳлари мисоли ҳисобладими? Еки гапини англаб бўлмайдиган Дашт тоторлари каби санадими? Еки кўшин йиғишда ҳиндлар лашкарлари каби кўрдими? Еки менинг аскарларимни тарқоқликда Ироқ тўдалари каби деб ҳисобладими? Еки мендаги ислом (йўлидаги) ғазотчиларни Шом аскарларига ўхшатдими? Еки ўзининг қуриган тўдасини менинг аскаримдек билдими? Еки унинг ҳақидаги (барча) хабарларни менга маълум (эканли) гини билмайдими? Қандай қилиб у подшоҳларни алдаганию макр ишлатгани, (қандай қилиб) волийликка эгалик қилгани ва (сўнгра) ношукурлик кўрсатгани, унинг билан (у) подшоҳлар ўртасида нималар содир бўлгани, қандай қилиб унинг у подшоҳлардан ҳар вақт бир тоифани заифлаштиргани (ҳаммаси) менга маълум. Бу ишларнинг ҳаммасини мен (одамларга) баён қилиб, у яшириб (дилида) сақлаб келаётганларни зоҳир этман. Ваҳоланки, ўз ишининг аввалида у ҳароми, қон тўкувчи ва зиногир бузуқи, аҳду паймонларни бузувчи, савобдан хатога тойган бир қинғир (киши) эди. Сўнгра у савлат тўкиб, жавлон урди, (теварак-атрофга) човут

солди ва ғавво кўтариб, ноҳақликга ғоз қўйди. Унинг мажоли зиёда бўлиб, одамлар ундан ғафлатда қолдилар ва у пайдо бўлгандан бошлаб болаларча иш тутиб, ниҳоят айб (ишлар) билан кексайди. Натижада, эришган нарсасига эришиб, етишган нарсасига етишди. Унинг милтиллаб ёниб турган пилиги⁸⁹⁶ алангаланиб кетди. У етилтирган доннинг навлари сочилиб ғафлатга айланди. Аммо Ажам подшоҳларига келсак, у уларни (аввал) ўз макрию алдови билан (юқоридан) пастга туширди, кейин уларни ўз одам ва отлари орасига жойлаштирди. У (подшоҳ) лар уна қатл этиш фурсатини қўлдан чиқаргач, Темур улар қатлига шошилди. Тўхтамишхонга келсак, унинг аскарининг кўп қисми⁸⁹⁷ унга хиёнат қилди. Уткир қилич билан зарба бериш тотар галаларига йўл бўлсин? Румлар шерлари олдида уларда (ёй) ўқи отишдан бошқа ҳеч бир ҳунар йўқ. Ҳинд галаларига йўл бўлсин? Румлар шерлари олдида улар-фирибларини ўзлари гарданига қайтарди. Кейин ҳиндларнинг негизлари бўшашди. Айниқса, султонлари ўлгандан кейин Шом аскарларига келсак, уларнинг ишлари маълум. Улар устига (Темур томонидан) нималар келгани аниқдир. Чунки зоҳир (нарс) ни парда бекитмайди. Қачонки уларнинг султони ўлгач, руқунлари беқарор бўлди, ишлари чалкашиб, юз тубан бўлдилар. Улардан бири иккинчисининг пайига тушди. Улар катта бошли (улуғ) лардан маҳрум бўлиб, улардан фақатгина кичик бошли (жоҳил) лар қолдилар. Натижада, замон улар низомини тарқатиб, (улар) мамлакатни⁸⁹⁸ ва Шомини тарқоқлик қамраб олди. Улар суратда баҳор каби бўлсалар-да, маънода қаҳратон қиш кабидурлар. Улар фақат биргина нарсани кўзлайдилар. У ҳам бўлса жам бўлишиб ётадилару иккита-иккита ва битта-битта бўлиб туриб кетаверадилар. Албатта, (шу сабабли) у гуруҳларнинг тўдалари ҳар тарафга қараб тўзиб кетдилар. Шунда Темур қўшинлари у гуруҳлар орасида ман қилинган ишлар билан машғул бўлиб, кейин борлиқ унга ҳоли бўлиб, бўш қолгач Темур бемалол тасарруф юритди. Агар улар ўртасида иттифоқлик бўлганида эди, уни майда-майда қилиб, тариқдек тарқатиб, янчиб ташлардилар. «Аммо уларни жамланган деб ҳисоблайсан-у, лекин уларнинг қалблари ҳар хил»⁸⁹⁹. Улар низомларининг йўлга қўйилганлиги, ёйларининг нишонга тўғри йўналтирилганлиги, сузишларининг қувватлилиги, курашларининг шиддатлилиги, найзалари-

нинг кучлилиги, ҳожатлиларга орқа таянч ва ғазабли шерлар каби бўлганлари билан бизнинг аскаримиздаги тартиб-интизому ғалаба учун бизлардаги ўзаро ёрдам ва бирдамлик қаёқда уларда? Ялангоёғу яланғочлар ишига кафия бўлган киши билан, ғазогир жангчилар ишини ўз устига олган киши орасида қанча (катта) фарқ бор? Чунки, уруш бизнинг хоҳишимизу, зарба (бериш) эса матлабимиз, жиҳод бизнинг санъатимиз, тангри таоло йўлида ғазот қилувчиларнинг шариати бизнинг шариатимиздир. Агар бировлар мол-дунё орттириш талабида уруш қилса, биз фақат тангрининг сўзи (ҳамма нарсадан) олий бўлсин, дея уруш қиламиз. Бизнинг одамларимиз жаннат талабида худо йўлида ўз жонларини мол-дунёларини фидо қилганлар. Улар зарбалари овозидан қанчадан-қанча кофирлар қулоқларида қолган; у (кофир) лар бошларидаги қулоқларида қиличларидан қанчадан-қанча жараанглаган товуш чиққан; аҳли салиб димоғларига аскарларимиз ёйларининг «нуни»дан қанча овоз етган. Агар биз уларни денгиз ҳавзаларига қараб бошласак, улар тушиб кетаверганлар. Ёки уларга кофирлар қонини оқизишни юкласак, улар қонини оқизганлар. (Шунда) улар ўз қалъалаларидан чиқиб, кофирлар қалъасини қўришига юз тутганлар ва уларни яксон қилиб, отлари жиловларидан тутганлар. Ҳарвақт улар бирор ваҳимали чақирқ эшитганда, унга қараб учиб борганлар. Мабода маликлари уларни бирор фалокат ва балога йўлиқтирганда ҳам улар унга қараб: «биз бу ерда ўтирамыз, сен ўз раббинг билан бориб уруш қилавер»⁹⁰⁰,— демайдилар. Бизнинг пиёда ғазотчиларимиз борки, улар суворий жангчилардан кўра шиддатлироқ жанг қиладилар. Улар гўё синдирувчи шерлар, жасур қоплонлар, йиртқич бўрилар каби бўлиб, уларнинг болталари ўткир, тирноқлари зафарлидир. Улар қалблари бизга нисбатан муҳаббат билан тўлиқ, дилларида бизга нисбатан ҳеч қачон шумлиги йўқ. «Балки уларнинг юзлари урушда кулиб, ўз раббига боқади»⁹⁰¹. Гапнинг хулосаси шуки, бизнинг жами ишларимиз, аскар ҳолимизу ҳаракатимиз — мункирларни тўдалаш, асирларни йиғиб олиш, ўлжаларни жам қилишдир. «Чунки биз тангри йўлида жиҳодчилармизки, қайсики улар маломатчининг маломатидан (сир) кўрқмайдилар»⁹⁰². Мен биламанки, бу сўзлар сени ҳеч тўхтамасдан бизнинг мамлакатимизга томон отлантиради. Агар сен (биз томонга) келмасанг, сенинг хо-

тинларинг уч талоқ бўлсин. Агар сен менинг юртимга келсангу мен сенга қарши қатъий уруш қилмай қочсам, у вақтда менинг хотинларим узил-кесил уч талоқ бўлсин».

Кейин у хитобини тамомлаб шу зайлда жавоб қайларди.

Қачонки Темур унинг изтиробли жавобидан воқиф бўлгач, «Ибн Усмон мажнун ва аҳмоқ»,— деди. Чунки у азиятли ҳолда ҳақорат қилган эди. Темур унинг жавобидан хотинларнинг эиқр қилган жойини ўқиб, хотима қилди. Чунки хотинларга тил тегизиш уларда катта айб бўлиб, гоят гуноҳ ҳисобланади. Ҳатто улар хотин ва қизларнинг исмини талаффуз қилмай, уларнинг ҳар бирини бошқа бир ибора билан атайдилар, ҳамда бу нарсадан сақланинглар, деб (одамларга) доимо уқтирардилар. Агар улардан биронтасининг хотини қиз туғса, унда уни «пардалик бола» ёки «зийнат соҳиби» ёки «мастура» ёки шунга ўхшаш (иборат) лар билан атайдилар.

ТЕМУРНИНГ РУМ ЕРЛАРИНИ ХАРОБ ҚИЛИШНИ НИЯТ ҚИЛИБ УЧИШИ БАЕНИ

Натижада, Темур Ибн Усмонга қарши юришга баҳона топиб, (шу мақсад учун) ўзига ҳамроҳ ва йўл қидириб, йўл бошловчи излади. У ўз қўшинини кўрик қилганда (қўшини унга) гўё (жами) «ваҳшийлар жаъмландек»⁹⁰³ у (асқар) лар ер юзига тарқалганда «гўё кавкаблар сочилгандек»⁹⁰⁴, мавжланганда «гўё ҳаракатга келган тоғлардек»⁹⁰⁵ юрганда «гўё қабрлар тўнтарилгандек»⁹⁰⁶ қўзғалганда ер қаттиқ зилзилага келгандек, ҳаракат қилганда гўё қиёмат ўз ваҳималарини зоҳир қилгандек бўлди.

Темур ўзининг валиаҳди ва ўзидан кейинги вориси — набираси Жаҳонгир ўғли Муҳаммад Султонга хат юбориб, амир Сайфуддин ҳамроҳлигида Самарқанддан ўз ёнига келишини хабар қилди. Ўзи эса Румга қараб йўлга тушдики, унга тавфиқ эмас, тасодиф мадаккор бўлди. У ушбу қора денгиз ва зулматли кеча (мисоли қўшин) билан юриб айланди ва қанча жойларни босиб ўтиб, Камоҳ⁹⁰⁷ қалъасига келиб тўхтади.

КАМОХ ҚАЛЪАСИНИНГ ТАВСИФИ

Қарасаки, у қалъа мустаҳкамликда гўё худони ягона деювчи кишининг иймони каби (мустаҳкам), маноят ва устиворликда художўй (киши) нинг эътиқоди каби (кучли) эди. Бу қалъанинг монелик хандағини хаёл ўқи кесиб ўта олмас, унга етишиш йўлига тўғри фаҳм йўл топа олмас; унинг юксаклик руқунларининг асосчиси қудрат меъмори бўлиб, (унинг) куббалари биносининг муҳандиси табиат дурадгоридир. Қалъа ғоятда баланд ҳам, (ерга) ёпишган паст ҳам эмас, шунга қарамасдан, маноят ва пишиқликда юқори даражада эди. Бир тарафдан қалъа этагини Фрот дарёси ўпиб ўтса, иккинчи тарафидан эса кенг бир водий унинг аъломларини муҳофаза этади. Водийда қадам қўйишига сира имконият бўлмай, у (жой) Фрот дарёсига қўйиладиган бир сув йўлидир. Қолган икки тарафидан эса тепаликлар (мавжуд) бўлиб, унга назар тушиш биланоқ басират тили: «ҳақиқатан ҳам бу ажиб (бир) нарса»⁹⁰⁸ (ояти) ни тиловат қилади.

Темур бу қалъани ҳеч бир кулфатсиз эгаллаб, унинг ҳарамига у (қалъа) нинг тавоф қилмасдан ҳеч бир тўхтовсиз кириб борди. Бу (иш) Муҳаммад Султон Темур ҳузурига келгандан ҳамда Темур қалъа ҳисори ва муқоталасини унинг зиммасига юклагандан кейин (бўлган) эди. Қалъанинг эгалланиши сабаби шуки, унинг орқа томонидаги водий эгри-бугри бўлганлигидан қалъага келган ҳар қандай кишини умидсиз қайтарарди, чунки у қадамни сирғантирадиган (жой) ҳамда унинг бағоят кенг бўлиши мақсадга етишдан йироқдир. Ўқ тили (эса) водий эни кенглигига раҳна сола олмас, назар (солиш) ғаввосининг қадами водий (ери) заминида қарор топа олмасди. Лекин Темурнинг (водийга) назари тушиши биланоқ у фаросат кўзи билан унга қараб, ёғочлар кесиб, ходалар келтиришларини амр қилди. Темур қўшинлари кўз очиб юмгунча уйларни вайрон қилиб, дарахтларни кесдилар ва учратган ёғоч, шох-шаббаю ходаларнинг ҳаммасини олиб келиб, ушбу водий қаърига ташладилар ва уни ер билан баробар қилиб, водийнинг бўйинию энини тўлғиздилар. Қалъа аҳли бу ишдан воқиф бўлгач, ўша ёғочларга ўт ва боруд⁹⁰⁹ ташлаб олов қўйдиларки, натижада, ёғочлар алангаланиб ёна бошлади. Аммо қалъанинг асосига етиш амримажол бўлиб, у (баланд) тоғлар чўққилари устига ўр-

нашган эди. Лекин бу ҳолат Темурни доводиратмади ва уни ўз фикридан қайтармади. Балки у дарҳол ўз одамларининг ҳар бирига ўша чўлу биёбонлардан бир халтадан тош олиб келишларини амр қилди. Улар ўша тепалигу тоғлар, сахрою пастликларга гўё чумолилар ва чигирткалардек тарқалдилар ва «бу водийга тошларни (кўчириб) келтирдилар»⁹¹⁰ ва бир зумда ушбу сойни майда ва йнрик тошларга тўлдирдилар.

Кейин Темур бу чуқур жойда ушбу тошларга нисбатан бир кун жаҳаннамда уларга қандай муомала қилинадиган бўлса, шундай — яъни жаҳаннамдан: «Сен тўлдингми?» — деб сўралганда, у: «Яна ҳам борми?»⁹¹¹ деганидек мисолида — иш қилди. Чунки қўшинлар (бу) водийга ўзлари тўплаган тошлар тўдаларидан бир қисмини ташладилар ва бу йнғилган тош хирмонларида эса (водийга) ташланган тошлардан икки барабар ортиғи қолиб кетди. Қачонки водий тошлардан тўлганда, Темур қўшинлари унинг устидан юриб ўтиб, қалъа деворларига яқинлашдилар ва нарвонлар ўрнатиб, юқорига кўтарила бошладилар ва қалъа дарвозалари кокилларига осилдилар. Шунда қалъа аҳли каломдан воз кечдилар ва омонлик тилаб (қалъага) «тинчлик билан кирингизлар»⁹¹² дедилар. Бу ҳисор (қилиш) ва мажбуран омонлик тилаш 804 йилнинг шаввол ойида (май-июнь, 1402 й.) бўлган эди. Темур қалъага ўрнашиб олгач, у (ташланган) тошларни водийдан кўчиришни амр қилди. Уша заҳотиёқ (қўшинлар) тошларни кўтариб, (аввал) олган жойларига олиб бориб ташладилар. Кейин Темур қалъага аш-Шамс деб аталадиган бир кишини волийликка тайинлади. Узи эса ундан кеча қайтгандек (бир кун туриб) қайтди. Бу қалъа Арзинжондан ярим кунлик йўлда бўлиб, (ўз) маноати ва қайсарлиги билан дунёда машҳур қалъалардан биридир. Албатта у (Темур) қалъани забт этиб, ўткир қиличи билан унга етишгач ҳамда уни қаҳр билан фатҳ қилиб, жабр билан унга муяссар бўлгач, шу осон ўлжа ҳақида ўз ерларидаги барча келиб-кетувчиларга мактублар жўнатдики, уларда кўнглига келиб, дилида жавлон урган хабарларнинг ҳаммасини баён қилди. Бу баёнлар унвони таржима қилинмай айтилганда, қуйидагидан иборатдир: Мисра:

Жангда қон томадиган қиличлар тиғи билан,
Тангрига ҳамд бўлсин — Камох қўрғонни фатҳ қилдик.

Темур ўз хатида Ибн Усмонни ва ўзининг унга ёзган хитобини ва ундан келган аҳмоқона жавобни эслатди. Унинг жумлаю таржимасидан шуки: «Биз унга (ҳеч) дағал муомала қилмадик ва унга нисбатан (ҳеч бир) адоват билдирмадик. Лекин (ҳаққоний) сўзимиз билан юмшоқ муомала қилиб, (унга) лутф кўрсатдик. Биз унга фасод моддаси бўлган, вилоятларни хароб этган, одамларни ҳалок қилган Аҳмад Жалойирий билан Қора Юсуф Туркмонийни ўз мамлакати заминидан чиқариб юборишини маслаҳат кўрдик. Чунки гуноҳга рози бўлишнинг ўзи гуноҳкорлик, худосизга эҳсон кўрсатиш — худосизликдир. Фосих, муртад, бебахт (киши) фожир, зolim лўттибоздан кўра ёмонроқдир. Фисқу-фасодда Ибн Усмон амир бўлса, бу иккиси унинг вазирлари, инодда у катта бўлса, улар иккиси кичик бўлдилар. Бу борада улар унинг ҳамтовоқлари ва кўмакчилари, «чунки мавлоси қандай бўлса, унинг ошналари ҳам шундай-дир»⁹¹³. Натижада, улар Ибн Усмонни буздилару ўзлари тузалмадилар, унга зиён келтириб (ўзлари) фойда қилмадилар. Гўё у уларнинг ишини назарда тутиб, уларнинг ҳаракату сўзини изҳор этган кишидек бўлди. Мисра:

Соғлом одамга яқин туришлик қўтирга фойда бермайди,
Лекин соғ киши ҳам қўтир бўлади.

«Лекин у ўзининг қинғир йўлидан қайтмади, аксинча у уларга ҳомийлик қилиши билан «амир опасининг чўлоқ бўрига бошпана беришига ўхшади»⁹¹⁴. Биз уни бундан тийдик, у тийилмади; биз уни огоҳлантирдик, лекин у бунга ҳеч эътибор қилмади, (биз) унга (бу хусусда) бошқалардан мисоллар келтирдик, лекин у булардан ибрат олмади, (бизнинг) муҳолифлардан интиқом оладиган лисонимиз унга: «Ҳазар қил! Ҳазар! — деб нидо қилди. Биз мактубларимиздаги ўз қишматимизу одобли одатимизга кўра, унинг исмини ўз исми билан бир қаторга (қўйиб) ёзган эдик. Лекин у ғоятда ҳаддидан ошиб, ўзининг инсофсизлигини намоён қилди. Чунончи, у хатларидан бирида ва ёзган мактубларида ўз исмини Таҳартан исмидан кейин қўйди. Бу иш унга вожиб бўлиб, ярашадими?» «Ҳеч шубҳасиз, Таҳартан бизнинг наздимизда бир қулимиз каби бўлиб, фуқоромизнинг энг арзимагани мисоли»⁹¹⁵. Кейин, у, яъни Боязид, бизнинг мактубимиздан воқиф бўлиб, бизга рад

жавоб қилганда ҳамоқатининг кўплигию беадаблиги натижасида ўз исмини олтин (ҳарфлар) билан (ёздириб), бизнинг исмимиздан юқори қўйди».

Кейин Темур ўзининг Рум ерларига юриш қилиб, уларни ишғол қилишни ирода этганини зикр қилди. Бу мактубида у дабдабали сўзлар ёзиб, хитобида сериборали гаплар ишлатди. У (мактуб) котиблар дастурларидан ва хитобу жавобида таяниладиган устурлардан бири ҳисобланади.

БУ ТУФОН УЗИГА ТОМОН ҚУЙИЛГАНДА ИБН УСМОННИНГ УНГА ҚАРШИ ҚИЛГАН АЗМИ БАЁНИ

Темурнинг нияти Ибн Усмонга етиб, унинг ўз толеъини уруш самосида излаганини билгач, Ибн Усмон у билан жанг қилишга юзланиб, истиқболига тайёрланди. Шу пайт у (Ибн Усмон) Истанбулда шаҳар гуноҳкорларию мункирларини ҳисор этиб турган, у (шаҳар)ни фатҳ қилиш арафасида бўлиб, уруш тамомига яқин қолган эди⁹¹⁶. Енида қўшини бўлишига қарамасдан, Ибн Усмон ўз газотчилари батриқларига⁹¹⁷, ўз лашкари йиртқич бургутларию қирғийларига, гуруҳлари бошлиқларига, Кермиян⁹¹⁸ каримларига, денгиз соҳиллари кўрқмас галаларига, Қарамоннинг ҳур эрларига, Монташа вилоятлари жангчиларига, Сарухон суворийларига, туманлари ва санжақларининг⁹¹⁹ жами амирларига, байроқдорларию қўшин бошлиқларига, иккала пойтахт Брус ва Адирна⁹²⁰ ҳукми остида жорий бўлган барча маконлару чегаралар ноибларига — кимки унинг оқ байроғини қўлида тутиб, оқ танли юнонларни қизил қонидан яшил денгиз беаганларга ва чавкар отига ўтириб, ўзининг қора ўқлари билан кўнғир кўзли душманлар қора юрагини парчалаганларга — ҳаммасига ўз фойдаларини билиб эҳтиёткорлик кўрсатишга, қуроласлаҳаларини (қўлларига) олишга амр қилди. Бу болада у ҳар қандай исёнкору бузғунчига қарши курашиш учун мусулмонлар омонлигига кирган ҳар бир водий, бузуқ ва киборга таянди ҳамда тоторларни⁹²¹ (ёрдамга) чорлади. Улар кучли, бой ва фойда талаб одамлар бўлиб, беҳисоб чорвалари чор атрофни тўлдирган, бошлиқлари ва ҳошиялари билан улар бутун тоғу тепаликларни қоплаган эди. Кўпинча улардан бирининг ўн минг туяси бўлиб, биронтасига ҳам юк ортилмасди. Шунинг

мисоли отлари ҳам бўлиб, уларга на эгару на юган солинарди. Аммо қўю сигирларининг ҳисоб-китоби бўлмай, сонсиз-саноқсиз «Раббинг қўшинининг сонини унинг ўзидан бошқа ҳеч ким билмайди»⁹²² (мисолида эди). «Бу бандалар учун огоҳдан бўлак ҳеч нарса эмас»⁹²³. Уларнинг Рум ва Қарамон ерларидан тортиб токи Снаос атрофларигача (бўлган) жойларда қишлоқ ва ёзлик жойлари бордир; подшоҳлар ва султонлар уларга эъти мод қиладилар. Шунингдек, улар турли-туман эзгуликлари эвазига (ҳар хил) сийловларга муяссар (кишилар) дир. Агар бирор фақир (киши) ёки мусофир, илм толиби ёки адиб ҳузурларига келса, улар унинг учун шунчалик миқдорда қўй, сигир, юнг, мўй, қурут, юмшоқ тери йиғиб берардилар, бу (йиғинма) унинг ўзи ва авлодларининг ҳам умри охиригача кифоя қиларди. Тоторлар ва улар билан бирга бўлган халқларнинг қўл-лигидан уларни «ўн саккиз минг олам» деб атардилар⁹²⁴.

Натижада, ўша «тоғлардан» ҳар бири овози борича «лаббай» деб акс садо билан жавоб берди ва Ибн Усмон фармонларига итоату инobat билан амал қилишга шошилди. Уша заҳотиёқ тоторлар ҳаммалари бира-тўла унга томон йўл олдилар. Уларнинг аскар тоғлари ва қўшин денгизларидан битта ҳам қолмай Ибн Усмонга келиб қўшилди. У ғазогир аскарлару мужоҳидларни қатъият билан Темур мулоқотига даъват этди.

ТОТОР ҚУШИНЛАРИНИ ИБН УСМОНДАН ҚАЙТАРИШ БОРАСИДА ТЕМУР ҚИЛГАН БАҒОЯТ БЕЗАҚЛИ ИШ БАЕНИ

Бирмунча вақт ўз иши билан банд бўлгач Темур (ўз) фикр чақмоғини алангалатдики, чақмоғи Ибн Усмондан тоторларни қайтариш лозим (деган) учқунни чиқарди. Натижада, у тоторлар раҳбарларига, амирлар ва бошлиқлари улуғларига ва уларнинг Фозил деб аталадиган амирига — у (чиндан ҳам) фозилликда баланд мартабага эришган бўлса ҳам (унинг) тажрибаси кам ва ярамас (киши) ларнинг макр-ҳийласини ядрок этаолмас эди — мактуб юбориб: (Дарҳақиқат), сизнинг мартабангиз (менинг) мартабам, насабингиз — насабим билан муттасил, (бизнинг) мамлакатимиз (сизнинг) мамлакатингиз, аждодимиз — сизнинг аждодингиз, биз ҳаммамиз бир дарёнинг ирмоқларию бир дарахтнинг бу-

тоқларимиз. Қадим замонлардан бери бизнинг ота-бобларимиз бир уядан ўсиб-ундилар ва озгина инда кўпайишиб, даража топдилар. Шу сабабдан ҳам, шубҳасиз, сизлар менинг шохобчаларим ва бутуқларимдан бири; менинг аъзойи — баданимнинг бир аъзоси, менга холисона (кишилар) ва дўстларимсиз. Сизлар мен учун ички кийим бўлсангиз, бошқалар эса фақатгина сиртқи кийимдирлар. Агар ўзгалар подшоҳлик (мартабаси) ни (курашиб) қўлга киритса, сиз эса бу мартабага наслу насаб юзасидан эришгансиз, чунки сизнинг ота-боболарингиз қадим замонларда Турон ерларининг подшоҳлари бўлганлар. Улардан бир тоифаси ўз ихтиёрларисиз бу дидёрларга келиб, шунда Ватан тутиб қолганлар. Улар, худди ҳамниша бўлганларидек, кароматда туриб, салтанат белгиларини риёсат жиловларини тутиб юрганлар ҳамда шу суруру шодликда давом этиб, ниҳоят тангри таолонинг раҳматига муяссар бўлгунларича мана шундай иззату икромда бўлдилар. Марҳум Эртана⁹²⁵ сизнинг охириги подшоҳингиз бўлиб, Рум ерларидаги энг улуғ ҳоким сизнинг энг кичик мамлукингиз мисоли эди. Худога шукурки, сизнинг шавкатиингизда заифлик, фароғатиингизда ноқислик йўқ. Қандай қилиб сиз ўзингиз шундай хўрланишга рози бўлдингиз? Гўёки сиз сеҳрланган (киши) ки, ўзгаларга малай бўлишликка сабру тоқат қиласиз? Улуғларнинг ҳам улуғи бўлгандан кейин қандай қилиб сиз кичикларнинг ҳам кичиги бўлиб қолдингиз? Сизлар хору зорлиги, аянчли аҳволда эмасиз-ку, ваҳоланки тангри-таолонинг ери бепоён. Нега энди сиз (ўзи) Али Салжуқий⁹²⁶ томонидан (қулликдан) озод қилинган қулларнинг авлодларидан бўлган кишининг қули бўлиб қолдингиз? Бунинг сабабию боисига (асло) менинг ақлим бовар қилмаётир. Ихтилоф ва келишмовчиликдан бўлак (нарс) бўлмаган бунақа биродарлигу яқинлик қаердан пайдо бўлди? Лекин ҳар ҳолда мен сиз учун авло (киши) ман ва сизнинг фойдангиз учун ҳақ гапни сўзлайман ҳамда (келгуси ишларингиз) учун замин ҳозирлайман. Агар сизга бу ерларда яшамоқ лозим бўлиб, ўша кенг ўлкаларни Рум — тор ерларига сотиш зарур бўлса, у вақтда сизлар энг камда ўз аждодларингиз каби бу (мамлакат) ларнинг ҳокимлари бўлиб, қалғалар идорасининг югани сизларнинг қўлингизда бўлсин; сизлар у ерлар ўрқачида ўтиринг ва унда (мамлакатда) қўлингизни чўзиб, бемалол (унинг) жиловини бошқаринг. Бу муҳим иш қачонки

биз ушбу урушга кифоя қилиб, бу курашдан ўз муродимизга эришсак ва майдон бизники бўлиб, ўртадан Ибн Усмон кўтарилса, (шундагина) ҳосил бўлади. Қачонки борлик ғанимдан тозаланиб, бу мамлакат жойлари холис меники бўлса, мен унинг йўл ва йўлкаларидан юрсам, шунда мен ёйни ясаган (одам) ига бериб, уйни эса бино қилган одамга ато қиламан; сувларни ўз оқимига қайтариб, сизларни улар қишлоқлари, қалъалари, шаҳарлари ва агрофларининг ҳокими этиб тайинлайман; сизлардан ҳар бирингизни ўзи сазовор бўлганига яраша мартабасига қарор топтираман. Фақат сизлар (урушда) бизларга қарши ёрдам бермай, биз томон ўтишга имкон топасиз. Фурсатингизни ғанимат билинг ва ундан ўз ҳиссангизни олишда фойдаланиб қолинг. Чунки сиз ҳам сурат, ҳам мазмун жиҳатидан бизга яқинсиз. Аммо, ҳозирча зоҳиран Ибн Усмон билан бўлиб, ботинан биз билан бўлинг. Қачонки бизлар учрашганимизда (улардан) ажралиб чиқиб, бизнинг аскаримизга қўшилинг»,— деб ёзди.

Темур хитобининг айғир оти тоторлар ақлининг бияси томон (шундай) пардозли иборалар билан тўхтамай ўйноқлаб чопишда давом этдики, бу сўзлар фасоҳати Асвад ибн Яъфар⁹²⁷ хитобига ҳам нафрат кўзгатар эди. Шу йўсинда Темур уларни Ибн Усмондан қайтариб, ўз орқасидан эргаштиришда улар афкори гирдобига гўё ғоввос каби шўнғиб, инсонларга — кофир бўл!— деган шайтонга ўхшаб кетдики, ниҳоят, бу хитоб билан у тоторларнинг ақлини ўзига мойил қилиб, ўз сўзлари маъносига томон қанот қоқдирди. Уларни риёсат ҳирси билан (шу даражада) завқлантирдики, қайсики бу (ҳирс) озмунча ростгўй, хур кишиларни қул, катта авлиёю салоҳиятли зотларни ҳам ўзига банди қилиб, илм билан амални боғлаган доноларни ҳам халқ кўзида жаҳаннам оловига улоқтирган. Шундай қилиб, қачонки тўқнашув воқеъ бўлган пайтда, тоторлар Темур томонига ўтишга рози бўлдилар⁹²⁸.

ИБН УСМОН УЙЛАГАН ФОЙДАСИЗ ФИКР ВА УНИНГ КЎП АСКАР БИЛАН ТЕМУР МУЛОҚОТИГА ЮЗЛАНИШИ БАЁНИ

Ибн Усмон эса Темурнинг Рум ерларига бостириб келишидан хавфланди. Чунки зироатлар пишиб етилган, самара ва меваларнинг кўкраклари кўтарилиб қол-

ган, ердаги кўкатлар қорайиб етилган (пайти) бўлиб, унинг раиялари эса осойишталик ва фаровонлик соясинда бемалол чўзилган эдилар. Шу сабабли Ибн Усмон ўз раияларига Темурдан зарар етишидан ёки Темур олови алапгасидан ўзининг вилоятлари қабилаларига учқун тушишидан қўрқди. Шу туфайли у Темур билан мулоқотга шошилиб, қисмат ҳайдовчилари уни ўз қадаҳини Темур билан ичишига ҳайдади. Ибн Усмон (иккала) қўшни⁹²⁹ тўқнашуви ўз ерлари хорижида, Сивос атрофларида бўлишини ирода этди. Ўз аскаридан пишқирган селдекларини оқизиб, улар билан (бирга) унумсиз бир саҳро томон йўл олди. Ўз раияларини Темур отличлари оёқ-ости қилиб, босишидан эҳтиётлаб, у шундай қилди. Чунки у ўзининг фуқароси заифига (нисбатан) шафқатли, ўз тобеси ва хизматкорлари фақирига (нисбатан) раҳмдил эди.

Ҳикоя қилинишича, Ибн Усмон юришларидан қай бировида унинг ҳошияларидан бирини ташналик қамраб, бир қишлоқдаги хотинлардан бирининг олдига келиб, ундан (ичишга) сув сўраган. У хотин Басусдан кўра ҳам шумроқ⁹³⁰ эдики, унинг шумлиги ва маломати тўғрисида (одамлар) масаллар тўқирдилар. У (хотин): «Менда ичадиган ҳеч нарса йўқ, йўлингдан қолма ва ўзининг овора қилма»,— деди. Чанқоқлик уни ҳолдан тойдирган эди. Кейин у, хотин челагида сут шарбатини кўриб, уни ичиб олди. Хотин: «Бу боларимнинг ризқи эди»,— деди ва унинг устидан Ибн Усмонга шикоят қилди. Ибн Усмон у кишини чақириб, воқеанинг тафсирини сўради. У Ибн Усмоннинг иштиқомидан қўрқиб, (бўлган) воқеани илкор этди. Шунда Ибн Усмон у хотинга деди:—«Мен унинг қорнини ёриб кўриб, унинг рост ёки ёлғон гапирётганлигини аниқлайман. Агарки, унинг қорнидан сут чиқса мен сутнинг қийматини сенга бераман. Агар унинг гапи рост чиқса, у вақтда сени унинг аҳволига солиб намуна қиламан». Хотин: «Азбаройи худо, у сутни ичди ва мен унинг ҳақида ҳеч ёлғон гап гапирмадим. Лекин мен унинг гуноҳидан кечдим ва унинг қарзи баҳридан ўтдим»— деди. Ибн Усмон:—«Лекин мен адолатни ижро этиб, бу ҳукмни ниҳоясига етказиб, таҳқиқ этишим лозим»,— деди ва қилич чақиртириб айбланувчининг белига қўйди ва унинг қорни устида қўйган шартини ижро этди⁹³¹. Унинг қорни ёрилиб, у ярадор бўлди. Сут оқдию, мажруҳ ўз қонига бўялди. Ибн Усмон уни боғлаб (барчага) жорий қил-

дирди ва «одил подшоҳ Ибн Усмон давлатида ноҳақ нарсани тановвул қилган кишининг жазоси мана шу», — деб элу юртга қичқиртирди.

Шундай қилиб, Ибн Усмон ўз юришини давом эттириб, рамазон ойида висол рўзасини⁹³² тутиб сафарга чиқди.

ТЕМУРНИНГ ИБН УСМОН ВА УНИНГ АСКАРИГА НИСБАТАН ИШЛАТГАН ФИРИБИ БАЕНИ

Ибн Усмоннинг яроқсиз йўлини тутганини⁹³³ эшитгач гўё яҳудийлар оллоҳ китобини тан олмай орқага ташлаганлари каби, Темур уни назардан ташлади ва ўзи маъмур йўл тутиб, ўз аскарни билан «соя-салқиндор, сув чашмалари ва хоҳлаганларича мевалари бўлган жойларга»⁹³⁴ келди. Улар ҳолларининг фасоҳатли тили бутун оламга ушбу мисрани нашида этиб, жар соларди:

Мен юқори мартабага эришгач, парво қилмайман,
У (эришган) мартабам менга меросиди ёки касб этилдимми?

Улар шу зайлда роҳатли жойларда, экинзор ўтлоқ ва чорвали маконларда давом этиб, «тиконли ва тиконсиз гуллар орасида, чўзилган соялар, қўйилиб оқаяётган сув»⁹³⁵, роҳатбахш ҳаво, саломатлик неъматларига бурканиб, хотиржам ва фаровон, қўрқинчдан хатарсиз, сайрда шошилинчсиз, нусрату зафарга комил ишонч, мулк ва ҳокимиятдан башоратланиб, ўз тадбири орқасидан қазо ва қадарни эргаштириб, вақтларини ўтказдилар.

Душман кўзини қиздириш ва енгил ўлжалар қўлга киритиш учун унинг ҳамиятининг ҳарорати бир муддат ҳам совимайди; (беҳисоб) юлдузларга ўхшаш унинг интизомли аскарларининг тожларида заррача ҳам сочилиш йўқдир. Шунингдек, унинг шерсимон аскарлари орасида бир-бирига қараб ириллашу нафрат йўқ, улар таъналари таомининг дастурхонида ўз душманларини кескир қилич билан меҳмон қилишда на уларда қўрқинч, на синиш бор.

Темур ерларини яқсон қилгандан кейингина Ибн Усмон уйқусидан уйғонди. Натижада, унга қиёмат қойим келиб, у ҳасрат ва надоматдан қўлларини тишлади. У

хўнграб йиғлади ва чинқирди, газаби ошганидан куйиб-ёнди, бўғилиб, ўлишига сал қолди. Унинг оромия қарори кетди ва шу заҳотиёқ орқасига қайтишга азм қилди. Натижада, унинг аскарлари денгиздан тўлқинлари бир-бирига урилиб, унинг буржлари ва тоғлари елкалари бир-бири билан тўқнашди ва қайтиши, бошланган жойга (қайтиб) борди. У ўз аскарлари сайрини тўхтатиб, қайтишга ундади. Уларни, юриш — ўз суръати, макон — ўз чўлу биёбонлиги, вақт — ўз ҳарорати, султони — ўз бақироқлиги билан ҳолдан кеткизди.

Улар қайтиш сафарига эриб, беҳушликка учраганларидагина етдилар ва улардан ҳар бирининг ҳоли тили: Биз бу сафаримиздан қаттиқ машаққатга учрадик, — деб тиловат қилар эди.

БУЛИМ

Темур Анқара шаҳрига етиб келган бўлиб, унинг одамларию отлари роҳатланаётган ва керилиб юришиб урушга интизор, жангга этагини шимараётган бўлса-да, тўқнашувга эътибор қилиб, унинг ташвишида қайғурмас эдилар. Гўё улар Қурайш бошлиқлари каби сувга етиб келганлару Бадр мусулмонлари мисоли (Боязид) аскарларини ташналик томонида қолдирганлар⁹³⁶. Натижада, улар ғаму ғуссадан ва ташналикдан ҳалок бўлиб, сувсизлигу чанқоқликдан қирилдилар. Гўёки у (Боязид) (Темур) аскарларини шу манзилга бошлаб келиб, ўз ҳоли тили билан уларга шундай нашида қилди: Мисра «Э, меҳмонимиз! Агар бизни учратсанг шундай топасанки, Биз меҳмонмизу, сен бўлсанг манзил эгаси».

Анқара, қайсики уни Асвад ибн Яъфар ўз қасидаси «Таноа» да зикр қилган бўлиб, мана у:

Улар Анқарага тушдилар, тоғлардан келаётган Фирот суви
улар устига сел бўлиб оқади,

Бу жаннат, жаннатда бахт, фаровонлик ва бу билан
қилнадиган ўйин-кулгилар бир кун эскиради ва йўқ

бўлиб кетади.

Қачонки қўшин қўшинга яқинлашиб, ваҳшийлар ваҳшийларга урилиб, саҳрою чўллар улардан тўлгач, чап (томон) ўнг (томон) даги, ўнг (томон) чап (томон) даги билан учрашгач, Ибн Усмон аскарлари ичидан тоторлар

ажралиб чиқдилар ва аввалда Темур қандай тушунтириб, кўрсатган бўлса, худди шу зайлда Темур аскарлари билан қўшилиб кетдилар. Тоторлар улар (турклар) аскарларининг мустақкам қисми бўлиб, Ибн Усмон аскарларидан ошиқ ва аксар эдиларки, ҳатто айтишларича, тотор жамоалари ушбу сонсиз-саноқсиз турк аскарларининг учдан иккисига яқинини ташкил қилганлар; балки айтилишича, ушбу оломон Темур қўшинининг учдан иккисига яқин бўлган⁹³⁷. Ибн Усмон билан биргача унинг фарзандларидан ҳам бўлиб, уларнинг энг каттаси амир Сулаймон эди⁹³⁸. Сулаймон тоторлар феълани кўргач, отасининг ҳалокатга учрашини пайқади. Шунда у аскарларининг қолган қисмини олиб, жанг майдонидан чекиниб, орқада қолди ва отасини танг аҳволда ташлаб, ўзи билан бирга бўлган (киши) лар билан Бруса томонига ажралиб кетди. Натижада, Ибн Усмон билан фақатгина пиёдалар ва уларнинг яқинлари ва «озчиликни ташкил қилган»⁹³⁹ билан қуроли жангчилар қолди. Агар қочса талоқ воқеъ бўлишидан қўрқиб, Ибн Усмон қолган ҳамроҳлари билан урушишга бел боғлади. У бу маъракасию такрорий жангида Антаранин⁹⁴⁰ мана ушбу айтганини ўзида мужассам этди:

Мен сени эслайман, гўё найзаларинг қонимдан ютаётган,
ялтироқ ҳинд қиличларинг қонимни тўкаётган,
мен қиличларни ўпишни хуш кўраман, чунки улар кулиб
турган лабингдан ялтираётган тишга ўхшайди.

Натижада, у (Ибн Усмон) замон ҳодисалари ва қийинчиликларига чидади ва имом Малик мазҳабига вафо этишни ирода қилиб, ундан воз кечмаслик йўлини тутди. Шунда унинг атрофини гўё билакузук билакни сиқиб олгандек (Темур) қўшинлари ҳалқаси ўраб олдилар. Қачонки усмонийлар сулоласининг мағлубиятга учраганлиги аён бўлиб, унинг муҳтожлик лашкари ичидан қийин аҳволга тушгани маълум бўлгач, пиёдалар отличлар устига сакради, болталар ва ўткир қиличлар ишга тушди. Шу жанг майдонида тахминан беш минг киши бор эди, улар ўзларига тенг миқдордагини тўзатиб, ўз ададларига баробарини ҳалок этдилар. Лекин улар елпигич билан қумтепаликларини кўчирмоқчи ёки денгиз сувини ғалвир билан бўшатмоқчи ёки тоғлар вазнларини мисқол⁹⁴¹ қийротлари⁹⁴² билан ўлчамоқчи бўлган кишидек бўлдилар. Улар ўша тоғлар чўққила-

рига ва ушбу шерларни тутиб турган далаларга қора булутдан тўхтовсиз қонли яшинлар ва қора найзалар ёмғирларини ёғдирдилар. Қадар адоватчиси ва қазо сайёди кўппакларни сигирлар устига олқишлади. Ибн Усмон аскарлари йиқилиш билан йиқитиш ўртасида қолдилар. Улар қазода баралла тешиб ўтувчи ўқ ҳукми билан мазруб бўлгандиларки, ниҳоят улар типратиконлар каби бўлдилар.

Жанг сабоқлари ушбу («гуруҳлар»⁹⁴³ ўртасида «чошгоҳдан»⁹⁴⁴ «асргача»⁹⁴⁵ давом этиб, «Темур»⁹⁴⁶ «тўдалари»⁹⁴⁷ «фатҳга» кўчиб, румликлар устида «ан-Наср»⁹⁴⁸ («Ғалаба») сурасини тиловат қилдилар.

Кейин, қачонки у (турк) ларнинг билаклари чарчаб, душманга қарши тўсқинлик ва қурол-яроғлари камайгач, уларга узоқ юртдан келганлар ва ғариб кишилар (Темур одамлари) ҳукмрон бўлиб, уларни қилич ва найзалар билан уриб янчдилар, уларнинг қонлари билан кўлларни, танлари билан водийларни тўлғиздилар. Ибн Усмон ўлжа тушиб, қафасдаги қушдек тутқунликда қолди. Бу ҳодиса Анқара шаҳридан бир милга яқин жойда, 804 ҳижрат йили зу-л-ҳижжа ойининг йигирма еттинчиси (28 июль 1402 йил) чоршанба кунида бўлган эди. Аскарларнинг кўп қисмини чанқоқлик ва мадорсизлик ҳалок қилди, чунки (ўша куни) йигирма саккизинчи таммуз (июль) эди.

БҮЛИМ

Амир Сулаймон Ибн Усмоннинг қароргоҳи бўлган Бруссага келиб, у ерда мавжуд хазиналар, мол-дунёлар, хотин-халажлар, болалар ва нафис, қимматбаҳо бойликларни эҳтиёт қилиб, уларни денгиз⁹⁴⁹ орқасига кўп жойларни ўраб олган Адирна қуруқлигига кўчириш билан машғул бўлди. Бу денгиз Миср денгизидан⁹⁵⁰ ирмоқлангандан кейин Дашт ва Курж ерлари томон йўл олувчидир. У (денгиз) билан Қулзум денгизини Черкас тоғи ажратиб туради.

ИБН УСМОН АҒДАРИЛГАНДАН КЕЙИН ҲАР БИР ЖОЙУ РАБОТДА ВОҚЕЪ БҮЛГАН ТОПТАШ БАЕНИ

Рум мамлакати бошига бу аянчли иш тушиб, унинг жуссалик аскарининг жисмлари шиддатли зарбаларга дучор бўлгач ва машъум қўшин уларни ҳалокатга кел-

тириб, ўша воқеа субҳида фироқлик хабарини келтирувчи қарға қағиллаб, (шу воқеа) кечида бойқуш қаққақлаб, қазо ва қадар имоми (бу воқеа) унсининг меҳробида туриб, мамлакат жамоатига «Алм румлилар мағлуб бўлди»⁹⁵¹ (оят) ни тиловат қилган вақтида Румлиларнинг бошлари ва пешоналари қуйи бўлиб, қўрғону қасрлари зилзилага тушди, узоқ ва яқиндагилари титрадилар, итоаткору исъёнкорлари ҳайратда қолдилар. Натижада, улар эшак қочинини қилиб қочдилар. Улар ўз аҳли-аёлидан, Ватанидан, мол-дунё ва ҳаётидан умидларини уздилар, чунки улардан бошлари кетиб, ораларида шиддатга қарши турувчи (кимса) қолмаган эди. Қачонки амир Сулаймоннинг ўз бағрига одамларни йиғиб, денгизни кесиб ўтиб, Адирна қуруқлигига ўтишга азм қилганини эшитгач, водийлар ва тоғ этакларидаги (одам) лар унга томон селдек оқиб келдилар ва бу чексиз балодан халос бўлишда унга (Сулаймонга) таяидилар. Шунда амир Сулаймон Истамбул аҳли билан битим тузиб, улар билан иноқлашди ва бир-бирларига хиёнат қилмаслик тўғрисида аҳду паймон қилиб, уларга муҳлат берди; кейин амир Сулаймон улардан икки бўғоз — Калиполи ва Истамбулдан ўтиб ўзига (қўшимча) мадад келтиришларини сўради. Чунки бу икки денгиз учун шу икки бўғоздан бошқа қуруқликка чиқадиган яқин йўл ва ўтадиган (қулай) жой йўқ эди, чунки Искандария денгизи Антиохия ва Алаяни ўз ичига (қамраб) олгандан кейин Рум ерлари томон бурилади ва Шимол ерларига етишидан олдин уни тоғлар ўраб олади. Шу зайлда у торайишда давом этиб, икки қирғоқ орасидаги масофа позиклашиб бориб, ниҳоят икки қирғоқ бир-бирини кўриб туради ва лабларининг бир-бирига шивирлашишига озгина қолади. Бу икки қўшиладиган жой орасидаги масофа тахминан уч кунлик йўлдир. Кейин у кенгайиб, бағрини очади ва қувнаб, бемалол ёйилиб кетади, шунда унинг мавжлари гуруҳлари доирасимон бўлиб ғужланади. (Кейин) улар Дашт ва Курж ерларига қараб югуриб, ниҳоят, зикр қилинганидек, Черкас ерларига бориб етгунга қадар давом этади. Энг доно файласуф ва энг қув муҳандисдан биронтаси ҳам бу тор жойда, бу иккала бўғозга ўтиш учун учинчи бир (ўтар) йўлни топшга ожизлик қилган. Энди эса Калиполи қўлтиғи мусулмон маллоҳларининг, Истамбул (қўлтиғи) эса дин ғанималари — христианларнинг қўлидадир. Истамбул қўлтиғи бу иккала қўл-

тиқ ичида энг каттаси ва кенгроғи бўлиб, христианлар унинг маллоқлари эдилар. Шунда одамларнинг кўп қисми у қўлтиққа йўл олиб, унга томон оға бошладилар. Натижада, франклар шодликдан қанот қоқиб, ноҳақликга бўй чўздилар ва мусулмонлар қонини тўкиб, уларнинг ҳарамларию мол-дунёларига эгалик қилиб, жавлон урдилар. Шунда Ибн Усмон уни ҳисор қилиб олганда, унинг бутун қишлоқлари ва атрофларини вайрон қилиб, ҳалокатга маҳкум этган ва унинг аҳлига фаровонлик жараёни йўлларини торайтирган эди. Ана шундай «сел ўзининг юқори чегарасига етган»⁹⁵² ва «камар кўкракдан ошиб кетган»⁹⁵³ ҳамда ҳар бир ёмонлик ўз тигини франкларга тиққан бир вақтда, бирдан Темур келиб, уларга шиддатдан кейин осойишталик келтирди⁹⁵⁴. Ибн Усмон эса заруратдан улардан узоқлашди. Бу билан франкларда эркинлик ва омонлик ҳосил бўлиб, бу ҳолат мусулмонларнинг уларга эҳтиёжи (сабаби) дан янада зиёда бўлди. Улар душмандан (Темурдан) нажот тилаб, уларнинг олдиларига ўзларини ташладилар ва ўзларидан ғуссалари кетгач, мусулмонлардан қасос олиш фурсатини ғанимат билдилар. Шунда улар кемаларни одам ва юклар билан юклаб, улар билан Истанбул томонга қараб юра бошладилар. Истанбул тоғ тепаларининг орқасида бўлиб, чўққилардан бирининг орқасига қия оққан ҳолда жойлашган эди. У дунёнинг энг катта шаҳарларидан (бири) бўлиб, ҳатто айтадиларки, у (бу) дунёнинг Улуғ Қустантиниясидир. Ҳар қачонки, улар ўз кемаларида тепалик орқасига бурилиб, бу қирғоқда турган кишининг назаридан ўша салобатли тепалик панасига яширинганларида, улар гўё гўрларга туширилган, лаҳаду қабрлар қаърига ташланган ўликлар каби бўлардилар. Улар қаерга бораётганларинию қайси чақирувчига қараб кетаётганликларини ҳам билмасдилар. «Барру Саломат ва ислом» гами⁹⁵⁵ ёки Дорул харбгаю⁹⁵⁶ нодон кофирлар асоратигами? Кейин улардан кетганлари кетавердики, «улар васият (қилиш) га ҳам улгура олмас ва ўз аҳлига ҳам қайтмас эдилар»⁹⁵⁷.

Лекин қачонки бўш кемалар қирғоққа етиб келганда, бу халойиқдан ҳар бири комилу, бор жидди жаҳд билан, бошига нима воқеалар содир бўлишинию ҳоли не кечишини билмасдан туриб кемаларга ёпишарди. Ўзларининг кўр-кўрона қадамлари ва улкан кулфатлари билан улар худди «Қалила»⁹⁵⁸ китобида зикр қилинган

оқ қўтон ва балиққа ўхшаб кетдилар. Хулласи калом, бу ҳисобсиз қора қарғадан оқ доғчаси бўлганлари, яъни ғоятда озчилиги соғ-саломат қолдилар. Дин ғанимлари мусулмонларга истаганларича ситам қилдилар. Амир Сулаймон денгизни кесиб ўтиб, ўша қуруқликни эгаллади, ундаги ерларни забт қилиб, йўлларини боғлади. У қуруқлик бу кярғоқдан кўра кенгроқ, унинг ўтлоқлари бунга нисбатан ёйиқроқ, ҳосили сероброқ, унинг аҳолисидан келадиган даромади мўлроқ, харжу хирожи зиёдроқ эди. Унинг қўрғонлари мустақам ва каттароқ бўлиб, пойтахти Адирна шаҳридир. Натижада, одамлар амир Сулаймон атрофига йиғилдилар; умуман айтганда, ишлар бир оз осонлашиб, енгиллашди.

ИБН УСМОННИНГ УҒИЛЛАРИ ВА ҚАЙ ТАРИҚА ЗАМОН УЛАРНИ ТЎЗИТИБ, ТУГАТГАНИ⁹⁵⁹ БАЕНИ

Мазкур султон Боязиднинг ўғил фарзандларидан (зикри ўтган) амир Сулаймон (бўлиб) — у уларнинг энг каттаси, Исо, Мустафо, Муҳаммад ва Мусо эса энг кичиги эди⁹⁶⁰. Улардан ҳар бири ўзига бошпаноҳ излади ва ҳар бирига отасидан ажралиб пок, сидқидил тоифа келиб қўшилди. Натижада, улардан Муҳаммад ва Мусо Амосия қалъасида бўлдилар. У баланд ва исёнкор Харшана⁹⁶¹ (шаҳри) бўлиб, у ҳақда Абу Таййиб (ал-Мутанаббий) шундай деган: «Ниҳоят у Харшана деворлари устида эканида Рум, салиб аҳли бутпарастлар ва оташпарастлар ундай шақоват кўрдилар. Уларнинг ниқоҳга олганлари ўлжа, болалари асир олинди; зироати куйдирилиб, жамлаган (бойлик) лари таланди»⁹⁶².

Унинг қалъасининг чўққиси бағоят баланд бўлиб, у гўё фалак қуббасида муаллақдир: ўзга қалъалар юқорисига чиқишдан кўра ундан тушиш анча мушкулдир. Унинг аҳли бу қалъани Рум Бағдоди деб атайдилар, чунки унинг замини қарори ўртасидан катта бир дарё тақсим қилиб ўтади. Агар сайр жадаллик билан бўлса, Тўқот билан унинг ораси бир кунлик йўлдир.

Аммо Исо қалъалардан бирида яшириниб, то ўз акаси амир Сулаймон томонидан қатл этилгунча унда қолди. Сўнгроқ, Исо учун (қасос олиб), амир Сулаймонни Мусо қатл қилди. Ҳаммасидан кейин Муҳаммад Мусони қатл этди. Натижада, Муҳаммад фармонлари Мусо ва

Исонинг йўл-йўриқлари асарларини 824 (1421) йилнинг бошларида ўз ажали билан вафот топгунга қадар, бекор қилди ёки у Малик Муайяд⁹⁶³ (юборган) ҳадялари ичида Кўчқор томондан солинган бир нарсадан ўлди. Шундан кейин подшоҳлик унинг қўлидан ўғли Мурод⁹⁶⁴ қўлига ўтдики, у шу кунларда, уъни 840 (1436) йилда подшоҳликда мустақилдир. Аммо Мустафо эса, дом-дараксиз ғойиб бўлиб, ўттизга яқин Мустафо (исмли кишилар) унинг дастидан қатлга тортилди.

ТЕМУРНИНГ АВВАЛ ЗИКР ЭТГАН ИМИЗ ИШЛАРИ ВА ҚУЛФАТЛАРИГА ҚАЙТАМИЗ

Ибн Усмонни қўлга олгач, Темур ўз қўшин ва бошлиқларидан бир тоифани Брусга отлантириб, уларни Шайх Нуруддинга қўшди⁹⁶⁵. Кейин ўзи ҳам уларнинг изидан салобатли виқор ва бамайлихотирлик билан йўлга тушиб, унга етиб келди ва қазою мубрам кўнгандек, у ерга кўнди ҳамда Ибн Усмон жамоаси, унинг ҳарами, мол-дунёси, хазиналари, мулозимлари ва хизматкорларидан қўли етганича забт қилиб олди. Темур тотор амирларю бошлиқларига хильятлар кийгизди ва улар нафсларини хушлаш билан хотирларини жам қилиб, (уларнинг) амирларини ўз амирлари орасига тарқатди. Улардан ҳар бир белни ўз бошлиқларидан бир бошга қўшди ва ўз одамларига тоторларга бағоят имкон билан меҳрибонлик ва хушфеъллик билан муомала қилишларини тайинлади. Ўзи эса ўзининг эски йўлидан, — яъни нафисликларни холис қилиб олиш, хотинларни асир қилиш, одамларни ов қилишдан — юрди. У ҳар кун Ибн Усмонни ўз ҳузурига чақиртирар, унга лутф ва такаллуф билан муомала қилиб, ҳамдардлик билдирар, (баъзан эса) масхара қилиб, унинг устидан куларди⁹⁶⁶.

ИБН УСМОНДАН ТЕМУР ОЛГАН БИР ҚАСОС БАЕНИКИ, ЎЗ ҚАБИҲ СИФАТЛАРИ БИЛАН У ДУНЁ БОРИЧА (МАВЖУД) БИР ҲИКОЯТДИР

Кунлардан бирида Темур оммавий бир мажлисда ўтириб, шодлик қанотини хосу авом устига ёйди ва наҳю амр бисотини йиғиб, шароб ва ўйин-кулги дастур-

хонини тўшади. Қачонки ушбу макон одамлар билан лиқ тўлгач, Темур Ибн Усмонни тезлик билан чақиртирди. У (Ибн Усмон) юраги титраган, ўз қайдларига боғланган ҳолда келди. Темур унинг қалбига таскин бериб, ваҳимасини кетказди ва уни яхши жойга ўтқазиб, ўзининг хушмуомалалиги билан (унинг) ғамгинлигини енгиллатди. Кейин Темур шодлик фалакларини айланттиришга буюрдики, фалаклар айланди, (шунингдек) ҳамр қуёшларини, соқийлар қадаҳлари машриқидан лаблар мағрибига томон сайр қилншларини (амр қилди), улар ҳам сайр этдилар, қачонки соқийлар қуёшларидан ситралар булутлари кўтарилиб, шу ишрат (мажлиси) самосида Темур фармонлари юзага чиқиш ва (тўлин ойдек) кўринишларини қўзғайтган юлдузлар айлангач, Ибн Усмон назар солса, (мавжуд) соқийлар ўзининг жориялари, уларнинг кўвчилиги ўзининг хогинларию чўрилари эди. Шунда унинг кўз олдида дунё қоронгилашиб, у бу аҳволдан ўлими хархашалари аччиғини ширин билди. Унинг қалби парча-парча, дили пора-пора бўлди, ғамига ғам қўшилиб, жигари парчаланди; унинг оҳ-войи ошиб, ҳасрати неча ҳисса кўпайиб, жароҳатлари янгиланди, яралари қайтадан тимдаланди, унинг қайғуси жароҳатларига азият найлари орқали туз себилди⁹⁶⁷.

Ибн Усмонга кўрсатилган бу интиқом унинг ўз мактубларида хотинларни тилга олиб, қасамёд қилганлиги сабабидан эди. Чунки, (аввал) зикр этилганидек, хотинларга тил тегннш чигатойликларда ва турк қабилаларида энг катта гуноҳ бўлиб, оила ҳақиға қилинган хиёнатдан ҳам азимдир. Шунингдек, бу (иш) Ибн Усмоннинг Арзинжонда Таҳартон хотинларига нисбатан қилган ишлари учун «мукофот» эди. (Лекин) Темурнинг Ибн Усмонга етказган энг катта азияти, унинг қарамонийлар⁹⁶⁷ авлодларига кўрсатган эҳсони бўлди. Бу шуки, бундан олдин Ибн Усмон Қарамон ерларини эгаллаб, унинг мутаваллийси султон Алоуддинни қуршаб, уни тутиб қатл қилган⁹⁶⁹ ва унинг ўғиллари Муҳаммад ва Алини эса Бруса ҳибсига кўчирган эди. Улар иккаласи унинг ҳузурида шиддат ва уқубатда эдилар. Ниҳоят, бу аҳвол Темурнинг уни (Ибн Усмонни) ҳибсга олиб, уларни озод қилгунча давом этди. Темур (ҳибсдан) чиқариб, уларга хилъатлар кийгизди ва инъом-эҳсон кўрсатиб, ўзлари муносиб мартабага қарор топдирди⁹⁷⁰. Бу Алига муҳаббати учун эмас тангри унинг

юзини кароматли қилсин, лекин Муовияга нафрати юзасидан қабилида иш бўлди. Мен дедим:

«Алини дўст тутувчи (киши) Муовияни рад қилмади, балки Муовия Язидни тарбия қилганлиги учун Муовияни рад қилди. Яна биров деган:
Уни севгани учун унга меҳрибонлик қилаётгани йўқ,
лекин бошқа бир гуруҳни ёмон кўргани учун унга меҳр кўрсатяпти».

Мен бадохатан дедим:

Душманларим душманга садоқат кўрсатаман,
гарчи мен билан улар орасида дўстлик бўлмаса ҳам,
Менга дўст кўришиб, душманлик қилувчини ёмон кўраман,
Гарчи мен истаганча мақтовлар кўрсатса ҳам.
Чунки менинг душманим ранжисин, дўстлиги мени
шодлантирадиган киши шодлансин.

Бу амир Муҳаммад шу (киши) ки, уни фасодкор туркмонларнинг амира Амир Носируддин Муҳаммад ибн Далғар қўлга олган, ўгли Мустафони қийнаб ўлдириб, ўзининг қўл-оёғини боғлаб, ал-Малик ал Муаядга юборган эди. Бу (воқеа) 821 йилнинг ражаб (1418 йил, август-сентябрь) ойида юз берганди⁹⁷¹.

ИСФАНДИЁРНИНГ ТЕМУР ҲУЗУРИГА КЕЛИБ, ИТОАТ ИЗҲОР ЭТИБ, ҚУЛЛУҚ ҚИЛИШИ БАЁНИ

Шу пайт амир Исфандиёр ибн Боязид — у Рум подшоҳларидан бири бўлиб, салтанатда мустақкам қасрга эга эди ва ҳокимиятни отасидан мерос олиб, мустақил амр юритарди. У билан усмонийлар подшоҳлари ўрталарида меросий адоват ва нафрат бор эди. Унинг ҳукми остида бирмунча шаҳар ва қалъалар, текислик ва тепаликлар жорий эди. Шулар жумласидан «Ошиқмаъшуқлар ороли» деб лақаб олган Синоп⁹⁷² шаҳри бўлиб, дунёнинг турли бурчакларида унинг зарофатидан афсоналар ривоят этадилар. Бу шаҳар денгизнинг бўғизида, катта бир оролда жойлашган бўлиб, унга кириш йўли ғоятда мушкулдир. Бу оролда бир тоғ бўлиб, у соҳибжамолнинг (орқа ўгириб ётишидаги) думбала-

ридан ҳам ҳусндор бўлиб, энг хипча белдан ҳам нозик ўтиш жойига туташган эди. Бу шаҳар Исфандиёрнинг таянган ва ишончли макони, хазиналарини сақлайдиган паноҳ жойи бўлиб, иблисдан кўра ҳам бўйсунмайдиган (даражада) қайсар, фақир бўлиб қолишдан қўрқадиган бахил (киши) қўлидан кўра ҳам қаттиқ эди. Шунингдек, (унинг шаҳарларидан) Қастамония⁹⁷³ бўлиб, мулкининг тахти ва кемалари учун денгиз (бандаргоҳи) эди; шаҳарларидан яна бири Самсун⁹⁷⁴ бўлиб, мусулмонларга тегишли денгиз қирғоғидаги бир қалъа эди. Бунинг муқобилида эса жинояткор насронийларга қарашли шунга ўхшаш бир қалъа бўлиб, улар иккаласи бир-биридан тош отиш масофасича ҳам эмасди. Бу иккала қалъа доимо бир-биридан ҳазарда турардилар. Булардан ташқари ҳам унинг водий ва (тоғ) чўққиларида қасабалари, қишлоқлари ва қалъалари бор эди.

Қачонки Исфандиёрга қарамонийлар авлодлари ва тоторлар Қорайлук ва Арзинжон ҳокими Таҳартон, Кармиян мутаваллийси амир Яқуб ибн Алишоҳ ва унинг томонига юз тутган Мантошо ва Сарухон ҳокимларига нисбатан доғули Темур қилган ишлар (хабар) етиб, унга бўйсуниб, амрларига итоат ва самъ билан тиз чўққанларни у безовта қилмаслигини эшитгач, Исфандиёр ҳам Темур ҳузурига бориб, унга қуллик қилишга шошилиб ҳозирлик кўрди. Сўнгра у олий даражали туҳфалар ва қимматбаҳо армуғонлар билан Темур ҳузурига ташриф буюрди⁹⁷⁵. Темур уни севинч билан қарши олиб, суруратга тўлиқ ҳолда унга муомала қилди ва Ибн Усмонга кек қилиб, Исфандиёрни ўз мартабасида барқарор этди. Кейин Темур Исфандиёрга, қарамон авлодларига ва ўзига итоату изъон тамғаси билан тамғаланган ўша теварак-атрофдаги амирларга Маҳмудхон ва улуғ амир Темур Курагон номи билан хутба ўқитиб, пул зарб қилишларини амр этди. Улар Темур фармонларига амал қилиб, у ман қилган (иш) лардан ҳазар қилдилар. Шу билан улар ғароту мусодарадан амин бўлдилар. Зикр қилинган Исфандиёр ғоят ёши улгайиб, 843 йилнинг ойларида (1439—1440) вафот этди. У Темур ҳузурига келиб итоат билдирган подшоҳларнинг охиргиларидан эди. Ундан кейин (унинг) ерларига ўғли Иброҳимбек эгалик қилди. Иброҳимбек ва унинг биродари Қосимбек ўртасида мушожара воқеъ бўлиб, Қосим малик Мурод ибн Усмон томонига ўтиб кетди. Лекин аввалу охир ҳамма ишни тангри билади⁹⁷⁶.

БУЛИМ

Кейин Темур Ибн Усмон ва ўзгаларга тегишли қим-
матбаҳо бойликларни чиқариб, Рум подшоҳларига ме-
рос тариқасида теккан ва ўзлари касб этган жавоҳир-
лари, асл буюмларни тўлиғича ўз хазинасига тўплаб
олиб, Мантошо вилоятларида қишлади ва Мантошо
(бойликларни) дареларига ўз тасарруфи баҳсларини
хоҳлаганича юргизди ва унинг энг узоқ жойларигача
бориб етди. У ўлжалардан бешдан бир (қисм) ини олиш
баҳсини ўртага қўйиб, шу масалани кескин ҳал қилди.
Унинг қўшинлари Мантошонинг ҳар бир бурчакларига-
ча сочилди. Унинг ерлари денгизларидаю баланд тоғ-
лари чўққиларидан то чуқурларининг қаъригача шўнғи-
дилар. Бири унинг пешонаси тоғларигаю кокиллари
чўққиларига чиққан, иккинчиси унинг дарвозалари қу-
лоқларига осилган, яна бири уйлари этакларига ёпиш-
ган, иккинчиси унинг кўкраклари кифтларига миниб
олиб, ўша орқали Мантошо соҳилларига тушган, қай
бири Мантошонинг кўриниб турган рухсорини ўз саёқ
оёқлари билан топтаган ва бойликлар булоқлари елка-
ларини излаган ва кўзини қувонтириш учун Мантошо
аҳли димоғининг миясини кавлаган ва уни кутувчи киши
бўлмаганлигидан кучи етганича бир қўллаб ва икки
қўли билан кўзда тутган нарчасига эришган, қай бири
Мантошо (аҳли) кўкрагининг дўппайиб чиққан жойига
ёпишган ва уни орқаси билан йиқитиш учун бошларига
ва юзларига чиққан, ман қилувчи бўлмагач, зулм бар-
моқларини то билакларигача ва тирсақларигача чўзган,
қай бири фасод қадамлари билан (Мантошонинг) мағ-
риби қоринларию машиғи сонларини паймоллаган.
Улар бошларни жудо қилдилар, томоқларни кесдилар,
бўйинларни уздилар, билакларни бўлдилар, жигарлар-
ни ёндирдилар, юзларни бадбашара қилдилар, кўзлар-
дан дурларни оқиздилар, кўриш хоссаларини йўқотди-
лар, тилларни гунг, қулоқларни кар қилдилар, бурун-
ларни кесдилар, оғизларни бўлаккладилар, кўкракларни
янчдилар, белларни букдилар, умуртқа поғоналарини
майдаладилар, киндикларни ёрдилар, қалбларни эрит-
дилар, ичакларни ағдариб ташладилар, қонларни оқиз-
дилар, фаржларни яланғочладилар, нафс-балоларини
ўз ҳолича қўйиб юбордилар, одамларни ҳалок қилди-
лар, кишиларни куйдириб, жонлиларни жонсиз қилди-
лар. Уларнинг ёвузликларидан Рум раияларидан на

учдан бири, на тўртдан бири ҳам қутула олмади. Рум жамоалари бўғилган, оёқсизланган, йиқилган, бир-бирини сузиб ўлдирган ва йиртқич ҳайвонлар еб ташлаган ўлимтик ҳолида улар орасида қолдилар⁹⁷⁴.

ИЗМИР ҚАЛЪАСИНИНГ ФАТҲИ ВА УНИНГ ИУҚ ҚИЛИНИШИ. БУ ҚАЛЪА АЖИБ СУРАТИ ВА ВАСФИДАН БИР ШИНГИЛ БАЕН

Темур Измир қалъасини ҳам ҳисор этди. Қалъа денгиз ўртасидаги бир қўрғон, уни олиш амри маҳол эди. (Измир, касрали «ҳамза», нуқтали «зо», касрали «мим» ва сукунли «йо» ва нуқтасиз «ро» дан иборатдир). Ҳақиқатан ҳам бу қалъа денгизлар орасида ўралган бўлиб, маноати ва исёнкорлиги билан ўз жазманининг қалбида ўт ёқарди. У Жибал қалъалаларидан кўра ҳам бўйсунмайдиганроқ бўлиб, от ёки одам ёрдамида қўлга киритишдан йироқ эди. Темур уни олиш учун хилма-хил муҳосара усулларини тайёрлади ва 805 йил жумод ул — охирнинг ўнинчи, (1403 йил, 5 январь) чоршанба кунда, Рум йили конун ул-аввал (декабрь) ойининг олтинчи кунда⁹⁷⁸ (Темур) бу қалъани қўлга киритди. У қалъа улуғ (киши) ларини қатл этиб, хотинлари ва кичикларини асир олди; ўликлар таналаридан жомеълар бино қилиб, уларнинг бошларидан мивора ясади. Кейин (қалъада) мавжуд бойликларни шилиб олиб, қалъани фақир ҳолга келтирди, қимматбаҳо бойликлардан уни холи қолдириб, хонавайрон этиб, бўм-бўш қилди. Темур қалъадан олтину кумушларни батамом олди. Бу ишлар билан башоратлар қанотларини қоқиб, ўз гумонича бу (хуш) хабарлар билан бутун ер юзига энг бахтли фол билан ғоятда тез учадиган қуш учирди.

**ТЕМУР РУМ ЕРЛАРИДАЛИГИДА НИМАЛАР
ҚИЛГАНИ: УНИНГ ХИТОЙ ЕРИГА (ЮРИШГА)
РАҒБАТИ; ТУРК ВА ЖАТО ЕРЛАРИНИ ХОЛИС
УЗИНИКИ ҚИЛИШИ; УЗИ ҒАРБДА МАШҒУЛ
БУЛА ТУРИБ МУҒУЛ ВА БОШҚА ШАРҚ
ВИЛОЯТЛАРИНИ БАТАМОМ УЗИНИКИ
ҚИЛИШНИ ФИКРЛАШИ; ҚАНДАЙ ҚИЛИБ
ҚАЗОЮ МУБРАМ (УЗ) ТУШИШИ БИЛАН
ТЕМУРГА ИНОДЛИК КЎРСАТИБ, УНИНГ
ҚАЛБИГА УТ ҚЎЙИБ ЕНДИРИШИ; ЗАМОН
УНГА ҒАДДОРЛИК ҚИЛИБ, МАҚСАДИГА
АҚСЛИК КЎРСАТИШИ БАЕНИ. БУ
(ҚЎЙИДАҒИ) ЖУМЛАЛАРДАН МАЪРУЗА
СИФАТИДА**

Аввал зикр қилинганидек, Темур Самарқанддан на-
бираси Муҳаммад Султон ва Амир Сайфуддинни бир
гуруҳ одамлари билан чақиртириб олган эди. Бу Му-
ҳаммад Султон фозилларга таянч, олимларга ҳомий
бўлиб, саодат куртаклари унинг пешонаси бутуқларида
очиқ-ойдин кўриниб турар, пок-покизалик башоратлари
унинг юзидаги суруратдан яққол сезилар эди. Мисра:

Бешиқда бобосининг шуҳратидан сўзлар эди,
саодат излари равшан далилдилр.

Сайфуддин эса аввалида Темур ҳамроҳларидан бири
бўлиб, охириги пайтда арқони давлатларидан ишончли-
си эди. Улар иккаласи Ашларани барпо қилган бўлиб,
унда наҳбу ғорат қондаларига эсос солгандилар. Аш-
пара Мўғул ва Жато ерларининг томоғида бўлиб, Темур
ҳукми бориб етган чегараларнинг энг чеккасида — Хи-
той ерларининг бошланишида (жойлашган) эди. Улар
Ашпарага Арғуншоҳ деган амирни ҳоким қилиб тайин-
лаган, унга аскар тонфалари билан мадад бериб, (уни)
мўғуллар чегарасига посбон сифатида қўйгандилар. Бу
ишларнинг ҳаммаси Темур амри билан бўлган эди. Қа-
чонки улар (икковлари) бу ишга киришганларида, мў-
ғуллар бу шубҳали ҳаракатга рози бўлмадилар. Чунки
улар агар Темур уларга қўшни бўлса, албатта у фасодга
интилишини билардилар. Унда улар Темур кулфатидан

омонликда бўлмайдилар ва унинг қўшничилигига тоқат қила олмайдилар. Шу хусусдан мўғулларнинг эс-хушлари чалкашиб, диллари сиёҳ бўлди: улар ўз диёрларини ҳоли қолдириб қочишга тайёр турдилар. Кейин чигатойликлар уларга нисбатан ўз таъмагирлигини оширди. Икки тоифадаги бебошлар (бир-бирларига) зарар (келтириш) учун тажовуз қўли ва фасод оёғини чўзиб, ҳаддидан ошдилар ва ҳаром қадаҳларини ичдилар ва қўлига тушган (нарса) ни тановул қилиб, ўз нафсини тийиб, парҳез сақлаб турмади. Чигатойликлар бу ишдан шодландиб, натижада, икки томон орасида адоват воқеъ бўлди. Бир томон иккинчи томоннинг ўтиш йўлларини тўсди. Чигатойликлар улар устига тўдалар юбориб, мўғулларга тааллуқли ашёлардан қўлларни етганларига (турли-туман) балолар ёғдира бошладилар. Мўғуллар ҳам чигатойликларга нисбатан худди шу тарзда иш тута бошладилар ва замона зайли билан ўзларидан йироқда бўлган Темурнинг келишидан хабардор бўлиб, хавф-хатарлар зимистонларига ёпишиб олдилар. Бу хабар Темурга етгач, у бу ишдан бағоят сурурланди. Кейин улар (икковлари) етук тайёргарлик, мукаммал қуроляроғ ва жанговар кишилар билан Ашларани (ғоятда) мустаҳкам қилдилар. Шулар жумласидан Ҳинд ва Мўлтон аскарларидан бир тоифа, Араб Ироқи ва Озарбайжон қўшинидан бир қавм, Форс ва Хуросон суворийларидан бир гуруҳ, Жони Қурбон⁹⁷⁹ деб аталадиган одамлардан бирмунчаси бор эди. Улар ўша жангчиларни чигатой қирғийларидан⁹⁸⁰ бир тумон билан (бирга) амир Арғуншоҳга қўшдилар. (Кейин) улар (иккаласи) Хўжандга келиб, Сайхунни кесиб ўтиб, Самарқандга кирдилар. Итоат ва ихлос қайдида бошдан-оёқ (маҳкам) боғланган Хожа Юсуф деган амирни Самарқандга ҳоким қилиб тайинладилар. Кейин улар Самарқанддан чиқиб, ушбу бағритошга қараб юрдилар. Сўнгра иккаласи ҳам — Сайфуддин Хуросонда, Муҳаммад Султон Рум мамлакатида⁹⁸¹ вафот топдилар. Набираси Муҳаммад Султон (ўлими) сабабли Темур чуқур қайғуга чўмди. Темур аскари қора (либос) кийиб, унинг учун мотам шартларини адо этдилар. Уларга қора белгилар қилишнинг ҳожати йўқ эди, чунки (улар) ўзлари беҳад қоп-қора эдилар. Кейин Темур унинг жасадини тобутга солиб, иззату ифтихор билан Самарқандга жўнатди ва шаҳар аҳлига уни овоз чиқариб йиғлаб, мотамсара бўлиб кутиб олиб, аза шартларини адо этишларини ва

фуқаролардан биттаси ҳам қолмасдан бошдан оёқ қора кийимга бурканишларини фармон қилди. Уни келтирганларида (мулоқотига) Самарқанд аҳли чиқди. Улар қорага кўмилган бўлиб, шариф ва фақир авом ва насабдор ҳам қора кийимга ўралган эдики, гўё коинот юзи зулматли кечадан бир парча (каби) бўлиб қолди. Кейин уни шаҳар ичкарасида Муҳаммад Султоннинг ўзи қурган деб машҳур бўлган мустаҳкам мадрасага дафн қилдилар. Бу 805 (1403) йилда эди⁹⁸². Қачонки тангри таоло унинг бобосини ҳалок қилганда уни ҳам — (бунинг) зикри кейинроқ келади — набираси ёнига дафн қилдилар.

БУ САИЁД ҒАЗАБИНИНГ ОЛЛОҲДОД УСТИГА КЕЛИШИ ВА УНИ МАМЛАҚАТНИНГ ЭНГ ЧЕККАСИГА СУРГУН ҚИЛИШИ БАЕНИ

Қачонки Мординдан карвон Оллоҳдод ҳамроҳлигида (Самарқанд томон) юзланиб, Бағдодни холис (ўзиники) қилишга юз қўйган Темур ундан ажралгач — Оллоҳдоднинг ўзига ўхшашлари, «тенгдошлари, ҳасадчилари, душманлари ва рақиблари бор бўлиб, — ҳасад ўз соҳибининг бўйнидаги мустаҳкам занжир, тенгқурларнинг бир-бирига ўзаро ҳасади эса (гўё) тузалмайдиган яра мисолидир. — Оллоҳдоднинг душманлари унинг ҳақиқага дашном (қилиш) учун мажол ва унинг шарафига раҳна солиш мақомига сўз топдилар. Натижада, улар унинг ғойиблиги фурсатидан фойдаландилар ва унинг гўштини тузламасдан еб, (унинг) ғийбати билан танаққул қилдилар. У ҳақида Темурга чақимчилик қилиб: унинг Шомда қилган (ёмон) ишларини зикр этиб, уни у жойда қимматбаҳо бойликлардан ҳисобсиз миқдорда ўзиники қилиб олгани, алдов йўли билан нафис нарсалардан беҳисобини ўзлаштиргани ва Шомнинг ноёб бойликларидан бениҳоят кўп қисмини эгаллаб олганини етказдилар. Ҳақиқатан ҳам айтганларидек бўлган эди. Улар билмай қолган (наrsa) лар билиб Темурга айтганларидан ҳам ортиқ эди. Натижада, улар Оллоҳдоднинг ишини издан чиқариб, Темур қаҳру ғазабини унга қарши қўзғатдилар. Бу, айниқса шундай бир вақтда эдики, биродари Сайфуддиннинг ўлими туфайли унинг қаноти қирқилган эди. Оллоҳдод улуғвор ва шавкатли

(киши) лардан бўлиб, Темур ундан хавфланар ва ундан (доимо) рижо тиларди, чунки Оллоҳдоднинг Мовароуннаҳр ерларида зоҳир бўлган хизматлари (бор) бўлиб, узоқ (замон) га боқий фикр натижалари мавжуд эди. Оллоҳдод Самарқандга етгач, Темур унинг изидан ўз фармони юбориб, унга Ашпарага бориб, наҳбу фортга тайёрланишини буюрди⁹⁸³. Бу (ниш) Оллоҳдод учун сургун каби бўлиб, уни мамлакатнинг энг узоқ бурчагига улоқтириш ва мухолифлар томогигаю инодга юз қўйганлар оғзинга ташлаш эди. Арғуншоҳ (эса) Ашпарадан Самарқандга ўтди ва токи Темур тангри лаънатига кўчмагунича Оллоҳдод Ашпарада турди. Мўғуллар Ашпара томонига катта-катта гуруҳлар юбориб, қўллари етганича уни жонли ва жонсиз молларидан наҳб қилиб, Темурнинг Ашпарадан узоқлиги фурсатини ғанимат билдилар. Оллоҳдод мўғуллардан гоят даражада эҳтиётда бўлар ва шу билан бирга, уларга қарши бўлак-бўлак қўшинлар жўнатар, макрҳийла билан улар учун чуқур ва тўлалар қазирди. Токи Темур (ўлган)дан кейин Ашпарани қолдириб кетмагунча у қатл қилиш, асир олиш, каср етказиб майдалашда давом этди. Бу ишларнинг зикри кейинроқ келади.

БУ ДЕНГИЗ МУҲИТИ ЧУҚУРЛИГИНИ КЎРСАТУВЧИ ВА УНИНГ УТКИР ФИКРИ ҒАВВОСИ ЕТГАН ЖОЙИДАН ДАЛОЛАТ БЕРУВЧИ БИР НАМУНА

Қачонки Темур Рум ерларида чодир тикиб турганида Оллоҳдодга бир мактуб жўнатдики, унда бир қадар ижмолий ва тафсилий масалалар бўлиб, унга шуларга амал қилишни ва ўша жойлар аҳволи, кайфияти ҳақида жавоб юборишни буюрди. Шулар жумласидан, ўша ерлар авзоъларини баён қилиш, у ерлар йўллари ва масоликларини яққол кўрсатиш, унинг шаҳар ва қишлоқлари, пастлик ва чўққилари, қалъа ва қўрғонлари, яқин ва узоқ (жой) лари, биёбонлари ва эгри-бугри йўллари, саҳро ва чўллари, белгили жойлари ва манорлари, сув ва анҳорлари, қабила ва уруғлари, тор ва кенг йўллари, маълум ва мажҳул жойлари, марҳала ва манзиллари, маъмур ва хароб жойлари кайфиятини (шундай) зикр қилсинки, бу зикрида у (кишига) малол келадиган сергаплилик йўлини тутиб, қисқа қилиб гапиришдан, ху-

сусан, мақсадга халал етказишдан четлансин; (яна) у ҳар икки манзил орасидаги масофани, ҳар икки марҳала ўртасидаги сайр кайфиятини ўз қудрати борича, илми ва дирояти етганича баён қилсин. Бу (маълумотлар) ҳаммаси Шарқ ва Хитой ерлари ҳамда ўша чегаралар томонидан (бошланиб) баён этилсин-да, Самарқанд томонидан Темур илми етадиган жойларни ҳам қамраб ниҳоясига етсин; (яна) Оллоҳдод шуни билсинки, бу жавоб маъноларида балоғат мақоми ўрни олсин, унда Оллоҳдод имкони борича «қўшимча сўзлар» «чўзпқ иборалар» ва «муболағалар» (ҳам) қўлласин ва ўз баёнида «дилола»дан⁹⁸⁴ ҳам равшан йўл тутсин; бу рисоласида хуфя (тутиш) йўлидан четлансинки, (мусофирлардан қолган) вайроналар тавсифи, осору излар чегараси ва илгариги яшовчилардан қолган белгилар таърифини билиб олиш бу дармана ва қайсум чайнагандан ҳам осон бўлсин.

Натижада, Оллоҳдод фармонга амал қилиб бу (нарсаларни) баҳусни ҳайъатда ва бағоят тушунарли тинчликда тасвирлади. Бу шундай бўлдики, у бир неча қаватдан иборат тоза варақлардан олиб, уларни елим билан (бир-бирига) ёпиштириб, маҳкамлади ва тўртбурчак шаклига келтирди. Қоғоз устига ушбу (Темур сўраган) нарсалар намунасини жойлаштириб, ўша маконлар жамининг суратини солиб, улардаги (ҳар бир) ҳаракатли ва турғун (нарсаларни) тасвирлади. Бу тасвирда у барча ашъёларни худди Темур буюргандек,— Шарқу Фарбинни, узоқ-яқинлиги; ўнгу чаплиги, текису тоғлигини, бўйню эни, пасту баландини, дарахтсиз ва дарахтли жойларини, осмону ерини, булоқма-булоқ, манзилмаманзил қилиб очиқ-ойдин кўрсатди. Ҳар бир макон исминини белгилаб, зикр қилди (бориш) йўлини аён қилиб, расминини чиздики, бу билан ҳар бир жойнинг фазилатию нуқсонини ҳам билдирди. Темурнинг кўзидан ғойиб нарсаларни унинг мушоҳадаси оламига қўйиб, гўёки, у Темурнинг мушоҳиди, далили ва йўл бошловчиси бўлди.

Темур Оллоҳдодга қандай қилишни тавсия қилган бўлса, ҳаммасини ўшандай адо этиб, унга (Темурга) юборди. Бу (иш) лар ҳаммаси Темур Рум ерларида юрганда юз берди.

РУМ ИШИНИ НИҲОЯСИГА ЕТКАЗАЁТГАН ВАҚТДА ТЕМУРНИНГ ТОТОРЛАРГА ҚИЛГАН ФИРИБИ БАЕНИ

Темурга Рум ерлари суви кудратдан соф бўлиб, унинг (қилган) ишларидан борлиқни ажаб қамраб, Рум аҳли ўлим қазосини адо этгач, унинг қўшини ғоратдан ўз ҳирсини қондириб, ўлжалардан Темур жўшқин сели водийси тўлгач — (шу вақт) баҳор йнгити (етиб) келиб, қиш шайхи ҳолидан тойган пайти бўлиб, саодатли султон, дин йўлида ғазот қилувчи шаҳид Йилдирим Боязид мажидли Аллоҳ раҳматидан макону мартабга топганди⁹⁸⁵. У Темур билан (бирга) бўлиб, темир қафасда кишанланган⁹⁸⁶ эди. Қайсар Шопурга (шундай) қилгани каби Темур ҳам унга қасос тариқасида шундай қилганди⁹⁸⁷. Темур Боязидни ўзи билан бирга Мовароуннаҳрга олиб кетишни кўзлаган⁹⁸⁸ эди. У Рум мамлакатидаги Оқшаҳарда Темур ҳузурда вафот этди⁹⁸⁹. Худди шу жойда Темур набираси Муҳаммад Султон ҳам вафот топган эди.

(Кейин) Темур жўнашга азм қилиб, юкларини ортиш учун боғлади. Ва тотор бош(лиқ)ларини жам қилиб — Темур уларга ўлим ва вайроналик келтириш фикрини (дилида) ўйлаган эди, — деди: «Сиз қилган хизмат учун мукофот ва сиз бажарган иш эвазига бадал берадиган пайт келди. Лекин бу ерларда туриш бизга зиёну зарар келтириб, румлилар тор жойларида истиқомат қилиш (бизга) малол келиб қолди. Бўлинглар, тезроқ поёнсиз фазога чиқайлик, марҳамати кенг саҳрода, (эр) кишилар оромгоҳи ва донолар қароргоҳи Сивос атрофларида (ушбу) замон ва макон торлиқларидан тўйиб-тўйиб нафас олайлик. Бу гуллаётган иқлим масаласини ўша ерда ҳал қилиб, шариф раъйимиз тақозосига кўра сизлардан ҳар бирингизни (лойиқ бўлганига) қарор топтирамыз, чунки ижмолий (масала) ни муфассал кўриш ва унинг тadbирию амали кайфиятида диққат билан фикр юритиш лозим; унинг (Румнинг) шаҳар ва қалъалаларини аниқлаш, қишлоқ ва овуллариини белгилаш, тумон ва иқтоъларини ҳисобини олиш, унинг (якка) одамлари ва жамоаларини (барчасини) билишимиз зарур. Қачонки бизга мужмал масалалар батафсил аён бўлиб, ишқалли ишлар очиқ-ойдин равшан бўлгач, биз сизларни бошларингиз ва идрокларин-

ғизни текширамыз, сизлар ҳақингиздаги хабарлар ва таржиман ҳолларингизни синчиклаб ўрганамиз, бошлиқларингизни жамлаб, раҳбарларингизни ҳисоблаймиз, ададингизни санаб, авлод-аждодингизни чуқур ўрганамиз, оғайни — биродар, авлодларингизни эътиборга оламыз, сизларга алоқадор кишилар ва набираларингизни назарда тутамиз. Шунингдек, румлилар ички ва ташқи кийимларини (бор-йўқларини) аниқлаб, улар еру днёрларини сизларга мерос қолдирамыз. Кейин бу масалани бошлар адади (зиммасига) юклаймиз ва бу ерлар нафис (мол) ларини жон-сонига қараб тақсим қиламыз. Кейин иззат-икром билан сизларни ўша ерларга қайтарамиз. Сизни ва бола-чақангизни (турмуш) ташвишидан халос қиламыз, чунки сиз бизларга таяндингиз. Ҳар ҳолда, биз сизнинг ҳар бирингизга нисбатан хизматига лойиқ бўлган ишни қиламыз. Биз сизга қиладиган ишларимиздан дафтарлар ва тарихлар саҳифаларида абадий барҳаёт бўладиган нақл қолади».

Тоторлардан ҳар бири ушбу (гап) дан сурурланиб, бу масалада рад мувофиқлигига таянди ва бу ишда ноҳақлик борлигини пайқамади. Қачонки улар бу ҳаракатга сокин нафас (ҳеч бир қаршиликсиз) билан мувофиқ бўлганларида, бир бирига ўхшаш бошлари адалларининг кўплигига қарамасдан, улардан (биронтасидан ҳам) шу мувофиқликка тескарилик воқеъ бўлмади. Натжидада, Темур (шу) одамлар билан Сивосга етгунча юрди.

БУЛИМ

Темур отлиқ тўдалари булутлари Сивос уфқида (яшиндек) чақнаб, (момақалди роқдек) гумбурлагач, унинг учун тотор тоифаларига қилган ваъдасига вафо қилиш (пайти) келди. У умумий бир мажлис уюштириб, кўшини малайларидан мукаммал бир тоифа ташкил қилди. Кейин тоторларнинг бошлиқ ва аслзодаларини, таянчли ва газабли кишиларини, зараридан кўрқиладиган ва зиён-заҳматидан сақланидиган кишиларини, улар шайтонларидан (иборат) исъёнкорларни ва улар устунларидан (иборат) қайсарларини (ушбу мажлисга) таклиф қилди. Темур уларни очиқ чеҳра ва ширинсухан сўзлар билан қарши олиб иззат-икром билан ўз ўринларига ўтқазди ва уларнинг имкону тамкинларини зиёда қилди. Кейин у деди: «Мен Рум мамлакати ва унинг

ноҳияларини аниқладимки, уни жами қишлоқ ва тева-
рак-четлари менга аён бўлди. Дарҳақиқат, тангри сиз-
нинг душманингизни ҳалок қилиб, у ерларга сизларни
халифа этиб қолдирди. Мен ҳам у (жой) ларни сизларга
топшираман ва ўзим сизлардан кетаман ва (сизнинг)
устингизга тангрини халифа (қилиб) қолдираман. Ле-
кин Боязиднинг авлодлари сизларни (шундай) қўймай-
дилар ва сизлар билан бу ерларда шерикликка рози
бўлмайдилар. Оталарига нисбатан қилган ишларингиз
улар билан келишиш йўлини тўсган. Тўғриси, уларнинг
отаси ўтган йўлга ўтишга сизларга йўл йўқ. Шубҳа
йўқки, улар ўз нуқсонларини тузатадилар ва (ўз) жа-
моаларини (сизга қарши) ундайдилар. Утроқ ва бада-
вий аҳлини устингизга отлантирадилар. (Уларнинг)
даъвати етган ҳар кимса уларга «лаббай» деб жавоб
беради, чунки сиз уларнинг фикрича, «макру фириб
одамларисизлар». Натижада, сизга улар йўлбарс тери-
сини кийгизадилар. Ҳар бир амру фармонни баҳона қи-
либ устингизга чўғ ташлайдилар. Сўнгра сизни ҳар то-
мондан кемирадилар, айниқса чор атрофдан сизларни
қамраб оладилар. Улар қўлларида кўпчилик қўргон ва
қасрлар бўлиб, амрлари остида (омон) қолган қўшин ва
аскар тоифалари мавжуддир. Агар сиз шу аҳволда
одамлар ўртасида тарқоқ ҳолда бўлсаларингиз, улар
гўё ҳовузда шўнғигандек сизлар қонларингизга шўнғий-
дилар. Агар сизлар ақлингизга келтирмаган ва эшитма-
ган бўлсангиз, сақлаб эшитинг:

Тарқоқ одамлар раҳбарсиз бўлсалар, улар яроқсиздирлар,
Улардан жоҳиллари раҳбар бўлса, улар раҳбарсиз бўлган.

Аmmo мен бўлсам сизга яқин эмасман ва сизларни
мудофаа қилиш учун менда қўл бўлмайди. Шу сабабдан
ишнингизнинг тартиби учун, низом жамоатингиз номози
учун имом ва шунингдек, (баъзибир) шартлар ва ру-
кунлар керакки, аввало улар амалга оширилади, вас-
салом. Бунинг энг биринчи шарти имом (раҳбар) бў-
лиши керакки, (барча) хосу авом унинг қилган ишла-
ларига иқтидо қилмоғи лозим. Кейин, бундан сўнгра
жамоа тартиби, ҳар бир кимсанинг итоат ва самъ са-
фига кириши, кейин барча ашёларни ўз ўрнига қўйиш,
бутун мансабу вазифаларни ўз аҳли қўлига топшириш,
ҳар бир хизмати сингган кишининг хизматига яраша
мартабасига етказиш, халқ фикрини битта қилиб, ягона

иттифоққа тўплашдир: агар фикрларингиз иттифоқ топиб, орзу ҳавасингиз бирлашса, болаларингиз улғайиб, душманингиз тор-мор бўлади; сизга адоват қилганларга қарши бир жон-бир тан бўлсангиз, ўзингизга мухолифлар ва душманлик кўрсатган кишилар устидан ғалаба қозонасиз. Бу, сиз томон қабиҳ қўл чўзилмаслиги учун ва сизга мухолифларингиз томонидан на макр, на мушкул бир ҳолат ноил бўлмаслиги учун бағоят муносиб иш бўларди. Бу (нарс) фақатгина сизнинг ҳол-аҳволингизга назар солиниб, от ва одамларингиз ҳолати текширилганда ва қурол-яроғу аслаҳаларингиз аниқланганда мумкин бўлади. Чунки бу зафар ва муваффақият қуролидир. Майли, сизлардан ҳар бирингиз ўз болалари ва аҳлини зикр қилсин, ўз оти ва одамини ҳозир қилиб, (ўз) қурол-яроғи ва адади, қўшини ва болалари билан келсин. Шунингдек, агар кимнинг бирор зарурияти бўлса, уни машаққатли биялмай айтсинки биз уни осон қилайлик. Агар кимки мукамаллик учун бирон нарсага муҳтож бўлса, биз уни камалига етказамиз; агар кимки бирон нарсдан дар қолса, биз уни шу нарсага эриштирамиз ва ҳар қандай қўшилиши лозим бўлган нарсани қўшамиз. Шунда кишида ишонч ҳосил бўлиб, ундан қўрқуви кетади. Энг аввал бизга ўз қуролларингизни кўрсатингки, биз уни тўлдириб, сизнинг фойдангизни қилайлик».

Шунда тоторлардан ҳар бири ўз қурол-яроғини келтириб, Темурга кўрсатди ва бу тартибли тўдага аслаҳаларини ташладилар. Қурол-яроғлар тўдаланиб, «азим бир тоғдек»⁹⁹⁰ бўлди. У тоторларга нисбатан аввал замонда Сажистон шаҳри аҳлига нисбатан қилган услубларини қўлладики, қачонки ўшанда ўша шерларнинг тирноқлари ва озиқ тишлари шилиб олинган бўлиб, у синдирувчи жасурлар ўз тумшуқ ва чангаллари билан илтиган эдилар. Темур ўз ўткир фикри тигини улар (тоторлар) ақллари ичкарасига жойлаштириб, тоторлар иззати самосининг Саммоқ ур-Ромйхи⁹⁹¹ қуролсиз бўлгач,— Саммоқу Ромйхни саъд уз-Зобиҳ⁹⁹² шилиб олган эди,— ўз ҳузурда бўлган тоторлардан ким бўлмасин уни тутиб, асирлик қайдиган боғлашни амр қилди. Кейин ўша (йиғилган) аслаҳаларни қурол-яроғ омборига олиб боришларини буюрди. Темур тотор қабилаларини ҳалокат чўғи билан ёндириб, тутунини ал-Аййуққа⁹⁹³ кўтарган эди. Бу (ҳол) тоторларнинг тинкасини қурийтиб, жигар-бағрилларини пора-пора қилди ва белларини бук-

ди: улар (ҳасрат) оловини алангалатиб, нурларини ўчирди. Кейин Темур ёлғон ваъдалар билан уларнинг хотирларини эпга келтириб, ноумид аҳду паймонлар билан улар қалбларини тинчитди. Бўяма гаплар ва ёлғон-яшиқ қилиқлар билан уларни ўзига ҳамроҳ қилиб олди. Уларнинг аҳволлари ўзгарди ва шу заҳоти Темур йўлга тушиб, жўнашга амр қилди⁹⁹⁴.

Айтишларича, султон Боязид бу ўжар (Темур) га ушбунни айтган: «Энди мен сенинг чангалингга тушдим. Биламанки, мен (сенинг) ҳалок этишингдан нажот топмайман. Сен бўлсанг бу иқлимда муқим эмассан. Бинобарин, сенга менинг учта насиҳатим бор. Бу насиҳатлар икки дунёнинг хайрлиги учун дастурдир. Улардан биринчиси шуки, сен зинҳор Рум одамларини ўлдирма, чунки улар ислом устунларидирлар. Сен дин нусрати учун авло бўлмоғинг лозим, чунки сен ўзингни мусулмонлардан деб таъкидлайсан. Букун (ҳозир) сен халойиқ ишига эга бўлиб, коинот бадани учун сен бош ўрнида бўлдинг. Агар халойиқ иттифоқлиги иноқлигига сенинг адоват қўлларинг воситасида бирор каср ва пуртур етса «ер юзасида фитна ва катта фисқу фасодлар пайдо бўлади»⁹⁹⁵.

Насиҳатлардан иккинчиси шуки, тоторларни бу дёрда қолдирма, чунки улар фисқу фасод моддасидирлар ва сен (ўзинг ҳам) улар ишига бепарво қараб, улар макрига ишонма. Ваҳоланки, уларнинг яхшилиги ёмонлигига баробар келмайди. «Рум ерида улардан биттасини ҳам қолдириб кетма»⁹⁹⁶. Агар, сен улардан қолдирсанг, улар (бу) ерларни ўз қабилаларидан иборат олов билан тўлғазиб, бу мамлакат фуқаролари кўз ёшлари ва қонларидан денгизлар оқизадилар. Чунки улар мусулмонлар ва улар ерларига нисбатан нассорийлардан (кўра) ҳам зарарлидир. Қачонки, сен (уларни) менадан қайтарганингда, уларни биродарларим авлодлари ва амакиваччалариму (яқин) қариндошларим деб таъкидлаган эдинг. Энг авлоси шуки, жамоатинг ва одамларинг сенга эргашсин-да, ўз биродаринг болаларидан (тоторлардан) ҳар қайсиси сенга:—«Амаки! Мени ҳам ўзинг билан бирга олиб кет», деб айтсин. Шундай экан, уларни (бу ердан) чиқаришда (ўзингнинг) нишонга беҳато тегадиган афкорингни ишлат. Агар сен уларни ҳибсга солсанг, шундай қилгинки, сира нажотга таъма қилмасинлар. Насиҳатлардан учинчиси шуки, харобазор қўлингни мусулмонлар қалъа ва қўрғонларига (ас-

ло) чўзма ва уларни ётиб турадиган Ватанларидан қўзгама, чунки у жойлар дин қўрғонларию у (дин) йўлидаги ғазот ва жиҳод қилувчиларнинг паноҳгоҳларидир. Бу (насиҳатлар) бир омонатки, мен уни сенинг устингга юкладим ва бир волийликки, мен уни сенинг бўйнингга тақдим».

Темур ушбу насиҳатларни ундан бажони-дил қабул қилди. Бу жоҳил инсон бу омонатларни дилига жо қилиб олиб, уларни Ибн Усмон ақлидан ортиқ билди ва тоқату имкони қадрича уларга вафо қилди⁹⁹⁷.

ЎЗ БАЛОСИ ЯШИНЛАРИ БИЛАН УШБУ БУЛУТНИНГ РУМ ЕРЛАРИДАН КЎТАРИЛИШИ БАЕНИ

Темур йўлга тушди; юришидан чан-тўзон кўтарилиб, куёш кўзи бу тўзондан хиралашди. Тоторлар денгизни қайнаб, гўёки улар тангри таоло етти денгиз билан кўпайтирган денгиз мисоли бўлди⁹⁹⁸. У (Темур) қайси қишлоққа кирган бўлса, албатта уни бузди, қайси бир шаҳарга тушган бўлса, албатта уни яқсонлаб; (ер юзидан) маҳв этди; қайси бир жойдан ўтган бўлса, албатта уни вайрон қилди, итоат ҳалқасидан ўзини четга тортган ҳар бир бўйинни йўқ қилди, қайси бир қўрғон чўққиси унга монельлик билдирган бўлса, уни емирди.

Темур Арзинжонга келгач, Усмон Қаройлукка хилъат кийгизди ва уни ўз вилоятларида барқарор қилиб, (яна) баъзи мартаба ва маконлар билан зиёда этди. Камох қалъасига волий қилиб қўйган Шамсуддинга уни тақдим қилиб, улар иккаласининг бир-бирларига қуввату таянч бўлишларини тавсия этди.

БУ АЗОБНИНГ СУВ ВА ОЛОВ БУЛИБ ҚУРЖ ЕРЛАРИ ВА НАССОРИЙЛАР ШАҲАРЛАРИ УСТИГА ҚЎЙИЛИШИ БАЕНИ

Сўнгра Темур то Қурж шаҳарларига лангар ташламагунча бу тубсиз денгиз (қўшин) билан жўш уришда давом этди. Қуржлилар (Исо) Масиҳга ибодат қилувчи қавм бўлиб, ерлари кенг бўлмаса ҳам, лекин улар қалъа ва қўрғонлар, камар ва ғорлар, тоғ ва қоялар, чўққи ва (тоғ) қирралари воситасида қўриқланиб турарди. У ма-

конлардан ҳар бири унга эришишда (қўлга киритишда) карим табиатлик кишининг хасисликни қабул қилишидан кўра ҳам исъёнкорроқ эди.

Уларнинг шаҳарларидан (бири) Тифлис (бўлиб) — Темур уни олган эди ва Таробзун⁹⁹⁹ ва Абхос¹⁰⁰⁰ — бу пойтахтликка махсус эди. Бу жойлар Темурга монелик кўрсатиб, ўз жиловларини унга топширмадилар. Шунда Темур ҳисор қилиб, улар билан жиғиллашиб адоват кўрсата бошлади. Уша жойлар жумласидан бир мағора бўлиб, эшиги тоғнинг баланд қиррасининг ўртасида эди. Бу мағора кулфатлардан тинч, фалокатлардан бежавотир эди. Унинг шифти (усти) манжаниқ яшинларидан тинч, этаги (ости) эса осилиб чиқиш илгаклари ёпишишидан кўра баланд эди. Унга кирадиган жой лайлатул-қадрдан¹⁰⁰¹ кўра ҳам хуфиёна бўлиб, унинг висолига етишишнинг амримаҳоллиги ўн тўрт кечалик ойдан кўра ҳам равшан эди. Темур унинг мусоҳарасига иштиёқлик билан киришиб, уни қамал қилишни ўз зиммасига олди. У ўз мулоҳазаси ҳандасасини ишлатиб, турли фикрлар ва васвасалардан ўйлайвериб, бир қарорга келмади. Кейин у метиндек раъйи ва пишиқ фикрини хулоса қилиб, ана шу гор устига унинг юқорисидан азоб юбормоқчи ва оёқлари билан фазога кўтарилган ушбу кабутарнинг бўйнидан сайд қилмоқчи бўлди. Шу мақсадда даббабалар¹⁰⁰² шаклида қутилар ясашларини буюрдик, гўё у (қути) лар эрларидан устун келувчи хотинларнинг шайтонлари каби бўлсин; қутиларни мустаҳкам занжирлар билан боғлаб, уларнинг ичига салобатли эркакларни ўтқазди. Қутиларни ўша (тоғ) қирраларидан тушириб, (тоғ) чўққиларидан (пастга томон) учуриб юбордилар. Улар ҳавони гўё қазою мубрам қоплагандек бутун борлиқни тўлдириб юбордилар. Тоғлар ва одамлар қуйилари титради. Уша бургуту лочинлар ҳолни кўрган ҳар бир кишиси: «Осмон бўшлиғида мусаххар бўлиб турган қушларни кўрмайсанми? Уларни тангридан бошқа ушлаб турувчи йўқ»¹⁰⁰³ деб нидо қиларди. Қачонки улар (қутидагилар) бу мағора эшигига рўпара бўлгач, куржлиларга сеҳрли ўқлар билан ҳамла қилиб, учувчи найзалар билан уларга зарба бердилар, хилма-хил аслаҳалар билан уларни қарши олиб, кенг сиртмоқ ва чангаклар воситасида жанг қилдилар. Бу бургут ва лочинлар ҳавода саф тортиб, чангал очиб, шу уяга қараб интилар, унинг тепасида гир-гир айланишиб, ундан узоқлашмасдилар. Улар пармасимон тумшуклари би-

лан у (жой) аҳли пешонасини чўқиб, чангакдек панжаларини улар ичларига ботирардилар. Форнинг қайсар бикр қизи уларнинг ўз қучоғига киришга монълик қилиб, унда бор бақувват нассорийлардан мадад сўрарди. Уша йиртқичлардан бири ҳам, гор эшигига жароҳатловчи чангал солса-да, унга ёпиша олмади. Кейин (уларга) фатҳ силкиниб, зафар секин-аста кўтарилди. У тангрига эътимод қилиб, ўз даббабасидаги бир киши орқали уяга зафар топди. Ёрдамчи қўли унга ёрдам, мададкор билагини унга мадад берди; саломатлик кафти унинг тўпиғидан тутди. Натижада, нассорийлар унинг олдига орқаларини ўнгардилар. Унинг ёлғиз ўзи тўхтовсиз уларни ҳалок этавериб, ниҳоят уларнинг қаланғи-қасанғию богир одамларини ўлдирди. Сўнгра у ўз ҳамроҳларини магоранинг ичига киргизиб, ундаги махфий нарсаларни юзага чиқарди. У (бир) кишининг исми Луҳрасб бўлиб, олтинга ҳарфлидир. Уларда иккита ҳаракатлидан бошқа (ҳаракат) йўқ, Заммали «лом», «ҳо» ва «ро» фатҳалик ва «алиф», «син» ва «бо». Учта сукуннинг бир жойга жам бўлиши форс тилида кўп учраб, туркчада ҳам мавжуд. Лекин бу ҳол унда камданкам бўлиб, кўп эмасдир.

Бу қалъалар жумласидан бир баланд қалъа бўлиб, унинг моҳияти ҳарфлари худди унинг исми ҳарфлари каби маноатидан сўзловчидир. Унинг камоли баландлиги сабабли у қалъа фатҳида «айт» ва «лаалла» («шояд», «кошки эди») боғловчилари иш бермайди. Чунки унинг исми одамлар тасдиқлашларича, «Кел, кўр, қайт»¹⁰⁰⁴, яъни «таол» «унзур» ва «иржаъ», бунинг маъноси шуки, унга келган киши назар солишдан бўлак ҳеч нарсага эриша олмайди. Унинг уч томони қалъа атрофида бўй чўзган баланд тепаликлар чўққилари устида бунёд этилган бўлиб, у (гўё) тоғлар устидаги байроқдир. Унинг тўртинчи томонидаги йўли тор бўлиб, юриш қийиндир. Бу йўл турли-туман машаққатлардан кейин бир тик қояга улашиб, у билан ўша қўрғон дарвозаси ўртасида бир кўприк бордир. Агар бу кўприк кўтарилса унга, яъни, тоғдан иборат бўлган қўрғонга этилмай йўл (батамом) тўсилади. (Оиладаги) еттишмовчилик жиҳатидан ўз болаларидан қочиб, унга чиққан ҳар бир кимса паноҳ топади. Уни Маоз ибн Жабал¹⁰⁰⁵ деб айтилса тўғри бўлади.

Темур қалъа ишн ҳақиқатини идрок этиб, унинг яширин хабарлари зоҳир бўлгач, у то ўз мақсадига эришиб,

уни фатҳ қилмагунча жўнаб кетишдан воз кечди. Қалъа яқинида на тушадиган бир манзил, на бу тугёнлик денгизни кўтариб, тутиб турадиган бир қуруқлик бор бўлиб, балки унинг атрофлари қоялар ва дўнгликлардан иборат эдики, унинг пешонаси ажинлари азоб устида азобни хуш кўрувчи эр билан келишмаган аёл юзи сингари бадбашара эди. Темур бундан, таъма қилинмайдиган (нарс) дан таъма қилиб, чодирини ўша қалъадан кўринарли ва (гаплари) эшитиладиган жойга ўрнатди. Унинг пистирмада турган шер аскарлари эса қалъага келиб-кетувчиларни навбат билан ўраб турардилар. Улар (куржлар) кундузи кўприкни кўтариб, душман жанги ва ҳисори макрларидан тинч бўлардилар. Чунки, олдин айтиб ўтилганидек, унинг (қалъанинг) атрофида уруш қилиш учун жой ва қато (қуши) уяси ҳам йўқ эдики, унда жанг қилиш мумкин бўлса. Темур одамлари кундузи унга қаратиб узоқдан кўз ўқларини отардилар ва гўё қаноатли ошиқ каби олисдан унга назар ташлаш билан қаноатланардилар. Қачонки уларни тун ўз оғушига олгач, улар ўз чодиргоҳлари томон этак шимарардилар. Чунки улар унинг атрофларида на кечаси, на кундузи (ухлаб) ором олардилар. Шунда нассорийлар кўприкни қўяр ва ўз ҳожатлари учун йўл истардилар. Қачонки Темурга¹⁰⁰⁶ қалъани оломаслик белгилари баён бўлгач, қалъа фатҳи тўғрисидаги ўз гумони орзусининг пучга чиққанлиги маълум бўлди. Гўё мен айтгандек:

Замон қисридан мақсад тугилиши, вужудга келиши
мумкин бўлмаган нарсанинг энг каттасидир.

У бу ердан жўнаб кетишга қатъий азму қарор қилди-ю, лекин унинг ориятдан¹⁰⁰⁷ қўрқди. Шу сабабли бу хусусда далил ва сабаб излади.

ТЕМУРНИНГ БУ МАНОАТЛИ ҚУРҒОННИ ОЛИШ САБАБИ ВА ШУ ОРАДА БУЛИБ ЎТГАН БАДОАТЛИ БИР ИШ МАЪНОСИНИНГ БАЁНИ

Темур аскарда икки тенгдош йигит бўлиб, улар икки ғазабнок шер (мисоли) эдилар. Улар сийрат ва сувратда бир-бирига ўхшаш, матонат ва шижоатда орала-

рида кўп фарқ йўқ эди. Улар ҳар вақт фазилатлар майдони ичра ким голиб мусобақасида жавлон уришиб, иккаласи тарозининг икки палласи сингари ва пойга майдонидаги бир-бирнга ўхшаш (бўлган) иккита от мисоли эдилар. Иттифоқо, шу орада улардан бири шердек журъатли ва бурждек жуссали бақувват бир куржлига тасодифан тўқнаш келиб қолиб, уни ўлдирди ва бошини кесиб, Темурга келтирди. Натижада, Темур унинг шаънини улуғлаб, мартабасини тенгқурларидан олий қилди. Бу (иш) унинг (бойги) тенгқурига таъсир қилиб, гўё унинг бўйин томирини кесгандек бўлди. Кейин у шундай бир иш қилиш устида фикр қилдики, бу тенгдошини пастга уриб, ўзини юқори кўтаради; унинг исми Пирмуҳаммад бўлиб, лақаби Қанбар эди. У (юқорида зикр ўтган) кўприкни пойлашдан ортиқ улур ва шуҳратли иш топмади. Натижада ягона, пок тангрига таянди ва ўзига керакли анжому-аслаҳани мукамал қилиб, кечаларнинг бирида ўз (толен) юлдузини кузатиб, ҳоли бир жойда бекиниб турди ва юлдузларга разм солиб, улар (куржлилар) устига ҳужум ва ташланиш толеиларини пойлашда давом этди. У ўша чўққиларни қаричлаб ва зиръолаб ўлчар, то зиё ўз ниқобини ташлаб, борлиқ ўз терисини шилгунча у гоҳо қорнида судралиб, гоҳо эмаклаб, юришда давом этди. Нассорийлар (кўприкни) бузиш ишларига қайтиб, уни ўрнидан кўтаришда бир-бирларига ёрдам бердилар. Пирмуҳаммад кўприкка сакраб чиқиб¹⁰⁰⁸, унинг бандларини кесди ва куржлилар устига муюлишдан туриб камондан кетмакет (шундай) ўқ уздики, уларга кўприкни кўтариш ва уни (турган) мавзеъидан қўзғаш мумкин бўлмади. Шунда куржлилар унинг устига ўқу тошларни ёғдириб, ўша самодан селдек оққан (ёмғирни) юбордилар. Пирмуҳаммад эса ўз мақсадидан қайтмай, ўлишига ҳам қарамасди ва куржлилар ўқлари ва тошларидан содир бўлаётган фармонларни «бош устига» деб (бошига ва кўзига) қабул қилар эди. У жангу жадал, олишиш ва курашишни тонг отгунча давом эттирди ва унинг қилган ишларидан коинот таажжуб бармоқларини тишлаб, еру дунё кўзини ҳайрат қамради. (Шу вақт) қалъани ҳисор қилувчилар жангни тўхтатган, Темур эса, зикр қилинганидек, (бу ердан) жўнашга азм қилган эди. Унинг чодирни баланд бир жойга ўрнатилганди. Шунда фатҳ лисони унга нидо қилиб, ғалаба жарчилари унга хитоб қилиб дерди: «Инсон, етиши сабабларини кесиб

қўйган матлабдан умидсизланма. Улар (одамлар) эшикларини қулфласалар, тангри эса унинг эшигини очади».

Кейин Темурга узоқдан қалъа эшиги ёнида қандайдир одамлар сакрашиб, қай бир тўдалар шарпалари бир-бирларини қувлаб, урушишаётгандек бўлиб туюлди. Шунда у ҳузуридагиларга: «Э мадад ва шижоат соҳибларни! Сиз кўрмаётган (нарс)а ни мен кўряпман. Менга ўхшаб диққат билан назар солингларда, кейин (ўша) тўда томонга қараб шошилиглар ва бу хабар ҳақиқатини менга келтириглар»,— деди. Улар бундан бирор хабар келтириш ва бу сирлар пардасини очиш учун узоққа тикилган ҳолда кетдилар. (Шу топда) улар чопқир йўлбарсдан кўра чопагон, югурувчи шердан кўра (тез) югурувчан эдилар. Улардан ҳар бири ўз чопишида ва адоватида «Тааббата шарран» («ёмонликни қўлтиқлаган») эди. Улар бирин-кетин ва тўда-тўда бўлиб шу аҳволда худди ташланувчи, сакровчи ва чопқир шайтонлар ва шулар мисоли бўлиб, оқиб кела бошладиларки, ниҳоят, олдингилари Пирмуҳаммадга етиб келди. Пирмуҳаммад ўлим гирдобида бўлиб, ўз оловида ўзи ёнаётган эдики, у куржлилар ўқларига нишон бўлиб, унинг (ҳаёти) жавҳари оз бўлмаса йўқ бўлаёзганди. Қачонки Пирмуҳаммад ўз тўдаларини узоқдан кўргач, тирилиб, унда жонланиш ҳосил бўлди ва титраши таскин топди. (Темурийлар) га жасорат қўшилиб, ўша кўрқоқлик ва заифлик кетди. Қачонки куржлилар кўприкни (ўрнидан) кўтаришдан ожиз бўлиб, орқаларини ўгиргач, улар кўрғонга кириб, унинг дарвозасини бекитишга азм қилдилар. Шунда Пирмуҳаммад улар билан аралашиб, кўрғонга кирди ва дарвозани бекитишга (уларга) имкон бермади. Натижада, улар уни қиличлар ва ўлим тошлари билан уриб, зарба бердилар. У бўлса мудофаадан бошқа (ҳамма) нарсани рад этиб, қаршилик кўрсатиш такрорида жидду жаҳд кўрсатар, ўзига тош тегиб ёрганини ва темир (қилич) жароҳатини сезмас эдики, гўё у худога сиғинган бўлиб, тавҳидга берилиб кетиши уни ҳамма нарсадан яланғоч қилган эди. Ниҳоят, куржларни у шерлар ўраб олиб, улар устига шижоат самосидан ғазаб яшинларидан иборат ёмғир селлари қуйилди. Кейин ўша шерлари уларнинг ёқаларига ёпишиб, чангалларидан Пирмуҳаммадни халос қилдилар. Кейин улар нассорийларни қабз қилиб олиб, уларга тегишли мол-дунёни ўлжа, хотинларини тутқун,

болаларини асир қилдилар. Пирмуҳаммадни Темур ҳузурга олиб келиб, бу иши билан унинг нимага эътиқод қилиб, мақсади нима бўлганлиги хабарини Темурга етказдилар. Улар унга етказилган, қонаб турган жароҳатларни кўрсалар, у ўн саккиз жойидан мажруҳ бўлиб, уларнинг ҳар бири оғир жароҳат эди. Темур Пирмуҳаммадга бу қилган иши учун ташаккур билдириб, унга катта ваъдалар қилди. Унинг мартабасини улуг қилиб, Табризга юборди. Унинг тўғрисида (керакли) тавсиялар бергандан кейин ноиблардан иборат амиру бошлиқларга моҳир табибларни ва тажрибали даволовчиларни йиғиб келтиришни буюриб, уларни Пирмуҳаммадни даволашга бутун жон-жаҳдлари билан киришсинлар, бутун маҳорату меҳнатларини сарфлаб, унинг муолажасида илму амални боғлаб олиб борсинлар,— деди. Натижада унинг фармонларига амал қилиб, имконлари қадрича Пирмуҳаммадни муолажа этиб, иллатини кеткиздилар. Пирмуҳаммаднинг жароҳатлари битиб, яралари аввалгидан кўра ҳам яхшироқ тузалди.

Қачонки у соғайиб ҳузурга келгач, Темур уни қўмондонларидан бири қилиб, ўз қўшин тоифаларидан бирига бошлиқ этиб тайинлади. Орқада бўлган Пирмуҳаммадни кўплардан олдинга қўйиб, уни юз (киши) га амир, минг (кишига) раҳбарга айлантирди.

КУРЖЛАРНИ ОҚСОҚЛАР ШАЙХИ ТЕМУР БИЛАН МОЖАРОСИНING ТАМОМИ

Бу қалъа ва бу мағора куржлар қалъаларининг икки кўзи, улар тоғлари тепасидаги (чарақлаган) икки маъшал бўлиб, қолганлари эса чироқлар (мисоли) эди. Улар юзларидан кўзлари ўйиб олингач, устларига кулфат тушганига ва ўзларини аза ўраб олганлигига ишонч ҳосил қилдилар. Натижада, уларнинг қувватлари бўшашиб, бандлари узилди, ҳийлалари иш бермай, уларга қиёмат-қойим бўлди. Дўзах мутасаддийлари уларни қовоқ солиб ўтказиб, соғ-саломат олиб бориб дўзахга топширди. Ғалабанинг ҳосил бўлишига Темур умидланиб, ўз азминини Курж ерларини холис эгаллашга бурди. Темур қўшинлари Куржда тарқалиб, уни ларзага солдилар, уларнинг ҳаёт кийимларини майда-майда қилиб бўлаклаб, парча-парча қилиб қирқдилар. Қурол-аслаҳа билан ўлим кафанларини тикдилар ва уларни қавиқ,

чок ва каф (енг) билан зиёда этдилар. Интиқом тили уларга: «Кўрмайсанми? Биз шайтонларни кофирлар устига юбордикки, шайтонлар уларни доимо гуноҳга ундайди»¹⁰⁰⁹, деб тиловат қилди.

ЎЗ ҚУШНИЛАРИ ШИРВОН ҲОКИМИ ШАЙХ ИБРОҲИМ ВОСИТАСИДА ҚУРЖЛАРНИНГ ТЕМУРДАН ОМОНЛИК ТИЛАБ ШАФОАТ СУРАШИ БАЕНИ

Кейин куржлар ўз ношудликларини тuzатиб, тадбирларини тикладилар ва йиртиқларини кенгайишдан олдин ямаб, (ўз) ҳаётлари ишини узилишдан олдин уладилар. Улар «омонлик», «омонлик!» деб фарёд қилиб, ўз халосликлари учун Ширвон ҳокими Шайх Иброҳимни мададкор этиб, ихтиёр қилдиларда, унинг тадбири қўлларига (ўз) жиловларини ташладилар. Гарчи у ғайри миллатдан бўлса ҳам, ўз жамоалари учун унинг имом бўлишига рози бўлдилар. Бу (муҳим) иш йўлида уни хатиб билдилар. Унинг воситачилиги берган меваларни хоҳ қуруқ бўлсин, хоҳ хўл бўлсин, ширин ҳисобладилар.

Шу пайт ёз аскарлари курж тўдалари сингари орқасини ўгирган, куз ва қиш қўшини эса Темур аскарлари сингари яқин келган эди. Кеч куз султони сув юзини сайқаллаб тозаллаган, шохлардан султонга тегишли байроқларни кўтарган, тоғ чўққиларига биллур соябонларини ўрнатган, қўл юзига кечки насим тўқимасидан довудий совутлар кийгизган эди. Натижада, борлиқдаги қотган ва унаётган мавжуд нарсалар Темур аскарлари жумласидан бўлиб, уни ҳимоя қилувчи ёки ҳимоя қилинувчи бўлган эди. Мен дедим:

Агар тангри ўз бандасига нусрат истаса,
унда душманлари унга ёрдамчи бўладилар.
Агар у бандасини ҳалокатдан қутқазини истаса,
очовидан унинг учун анҳорлар оқизади.
Ўта оқил (киши)нинг жавҳари қисқарганини кўрасан,
Унинг тикови ўрнида атир гуллар кўрасан.

Натижада, Шайх Иброҳим Темур ҳузурига кириб, унинг олдида ер ўпди ва хусровларнинг (улуғ) подшоҳларга қилган таҳияти билан уни табриклаб, ўзини энг кичик мамлук мақомида тутди. Кейин хитобга изи сў-

раб, бағоят лутф ила сўз қотди. Темур унга изи қилгач, у деди:—«Мавлоно Амир шафқатининг умумийлиги, мискину фақирга бениҳоя меҳрибонлиги, карим отифагаю баракатлик раҳматга эғалиги, бу қулингизнинг дилидаги баъзи ўйларни (Мавлоно) шариф фикрларига ҳавола қилишга жазм этди. Бу шуки, тангри таолога ҳамд бўлсинки — мақсад ҳосилу мурод ихтиёрга мувофиқ узлуксиз эришилаётир. Дўст ҳайрон, душман вайрон (дир)¹⁰¹⁰. Мавлоно Амирнинг шарқу ғарбдаги ҳайбати уни зарб ва ҳарб учун тайёргарликдан холис тутур. Шунингдек, тангри мадади ёр бўлган аскарлар ҳисобдан хориж даражада кўп, улар орасида асирлар, ҳоли танг кишилар ҳисоб-китобдан ортиқдур, хусусан, тотор жамоалариники, қайсинки бахтлари уларга орқа ўғирган ва жамоалари жаҳаннамдан жой олганлар. Уларга совуқ зарар келтириб, (улар) омадлари нақши¹⁰¹¹ «тард» ва «акс»¹⁰¹¹ ўртасида тараддудланиб қолди. Агар ишлар шу дастурда давом этса, йирик (нарса) юпқалашиб, юпқа (нарса) ҳалок бўлади, азим (нарса) нозиклашиб, нозик (нарса) ун бўлиб кетади. Елғиз бу мамлакатгина эмас, балки бошқа иқлимлар ҳам сенинг амрингсиз мустақим бўлиши амри маҳол; фожиру фосиқлардан иборат улар бошлиқлари Мавлоно Амиримизда ўз мамлукига нисбатан қанчалик меҳрибонлик ва шафқат борлигини билдилар. Натижада, қўшничилик иллатидан (камина) бу қулингиз олдига ўзларини ташладилар. Гўё муҳтож бечора (киши) карим, бадавлат кишидан рижо тилаганидек, улар Мавлононинг шариф садақаларидан умидвор бўлдилар. Ҳар қачонки Мавлонодан итоат қилинадиган фармонлар содир бўлса, барча қулинг ва у жамоадан ҳар бири уни қабул билан қарши олади. Улар олий ҳимматли амирларини итоат ва самъ билан қабул этадилар. Агарки (Мавлононинг) муродлари молдунё жамлаш бўлса, бу қулингиз ҳар ҳолда шунини ҳам бажо келтиради. Мавлоно Амирнинг садақасидан бўлак қулида мол-дунё қаердан ҳам бўлсин? Бу қилинган арздан (ушбу) қулингиз кўзлаган мақсад икки томондан қулфатни кўтариш ва мушкул ишни осон қилиш ва ўз қўшнисининг ҳақини ҳимоя тутиб, пайғамбар алайҳиссаломнинг: «Ҳамиша Жабраил менга қўшни билан (яҳши) муносабатда бўлишни тавсия қилади», деган сўзига амал қилишдир. Мавлононинг улуғ раъйлари олий, ҳурматлик ва (ҳамма нарсадан) авлоки, қулингиз ушбу рижосини умидсиз қилса!»

Темур унинг сўраганига рози бўлиб, ундан кўп миқдорда мол-дунё келтиришни талаб қилдики, бу мол-дунё хоҳ уларниқидан, хоҳ унинг ўзиникидан бўлса ҳам фарқи йўқ эди. Шайх Иброҳим:—«Мен бунга кафилман»,— деди ва сўралган бойликни Темур хазинасига бекаму кўст етказди. Кейин Темур жўнаб кетиб, қишловини Қорабоғда камолга етказди. Бу 806 (июль), 1403 — июнь 1404 йилда (бўлган) эди.

ТЕМУРНИНГ ЎЗ ЖИЛОВИНИ ВАТАНИГА ҚАРАБ БУРИШИ ВА ФАСОДИНИ КАМОЛИГА ЕТКИЗГАЧ, ЎЗ МАМЛАКАТИГА ЮЗЛАНИШИ БАЕНИ

Қачонки коинот пардозчиси ушбу макон келинчагини зийнатлаб, ердан олинадиган замон асосларини бино қилиб, ўсувчи кучлар қўзғолгач, пардада бўлган баланд чўққилар ўз жамолини намоен қилган, иссиқ буғлар кўтарилиб, ҳашаротлар ўрмалагач, Темур ҳам (бу ердан) кетишга қўзғолди. Унинг аскарларини тирилтирадиган кимса совуқ ўликлар зараркунандаларига дам урган эдики, «бирдан улар илондек ҳаракатга тушиб кетди»¹⁰¹². Натижада, ноғоралар чалиниб, унинг садосига қаттиқ момақалдироқ овози акс садо берди, либослар ойналари ялтиради, улардан яшин ўқдек чақнаб, инъикосланди ва ўз қабулини тоғ кунгураларида намойиш қилди. Унинг тоғдек тўдаларини қавсу кўзаҳ (ёй) ўраб олди, у отларини ёпиқлари ичида юргизди, тўдалари гуруҳлари ўша тоза бўшлиқда гулу райҳон ораларига мутакаббирона ўралдилар. Туялар юриб, тоғлар ёнидан гўё булутлар ўтгандек ўтди; қалин тўдалар юрдик, чанг туманларидан булутлар мисоли бўлди. Найзалар кўгарилдики, улар гўё мойил эгиладиган новдалар мисоли, қиличлар тебрланди, натижада арпалар таналарида сув ариқчалари очилди. Ханжар ва найзалар тиллари гўёки дарахт шохлари тебрангандек, у ёқ-бу ёққа қимирлади; тўдалар байроқлари ёйилдики, гўё гулларнинг машҳурлари тоғ қирраларида сочилди. Хулласи калом, баҳор ўз яшннию (қора) булутлари, ўз момақалдиروғию гулдураган овози, қалин ўсган дарахтзорлари, тепаликлари, гилам сиегари тўшаклари ва ёстиқлари, ўзининг қалин чанг-тўзонлари, қип-қизил гуллари билан тоғлари, гуллаган дарахтларию чодирини

ни, буталари билан ёйларини, амр-наҳий шамол-осифаларини қаро тўдалари билан кўк қум тўдаларини, яшил гуллари билан ярқираган камонларини, оқувчи селлари билан аскарларнинг юришини, қаттиқ шамол эсганда қалин дарахтларининг мавж уриши, унинг қўшилари денгизи нэтироби билан ҳикоя қилди. Натижада, Темур ушбу «ранд»¹⁰¹³ ва «арор»¹⁰¹⁴ оралиғида бўлиб, хотиржам кайфият билан Самарқандга қараб давом қилди. Шод-хуррамлик унинг надими, хурсандчилик унинг умр йўлдоши, кибрлик унинг (доимий) мулки, яхши кайфият унинг ҳамсуҳбати бўлган ҳолда юрди. Токи у Озарбайжон вилоятини кесиб ўтиб, узангисиний Хуросон ерларига қўймагунича, йўл-йўлакай унинг ишлари бошдан оёқ нес-нобуддан иборат бўлиб, бу иқлим подшоҳларни тожу-тахт эгалари унинг хизматида эдилар.

БУ АТРОФ ПОДШОҲЛАРИНИНГ ТЕМУР ИСТИҚБОЛИГА ЧИҚИШИ, КЕЛГУСИ ҲОЛАТИНИНГ АФЗАЛ БУЛИШНИ ТАБРИКЛАБ, УНИНГ ҲУЗУРИГА КЕЛИШЛАРИ БАЁНИ

Мамлакатлар атрофлари бир-бирларидан Темур ўз ватанига равона бўлганини эшитгач, шу маконлар атрофидаги подшоҳлар ва унинг теварагидаги марозибалар¹⁰¹⁵ Темурга пешвоз чиқдилар, қавм бошлиқлари ва олийжаноб саййиндлар унинг истиқболига шошилдилар; Мовароуннаҳр ва бошқа жойлардан эътиборли ва марҳаматли кишилар унга томон ошиқдилар. Турли иқлимлар устунлари, турли вилоят ва атроф-четлар подшоҳу султонлари унга томон учиб келдилар. Кимки агар бирон чегарада боғлиқ бўлиб ёки бирон ишни пишиқлашда машғул бўлса, ўз ноиб ёки элчисини, ҳожиб ёки вакилини юборди. Улар Темурнинг (ватанига) қадам қўйиши билан бир-бирларига башорат берар ва Ҳинд, Ироқ, Рум, Курж ва Шомда унга насиб этган (зафарлар) билан қутлардилар. Улар (унга) совға-саломлар ва тухфалар тақдим қилиб, зиёфат ва ўтиришлар уюштирардилар. Сўнгра, улардан кейин Темурни саййиндлар, уламолар, машойихлар, акобирлар ва коҳинлар бошлиқлари ва бошлиқлар қоҳинлари муборакбод этдилар. Темур улардан ҳар бирига йўл-йўриқ кўрсатиб буйруқ берар, улар эса самъ ва итоат билдириб, ҳурмат ва су-

кут билан бўйин эгардилар ҳамда улар учун ўзи эга қилган нарсасида қондалар ва асослар тайёрлар эдики, «уларда на қийшиқлигу на эгрилик кўрасан»¹⁰¹⁶. Кейин у улардан ҳар қайсиси билан ўз раъйи тақозасига кўра иш тутарди. Шундай қилиб, у Жайхунга етиб келди. Бу ерда унинг учун кема ва қайиқлар ҳозирланган бўлиб, улар воситасида у дарёдан ўтди. Шунда Самарқанд аҳли унинг истиқболига чиқдики, улардан ҳар бирининг қалби шод ва ҳоли хушнуд эди.

Темур 807 йилнинг аввалларида (июль-август, 1404 йил) Самарқандга кирди. У билан бирга ҳар хил миллатлар тоифаларидан етмиш икки гуруҳи бўлиб, уларнинг аксарияти қадриялар¹⁰¹⁷ ва муржиалар¹⁰¹⁸ эди. Кейин у аскарларидан ихтиёр этиб изн қилдики, улар тарқалиб кетдилар, (шунингдек) Мовароуннаҳр қўшинидан бир қанча тоифалар ҳам (изн бўлгач) ҳар томонга тўзиб кетдилар.

ТЕМУРНИНГ ТОТОРЛАРНИ ШАРҚУ ГАРБГА ВА УНГУ СУЛГА ТУДА-ТУДА (ҚИЯИБ) ТАРҚАТИШИ БАЕНИ

Ўз пойтахтида қарор топгач, Темур тоторларни тўзитишга киришди. Улар (тоторлар) кўп сонли бўлиб¹⁰¹⁹, қурол-яроғларга эга, ботир ва шиддатли (кишилар) эдилар. Темур уларнинг қурол-яроғларини шилиб олиб, улар шавкату шиддатини синдирган бўлса-да, лекин тангри улар ададларини сақлаб қолганди. Шу сабабли Темур уларнинг ботирлигидан хавфланди. У уларнинг жамъларини тўзитиб, улар (ўрнашган) ерларини (улар) тўдаларидан ҳоли қилди. Уларни сахрою сойларга сочди, чўлу биёбону, чеккаларга тарқатди, ташвишли ва унумсиз жойларга ташлаб, турли-туман йиғию навҳа томонларига улоқтирди. Кейин эса улар бошлари билан чегаралар оғизларини тўсиб, беллари билан йўллар дарвозаларини бекитди. Улардан бир тоифани Қошғарга жўнатдики, у Хитой ва Ҳинд чегараси ўртасидаги бир оралиқ (жой) дир; яна бир гуруҳни Исиқўл¹⁰²⁰ деб аталадиган кўлнинг ўртасидаги Дувайрага¹⁰²¹ жўнатди. У (Исиқўл) Темур ерлари ва мўғуллар ўртасидаги чегарадир. У гуруҳга бир қадар бахт тасодиф бўлиб, Темур кейин ўзига қўшиладиган кишилардан ажралажагидек, улар ўзига қўшилган кишилардан ажралдилар. Нати-

жада, улар қоча-қоча бирикдилар ва (Темурга) бошқа қайтмадилар. Улар шимол томонни мўлжаллаб юрдилар ва Дашти (Қипчоқ) орқали ўтиб, Идикуга бордилар. Кейин Темур ҳар бир ҳазин, оҳ тортувчи (тоторлардан) иборат уларнинг қолганлари қабилалари ва уруғларини Арғуншоҳга қўшди ва уни қаттиқ азму қарор билан Дашт ерлари ва Хоразм чегараларига томон отлантирди. Бу (иш) Темурнинг одати бўлиб, унинг фармон ва ишларининг асоси ҳам шундай қурилган эди, чунки у (тўхтовсиз) кўчиб юрувчи шайтонлардан бўлиб, одамларга макр ва алдов ишлатишда ҳийлакор Далла мисоли эди. Ҳар қачон у бирор ўлкада биронта қалъа бино қилса, ёки ўз мухолифлари чегараларидан бирор парча (ер) эгалласа, уларга бу жойдан энг узоқда жойлашган кўрғон ва қасрларда бўлган аскарларини туширарди ва ўша ерга бор кишиларни келтирардики, агар чапда бўлса ўнгга, қибла ёки жанубда бўлса шимолга кўчирарди. Бинобарин, Темур Табриз мулки ва унинг тобеъларини эгаллагач, унга ўз пушти камаридан бўлган ўғли Амираншоҳни ноиб қилиб қўйди ва унга бир тоифа гализ ва шиддатли чигатойликликлар билан мадад берди. Улардан (бири) Оллоҳдоднинг биродари Худойдод эди. Хитой ва Туркистон атрофларига эса икки Ироқ¹⁰²², Ҳинд, Хуросон аскарларидан турли тоифаларни кўчирди ва (аввал) зикр қилинганидек, Шомдан (олиб) келтирган Самақа ибн ат-Тикрийтийни Сайрам шаҳри ноиблигига тайинлади. У (Сайрам), Самарқанддан шарқ томонда (жойлашган) бўлиб, ўн кунлик чамаси йўлдадир. Сайрам орқасида тўрт кунликча йўлда жойлашган Янги Таласга эса Ялбуға Мажнунни ноиб қилиб тайинлади. Бу иккала шаҳар мухтасар минтақалар бўлиб, Сайхуннинг орқа томонидадир ва Туркистонга тааллуқли жойлардандир. Бу иккиси ҳоким ва амир бўлишлари тугул, ҳатто тилга олишга ҳам арзимайдиган (кишилар) эдилар. Аммо Темур ўз ҳузурда Шом бошлиқлари ва унинг кўзга кўринган аъёнларидан бир жамоаси борлигини, ўз ерларида турли миллат хизматкорлари ва бошлиқлари — араб ва ажам ҳокимларидан (бир қанчаси) мавжудлигини — ўзининг у тарафларда жавлон уриб, савлат тўкканини, Шом ва Хитой оралигидаги ерларни эгаллаганини билдириб, ўз ерлари атрофларига ёйиш учун ана шундай қилган эди.

БУЛИМ

Кейин Темур ўз ғойиблигида мамлакати ва раияси ишларида нелар юз берганини суриштириб, еру мулк-лари масалаларини диққат билан ўргана бошлади ва ҳокимларига йўл-йўриқлар кўрсатди; атроф ва чегаралар, теварак-четлар фойдаси тадбирини кўриб, каттаю кичикнинг ғамини еб, бою фақирнинг манфаати билан машғул бўлди. Ўз мулоҳазаси тақозасига кўра барча ашъёларни ўз ўрнига қўйиб, жами мансабу мартабалар жиловини ўшанга сазовор кишилар қўлига тутқаза бошлади. У (гўё) бу шоир айтганига шошилди:

Ануширвонга худо хайр берсин,
бирон кишини пасткашлик ва тубанликка ўргатмади.
Ўз замониди озод халқни қалам тутиб,
амалда хўрлик кўрсатишларига қўймади.

У саййидларни эъзозлаб, кароматлар соҳиблари (бўлган) авлиёларни иззату икромли қилди, илму фанни ва унинг аҳллари ҳурматини ошириб, (уларга) муруватини сочиб, мартабаларини улуглади; у муфсидларни бартараф қилиб, муртадларнинг (илдизини) қуритди, зиногирларни бўғдириб, ўғриларни салб этдирдики, ниҳоят унинг фикрича, сиёсат ишлари мустақим ва риёсат қондалари (эса) Чингизхон тавротига мувофиқ бўлди¹⁰²².

ТЕМУР БИДЪАТ ЭТГАН ҚИРДИҚОРЛАРИ ВА (ЎЗ) МУҲРИ БИЛАН БОСГАН ЁМОНЛИҚЛАРИ ХОТИМАЛАРИ ВА УНИНГ ВАФОТИ ТАЛАБГОРИНИНГ КЕЛИШИ БАЁНИ

Кейин у ўғли Шоҳруҳнинг фарзанди, ўзининг зийрак набираси Улуғбекни уйлантиришга киришди¹⁰²³. У (Улуғбек) шу кунларда, яъни 840 (1436—1437) йилда отаси номидан Самарқанд ҳокимидир¹⁰²⁴. Темур Самарқанд аҳлига зеби-зийнатга ўрналишни, улар устидан жабру ситамларни кўтариб, солиқ ва тўловлардан озод қилишни, уларга омонлик бисотини ёзишни, аҳолидан каттаю кичик, юқори қуйи (табақали) кишиларга фазлу эҳсон билан муомала қилишни, ўз ерларида қилич яланғочламаслик, зулм ва ноҳақлик жорий қилмаслик-

ларини ҳамда уларга (Самарқанд аҳлига) ўз зебу зийнатлари билан Самарқанд этагида, бир милда жойлашган Конигил деб аталадиган жойга чиқишларини амр қилди. У жойнинг ҳавоси мушкдан ҳам соф, суви қанддан ҳам ширин бўлиб, гўё бу (жойлар) жаннат бўстонидан (бўлиб олинган) бир қитъа, жаннат мутасаддийси Ризвон ундан рафлатда қолган. Мен дедим:

У боғда турк оҳуси дармана (ўти)ни еб ўтлади,
Натижада, мушк бу оҳу қонининг бир қисми бўлиб қолди.

У жой ҳавосининг рийҳалари саҳар насимидан кўра латифроқ ва тиниқ сувининг таъми оби ҳаётдан кўра ланз ва соф бўлиб, қудратдан нишона ҳам йўқдур; қушларининг (ёқимли) сайрашлари торга жўр бўлган най сози (садоси) дан ҳам қулоққа ёқимлироқ. Мен дедим:

Зумрад (рангли) бир бисотки, унинг устига
ёқутдан турли алвондаги жавоҳирлар солинган

Шунингдек, яна дедим:

Боғнинг ҳусни учун гўё атиргулу қизил гул бирин-
кетин териб қўйилган,
Унда кумуш, ақиқ, маржон, ёқут, олтиндан
иборат косалар қўйилган.
(Улардан) Бир қанчасининг ичи майдаланган мушк,
бир қанчасининг ичи сочилган тилло (билан
лиммо-лим).

Боғ бизга уларни жилва қилдирди.
Шулар дея забаржаддан бир қанча қўллар ясади.

Хаёлий қувват бўёқчилари (афсонавий) нақшлар бўёқларини қоришни у боғнинг машҳур гуллари ёйилишидан ўрганса, соҳибжамол келинларни пардозлончилар камолат елкаларига зеб беришда у боғ тасвирлари тартиботларидан қилёс олади. Мен дедим:

Гўё унинг тепаликлари, айниқса, тонготарда
турли жавоҳирлар билан безатилган қилич мисоли

У (боғ) иззат-икромлик бойнинг мартабасини орзу қилиб, унга ҳирс қўйган тамаъгир кишининг орзусидан ҳам кенг, очиқ юз, камоли одоб, узоқ умр ва мўл мол-

мулк билан замон унга ёр белган одамларнинг кўзида гуллаб-яшнаб турган ёш йигитнинг кўз қарашидан кўра ҳам покроқдир. У зикр қилинадиган ва дунёда самимияти фаровонлик билан шуҳрат қозонган оромгоҳ жойларнинг бири, чор атрофи нозу неъматларга тўлиқ, бахтусаодат (чашмаси) нинг ибтидоси эди. Мен дедим: «Ундаги лолалар, кўзлар қорачигидан четланиб яшнаб турган рухсорлардир».

Темур аскарлари гарчи мавж ураётган денгиз мисоли бўлса-да ушбу бўстонда гўё қайбир томонда адашиб юрган Бану Исроил (яхудийлар) га ўхшайди.

Сўнгра Темур подшоҳлар, султонлар, тожу-тахтлар эгалари бўлган устунларга боғга чиқиб, унда ёйилшларини амр қилди.

Ушбу чаманзорларда улардан ҳар бирига бир макон ажратиб уларни ўнгу чапга, орқа ва олдинга тартибли равишда қўйиб, улардан ҳар бирига имкони қадрича ўз зебларини зоҳир қилишни ва ўзларида мавжуд бўлган ҳамда турли зийнат ва нақшлар билан безатилган чодир утовларини тикишларини буюрди. Сўнгра, улардан кейин бу бепоён боғ, узун ва кенг чаманзорда улуглар, аъёнлар, амир бошлиқлари ва ёрдамчиларини тартиб билан қўйди. Шунда улардан ҳар бири ўзида бор зийнатларини чиқариб, ўз тенгдошларига бор нарсасини кўз-кўз қилиб имкони қадрича кўпроқ кўрсатишга интилди. Фахрга мойиллар фахрланиб, кибрлик билдирди, мақтанш ва ғурурланиш борасида баландларга парвоз қилди. Натижада, улар бу ашёларни қилишда рўзгорлари саҳифалари ижод этган нарсаларни зоҳир қилдиларки, бу нарсалар улар жиноятларининг сижли (рўйхати) бўлиб, турли иқлиму шаҳарларнинг ажойиботлари, маъданлару денгизлар жавоҳирларидан туҳфалар, нафис, нодир бойликлар эдиким, булар йўлида кишилар жонларини талаб, нафсларини ёндирган эдилар: яна (шундай) гўзал келинчаклар эдиким, улар устида косалаб майлар симириб, чўнтаклар йиртгандилар. Бу яшил боғ гулларини порлоқ юлдузлар камсити олмайди ва бу боғнинг гўзал манзари шодлик тўдаларини қалблар ичкараси томон (тинмасдан) етакларди. Шундай қилиб, бу макон устидаги мақтовли гап кўпайиб, зиёда бўлди. Бутун ер юзига боғнинг гўзаллиги қадри ошиб, баланд бўлди.

Кейин Темур амр қилди; унинг суродиқаларини¹⁰²⁵ бу яшнаган макон маркази қилиб қўйдиларки, гўё у

ушбу айланаётган фалаклар доирасининг (марказий) нуқтаси бўлди. Бу қурилган чодир ва ўтовлар устидаги атрофи ўралиб ўрнатилган бир кўтарма эди. Унда кагга дарвоза бўлиб, у орқали ичдаги мавжуд жой ва манзилларга кенг даҳлиз бўйлаб кириларди. Дарвозанинг иккита баланд шоҳи бўлиб, одамлар уларга бошларини эгар ва (уларни) мушоҳида қилган пайда кишилар эрдан жудо бўларди. Шу икки шоҳ (борлиги) сабабидан бу (жой) «Зу-л-қарнайн» («икки шоҳли») деб лақабланирди. Бу даргоҳнинг ичкарасига Темур учун бир қанча чодир, хайма ва ўтовлар тикдилар. Шулар жумласидан бир чодир бор эдики, унинг юқорию қуйисига олтин билан заркаш берилиб, ичию сирти нафис патлар билан патланган эди. Чодирлардан яна бири батамом ҳарирдан тикилиб, турли-туман нақшлар хилма-хил алвонли бўёқлар билан безалиб тўқилган; яна бошқа бирига бошидан охиригача йирик марваридлар қадалганки, улардан ҳар бир донасининг қийматини барча асрорлар билимдони (тангри) дан бошқа бирор кимса билмайди; яна бири тилло бўлаклари устида турли-туман жавоҳирлар билан шундай безатилганки, у одамзот кўзини ўйнатиб, ақлини даҳшатга солади. Ана шулар оралигига «кумушдан том ёпиб, унинг устига чиқадиغان нарвонлар қурганлар ва ўз хоналари учун дарвозалар ва суяниб ўтириладиган тахтлар ясаганлар»¹⁰²⁶. Уларнинг ораларида нақшли равоқлар, зарҳал берилган чодирлар даҳлизлари ва йўлаклари, кишини ҳайратга соладиган иншоотлар бор эди. Шулар ичда ором олиш учун салқинликлар берадиган (канопдан ясалган) елпиғичлар, фойдали (нарсалар) ва заруратлар, очилиб-қулфланадиган ва қулфланиб-очиладиган нарсалар бор эди. Улар ўзлари зоҳир қилган ғаройиб, қимматбаҳо ашёлар устига ажойиб ситораларни ташладилар. Шу ситоралар жумласидан мовутдан (ишланган) бир ситора бўлиб, Темур уни Султон Боязид хазинасидан олган эди. У (алоҳида) бир қитъа, унинг эни темир газ¹⁰²⁷ билан ўн газга яқин эди. Ситора хилма-хил нақшлар билан нақшланган бўлиб, наботот, иморатлар ва аршлар, турли-туман ҳашаротлар, қушлар, ваҳший ҳайвонлар, кекса ва ёш кишилар, аёллар, болалар расмлари, китобат нақшлари, мамлакатлар ажойиботлари, мусиқа асбоблари ва ҳайвонлар ғаройиботлари суратлари алвонли бўёқлар билан безалганки, улар бекаму кўстлик ва етукликда ўта камолга молик эди. (Улар шундай ма-

ҳорат билан ишланганки) гўёки суратлари ҳаракатга тушиб, сен билан суҳбат қураётгандек ва қуйи эгилиб турган мевалар эса ўзини теринга сени чорлаётгандек туюлади. Бу ситора дунё ажойиботларидан бири бўлиб, у ҳақда (бошқалардан) эшитиш кўз билан кўргандек эмасдир.

Темур суродиқалари олдида бир масофа жойда соявон жиҳозини ўрнатдиларки, унда мубоширлар ва девон арбоблари йиғилардилар. У (шамсияли) қадди олий бир чодир бўлиб, ҳавога бўй чўзган эди. Унинг қирққа яқин устун, рукун ва амудлари бор бўлиб, ана шулар устига соявон рукунларини ўрнатиб, унинг биносини пишиқладилар. Гўё шайтон ва муртадлардан «гап ўғирлаётгандек»¹⁰²⁸ соявон фаррошлари унинг тепасига маймунлар мисоли тирмашиб чиқардилар ва ҳаммани ётган жойидан (кўтариб), кўтарганларидан кейин унинг устида чолиб юришардилар.

БҮЛИМ

Шаҳар аҳли бекитган зебу зийнатларини (юзага) чиқариб, Темур суродиқаларининг рўпарасига, кўзга ташланадиган жойга қўйдилар. Шаҳар аҳлидан ҳар бири ўз ҳоли-қудрати етгунча кўркам бўлишга уринди. Ҳар бир ҳунарманд ўз ҳунарига боғлиқ нарсада жидду жаҳд кўрсатди, ҳар бир санъат аҳли ўз санъатига мансуб нарсада имконидан ҳам ошириб ҳунарини кўрсатдики, ҳатто бир қамиш тўқувчи (қамишдан) мукамал қурол-яроғли бир отлиқни ясаб чиқарди ва унинг суратини камолга етказиб, ҳатто тирноқларию киприқларини ҳам ясади. Унга (отлиққа) зарур бўлган қурол-яроғлардан ёй, қилич ва бошқа тааллуқли нарсаларнинг (ҳаммасини) дақиқ усулда камолига етказиб ясади. Ушбу (анжом) ларнинг барчаси қамишдан бўлиб, уларни ҳеч бир машаққат ва қийноқсиз (ҳаммасини) ўз ўрнига тиклади. Пахта титувчилар пахтадан тиклиги ярашган, баланд, пишиқ ишланган, гўзал суратли нафис ва чиройли бир мезана ясадиларки, у ўз жисмининг оқлигида жаннат ҳуридан кўра ҳам юқори ва бўйининг баркамоллиги (баланд) қасрлардан кўра ҳам баланд эди. Мана шундай ҳайъатда бу мезанани тикладилар. У ўз ҳусни билан одамлар назарини ўзига дол қилар ва қоматининг олийлиги билан бу бепоён мас-

канда ўткинчиларга йўл кўрсатиб турардики, ҳатто у сайёрага бир белги ва ўша бинолар жомеълари устидаги бир минора бўлиб қолди. Шунингдек, заргарлар, темирчилар, этникдўзлар, ёй ясовчилар ва башқа тоифалар ҳунармандлари, мусиқа, ҳазил-мўтонба ва латифалар соҳиблари ҳам ўз ҳунару санъатларини намоён қилдилар. Дарҳақиқат, Самарқанд фозиллар жам бўлган ва фазилат аҳлининг келиб кўнадиган жойи эди. Ҳар бир тоифа ўзи олиб чиққан нарсасини Темур-суродикати ва унинг девони соявони олдидаги ўзига ажратилган жойга алоҳида тартиб билан (териб) қўйди. Булар ҳаммасининг орқасига бозорлар қурилиб, халойиқ ўртасида жарчи карнайлар чалинди, филлар ва отларнинг саралари чиройли жабдуқлар билан безатилди. Халойиққа турли-туман ўйин-кулги ва лаззатлардан баҳраманд бўлиб, истифода қилиш тизгини бўшатиб юборилди. Натижада, бир киши иккинчи бир кишига нисбатан адоват қилиш ёки бўлмаса олий мартабали паст табақалига — хоҳ у шаҳар аҳлидан бўлсин, хоҳ қўшиндан бўлсин — ноҳақлик кўрсатиш, ёки шариф киши авомга заррача хилоф иш қилмасдан ҳар бир талабгор ўз матлубига шошилиб, улардан ҳар бир муҳиб ўз маҳбуби билан суҳбат қурди.

БУЛИМ

Қачонки (бу) ишлар Темур муродига мувофиқ равишда қарор топиб, «ер юзи ўз зийнатига бурканиб»¹⁰²⁹, Темур аскарию шаҳар аҳлидан ясангач, у ўзига хос виқор ва вазминлик билан ушбу чаманзорга томон юзланиб, ўз қавми олдига зийнатига ясанган ҳолда чиқди. Кейин ушбу қорамтир чаманзор забаржади (хризолити) устига тилла ранг ёқутлар (сув) юргизишни буюрди. Шунинг ҳар бир нозирю авом учун фидо қилдики, натижада, унинг оқиминда ҳар бир хосу авом (яйраб) сузди. Сўнгра ўша ернинг осмонида шод-хуррамлик учун фалаклар айланди ва бу ернинг уфқига малоҳат фалакларидан лаззат хабарларини келтирган фаришталар тушди. Шаҳар аҳли (гўё) бекиниб ётган кийиклар эдию (энди) улар бемалол уяларида (керилиб) ётган шерларга айланди. Улар жангу жадал дўзахидан ўйин-кулги жаннатига тушдилар. (Улардаги) мавжуд ғализлик ва дағаллик латофат ва зарофат билан алмашди. Озору

зиёнларидан кейин улар бир-бирига меҳрибонлик қилиб, мен айтган ушбу (шеър) мазмунида (бир-бирлари) билан суҳбат қурдилар:

Бизнинг адлмиз қиличи одамлар орасидаги зулмини

йўқотди,

Бирон ёрдам сўровчи адоват қилувчига ёпишмади,

Қора кўз ов қилган хипча бел, юмшоқ думба,

қаттиқ тутган ошиқ қалбидан бошқа дод фарёд қилувчи йўқ.

Натижада, фақат ўткир кўз қарашни (лаҳза) қиличидан ўзга (қилич) савлат тўкмади. Шу билан бирга, у (қилич) синишга (қайтишга) оиддир. Фақат хипча бел найзасидан бўлак найза жавлон қилмади. Шу билан бирга, у (бел) қучоқ оғушига тушган. Агар шу ерда бўлсанг эди, фақат ўйнатилзётган уд сози ёки куйдирилаётган гушбўй уд ёғочини ёки сузилиб тозаланиб узатилаётган қадаҳни, куйлаётган ашулачини, шароб ичиб говга кўтараётганини, соқийлик қилаётган жорияни, юриб шароб тутаётган соқияни, хушбўй гул юзлини, гул юзли маъшуқни, сўраётган оғиздаги қадаҳни, бўйинга ёпишаётган хипча белини, киши ғанимат билладиган маншат фурсатларини ёки ҳоли ҳақида нашинда этиб, тараннум қилаётган лисонни кўрардинг.

Мен дедим:

Висол баҳорида қочқоқ кийик вафо қилди (қочмади),

Сабо шамоли боғда эсиб (у кийикнинг) келишидан хабар берди.

Анҳорлар шилдиради, шоҳлар сажда қилишга эгилди.

Ҳусни мавжудотни асир қиладиган боғларда йиғилдик.

Бу боғларда ошиқ булут ўз ўстириши билан кеч шамолини келтирди. Булутлар биллурларни устимизга дур сепди.

Ипаксимон боғнинг саҳни устида ёқутдан ясалган жом мавжуд

Ақидан ишланган тишларки, табассум унга зийнатдир.

Кумушсимон кўзларки, ухламасдан термулади.

Дарахт шохларики, бизни турли нафисликлар билан ўраб туради.

Боғ қуши уд шохига учиб кўтарилгач, сайрайди.

Унинг хушбўй ҳиди орасида мушк ҳиди сезилмайди.

Унинг тоза шамоли эганда сабо шамоли касалликка чалинади.

У Фирдавс жаннатики, унда бўлган ой юзи гўё оловдек.

Жаннат боғики, унда умрбод қолишни орзу қиласан.

Э, турли бахтлар билан бирга ишратга эга бўлган бов.
 Унда қучиш, ичиш, қучоқлашдан бошқа нарса йўқ,
 Айланувчи қадаҳлар, ашула ва тўкинлик бор.
 Агар у боғни тақводор киши кўрса эди,
 Унинг гўзаллигидан икки букилар эди,
 Унинг тақвосидан ҳеч нарса қолмасди — фақат инкор қоларди.
 Тур, э ҳамтовоқ! Замон ғамгинликка тўғри келмайди!
 Айш ишрат қадаҳини менга бер,
 бу боғ табиатида замон тасарруфлари йўқ бўлсин.
 Менга тилла рангли шароб, сув, кўкаламзору гўзал юз бер.

Маломатчига бўйсунма, у алдовчидир,
 Унинг тилида галаён бор, уни яқин дўст дема.

Шундай қилиб, осойишталигу хотиржамлик, фароғату тўкинчилик, нархи-наво арзонлиги, орзу хавас ушалиши, замон мўътадиллиги, султон адллиги, тани-бадан сиҳатлиги, вақти чоғлик, нафрат кўтариллиш, матлубга етишиш, маҳбубга висоллик ҳосил бўлди. Мисра: «Нихоясига етгач, узун нарса қисқаради».

Ушбу тўй (тантанаси) да Темурга савлатлилик ва улугворлик, ҳашамат ва дабдабаликдан (шундай) бир (улуг) нарса муяссар бўлдики, ўйлаётгани, бу қадарлик нарса қадим ўтган халифалардан ҳеч бирига насиб бўлмаган ва (бундан) кейин келадиганлардан ҳам биронтасига насиб бўлмайди, гарчи ал-Маъмуннинг¹⁰³⁰ тўйи кечаси остига олтидан (бўлган) тўшак тўшалиб, боши сараланган марваридлар сочилган бўлса ҳам, у (ал-Маъмун) ушбу жавоҳирларга қарамади ва орқалдида сочилиб ётганларни йиғиштирмади ва токи (мана) шундай демагунча давом этаверди — Абу Нувосни¹⁰³¹ худо урсин, — гўё мана шундай деганда у (ал-Маъмун) ҳозир бўлган:

Гўё у (сочилган) оқ — сариқ (жавоҳир)ларнинг каттаю кичиклари,
 Олтин тўшакдаги дур ташландилари-жабидир.

Лекин қудратли¹⁰³² Темурнинг ушбу тўйида подшоҳларнинг қизлари чўри, ўғиллари қул бўлиб, уларнинг ҳар бири тутқунлик мақомида оёқда турдилар. Темур ҳузурига Миср ва Шомдан ал-Малик ан-Носир Фаражнинг вакиллари (қанчадан-қанча) армугон ва совғалар келтирдиларки, шулар жумласидан жирафлар, туяқушлар (бор) эди; Хитой, Ҳинд, Ироқ, Дашт, Синд, Фаранг (европалик) лар¹⁰³³ элчилари ва улардан бошқалар яқин

ва узоқдаги барча иқлимлардан келган вакиллар, ҳар бир мухолифу мувофиқ, дўсту душман (вакиллари) йиғилган эдилар. Келганлар унинг улуғворлигининг шохидан бўлиб, бу тўйда унинг қудрати ва ҳашаматини ўз кўзлари билан кўрсинлар учун Темур ҳаммадан кейин чиқди ва жазоланишдан хавфланмай, оқибатидан қўрқмай, ўша пайтнинг ўзидаёқ бу ишга бошчилик қилди. Мен шеър айтдим:

У мамнун бўлиб худо рижосига эҳтиёжи қолмади.
Кўнган тўқ бўлиб оқибатдан қўрқмади.

У харом (нарс) ларни тановул қилиб, уларни ўзига мубоҳ биларди ва жирканчу ярамас нарсаларни кўп истеъмол қиларди. Бу борада у ўз жамоасига нимани амр қилса, улар унга амал қилардилар ва ўзлари қилган ҳар бир қабиҳ ишда кибрланиб, қилган манфур ишларидан ўзларини тиймасдилар. Мен дедим:

У (Темур) қон тўкиш, бузуқликдан (бошқа) бир живоятга ўтдики,
У (живоят) орқали шарнат ҳаром ҳисобланган нарсани
у ҳалол билди.

Кейин Темур подшоҳлар ва амирлар, уфқлар султонлари ва улуғларини, туманлар оқсоқоллари, аскарлар азимлари ва қўмондонларини таклиф этиб, уларга ўз қўли билан қадаҳлар қуя бошлади ва улардан ҳар бирини ўз биродари ёки ўғли мақомига қўйди; уларга ғоят қимматбаҳо хилъатлар кийгизиб, хилма-хил инъом-эҳсон ва армуғонлар адо этиб, уларнинг ҳар бирини ўз ёнидан¹⁰³⁴ ўнг (томон) ига ўтқазарди. Аммо чап томони эса аёллар ва хонимлар учун (махсус) эди. Дарвоқе, аёллар эркаклардан бекинмасдилар, хусусан, оммавий йиғинлар ва хурсандчилик тантаналарида, Темур бу тантанада чанг ва цитра¹⁰³⁵, уд ва ургун¹⁰³⁶ ашулачини ашула айтдириб, (раққосани) ўз куйига рақсга тушираётган най, ажойиб ва ғаройиб ашула, мафтункор сон, баракатли замон, ёқимли ҳаво тингланадиган фармон, юлдузлар ва тўлин ойлар устида айланадиган қуёш, май тўлиқ қадаҳ, бўшаган чўнтак, бажо келтириладиган иш, ушаладиган орзу орасида давом этиб, ниҳоят ўйин-кулги ва хурсандчилик уни тўлқинлантириб, шод-хуррамлигу мағрурлик уни қулғутди. У мададқордан ёрдам сўраб, қўлини узатиб, ўрнидан туриш учун у

(одамга) қўл чўзди. Одамлар унга ёрдам бердилар, у (ўтирган) ўрнидан туриб тик тургач, кексалиги ва чўлоқлигига қарамай, улар ўртасида тебраниб-тебраниб рақсга тушди. Мен дедим: «Шол одамнинг чапак чалиши, гўнг (одам) нинг сергап бўлиши, чўлоқ (одам) нинг рақс тушиши дунё ажойиботларидандир».

Шунда подшоҳлар ва улуғлар, султонлар ва амирларнинг хотинлари Темур бошига жавоҳирлар ва марваридлар, кумуш ва тиллолар, турли-туман нафис қимматбаҳо ашёлар сочдилар. Уйин-кулгидан ўз ҳиссасини батамом олиб, куёв ўз чимилдигига кириб, ўша орзулар ушалиб, ушбу жамоат тарқамагунча Темур шу аҳволда давом қилди.

Шеър:

Бу айшу ншрат маствозликдан бўлак нарса эмасди,
чунки у (мастлик) кетди-ю, унинг хумори қолди.

БЎЛИМ

Темур ўз дунёсидан кўзлаган муродига болиғ бўлиб, орзуси¹⁰³⁷ камолино тамомига етгач, истаган нарсасига эришиб юқори даражага чиққач ва ўсиш чўққисининг энг олий зинапоясига кўтарилгач — унинг умри ойи гурубига яқинлаб, ҳаёти қуёши ботишига андак қолганда, замон уни (шундай) бир ўқ билан отиб қулатдики, Темур (қайтиб) оёққа турмади¹⁰³⁸. Замон унга фасоҳатли тил билан:—«Э қизилган уй!»— деб нидо қилдики, агар унинг (товушини) эшитса ҳомиладор хотин туғиб юбарди. Мен шеър айтдим:

Асли ҳаёт нарвондан бўлак ҳеч нарса эмас,
Киши унга кўтарилганига қараб йиқилади.
Афсуски, у (тушиш) нарвондан тушиш сингари тушиш эмасдир.
Лекин шу шарт муқаррарки, унга чиқишнинг йиқилиши бор.
Киши қанчалик баланд кўтарилса, шунчалик қаттиқ парчаланadi,

Кейин Темур мастликдан ўзига келиб, ўз аслига¹⁰³⁹ қайтди, ўзининг чегарадан чиққанлигига надомат чекди ва ўз қавмини адаштириб, тўғри йўлдан бошламаганлигини фаҳмлади. Риёсат ишида (ўзининг) ношудлик кўрсатганини, сиёсат ва бошқарувда тубанлашиб кетганини сездди. У мулкга нисбатан ноҳақлик қилди ва салтанат

эгаси ҳақиға нуқсонлардан юзлаб топилди. Издан чиққан (иш)ларни тузатиб, мушкул ҳолатга тушган вазиятларни тўғрилашга киришди.

ТЕМУРГА АЛОҚАДОР ОЛДИН УТГАН БАЪЗИ ҲОДИСАЛАР БАЕНИ

Темур Ҳиндистонда кўнгилни қувнатиб, кўзни яшна-тадиган бир жомеъ кўрган эди. У жомеънинг арши қурилиши бағоят ҳусндор бўлиб, нақши ўзига ёйилган тўшаги каби оқ мрамрдан эди. Жомеъ шакли Темурга ёқиб қолиб, ўзига Самарқандда худди шунинг мисолида жомеъ бунёд қилишни ирода этди. Натижада, шу мақсад учун бир макон ажратиб, ўша (жомеъ) тарзида бир жомеъ қуришларига ва бу жомеъ учун қаттиқ мрамрдан тошлар кесишларига фармон берди. Жомеъ ишини ўзининг ёрдамчиларидан ва девони бошлиқларидан бири бўлган Муҳаммад Жалд деган шахсга топширди¹⁰⁴⁰. Муҳаммад Жалд жомеъ биноси ва унинг рукунларини пишиқлашда жидду жаҳд кўрсатиб, жомеънинг асоси таркиби, тартиби ва зийнатига ҳусн беришда камоли ҳаракатини сарфлади.

Жомеъ устига тўрт мезана кўтариб, уни (биносида) пешқадам бинокорлар ва усталар бир-бирлари билан мусобақа қилиб қурдилар. Муҳаммад Жалд агар бу иш ундан бошқа бирон кимса зиммасига тушганда, у мана шу тарзда уддалай олмас ва ўзи тутган йўлдан юролмас эди ва албатта Темур бу иши учун унга ташаккур билдиради ва унинг ҳузурда (ўзининг) мартабаси юқори бўлади, деб гумон қилди. Темур ўз сафаридан қайтиб¹⁰⁴¹ ғойиблиги вақтида юз берган ҳодисаларни текшириб юриб, ушбу жомеъни кўриш учун унга томон йўл олди. Темурнинг назари жомеъга тушган заҳотиёқ у буюрди, Муҳаммад Жалдни ҳозир қилдилар ва уни юз тубан қилиб, оёқларини боғладилар ва тўхтамасдан унинг юзини ерга қаратиб тортиб судрадиларки, ниҳоят уни шу ҳолатда тилка пора қилдилар ва бутун хотини, болалари ва мол-мулкига эгалик қилдилар.

Бу (жазо) шунг сабаблари бир қанчадир. Улардан энг каттаси шуки, (шу пайт) Темурнинг бош хотини Қатта Малика (ҳам) бир мадраса қуришни буюрган эди. Меъморлар ва ҳандаса аҳли бу мадрасанинг жойи Темур қуришга буюрган жомеъ биноси муқобилида бўлишини лозим топдилар. Кейин улар мадраса рукунла-

рини баланд ва биносини пишиқ қилиб ўрнатдилар. Мадраса табақа ва деворларини жомеъга нисбатан баланд кўтардилар. Натижада, мадраса асоси жомеъ (асоси) дан мустаҳкам, баландликда жомеъдан кўра юқори бўлди. Темур эса қоплон табиат, шер вазият бўлиб, бирон бош унга такаббурлик кўрсатса, албатта уни мажақлар, агар бирон бел унга нисбатан ғурурлик хаёлига келтирса, уни албатта таҳқирга мубтало қиларди. Шунингдек, бирон кимса ўзини унга баробар (тенг) қилса ёки нисбат беришда унга таянса ҳам шу аҳвол юз берарди.

Қачонки Темур ушбу мадраса қоматининг чўзилиб, ўз кемтик жомеъсидан юқори ва баланд эканлигини кўргач, унинг нафрати ошиб, садри ғазабга тўлиб, аланга олди ва жомеъ мубошири (Муҳаммад Жалд) га нисбатан қилган ишини қилди. Умид қилган орзусидан Муҳаммад Жалдга бирон бахт nasib бўлмади. Бу ҳикоя кейин айтадиганимга бир муқаддимадир.

НУКТА (ЛАТИФА)

Бу жомеъ ҳам ўз соҳиби (Темур) каби бўлиб, атрофларини гуноҳ тошлари ўраган, у тошлар жомеъ бўйни ва елкаларига оғирлик қилиб қолган, у (жомеъ) тоқатининг бўйни ўша тошларни кўтаришдан ингичка бўлиб, нозиклашиб, жомеъ томининг тили: «Агар самоёрилса»¹⁰⁴² (оят) ни тиловат қилар эди.

Темур учун жомеъни бузиб, қайтадан уни тиклаш ва биносини ағдариб, янгитдан мустаҳкам қилиб қуриш билан машғул бўлишга имкон етмади. Шунда у жомеъ иморати либосининг йиртиқлигича ва унинг ёғочлари чўпини заифу синиқлигича қолдирди. Лекин Темур ўзининг хос одамларию яқинларига йиғилишиб ўша жомеъда жума номозини ўқиб туришларини буурди. Бу (ҳол) Темур ҳаёт вақтида ва у вафотидан кейин ҳам давом этди. Ҳар сафар одамлар бу жомеъда номозга тўплансалар, унинг тошларидан «худодан кўрқиб тушиб кетадиганларини»¹⁰⁴³ кутиб турардилар ва шу жойдаги тоғлар фаришталари:—«билгинки, тоғни улар тепасига соявондек қилиб тўнкардик»¹⁰⁴⁴,— (оят) ни тиловат қиларди. Кунлардан бир кун ушбу макон одамлар билан лиқ тўлган бўлиб, улардан ҳар бири ўз эҳтиётини кўриб турганда, жомеъ юқорисидаги тошдан бир-икки бўлаги (ерга) тушди. Шунда қимирламай ўтирган ҳар бир (ки-

ши) қочиб, «имомни қойим ҳолда қолдириб, ўзларини эшикка урдилар»¹⁰⁴⁵. Шулар жумласидан (уларнинг) тенгқури ва ўхшашларидан бири бўлган Оллоҳдод ҳам бор эди. Қачонки улар бу хабар ҳақиқатини билгач, (ўринларига) қайтдилар ва улардан беқарорлик кетди. Улар (номоз) фарзини адо этиб, (ташқарига) чиқиб тарқалгач, Оллоҳдод менга:— у фирибгар даҳолилардан ва синчков закийлардан бўлиб, шармандаликлар каъбаси атрофида юз марталаб айланиб, минг марталаб тавоф қилган (киши) эди—«Бу жомеъга «Масжид ул-Ҳаром»¹⁰⁴⁶ ва унда ўқиладиган номозга эса «Салот ул-Хавф»¹⁰⁴⁷ деб лақаб бермоқ лозим»,— деди. Оллоҳдод яна менга:— у қуйидаги мана шу шеър маъносини фаҳмлаган экан—«Бу ибодатхона шаънида нашида тўқилиши ва у нашида тирозининг рақами ҳамда унинг бошланиши (садри) ва бадъийлиги (мажоз) нинг нақши, бир шоирнинг мана шу сўзи бўлиши керак»,— деди.

Солиқлар (пули)дан¹⁰⁴⁸ масжид қураётганингни эшитдим. Худога шукурки, сен бунга муваффақ бўла олмайсан. Гўё ўз фаржини восита қилиб, етимларни боққан хотин каби; э хароб бўлгир хотин! Зино ҳам, садақа ҳам қилмагин.

БУЛИМ

Темур Рум шаҳарларида савлат тўкиб юрганида, унинг фикрида Шарқ ерларини холис қилиб олнш жавлон урарди. Унинг Оллоҳдодга мактуб юбориб, у мамлакатлар авзои тавсифини талаб қилганлиги аввал зикр этилганди. Қачонки у жойлар ҳолатлари (очиқ-ойдин) намоен этилиб, қишлоқлари, музофотлари ва минтақалари унга аён бўлиб, худди ўз басирати кўзи билан мушоҳида этгач, ҳамда у мамлакатлар кайфияти Темур дилда қарорлангач, у тарафга томон бу атроф бошлиқларини отлантирди. Шулар жумласидан Бердибек, Тангриберди, Саодат, Илёс Хожа, Давлат Темур ва улардан бошқа яна бир қанчалар бор эди. Уларга қўшинларидан бир неча тоифасини қўшиб, ҳаммаларини Оллоҳдодга боришларини, Оллоҳдод ўз ишини тартибга келтиришини, йўлга равона бўлишларини ва Бош Хумра¹⁰⁴⁹ деб аталадиган бир қалъани тиклашларини буюрди.

У (қалъа) Ашпарадан ўн кунлик чамаси йўлда, мўғул тўдалари қарамоғидаги жойлардан бўлиб, икки

мамлакат ўртасида низоли бўлганидан, қалъа ишлари изтиробга тушиб, харобага келган эди.

Улар сонсиз-саноқсиз аскар билан ушбу жойга қараб йўл олдилар ва ўз одатларига хилоф равишда иморат (қуриш) билан шуғулландилар. Бу гуруҳнинг йўлга чиқиши 806 йилнинг охирилари (июнь, 1404) ва 807 йилнинг аввалларида (июль, 1404) эди. Бу билан уларбу жойни ўзлари учун мустаҳкам қўрғон ва Хитойга юриш қилиб қайтишларида ўзларига қароргоҳ ва паноҳжой бўлишини кўзда тутдилар. Қачонки улар қалъа асосини мустаҳкамлаб, хилма-хил уйлари ва улар миноси иморатларини тартибга солиб, пойдевор бўладиган тошлардан унинг қадамлари асосларини қуриб, деворлари тепасига белги ва аломатларини кўтаргач, Темур уларга бир фармон юбориб, қалъа ишларини кейинга қолдириб, ўзларини гўё унинг зикрини унутганга солишларини ва (уларни) қайтиб, мамлакатда зироат ишлари билан машғул бўлишларини буюрди. Чунки шаҳар ва қишлоқлар аҳлидан ҳайдаш ва янчиш фақиҳлари, экиш ва суғориш билан машғул бўлган ўру қирдаги фаллоқлар, руздоқи¹⁰³⁰ ва корандалар аҳлининг Самарқанд ҳудудидан тортиб то Ашпарагача (бўлганлари) муомала ва савдо-сотик масалаларини тарк қилиб, суғориш ва экиш дарсида сўзда ва амалда баҳс такрорлайдилар ва ҳар бирлари ўз жамоасига экишда яроқли ўз ашёсини тайёрлашини билдирадилар. Агар бирон киши, гарчи намозини тарк қилишга мажбур бўлса ҳам, деҳқончилигини тарк қилишдан ҳазарда бўлсин,— деди. Бу билан Темур уларни (Хитойга) сафарида ўзларига етарли тайёргарлик бўлишини, бу қийин йўлда ўзлари ва уловларига озиқ-овқат ноқис бўлса, уни зиёда қилишни истади.

Натижада, улар қурилишни ташлаб, амирлардан ҳар қайсиниси ўз диёрини кўзлаб жўнади. Улар ҳўкиз ва уруғларни юзага чиқариш билан машғул бўлиб, худди Темур кўрсатиб, буюргандек жамийки унумсиз (ўлик) ерларга ҳаёт беришда жидду жаҳд кўрсатдилар. Уларбу ишдан фақатгина ёз ўз бисотини йиғиб, куз жарчиси оламга ўз байроғу наमतларини ёйганда фориг бўлдилар.

**АВВАЛГИДЕК ТЕМУРНИНГ ХИТОЙГА АЗМ
ЭТИШИ, «ҲАҚ УЛИМ АЖАЛИ КЕЛИБ»¹⁰³¹,
УНДАН ЕПИҚ (ПАРДА)НИ ОЧИШИ, КЕЙИН
УНИНГ САФАРДАН САҚАР (ДУЗАҲ)ГА
ҚУЧИШИ БАЕНИ**

Темур ўзига келгач, отланиши керак бўлган уфқлар томонига жўнашга тутинди; у теварак-атрофларни, (айрим) мамлакату юртларни ўзига холис қилиб олишни ният қилди. Ўз одатига биноан юриш жilовини Хитой томонга бурди. Чунки (унинг гумонича) бу энг тўғри йўл эди. Ўз аскарлари умматларига хабарчи юбориб, тўрт йил ёки ундан ҳам зиёдга етадиган тайёргарлигини кўриб, ҳозирланишларини хабар қилди. Шунда ҳар бир уммат ўз «расули» даъватига «лаббай» деб жавоб бериб, ўз қабуллари қулоқларига Темур фармонлари сиргаларини тақиб зеб бердилар. Ҳар бир шер (Асад)¹⁰⁵² ўз тайёргарлиги Жавзосини¹⁰⁵³ кўтариб, Темур хоҳиши эчки (Жадй)сини¹⁰⁵⁴ минди, ҳар бир ҳўкиз (Савр)¹⁰⁵⁵ ўз овқати, дони, (Сумбуласи)¹⁰⁵⁶ ни, суғориш челаг (Далв)¹⁰⁵⁷ ини тайёр қилди; улардан ҳар бир чаён (Ақраб)¹⁰⁵⁸, қисқичбақа (Саратон)¹⁰⁵⁹ ўрмалашини қилиб ўрмалади, ҳеч бир меъёрсизу ўлчовсиз таваккалига бандаларга зулм кўрсатиб, улар катта баллиқ (Хут)¹⁰⁶⁰ сузганидек адоват денгизида суздилар. Шу пайт камалак (Қавс)¹⁰⁶¹ ҳилоли ўз совуғи ўқини (ўз) фармони билан ҳар бир қулоққа (хабарга) жўнатдики, у қиш аскарлари бу дунёга ўринлашди,— деб (совуқ) хабар келтирди. Демак, ҳар бир бекаму кўст киши (қишга) тайёрлансин, ҳар бир яланғочу оёқ яланг ундан ҳазарда бўлсин. Бу қишни даф қилишда (шоир айтган) «кофлари»¹⁰⁶² билан кифояланмасинлар, чунки ҳеч қандай «коф» унга баробар бўла олмайди. Зотан бу галги қиш худо аломатларидан бир аломатки, «(Сиз) худо аломатларини масхара қилманг»¹⁰⁶³. Дарҳақиқат, қишнинг келишидан мақсади нафасларни яхлатиш, бурун ва қулоқларни (совуқдан) куйдириш, оёқларни чалиштириб, каллаларни узишдир.

Куз фасли (қиш) қўшинининг (йўл) бошловчиси ва тўдаларининг қўмондони, унинг кўринишидан (бир) намуна, асл хоҳишининг кўзгуси, мукотибаларининг унвони, гуруҳининг муқаддимаси бўлди. Кейин (қиш) ўзининг совуқ шамоллари осифлари билан бақириб ҳай-

қирди ва олам устига келиб-келиб турувчи булутлари чодирларини ёпди. Натижада, унинг ҳайқириғидан (одамларнинг) аъзойи-бадани титради, ҳар бир ҳашарот унинг кучли совуғидан кўрқиб, ўзининг жаҳаннами қаъридан бошпана излади. Оловлар сўнди, кўллар музлади, шохлардан тушган барглар титради, тепаликлардан сойликларга томон оқаётган анҳорлар ўз йўлида йиқилди (музлаб тўхтади), шерлар ўз тўқайзорларига чопиб, кийиклар уяларида яшириндилар, борлиқ бу қиш офати дастидан (худодан) паноҳ тилади, ундан кўркувидан ер юзи саргайди, боғлар рухсорлари губорсимон бўлди, кўкаламзорларнинг жисми сўлиб, улардаги сўлимлик ва кўркамлиқ кетди. «Ер юзидаги набоботлар шамол учириб кетадиган қуруқ чўпга айландилар»¹⁰⁶⁴.

Темур бу насим шамоллари (оғзидан чиқариб) отиб ташлаган лафзларни қабоҳатли билиб, бу пуфлаш дамларини совуқ ҳисоблади ва чодирлар либосларини тайёрлаб, отлар учун жуллар¹⁰⁶⁴ «жубба»ларини¹⁰⁶⁵ ҳозирлашни амр қилди. Ях парчалари ва совуқ (дўл) ўқларига қарши «мубаттана»лардан¹⁰⁶⁶ «дарақ»¹⁰⁶⁷ ва тивитдан «зарад»¹⁰⁶⁸ тайёрлади. Кейин қишнинг мулоқоти учун кийимларни икки баробар кўпайтирди ва у (кийим)ларни ўзининг кескир азми қоматига қуйдириб, уларни ўз қобилняти кифоятича қалқонлар билан мустаҳкамлади. У (одамларнинг) каломню маломатига эътибор бермади, қиш ишига кийган ва тайёрлаган (либослар) ини рўкач қилиб, ҳар бир «коф» ва «лом», яъни «ҳамма нарса (кифоя)» деб ҳисоблади ва ўз аскарига: «Сиз қиш хусусида парво қилманг, у фақат «совуқ ва саломатлик»¹⁰⁶⁹ деди.

Аскарлари жам бўлиб, иши ва фармонлари бир бўлгач, Темур беш юз арава ясашларини ва (оғир) юкларни ортиш учун улар устига темир қоплашларини буюрди. Қиш кириши билан Темур хуружини тезлатди ва қиш унинг умри жараёнини узиш билан фано девонига етишга бошлади. Натижада, у ражаб (январь, 1405) ойида йўлга чиқди¹⁰⁷⁰. Шу пайт шундай қаттиқ совуқ бўлдики, ундан ажабда қоласан! Бирон аянчлига раҳм қилмай ва совуқдан куйган бирон жасадга ҳеч бир ачинмай Темур крди. Ўз саёҳатида у Сайхунга етиб келди, дарё музлаган бўлиб, унинг устига «соф насим»¹⁰⁷⁰ «текис қаср»¹⁰⁷¹ қурган эди. Мен аввал айтгандим:

Денгиз устига қўзилган кўприк кўрдим,
Уни арши илоҳи текис қаср қилган экан.
Унинг ёнида ўтириб, совуқ ва шаробсимон кўза
ёшимни тўқдим,
Кўз ёшларим шишада яхлади.

Темур дарёни кесиб ўтиб, йўлида давом этди ва ўз қайсарлигига ёпишиб олиб, ўжарлик қилаверди. Қиш эса Темур устига ўз балоларини юбориб, «ичида олови бўлган уюрма бўронлари»¹⁰⁷² билан ҳар тарафдан унинг бошига кулфатлар ағдарди. Унинг аскарни набототини ўзининг совуқ изғирини шамоллари билан урдик, қиш бу шамолини тобора кучайтирди. У (Темур) эса бу кўпчилик тўда билан юриб, ҳеч бир асирга раҳм-шафқат қилмади, бирор майиб-синиқни тузатмади. У ўз кийимлари билан қиш совуғини енгмоқчи бўлиб, ўз ёшу қариларига қарамай саҳро билан рақобат қиларди. Кейин қиш ўз совуқ осифалари билан улар ўртасида жавлон уриб, улар ичига ўзининг кучли бўронларини тарқатди; шувиллаган қаттиқ шамолларини улар устига турғизиб, давомли қаттиқ бўронни уларга ҳукмрон қилди. (Қиш) Темур тўдаси орасига жойлашиб: «Шошилма, э бебахт! Ўзингни бос, э қаттиққўл зулмкор?! Қачонгача сен (ўз) ўтинг билан кишилар қалбларини ёндирасан? Оловинг ва (мулкка) ташналигинг билан кишилар жигар-бағрини куйдирасан? Агар сен жаҳаннам икки нафасининг бири бўлсанг, мен эса унинг иккинчисиман. Биз иккимиз мамлакатлар ва одамларни кўпориб, йўқ қилишда кексайдик. Сен икки наҳс¹⁰⁷³ юлдузининг учрашиш сабаби (билан) бахтсиз бўлгин! Агар сен одамларнинг жонини нафасини совутган бўлсанг (ўлдирган бўлсанг), менинг даҳшатли совуғим эсишлари сендан кўра кучлироқ. Агар сенинг отличларинг мусулмонларнинг терисини азоб билан шилиб, уларни яқсонлаб, қар қилиб, азоблаган бўлса, менинг рўзгоримда (эса) тангри ёрдами билан ундан кўра пишиқроқ шилиш бор. Азбаройи худо, мен сени (бу гаплардан) четда қолдирмайман. Мана мен олиб келган (нарса) ларни ол! Худо ҳақи, э шайх, сени райб ул-манун (тақдир бевафолиги) совуғидан ҳеч нарса, на оташкуракдаги чўғ илтижосию на ўчоқдаги алағга иссиғи — ҳимоя қила олади», — деб нидо қилди.

Кейин қиш унинг устига темирни ҳам қирқадиган, қалқонни ҳам парчалайдиган миқдорда қор уюмларини

ёғдириб, Темур ва унинг аскарлари устига қаттиқ совуқ самосидан (беҳисоб) тоғларни қулатдики, уларда дўл бор эди; унинг орқасидан эса қум бўронларини жўнатиб, улар билан Темур одамларининг қулоқларини кўзларини тўлғизди; сездирмасдан бурунларига тикди. Шулар сабабидан уларнинг жонлари ҳалқумларига қараб юрди. «Бу қисир (беҳуда) шамол»¹⁰⁷⁴ теккан ҳар бир нарса ўсиб-унмай, аксинча бузилди. Ернинг машриқини мағрибни бу ёққан қордан қиёмат майдонининг саҳроси каби ёки худо кумушдан қуйган денгиз мисоли бўлиб қолди. Агар (шу пайт) қуёш чиқиб, муз ярқираса, ундан ажойиб бир нарса: осмон феруздан, ер биллурдан бўлиб, улар (иккаласи) ўртаси тилло парчалари билан тўлгандек кўринарди. Агар шу аснода — худо (ундан) сақласин — бирор жонли маҳлуқ устига шамол эсиб қолса, у (жонли)нинг нафасини ўчириб, унинг ўзини, отини, шунингдек, туялари ва туябоқарларини ҳам музлатиб, ниҳоят, ҳар бир ҳоли заиф (киши)ни ҳалок этади. Ниҳоят шундай бўлдики, олов бўлса атиргулдек ёқиб, у (олов)нинг келиши саломатлик ва ёқимлилиқ келтирди. Аммо қуёш эса титраб, унинг кўзи совуқдан музлаб, қуриб, гўё ушбу айтилгандек бўлиб қолди: «Шундай бир кун бўлдики, қуёш у кун совуғи дастидан ўз кулчасига «олов тортилса» деб орзу қилди».

Агар киши нафас чиқарса, унинг нафаслари соқол ва мўйлови билан музлаб, у киши ўз соқолини турли қимматбаҳо зеблар билан безаган фиръавн каби бўлар эди. Агар киши қуюқ бир туфласа, туфуги ўзида ҳарорат бўлишга қарамасдан, ерга бориб тушмай, (фақат) у) яхлаган ўқ каби бориб тушарди. Шундай қилиб, улар (Темур одамлари) ҳаёти ситраси очилиб, улардан ҳар бирининг ҳоли тили нашида эта бошлади:

«Э, раббим! Совуқ қаттиқ бўлди, сен менинг холимдан хабардорсан, энди биладиган эмассан; агар бир кун сен мени жаҳаннамга киргизадиган бўлсанг, мана шу кундан менга жаҳаннам авлодир».

Натижада, Темур аскаридан бирталайи ҳалок бўлиб, қиш улардан каттаю, кичикни қирди. Уларнинг бурун ва қулоқларини (совуқ яхлатиб) туширди. Улар низомларининг банди ечилиб, тарқаб кетди. Қиш эса улар устига шамол бўлиб эсиб, денгиз бўлиб қуйилиб, ниҳоят уларни фарқ қилиб юборди. Улар эса (бундан) ожиз

бўлиб, ҳайратда қолдилар ва «ўз гуноҳлари сабабли (сувга) гарқ қилиниб, кейин жаҳаннамга киргиздилар. Улар ўзлари учун худодан бошқа мададкор топмадилар»¹⁰⁷⁵. Шунга қарамасдан, Темур ўлганларга эътибор қилмас ва юз берган иш(лар) учун афеусланмасди.

**ОЛЛОҲДОДГА ТЕМУР ИУЛЛАГАН БИР
ФАРМОН, У (ФАРМОН) БИЛАН ЖИГАРЛАРУ
ҚАЛБЛАРНИ ТИЛҚА-ПОРА ҚИЛИБ,
МАДОРСИЗЛАНТИРИШИ ВА ОЛЛОҲДОД
УСТИДАГИ (МАВЖУД) КУЛФАТНИ (ЯНГИ)
МАШАҚҚАТЛАР БИЛАН ОШИРИШИ БАЕНИ**

Самарқанддан (Хитойга қараб) чиққан пайтда Темур Ашпарада турган Оллоҳдодга бир фармон йўллаб, бу (фармони) билан уни беқарор қилиб, қовоқлари уясидан уйқуси қушини чўчитиб, учириб юборди. Бу фармон мазмуни ишоратидан Оллоҳдод фаҳм этдики, Темур уни яқсон, болаларини етим, диёрини вайрон қилишни истаб, қаттиқ танглик келтириб, унинг олдидаги барча йўлу йўлакларини бекитди. Ўз амрида Темур унга шундай топшириқлар тавсия қилдики, уларни бажаришдан кўра тоғларни кесиб, қояларни кўчириш осон ва улардан энг арзумаганининг олдида денгизлар сувини сиририш лаззатли эди. Оллоҳдодга буюрилган ишларнинг энг кичигидан (бири) шу эдики, унинг ёлғиз ўзи Темур (аскари) Ашпарага келган куни фақат бир кечага кифоят ейдиган овқат ва отларини тўйдирадиган озик тайёрлаб, иқомат уюштириш эди. Шунга тегишли нарсалардан юз¹⁰⁷⁶ туяга юк бўладиган махсус ун бўлиб, бу (ун) фақат бир кечага мўлжалланарди. Чунки у ўзининг кўп сонли аскари билан Ашпарада фақат бир кечанигина тунайди дейлиб, (фармонда) бундан бошқа (гап)лар ҳам бор эди. Қачонки Оллоҳдод бу мактубдан воқиф бўлиб, бу хитоб мағзию мазмунига тушунгач, у ўзига азоб-уқубат келганлигини билди: унинг оромини бузилди ва бутун ҳаракатини сарфлаб, (айтилган) унни тайёрлашга киришди ва (тўхтаб қолган) тегирмонларни юргизишда жидду жаҳд кўрсатди. Тегирмонлар эса бу ажиб пайтда адабли кишининг ҳолидан кўра ҳам тўхтаганроқ бўлиб, улар сувларининг ариқлари хасис кишининг кафидан кўра ҳам қуриганроқ эди. Қаҳатчилик даври ун гардларини шамолга учирган, анҳорлар (сув-

лари) қонлари тоғлар томирлари йўлларида қотиб қолган, кўз ёшлари эса кўз ички бурчакларига ботиб кетганди. Оллоҳдод ҳар қандай кулфату шиддатга тайёрлаб (бекитиб) қўйганларини сарфлаб, нафис молларини ҳам аямади ва сувни оқизиш хусусида мол-дунёсига суянди. Довюрак эркакларни ёрдамга чорлаб, ҳар бир оқар сув ва кўлмакдан фойдаланди. Иттифоқли¹⁰⁷⁷ дўстлари маслаҳатларини сўраб, улар ёрдамида устига келиб (тушиб) турган балолар чангалидан қутулишга иштирдиди. (Узининг) юзига ёпилиб, очишга тоқати етмайдиган ҳар бир эшикни тақиллатди. Натижада, улар унинг даъватини қабул этиб, нидою садосига жавоб бердилар ва изтиробни аламидан оҳ-вой чекишиб, касалига табиб изладилар. Шер ва қоплон сифатли коронда ва хунармандларни жам қилдилар. Тегирмонларни юргизадиган миқдорда анҳорларни оқизиш учун (бирқадар) иш қилдилар. Улар совуққа инодлик кўрсатиб, сув йўлидаги музликларни парчалай бошладилар. (Бу ишда) улар гўё совиган темирга (болға) урган (темирчи) га ва ўз ваъзи қудрати билан худосиз киши қалбини юмшатмоқчи бўлиб машаққат тортган одам каби бўлдилар. Ниҳоят, Оллоҳдоднинг ғам-ғуссаси энгиллашди, уларнинг чеккан уқубатлари сабабли кўнгли бўшашиб, кўзларидан ёш келди¹⁰⁷⁸. Сўнгра у ғазабли юзларга совуқ насим келиб, улар муздан темир қўлоч билан бир қўлоч ҳам парчалай олмай қолдилар. Агар совуқ насим эсса, сув уни табассумли юз билан қарши оларди. Сувнинг қалби у (одам)лар оловидан музлаб, (улар) тафтидан юраги қотарди. Натижада, (сув) бетидаги нарсалар музлар эди. Шундай қилиб, уларга йўллар тораёйиб, орқаларига қайтардилар ва худди сеҳрланганларга ўхшаб кейинга юрардилар. Шунга қарамасдан, Оллоҳдод мол-дунёни аямасдан: «Э сув! Э одамлар!»— деб мадад тилаб нидо қиларди. Мен дедим:

Уларнинг ҳар бири қуввати борица айлантириб
сув чиқарадиган эшак инсоли,
Сув оқиви учун уни (эшак)ни тўхтатарди,
Ҳар гал уни тўхтатса, бу совуққа қўл келарди.

Ниҳоят, (Оллоҳдод) дўстлари ўртасида (Темурнинг бу амри) мажол етмайдиган топшириқдир, деган иттифоқ воқеъ бўлди. Қачонки (Оллоҳдодга) уларнинг аҳволи баён бўлиб, ўз ҳузурда уларнинг маъзур экан-

ликлари эён бўлгач, Оллоҳдод ўзига ғамгин бахт яқинлашиб, сўзсиз ҳалок бўлишига ишонч ҳосил қилди. У ўзининг чексиз балога учраганлиги ва ўз маҳдумининг улкан бир иш учунгина ундаи нозик тиф талаб қилганлигини билди. Ўз ғанимларини унинг тўғрисида Темурга нима чақимчилик қилганликлари ва душманлари ва ҳасадчиларининг у ҳақида Темурга еткизган (гап)лари Оллоҳдодга келиб етган эди. У Темур дилининг ўзига қарши ўзгарганлигини билиб, уни ўз жомеъси устоси Муҳаммад Жалд билан нима иш қилганлиги унга маълум бўлган ва қандай қилиб Темур уни роса қийнаб, қатл этгани, мол-дунёсини талаб, болаларию аҳлини асир олгани Оллоҳдодга ҳикоя қилинган эди. Оллоҳдод бу кулфатларни ўзига нисбатан неча ҳисса кўп бўлишини (Темурдан) кутиб, унда на қарор, на кечаю на кундуз ором бор эди. У дунёдан қўлини ювиб, ҳаёти, аҳли, мол-дунёси ва бола-чақаси билан видолашганди. (Шу пайт) рўза ойи яқинлашиб, Темур билан мулоқотига ўн кунча чамаси қолган эди. (Ҳолбуки), йўллар узилган, «толиб (Темур) ҳам ва матлуб (Оллоҳдод) ҳам ожиз қолган эдилар»¹⁰⁷⁹. Танҳо байт:

Агар ҳолинг торайса, ҳузур-ҳаловат (ҳам) кут,
Кўпинча ҳоли торлик эркинликка (энг) яқиндур.

УШБУ ЖАББОР ЕНГИЛИШИНИНГ САБАБИ ВА УНИНГ ДУЗАҲГА КУЧИБ, АСФАЛАСОФИНДА ҚАРОР ТОПИШИ БАЕНИ

Ваҳоланки, Темур Утрор¹⁰⁸⁰ деб аталадиган жойга етгунча ўз юришини давом эттираверди. У зоҳиран совуқдан амин бўлиб, ботинан ўздан ибрида¹⁰⁸¹ (касали)ни даф қиладиган нарса тайёрламоқни истади. Шу сабабли таркибида иссиқ даво (модда)лари, ҳушбўйликлар, зарарсиз, фойдали резаворлар солиб ишланган ҳам арағини (тозалаб) ажратиб олишларини буюрди. Чунки тангри бу қудратли руҳнинг Темур ўзи ихтиро қилиб, асослаган зулм сифатларига кўра чиқишини прода этди. Кейин Темур ушбу арақдан танавул қилиб, ҳеч бир тап тортмай ўлчовсиз миқдорда кўпроқ истеъмол қилаверди. У ўз аскарлари ҳол-аҳволини сўрамас, уларга эътибор бермас ва (улар) дуосини тингламасди. Ниҳоят, ўлим қўли унга бир қадаҳ тутқазиб, «уларга

шундай) қайноқ сув ичирдики, бу билан уларнинг ичакларини узди»¹⁰⁸².

Дарҳақиқат, Темур таигри қазосига қаршиликни ва замон (аҳли) билан урушни давом эттириб, таигри таолонинг неъматларини инкор этар эди. Шубҳа йўқки, у нуқсонли (ҳолда) келиб, (кўпдан-кўп) зулмларни орқалаб, зиёда (бўлган) ҳолда кетди.

Ушбу арақ Темур ичаклари ва жигарига таъсир қилиб, унинг аъзойи-бадани қақшаб-титради ва қўл-оёқлари бўшашди. Шунда у табибларни келтириб, касалини уларга кўрсатди. Бу (қаҳратон) совуқда улар унинг қорнига ва пешонасига муз қўйиб муолажа қилдилар. Натижада, уч кеча ўтгач, Темур хўрланиш ва жазоланиш уйига томон кўчиш юкларини боғлади. Унинг жигари пора-пора бўлиб, «мол-дунёси ва болаларининг унга нафи тегмади»¹⁰⁸³. У қон қусиб, ҳасрат ва надоматдан қўлларини тишлай бошлади. Танҳо (байт):

Агар ўлим чангални солса,
ҳеч қандай тумор бефойдадир.

Ўлим соқийси Темурга энг аччиқ қадаҳни ичирдики, шу пайт у ўзи инкор этган (нарсасига имон келтирди. Лекин «азоб-уқубатни кўриб келгирган имони унга фойда бермади»¹⁰⁸⁴. У мадад тилаб дод-фарёд қилди, лекин мададкор топилмади. Унга қараб: «жирканч жасадда бўлган, э инфлос руҳ чиқ»¹⁰⁸⁵. (Э жон!), булганган, золим ва гуноҳкор бўлган ҳолингдан чиққин ва дўзаҳдаги қайноқ сув, сассиқ жой ва фосиқларга қўшни бўлиш сенга муборак бўлсин»,— деган нидо тушди.

Агар унинг бўғилган бўталоқ каби хириллаб, рангининг ўчганини ва осилган туя мисоли икки лунжидан кўпиги оққанини кўрсанг эди! Агар сен азоб малоикаларини золимларнинг диёрларини хароб этиш, улар оловларини сўндириш ва манорларини вайрон қилиш учун башорат бермоққа зоҳир бўлишларини кўрсанг эдинг! «Қофирлар вафот топаётган вақтида малоикаларнинг уларнинг юзларини орқаларига ураётганини кўрсанг эди»¹⁰⁸⁶. Агар сен унинг (Темурнинг) хотинларини ҳошиясини унинг атрофида бўкириб йиғлашларини унинг ёрдамчи ва қўшинининг «ўзлари шунчаки (сохта) интилган кишиларини йўқотганларини»¹⁰⁸⁷ кўрсанг эдинг. «Агар сен уларнинг: «руҳларингизни қўйиб юборинг, бу кун хўрлик азоби билан жазоланасиз, бу шунинг учун»

ки, тангри таоло устида сиз ҳақиқатга хилоф гапни айтгансиз, тангрини (тангрилик) аломатларидан ўзингизни юқори тутиб кибрлангансиз»¹⁰⁸⁸ деб айтаётганларини кўрсанг эдинг!

Кейин малоикалар жаҳаннамдан азобли ва ғализ бир либос келтириб, ҳўл жундан сикларни тортиб олгандек, ушбу руҳни тортиб олдилар. Шундай қилиб, Темур Аллоҳнинг лаънати ва уқубатига кўчиб, унинг алами таҳқири ва азобида қарор топди.

Бу (воқеа) 807 йил, нурли шаъбон ойининг ўн еттинчиси, чоршанба кечаси (18 февраль 1405 йил) Утруп атрофида юз берди¹⁰⁸⁹. Тангри таоло ўз марҳамати билан (бу) хўрловчи азобни бандалар устидан кўтарди, натижада, «зулм қилган жамоанинг орқа таянчи қулатилди, оламлар эгаси бўлган тангрига ҳамдлар бўлсин»¹⁰⁹⁰.



Мусаввир И. Митирёв
Техн. муҳаррир Н. Сорокина
Кичик муҳаррирлар Ш. Ғофурова, Ф. Каримов
Мусаҳҳиҳлар М. Саидбоева, Ш. Худайбердиев

ОИБ № 1220

Тершига берилди 13. 11. 91. Босинга рухсат этилди 07. 01. 90. Ҳаҷми 84×108^{1/2}.
№ 2 қозға «Литературная» гарнитурда юқори босма усулида босилди. Шарҳи
б. т. 17. 64. Шартли бўёқ ҳажми 17. 85. Нашр тобоғи 18. 5. Тиражи 25000.
Букрима № 3272. Баҳоси шартнома асосида.

«Меҳнат» нашриёти, 700129, Тошкент, Навоий кўчаси, 30. Шартнома № 211—91.

Ўзбекистон Республикаси Матбуот давлат қўмитаси Ф. Ғулом номидаги
нашриёт-матбаа биғлашмасининг 1-босмаҳонасида босилди. 700002. Тошкент,
Сағбон кўчаси. 1-берк кўча, 2-уй.